

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ  
«ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОНГА МАДАД  
ФОНДИ» — СОРОС

КАРИМ ШОНИЁЗОВ

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

## Таҳрир ҳайъати:

т.ф.д., проф. *АЛИМОВА Д. А.*, т.ф.д., проф. *АРИФХАНОВА*  
*З. Х.*, т.ф.н. *АБДУЛЛАЕВ У. С.*, т.ф.н. *АШИРОВ А. А.*,  
т.ф.н. *СОАТОВА С. А.*, *ҚАЮМОВ А.*

## Тақризчилар:

т.ф.д., проф. *СУЛАЙМОНОВ Р. Ҳ.*,  
т.ф.д., проф. *МУКМИНОВА Р. Г.*

Ш78

### **Шониёзов Карим.**

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни /Таҳрир ҳайъати: Д. А. Алимova, Э. Х. Арифханова, У. С. Абдуллаев ва бошқ. — Т.: «Шарқ», 2001. — 464 б.

Ушбу монография кўҳна ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг шаклланиш жараёнига бағишланган. Мазкур китоб ёзма, тарихий, археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда ўзбек халқининг асосий негизини Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Тошкент воҳасида ва уларга туташ ҳудудларда қадимдан яшаб келган туркийзабон аҳоли ташкил этганлиги тўғрисида фикр юритилади.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган этник компонентлар, уларнинг этник тарихи, яшаган ҳудудларига ҳам тўхталиб ўтилган. Марказий Осиёда, хусусан Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган илк аждодларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, этник таркиби, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқаси, уларнинг ўрта асрларда ўз мустақилликлари учун олиб борган курашлари ҳамда бизгача сақланиб қолган аждодлари тўғрисида сўз боради.

Монография тарихчилар, археологлар, гуманитар йўналишдаги барча олимлар, шунингдек, талабалар ва аспирантлар, умуман Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши билан қизиқадиган китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**ББК 63.5(5У)**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2001.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш тарих фанининг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳамдир. Ўзбекистон мустақиллиги ва ўзбек халқининг этномаданий жиҳатдан тикланиши шароитида унинг миллий ўзлигини англашини кучайтириш учун теран тарихий билим ва тарихий жараённинг этник ранг-баранглигида халқнинг ўз муносиб ўрнини аниқ-равшан идрок этиши катта аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон ўзининг этник тарихини билишни истайди. Халқ мустақилликка эришган ва ўз суверен давлатини қуришга киришган даврда ўз илдилари, этник авлод-аждодларини билишга интилиши кучаяди.

Республикада кўп жыллик ўзбек халқи тарихи яратилган, лекин унда ҳар қандай халқ тарихининг асосий мавзуси бўлган этногенез ва этник тарих акс этмаган. Ўзбекларнинг этник тарихини ўрганиш борасидаги баъзи бир олға силжишлар, фактик материаллар тўпланиб, биринчи ишловдан ўтказилганлигига қарамай, мавзунинг кўпгина қирралари етарлича ёритилмай қолмоқда. Халқ шаклланишининг асосий босқичлари ва муҳим унсурлари, уларнинг этногенетик жараёнларда қатнашув даражаси, минтақанинг қадим аҳолиси билан тарихий ворисийлиги ва генетик алоқалари, ўзбек миллати шаклланиши ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлиши ва бошқаларни аниқлаш шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда республикада бу саволларга жавоб топиш мумкин бўлган умумлаштирувчи тадқиқот мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўзаро яқин гуманитар фанлар (археология, антропология, эпиграфика, лингвистика, этнография ва бошқалар) томонидан ўзбеклар ва минтақадаги бошқа халқларнинг этногенези, этник тарихининг кўплаб масалалари бўйича катта миқёсдаги фактик материаллар тўпландики, улар халқимиз та-

рихидаги мазкур бўшлиқларни тўлдиришга имкон беради.

К. Ш. Шониёзовнинг ўқувчиларга тақдим этилаётган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» монографияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида мазкур мавзуда яратилган илк жиддий тадқиқот ҳисобланади. Унда муаллиф ниҳоятда турли-туман манбаларнинг кўпдан-кўп маълумотлари асосида ўзбеклар этногенези ва этник тарихининг ҳаққоний манзарасини гавдалантиришга ҳаракат қилган. Тадқиқотнинг хронологик кўламини унинг муҳимлигидан далолат беради. Зеро, у ўзбеклар тарихи ва уларнинг халқ сифатида шаклланиши билан боғлиқ бир неча асрларни (эрампиздан аввалги II, I асрлардан — милодий XIX асргача) қамраб олади. К. Шониёзов тадқиқоти — олим томонидан қарийб ярим аср мобайнида этногенез ва этник тарих муаммоларининг ўзаро боғлиқ ниҳоятда мураккаб мажмуини ўрганиш маҳсули. Бу китобни ёзиш учун муаллиф узоқ йўлни босиб ўтди. 1964 йили — «Ўзбеклар — қарлуқлар (тарихий-этнографик очерк)», 1974 йили — «Ўзбек халқининг этник тарихидан», 1990 йили — «Қанғ давлати ва қанғилар» ҳамда 1999 йили — «Қарлуқлар давлати ва қарлуқлар» монографияларини яратди. Бу китобларда олим ўзбек халқи, шунингдек, минтақадаги бир қатор бошқа халқларнинг шаклланиш жараёнида турли этник унсурларнинг ролини муфассал кўриб чиқди.

Ўзбек этнология фанида Карим Шониёзовдек Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи бўйича ҳар томонлама кенг билимга эга бошқа тадқиқотчи йўқ. Олим кўплаб тадқиқотлар, жумладан, 6 монография, 200 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган. Ўзининг умумлаштирувчи ишларида у этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқи вужудга келишининг қатор назарий масалаларини идрок этишга интилди. Халқ унинг этноними ва ўзбек тилининг шаклланишидан илгари пайдо бўлганлигидан бу жараён хийла мураккаб кечганлиги маълум. К. Ш. Шониёзов ўз ишларида бу ҳодисанинг қонунийлигини исботлай олди. Мураккаб этник жараёнлар борасидаги методологик қарашларини «Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари» (1998) ва «Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари» (1999) каби мақолаларида баён қилди. Уларда олим халқлар этногенезининг қатор назарий масалаларини тушунтириб берди, ўзбек халқи

шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатди, минтақадаги этник бирликларнинг илмий асосланган таснифини ишлаб чиқди, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги даврлардан ҳозирги кунгача кечган этник жараёнларни даврлаштирди.

К. Шониёзов ўзининг шахсий салоҳиятини ишга сола олган тадқиқотчилар сирасига киради. Тақдир унга кулиб боқмаган, шафқат-марҳаматини дариг тутган бўлишига қарамай, ўз саъй-ҳаракатлари туфайли илмда катта муваффақиятларга эришди. Ёшига тўлар-тўлмас ота-онасидан жудо бўлди; меҳнат фаолиятини жуда эрта — колхозчи-чўпон ёрдамчиси сифатида бошлади. Унинг характери ва курашчи сифатидаги инсоний фазилатлари ўзи бир неча марта ҳалокат ёқасидан қайтган Иккинчи жаҳон уруши оловида шаклланди. Урушдан кейинги ҳаётида у ўзининг тақдирини белгилай олди, бу — тарих илми эди.

К. Шониёзов ўз ҳаётининг мазмунини илмий фаолиятда деб билди, севган ишининг ташвишлари билан яшади, бутун умрини илмда ҳақиқатни излашга бағишлади. Ҳатто оғир дардлар, хасталиклар, урушда олган жароҳатларининг асоратлари муттасил безовта қилиб туришига қарамай, у илмий изланишлардан тўхтамади. Хасталик бир оз чекиниши билан қаламга ёпишар, чунки кўплаб фикрларини илм учун ёзиб қолдириши кераклигини чуқур ҳис қилар эди. К. Ш. Шониёзов касалхонада, ўз илмий фаолиятига якун ясаган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли сўнгги тадқиқотиغا нуқта қўйганча жон таслим қилди.

Тадқиқотда муаллиф биринчи бўлиб ўз олдига минтақадаги этник тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишдан иборат ниҳоятда оғир вазифани қўйди. У бронза даври ва илк ўрта асрлардаги турли этник жараёнларнинг ўзаро таъсирини акс эттирувчи этник жараёнларнинг кенг манзарасини гавдалантириш, ўзбекларнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги энг қадимги аجدодларини кўрсатишга муваффақ бўлди. Шу тариқа ўзбек халқи маҳаллий этник заминда шаклланганлиги яна бир карра ўз исботини топди. Турли сиёсий бирлашмалар тизимида кечган этник жараёнлар босқичма-босқич кузатилди, XI аср бошида Қорахонийлар давлатида ниҳоясига етган ўзбек халқи шаклланишининг асосий даврлари очиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида академик К. Ш. Шониёзовнинг илмий

меросини ўрганиш бўйича комиссия тузилган, у олим асарлари қўлёзмаларини нашрга тайёрлаш бўйича салмоқли ишларни амалга оширди. Шубҳасиз, К.Шониёзовнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақадаги этник тарихни ўрганиш ишига қўшган ҳиссаси жуда катта. Бу ишларнинг аҳамияти, хусусан, илгари ўрганилмаган масалалар катта мажмуининг мураккаблигида яққол намоён бўлади. Уларни ёритиш учун нафақат этнология, балки бошқа ўзаро яқин фанлар бўйича ҳам ҳар томонлама кенг билимлар талаб қилинади. Тадқиқотнинг қийинлиги яна этногенез ва этник жараёнлар назариясининг етарли даражада ишланмаганлиги, кўпдан-кўп зарур манбаларнинг мавжуд эмаслиги, баъзи мавжуд манбалардаги маълумотларнинг эса зиддиятли эканлиги билан изоҳланади. Мавзунинг кўпгина жиҳатлари тарих фанида биринчи марта ёритилади, муаллиф алоҳида муаммолар бўйича ўз фаразларини баён этади. Айни жиҳатдан К. Шониёзов томонидан илгари сурилган қатор фикр-мулоҳазалар илмий доирада баҳсли бўлиб қолмоқда. Чунончи, бир қисм мутахассислар орасида хунлар ва усунларнинг туркий қавмга мансублиги ҳақидаги қарашлар тарқалганлигини назарда тутиб, муаллиф эрамиздан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмидаги Марказий Осиёнинг кўчманчи аҳолиси учун билингвизм — икки тиллилик ҳодисаси хос, деган хулосага келади. Муаллифнинг фикрича, эрамиздан аввалги III—II асрлардаги Қанғли давлатининг тили туркий тил эди. Ҳолбуки, қадимги қанғли аҳолисининг тили ҳақидаги масала кўп йиллардан буён ечими кўринмайдиган баҳсли муаммо ҳисобланади, бу борада мутахассислар ҳали ягона тўхтамга келганлари йўқ. Ўрта асрлардаги манбалар орқали маълум бўлган қанғар этносининг қадимги қанғлининг вориси эканлиги тўғрисидаги хулосага ҳам қўшилиб бўлмайди.

Мазкур тадқиқотни ўқувчилар эътиборига ҳавола этар экан, таҳрир ҳайъати муаллифнинг барча фикрлари ва нуқтаи назарлари ҳам мунозарадан холи эмаслиги, уларнинг баъзи бирлари келгусида янада ўрганиш ва аниқлашни тақозо қилиши, бу билиш ва илмий ҳақиқатни топишнинг қонуний жараёни эканлигини эътироф этади.

**Ислом КАРИМОВ**

## **КИРИШ**

Юртимизнинг миллий истиқлолга эришиш шарофати билан ўзбек халқининг этник тарихини чуқур ўрганиш ва уни ҳаққоний, ростгўйлик асосида ёритиш ҳамда миллий қадриятларимизни тиклаш вақти келди. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек, «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлларимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак»<sup>1</sup>.

Юртбошимиз тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда тарих фанининг янги йўналишларини белгилаб, миллий тарихимизга янгича ёндашиб, уни асл манбалар асосида ёритиб, чуқур таҳлил қилишни таъкидладилар<sup>2</sup>.

Ҳар бир тарихчи олим президентимиз кўтарган масалаларни баҳоли қудрат ёритиб, халқимиз тарихини ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи этник тарихини, жумладан, этногенезини ўрганиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Бу борада тадқиқотчи олимлар талайгина ишлар қилган бўлсалар ҳам мазкур муаммога оид яна бир қанча масалалар ҳанузгача ўз ечимини топган эмас.

Ўзбек халқи истиқлолга эришгач, газета-журналларда ва айрим илмий ишларда ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) ҳақида ҳар хил фикр-мулоҳазалар ёритилмоқда. Муаллифларнинг кўпчилиги ўзбек хал-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Тошкент, «Ўзбекистон» 1995, 176-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-маъбаа концерни Бош таҳририяти, 1998.

қи пайдо бўлишини қадимлаштириб, унинг этногенезини саклар, хунлар ёки турк хоқонларидан бошлайдилар. Баъзилари эса ўзбек халқи фақат туркий этнослардан ташкил топган деб биладилар, улар бошқа (туркий бўлмаган) этнослар билан аралаштириш натижасида ҳам ташкил топганлигини инобатга олмайдилар. Қалам соҳиблари қаторида шундайлари ҳам борки, улар ўзбек халқининг келиб чиқишини Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Тур ёки Туркдан бошлайдилар.

Маълумки, узоқ ўтмишда хионийлар ва улар таркибидаги барча қабилалар Шимолий Хитойда, Сибирда, милодий I—II асрларда эса бепоен Қозоғистон чўлларида яшаганлар. Уларнинг айрим гуруҳлари шу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига ҳам келиб жойлашганлар. Турк хоқонлиги Мўғулистон ва Еттисув ҳудудларида (VI аср ўрталарида) ташкил топган. VI аср охири — VII аср бошларида Турк хоқонлари Мовароуннаҳрда, ғарбда Орол ва Каспий денгизлари атрофларидаги катта ҳудудда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар.

Турк хоқонликлари даврида ҳам икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғига, Хоразм ўлкасига ва уларга туташган минтақаларга туркий халқлар, қабилалар келиб ўрнашган эдилар. Демак, Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолиси хионийлар ва турк хоқонликлари давларида келган этнослардан ташкил топган ва улардан ўзбек халқи келиб чиққан деган фикр туғилади. Шундай бўлиши мумкин эди, қачонки хионийлар ёки турк хоқонликлари Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллаганда бу ҳудудларда улар келмасидан олдин ҳам аҳоли яшамаган ёки уларнинг зарбасидан бу ерларда яшаб келган халқлар батамом қириб юборилган бўлса. Тарихдан бизга яхши маълумки, униси ҳам, буниси ҳам бўлмаган.

Хионий қабилалари кириб келган кезларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида хоразмликлар, сўғдийлар, кушонлар, қанғарлар ва бир қанча бошқа халқлар яшаган. Бу ҳудудларни Турк хоқонлиги эгаллаганда (VI асрнинг иккинчи ярми) эса хоразмликлар ва сўғдийлар қаторида кидарийлар, хионийлар, эфталлийлар ва бошқа халқлар ҳам бўлган.

Турк хоқонлиги ҳукмронлигини ўрнатганда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудидан хоқонликка итоат қилмаган этник гуруҳларгина чиқиб кетган, холос. Аҳоли-



нинг аксар кўпчилиги ўз ўринларида бу ерларга янгидан келиб жойлашган туркий халқлар билан бирга бўлган. Демак, икки азим дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразм ўлкаси қадимдан нуфузли ўлкалар бўлган, бу ҳудудлар ҳеч вақт аҳолисиз қолмаган. Айрим қаламкашлар таъкидлаган фикрларга асосланиб, ўзбек халқининг келиб чиқишини фақат хионийлардан ёки VI—VII асрларда келиб ўрнашган туркий халқлардан бошласак, унда ўзбек халқи туб ерли аҳоли асосида эмас, балки келгинди этник гуруҳлар асосида шаклланган бўлиб чиқади. Масалага бу йўсинда қаралса, халқимизнинг тарихи ва маданият илдизлари анча саёзлашиб қолади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан яшаб келган, бой тарих ва маданият яратганлар аجدодларимиз бўлмай қолади, улар яратган моддий маданият ва маънавиятдан четлашиб қолган бўламиз. Масалага бу тарзда қараш ҳақиқатга тўғри келмайди. Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизи эса қадимги туркий халқлардан бошланган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши — ўзаро синтез ўзбек элатини ва кейинчалик миллатини ташкил этган. Ҳар қандай халқ алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб маълум бир ҳудудда, маълум тарихий даврда шаклланади. Ўзбек халқи аجدодлари ҳам элат бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида, ҳамда уларга туташ бўлган минтақаларда шаклланган. Бу ҳудудларда антик даврларда деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган бахтарликлар, хоразмликлар, сўғдийлар, фарғоналиклар, шошликлар яшаб келган эдилар. Чўл зоналарида саклар, массагетлар ва бошқа кўчманчи қабилалар жойлашиб, асосан чорвачилик билан шуғулланганлар.

Тарихчи, шарқшунос ва тилшунос олимлар (С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер, А. А. Фрейман, В. А. Лившиц ва бошқ.) юқорида тилга олинган халқларни шарқий эрон тилига мансуб этнослар бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Балки шундайдир. Антик даврда, унинг биринчи яримларида, Марказий Осиё минтақаларида туркийзабон этнослар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Қадимги Юнон ва Эрон манбаларида буларни ҳам эрон тилли қабилаларга қўшиб, сак-массагетлар деб қайд қилган бўлиши мумкин. Сўзсиз, бу масалалар чуқур ва изчил тадқиқотларни талаб қилади.

Мовароуннахр ва Хоразм минтақаларига айрим туркий қабилалар милоддан олдинги II—I, милодий I асрларда келиб ўрнашганлиги борасидаги аниқ маълумотлар Хитой воқеанависларининг ахборотларида учрайди.

Милоддан олдинги III асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида Қанғ давлати ташкил топди. Бу давлат V аср ўрталаригача ўз ҳукмронлигини сақлаб келади. Милоддан олдинги IV—I асрларда Тангритоғнинг шимоли-шарқда яшовчи усунларнинг баъзи гуруҳлари ва Шимолий Хитойда, Жанубий Сибирда ва Жунғорияда жойлашган туркий қабилаларнинг айрим гуруҳлари кўчиб келиб Қанғ давлати ҳудудига ўрнашадилар. Сирдарё соҳилларида икки тилга (эрон ва турк) мансуб ва ўзига хос (ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик) маданиятига эга бўлган этнослар яшаганлар ва улар бир-бирлари билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Бу алоқаларнинг тобора ривожланиб, чуқурлашиб бориши натижасида Қанғ давлати доирасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, янги туркий этнос — қанғар элати вужудга келади. Шундай қилиб эрон тилли халқлар (сўғдийлар, ассианлар, ослар ва бошқ.) билан Сирдарё соҳилларига ва Мовароуннахр минтақаларига, Хоразм ўлкасига келиб ўрнашган туркий этносларнинг кўшилиб, қоришиб кетишлари натижасида қанғар элати шаклланади. Қанғар элати Марказий Осиёда антик даврнинг ўрталарида вужудга келган илк маҳаллий туркийзабон этник қатламни ташкил қилган.

Милоддан олдинги II—I милодий I—II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимида, Зарафшон воҳасида деҳқончилик, хунурмандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган аҳоли (сўғдийлар, ўтроқлашиб қолган саклар ва бошқалар) маданияти (яъни туб ерли аҳоли маданияти) шу ҳудудларга келиб ўрнашган чорвадор туркий этнослар маданияти (кўчманчи халқлар маданияти) билан аралашиб боради. Натижада бир-бири билан қоришиб кетиши туфайли ўзига хос синкретик — маданият ҳосил бўлади. Туб ерли аҳоли билан кўчманчи қабилалар маданиятининг кўшилиши археологик ашёлар билан ҳам тасдиқланган. Археологлар бу маданиятни қангюй ёки қовунчи маданияти деб номлаганлар.

Милодий I—II асрларда Қанғ давлати жуда катта ҳудудга (Зарафшон воҳаси, Қашқадарёнинг юқори

оқимлари, Хоразм, Орол денгизининг жанубий, жануби-шарқий ва шимолидаги чўлларидан то Урал тоғ-олди минақаларига) эгалик қилар эдилар. Аммо Қанғ давлатининг асосий худуди Сирдарёнинг ўрта оқимлари ва унга туташ минтақалар Шош воҳаси, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг жануби-шарқий қисми (Чимкент ва Талас вилоятлари) бўлган. Қанғ давлатининг асосий халқи қанғлар шу даврларда Мовароуннаҳр ва Хоразм худудларига бориб ўрнашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида вужудга келган туркийзабон қанғар этноси Марказий Осиёда, жумладан, Мовароуннаҳрда илк антик даврларда яшаган (бактрияликлар, саклар, тохорлар, сўғдийлар ва бошқа) халқлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг ворислари бўлганлар. Шунинг учун бўлса керак, қанғарлар маданиятининг кўп жиҳатлари Мовароуннаҳр аҳолисининг антик давридаги маданиятига ўхшаб кетади. Айни шу даврларда Ўрта Осиёнинг водий воҳаларида яшовчи сўғдиёналиклар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида Помир—Фарғона антропологик типи тўла шакланган бўлиши керак.

Кейинги асрларда (милодий II—IV) ҳам Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунгориядан, Шарқий Туркистондан айрим қабилалар келиб жойлашганлар. Хионлар (хионийлар), кидарий ва эфталий (абдал) этнослари шулар жумласидандир. Бу этносларнинг келиб чиқиши ҳалигача ойдинлаштирилмаган. Кидарийлар, кўпчилик тадқиқотларнинг фикрича, эрон тилли халқлар бўлган. Аммо бизда мавжуд тарихий манбалар асосида ишонч билан айтиш мумкинки, хионийлар ва эфталийлар туркий тилли халқлар эдилар. Бу ҳақда ишимизнинг тарихий қисмида фикр юритилади.

Мовароуннаҳрнинг сиёсий бошқаруви аввал хионийлар қўлида бўлиб, V асрнинг биринчи ярмида эфталийлар қўлига ўтади. Шу аср давомида эфталийлар Сўғдиёгани, Тохаристоннинг катта қисмини, Шарқий Туркистонни эгалладилар. Марказий Осиёда йирик эфталийлар давлати вужудга келади. Аммо, унинг ҳукмронлиги узоққа бормайди. VI асрнинг 60-йилларида турк хоқонлиги зарбасидан эфталий давлати емирлади.

Ўрни келганда шуни алоҳида уқдириб ўтиш жоизки, қатор тадқиқотчилар эфталийлар туркий халқлар эканлигини тан олмасдан келганлар. Бундан асосий мақ-

сад Мовароуннахрнинг асосий халқи ўтмишда эроний тилли бўлганлигини уқтириш эди. Аммо тарихий манбаларни синчиклаб ўрганган киши масалага бу йўсинда, бир томонлама ёндашиш хато эканлигини тушуниб олиши қийин эмас.

Эфталийлар мағлубиятга учрагандан кейин, уларнинг асосий қисми Мовароуннахр ва унга яқин минтақаларда яшаган эдилар. Уларнинг фақат айрим гуруҳлари (асосан, ярим кўчманчи гуруҳлари) Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчиб ўтган эдилар. Эфталийларнинг айрим гуруҳлари тарихчи-географ Гардизийнинг ёзишича, Хуросонда ҳам яшаган. Мовароуннахрда қолган эфталийлар шу ҳудудда яшаётган қанғарлар билан қўшилиб, туб ерли туркийзабон этник қатламга сингиб кетган ва уларнинг авлодлари ўз этник номларини ҳатто бизгача сақлаб қолганлар. Ўзбек ва туркман халқларининг таркибида XX аср бошларигача абдал этноними мавжудлиги бунинг далили бўла олади. Абдал этник гуруҳи бошқирд халқида ҳам мавжуд бўлган.

Маълумки, VI аср ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибирда, Етгисувда, Шарқий Туркистонда жойлашган бир неча қабилалар бирлашиши натижасида турк хоқонлиги ташкил топади ва қисқа вақт ичида турк хоқонлиги кучайиб, Марказий Осиёнинг катта қисмини, жумладан, Мовароуннахрни эгаллайди. VI асрнинг 80-йилларида турк хоқонлари Эрон Сосонийлари устидан ғалаба қозониб, Хуросон вилоятининг бир қанча ҳудудларини забт этадилар. Аммо бу вақтинчалик эди. Эрон билан турк хоқонликлари орасидаги асосий чегара Амударё бўлиб қолган эди. Фарбда эса турк хоқонлари Волга ва Қора денгиз соҳилларига қўшин тортиб бориб, 576 йили Керчь шаҳрини, 581 йили эса Херсонни ва бошқа бир қанча шаҳарларни қўлга киритиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

Турк хоқонликлари даврида (VI—VIII) Ўрта Осиёнинг Марказий минтақаларига (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразм заминига туркий қабилалар қўплаб келишган ва уларнинг аксарий кўпчилиги шу ҳудудларда турғунлашиб қолганди.

VI—VIII асрларда Мовароуннахр ва Хоразм аҳолисини этник таркибини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: а) қадимдан деҳқончилик, ҳунурмандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келаётган форс-эрон тилли

сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар; б) деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан кун кечириб келаётган туркийзабон аҳоли. Бу аҳоли юқорида қайд қилганимиздек, ўтроқлашиб қолган қанғарлар, хионийлар, эфталийлар ва турк хоқонликлари даврига келиб турғунлашиб қолган бир неча бошқа қабилалар; в) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи бўлиб яшаётган туркий тилли ва форс-эрон тилли этник гуруҳлар. Бу гуруҳлар асосан воҳа атрофларида, тоғ олди қирларида яшаб деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик билан шуғулланиб келганлар; г) кўчманчи, туркийзабон қабилалар. Булар чўлларда ва тоғолди районларда яшаб асосан чорвачилик билан шуғулланиб келганлар.

Юқорида келтирилган Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолиси таркибидан кўриниб турибдики, бу ҳудудларда қадим-қадимдан буён икки тил туркумидаги (форс-эрон ва туркий) халқлар ёнма-ён ва аралаш яшаб келганлар. Булар асрлар давомида биргаликда шаҳарлар барпо қилганлар, каналлар қазиб сув чиқарганлар, деҳқончилик қилганлар, бой маданият яратиб авлодларига қолдирганлар. Шунини ҳам уқтириб ўтиш жоизки, бу икки тил вакиллари асрлар давомида бирга яшаб келишлари натижасида форс-эрон тилли аҳолининг маълум қисми туркийлашади, ўз навбатида туркий тилли аҳолининг айрим гуруҳлари эрон-форс тилини қабул қилиб, сўғдийларга, хоразмийларга ва бошқаларга аралашиб кетганлар. Демак, этносларнинг ўзаро яқинлашиши, аралашуши ва қоришиб бориш жараёни ҳар икки тил вакиллари орасида ўтган.

VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига бостириб кирган вақтларда бу ҳудудлардан фақат айрим кўчманчи қабилалар чекиниб кетган бўлиши мумкин. Турғун ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сўғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб араблар, кейинчалик (IX) Сомонийлар ҳукмронлиги остида яшаганлар.

VII аср охири — VIII аср бошларида Туркеш хоқонлиги ташкил топади. Турк хоқонлиги ва Туркеш хоқонлиги даврларида Еттисувнинг (ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий минтақалари, Қирғизистон ҳудуди) этник таркиби бир хилда бўлмаган. Бу ҳудудларда асосан нушиби, туркеш қабилалар иттифоқи жойлашган. Буларнинг аксарий кўпчилиги кўчманчи қабилалар бўлиб, чорвачилик билан кун кечирганлар. Еттисувда, Буюк Ипак йўлидаги шаҳар ва кўрғонларда деҳқончи-

лик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келган турғун туркийзабон аҳоли қисман сўғдийлар ва ҳар ердан келиб ўрнашиб қолган (кўпинча, Хитойдан, Мўғулистондан) халқлар яшаганлар.

Туркеш хоқонлиги даврида Еттисув аҳолиси билан Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасидаги этник, иқтисодий ва маданий алоқаларда маълум ўзгаришлар бўлган. Айрим жабҳаларда (тижорат, маданият ва маънавиятда) ўзаро яқинлашиш бирмунча ривожланган. Мовароуннаҳрда қатъийлашиб бораётган ислом дини Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги шаҳар ва қишлоқларга ва айрим этник гуруҳларга ҳам етиб борган. Лекин туркеш хоқонлари билан араб ноиблари ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, Мовароуннаҳр билан бўлган алоқалар деярли узилиб қолган.

766 йили қарлуқ қабила иттифоқи туркешлар устидан ғалаба қозониб Еттисув, Исфижоб (ҳозирги Чимкент) вилояти, Шош (Тошкент воҳаси), Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонани эгаллаб бу ерларда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. IX асрнинг иккинчи ярми — X асрда Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлик қилар эди<sup>1</sup>.

Ўзбек аждодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни қарлуқ ва сомонийлар ҳудудида ўтади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, манбаларда қарлуқ давлати ҳукмронларининг «қора», «қорахон» унвонлари кўп маротаба такрорланганлиги боис шарқшунос олим В. В. Григорьев мазкур давлатни шартли равишда «қорахонийлар» давлати деб, давлат ҳукмронлари насабларини «қорахонийлар сулоласи» деб кўрсатган эди. Шундан сўнг бу иборалар бир қатор бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам такрорланди ва бу тарих саҳифаларида ўрнашиб қолди.

Ҳақиқатда эса «қора» атамаси ҳукмронлик қилиб келган хоқонларнинг насабини англазмаган. Бу атама уларнинг унвони бўлиб, «буюкликни», «улуғликни» билдирган. Қарлуқ ҳукмронлари ўзларини «буюк хоқон», «улуғ хоқон» ёки «қорахон» унвони билан улуғ-

---

<sup>1</sup> IX асрнинг иккинчи ярми — X аср охиригача Мовароуннаҳр Сомонийлар давлати таркибида бўлиб, уни Сомонийлар сулоласига мансуб кишилар бошқарганлар. Мазкур давлат доирасида туркий, тожик ва бошқа халқлар, элатлар яшаганлар. Шунинг учун ҳам бу давлатни айрим тарихий адабиётларда қайд қилинганидек, фақат тожик давлати деб қараш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

лаб келганлар. Биз мазкур ишда кейинги иборани қабул қилиб IX—XII асрларда фаол кўрсатиб келган қарлуқлар давлатини Қорахонлар (улуғ хонлар) давлати деб аташни маъқул кўрдик.

Юқорида Марказий Осиё аҳолисининг этник тарихига қисқа назар ташлаб, тадқиқот учун мўлжалланган мавзу — «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» чегарасига етдик. Эндиги мақсад — ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёнини аниқ далиллар асосида илмий таҳлил этишдир. Мазкур мавзунини чуқур ўрганишда тарихий манбалар, археологик, антропологик, нумизматик, лингвистик ва этнографик материаллардан кенг фойдаланилган.

Асл манбаларга ва олимларнинг тадқиқотларига асосланиб, ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёнини, шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиёт йўлини ёритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Қўйилган мақсад қай даражада бажарилганини баҳолаш муҳтарам ўқувчиларга ҳавола.

Албатта, ишда баъзи камчиликлар бўлиши мумкин, агар ҳурматли тақризчилар мазкур ишга ўз фикр-мулоҳазаларини ҳолисона билдирсалар, улардан бениҳоя миннатдор бўлар эдик.

# Г б о б. Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид манбалар ҳамда тарихий маълумотлар

---

## 1. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Асримизнинг 40-йилларигача хорижий ва собиқ СССРда тарихчи олимлар ўртасида ўзбек халқининг этник тарихи XV—XVI асрдан, яъни Мовароуннаҳр худудига даштиқипчоқ ўзбекларининг кириб келишидан бошланади, деган фикр ҳукмронлик қилиб келар эди. Ўрта Осиё халқларининг тарихини мукамал ўрганган олимларнинг кўплари бу ноилмий фикрларга қўшилмаганлар. Шулардан бири таниқли олим, профессор А. Ю. Якубовский эди.

А. Ю. Якубовский 40-йилларнинг бошларида чоп этилган рисоласида ўзбек халқининг шаклланиши масаласига мутлақо янгича, илмий асослар билан ёндашади. Унинг бу масалага қарашларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: кўчманчи ўзбеклар ҳозирги Ўзбекистон худудига кириб келганда, улар бу ерда (ҳар ҳолда унинг катта қисмида), ҳаёт кечираётган туркий аҳолини учратадилар. Бу турғун туркий аҳоли икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида энг қадим даврлардан буён яшаб келаётган (асосан эрон тили) халқлар билан аралашиб, қоришиш натижасида вужудга келган. Даштиқипчоқдан XV асрнинг охири — XVI аср бошларида кўчиб келган кўчманчи қабилалар маҳаллий аҳоли таркибига қўшилган компонентлар бўлиб унга ўзбек номини берган.

А. Ю. Якубовскийнинг фикр-мулоҳазаларидан кўришиб турибдики, ўзбек халқи (этноси) ҳозирги Ўзбекистон худудида Даштиқипчоқ ўзбеклари кўчиб келмасдан анча олдин ташкил топган. Бу хулосаси орқали олим, ўша вақтларда ҳукм суриб келаётган — ўзбек халқи XV—XVI асрларда ташкил топган, деган қараш-



лар ғайриилмий эканлигини аниқ тарихий маълумотлар билан асослаб беради.

А. Ю. Якубовскийнинг бундай қимматли фикр-мулоҳазалари Б. Д. Греков билан биргаликда ёзган йирик монографиясида<sup>1</sup> ҳам акс этган.

Китобнинг учинчи қисмида муаллиф Даштиқипчоққа, Жўжихон улусининг шимоли-шарқий қисмига (Оқ Ўрдадан) XIV—XV асарларда кўчиб келган ўзбеклар, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турғун яшовчи аҳолидан бир мунча фарқ қилганлигини уқтириб ўтади.

Сўзсиз даштиқипчоқ ўзбеклари уруғ-қабилачилик анъаналарини сақлаб, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб, кўчманчиликда кун ўтказиб келганлар. Уларнинг турмуш тарзи, маданияти Ўрта Осиёнинг Марказий минтақаларида яшовчи маҳаллий турғун аҳолидан фарқ қилган. Аммо, улар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудига келиб ўрнашгач, маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб, қоришиб боришлари натижасида умумий иқтисодий ва маданий бирлик ҳосил бўлади ҳамда бунинг асосида кейинчалик ўзбек миллати ташкил топади.

1942 йили Иккинчи жаҳон уруши жадал бораётган бир вақтда (21—29 августда) собиқ СССР ФА Тарих ва фалсафа бўлимининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишланган илмий сессия ўтказилади. Анжуманда илмий жамоага яхши танилган олимлар — С. П. Толстов, А. Д. Удальцов, К. В. Тревер, И. И. Умняков, А. Н. Бернштам, Л. А. Мацулевич, М. М. Герасимов, Н. А. Кисляков, В. В. Гинзбург, А. Ю. Якубовский ва бошқалар қатнашган эдилар. Анжуманда Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва этногенези масалаларига бағишланган бир неча маърузалар бўлган<sup>2</sup>. Маърузачилар Марказий Осиё минтақаларида қадимдан яшаб келган ўзбек, тожик, қozoқ, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг этник тарихи жуда қадимдан бошланганлигини ва булар бир неча этник элементларни ўз таркибига қамраб олиб, мураккаб этник жараёни ўтаб, аввал элат ва кейин миллат бўлиб шакллانганлигини аниқ далиллар билан исботлайдилар.

<sup>1</sup> Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л. 1950. Мазкур монографияни биринчи ва учинчи қисми А. Ю. Якубовский томонидан, иккинчи қисми Б. Д. Греков томонидан ёзилган. Бу китоб 1940 йили ўзбек тилида, Самарқандда чоп этилган эди. Аммо кейинги нашрида биринчи ва иккинчи қисмлар қайтадан кўрилиб, янги маълумотлар билан тўлдирилган.

<sup>2</sup> Қилинган маърузаларнинг тўлиқ мазмуни ёки тезислари, СЭ 1947 VI—VII-сонида (301—326-бетлар) босилган.

Урушдан олдинги йиллари ва уруш арафасида Ғарбий европалик айрим олимлар, хусусан Германияда фашизм мафкурачилари томонидан ирқчилик назарияси кўтарилган эди. Бу назария тарафдорларининг таъкидлашича, баъзи халқлар (масалан, немис халқи) қадимдан аниқ бир халқдан (бошқа бирон халққа аралашмасдан) илдиз олиб, ирқий жиҳатдан тозалигини сақлаб (олий ирқ бўлиб) келган деб даъво қилишган. Уларнинг тушунчасида олий ирқли халқ бошқа иккинчи даражали халқлардан устун бўлиб, улар устидан ҳукмронлик қилиши керак эди. Улар бу шовинистик тушунчани кенг тарғиб қилиб келган. Марказий Осиё халқлари, уларнинг тасаввурида иккинчи даражали халқлар қаторида бўлган.

Тошкент анжуманида йиғилган олимларнинг маърузалари ўша даврда кенг ривож топган шовинистик ва миллатчилик назарияларининг асоссиз эканлигини фош қилиб, масалага тўғри илмий йўналиш беришга қаратилган эди. Маърузачиларнинг барчаси яқдиллик билан халқлар (этнослар) бир эмас, бир неча этник гуруҳларни ўзаро яқинлашишлари, қоришиб боришлари натижасида вужудга келганлигини таъкидлаб ўтган эдилар<sup>1</sup>.

С. П. Толстов ўз маърузасида ғарб олимларини метафизик назарияларидан воз кечишга ундаб, ҳар бир халқнинг этник таркиби унинг бошланғич давриданок мураккаб эканлигини тан олган тақдирдагина, этногенетик муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш мумкин<sup>2</sup>, деган эди.

С. П. Толстов маърузасида ўрганилаётган халқни илк даврларда қайси ҳудудда, қайси жамоада бўлганлиги ва шу ҳудудда яшовчи халқларни аниқлаш Ўрта Осиё халқларининг этногенезини ўрганишда муҳим омил эканлигига алоҳида эътибор беради. Шу фикрга асосланиб «ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати ҳудудида бошланган. Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган» деб таъкидлаб ўтади олим ўз маърузасида.

С. П. Толстов Ўрта Осиё халқларини (тожик, ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ) элат бўлиб шаклланиш

<sup>1</sup> Қаранг: СЭ. 1947. № VI—VII, 148—158. (А. Н. Бренштамнинг маърузаси); 303—305 (С. П. Толстов маърузаси); 305—307 (Л. В. Ошаниннинг маърузаси); 324—325 (А. Ю. Якубовскийнинг маърузаси ва бошқалар).

<sup>2</sup> Толстов С. П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ. 1947. № VI—VII. С. 303.

жараёнининг ниҳоясига етиш вақтини ва бу жараён қайси давлат ичида ўтганлигини тахминий аниқлайди. Масалан, ўзбек аждодлари алоҳида элат сифатида шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етишини X—XII асрда, Қорахонийлар давлати доирасида ўтганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

С. П. Толстовнинг сессияда қилган маърузасидаги барча қимматли фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, шу билан бирга унинг айрим сўзларига аниқлик киритиш лозим бўлади. Юқорида биз олимнинг ўзбек халқининг этногенези Қанғ давлатидан (милоддан олдинги III — милодий V аср ўрталарида) бошланган деган сўзларини келтирган эдик. Тўғри, Қанғ давлати ўрамида мураккаб этник жараён юз берган. Аммо бу жараён ўзбек аждодларига хос этногенетик жараён эди. Шу жараён туфайли Қанғ давлати ичида милоддан олдинги II — милодий I асрлар давомида мутлақо янги, туркий тилли халқ, қанғар элати вужудга келади. Бу элат эрон тилли халқлар билан туркий тилли қабилаларнинг ара-лашиб, қоришиб бориши натижасида ташкил топган.

Милодий V аср ўрталарида эфталийларнинг зарбаси остида Қанғ давлати емирилади, қанғар элати тарқалиб кетади. Лекин исиз йўқолмайди. Улар ўрта асрларда ташкил топган янги этник ва сиёсий уюшмаларга кириб, уларнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осиёда қарийб 750 йил давомида ҳукмронлик қилиб келган Қанғ давлати ўзбеклар ва ҳудуддаги бошқа халқларнинг этник тарихида чуқур из қолдирди. Бу давлат таркибида вужудга келган туркий тилли этник қатлам ўрта асрларда ўзбек аждодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланишига замин тайёрлайди. Қанғ давлати таркибида бўлган қабилалар илк ўрта асрлардаги туркий халқларнинг (қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд ва бошқа) этногенетик жараёнларида ҳам қатнашганлар албатта.

Тошкент илмий сессиясида қатнашган олимлар орасида антрополог Л. В. Ошаниннинг маърузаси ҳам эътиборга моликдир. Олим ўз маърузасида кўп йиллар давомида ўзбек, тожик, қозоқ ва қирғиз халқларининг антропологиясини қиёсий ўрганиш натижасида ўзбек ва тожикларда (қозоқ ва қирғизларга нисбатан) ўзига хос брахицифаллик европеоид ирқий аломат

<sup>1</sup> Толстов С. П. Кўрсатилган асар. 304-бет.

(тип) мавжудлигини аниқлашга муяссар бўлганлигини қайд қилади. Бу антропологик типга у Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги ирқий тип деб ном беради<sup>1</sup>. А. И. Ярхо мазкур типни Помир-Фарғона ирқий тип, деб атаган эди<sup>2</sup>.

Л. В. Ошанин маърузасида Мовароуннаҳрда тил жиҳатидан туркклашиш билан баробар (бир вақтда) тип жиҳатидан монголлашиш жараёни ҳам ривожланиб борганлиги ва монголлашиш ўзбекларда тожикларга нисбатан бир мунча кучлироқ ифодаланганлигини қайд қилиб ўтади.

Л. В. Ошаниннинг Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг этногенезини антропологик материаллар асосида ўрганиб, муҳим илмий хулосаларга келганлиги унинг йирик тадқиқотларида мукамал ёритилган. Л. В. Ошаниннинг ва бир қанча бошқа антрополог олимларнинг ўзбек халқининг этногенези масаласидаги фикр-мулоҳазалар ҳақида қуйида фикр юритилади.

Ўзбек халқининг тарихини ёзишга киришилган кезлари (XX асрнинг 40-йиллари) унинг этник тарихига, хусусан, этногенезига оид қатор масалаларда ноаниқликлар ва хато тушунчалар ҳам давом қилиб келар эди. Яратилаётган ўзбек халқининг тарихи бу хатолардан холи бўлиши лозим эди. Шунинг учун ҳам айрим етук олимлар (масалан, С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский) мавжуд бўлган хатоларга танқидий кўз билан қараб, ўзбек халқи этногенезига оид муаммоларни илмий асосда ҳал қилишга даъват этганлар.

Уша даврлардаги энг қўпол хатолардан бири ўзбек халқининг келиб чиқишини, унинг шаклланган вақтини нотўғри талқин қилиш бўлган. Айрим тадқиқотчилар ўзбеклар келгинди, булар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига XV—XVI асрларда келган, унга қадар улар Мовароуннаҳрдан шимолда, то Иртиш дарёси соҳилларига-ча бўлган кенгликда чорвачилик билан шуғулланиб келган кўчманчи халқ бўлган, деган фикрда эдилар. Ўзбекларни «келгинди» дегувчиларнинг концепциясига биноан кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хоразм

---

<sup>1</sup> Ошанин Л. В. Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии. СЭ. № VI—VII. С. 305—307.

<sup>2</sup> Ярхо А. И. Краткий обзор антропологического изучения турецких народностей СССР за 10 лет (1924—1934). Антропологический журнал. 1936. № 1.

худудларига келгандан кейин (XV аср охирлари — XVI аср бошларида) алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган, деган хулоса келиб чиқади.

Юқорида кўрсатилган этногенетик масалалардаги хато қарашлар қисман А. Ю. Якубовскийнинг 1941 йилда чиққан рисоласида қайд этиб ўтилган эди. Муаллиф 1950 йилда чоп этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг иккинчи жилди учун ёзган кириш қисмида бу масалага яна қайтиб, ноилмий фикр-мулоҳазалардан воз кечиб, тарихни илмий асосда таҳлил қилиш лозимлигини эслатиб ўтади.

А. Ю. Якубовскийнинг фикрича, халқларнинг тарихи, баъзан уларнинг номларидан қадимийроқ, (масалан, тожиклар ва уларнинг маданияти «тожик» номидан анча олдин) мавжуд бўлган. Худди шу фикрни ўзбеклар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Улар (ўзбеклар) Ўрта Осиёнинг марказий худудларида қадим замонлардан буён яшаб келган бўлсалар ҳамки этник (ўзбек) номини тожиклардан анча кейин олганлар. Олим фикрини давом эттириб, қуйидагиларни айтади: Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳоли яшайдиган минтақаларида ўзбек халқининг аجدодлари кўчманчи ўзбеклардан бир неча асрлар бурун яшаб келганлар, аммо у даврларда улар ўзбек деб аталмаган эдилар. Бу ном (ўзбек номи) уларга кейин берилган. Икки дарё оралиғи ва унга туташ минтақаларда қадимдан яшаб келган туркий халқларнинг маданияти сўғд-хоразм цивилизацияси асосида шаклланган. Шу катта тарихий давр ичида туркийзабон турғун аҳоли таркибига бир қанча қабилалар ва халқлар кириб унинг этногенезини ташкил қиладилар<sup>1</sup>. Демак, «халқ ва унинг маданияти баъзан номидан қадимийроқ бўлади» деган хулосани олим яна бир маротаба таъкидлаб ўтади.

А. Ю. Якубовскийнинг Ўзбекистон халқлари тарихининг биринчи жилди учун ёзган кириш сўзида (1950 йил чоп этилган) ва «Олтин Ўрда ва унинг емирилиши» деб номланган монографиянинг у киши томонидан ёзилган қисмларида ҳамда «Ўзбек халқининг этногенези масалаларига оид рисоласида айтилган фикр-мулоҳазалари ўзбек халқининг этник тарихини ва унинг этногенезини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида тилга олинган ишларда

---

<sup>1</sup> Тревер К. Е., Якубовский А. Ю., Воронец М. Э. История народов Узбекистана. Т. I. Ташкент. 1950. С. 8.

А. Ю. Якубовский ёки Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган бошқа биронта олим ўзбек халқининг шаклланган вақтини аниқ белгилаб бермаган. Ваҳоланки, бу масала этногенетик жараённинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

1955 йил ўзбек халқининг тарихи — «Ўзбекистон ССР тарихи» номи билан иккинчи маротаба чоп этилди<sup>1</sup>. Тарихнинг А. Ю. Якубовский томонидан ёзилган учинчи қисмида «ўзбек ва тожик халқларининг шаклланиши» деб аталган махсус банд қўшилган. Мазкур бандда А. Ю. Якубовский ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини икки даврга бўлади. Биринчи давр XI—XII асрларгача бўлган вақтни, иккинчи давр XI—XII асрларни ўз ичига олади. Кейинги асрларда ўзбек элатининг шаклланиш жараёни асосан ниҳоясига етган, деган фикрни илгари суради. А. Ю. Якубовскийнинг ўзбек халқининг шаклланишга оид фикр-мулоҳазалари Ўзбекистон тарихининг учинчи нашрида ҳам такрорланади<sup>2</sup>.

А. Ю. Якубовскийнинг ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини икки даврга бўлиши умуман тўғри. Лекин муаллиф кўрсатган биринчи давр чегараси аниқ белгиланмаган. Аввало бу даврни XI—XII асргача, дейишнинг ўзи тўғри эмас. Чунки бу давр ичида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган эди. Агар биринчи давр XI—XII асргача деб олинса, унда биринчи давр бу саналарни ҳам ўз ичига олиб, иккинчи даврга ўрин қолмайди. Биринчи давр XI асргача деб олинса, ҳақиқатга яқин бўлар эди. Шунда ҳам ўқувчида «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни қачон бошланган, қайси санадан бошлаб ўзбек халқининг шаклланиши тобора ривожланган босқичга ўтган?» деган саволлар туғилиши мумкин. Бу саволларга А. Ю. Якубовский томонидан Ўзбекистон тарихининг иккинчи ва учинчи нашрлари учун ёзилган қисмларда ҳамда муаллифнинг бошқа ишларида жавоб топилмайди.

Ўзбек халқининг шаклланиши ҳақида 1958 йили ўзбек тилида, 1974 йили рус тилида нашр этилган «Ўзбекистон ССР» тарихида ҳам гап кетади.

Ўзбек тилида чоп этилган бир томликда XI асргача бўлган даврларда ўзбек ва тожик халқлари кўп асрлар

<sup>1</sup> История Узбекской ССР, Т. I, книга первая, Ташкент. 1955. С. 269—270.

<sup>2</sup> История Узбекской ССР, Т. I, Ташкент. 1967. С. 380—381.

давомида бир-бири билан яқинлашиб, қоришиб бориш жараёнини ўтайдилар, XI—XII асрлар давомида ўзбек тили ва ўзбек тилида сўзлашувчи ўзбек халқи келиб чиқади, деган фикр айтилади<sup>1</sup>. Сўзсиз муаллифлар бу ерда, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ва халқ сифатида ташкил топган вақтини белгилашда А. Ю. Якубовскийга эргашганлар ва баъзи ноаниқликларга ҳам йўл қўйганлар. Буларда ҳам XI асргача бўлган давр ўзбек халқининг кўп асрлар давомидаги шаклланиш жараёни дейилгану, лекин бу жараён қачон, қайси асрдан бошланганлиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Ўзбек тилидаги бир жилдлик «Ўзбекистон тарихи»-нинг муаллифлари XI—XII асрларни ўзбек халқининг ташкил топган вақти, деб таъкидлайдилар. Юқорида XI—XII асрларда ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ниҳоясига етган даври деб айтган эдик. Агар А. Ю. Якубовскийнинг фикри тўғри деб топилса, унда бир томликнинг муаллифлари элатнинг шаклланган вақти билан бу жараённинг ниҳоясига етган вақтининг фарқи бормаганликлари аён бўлади. Маълумки, ҳар бир элатнинг шаклланган вақти билан унинг шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етиши учун маълум давр ўтиши керак бўлган. Агар XI—XII асрлар ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг ниҳоясига етган даври деб қаралса, у ҳолда бу халқнинг элат бўлиб шаклланган вақти қайси даврга тўғри келади, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга А. Ю. Якубовский ҳамда ўзбек тилидаги бир томлик Ўзбекистон тарихи муаллифлари ишларидан ҳам аниқ жавоб топиш қийин.

1974 йилда рус тилида нашр этилган бир жилдлик — «Ўзбекистон тарихи»да «ўзбек халқининг шаклланган вақтини X асрда деб билиш керак» дейилган. Мазкур китобда ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг бошланиши ва унинг ниҳоясига етган вақти ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса ҳамки, бунда ўзбек элатининг шаклланган санаси ҳақиқатга бир мунча яқинлаштирилган.

1933 йил чоп этилган «Ўзбекистон тарихи»нинг III жилдида «Ўзбеклар халқ бўлиб асосан X аср охири XII асрларда шаклланган» дейилган. Бу сана тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки ўзбек аجدодлари алоҳида бирлик (элат) бўлиб олдинроқ, яъни IX—X аср

---

<sup>1</sup> Фуломов Я. Г., Набиев Р. Н., Ваҳобов М. Г. Ўзбекистон ССР тарихи. (бир томлик) Тошкент, 1958, 150—151-бетлар.

ўрталарида шаклланган эди (бу ҳақда кейинроқ гапирилади). X асрнинг иккинчи ярми — XI асрда шаклланган ўзбек элатининг иқтисодиёти, маданияти ва маънавияти яна ҳам тараққий этиб бораётган даври эди. Бу тараққиёт жараёни XII аср ўрталаригача давом этиб, ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланиш жараёни, етакчи олимлар айтганларидек, ниҳоясига етади.

Ўзбек халқининг этногенетик муаммоларига Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига бағишланган йирик монографик асарда ҳам эътибор берилган. Китобнинг «Ўзбеки» деб номланган қисмининг, «Ўрта Осиё халқлари этник тарихининг асосий босқичлари» бўлимида (муаллифлар: С. П. Толстов, Т. А. Жданко) ўзбек халқининг шаклланиш жараёни қуйидагича тасвирланган: ўзбек ва тожикларнинг энг қадимги аجدодлари Ўрта Осиёнинг маҳаллий халқи ва қабилалари хоразмликлар, сўғдийлар, массагетлар ва саклар бўлган<sup>1</sup>. Тарихнинг илк босқичлариданоқ деҳқончилик билан шуғулланиб келган эрон тилли маҳаллий аҳолининг маълум қисми, дашт-саҳроларда Зарафшон, Фарғона, Чоч ва Мовароуннаҳрнинг бошқа воҳаларида, ҳамда Хоразмга кўчиб келган туркий қабилалар билан аралашиб боришлари натижасида тил жиҳатидан туркийлашган. Ўз навбатида туркий халқлар эрон тилли халқларнинг маданий таъсирида бўлиб, улардан хўжалик юритиш усулларини, деҳқончилик сирларини ўрганган. XI—XII асрларга келиб этник аралашув ва турклашиш жараёнининг энг жадаллашган вақти бўлиб, айни шу асрларда икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида туркийзабон халқ (этнос)нинг асосий ўзаги шаклланган. Кейинчалик бу элат ўзбек этник номини қабул қилган<sup>2</sup>.

Келтирилган концепциядан кўриниб турибдики, бу ерда ҳам ўзбек халқининг шаклланган вақти билан уни алоҳида элат бўлиб шаклланиш жараёнининг якуний босқичи аниқланмаган. С. П. Толстов 1942 йил Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё халқларининг этногенези бўйича ўтказилган конференциядаги маърузасида XI—XII асрлар — ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг ниҳоясига етган даври, деб айтган эди. Бу ерда эсаннинг айтганлари ўзининг илгариги фикрига зид бўлиб чиқаяпти.

<sup>1</sup> История Узбекистана, Т. III, Ташкент. 1993. С. 37.

<sup>2</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. (серия «Народы мира»). Т. I. М. 1962. С. 82.



Ўзбек халқининг этногенетик муаммолари академик Б. Ф. Фафуровнинг ишларида ҳам ёритилган. Даставвал, бу масалаларни олим «Тожик халқининг тарихи» китобининг биринчи ва иккинчи нашрларида қисқача баён қилган эди<sup>1</sup>. Унинг кейинги, «Таджики» номи билан рус тилида чиққан йирик монографик асарида «Ўзбек халқининг этногенез муаммолари» деган алоҳида банд ажратилган<sup>2</sup>. Мазкур бандда Б. Ф. Фафуров ўзбек халқининг этногенетик масалаларини олдинги ишларига нисбатан тўлароқ ёритган. Б. Ф. Фафуровнинг ушбу мавзудаги концепциясини тахминан қуйидагича тушуниш мумкин:

туркий тилли қабилалар ва халқлар Ўрта Осиё минтақаларида қадим замонлардан буён яшаб келадилар. Лекин улар кўчиб юришининг кучайиши VI асрга (турк хоқонлиги даврига) тўғри келади. Кўчиб келиб ўрнашган чорвадор аҳоли (хусусан, унинг қашшоқлашган қисми) вақт ўтиши билан ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланадилар ва суғдийлар, хоразмийлар ва сак-массагетлар билан аралашадилар. Бу жараённинг тобора кучайиб бориши натижасида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли сон жиҳатидан кўпая боради, пировардида ўзбек халқи шаклланади. XI асрда ўзбек элатининг шаклланиш жараёни яна ҳам юқори поғонага кўтарилади. Муаллиф, Сомонийлар даврида (IX—X асрлар) туркий халқ Ўрта Осиё воҳаларида яшовчи аҳолининг талай қисмини ташкил қилганлигини таъкидлаб ўтади. Қорахонийлар даврида (X—XII асрлар) туркий қабилаларнинг ўтроқликка ўтиши ва маҳаллий тожик аҳолисининг (маълум қисми албатта) турклашиши туфайли Ўрта Осиёда туркий халқлар этник жиҳатдан бир мунча кўпаяди. Б. Ф. Фафуров ўз концепциясида фикрини давом қилиб ёзади: ўзбеклар тожик халқи ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар билан баробар қадимги тарих ҳамда аجدодлари яратган маданиятнинг ворисларидирлар. Академик Б. Ф. Фафуров қадимги эрон тилли халқларнинг ўзбек элати шаклланишидаги ролини юқори баҳолайди ва элат шаклланган вақтни (хронологик доирасини) XI аср билан белгилайди<sup>3</sup>. Шу ерда

---

<sup>1</sup> Фафуров Б. Ф. История таджикского народа. Т. I. М. 1949. С. 228. История таджикского народа. Изд. второе. М. 1952. С. 213.

<sup>2</sup> Фафуров Б. Ф. Таджики, древнейшая, древняя, средневековая история. М. 1972. С. 542—549.

<sup>3</sup> Фафуров Б. Ф. Кўрсатилган асар. 543-бет.

Б. Ф. Фафуров «Ўзбекистон тарихи»нинг 1967 йилда босилиб чиққан биринчи жилдида «кейинчалик ўзбек номини олган халқнинг шаклланиш жараёни XI—XII асрларда асосан ниҳоясига етади» дейилган матндан кўчирма олиб, муаллиф «Ўзбекистон тарихи»да айтилган фикрни маъқуллаганлигини билдиради. Бу матндаги «асосан» иборасига аҳамият бериб, халқнинг (айнан ўзбек халқининг) шаклланиши жараёни шундан кейин ҳам давом этишини изоҳлаб ўтади олим.

Б. Ф. Фафуровнинг ўзбек халқининг шаклланиши ҳақидаги концепциясини қисқача қуйидагича яқунлаш мумкин: XI асргача бўлган давр — бу бир неча асрлар давомида бўлиб ўтган этник ва маданий жараён даври бўлиб, бу давр ичида Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли вужудга келади ва бу аҳоли сон жиҳатдан тобора кўпайиб боради. XI асрлар давомида ўзбек халқининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, Марказий Осиё халқларининг этногенези ҳақидаги Б. Ф. Фафуров концепциясида айтилган фикр-мулоҳазалар олдинроқ С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский ва бошқа олимлар томонидан кўтарилган фикр-мулоҳазалардан деярли фарқ қилмайди.

Б. Ф. Фафуровнинг ёзишидан маълум бўлаяптики, ўзбек халқининг чиқиб келишидаги асосий фикрлар даставвал унинг томонидан концепция тарзида айтилган. Кейинчалик бу концепция А. Ю. Якубовский томонидан «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг биринчи нашри учун ёзилган кириш сўзида назарга олинган. Ушбу китобнинг охиридаги нашрида (1967) унинг бу концепцияси яна ҳам аниқроқ ифодаланган<sup>1</sup>. Ҳақиқатда эса бундай эмас, ўзбеклар ва Марказий Осиёда яшовчи бошқа халқларнинг этногенетик муаммолари Б. Ф. Фафуровдан анча олдин кўрилиб, бу ҳақда маълум концепция қарор топганлиги ҳақида юқорида айтилган эди. Бу ўринда фақат айтиш мумкинки, Б. Ф. Фафуров масалага ҳолисона қарамаган.

Ўзбек халқининг этногенезига оид масалалар М. Г. Ваҳобовнинг «Ўзбек социалистик миллати» номи билан ўзбек ва рус тилларида чоп этилган монографияда ҳам ўрин олган. Китобнинг бир боби «Ўзбек элати ва унинг таркиби» деб аталиб, бунда асосан, ўзбек халқи-

<sup>1</sup> Фафуров Б. Ф. Кўрсатилган асар. 543-бет.

нинг шаклланишига оид масалалар кўрилади<sup>1</sup>. Сўзсиз, М. Г. Ваҳобовнинг китоби ўша давр руҳида, марксизм-ленинизм ғояси асосида ёзилган. Аммо адолат юзасидан айтиш керакки, муаллиф ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ҳолисона ҳал қилишга уринади.

М. Г. Ваҳобов ўзидан олдинги, етакчи тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, улар кўрсатган хронологик доирадан чиқмасдан, ўзбек халқининг этник тарихини ва этногенезини уч асосий босқичга бўлади. Биринчи босқич — XI асргача бўлган давр — ўзбек элатининг дастлабки ўзаги шаклланган давр; иккинчи босқич — XI—XII асрлар ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етган давр; учинчи босқич — ўзбек элатининг тараққий этиши ва унинг этник таркиби кенгайиб бориши даври. Кейинги давр то XIX асргача давом этади<sup>2</sup>. Бошқа ерда «ўзбек элатининг асосий ўзаги XI—XII асрларда вужудга келади»<sup>3</sup>, «Унинг шаклланиш жараёни эрамиз бошидан бошлаб то шу вақтгача давом қилди»,<sup>4</sup> деб ёзади муаллиф.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, М. Г. Ваҳобовнинг ўзбек халқининг этник тарихини ва этногенезини босқичларга бўлиб ўрганиш эътиборга сазовор, албатта. Лекин кўрсатган босқичлар баъзи ноаниқликлар ва зиддиятлардан холи эмас, албатта. Масалан, биринчи босқичга жуда катта (эрамизнинг бошидан то XI асргача) давр ажратилган. Қарийб бир минг йиллик давр — ўзбек халқининг шалланиш даври, деб таърифланади. Демак, шу катта тарихий давр ичида ўзбек халқи шаклланиб келади. Муаллифнинг бу фикрига қўшилиш қийин. Бу бир минг йиллик давр ўзбек халқи этник тарихининг маълум даври бўлиши мумкин, аммо шу катта даврни ўзбек халқи шаклланган давр деб айтишга ақл бовар қилмайди. Бу минг йилдан зиёд тарихий давр ичида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча давлатлар, элатлар вужудга келган ва тарқалиб кетган. Ўзбек ажлодлари алоҳида элат бўлиб, маълум тарихий санада шаклланган (бу ҳақда бошқа ерда гапирилмаган). М. Г.

<sup>1</sup> Ваҳобов М. Г. Ўзбек социалистик миллати. Тошкент, 1960, 83-бет. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент. 1961. С. 11—85.

<sup>2</sup> Ваҳобов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. С. 45.

<sup>3</sup> Ваҳобов М. Г. Ўзбек социалистик миллати. 9-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 28-бет.

Ваҳобовнинг XI—XII асрларда «ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етган вақти» деган фикрини тўла маъқуллаш билан, пастроқда «ўзбек элатининг асосий ўзаги XI—XII асрларда вужудга келди» деб айтган сўзларида зидлик мавжудлигини сезмасдан илож йўқ. Кўриниб турибдики, бир ерда XI—XII асрларда ўзбек элатининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган, деб таъкидланса, иккинчи бир ерда унинг асосий ўзаги XI—XII асрларда вужудга келган, дейилади. Шу ўринда савол туғилиши табиий: агар ўзбек элатининг асосий ўзаги XI—XII асрлардагина вужудга келган бўлса, унда қандай қилиб унинг шаклланиш жараёни XI—XII асрларда ниҳоясига етган, деб айтиш мумкин?

М. Г. Ваҳобовнинг кишини ажаблантирадиган фикрларидан яна бири — «ўзбек элатининг шаклланиш жараёни милод бошидан бошланиб шу вақтгача (бизнинг давримизгача — К. Ш.) давом қилди» деб айтгани. Агар бу жараён шу вақтгача давом қилиб келган бўлса, унда ўзбек халқи фақат шаклланишда давом этибди-ю алоҳида элат бўлиб шаклланишда? Унда, нега юқорида XI—XII асрларда «Ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етган» деб таъкидланган. Шунга ўхшаш бир-бирига қарама-қарши қўйилган фикр-мулоҳазаларни М. Г. Ваҳобовнинг юқорида тилга олинган китобида кўплаб учратиш мумкин.

М. Г. Ваҳобов китобида этник ва миллий масалаларга оид жуда кўп муаммолар кўтарилган. Лекин бу муаммоларни муаллиф марксизм-ленинизм назарияси асосида ёритмоқчи бўлиб, баъзи зидликларга, хатоликларга йўл қўйган, албатта. Аммо унинг китобидаги этник тарихга ва этногенез муаммоларига оид айрим фикр-мулоҳазаларини танқидий таҳлил қилган ҳолда, улардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбек халқининг шаклланиши Б. Х. Кармышева-нинг йирик монографияларидан бирида<sup>1</sup> йўл-йўлакай ёритилиб ўтилган. Муаллифнинг фикрича, ўзбек элатининг асосий ўзаги IX—X асрларда шакланган. Лекин олима фикрини аниқ далиллар билан исботлаб беролмаган.

Ўзбек халқининг этногенези ва шаклланиш жараёни масалалари билан бир неча йиллар давомида М. Эрма-

---

<sup>1</sup> Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М. 1976. С. 162.

тов ҳам шуғулланиб келган. Унинг бу масалаларга қарашлари 60-йилларнинг охирларида чоп этилган китобида тўлароқ акс этган<sup>1</sup>. Китобнинг номи «этногенез» сўзи билан бошланган, лекин китобда асосан ўзбек халқининг этник тарихи ҳақида гап кетади.

Муаллиф ўзбек халқининг шаклланиш даврини тўрт даврга бўлади. Биринчи давр милоддан олдинги VIII—II асрларни, иккинчи давр — милоддан олдинги II — милодий IV асрларни, учинчи давр — милодий IV—VI асрларни ва ниҳоят тўртинчи давр — милодий VI—VIII асрларни ўз ичига олган. Китобнинг мазмунидан, ўқувчида шу катта тарихий давр ичида (милоддан олдинги VI асрдан то милодий VIII асргача), ўзбек аجدодлари фақат шаклланиб келган, деган тушунча пайдо бўлади. Ўзбек элати қачон, қайси асрда алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган ва унинг шаклланиш жараёни қайси асрларда ниҳоясига етгани ҳақида муаллифнинг аниқ фикрини тушуниш қийин. М. Эрматов ўз ишида ўзбек халқининг шаклланиш тарихини ёритишда қадимги ва ўрта асрларга оид тарихий географик ва лингвистик манбалардан жуда кўп фойдаланган. Буни тан олиш керак. Аммо манбалар ва фойдаланган адабиётлардан тўғри хулоса чиқариб, ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид муаммоларни илмий асосда ёритишга ожизлик қилган.

Ўзбек халқининг этник тарихига оид масалалар академик Б. А. Аҳмедовнинг бир қатор илмий асарларида батафсил ёритилган<sup>2</sup>. Муаллиф асарларида ўзбек аجدодлари қадим замонлардан Ўзбекистон ҳудудида яшаганликларини, XVI асрнинг бошларида бу ҳудудга келиб ўз ҳукмронликларини ўрнатган кўчманчи ўзбеклар ўзбек халқининг таркибий қисмидан бири бўлганлигини таъкидлайди.

Шарқшунос олим ўзбек халқининг шаклланган вақти ҳақида гапириб «...Қорахонийлар даврида (X—XI) асрлар ўзбек халқи тўла шаклланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланади» деб ёзган эди<sup>3</sup>. Олимнинг айтганлари ҳақиқатга яқин келади. Агар

---

<sup>1</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Ташкент, 1968.

<sup>2</sup> Б. А. Аҳмедов. Государство кочевых узбеков. М. 1965; Ўзбекнинг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 1962; Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.

<sup>3</sup> Б. А. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994, 199-бет.

Ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган вақтининг ниҳоясига етганлигини XI—XII асрлар ўртаси билан белгиланса масалага яна ҳам аниқроқ ёндашилган бўлар эди.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалалари академик А. А. Асқаровнинг бир неча мақолаларида ҳам эълон қилинган<sup>1</sup>. Унинг йирик мақолаларидан бирида тарихий, археологик, этнографик ва антропологик манбаларга ҳамда адабиётларга асосланиб, ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи эрамик бошларидан бошланган. Милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек этногенезининг иккинчи даври бошланган деб, XIV—XV асрларни эса бу жараённинг янги, тараққий этган даври деб таъкидлайди муаллиф<sup>2</sup>.

Агар аниқ бир халқнинг этногенези (чиқиб келишини) маълум тарихий даврда, маълум этник, иқтисодий ва маданий шароитда ташкил топишнинг назарий жиҳатдан тўғрилигини тан оладиган бўлсак, унда ўзбек халқи этногенезини қадим даврдан ёки милод бошидан бошлаш унча тўғри бўлмайди. Шу хилдаги бўлинишларга ўзбек халқи этник тарихининг босқичлари, деб қаралса қисман тўғри бўлар эди. Шунда ҳам ўзбек халқи этник тарихининг бошланиш даврини милод бошидан эмас, анча олдинроқдан (милоддан олдинги бир мингинчи йилларнинг охирларидан) бошлаш мақсадга мувофиқ дейилса, хато бўлмасди албатта.

Сўзсиз, халқнинг чиқиб келиш илдизи жуда узоқ. Халқнинг чиқиб келиш илдизлари билан унинг этногенезини (алоҳида элат бўлиб шаклланиши) катта тарихий давр ажратиб туради. Бу давр ичида маълум ҳудудда бир эмас бир нечта этнослар ташкил топган. Илк элатлар доимий эмас эди, улар емирилиб, уларнинг ўрнида бошқа элатлар вужудга келади. Марказий Осиёда бирин-кетин ташкил топган элатлар оз бўлмаган (булар ҳақида бошқа ерда гапирилади). Ўзбек элати ҳам шу ҳудудда (IX—X асрларда) шаклланади.

Юқорида келтирилган барча фикр-мулоҳазалардан

<sup>1</sup> Асқаров А. А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории населения Средней Азии. Ташкент. 1986. С. 3—14. Ўзбеклар қандай келиб чиққан. «Фан ва турмуш», 1985. 2, 3, 4-сонлар.

<sup>2</sup> Асқаров А. А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. С. 10.

кўриниб турибдики, ўзбек халқининг этногенез масалалари ҳақида олимлар қатъий бир фикрга келмаганлар. Ўзбек халқининг шаклланган вақти ҳар хил саналар билан баъзан ҳеч қандай илмий асоссиз белгиланган: этногенез тушунчаси халқнинг этник тарихи билан чалкаштирилиб юборилган; этногенез деб этник тарихни даврларга бўлиб кўрсатганлар, лекин бу бўлинишлар унча муваффақиятли чиқмаган. Аммо, барча чалкашликлар ва ноаниқликларга қарамасдан, айрим тадқиқотчилар ҳақиқатга яқинлашиб, ўзбек аجدодларини алоҳида элат бўлиб шаклланишини IX—X асрлар билан, уни шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етиш вақтини XI—XII асрлар билан белгилайдилар.

Ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланган санаси бирмунча ойдинлашгандигига қарамасдан айрим муаллифлар ишларида ўзбек элатининг ташкил топган вақти кейинги асрларга суриб кўрсатилган. Жумладан, россиялик олим В. А. Никонов ўзбек элатининг шаклланиш жараёни XI—XVI асрларгача давом этган, деб ёзади<sup>1</sup>. Бу қўпол хато, албатта. Х. Салимовнинг китобида ҳам ўзбек элати XVI асрда шаклланган деган нотўғри тушунча мавжуд. Унинг ёзишича, 1500 й. Темурийлар эгаллаб турган ерларни босиб олган турк-мўғул қабилаларигина ўзбек ҳисобланган<sup>2</sup>. Мовароуннаҳрда ва Хоразмда қадим даврлардан буён яшаб келувчи туб ерли аҳоли ўзбеклар қаторига киритилмаган. Х. Салимовнинг шу ва шунга ўхшаш қатор бошқа хатолари ўз вақтида одилона танқидга учраган эди<sup>3</sup>.

Ғ. Абдураҳмонов ва Ш. Шукуровлар биргаликда чоп этган китобда<sup>4</sup> ўзбек халқининг шаклланиш даври XI—XV асрлар дейилган. Шу асарнинг бошқа ерида ўзбек халқи XIV—XV асрларда шаклланганлиги қайд қилинган<sup>5</sup>.

Ғ. Абдураҳмонов кейинги ишларидан бирида<sup>6</sup> ўзбек

---

<sup>1</sup> Никонов В. А. Узбеки. В кн: Система личных имен у народов мира. М. 1988. С. 312.

<sup>2</sup> Салимов Х. Население Средней Азии. Ташкент. 1975, С. 76—78.

<sup>3</sup> Нурмухаммедов М. К., Луин Б. В. Эътиборсизлик ва калтабинлик оқибати. «Ўзбекистон коммунисти». 1945, 7-сон, 90—96-бетлар.

<sup>4</sup> Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 16-бет.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 18-бет.

<sup>6</sup> Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. Тошкент, 1999, 27-бет.

халқининг шаклланган вақти ҳақидаги фикри анча ўзгарган. Олим мазкур асарда тарихий адабиётларда қайд қилинган «ўзбек халқининг шаклланиши ниҳояси XI—XII асрларга тўғри келади» деган фикрга тўла қўшилади. Шу билан бирга Ф. Абдураҳмоновнинг бу масаладаги фикри қарама-қаршиликлардан холи эмас. Масалан, асарнинг бир саҳифасида ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши X—XII асрда дейилса, бошқа бир бетида X асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошланган, дейилган<sup>1</sup>.

Ф. Абдураҳмонов кейинги ишида яна бошқа хатolikларга ҳам йўл қўйган. Масалан, қипчоқларни бир ерда қирғиз, иккинчи ерда печенег, деб атаган. Шарқий қарлуқлар уйғурлар билан тенглаштирилган. Маълумки, бу этнонимлар илк ўрта асрларда алоҳида қабила бирлашмаларининг номлари эди. Буларнинг бирини иккинчиси билан чалкаштириб бўлмайди, этнослар яшаган ҳудудлар ҳам аниқ кўрсатилмаган.

Москва яқинидаги Звенигородда 1988 йили бўлиб ўтган катта анжуманда Б. А. Литвинский қилган маърузасида ўзбек халқи алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб XVI асрда шаклланган деди<sup>2</sup>. Маълумки, Б. А. Литвинский, Б. Ф. Фафуровнинг «Таджики» деб номланган китобининг масъул муҳаррири бўлган. Б. Ф. Фафуровнинг мазкур китобида ўзбек халқининг шаклланиши XI—XII асрларда ниҳоясига етган, деб кўрсатилган. Б. А. Литвинский масъул муҳаррир сифатида «Таджики» китобини бир неча маротаба ўқиган ва таҳрир қилиб, Б. Ф. Фафуров кўрсатган санани (XI—XII аср) ўша вақтда тан олган, албатта. Энди эса бу санани «унутиб» ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланган вақтини XV—XVI асрларда этник гуруҳларнинг Даштиқипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келиши билан боғлайди. Б. А. Литвинскийнинг ушбу ноилмий фикри Тожикистон ФА академиги Раҳим Масовга ҳам маъқул бўлган<sup>3</sup>.

Этнограф С. П. Поляков эса бу масалада яна ҳам жиддий хатога йўл қўйган. Унинг ёзишича, ўзбек хал-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 38-бет.

<sup>2</sup> Литвинский Б. А. Этногенез и этническая история народов Средней Азии и Казахстана в древности и средневековье (теоретические аспекты). Қаранг: Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, выпуск I, М. 1990. С. 32.

<sup>3</sup> Раҳим Масов. Таджики: «История с грифом и совершенно секретно». Душанбе. 1995. С. 29.



қи туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқлар билан бир вақтда, яъни XVIII—XIX асрларда халқ (элат) бўлиб шакланган<sup>1</sup>.

Сўзсиз, Б. А. Литвинский, С. П. Поляковларга ўхшаш олимлар Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг этногенезига ва этник тараққиётига бегараз қарамаганлар. Уларнинг назарида, бу халқлар собиқ СССР таркибидаги «қолоқ» халқлар бўлиб, фақат кейинги асрларда руслар таъсиридагина алоҳида этник birlik (элат) бўлиб шакланганлар.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўри-ниб турибдики, ўзбек халқининг алоҳида этник би-рлик (элат) бўлиб шакланган вақти (санаси) ҳалигача аниқ белгиланмаган. Муаллифлар кўрсатган саналар чу-қур илмий асосланмаган, кўп ҳолларда саналар тахми-ний тарзда кўрсатилган.

## 2. АСОСИЙ МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Қадим ва ўрта асрларга оид манбаларда<sup>2</sup> ўзбек аж-додларининг элат бўлиб шаклланиш жараёни ҳақида аниқ маълумотлар жуда оз. Аммо, унинг шаклланиши-да фаол қатнашган айрим этнослар ҳақида манбалар берилган маълумотлар камчил, баъзан жуда чалкаш — улардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак бўлади.

Манбаларда қадим ва ўрта асрларда яшаган халқ-ларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бу маълумот-лар, гарчи қисқа бўлса-да, ўша давр аҳолисининг ҳаёти, этник таркиби, этник алоқалари ҳақида маълум тасав-вурга эга бўлишга имкон беради.

Ўзбек халқи илдиз олган, унинг илк тарихий аж-додлари — саклар, массагетлар, тохарлар, бахтарлар, хионийлар, усунлар, қанғарлар, сўғдийлар, хоразмий-лар ва бошқа халқлар ҳақида олдинроқ чоп этилган ишларимиздан бирида батафсил гапирилган<sup>3</sup>, уларни бу ерда такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

<sup>1</sup> Қаранг: Этнография, М., 1982. С. 176.

<sup>2</sup> Қадим ва ўрта асрларда Марказий Осиё халқларининг, жумла-дан Ўзбекистон халқларининг этник тарихига оид турли тилларда ёзилган манбаларнинг қисқа шаклда Б. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Тошкент, 1991 йил) таҳлил этилган.

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990, 2—3-бетлар.

Мазкур ишда ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланиш жараёнида иштирок этган халқлар, этник гуруҳлар ҳақида эслатилган манбаларга қисқа изоҳ бериб ўтишнинг ўзи кифоя қилади.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳақидаги илк (дастлабки) маълумотлар Хитой воқеанависларининг асарларида, чунончи «Шимолий (Хитой) хонадонларининг тарихи» Бейшида (550—577);<sup>1</sup> «Суй сулоласининг тарихи» — Суйшуда (581—618);<sup>2</sup> «Тхан сулоласининг тарихи» — Тханшуда (618—907);<sup>3</sup> учрайди. Мазкур манбаларда Тошкент (Ши, Чжеше)<sup>4</sup>, Самарқанд (Кан)<sup>5</sup>, Бухоро (Ан, Анси)<sup>6</sup>, Даван (Бохо, Бохан, Бохани)<sup>7</sup>, Хоразм<sup>8</sup>, Шы ёки Ши, Кеш — (Шаҳрисабз), Насаф — (Қарши)<sup>9</sup>, Сурхондарё (Тохаристоннинг бир қисми) вилоятларининг географик жойланиши табиати, маҳаллий аҳоли ва уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳамда маданиятининг айрим қирралари ҳақида гапирилади. Тилга олинган манбаларда Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда жойлашган бир қанча туркий қабилалар, уларнинг яшаш жойлари, баъзи урф-одатлари ва уларнинг у ёки бу ҳудуднинг сиёсий ҳаётида иштироклари ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Хитой манбаларида эфталийлар (идал, йеда), қарлуқлар (гэлолу) ва унинг таркибидаги қабила-уруғлар (меуло, дами, жиси, ташили, пофу, гэса), нушиби, дулу (дуглат), туркеш, усун ва бошқа туркий қабилалар ва қабила иттифоқлари тилга олинади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу қабилалар ҳақидаги маълумотлар таржимон томонидан қисқартирилиб берилган, улар хатодан ҳам ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам Н. Я. Бичуриннинг таржималарини бошқа таржималар ва изоҳли адабиётлар билан солиштириб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М. — Л. 1950. С. 240—276.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 277—288-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 289—333-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 264, 272—273, 282-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 271—272, 280—281, 310—313-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 272, 282, 312-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 280, 285-бетлар.

<sup>8</sup> Ўша жойда. 310, 315, 323-бетлар.

<sup>9</sup> Ўша жойда. 274, 286, 314-бетлар. Шы ёки Ши номи билан Хитой манбаларида бир неча жойлар, чунончи Тошкент воҳаси, аниқроғи Чирчиқ водийси, Кеш (Шаҳрисабз), Насаф (Қарши), Сўғд ва бошқалар ифодаланган. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. М.-Л. 1953, 216—217-бетлар.

Бу борада Н. В. Кюнёр<sup>1</sup> ва Ю. А. Зуевнинг<sup>2</sup> ишлари эътиборга лойиқдир. Бу ишларда Хитой манбаларида келтирилган айрим вилоятлар, халқлар ҳақидаги ахборотлар таржима қилиниши билан бир вақтда уларга илмий изоҳ ҳам берилади.

VII аср охири — VIII аср ўрталарида турк хоқонлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг айрим томонлари ҳақида маълумот берувчи муҳим ва ишончли манбалардан бири Сибирь ерларидаги қадимги туркий тилдаги қабртош битиклари ҳисобланади. Булар: Қул-Тегин<sup>3</sup>, Тунйуқуқ, Илтарас (Гудулу, Қутлуқ)<sup>4</sup> ва унинг хотини Элбилга хотун<sup>5</sup>, Могилан<sup>6</sup>, Кули-Чур<sup>7</sup> (Магилланнинг укаси) ва уйғур хони Мойн-Чур<sup>8</sup> шарафига қўйилган қабртош битикларидир.

Қабртош битикларида турк хоқонларининг давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, унинг куч-қудратини ошириш борасида олиб борган ички ва ташқи курашлари, ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланиш арафасида Марказий Осиёда юз берган сиёсий воқеалар, баъзи урф-одатлар ва бошқа масалалар тасвирланган. Шунингдек, мазкур битикларда қуйидаги этнонимлар ҳам тилга олинади: ўғуз, уч-ўғуз, саккиз-ўғуз, тўққиз-ўғуз, ўн-ўғуз, кенгерес (кангар) қарлуқ, қипчоқ, қирғиз, аз, телес, кидан, дулу, туркеш, турк ва бошқалар. Бу халқлар, қабилалар ва қабила иттифоқларининг кўпчилиги ёки уларнинг айрим гуруҳлари ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланишида бевосита иштирок этганлар. Қадимги тош битиклар туркий халқларнинг тил тарихини ўрганиш борасида ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Тош битикларида келтирилган маълумотларни Хитой манбалари ва ўрта асрларга оид бошқа манбалар билан таққослаб ўрганилса, Марказий Осиё халқлари,

<sup>1</sup> Кюнёр Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М. 1960.

<sup>2</sup> Зуев Ю. А. К этнической истории усуней. Новые материалы под древней и средневековой истории Казахстана. ТИИАЭ АН Каз. ССР. № 8. Алма-Ата. 1960. С. 5—23; «Тамги лошадей из вассальных княжеств» (Перевод из китайского сочинения VIII—X вв; Тяньхуяо, ТИИАЭ АН Каз. ССР. Т. 8. Алма-Ата. 1960. С. 93—134.)

<sup>3</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.-Л. 1951. С. 33—43.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 64—79-бетлар.

<sup>5</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.-Л. 1959. С. 9—11.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 20—25-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 28—30-бетлар.

<sup>8</sup> Ўша жойда. 38—39-бетлар.

жумладан, ўзбек халқи этник тарихи ва этногенезига бир мунча аниқликлар киргишиш мумкин.

Ўзбек халқининг этник тарихини ва унинг этногенезини ўрганишда IX—XIII асрларда араб ва форс тилларида ёзилган тарихий ва географик асарларнинг аҳамияти жуда катта. Бундай адабиётлар талайгина. Улар асосида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган<sup>1</sup>. Биз араб-форс тилли манбаларнинг кўпидан, асосан рус тилидаги таржималаридан фойдаландик. Шуларнинг айримларини қисқача эслатиб ўтмоқчимиз.

Фойдаланилган манбалардан бири Абу-Жафар Муҳаммад ибн ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва ал-Мулук» асари<sup>2</sup>. Асарда Дихистон<sup>3</sup>, Тохаристон<sup>4</sup>, Сўғд, Фарғона, Шош, Хоразм, Еттисув худудларида яшаган туркий ва эрон тили аҳоли ҳақида қисқа маълумотлар берилади. Манбада эфталийлар, қарлуқлар, туркешлар ҳақида ҳамда туркеш хоқонлари — Қурсул, Абу-Музахим ва айрим турк саркардалари тилга олинади. Унда туркларнинг сўғдийлар, фарғоналиклар ва тохаристонликлар билан биргаликда араб истилочиларига қарши курашлари, туркий халқларнинг айрим урф-одатлари, эътиқодлари ҳақида ҳам қисқа ахборот берилади<sup>5</sup>.

Боғдод халифаси томонидан Волга булғорлари под-

---

<sup>1</sup> Камолиддинов Ш. С. Историческая география Тохаристана и Южного Согда по арабоязычным источникам IX — нач. XIII вв. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент 1993; Чораев Т. К. Этнические ситуации в тюркских регионах Центральной Азии середины VIII — начала XIII вв. По арабоязычным источникам IX—XIII вв. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук, Ташкент. 1988; Закиров Ш. Т. Арабоязычные источники IX—XII вв. и их значение в изучение этнополитической жизни народов Средней Азии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1994.

<sup>2</sup> История ат-Табари. Перевод с арабского В. И. Беляева с дополнением О. Г. Большакова, А. Б. Халидова. Ташкент. 1987. Е. А. Разумовский-нинг таржимаси МИТТ. Қаранг: Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ) Т. I. М.-Л. 1939. С. 86—143; Извлечение из «Тарих ар-расул ва-л-мулук ат-Табари», перевод с арабского Ш. Закирова; пер. с уйгурского М. Кутлукова, Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X—XIX вв. (МИСЦА), Т. 1988. С. 7—17.

<sup>3</sup> Дихистан — Каспий денгизининг жануби-шарқида, Атрек дарёсининг шимолидаги вилоят.

<sup>4</sup> Тохаристон — Амударёнинг юқори қисмида, унинг ҳар иккала соҳилидаги вилоятлар. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху Монгольского нашествия. соч. Т. I. С. 117—118.

<sup>5</sup> История ат-Табари. 165—167, 169, 203—255, 369 ва бошқа бетлар.

шоси олдига 921—922 йилларда элчи қилиб юборилган Аҳмад ибн Фадланнинг сафар хотираларида<sup>1</sup>, Хоразм ва хоразм халқи, Даштиқипчоқда ва Орол денгизига туташ чўлларда яшовчи ўғуз (ғуз) бижанак (печенег) қабилалари, уларнинг ижтимоий ҳаёти, хўжалиги ҳақида кўрган-билганларини ёзиб қолдирган. Унинг маълумотларидан ўша давр ҳаётини, турғун ва кўчманчи аҳолининг ўзаро муносабатларини тушуниш қийин эмас.

Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, маданий ва хўжалик фаолиятини ўрганишда Х асрда яшаб ўтган географ сайёҳлар ал-Истахрий<sup>2</sup> Ибн Ҳовқал<sup>3</sup> ва ал-Муқаддасий<sup>4</sup> асарларининг аҳамияти бебаҳодир. Бу муаллифлар берган ахборотларнинг афзаллиги шундаки, улар Марказий Осиё минтақаларининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, бевосита кўрган-билганларини ёзган. Юқорида тилга олинган муаллифларнинг асарларида Сўғд, Кеш (Шаҳрисабз), Насаф (Қарши), Тохаристон, Шош, Фарғона, Хоразм, Исфиджоб ва Марказий Осиёнинг бир қанча бошқа вилоятлари, шаҳар ва қишлоқлари, аҳолиси, табиати, экинзорлари, хўжалиги, ҳамда тижорати ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Уларнинг ахборотларида турғун яшовчи туркий халқлар ва кўчманчи қабилалар (ўғуз, халач, печенег ва бошқ.) ҳам эслатиб ўтилган.

Баъзи ўринларда Ибн Ҳовқал ва Муқаддасий маъ-

---

<sup>1</sup> Ковалевский А. П. Книга Ахмада ибн-Фадлана о его путешествии на Волгу в 921—922, Харьков, 1956. Яна қаранг: Извлечение из «Записи ибн Фадлана». Перевод под редакцией акад. И. Ю. Крачковского. МИТТ, Т. I. С. 155—164.

<sup>2</sup> Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маҳмуд, ал-Фараси ал-Истахрий «Китоб масалик ал-Мемалик». Изд. М. J. de Goeje, Lugdunt Batavorum. 1870, (BGA I) С. 297—325. Также перевод арабского С. Волина МИТТ. I. Л. 1939. 16—181; перевод Л. З. Писаревского. Материалы по истории киргизов и Киргизии (МИКК), Т. I. М. 1973.

<sup>3</sup> Абу-л-Касим Ибн-Хаукал, «Китоб ал-месалик ва л-мемалик», изд. М. J. de Goeje, BGA II. Перевод с арабского С. Волина. См. МИТТ. т. С. 181—184 см. также Бетгер Е. К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касим Ибн-Хаукал, Труды Среднеазиатского Государственного Университета вып. СХI 1957 с. 13—27. Извлечение из «Китоб сурат ал-арз» Ибн Хаукаля перевод с арабского О. Б. Фроловой. Материалы по истории Средней и Центральной Азии Х—ХI вв. (МИСЦА), Ташкент, 1988.

<sup>4</sup> «Абу-Абдуллах Мухаммад ибн Аҳмед ибн Абу-Бекр ал-Муқаддаси (ал Мақдиси), «Ахсан, ат-такасим фи-Маърифат ал-акалим» изд. М. J. de Goeje, BGA. III, с. 246—292, перевод с арабского А. Т. Юлдашева см. также перевод с арабского С. Волина, МИТТ. Т. I, 184—209.

лумотлари ал-Истахрий келтирган маълумотларни так-  
рорланганга ўхшайди. Шу билан бирга, улар талай  
янгиликлар қўшиб, бир-бирларини тўлдирадilar ҳам.  
Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари X асрга оид  
энг аниқ ва мукамал географик асарлар ҳисобла-  
нади.

Марказий Осиё ҳақида муҳим ахборот берган муал-  
лифлардан бири X асрда яшаб ўтган яна бир араб  
сайёҳи Абу Дулафдир. Унинг йўл таассуротларида<sup>1</sup> чи-  
гил, қарлуқ, кимак, печенег, туғуз гуз, (туқуз ўғуз),  
гуз, қирғиз қабилалари ва қатор ҳудудларда турғун  
яшовчи аҳоли<sup>2</sup> эслатиб ўтилган.

Сўзсиз, ўша даврда, туркий халқларнинг яшаган  
ҳудудларини аниқлашда Абу Дулафнинг маълумотлари  
муҳим манба ҳисобланса-да, унинг маълумотларидан  
фойдаланишда тадқиқотчи жуда эҳтиёт бўлиши керак.  
Чунки тилга олинган халқларнинг кўпчилиги орасида  
Абу Дулафнинг ўзи шахсан бўлмаган, улар ҳақидаги  
маълумотларни муаллиф бошқалардан эшитиб ёзган  
бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг сафар хоти-  
раларида берилган йўл маршрутлари жуда чалкаш. Ма-  
салан, сайёҳ славянлардан ўтиб гўёки печенеглар ери-  
га (шу даврда буларнинг катта бир қисми Эмба ва  
Ўрол дарё оралиғида жойлашган бўлган), ундан ўтиб  
чигиллар ва Тибет ерларига, улардан ўтиб кимак гуз  
ерларига борганлигини ҳикоя қилади. Яъни келган то-  
монга (орқага), Ўрол тоғ олди минтақаларда яшайдиган  
кимак ерига яна қайтиб бориб, сўнгра Хитойга  
ўтиб кетганлигини ҳикоя қилади. Ҳеч қандай сайёҳ Ти-  
бетдан (орқага қайтиб), Ўрол тоғ олди минтақаларида  
яшовчи кимаклар ерига, кейин қайтиб Хитойга бор-  
маса керак?

Абу Дулаф ахборотларининг яна бир хатолик жойи  
шуки, у Марказий Осиё, Сибирь ва Тибетда яшовчи  
турк, мўнғул, тунғуз, тибет халқларининг тилларини  
эътиборга олмасдан, уларнинг барчасини туркий халқ-  
лар дейди. Сайёҳ ўзининг хотираларида қарлуқларга  
тобе бўлган Шарқий Туркистонда турғун яшовчи (қар-  
луқ бўлмаган) аҳолини ҳам қарлуқ дейди. Абу Дулаф-

---

<sup>1</sup> Григорьев В. В. Об арабском путешественнике X века Абу Долефе и странствование его по Средней Азии. ЖМНП. 1872. № 9. Вторая записка Абу Долефа (издание текста перевод в введение и комментарии П. Г. Булгакова и А. Б. Халидова) М. 1960.

<sup>2</sup> Григорьев В. В. Кўрсатилган асар. 24—37-бетлар.

нинг ахборотларидан фойдаланган киши шу хилдаги хатлар, ноаниқликларни ҳисобга олиши керак, албатта.

X асрнинг охириги чораги — XI асрнинг биринчи ярмида ўтган юртдошимиз хоразмлик буюк олим Берунийнинг асарларида Хоразм, Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида яшаган халқлар ҳақида жуда кўп муҳим тарихий этнографик маълумотлар мавжуд. Масалан, унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»,<sup>1</sup> асарида Хоразм ва Хоразм подшоҳлари<sup>2</sup>, подшоҳларга хос лақаблар<sup>3</sup>, Хитой чегарасигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий халқлар<sup>4</sup>, ўғуз турклари, туркларнинг эътиқодлари<sup>5</sup>, Сўғд ва Хоразм халқларининг байрамлари, урф-одатлари<sup>6</sup> ва бир қанча бошқа қатор масалалар ҳам ёритилган. Асарда келтирилган сўғдийлар, хоразмликлар ва туркий халқларнинг ой ва кун<sup>7</sup> номлари бу халқларнинг қайси тилда сўзлашганларидан далолат беради.

Берунийнинг «Ҳиндистон»<sup>8</sup> деб номланган асари ҳам тарихий этнографик маълумотларга бой. Бу асарда, асосан, Ҳиндистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одатлари ва эътиқодлари ҳақида гап кетади. Шу билан бирга Ҳинд дарёсининг юқори оқимларида жойлашган туркийлар<sup>9</sup>; Хўтан ва Фазна<sup>10</sup> турклари ҳамда Кобулнинг турк подшолари ҳақида ҳам гапирилади. Берунийнинг бу маълумотлари туркий халқларнинг Осиё минтақаларида кенг тарқалганлигидан далолат беради. Мазкур асарда олим Шош (Тошкент) шаҳрининг номи<sup>11</sup> ҳақида ҳам фикр юритган.

---

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Таржимон А. Расулов. Танланган асарлар. 1-жилд, Тошкент, 1968. Шу асар рус тилида М. А. Салье томонидан таржима қилинган. Қаранг: Абу Райҳон Беруний, изд. произведения. Ташкент. 1957.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 71—84-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 129-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 103—104, 130, 243 ва бошқа бетлар.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 281—308-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 278—286-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 104—105-бетлар.

<sup>8</sup> «Ҳиндистон», арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ф. Жалилов таржима қилган. Танланган асарлар 2-жилд, Тошкент, 1965. Шу асарни рус тилига А. Б. Халидов ва Ю. Н. Заводовскийлар таржима қилишган. Қаранг: Избранные произведения. Т. II. Ташкент. 1963.

<sup>9</sup> Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон, 2-жилд, 165, 205-бетлар.

<sup>10</sup> Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон, 2-жилд, 35, 164-бетлар.

<sup>11</sup> Ўша жойда. 311—313-бетлар.

Берунийнинг Геодезия<sup>1</sup> асарида ғуз (ўғуз) печоғег (бижанак), алан ва ас-қабилаларининг жойлашган ҳудудлари ҳамда печенгларнинг (туркий халқ) таъсирида эрон тилли ас ва аланларнинг талай қисми турклашганлиги ҳақида қисқа маълумотлар мавжуд<sup>2</sup>. Мазкур асарда Беруний етти иқлимни 7 доира шакли билан ифодалаб, доиранинг шимолий қисмига (яъни олтинчи иқлимга) хазарларни, гуз-турларини, қирғизларни, кимақларни, рус ва славянларни жойлаштирган<sup>3</sup>, доиранинг шарқий қисмига (яъни еттинчи иқлимга) Син, Хутан ва туркий халқларни жойлаштирган<sup>4</sup>. Берунийнинг етти иқлимни ифодалаган доираларидан илк ўрта асрларда Евроосиё халқларининг жойланиши ҳақида ҳам аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Олимнинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб»<sup>5</sup> китобида Марказий Осиёда мавжуд бир қанча шаҳар ва вилоятлар (Бухоро, Самарқанд, Сўғд, Фарғона, Хоразм, Қошғар, Баласағун, Шош ва бошқ.)<sup>6</sup> ҳамда этник номлар (турк, туркман, ғуз, қирғиз ва бошқ.)<sup>7</sup> эслатилган.

Берунийнинг машҳур асари — «Қонуни Маъсудий»<sup>8</sup>да ҳам Евроосиёдаги жуда кўп шаҳарлар ва халқларнинг номлари тилга олинган. Бизнинг ишимизда энг муҳими асарнинг «Шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларини жадвалларда кўрсатиш ҳақида» деб номланган бобидир<sup>9</sup>. Ушбу бобда турли иқлимлардаги шаҳарлар номлари, кенлиги ва уларнинг қайси вилоятларда ва мамлакатларда жойлашганлиги белгиланган.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. 232-бет.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояние между населенными пунктами (Геодезия). Исследование, перевод и применение П. Г. Булгакова. Избранные произведения. Т. III. Ташкент. 1966.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 95—96-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 155-бет.

<sup>5</sup> Абу Райхон Беруни. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-Сайдана фи-т-тибб) Исследование, перевод и указатели, У. И. Каримова. Избранные произведения. Т. IV. Ташкент. 1973.

<sup>6</sup> Абу Райхон Беруний. Сайдана. 179, 234, 731, 751, 851, 880-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 133, 186., 247, 417, 697 ва бошқа бетлар.

<sup>8</sup> Абу Райхон Беруний. «Қонуни Маъсудий» 1—5-мақолалар. Гаржимон А. Расулов. Танланган асарлар. 5-жилд, Тошкент, 1973. Шу асар рус тилида П. Г. Булгаков ва Б. А. Розенфельд томонидан таржима қилинган. Қаранг: Абу Райхон Беруни. Избранные произведения, Т. V. Ташкент, 1973.

<sup>9</sup> Абу Райхон Беруний. Қонуни Маъсудий. 399—428-бетлар.



Жадвалда Марказий Осиё мамлакатларида жойлашган ўнлаб йирик шаҳарлар ҳам тилга олинади. Шулар қаторида, Фарғона водийсида, Сирдарё соҳилларида, Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий халқларга қарашли 30 га яқин шаҳарлар ҳам қайд қилинган<sup>1</sup>. Асарда Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Орол денгизига<sup>2</sup> тугаш чўлларда ўрнашган ғўзлар, Волга бўйларида Қора денгиз яқинидаги хазар ва бошқа туркий тоифалар ҳам эслатилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар халқларнинг ва қабиаларнинг X—XI аср бошларида жойлашган ҳудудларини аниқ тасаввур қилиш имкониятини беради.

Берунийнинг Минералогия<sup>3</sup> асарида бир неча мартаба Шарқий турклар,<sup>4</sup> Қобул вилоятида яшовчи турклар, Ҳиндистоннинг шимолида, Тибет ва Кашмирга<sup>5</sup> чегарадош минтақаларида жойлашган турклар ҳақида ҳам қисқа ахборот берилган. Асарда туркман атамасининг маъноси,<sup>6</sup> қарлуқ, печенеглар яшаган ҳудудлар,<sup>7</sup> Қорахонийлар хони Буғраҳон томонидан сомонийлар сулоласини инқирозга учратилганлиги,<sup>8</sup> туркий халқларнинг эътиқодлари, қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ баъзи одатлар ҳам эслатилган.<sup>9</sup>

Берунийнинг юқорида эслатиб ўтилган асарларидан келтирилган тарихий-этнографик маълумотлар ўзбек халқининг этник тарихини, этногенезини ёритишда энг ишончли манбалар эканлигига ҳеч шубҳа йўқ, албатта. Лекин бу асарлардаги маълумотлардан фойдаланаётган тадқиқотчи ўрта аср тарихини мукамал билмаса хатога йўл қўйиши ҳам мумкин.

Ўзбек халқи ва Марказий Осиёда яшовчи бошқа халқларнинг тил ва этник тарихини ўрганувчи тадқиқотчи йирик тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) «Девону луғотит турк»<sup>10</sup> асарини четлаб ўтол-

---

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қонуни Маъсудий. 393, 426, 427-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 425—427-бетлар.

<sup>3</sup> Собрание сведений для познания драгоценностей (минералогия). Перевод А. М. Белиницкого, Ленинград, 1963.

<sup>4</sup> Қўрсатилган асар, 184, 197-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 74-бет.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 112—122-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 184—185-бетлар.

<sup>8</sup> Ўша жойда. 154-бет.

<sup>9</sup> Ўша жойда. 63, 184, 185, 195, 197, 205 ва бошқа бетлар.

<sup>10</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов, 1-жилд, Тошкент, 1963.

маса керак. Мазкур асарда туркий тилларга оид муҳим маълумотлар қаторида Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар, қабилалар ва уларнинг тил хусусиятлари, диалектлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалари берилган. Асарда 80 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларнинг номлари ва 80 га яқин туркий этнонимлар келтирилган.<sup>1</sup> Унда яна Сирдарё соҳилларида, Фарғона, Етти-сув ва Шарқий Туркистонда турғун яшовчи туркий аҳоли, эрон тилли сўғдийлар (Маҳмуд Қошғарийда Сугдак) ва тил жиҳатидан турклашган сўғдийлар ҳамда йирик туркий халқлар (қарлук, басмил ва бошқ.) тилга олинган. Маҳмуд Қошғарийнинг X аср охирлари ва XI асрда Сирдарё соҳилларида, Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи халқларнинг тилини ва этник тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни олдинроқ билдирган эдик<sup>2</sup>. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Маҳмуд Қошғарийнинг асари баъзи афсонавий маълумотдан ҳам холи эмас. Масалан, асарда туркий халқларнинг келиб чиқишини «Нух пайғамбар ўғли Ёфаснинг ўғли Турк» билан боғланиши<sup>3</sup>, Афросиёбни Қорахоний туркларининг хони дейилиши: унинг (Афросиёбнинг) қизи — Казвин шаҳрини; ҳамда Каз суви (Балхаш кўли) қирғоғида шаҳар қурилганлиги, ўғли Барман — Барман шаҳрини; бошқа бир ўғли Баласағун — Баласағун шаҳрини бино қилганлиги ҳақидаги маълумотлар афсонавий маълумотлардир<sup>4</sup>. Олимнинг бу хилдаги қарашларига танқидий қараб, уларни нима сабаб билан келтирганлигини обдон тушуниб олиш лозим.

Араб тилида ёзилган манбалардан яна бири Ибн ал-Асирнинг (1232—33 йй.) «Китоб ал-камил-фи-т-тарих» номланган асари<sup>5</sup>. Мазкур асарда бизни қизиқтираётган X—XII асрларга оид маълумотлар мавжуд. Унда шу асрларда Марказий Осиёда юз берган сиёсий ҳолат, чунончи қорахонийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллаши, Фарбий Қорахонийлар давлатининг вужудга

---

<sup>1</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ф. Абдураҳмонов ва С. М. Муталибов иштироки ва таҳрири остида. Тошкент, 1967, 391—407-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ш. Ценный труд ученого лингвиста. ОНУ 1961, № 3, С. 72.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. Тошкент, 1960, 64-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 3-жилд. 163, 165, 379, 424 ва бошқа бетлар.

<sup>5</sup> Китоб ал-Камил фи-т-тарих Ибн ал-Асира. Перевод И. Н. Леманова, И. С. Волина. МИТТ. Т. I. С. 358—408.

келиши, қорахитой қабилаларининг Еттисувни ва кейин Мовароуннаҳрни эгаллаб, қорахонийларни тобе этиши, Фарбий Қорахонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразм шоҳлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қарлуқ, халач қабилалари Қорахонийлар давлатининг сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва бир қанча бошқа масалалар ҳақида гап кетади.

Ибн ал-Асирнинг маълумотларидан XII асрларда Марказий Осиё минтақаларининг этник харитасида ҳам ўзгариш бўлганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Маълумки, 999 йил қорахонийлар сомонийлар устидан ғалаба қозониб, Мовароуннаҳрни эгаллашлари билан бу ҳудудга Еттисувдан ва Шарқий Туркистоннинг фарбий минтақаларидан қарлуқ, чигил, халач ва бошқа туркий қабилалар кўплаб кўчиб ўтадилар ва улар қорахонийларнинг ҳарбий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайдилар<sup>1</sup>. Қарлуқ, халач ва ўғуз қабилалари Фазна ва Хоразмнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашганлар. Еттисувга, бу ерлар учун ёд бўлган янги этнос — қорахитойлар (қоракидан, кидан) келиб ўрнашдилар ва ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар<sup>2</sup>. Мовароуннаҳр ва Еттисувнинг этник таркибида юз берган ўзгаришлар ўша даврнинг (X—XI аср) этник тараққиётига муайян таъсири бўлган, албатта.

Форс тилида ҳам бир қанча асарлар мавжуд. Буларнинг ҳам энг асосийларига, (ишимиздаги баъзи масалаларни ёритиш учун) керак бўлган манбаларнинг айримларига тўхтаб ўтмоқчимиз.

Форс тилида ёзилган асарлардан бири Бухоронинг Наршахий қишлоғида 899 йили туғилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи»-дир<sup>3</sup>. Бу асар даставвал Наршахий томонидан араб тилида ёзилган. 1128 й. ҳозирги Қува шаҳрида яшаган ал-Кубовий номли киши томонидан форс-тожик тилига таржима қилинган<sup>4</sup>.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқалиши (VIII аср) ҳамда IX—XII асрлардаги Бухоро ва Бухоро воҳасидаги шаҳар ва қишлоқларнинг иқтисо-

<sup>1</sup> МИКК. 1-жилд. 62—67-бетлар.

<sup>2</sup> МИКК. 1-жилд. 60, 61, 63 ва бошқа бетлар.

<sup>3</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» форс-тожик тилидан таржима. А. Расуловники. Тошкент, 1966.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар. 4-бет.

дий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тарихига оид маълумотлар берилади. Асарда яна қадим даврлардан туркларнинг Бухоро ва унинг атрофларига келиб жойлашиши<sup>1</sup>, Бухоро халқининг тарихи, Туркистон ва Етти-сув турклари билан ўзаро сиёсий ва этник алоқалари<sup>2</sup>, Бухоро аҳолисининг эътиқодлари, байрамлари, қорахонийлар сулоласи хонларининг Бухорода ва унинг атрофларида қурган қасрлари ва қўриқхоналари ҳақида ва шунга ўхшаш бир қанча бошқа масалалар ёритилган. Асарда келтирилган маълумотлар илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини тушуниб олишимизга катта ёрдам беради. Наршахийнинг асарида Хуросонда, Афғонистон ва Мовароуннаҳрда яшовчи айрим туркий халқлар ва этник гуруҳлар ҳам тилга олинади. Масалан, Қорахоний турклари, ғуз (ўғуз) шулар жумласидандир. Тилга олинган бу халқлар ва этник гуруҳлар Ўрта Осиёнинг сиёсий ҳаёти ва этногенезида сезиларли из қолдирган, албатта.

Этник тарихни ва этногенезни ўрганиш масаласига оид яна бир муҳим манба Х асрда форс тилида ёзилган «Худуд ал-олам» асаридир<sup>3</sup>. Асарнинг муаллифи маълум эмас, шунинг учун ҳам бу асар кўпинча «Туманский қўлёзмаси» номи билан машҳур бўлиб қолган<sup>4</sup>.

«Худуд ал-олам» географик асар бўлиб, унда дунё халқларининг географик жойланиши, маъмурий ва иқтисодий шароитлари батафсил ёритилади. Асарнинг талай қисми Марказий Осиёга бағишланган бўлиб, унда минтақалардаги табиий бойликлар, дарёлар, чўл ва саҳролар, аҳоли яшайдиган вилоятлар ҳақида гапирилади. Масалан: тўғуз-ўғузлар, кимақлар яшайдиган худудлар, уларнинг шаҳарлари, шунингдек Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм вилоятлари ва уларнинг шаҳарлари ҳақида ҳам қисқа маълумотлар берилган. Бу

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. 15—16, 18—32-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 24—34-бетлар.

<sup>3</sup> «Худуд ал-олам». Перевод на русский язык А. А. Ромаскевича. См. МИТТ. Т. I. С. 209—217. Яна қаранг: Перевод на русский язык З. Н. Ворожейкиной. МИКК. Т. I. С. 35—55. Перевод на английский язык и комментарий В. В. Минорского. См. Minorsky V. Hudud al-alem. London 1937.

<sup>4</sup> «Худуд ал-олам» Рукопись Туманского с введением указателем В. В. Бартольда. Ленинград. 1930. Введение к изданию «Худуд ал-алам». Соч. Т. VIII. М. 1973. С. 50.

маълумотлар асосида X асрда Мовароуннаҳрда, Сирдарё бўйларида, Етгисув, Ўрол олди минтақаларида ва Шарқий Туркистонда яшовчи халқларнинг этник харитасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Евроосиё минтақаларида жойлашган халқлар, йирик қабила уюшмалари ҳақида маълумот берувчи манбалар қаторига Гардизийнинг (XI аср) «Зайн ул-ахбор»<sup>1</sup> асари кўп йиллар давомида тарихчи-тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Асар форс тилида ёзилган.

Асарда Евроосиё ҳудудларида яшовчи бир қанча туркий халқлар ва қабилалар, чунончи қарлуқ, кимак, қирғиз, ямо, чигил, печенег, тўғуз-ўғуз (тўққиз-ўғуз), ҳазар, сувор, булғор ва бошқа этнонимлар тилга олиниб, уларнинг жойлашган ерлари, хўжалик фаолияти, эътиқодлари ва урф-одатлари ёритилади. Гардизи берган ахборотлар «Худуд ал-олам» ва ундан олдинроқ ўтган муаллифларнинг асарларидаги маълумотларни бирмунча тўлдиради ва шу билан Евроосиё, хусусан, Етгисув, Жанубий Сибир, Шарқий Туркистонда ва Сирдарё соҳилларида яшовчи аҳолининг этник таркиби борасида аниқ тасаввур қилиш имкониятини беради.

Туркий халқларнинг этник тарихини, уни этногенезини ўрганувчи тадқиқотчи Муҳаммад ибн Мансур Марварудийнинг (XII асрнинг иккинчи ярми XIII аср бошлари) «Тарих-и-Муборак-шоҳ»<sup>2</sup> асарига мурожаат қилмасдан ўтолмаймиз. Бу асар умумий тарих бўлиб, жуда кўп мамлакатлар ва халқлар ҳақида маълумотлар беради. Бизнинг ишимиз учун асарнинг энг муҳим жойи Туркистон ва туркий халқлар ҳақидаги маълумотларидир.

Асарда Туркий халқларнинг жуда катта ҳудудда яшаганлиги, уларнинг шарқий чегараси Хитой билан, Ғарбий Рум<sup>3</sup> билан, шимолда шимолий халқлар билан, жанубда — Ҳиндистоннинг баланд қорли чўққилари билан туташ эканлиги таъкидланади. Туркларнинг Евро-

---

<sup>1</sup> Бартольд Б. В. «Извлечение из сочинения Гардизи «Зайна ал-ахбор» Сочинения. Т. VIII, С. 23—62.

<sup>2</sup> Муҳаммад ибн Мансур Мерверудий. «Тарих-и-Муборак-шоҳ». Перевод с персидского Б. А. Ахмедова. МИСЦА X—XIX вв.

<sup>3</sup> Мусулмон муаллифлари Греция, Византия ва ҳозирги Туркиянинг Европа қисмини шундай атаганлар. Б. А. Ахмедов берган изоҳига қаранг: МИСЦА. X—XIX вв. С. 93.

осиё ва араб мамлакатларидаги ўрни (мавқеи) ҳамда улар юқори маданиятли халқлар бўлганликлари, ўз ёзувларига эга эканликлари ҳам асарда қайд қилинган. Асарда 60 дан ортиқ туркий этнонимлар тилга олинади.

Шараф ул-замон Тоҳир Марвазий (XII аср бошида ёзилган) асаридан<sup>1</sup> келтирилган айрим маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Асарнинг бир боби Хитой мамлакатига ва Ҳиндистонга бағишланган. Шу бобнинг катта қисмида туркий халқлар ҳақида гапирилади. Марвазийнинг асари XII аср бошларида ёзилган бўлса-да, унинг туркий халқлар ҳақидаги маълумотлари илк ўрта асрларни (VI—X аср) тўла қамраб олган.

Марвазий ўғуз, уйғур, кун, қай, сариқ (шари), кимак, яғмо, печенег, қирғиз, қарлуқ, халоч, булғор ва бошқа этнонимлар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Асарда тилга олинган қабилаларнинг этник тарихи, хўжалик фаолияти, моддий ва маданий ҳаёти, эътиқодлари ҳақида гапирилади<sup>2</sup>. Сўзсиз, Марвазийнинг барча маълумотларини бошқа манбалар билан солиштирмасдан, чуқур таҳлил қилмасдан қабул қилиб бўлмайди. Олимнинг ишидан фойдаланган ҳар бир киши у берган изоҳларни ҳам эътиборга олиши керак бўлади.

Олмалиқ шаҳрида 1230 йили таваллуд топган, туркий халқлардан чиққан форс-тожик тилида асар ёзган тарихчи ва шоир Жамол Қаршийнинг «Мулҳақат асураҳ»<sup>3</sup> асарида ҳам ишимизга оид баъзи маълумотлар мавжуд. Асарда асосан Мўғул хонлари, айрим тарихий шахслар, шаҳар ва вилоятлар (Қошғар, Хўтан, Хўжанд, Шош, Фарғона ва бошқ.) ҳақида гапирилади. Биз учун энг муҳими, асарнинг Қорахонлар тарихига бағишланган қисми. Бунда муаллиф Қорахонлар хони (X аср ўрталарида вафот қилган) Сатук Буғраҳон Абд ул-Каримнинг ва унинг яқинлари томонидан ислом дини қабул қилинганлиги, ислом динининг кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар орасига кириб бориши ҳикоя қилинади. Уша асрда ислом динининг чорвадорлар орасида кенг тарқалиб бориши, улар маданий даражаси-

<sup>1</sup> Sharaf al Zamin Tahir Marvazi on China the Turks and India. Arabis text (circa A. D. 1120) with on English translation and Commentary by V. Minorsky. London, 1942.

<sup>2</sup> Уша жойда. 92—121-бетлар.

<sup>3</sup> Абу-л-Фадл ибн Муҳаммад Джамол ад-дин Карши. Мулҳақат а-сурах (извлечение) — Перевод с персидского Р. Ш. Шарафутдиновой. МИСЦА. X—XIX вв. С. 100—127.

нинг ўсиши турғун аҳоли билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг яна мустақамланиб боришида муҳим омил бўлган. Асарда Қорахонлар сулоласига мансуб бўлган хонларнинг номлари келтирилган.

Юқорида қайд қилганимиздек, биз манбаларнинг энг муҳимларига, ишимизда кўпроқ фойдаланганларига изоҳ бериб ўтдик, холос. Биз эслатиб ўтган араб-форс ва туркий тилларда ёзилган манбаларда гап орасида, айрим этник номлар, этник гуруҳларнинг яшаган ерлари, тарихий шахсларнинг номлари эслатиб ўтилган.

Йўл-йўлакай берилган ахборотлар ишимизнинг матнида, яъни улар ҳақида гап кетган саҳифалардагина эслатилиб, уларга изоҳ бериб ўтилади.

### **3. ТАРИХИЙ, АРХЕОЛОГИК, АНТРОПОЛОГИК, НУМИЗМАТИК ВА ТИЛШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАР**

Марказий Осиё халқларининг этник тарихи ва этногенези кўп йиллар давомида тарихчи, шарқшунос, археологик ва ижтимоий фанлар соҳасидаги бошқа мутахассис олимларнинг диққатини жалб қилиб келган. Бу борада улар томонидан талай ишлар амалга оширилган, аммо ҳозирги кунгача бу катта кенгликда яшаётган биронта халқнинг этник тарихини ва этногенезини мукамал ёритган (А. Ю. Якубовскийнинг «К вопросу об этногенезе узбекского народа» рисоласи бундан мустасно) асар ёзилмаган.

Ўзбек халқининг тарихини ўрганиш давомида В. В. Радлов, В. В. Бартольд, С. П. Толстов, А. Н. Бернштам ва бошқа рус олимлари озмунча иш қилмаганлар. Улар ўзларининг илмий изланишлари давомида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезига оид баъзи муаммоларга ёндашиб ўтганликлари, билдирган фикр-мулоҳазалари ишимизнинг ёзилишига мадад бўлди.

Йирик шарқшунос олим, академик В. В. Радлов, миллати немис бўлишига қарамасдан, навқиронлик йилларида Россияга келиб шарқшунослик илми тараққиётига катта ҳисса қўшган. У Сибир ва Марказий Осиё туркий халқларининг тили, фольклори ва этнографиясини ўрганиб, бир қанча илмий асарлар ва мақолалар яратган. В. В. Радлов биринчилардан бўлиб, қадимий ўрхун-энасой туркий битикларни ўқиган, уйғур халқининг қадимги ёзувларини ўрганиб уйғурлар

ҳақида илмий иш ёзган<sup>1</sup>, турк шевалари луғатини тузган<sup>2</sup> олим эди. Унинг асарларини ва мақолаларини, Сибирда ва Марказий Осиё минтақаларида қадимда ва илк ўрта асрларда яшаган туркий халқларнинг<sup>3</sup> этник таркибини ва этногенетик алоқаларини ўрганувчи тадқиқотчи ёрдамчи адабиёт сифатида фойдаланиши мумкин. Лекин шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, В. В. Радловнинг айрим фикрлари мунозара талабдир. Масалан, у қарлуқларнинг VIII—X асрларда Фарғонада яшаганлигини рад қилади<sup>4</sup>. Олимнинг таъкидлашича, Фарғонада қарлуқлар эмас, уйғурлар яшаган. Қорахонлар уйғурлар орасидан чиққан. В. В. Радловнинг масалага бу тарзда қараши хато эканлиги бизнинг ишларимиздан бирида<sup>5</sup> қайд этилган.

Ўзбеклар ва Марказий Осиё барча халқларининг тарихини чуқур ўрганишда академик В. В. Бартольднинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. У шарқ халқларининг тарихи, географияси, маданияти ва этнографиясига оид 400 дан ортиқ илмий иш ёзган ва чоп этган. Буларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига тегишли муҳим масалаларни ўз ичига олган. В. В. Бартольд асарларининг қиммати ва афзаллиги шундаки, улар дастлабки араб-форс ва бошқа манбалар асосида ёзилган.

В. В. Бартольднинг бир қатор асарларида<sup>6</sup> Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек халқининг ўтмишига, унинг этник тарихига оид жуда кўп материаллар мавжуд. Унинг асарларида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда қадимдан ва илк ўрта асрларда турғун

<sup>1</sup> Радлов В. В. К вопросу уйгурах. СПб. 1893.

<sup>2</sup> Радлов В. В. Опыт тюркских наречий. Т. I—IV, СПб, 1893—1911.

<sup>3</sup> Радлов В. В. Из Сибири. Перевод с немецкого К. Д. Цивинной и Б. Е. Чистовой. М. 1989.

<sup>4</sup> Радлов В. В. К вопросу об уйгурах. С. 117.

<sup>5</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964, С. 22—23.

<sup>6</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ч. I. Тексты, СПб, 1898. Асарнинг бу қисмида араб-форс тилларида ёзилган асарлардан кўчирмалар берилган; ч. II. Исследование, СПб. 1900. Перепечатано, Сочинения, Т. I. М. 1963, Очерки истории Семиречья соч. т.п. ч. II. М. 1963. История Туркестана, соч. т.п. ч. I, С. 25—78. Истории культурной жизни Туркестана, соч. Т. II. ч. I. С. 171—256; К истории орошения Туркестана, соч. Т. III. М. 1965. С. 99—236. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, соч. Т. V. I—VIII. Лекция М. 1968, С. 19—129. История турецко-монгольских народов, соч. Т. V. С. 195—232 ва бошқалар.



яшаб келган туркий аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти кенг ёритилган. Олимнинг ишларида ўзбек халқининг этногенетик жараёнида фаол қатнашган қабила ва қабила иттифоқлари тилга олинади, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқага маълумотлар ҳам бериб ўтилади. Айрим қабилаларнинг илк ўрта асрлар охирида вужудга келганлиги ва ўша давр ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилади. Шу билан бирга, бу масалаларда баъзи ноаниқ фикрларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, у Қорахонлар давлатининг асосчиларини бир ерда уйғурлар ёки яғмо<sup>1</sup> деса, иккинчи ерда бу давлатнинг ташкил топишида қарлуқлар ҳиссаси катта<sup>2</sup> бўлганлигини таъкидлайди. Айрим ноаниқликларга қарамасдан В. В. Бартольднинг асарлари Марказий Осиё халқларини, хусусан, ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

С. П. Толстовнинг этник тарихига ва этногенез масалаларига оид фикр-мулоҳазалари ҳақида юқорида фикр юритилди. Бу ўринда унинг фақат айрим ишларини эслатиб ўтиш kifоядир.

Ўз ФА фахрий академиги С. П. Толстов Хоразм археология ва этнографик экспедициясини ташкил қилиб, кўп йиллар давомида (1937—1969 й.) унга раҳбарлик қилди; собиқ СССР ФА этнография институтининг директори (1942—1966 й.) бўлиб ишлаб, ўзбек халқи тарихини, хусусан, этник тарихини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг археологик изланишлари ва манбалар асосида ёзган йирик асарлари<sup>3</sup> ҳамда кўплаб чоп этилган мақолаларида (300 дан ошиқ) Хоразм ўлкасида қадим ва ўрта асрларда турғун яшаб келган маҳаллий аҳоли ўз даврида юқори маданиятга эришганлиги, улар шаҳар ва қўрғонларда яшаб, йирик суғориш иншоотларини бунёд этганликлари, деҳқончиликнинг тараққий этгани, улар ўз тилига, ёзувига эга бўлганлиги батафсил ёритилади. С. П. Толстов ўз тадқиқотлари билан Хоразм маданиятини ва у орқали ўзбек халқини дунёга танитган олимдир.

С. П. Толстов асарларида илк ўрта асрларда ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг этногенетик жараёнида қат-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Статьи и рецензии. Соч. Т. V. С. 273.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 315.

<sup>3</sup> Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М. 1962. С. 201—233.

нашган ўғуз, печенег, қанғли ва бошқа халқлар ва қабилаларга ҳам аҳамият беради. С. П. Толстов айрим масалаларда хатоликларга ҳам йўл қўйган. Масалан, Қанҳа, (Кангюй) давлатини Хоразмда вужудга келган, бу давлатнинг сиёсий маркази ҳам Хоразмда бўлган, деб келар эди. Лекин йирик тадқиқотлардан бирида С. П. Толстов фикрини бироз ўзгартириб, «Хоразм Қанҳанинг фақат бир қисми эди»<sup>1</sup> дейди. Ҳақиқатда эса Хоразм Қанҳа давлати томонидан тобе этилган, унинг тасарруфидаги узоқ ўлкалардан бири бўлган. Қанҳа милоддан олдин III асрда Сирдарёнинг ўрта қисмида ташкил топган давлат эди. Унинг марказий шаҳри Қанҳа ҳам Сирдарёнинг ўрта оқимида, Тошкент водийсидаги ҳозирги Оққўрғон туманида бўлиб, Қанҳа деб номланган, унинг харобалари ҳозир ҳам сақланиб қолган. С. П. Толстов мақолаларидан бирида усун қабиласини, антик даврларда Орол денгизининг жануби-шарқий қисмидаги чўлларда яшовчи йати (яти, ясы, осы) ассиан атамалари бир халқнинг номи дейди<sup>2</sup>. Бошқачароқ қилиб айтганда, унинг фикрича, йати, асы, ассионлар усунларнинг аجدодлари бўлган. Унинг бу фикрига қўшилиш қийин. Маълумки ас, аси, ассионлар Эрон тилли халқлар эдилар, усунлар эса туркий этнос бўлиб<sup>3</sup>, буларнинг илк аجدодлари Шимолий Хитойда яшаб, кейин Тянь-Шан тоғ олди минтақаларига келиб жойлашган. Шунинг учун ҳам усунларни ассиан ёки аслар билан тенглаштириш ўринсиз. Олим яна апасиакларни (пасионларни) — печенеглар билан дукара атамасини тахорлар билан тенглаштириб, улар бир халқ<sup>4</sup> деган гипотез ҳам қилган. Бу фикрга ҳам қўшилмаймиз, чунки унинг гипотезалари тахминий мулоҳазаларга асосланган, холос.

Атоқли ўзбек академик олими Я. Г. Фуломов бир неча йиллар давомида С. П. Толстов раҳбарлик қилган

<sup>1</sup> Древний Хорезм. М. 1948; По следам древнехорезмской цивилизации. М. 1948; Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949—1953 гг.; Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. II. 1958. С. 7—258; По древним дельтам Окса и Яксарта. М. 1962; Города гузов. СЭ. 1947. № 3. С. 55—102; Огузы, печенеги и море Даукара. СЭ. 1950. № 4. С. 49—52 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Зуев Ю. А. К этнической истории усуней. Новые материалы по древней и средневековой истории Казахстана. Труды ИИАЭ АН Каз ССР, № 8, Алма-Ата, 1960. С. 5—23.

<sup>3</sup> Толстов С. П. Огузы, печенеги, море Даукара, СЭ. 1950. № 4. С. 49.

<sup>4</sup> Толстов С. П. Огузы, печенеги... С. 51—54.

археологик экспедициялардаги ва мустақил равишда олиб борган археологик изланишлари асосида Амударё этакларида сунъий сугоришнинг вужудга келиши ва унинг тараққий этиш тарихини ўрганиш асносида йирик монография яратган<sup>1</sup>. Монографияда дастлабки манбалар асосида Хоразмнинг ирригация тарихи ва у билан бевосита боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, савдо йўллари, тижорат алоқалари ва бир қанча бошқа масалалар чуқур таҳлил этилган.

Я. Ф. Фуломовнинг асарида таъкидланган бир қанча масалалар, чунончи, IX—XII асрларга оид қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг таркиби, иқтисодий ва маданий ҳаёти, воҳага туташ минтақаларида яшовчи этник гуруҳлар, уларнинг турғун аҳоли билан алоқалари ва бошқалар Хоразмда шу даврларда мавжуд этник жараённи ва этник алоқаларни тушуниб олишимизни бирмунча осонлаштиради<sup>2</sup>.

Кўп йиллар давомида Марказий Осиё туркий халқларининг тарихини ўрганиб археологик изланишлар олиб борган тарихчи олимлардан бири А. Н. Бернштам эди. Олим кўпроқ Сибир, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларидаги халқлар тарихи ва археологияси билан шуғулланиб келган бўлса-да, унинг асарларида, хусусан, археологик ишларида барча туркий халқларнинг (қаерда яшашидан қатъи назар) этник тарихи, ижтимоий ҳаёти ва маданияти ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар ва хулосалар билдирилган<sup>3</sup>.

А. Н. Бернштамнинг асарларида қадим ва илк ўрта асрларда Еттисув, Тянь-Шан тоғолди минтақаларида, Сирдарё соҳиллари, Фарғонада турғун яшаб келган туркий халқлар шаҳар ва қишлоқлари, деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва диний эътиқодлари ёритилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Фуломов Я. Ф. Хоразмнинг сугориш тарихи. Тошкент, 1959.

<sup>2</sup> Фуломов Я. Ф. Кўрсатилган асар. 124—170-бетлар.

<sup>3</sup> Бернштам А. Н. Памятники старины Таласской долины. Алма-Ата. 1941; Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. Фрунзе. 1943; Социально-экономический строй орхон-енисейских тукок VI—VIII веков М.-Л, 1946; Древний Отрар. ИАН Каз. ССР. Серия археология. вып. 3. 1951. С. 81—97; Древняя Фергана (Научно-популярный очерк. Ташкент 1951; Труды Семирченской археологической экспедиции «Чуйская долина». М.-Л. 1950. МИА. № 14. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памира-Алая. М.-Л. 1952. МИА. № 26.

<sup>4</sup> Бернштам А. Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. С. 16—20; МИА № 14; С. 10—74, МИА № 26. 97—204 и др. стр.

Унинг ишларида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар, хусусан, туркешлар ва қарлуқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва маданиятига катта ўрин берилган. У Еттисувнинг VIII—X асрларига оид тарихий даврни қарлуқ даври маданияти деб атайди<sup>1</sup>. Қарлуқ даврига хос бўлган хусусиятлардан бири — Зарафшон воҳаси, Фарғона ва Шош аҳолисининг Еттисув аҳолиси билан савдо-сотик ва маданий алоқаларни янада ривожланиб бориши ва бунинг натижасида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг турғунликка ўтиш жараёнини А. Н. Бернштам ўз ишларида аниқ далиллар билан исботлайди. Олимнинг бир неча мақолаларида Сибирда, Марказий Осиё минтақаларида туркий битикларнинг кенг кўламда тарқалганлиги маълум қилинади<sup>2</sup>.

А. Н. Бернштам Марказий Осиё халқлари тарихини, хусусан, этник тарихини ўрганишда анча хайрли ишларни амалга оширган олим, албатта. Катта иш бекам-куст бўлмаганидек, бу олимнинг тадқиқотлари ҳам айрим хатолардан холи эмас. Уларнинг барчасини бу ерда такрорлаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Шулардан фақат айримларини мисол учун эслатиб ўтиш kifоя. Масалан, А. Н. Бернштам кушон сўзини ва Кушон давлатининг номини ҳамда Фарғона водийсидаги қадимги шаҳар — Косон номини усун (уйсун) этник номидан ташкил топган, дея<sup>3</sup> фикр юритади. Бу фикрга биз қўшила олмаймиз. Кушон давлатининг ташкил топиши усунлар билан эмас юечжилар билан боғлиқ бўлиши керак<sup>4</sup>.

А. Н. Бернштам ҳам советлар даврида етишган олимлардан бири эди. Унинг тадқиқотлари ўша давр руҳида, коммунистик мафкура ва марксизм-ленинизм назарияси асосида ёзилган. Шунинг учун ҳам ишларида синфий қарама-қаршиликларга, синфий курашларга ва эксплуатация формаларига кўпроқ аҳамият берилган.

---

<sup>1</sup> Бернштам А. Н. Историко-культурное прошлое северной Киргизии... С. 20—22; МИА № 14. С. 74—76, 129—131, МИА № 26, С. 150—160.

<sup>2</sup> Бернштам А. Н. Древнетюркские письма на р. Лене. ЭВ. Т. IV. 1951. С. 76—86; Древнетюркские документы из Согда. ЭВ. Т. V. 1951. С. 65—75; Древнетюркские рунические надписи из Ферганы. ЭВ. Т. XI. 1956. С. 54—58.

<sup>3</sup> Бернштам А. Н. Древняя Фергана. С. 17—19; К вопросу об усун, кушан и тохарах. СЭ. 1947. № 3. С. 41—47.

<sup>4</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. II. С. 227—228.

Тарихий шахсларнинг роли камситилган. Бу билан биз олимнинг Марказий Осиёда, хусусан, Жанубий Қозоғистоннинг ва Қирғизистоннинг тарихини ўрганишдаги хизматларини камситмоқчи эмасмиз, унинг ишларини ҳолисона баҳолаб, айрим камчиликларини ҳам эслатиб ўтдик, холос.

Еттисув ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларида илк ўрта асрларда яшаган аҳолининг жойланиши, шаҳарлари ва шаҳар маданиятини археологик топилдиқлар асосида ўрганган П. Н. Кожемяко, К. М. Байбеков, К. А. Акишев, Е. А. Агеева, Г. И. Пачевич ва бошқа археологларнинг ҳам ҳиссаси оз бўлмаган<sup>1</sup>. Фарғона аҳолисининг қадимий (мил. аввал II—I милодий I мингинчи йилларнинг биринчи ярми) маданияти ва ижтимоий ҳаёти Ю. А. Заднепровский томонидан ўрганилган<sup>2</sup>. Милодий I мингинчи йилларнинг биринчи ярмида Фарғона воҳасининг жануби-ғарбий қисмида яшаган аҳолининг этник тарихига оид баъзи масалалар, уларнинг ўша даврлардаги маданий алоқалари Г. А. Брыкина ишида ёритилган<sup>3</sup>.

Тошкент воҳасидаги олиб борилган кўп йиллик археологик изланишлар натижасида жуда бой материаллар қўлга киритилган. Бу материалларнинг маълум қисми бизни қизиқтирадиган даврга, яъни VIII—XII асрларга оид археологик топилмаларни ёзма манбаларга ва илмий адабиётларга солиштириб жиддий ўрганган тадқиқотчилардан биз кўпроқ М. Е. Массон, В. А. Булатова ва Ю. В. Буряковнинг ишларига муурожаат қилдик<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Кожемяко П. Н. Раннесредневековые города и поселение Чуйской долины. Фрунзе. 1959, оседлые поселения Таласской долины. в Сб. Археологические памятники Таласской долины. Фрунзе. 1963. Агеева Е. А. и Поцевич Г. И. Из истории оседлых населений в городах юж. Казах. — В. Сб. Труды ИИАЭ. Каз. ССР. Т. 5. Алма-ата. 1958, Акимев К. А., Байбеков К. М. и Ерзакович Л. Б. Древний Отрар (топография, стенография, перспективы), Алма-Ата. 1972, Байбеков К. М. Ранние средневековые города южного Казахстана. в Сб. Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана.

<sup>2</sup> Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. Материалы и исследования по археологии СССР № 118. М.-Л. 1962.

<sup>3</sup> Брыкина Г. А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. М. 1982.

<sup>4</sup> Массон М. Е. Ахангаран. Археолого-топографический очерк. Ташкент. 1973; Булатова В. А. Работа. Ташкентского оярыда. А. О. 1971. г. М. 1972. Работа Ташкентского отряда А. О. 1972. М. 1973; Историко-топографический очерк района Ташкента. Древности Ташкента. Ташкент. 1976. С. 115—130; Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Ташкент. 1975; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент. 1982.

Буларнинг асарларидан шу саналарга оид Аҳангарон (Элок) ва Чирчиқ ҳавзаларида жойлашган шаҳар ва кўрғонларнинг вужудга келиши, уларнинг тараққий этиши ҳамда воҳа аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда турмуш тарзи ҳақида аниқ маълумотлар олиш мумкин. Шу хил маълумотларни ўзбек халқининг этник тарихи учун қанчалик муҳим эканлигини тушунтириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр, Хоразм ва Сирдарё бўйларида, Талас водийси ва Етгисувда жойлашган шаҳарлар, уларнинг ҳудудий тараққиёти шаҳар аҳолисининг тахминий сони, хунармандчилиги, тижорат ишлари, иқтисодиёти ва бир қанча бошқа масалалар А. М. Белицкий, И. Б. Бентович ва О. Г. Большаковлар биргаликда ёзган рисоаларда кўрилган. Муаллифлар Истаҳрий, Муқаддасий, Наршахий ва бошқалар ёзиб қолдирган асарлардан кенг фойдаланиб, ўша давр шаҳар ҳаётини ойдинлаштириб берадилар. Сўзсиз, улар келтирган тарихий маълумотлар ва хулосалар ўрта асрларда яшаган шаҳар аҳолисининг маданияти, турмуш тарзи ҳақида аниқ тушунчалар беради<sup>1</sup>.

Туркий халқларнинг этник тарихини мукаммал ўрганган тадқиқотчи Л. Н. Гумилевнинг илмий ишларига мурожаат қилмасдан ўтмаслик керак. Унинг бир қанча йирик асарлари, илмий мақолалари мавжуд<sup>2</sup>.

Л. Н. Гумилевнинг китоблари ва мақолаларида туркий халқлар этник ва сиёсий уюшмаларининг вужудга келиши, уларнинг тараққий этиш ва инқирозга учраши масалалари аниқ далиллар асосида ёритилган. Олимнинг ишларида туркий халқларнинг бир қатор муаммолари (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, турмуш тарзи, тили, эътиқоди ва бош.) этнос ва этник гуруҳларнинг географик жойланиши ҳам ўз аксини топган. Тадқиқотчи кўчманчи туркий қабилаларнинг тарихий ролини камситмасдан уларнинг этник тарихи ва маданиятини юқори баҳолайди, кўчманчи қабилалар ҳам

---

<sup>1</sup> Белицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. Ленинград. 1973.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Хунны М., 1960; Хунны в Китае. М., 1974; Открытие Хазарии. М. 1966; Древние тюрки М. 1967; География этноса в исторический период, Ленинград. 1990; Тысячелетие вокруг Каспия. М. 1993; Ритмы Евразии. Эпохи и Цивилизации. М., 1993; От руси к росси. Очерк этнической истории. М., 1994. Л. Н. Гумилевнинг бошқа ишлари ва мақолалари унинг «Ритмы Евразии» номли асарининг библиографиясида батафсил берилган.

ўз даврига хос маданий тараққиётга эришганлигини илмий асосда исботлаб беради.

Л. Н. Гумилев асарларида кўрилган қатор масалалар, чунончи, Шарқий ва Фарбий турк хоқонликларининг ташкил топиши ва уларнинг инқирозга учраши, турк хоқонлигининг янгидан қарор топиши, Туркеш, Уйғур хоқонликлари ва уларнинг таркибидаги қабилаларнинг этник тарихи, Осиё ва Европа халқларининг илк ўрта асрлардаги этник ва маданий алоқалари ўша даврнинг сиёсий ва этник жараёнларини<sup>1</sup> тушуниб олишни анча осонлаштирди.

Қирғизистон Республикасининг етук тарихчи олими, профессор О. К. Караев кўп йиллар давомида Қорахонлар давлатининг тарихини ўрганиб келди. Кўп йиллик изланишларининг натижалари бир қанча мақолалар ва йирик монографияда батафсил ёритилган. Биз, асосан, муаллифнинг «Қорахонийлар хоқонлиги тарихи» китобига эътибор берамиз.

О. К. Караев ўз рисоласида Марказий Тангритоғ (Тянь-Шан)да ва Еттисувда илк ўрта асрларда яшаган аҳолининг жойлашуви, Қорахонлар давлатининг ташкил топишини илмий таҳлил қилган. Шунингдек, ишда Қорахонлар давлатининг жанубий Қозоғистон, Фарғона, Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаш тарихи, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам ёритилган. Монографияда Қорахонлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий муносабатига, давлат тузилишига, аҳолининг ҳўжалик фаолиятига ва моддий, маданий ҳаётига ҳам катта эътибор берилган<sup>2</sup>.

О. К. Караевнинг монографияси ҳам баъзи камчилик ва ноаниқликлардан холи эмас, албатта. Муаллиф Тянь-Шанда X аср ўрталарида қарлуқлар сиёсий бошчилик қилишни йўқотдилар, дея фикр юритади<sup>3</sup>. Исмоил Сомоний 906 йили Туркистоннинг бир қанча ҳудудларини эгаллагандан кейин қарлуқ ябғуларини Талас водийсининг шарқидаги ерларнинг талай қисмини кўлдан берадилар; то Ўрду (ҳозирги Бишкек шаҳри билан Тўқмоқ шаҳри ўртасидаги) шаҳри-

<sup>1</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М. 1967. С. 148—164, 178—192, 210—220, 237—248, 249—436. География этноса в исторический период. Ленинград. 1990. С. 112—140. Тысячелетие вокруг Каспия. М. 1993. С. 165—173. Ритмы Евразии. Эпохи и Цивилизации. М. 1993. С. 343—386.

<sup>2</sup> Караев О. К. История Караханидского Каганата. Фрунзе. 1983.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 64-бет.

гача бўлган ҳудуд, яъни Талас водийсининг катта қисми — қарлуқларнинг марказий ҳудудлари бўлган кенгликлар Сомоний таъсирида бўлган<sup>1</sup>, дейди муаллиф. Бу фикрларга қўшила олмаймиз. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, X аср ўрталарида қарлуқ давлатини ябғулар эмас, Қорахонлар (улуғ хонлар) бошқарган. Шу аср ўрталарида Қорахонларнинг таъсири кучли эди. Улар Етгисув, Шарқий Туркистоннинг катта қисмида ва Тохаристонда ўз ҳукмронликларини қатъийлаштириб олган эдилар.

О. К. Караев қарлуқ қабила иттифоқидаги қабила-лардан бири бўлмиш чигилларни чик қабиласи билан тенглаштиради<sup>2</sup>. Бошқача қилиб айтганда, чигил ва чик атамасига бир қабиланинг номи, деб қарайди. Бу хато, албатта. Чигилларни чик қабиласига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чиклар ўтмишда Теле қабила иттифоқининг таркибида бўлганлигини, чигиллар эса қарлуқ қабила-сининг ичида эканлиги муаллифни ўзи ҳам инкор қилмайди<sup>3</sup>. Шунга ўхшаш камчиликлар О. К. Караевнинг китобида оз эмас. Бу камчиликлар китобнинг баҳосини камситмайди, албатта. Ҳозирги кунгача бу асар Қорахонлар давлати тарихини ёритиб берган асосий тадқиқотлардан бири, десак хато бўлмас.

Марказий Осиё халқларининг этник тарихи этногенези билан Ғарбий Европа олимлари ҳам шуғулланиб келганлар. Э. Шовани, М. Маркварт, Хелмут Хоффам, О. Прицак, М. Чапличка ва бошқа тадқиқотчилар туркий халқларнинг этник тарихини чуқур ўрганган олимлардан, десак хато бўлмас. Хитойшунос олим Э. Шаваннининг биз фойдаланган тадқиқотларида Хитой манбалари асосида Ғарбий турк қабилалари (нушиби, дулу), қарлуқ, туркешларнинг инқирозга учраши, қарлуқлар давлати ташкил топиши, хитойларнинг туркий халқлар билан муносабатлари ва бошқа қатор масалалар ҳақида гапирилади<sup>4</sup>. Унинг бу халқлар ҳақида, хусусан, қарлуқ ва унинг таркибидаги йирик қабилалар ҳақидаги маълумотлари ўз қимматини ҳалигача йўқотганича йўқ.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. 64—65-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 66—74-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 74-бет.

<sup>4</sup> Ed chavanes, documents sur les Tou-kiue (turks), Occidentaux — CS. ТОЭ, вып. VI, 1903, 11—378: Notes additionnelles sur les tou-kiue (turks) Occidentaux — TP, vol VI. 1904. pp. 1—10.



И. Марквартнинг асарларидан бирида<sup>1</sup> туркий халқлар ва қабилалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу асарда қипчоқ, кимақ, уз, кун, қай, авар, печенег, чигил, яғмо, қарлуқ ва бир қанча бошқа қабилаларнинг жойлашиши, этник тарихи, урф-одатлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Қорахонлар даврининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганишда О. Прицак анча ишлар қилган олим. Унинг тадқиқотларида<sup>2</sup> Қорахонлар сулоласининг ташкил топиши, унинг хонлари, бу сулоланинг вужудга келиши ва тараққий этишида қарлуқларнинг роли, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, Қорахонлар давлатининг икки (Шарқий ва Фарбий) қисмга бўлиниб кетиши, унинг инқирозга учраши дастлабки манба ва тарихий адабиётлар асосида чуқур таҳлил этилган. О. Прицакнинг маълумотларидан Қарлуқ қорахонлар давлати таркибида ташкил топган ўзбек элатининг шаклланишини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Хелмут Хоффман мақолаларидан бирида<sup>3</sup> Тибет тарихий солномаларига асосланиб, қарлуқларнинг (Тибет манбаларида Garlog) катта бир қисми Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашгани ҳамда улар IX аср ўрталарида Кашмирни, Қошғарни, Хўтон ва Ёркентни эгаллаб турганлиги таъкидланади<sup>4</sup>. XI асрнинг биринчи яримларига оид Тибет манбаларида ҳам қарлуқлар Помирнинг тоғли минтақаларида ва Ҳиндикуш тоғ оралиқларида яшаганлиги қайд қилинган<sup>5</sup>. Муаллиф қарлуқларни бу ҳудудларда ўрнашганликларини тасдиқловчи яна бир қанча манбалардан ва тарихий адабиётлардан далиллар келтиради.

Туркия олимлари ҳам туркий халқларнинг этник тарихи ва маданиятини ўрганиш борасида муносиб ҳисса қўшганлар. Биз Туркия тарихчиларидан Емел Есен, Иброҳим Кафес ўғли, Ердуған Мерчил, Фах-

<sup>1</sup> Markwart J. Dip choronogil der alturkichen in schriften, Leipzig. 1898.

<sup>2</sup> Pritsak O. Karachanidische Starifragen. — Orims, 1950, vol. 3, №2, S—209—228; Von den Karluklu den Karachaniden. — In: Jtschr. der Dt. Morgenlandisshen Ges., 1951, Bd. 26, S. 270—302; Die Karachaniden. (mit einer genealogischen tabel). — Der Islam, 1953, Bd. 31, Heft 1, S. 17—68.

<sup>3</sup> Helmut Hoffmann. Die Qarluq in der tibetischen literatur. Oriens, 1950, vol. 3, № 2, S. 190—208.

<sup>4</sup> Уша жойда. 191—196-бетлар.

<sup>5</sup> Уша жойда. 193, 199-200-бетлар.

реттин Кирзи ўғли, Мехмет Олтой Қўйен асарлари билан танишиб, уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олдик.

Туркиялик олима Есин Емелнинг монографиясида илк ўрта аср туркий халқларининг маданияти тарихи (манбалар, тарихий адабиётлар асосида) чуқур ёритилган. Асарда қайд қилинган маълумотлар илк ўрта асрлардаги туркий халқларнинг маданий ҳаёти ва тарихий тараққиётини тушуниб олишимизни бир мунча осонлаштиради<sup>1</sup>. Иброҳим Кафес ўғлининг китобида археологик ва тарихий манбалар асосида қарлуқ, туркеш, печенег, уйгур, ҳазар ва бошқа халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти батафсил таҳлил этилган<sup>2</sup>.

Юқорида тилга олинган ҳар икки муаллифнинг асарларида, умуман, бир қанча бошқа Туркия олимларининг тадқиқотларида туркий дунёда яшовчи барча халқлар турк миллати деб тушунтирилади. Бунга қўшилолмаймиз.

Фахреттин Кирзи ўғлининг қипчоқлар ҳақидаги асари<sup>3</sup> қипчоқлар тарихининг катта даврини (милоддан олдинги VIII асрлардан бошлаб то милодий XVI асрларгача) ўз ичига олган. Мазкур асарни ёзишда муаллиф жуда кўп ёзма ва босма манбалардан, тарихий адабиётлардан ҳамда фольклор материаллардан фойдаланган. Шунинг учун ҳам Ф. Кирзи ўғлининг бу китоби фундаментал асарлар қаторидан ўрин олган. Аммо унинг монографиясидаги баъзи масалалар баҳслидир. Масалан, китобнинг биринчи бўлими «Ҳазар денгизи (Каспий денгиз К. Ш.) ила Қора денгиз орасида илк қипчоқлар» (мил. олдинги VIII аср милодий VI аср) деб номланган. Лекин шу даврларда бу ҳудудда қипчоқлар ҳақиқатда ҳам яшаганликлари ҳақида биронта аниқ далил келтирилмайди. Китоб матнidan бу ҳудудларда яшаган қадимги сак, скиф, массагет қабила иттифоқларини ва халқларни қипчоқлар деб тушуниш мумкин<sup>4</sup>. Албатта бу нотўғри. Маълум-

---

<sup>1</sup> Emlesin, Islamijetten onceki turk kultur tarihi ve islama goris. Istanbul. 1978.

<sup>2</sup> Prof. Dr. Ibrohim Kofesogi, Turk milli kulturi, 7 bashi. Istanbul. 1991.

<sup>3</sup> Prof. Dr. Fahrettin Kirzi oglu, yukari-kur ve Coruk Boylarinde Kipcaclar. Ankara. 1992.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 1—54-бетлар.

ки, қипчоқлар Волга бўйларида, Жанубий рус чўлларида ва Шимолий Кавказ ҳудудларида XI асрда пайдо бўладилар, унгача улар Иртиш дарёси ўрта оқимларида, Ўрол тоғолди минтақаларида яшаб келган эдилар.

Ердўган Мерчилнинг мусулмон турк давлатлари таърифига бағишланган йирик монографиясида<sup>1</sup> ўрта асрларда мавжуд бир неча давлатлар, жумладан Қорахонлар давлати ҳақида гапирилади. Бизни қизиқтирган жойи мазкур асарнинг Қорахонлар давлати ҳақидаги қисми<sup>2</sup>. Бунда Қорахонлар давлатининг ташкил топиши, унинг тараққий этиши ва маданияти етарли таҳлил қилинган. Муаллиф қаламга олган масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўша даврда мавжуд бўлган сиёсий йўналишларни ва давр билан боғлиқ бўлган этник жараённи тушуниб олишни бир мунча осонлаштиради.

Ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш борасида антрополог олимлар ҳам ҳисса қўшганлар. Уларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илк даврларда (милоддан олдинги III—II мингинчи йилларда) яшаган халқлар маҳаллий европеоид антропологик типдаги одамлар бўлган<sup>3</sup>. Бу ирқий типдаги аҳоли Марказий Осиёнинг бир қанча минтақаларида, хусусан, икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида милоддан олдинги I мингинчи йиллар давомида сақланган. Монголоид ирқий типдаги аломатлар Ўрта Осиё ҳудудлари чегараларига милоддан олдинги I ва милодий биринчи аср бошларида кириб келган бўлиши керак<sup>4</sup>.

Маҳаллий европеоид антропологик типни А. Н. Ярхо Помир-Фарғона ирқ<sup>5</sup> деб номласа, Л. В. Ошанин уни — Ўрта Осиё дарё оралиғидаги ирқ<sup>6</sup> деб номлайди.

---

<sup>1</sup> Prof. Dr. Erdogan Mercil. *Musulman turk devletlari tarifi*. Ankara. 1993.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 18—42-бетлар.

<sup>3</sup> Зевенкова В. Я. *Материалы к палеонтологии Узбекистана и Туркмении*, Сб. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Ташкент. 1958. С. 111.

<sup>4</sup> Гинзбург В. В. Трофимова Т. А. *Палеоантропология Средней Азии*. М. 1972. С. 150. Ходжайов Т. К. *Палеоантропология древнего Узбекистана*. Ташкент. «Фан». 1980. С. 58.

<sup>5</sup> Ярхо А. Н. *Краткий обзор антропологического изучения турецких народов СССР за 10 лет (1924—1934)*. Антропологический журнал № 1, 1936.

<sup>6</sup> Ошанин Л. В. и Зевенкова В. Я. *Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии*. Ташкент. 1958. С. 16.

Ўрта Осиё минтақаларида қадимда маҳаллий европеоид ирқнинг мавжудлиги антропологик материаллар асосида исботланди. 1947—1948 й. профессор М. М. Дьяконов раҳбарлигидаги Кофирниҳон археологик экспедиция гуруҳи томонидан қадимги Бақтрия таркибига кирган Жанубий Тожикистоннинг Ҳисор районидаги Тўпхона деб номланган жойдан 37 та (8 таси 1947 й., 29 таси 1948 й.) қабр очилган эди. Қабрлардаги жасадларнинг қўйилиш хусусиятларини ва санасини ҳисобга олиб, М. М. Дьяконов уларни тўрт типга бўлган эди; 1 — милодий VI—VIII асрларга, 2 — милодий IV—VI асрларга; 3 — милодий I—III асрларга; 3 — мил. олдинги I — милодий I асрларга; 4 — (икки буклантириб ётқизилган) бронза даврига тўғри келади<sup>1</sup>, деб таҳлил қилган эди олим.

37 та қабрдан олинган барча одам суяклари (жумладан, бош суяклари) антрополог В. В. Гинзбург томонидан ўрганилган. Олим қадимги Бақтрия аҳолисининг асосий қисми европеоид ирқининг брахикран (думалоқ бошли) типдаги (Ўрта Осиё дарё оралигидаги тип) кишилари бўлганлигини ва ирқий жиҳатдан қўшни Сўғдиёнанинг ҳозирги аҳолисига жуда ўхшашлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. В. В. Гинзбург, юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, ҳозирги кунларда (яъни бизнинг давримизда) «Ҳисор тоғларидан шимолда ва унинг жанубидаги минтақаларда яшовчи халқлар қадимги Бақтрия ва Сўғдиёна аҳолисининг кейинги авлодларидир»<sup>3</sup>, деб ёзган эди. Демак, ҳозирги ўзбек ва тожик халқларининг антропологик жиҳатдан ўхшашликлари қадим даврларда ҳосил бўлган. Кўп асрлар давомида булар бир-бирлари билан аралашиб келишлари натижасида Марказий Осиё воҳаларида (тоғли тожиклар бундан мустасно) Помир-Фарғона (Ўрта Осиёнинг икки дарё оралигидаги) антропологик тип вужудга келган<sup>4</sup>.

Ўрта Осиёда дарё оралигидаги (Помир-Фарғона) антропологик типи маҳаллий (автохтон) антропологик

---

<sup>1</sup> Гинзбург В. В. Первые антропологические материалы к проблеме этногенеза Бактрии. Материалы по археологии СССР под редакцией А. Ю. Якубовского, М-Л. 1950. С. 242. Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенеза ее народов, часть 2, Ереван. 1958, С. 55, 58—60.

<sup>2</sup> Гинзбург В. В. Кўрсатилган асар. 248-бет.

<sup>3</sup> Гинзбург В. В. Кўрсатилган асар. 242-бет.

<sup>4</sup> Ошанин Л. В. и В. Я. Зевенкова. Кўрсатилган асар. 20-бет.

тип эканлигини, бу тип кишилари бошқа ердан келмаганлиги, унинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, қўшни вилоятлар билан этногенетик алоқада бўлиб келиши натижасида вужудга келганлиги Л. В. Ошанин бир неча маротаба таъкидлаб ўтган эди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё икки дарё оралиғи халқларининг антропологик келиб чиқиши ва шаклланиши муҳим масала. Бу ҳақда ҳар хил фикр-мулоҳазалар бўлган. Лекин аниқ бир далилий ечимга келингани йўқ<sup>2</sup>.

Антропологларнинг тадқиқотларидан аниқланишича, монголоид ирқий тип Марказий Осиёнинг, хусусан, Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудларида бир хилда (бир маромда) тарқалмаган.

Антик даврларда Еттисув ва Тянь-Шан этакларида яшовчи сак, усун қабилаларининг антропологик типларида европеоид ирқининг брахикран тури ҳукмронлик қилган<sup>3</sup>. Шу билан бирга, уларда жуда оз миқдорда монголоид ирқидан ҳам қўшилган<sup>4</sup>.

Милодий биринчи асрларда Тошкент воҳасидаги айрим қабрлардан олинган бош суякларнинг бирида европеоид ирқининг таъсири кучли бўлган. Янгийўл қўрғонидан олинган иккита аёл бош суяги европеоид ирқининг мезобрахикранли (ўрта юмалоқ бош) туридаги кишиларники бўлган. Шунга асосланиб Т. К. Ходжайов «Тошкент воҳасининг маҳаллий чорвадор аҳолисининг таркибига эҳтимол, Ўрта денгизи ирқий типи қатнашган бўлса керак»<sup>5</sup>, деб тахмин қилади.

<sup>1</sup> Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенезе ее народов в свете данных антропологии. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Ташкент. 1953. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов ч. I. Ереван. 1957. ч. II. 1958. ч. III. 1959 г.

<sup>2</sup> Гинзбург В. В. Древние и современные антропологические типы Средней Азии. Сб. «Происхождение человека и древнее расселение человечества». ТИЭ, Т. XVI, 1951; Антропологические материалы по этногенезу таджиков. КСИИМК. 61. вып. 1956; Основные вопросы палеоантропологии Средней Азии в связи с изучением этногенеза ее народов, КСИЭ АН СССР. Т. XXXI. 1959; К антропологии населения Ферганской долины в эпоху бронзы. МИА. № 118, 1962; Трофимова Т. А. Хронологические материалы из античных крепостей Калалы-гыр. 1, 2, ТХЭ, Т. II. М. 1958; Зевенкова В. Я. Череп с городища кафыр-кала под Самаркандом, История материальной культуры Узбекистана. Ташкент. 1965. С. 124—128.

<sup>3</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсатилган асар. 153-бет. Ходжайов Т. К. К палеоантропологии Древнего Узбекистана, «Фан». 1980. С. 46.

<sup>4</sup> Ходжайов Т. К. Кўрсатилган асар. 46-бет.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

Тошкент яқинидаги Бўзсув соҳилида ҳамда Ниёз-боштепадан (ҳозирги Янгийўл тумани ҳудудида) олинган бош суяклари М. М. Герасимов томонидан ўрганилган ва улар (ҳар иккала суяклар) милодий V асрга оид бўлган<sup>1</sup>. Бу бош суякларни қадимги соҳиблари брохикран турдаги Помир-Фарғона антропологик кишилари бўлганлиги аниқланади<sup>2</sup>. Бу типдаги кишилар воҳанинг маҳаллий аҳолиси бўлган, албатта. Бундан кўринадики, воҳада антик даврларданок икки европеоид антропологик гуруҳи (европеоид ирқининг мезокран тури ва Помир-Фарғона типидagi брохикран тури) ҳукм сурган. Ҳар иккала гуруҳ европеоид антропологик типдаги кишилар бўлиши билан бирга уларнинг бош суякларида монголоид ирқий аломатлари борлиги аниқланади. Бу Тошкент воҳасига антик даврларданок Марказий Осиёнинг шимол минтақаларидан монголоид ирқига мансуб этник гуруҳлар келиб ўрнашган бўлиши керак, деб тахминий хулоса қилишга имкон беради.

Бухоро воҳасида милоддан олдинги VI—III асрларга оид Шодбек гуруҳидаги қўрғонлар очилди. Бу ерда яшаганлар қадимда деҳқончилик билан шуғулланиб келган халқлар бўлиб, антропологик жиҳатдан аралашиб кетган бўлган. Буларнинг келиб чиқишига кўра, бир томондан Замонбобо маданияти<sup>3</sup> билан, иккинчи томондан Қозоғистоннинг жануби-ғарбий қисмида яшаган мўғуллашган ирқий тип (асосан, андроновликлар) билан боғлиқ<sup>4</sup>.

Қизилтепа қўрғонларидан бирида долихокран турига оид аёл кишининг (милодий I аср) бош суяги топилган. Бу бош суяк шарқий Ўрта ер денгизи антропологик типида бўлиб, монголоид ирқи билан ҳам аралашган<sup>5</sup>.

Ҳазора (Бухоро вилояти) яқинидаги қўрғондан олинган (милодий I—III асрга оид) эркак монголоид

---

<sup>1</sup> Герасимов М. М. Основы восстановления лица по черепу. М. 1949. С. 132.

<sup>2</sup> Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. С. 47.

<sup>3</sup> Замонбобо ҳақида қаранг: А. Асқаров. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан эрамининг V асригача) Тошкент. «Уқитувчи». 1994. 210-бет.

<sup>4</sup> Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. С. 156-бет.

<sup>5</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсатилган асар. 156-бет.

типи аралашган европеоид киши бўлиб, унинг бош суяги мезо-долихокран (ўртача узун бош) туридан эканлиги аниқланади<sup>1</sup>. Шу кўрғондан (ёғоч тобутда кўмилган) боланинг бош суяги текширилганда у брахикранлик Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги европеоид типига мансуб бўлиб чиқди<sup>2</sup>.

Умуман олганда, антик даврда Зарафшон воҳасининг юқори оқимларида яшаган чорвадор аҳолиси европеоид ирқий типни бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳолидан деярли фарқ қилмаган. Зарафшоннинг қуйи оқимида яшовчи аҳоли аниқ монголоид ирқий хусусиятлари билан ажралиб турган. Бу минтақаларда деҳқончилик билан шуғулланиб келган Шарқий Ўрта ер денгизи антропологик типидagi аҳоли яшаган. Хоразм аҳолисининг антропологик типидagi Ўрта ер денгизи ирқий типни устиворлик қилиб келган, ammo буларга ҳам монголоид ирқий типни маълум даражада аралашган<sup>3</sup>.

Фарғона водийси аҳолисининг антропологик жиҳатдан шаклланиши бир неча босқичларни босиб ўтган. Асосан, тўрт босқич белгиланган. Биринчи босқич — милоддан олдинги II мингинчи йилнинг охири — мил. олд. I мингинчи йилнинг бошларини ўз ичига олади. Бу даврда Фарғонада Шарқий Ўрта ер денгизи ирқий типидagi кишилар яшаган. Шимолий чўллардан жанубга кўчманчи қабилаларнинг кўчиб ўтиши билан андроновлик антропологик типни ҳам тарқала бошлайди. Иккинчи босқич — милоддан олдинги I мингинчи йил ўрталаридан милодий I мингинчи йилнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда Фарғона аҳолиси европеоид ирқий типнинг мезобрахикран (ўртача думалоқ бош) туридagi кишилар бўлган. Милодий I мингинчи йилнинг ўрталарида Фарғонада Ўрта Осиё дарё оралиғидagi антропологик типни аниқ гавдаланади<sup>4</sup>. Учинчи босқич — милоддан олдинги I мингинчи йилнинг охири — милодий I мингинчи йилнинг ўрталарида бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда Фарғона аҳолисининг антропологик типидagi Ўрта Осиё дарё оралиғидagi европеоид антропологик ирқий типнинг

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. С. 199.

<sup>4</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсатилган асар. 78—80-бетлар.

қадимий тури устуворлик қилган. Бош суягининг тузилиши мезобрахикранли бўлиб, айрим ҳолларда монголоид аралашмалари ҳам учрайди<sup>1</sup>. Тўртинчи босқич — милодий VII асрдан бошланади. Бу даврда Фарғона Фарбий турк хоқонлиги таркибида бўлиб, туркий қабилалар Фарғона водийсига кўплаб кўчиб келдилар. Водийнинг антропологик жиҳатдан монголлашиш жараёни жадаллашади.

Б. А. Литвинский милодий I мингинчи йилларда Фарғона аҳолисининг этник таркиби жуда аралашган деб, бу ҳудудда қуйидаги тўрт хил антропологик типларнинг мавжудлигини қайд қилади:

1) Ўрта Осиё дарё оралиғи типининг мезобрахикран (ўртача думалоқ бош);

2) Ўрта ер денгиз типининг долихокранли (чўзиқ бошли) тури;

3) Монголоид ирқий аломатлари аралашган ҳар иккала (Ўрта Осиё дарё оралиғидаги ва Ўрта ер денгизи) ирқий типлари;

4) Юқорида кўрсатилган типларидан ташқари яна айрим бошқа типлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтган эди олим<sup>2</sup>.

Милодий I мингинчи йилларда турли хилдаги антропологик типлар нафақат Фарғона, ҳозирги Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида ҳам учрайди.

Илк ўрта асрларда бу минтақаларда Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги ва Ўрта ер денгизи антропологик типлари билан бир қаторда монголоид ирқий типи ёки бу типнинг бошқа антропологик типлари билан аралашган турлари мавжуд бўлган<sup>3</sup>. Антропологик жиҳатдан айрим томонлари билан бирмунча фарқ қилувчи гуруҳлар ҳам бўлган.

Самарқанд яқинидаги Кофирқалъа қўрғонидан топилган 14 та бош суягидан 10 таси В. Я. Зевенкова томонидан жиддий ўрганилган эди<sup>4</sup>. У бош суякларини милодий IV—VI асрларга оид Байрамалидан

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Литвинский Б. А. Этногенетические процессы в раннесредневековой Фергане (палеоантропологический и лингвистические аспекты) — В кн: Проблемы археологии Евразии и Северной Америки. М. 1977. С. 171.

<sup>3</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсатилган асар. 230-бет.

<sup>4</sup> Зевенкова В. Я. Череп с городища Кофирқалъа под Самаркандом. С. 124—138.



(Туркманистон) топилган бош суяклари билан ҳамда ҳозирги давр Ўзбекистон ҳудуди аҳолисининг антропологик типлари билан солиштирди. Натижада Кофирқалъадан олинган бош суяклар Ўрта ер денгизи ирқий типининг Каспийорти антропологик тури билан Помир-Фарғона (Ҳозирги Ўзбекистон аҳолисининг) ўртасидаги антропологик типисидаги кишилар бўлганлиги аниқланади. Буларда монголоид аломатлари бўлмаган. Шундан хулоса қилиб, В. Я Зевенкова Ўрта Осиё икки дарё ораллигидаги (Помир-Фарғона) антропологик типи милодий VI асрда шаклланган, деган хулосага келади. Кофирқалъа антропологик материаллари олима фикрининг далили бўлади.

Юқорида келтирилган антропологик материаллар ва бу соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига таяниб айтиш мумкинки, Марказий Осиёнинг талай қисмида, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида антик босқичда яшаган аҳоли маҳаллий европеоидлар бўлган; бир қанча минтақаларда (хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида) Ўрта ер денгизи ирқий типисидаги кишилар ҳам яшаган. Антик даврнинг иккинчи ярми ва унинг охирларида Марказий Осиё ҳудудларида монголоид ирқига мансуб этник гуруҳлар Мовароуннаҳр чегара ҳудудларига ўрнашиб, айрим гуруҳлари аста-секин икки дарё (Аму ва Сирдарё) ораллигига ҳам ўрнашиб оладилар. Маҳаллий (Помир-Фарғона) антропологик типи монголоид типисидаги гуруҳлар билан аралашиб бориши натижасида бу ҳудудда монголоид ирқий қоришмалар ҳосил бўлади. Илк ўрта асрлар давомида мон-голоидлар билан қоришган аҳоли сезиларли даражада кўпайган. Аммо маҳаллий аҳолининг антропологик типи (Помир-Фарғона типи) хусусан, шаҳарларда, бизнинг давримизгача устуворлик қилиб келмоқда.

Кези келганда уқдириб ўтиш жоизки, айрим антропологлар ва тарихчилар туркий халқларни монголоидлар деб таҳлил қилганлар<sup>1</sup>. Бу фикрга қўшила ол-

---

<sup>1</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсатилган асар. 230—231-бетлар. Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памира-Алая. МИА. 1952. № 26; Брыкина Г. А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. М. 1982. С. 118, 129—130.

маймиз. Туркий халқларнинг барчасини монголоидлар бўлган, дейишга ишонарли далил йўқ. Туркий халқларнинг бир қанчалари (эфталийлар, қипчоқлар, қарлуқлар, халачлар, ўғуз-туркманлар ва бошқ.) европеоидлар бўлганлари ҳақида баъзи тарихий маълумотлар мавжуд.

Византиялик тарихчи-ёзувчи Прокопий Кессарский (VI аср) «Эфталийлар — хунларга мансуб халқ бўлсалар ҳамки ... улар хунлар билан аралашмаганлар, барча хунлар ўхшаш буларнинг бетлари хунук эмас, таналари оқ» деб ёзган эди<sup>1</sup>.

Хунлар туркий халқлар бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, буларнинг талай қисми монголоид бўлиши мумкин. Лекин хунларнинг таркибида европеоид ирқиға мансуб этнослар ҳам бўлган, албатта. Прокопий Кессарский тилга олган эфталитлар бунга аниқ мисол бўла олади.

Л. Н. Гумилев қипчоқлар чиқиб келиши қадимги малларанг (сарик сочли) динлилар билан боғлиқ, дейди<sup>2</sup>. Руслар қипчоқлар баданининг оқлиги ва сочининг малларанглиги учун уларни «половый» (буғдой поҳолиға ўхшаш сарик ранг) «половецлар» деб атаганлар<sup>3</sup>.

Манбаларда Қарлуқ ва уларга қардош чигил, халач ва бошқа қабилаларга мансуб кишилар келишган, чиройли бўлганлиги қайд қилинади. Ибн ал Фоқих туркларнинг аслзода табақаси ва гўзаллари қарлуқларга тегишли эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Йақут ал-Ҳамавий (XII аср охири XIII аср бошлари) чигиллар ҳақида гапириб «уларнинг бетлари чиройли» бўлганлигини қайд қилган эди<sup>5</sup>. Муаллиф чигиллар ҳақидаги маълумотни X асрда ўтган сайёҳ Абу Дулефдан олган бўлиши керак. Қорахонлардан бўлмиш Қошғар хонлари (X аср) ҳақида гап кетганда Йақут ал-Ҳамавий — «соқолли, тўғри бурунли ва катта (очик) кўзли кишилар»<sup>6</sup> деб ёзган эди. Сўзсиз, бу ерда X аср ўрталарида Қошғарда ҳукмронлик

<sup>1</sup> Прокопий Кессарский. История войн римлян с персами. СПб, 1880.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Динлинская проблема, ИВГО, М-Л. 1959. С. 19.

<sup>3</sup> Marquart I. Über des Volkstum der komanen, S. 145—162.

<sup>4</sup> Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. Тошкент, 1995, 33-бет.

<sup>5</sup> Йақут ал-Ҳамави, Муждам ал-булдан, МИСЦА X—XIX, 80-бет.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 89-бет.

қилаётган қарлуқ ёки чигил қабиласига мансуб хонлар ҳақида гап кетаяпти.

Жамол Қарший қорахонийлар хони Буғраҳон Сатук Абд-ал-Карим (955 й. вафот қилган) ҳақида гапириб «Сатук 12 ёшлигида ниҳоятда чиройли эди»<sup>1</sup> деб ёзган эди. Шу муаллиф Хўтан аҳолисини тилга олиб, уларнинг бети чиройли, катта (очик) кўзли кишилар<sup>2</sup> деб таърифлайди. Хўтан аҳолисининг этник таркиби бир хил бўлмаган, албатта. Аммо бу шаҳар VIII—X асрларда Қарлуқ давлати таркибида бўлиб, қарлуқ-чигил қабилаларнинг ўтроқлашган гуруҳлари ҳам яшаган.

Албатта; манбалардан ва тарихий адабиётлардан келтирилган камчил маълумотлар туркий халқларнинг антропологик типларини аниқ ифодалаб бера олмайди. Ҳар ҳолда туркий халқларнинг барчаси монголоид ирқиға мансуб бўлмагандир, уларнинг таркибида европеоидлар ҳам бўлганлигига оид мисолларни фикримизнинг далили сифатида келтирдик.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, унинг қисматини, этник алоқаларини ўрганишда нумизматик материаллар муҳим манба ҳисобланади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, антик даврларда ва илк ўрта асрларда бир қанча давлатлар мавжуд эди. Булар Кушон подшолиги, Кидарийлар ва Эфғалийлар давлати, Хоразм давлати, Туркеш хоқонлиги, Сомонийлар давлати, Қарлуқ (Қорахонлар) давлати бўлиб, уларнинг ҳар бирида подшоларнинг номлари, унвонлари билан танга пуллар зарб қилинган<sup>3</sup>. Бу танга пулларнинг кўпчилиги мутахассис — нумизматлар томо-

---

<sup>1</sup> Абу-л Фадл ибн Муҳаммад Джамал-ад-дин Қарши. «Мулҳақат ас-Сурах» перевод с персидского Р. Ш. Шарафутдиновой, МИСЦА, X—XIX в. С. 105.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 125-бет.

<sup>3</sup> Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ва унга туташ минтақаларда топилган танга-пулларнинг катта қисми (60 минги) Ўзбекистон халқлар тарихи музейида сақланмоқда. Қаранг: Зеймаль Е. В. Из истории коллекций древних Среднеазиатских монет в Музейных собраниях Узбекистана. В кн. Нумизматика Узбекистана, НУ Ташкент, 1990. С. 7—17. Мусакаева А. Античные и раннесредневековые монеты музея истории народов Узбекистана НУ. С. 18—31: Пидаев Ш. Р. Монетные находки из Мирзакултепа, Ну. С. 32—39. Ртвеладзе Э. В. Подражания кушонским монетам, Ну. С. 40—48, Кочнев Б. Д. Клад монет бухархудского типа из Мианкаля, Ну, С. 49—78. Алимов Н. Кашкарарынский клад. Ну. С. 79—83.

нидан илмий асосда ўрганилган<sup>1</sup>. Нумизматик маълумотларда ўзбек халқининг этник тарихига оид баъзи далиллар мавжуд. Археологик изланишлар даврида Панжикентдан топилган танга пуллар О. И. Смирнова томонидан диққат билан ўрганилган. Олима нумизматика маълумотларига асосланиб, Панжикентда қарийб юз йил давомида (VII—VIII аср биринчи чорақларигача) туркий халқлардан бўлган сулола ҳукмронлик қилган, дейди<sup>2</sup>. Бу сулолани бошқарган туркий қабила Сирдарё

---

<sup>1</sup> Шулардан фақат айримларининг ишларини эслаб ўтамай: Смирнова О. И. Каталог монет из городища Пенджикент. М. 1963, Массон М. Е. Клад дирхемов конца X — начала XI из города Янгийюль Ташкентской области. В кн. История археология этнографии Средней Азии, М. 1968, 237—243. Давидович Е. А. Нумизматические материалы для хронологии и Генеалогии Среднеазиатских Караханидов. Нумизматический сборник ч. 2. Тр. ГИМ, в XXVI, М. 1967, С. 91—119. О двух караханидских каганатах. — НАА, 1968, № 1. Новые данные по истории саманидов (клад медных монет IX—X вв. из Самарканды) — Средняя Азия в древности и Средневековые конца X — начала XI в. (и методе их интерпретаций М. Н. Федоровым). М. 1978. С. 80—100. Федоров М. Н. К вопросу об исторические судьбах дихканов при караханидах (по данным караханидских нумизматики) СА, 1975, № 1, Очерки истории восточных Караханидов конца X — нач. XIII в. по нумизматическим данным. В кн: — Киргизия при Караханидах, Фрунзе, 1983, С. 103—135. Кочнев Б. Д. Нумизматические данные по истории Караханидов второй половины XII — нач. XIII в. В кн. Киргизия при Караханидах, 1983.

<sup>2</sup> Смирнова О. И. Каталог монет с городища Пенджикента, С. 10—21. Бу сулоланинг фақат айрим подшоларининг номлари танга пулларда ва Муғ тоғидан топилган ёзма битиклардан маълум, булар: Амагйон (VIII аср ўрталари), Чеккан-Чур, Бидкан ёки Бидйан (тахминан 691—705) ёки 708 й. Бу подшо унвонларидан бири туркий сўз билан берилган. Деваштич (705 ёки 708—722. Шу йили у араблар томонидан қатл қилинган). Номлари келтирилмаган икки аёл подшо (722 йилдан подшолик қилишган). Бу подшоларининг (айрим элементларини эътиборга олмаганда) унвонлари бир-бирлариникига ўхшаб кетган. Қаранг: (Смирнова О. И., Кўрсатилган асарлар, 10—17-бетлар). Деваштич тўрт-беш йил давомида, Панжикент ҳокими бўлиб турган бир вақтдан «Сўғд ихшиди (подшоси) ва Самарқанд ҳокими унвони билан ҳам аталган. Маълумки, Деваштич ҳокимлик қилган (700—705—722) йиллари Сўғда Тархун (705—710) номли киши подшолик қилишган. А. А. Фрейман (Қаранг: Описание публикации и исследование документов с горы Мут. М. 1962, С. 42—45) Тархун-Деваштич бир кишининг номи, шулардан хулоса қилиб, Деваштич 700 ёки 705 й. то 710 й. Панжикент ҳокими бўлиб турган йиллари бир вақтда Самарқанд (Сўғд) подшоси ҳам бўлган, деб таъкидлайди О. И. Смирнова.

соҳилларидан бўлиши керак, деб тахмин қилинади<sup>1</sup>. Туркий сулоланинг мавжудлигини танга-пуллардаги акс этган тамгаларнинг ўхшашликлари ҳамда танга бетига туширилган ҳукмдорларнинг юз тузилишининг мўғул-симонлиги ҳам тасдиқлаши мумкин. Айрим танга-пулларда «Халач ўрдаси» ибораси ёзилган. Бир гуруҳ танга пулларда «подшо хотин», «подшо аёл», деган туркий сўзлар битилган. Агар бу иборалар тўғри ўқилган бўлса, унда Панжикентда ва умуман Сўғдиёнада VII—VIII аср бошларида туркий халқларнинг салмоқли қисми яшаганлиги ва улар Мовароуннаҳрнинг айрим вилоятларида ҳукмронлик қилиб келганликларини тасдиқловчи муҳим тарихий далилга эга бўлган бўламиз. Сўзсиз, бу маълумотлар ҳали пухта ўрганишни талаб қилади.

Панжикентда топилган танга<sup>2</sup>-пуллардан маълум бўлишича, бу шаҳарнинг бозорида Кеш (Шаҳрисабз), Шош (Чоч) ва туркеш танга пуллари ҳам кенг муомалада бўлиб келган. Демак, Мовароуннаҳрнинг савдо алоқалари кенг кўламда олиб борилган.

Шош танга пулларининг бир неча турлари маълум: уларнинг барчасида Шош ҳукмдорларининг сурати босилган бўлиб, уларнинг юз қиёфаси мўғилсимон қилиб тасвирланган. Тангаларнинг бир хилларида Шош туркларининг унвони — ихшид битилган<sup>3</sup>. Шош ҳукмронларининг тангалари Панжикентдан ташқари яна Сирдарё бўйида, Мунчоқтепа деган жойдан, Тошкент яқинидаги Оқтепадан (ҳозир Тошкент шаҳри ичида) ҳам топилган. Оқтепадан олинган танга-пулни А. И. Треножкин ўрганиб, санасини VI—VII асрлар билан белгилайди<sup>4</sup>. М. Е. Массон эса III—IV аср деб сана қўяди<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда 33—34-бетлар. Маълумки, халачлар қарлуқ қабила иттифоқи таркибидаги йирик этник гуруҳлардан бири бўлган. Қарлуқларнинг асосий қисми VI—VII асрларда Олтойда, Иртиш бўйларида, қисман Тарбағатайда яшар эдилар. (Қаранг: Шаниязов К. Ш. Узбеки-қарлуки. Ташкент. 1964. С. 12—20). Халачларнинг бир қисми VI—VII асрларда Афғонистон ҳудудларида ҳам яшаган. Келтирилган нумизматик материаллардан аниқ бўлишича, халачларнинг айрим гуруҳлари (агар танга пуллардаги сўзлар ўқилган бўлса) VI—VIII аср бошларида Сўғдиёнада ҳам яшаган.

<sup>2</sup> Смирнова О. И. Кўрсатилган асар. 44—45; 123-бет. Туркеш танга пуллари. 130—138. (Чоч танга пуллари) 138—139. (Кеш танга пуллари).

<sup>3</sup> Ўша жойда. 44-бет.

<sup>4</sup> Треножкин А. И. Холм Ак-тепе близ Ташкента (Раскопки 1940 г.) — «Тр. Ин-та истории и археологии» Ан Узб ССР, Материалы по археологии Узбекистана. Ташкент. 1941. С. 130.

<sup>5</sup> Массон М. Е. Монетные находки зарегистрированные в Средней Азии в 1930 и 1931. Ташкент. 1933. С. 1—7.

А. И. Треножкиннинг қўйган санаси ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Чунки Шошда (хусусан туркларда) III—IV асрларда танга-пул зарб этилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Панжикент харобаларидан олинган шу турдаги танга-пуллар VII—VIII асрлар билан белгиланган. Шош (Чоч) танга пулларини, сўғдий ёзувида ва қадимги сўғд сўзлари билан зарб этилиши ҳисобга олинса бу танга пуллар, араблар келишидан олдин, Шошда турк қабилаларидан бирининг ҳукмронлик даврларида (яъни VI—VII асрларда) зарб этилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Панжикентдан топилган танга-пуллар орасидаги VIII аср бошларида зарб этилган тангаларнинг бирида «туркеш хоқони давлатининг пули» деган ёзув мавжуд<sup>1</sup>. Маълумки, Туркеш хоқонлиги VIII аср бошида вужудга келади. Демак, туркеш қабиласи ҳокимиятини қўлга олганиданоқ унинг бошлиқлари ўзларини хоқон эълон қилиб, танга-пул зарб қила бошлаганлар. Танга ёзувлари сўғд тилида ва сўғд имлосида зарб этилган.

Панжикент харобаларидан қорахонларга тегишли икки дона танга-пул топилган. Буларнинг бири 1001—1002 й. Наср ибн Али номи билан зарб қилинган; иккинчиси 1013—14 й. Сўғд ҳукмдори Аҳмад ибн Али номи билан зарб этилган. Кейинги тангаларнинг Сўғд ҳукмдори томонидан ўз номи билан зарб этилиши Мовароуннаҳр (Фарбий) Қорахонларни Шарқий Қорахонлар давлатидан ажралиб, мустақил идора қилишга интилаётганлигидан далолат беради. Қорахонларга тегишли танга-пулларнинг ёзуви араб тилида ва араб алфавитида забт этилган. Шу далилнинг ўзи ҳам X аср охирилари ва XI аср бошларида Қорахонлар давлатидаги катта маданий-маънавий ўзгаришлардан далолат беради.

Нумизматик материаллар Қорахонлар давлатини бошқарганларнинг аждод-авлодларини (генеалогиясини) аниқлашда ҳам катта аҳамият касб этади<sup>2</sup>. Танга-пулларнинг ким томонидан ва қачон зарб қилинганлигини, уларнинг анъаналарини жиддий ўрганиб нумизматика билан шуғулланиб келган мутахассис олим-

---

<sup>1</sup> Смирнова О. И. — Кўрсатилган асар. 45-бет.

<sup>2</sup> Кочнев Б. Д. Новые нумизматические данные по истории Караханидов, второй половине XII — начала XIII в. в кн: Киргизия при караханидах, Фрунзе, 1983, С. 75—105, Федоров М. Очерк истории восточных Караханидов конца X — нач. XIII в. по нумизматическим данным, в кн. — Киргизия при Караханидах. С. 103—136.

лар Шарқий ва Фарбий Қорахонларнинг генеалогияси-ни ҳамда ўша даврларда юз берган сиёсий ва этногене-тик жараёнларни аниқлашга муносиб ҳисса қўшган-лар.

Элатнинг шаклланишида тилнинг ҳам аҳамияти кат-та. Ўзбек халқининг тил тарихи ҳақида тилшунос олим-лар анча иш қилганлар, албатта. Лекин ўзбек аждодла-рининг алоҳида халқ (элат) бўлиб шаклланаётган кез-ларда қайси қабиланинг тили устуворлик қилганлиги ҳамда Х—ХІІ асрларга хос адабий тилнинг ташкил топганлиги ҳақида тилшунос олимлар ҳанузгача қатъ-ий бир фикрга келганларича йўқ.

Элшунослик назариясига таянган ҳолда таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўзбек аждодлари алоҳида этник бир-лик (элат) бўлиб шаклланаётган кезларда шу элат фу-қароларига хос умумий тил ҳам шаклланади. Янгидан вужудга келган элат иккинчи бир элатдан ўз тили би-лан фарқ қилиши керак. Агар ўзбек аждодларини ало-ҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш вақтини ІХ—Х асрлар деб тушунсак, унинг элат тили ҳам шу асрлар ичида шаклланган бўлиши мумкин.

Академик Ш.Оназар Шоабдурахмонов ҳозирги ўзбек шеваларини уч гуруҳга бўлиб, шулардан бирини қар-луқ лаҳжаси деб номлайди<sup>1</sup>.

Қарлуқ тили илк ўрта асрларда вужудга келган қадим-ий туркий тиллардан ҳисобланади. Тилшунос олим профессор Н. А. Баскаков қадимги туркий тилларни таснифлаб, уларни бир неча тил гуруҳларига бўлиб, уларнинг ичида қарлуқ тили гуруҳини ҳам тилга ола-ди<sup>2</sup>. Унинг таъкидлашича, қарлуқ тил гуруҳи Қорахон-лар давлатида, яъни Х—ХІ асрларда пайдо бўлган. Ҳозирги давр фан ютуқларини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Қорахонийлар давлати деб айтилган сиё-сий тузум Х—ХІ асрларда эмас, ІХ—Х асрларда таш-кил топган «Қорахоний» ибораси, шарқшунос олим А. А. Григорьев томонидан фанга шартли равишда кири-

---

<sup>1</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот. Қаранг: Ўзбек халқ шевалари лугати. Тош-кент, 1971, 397—404. Решетов ва Шоабдурахмонов томонидан 1978 й. чоп этилган. Ўзбек диалектологияси номли китобида (40—41-бет-лар) ҳозирги замон лаҳжаларидан бири қарлуқ лаҳжаси деб атал-ган.

<sup>2</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки. М. (1961. С. 177; Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. Народы Средней Азии и Казахстана (серия «Народов мира»), Т. І. М. 1962.

тилган (бу масалага кейинроқ алоҳида тўхталамиз). Шу ноаниқликларни ҳисобга олиб, Қарлуқ диалекти IX—X асрларда, ўзбек аجدодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш даври билан бир вақтда шаклланган десак, ҳақиқатга яқин бўлади. Қарлуқ диалекти асосан қарлуқ қабила уюшмасига кирган қабилалар (чигил, халач, лабан ва бошқ.) ташкил қилган. Элат тили бўлиб шаклланиш давомида қарлуқ тили таркибига уйғур, туркеш, арғу, тухси, ўғуз, қипчоқ ва бошқа қабилалар ва қабила лаҳжаларидан ўтган сўзлар ҳам оз бўлмаган. Қарлуқ тил диалектининг шаклланишида ва тараққий этилишида маҳаллий турғун аҳолининг (хусусан, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти) тили таъсири ҳам сезиларли даражада бўлган албатта.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ҳақида гапириб, бунинг ичида энг очиқ ва равон тил, Хоқония ўлкасида яшовчилар (хоқонликлар) тилида<sup>1</sup>. А. К. Боровков «хоқонликлар»<sup>2</sup> тили деб «қорахонлар» давлати таркибига кирган туркий қабилаларнинг тилларидир» деган фикрни айтган эди. Биз ҳам бу фикрга тўла қўшилган эдик<sup>3</sup>.

Қорахонлар давлатида қарлуқ ва унга қардош чигил қабиласи етакчилик қилиб келган. Демак, хоқония туркларининг асосий тили қарлуқ-чигил тили бўлган.

Айрим тилшунос олимлар, масалан, К. Маҳмудов Яғмо қабила тилида сўзлашувчи халқларни хоқония авлоди дейди. Хоқония тили яғмо қабиласига нисбий берилган<sup>4</sup>, деб тушунтиради. Муаллифнинг бу айтганлари В. В. Бартольд томонидан қўйилган хатоликка асосланган, албатта.

В. В. Бартольд номаълум муаллиф томонидан ёзилган (ёзилган йили ҳам аниқ эмас) «Муджмал ат-таварих» деб аталган қўлёзма асарга асосланиб, қорахонийлар «буғра» унвонига эга бўлган яғмо қабиласидан чиққан<sup>5</sup>, деб ёзган эди. В. В. Бартольднинг бу фикрига

---

<sup>1</sup> Шониёзов К. Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4 китоб. Тошкент, 1962, 489-бет.

<sup>2</sup> Боровков А. К. Очерки истории узбекского языка. Ученые записки института востоковедения, т. XVI, М-Л, 1958, С. 217. Лексика Среднеазиатского тефира X—XII вв., М. 1983.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент, 1960, 60-бет.

<sup>4</sup> Маҳмудов К. Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972, 20-бет.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья, сочинения, Т. II. Ч. I, М., 1963. С. 41.



қатор тарихчи ва тилшунослар асосланиб бир қанча тарихий хатоларга йўл қўйишган.

В. В. Бартольд бу масалага яна қайтиб, уч халқни, яъни қарлуқ, яғмо ва чигилларни тилга олди ва Қорахонлар шу халқларнинг биронтасидан чиққан бўлиши керак, дейди<sup>1</sup>. Бошқа бир ерда у Қорахонлар сулоласининг ташкил топишида қарлуқлар ҳиссаси катта эди, деб ҳам айтади. Лекин у бу фикрига ҳам тўла ишонч ҳосил қилмасдан, Қорахонлийлар сулоласи қайси туркий халқлардан чиққанлиги ҳамон баҳсли бўлиб қолмоқда<sup>2</sup>, деб таъкидлаган эди. Кўриниб турибдики, В. В. Бартольднинг бу масалада қатъий фикри бўлмаган.

Қарлуқ — Қорахонлар даврини чуқур ўрганган О. Прицак, Қорахонлар сулоласини ташкил этган қарлуқ қабиласи бўлганлигини илмий асослаб берган эди<sup>3</sup>. О. Караев эса бу сулоланинг келиб чиқишини чигиллар билан боғлайди<sup>4</sup>. Чигилларнинг қарлуқ қабиласидан бўлганлигини тан олиб, уни (чигилни) қадимги Чи қабиласи билан айнан бир халқ деб нотўғри тушунганлигини юқорида қайд қилган эдик.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида этнографик изланишлар натижасида ўзбек халқининг этник тарихига оид материаллар асосида илмий асарлар ёзилган<sup>5</sup>. Бу асарларда XIX аср охири XX аср бошлари-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, соч. Т. V. М., 1968, С. 72; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. соч. Т. I. С. 315.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Очерки по истории Туркменского народа, соч., Т. II. ч. I, С. 553.

<sup>3</sup> Prisak O. Die karachaniden. Der islam, Bd 31, 1953, Heft 1, S. 21—22.

<sup>4</sup> Караев О. История караханидского каганата, Фрунзе, 1983, С. 86.

<sup>5</sup> Шу туркумдаги асарлардан фақат айримларини эслаб ўтамиз: Мошкова В. Г. Некоторые общие элементы в родо-племенном составе узбеков, каракалпаков и туркмен, — Труды Института истории и археологии АН Узбекской ССР. Т. II. Ташкент, 1950; Кармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана вып. I, ТИИАЭ, АН Тадж. ССР, т. XXVIII, 1954; Очерки этнической истории туркмен среднеазиатского Междуречья — в кн: Туркмены в Среднеазиатском Междуречья, Ашхабад, 1989, С. 7—25. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964; К этнической истории узбекского народа. Ташкент. 1974; Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990; Винников Я. Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине. — Среднеазиатский этнографический сборник, т. II, 1954; Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в. Ташкент, 1983; Население Ферганской долины в конце XIX начале XX в. Ташкент. 1991; Задыхина К. Л. Узбеки дельты Амударьи. — Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, т. I, Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945—1948; М., 1952.

да республикамиз ҳудудида яшаган аҳолининг этник таркиби, уларнинг жойлашуви, уруғ-қабилаларга бўлиниши, чиқиб келиш тарихи ва бир қанча бошқа масалалар таҳлил қилинади.

Этнографик асарлар ўзбек халқининг аجدодларини алоҳида этник жамоа бўлиб шаклланган даврини тўлиқ қамраб ололмайди, албатта. Аммо бу асарлар ўзбек элтининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган қабилалар ва этник гуруҳларни ўрта асрлар давомида ўтган тарихий йўлини ёритиб берувчи муҳим тадқиқотлар ҳисобланади.

#### **4. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ТАРИХИГА ВА ЭТНОГЕНЕЗИГА ОИД БАЪЗИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР**

Бошқа фанлар каби элшунослик (этнография) фанида ҳам қатор назарий масалалар борки, уларни билмасдан этник тарихни, этногенезни, этник жараённи илмий асосда ёритиб бериш қийин. Этник тарих ва этногенез билан шуғулланувчи мутахассис этносга оид айрим атамалардан ва назарий масалалардан хабардор бўлиши керак, албатта.

Ҳар бир халқ ўзининг этник тарихи, этногенези ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга интилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бу масалаларга қизиқиш кучайиб, қатор муаллифларнинг илмий адабиётларда, ойнома ва рўзномалар саҳифаларида ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқишлари оз бўлмади. Муаллифлар масалани тўғри қўтариб чиққан бўлсалар-да, этник назарияга лозим даражада эътибор бўлмагани боис қўйилган масалани тўғри ҳал қилиб беролмаганлар.

Собиқ иттифоқ даврида марказдаги илмий тадқиқот институтларининг етакчи мутахассислари (асосан этнографлар, файласуфлар) халқни (этносни) ўрганишга оид бир қанча назарий масалаларни, жумладан, этник бирлик тушунчаси, этник бирликнинг даврларга бўлиниши, этник аломатлар ва бошқа қатор масалалар борасида бир неча йиллар давомида баҳслашиб келган эдилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Токарев С. А. Проблемы типов этнических общностей // Вопросы философии. 1964. № 11; Козлов В. И. О понятии этнической общности // СЭ. 1967. № 2. С. 100—110; Проблемы эт-

Баҳслашув давомида элшуносликка оид айрим масалаларда умумий бир фикрга келишган бўлсалар-да, бир қанча масалалар ечилмасдан қолган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, марказ олимлари этнос назарияси ҳақида кўпинча умумий фикр-мулоҳазалар қилиб, Россия империяси таркибидаги миллатлар, элатларга хос этногенетик хусусиятларга етарли даражада аҳамият бермаганлар. Шу боис улар олдинга сурган этносга оид бир қанча назарий масалалар маҳаллий халқларнинг этник жараёнларига мос келмайди (бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз).

Асосий масалага ўтишдан олдин этнография фанида қўлланиладиган айрим атамаларга изоҳ бериб ўтиш ўринли бўлса керак.

Халқларнинг келиб чиқиш тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанда «этнос» (юнонча «халқ») ва «этник бирлик» иборалари қўлланилди. Этнос атамаси жуда кенг ва тор маънода ишлатилади: масалан дунё халқи, Америка, Россия халқи, Ўзбекистон халқи, вилоят халқи ва бошқа кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилган. Шунинг учун ҳам маълум бир ижтимоий тузумда вужудга келган этник уюшмага «Этник бирлик» (рус тилида «этническая общность») сўзи ишлатилади. Этник бирлик «халқ» атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир<sup>1</sup>.

Этник бирлик аниқ шароитда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий уюшмадир. Фанда этник бирлик босқичининг уч тури мавжуд: қабила, элат ва миллат. Кетма-кет алмашиб келган бу атамалар турли даврларда вужудга келган; улар ўз даврларига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар.

---

нического самосознания и ее место в теории этноса // СЭ. 1974. № 2. С. 79—92; Чебоксаров Н. Н. Проблемы происхождения древних и современных народов // Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Т. 5. М., 1970. С. 746—757; Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы и культуры. М., 1985. Чистов К. В. Этническая общность, этническое сознание и некоторые проблемы духовной культуры // СЭ. 1976. № 3. С. 73—85; Бромлей Ю. В. Этнос и этнология. М., 1973; Очерки теории этноса. М., 1983; и др.

<sup>1</sup> Чебоксаров Н. Н. Проблемы происхождения древних и современных народов // Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Т. 5. М., 1970. С. 746.

Қабила — ибтидоий босқичга хос этник бирлик. Қабила аъзолари бир-бирлари билан қон-қариндошлик муносабатида бўлиши ҳамда уруғларга бўлиниши хусусиятлари билан кейинги босқичдаги этник birlikдан (элатдан) фарқ қилади. Бундан ташқари, қабиланинг ўзига хос тили, худуди, қабила аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда бўлиши (масалан, жамоа бўлиб ов қилиши, қабила худудини ҳимоя қилиши, бир-бирларига ёрдам бериши ва бошқа), қабила номининг (этноним) мавжудлиги, анъаналарини билиши ва бошқа қабила уюшмасининг хусусиятларидан ҳисобланган. Ибтидоий босқичнинг тараққий этган этник жамоаларида ўз-ўзини идора қилиш, уруғ-қабила бошлиқларидан ташкил топган, маслаҳат (йиғин) мажлиси орқали бошқарилган. Улар барча жамоа масалаларини ҳал қилиш, жамоа йиғинларида қабила бошлиқларини сайлаш ҳамда қатор қабилачилик муносабатларини бошқарганлар.

Кишилик жамиятининг тобора тараққий этиб бориши ва синфий жамиятнинг пайдо бўлиши билан ибтидоий босқичга хос этник birlik — қабила тузуми ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо қабила атамаси ва унга тааллуқли бўлган баъзи хусусиятлар қолдиқ сифатида синфий жамиятларда (қулдорчилик, феодализм, капитализм, социалистик) ҳам сақланиб қолган. XIX аср охири — XX аср бошларида ўзбек халқининг таркибида қабилалар мавжуд бўлиб, улар уруғларга бўлиниш тартибини ва уруғ-қабила номларини (этнонимларини) сақлаб келганлар. Сўзсиз, улар ибтидоий босқич қолдиқлари ҳисобланади. Чунки бизгача сақланиб қолган уруғ-қабилалар ибтидоийликка хос хусусиятларини аллақачон йўқотиб, синфий жамиятга мослашиб қолганлар.

Ибтидоий босқичнинг охирларида — синфий жамиятга ўтиш арафасида, қабилалар орасидаги этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида бир қанча қабилалар бирлашадилар. Қабилаларнинг бирлашиш жараёнида этник birlikнинг янги тури вужудга келади. Бу этник birlik маълум тарихий шароитда худудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади.

Қадимий даврда вужудга келган янги этник birlikни ифодалаш учун «элат» атамасини қабул қилиш

ўринли бўлса керак. Бу атама бир қанча маънога<sup>1</sup> эга бўлишидан қатъи назар, ўзбек тилида ёзилган илмий асарларда анча вақтлардан буён рус тилида «народность» сўзи ўрнида ишлатилиб келинмоқда.

Қадимда ҳозирги Ўзбекистон худудида ва унга туташ минтақаларда бир қанча элатлар вужудга келган: бақтрияликлар, хоразмликлар, сўғдийлар, қанғарлар, фарғоналиклар шулар жумласидан. Аммо бу элатлар қулдорчилик жамиятидаёқ бирин-кетин инқирозга учраб тарқалиб, уларнинг ўрнида янги элатлар вужудга келган. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда турк, уйғур, ўғуз, тожик ва ўзбек<sup>2</sup> элатлари ташкил топган. Булардан бизнинг асримизгача уйғур, тожик ҳамда ўзбек элати етиб келди.

Элат қабила билан миллат орасидаги этник бирлик бўлиб, синфий жамиятга хос этник уюшмадир. Элат собиқ иттифоқ тузумида ҳам мавжуд бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, элат ва миллат атамалари фанда ҳали обдан такомиллашганича йўқ. Шунинг учун ҳам тилга олинган атамаларни шартли равишда қабул қилиш маъқулроқ бўлса керак.

Этнография фанида «этнографик гуруҳ» (субэтнос) ибораси ҳам кўпроқ қўлланилади. Этнографик гуруҳ — маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан) бири бўлиб, ўзининг баъзи хусусиятлари билан тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган. Этнографик гуруҳ одатда бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб келиши натижасида вужудга келади. Масалан, Октябрь тўнтаришидан олдинги даврда ўзбеклар таркибидаги қипчоқлар, қурамалар этнографик гуруҳ ҳисобланган. Баъзи вақтларда этнографик гуруҳ ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этник бирлигига қўшилиши на-

---

<sup>1</sup> Элат (асоси «эл») атамаси ўтмишда кенг маънода қўлланилган: халқ, давлат, қабила, қабила иттифоқи, маълум бир қабила ёки худуд фуқаролари ва бошқа. Қаранг: Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I. Ч. 2. СПб., 1893. С. 1471—1472; Малов С. В. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951. С. 379; Древнетюркский словарь. Л., 1969. С. 159—166.

<sup>2</sup> «Ўзбек» атамаси кейин ташкил топганлигини ҳисобга олиб, илк ўрта асрларда вужудга келган элат учун бу атамани шартли қабул қилиш ўринли бўлса керак.

тижасида ҳам вужудга келган. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида маҳаллий халқнинг ичида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, унга аралашиб борган. Аммо буларнинг маълум қисми ўз тилини, ўзлигини ва моддий маданиятларидаги баъзи хусусиятларни сақлаб келганлар. Бунга мисол қилиб ўзбеклар таркибидаги араблар, эронийларни кўрсатиш кифоя. Шу ўринда яна бир иборага, яъни «этник гуруҳ» иборасига эътибор бериб ўтайлик.

Этник гуруҳ аниқ бир халқнинг (қабила, қабила иттифоқи, элатнинг) парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқидан (қабила, элат) ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини шу халқ номи билан атайдиган бўлиб қолади. Аммо шу билан бирга бу гуруҳ ўз этник номи ни ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади. Масалан: қипчоқлар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида ўзбек халқининг таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётидаги баъзи хусусиятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қипчоқлар) этник гуруҳ ҳисобланган. Шу сингари қангли, уйшун ва бир қанча бошқа қабилавий номлар ҳам юқорида эслатилган халқлар таркибида мавжуд бўлган. Булар ўз этник номлари билан қайси халқ ичида бўлсалар ўша халқ (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа) номи билан аталган. Октябрь тўнгаридан олдин Россияда яшовчи поморлар ва казакларнинг барча гуруҳлари рус халқининг этник бўлинмалари (гуруҳлари), Шимолий ва Жанубий великорусслар эса этнографик гуруҳлар ҳисобланган<sup>1</sup>.

Ажралиб чиққан этник қисм, бошқа этносларга қўшилмасдан ўзи мустақил этник гуруҳ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши билан унинг таркибига айрим (қипчоқ бўлмаган) этник гуруҳлар қўшилиб, йирик

---

<sup>1</sup> Бромлей Ю. В. Этнос и этнография, М., 1973. С. 33; Очерки теории этноса. М., 1983. С. 85.

қабила иттифоқини ташкил қилади. Бунга XIII—XIV асрларда Даштиқипчоқда яшаган қипчоқ этник гуруҳ мисол бўла олади.

Қипчоқ этносининг асосий ўзагидан ажралиб чиққан гуруҳлардан бири ўз таркибига қорақалпоқ, қангли, дурут ва бошқа этник гуруҳларни қабул қилиб, йирик қабила иттифоқини ташкил қилган эди<sup>1</sup>.

Маълумки, вақт ўтиши билан этник бирлик фуқароларнинг аниқ бир қисми ажралиб, бошқа ерга, бошқа табиий муҳитга бориб ўрнашиб, шу жойдаги этносга қўшилиб, турмуш тарзини бирмунча ўзгартириб, ерли халқнинг тилини қабул қилиб унга аралашиб қолиш ҳоллари ҳам оз бўлмаган. Агар шунга ўхшаш этник гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, этник бирликнинг асосий шартларидан бири бўлган этник номини (этнонимини) ва баъзи бошқа белгиларини сақлаб қололса бундай этник гуруҳ ўзининг бурунги этник бирлигига тааллуқли бўлади. Вақт ўтиши билан бошқа этник уюшмага кирган этник гуруҳ ўз тилини, маданиятини, ўзлигини батамом унутиб юборган тақдирда бундай гуруҳ (олдингидан) бошқа этнос кишилари бўлиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда, маълум этник гуруҳ олдинги этник бирлигидан ажралиб, мутлақо бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга сингиб, ўзларини шу этнос (қабила, элат, миллат) кишилари ҳисоблайдилар. Масалан, халаж қабиласини олайлик. Бу қабиланинг асосий қисми илк ўрта асрларда Еттисувда яшаган. Милодий VI—VII асрларда буларнинг маълум қисми ажралиб, ҳозирги Афғонистон ҳудудига бориб ўрнашган. Вақт ўтиши билан улар бу ҳудуд аҳолисининг тилини, урф-одатларини, турмуш тарзини қабул қилиб, ўз этник номларини унутиб, XIII асрдаёқ ўзларини бошқа ном билан гилзой деб атайдиган бўлиб қолган эдилар<sup>2</sup>. Айрим этник гуруҳлар бошқа этник бирликка кириб, унга аралашиб сингиб кетган бўлсаларда ўз этник номларини асрлар мобайнида сақлаб қолганлар. Қашқадарёнинг ўрта оқимларида мажар номи билан аталувчи этник гуруҳ яшайди. Маълумки, мажарлар Венгрия давлатининг асосий халқидир. Буларнинг илк аجدодлари угро-фин тилида гапирувчи халқ-

<sup>1</sup> К. Ш. Шаниязов. К этнической истории узбекского народа. Ташкент. 1974. С. 76.

<sup>2</sup> Муҳаммад ибн Наджиб Бекрон. «Джеханнаме». МИТТ, Т. I, М-Л, 1939. С. 349.

лар бўлиб, Сирдарё қуйи оқимларидаги чўлларда ва Урал тоғ олди районларида яшаган. Милодий IX асрда мажарларнинг катта бир қисми хазарлар сиқувиға бардош бера олмай ғарбга силжиб, ҳозирги Венгрия ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу ерда улар славянлашиб, элат ва кейинчалик миллат бўлиб шаклландилар. Қадимги ерларида қолганлари эса тил жиҳатидан турклашиб тотор, бошқирд ва ўзбеклар таркибига кириб, батамом сингиб кетганликларига қарамасдан қадимги этник номларини (мажар этнонимини) бизгача сақлаб келган.

Этник тарих ўрганилаётган халқнинг ибтидоийликдан бошлаб, бир қанча тарихий босқичларни ўтиб, то бизгача давом қилиб келган катта даврни қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, этник тарих тушунчаси этноснинг қадимда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган илдизларини, уларнинг алоҳида этник жамоа (этник бирлик) бўлиб шаклланиш даврини ҳамда этноснинг кейинги тарихий тараққиёт тарихини (то миллат бўлиб шаклланишига қадар) ўтган даврини ўз ичига олади.

Этногенез ва этногенетик жараён этник тарихнинг маълум босқичларида вужудга келади.

Этногенез (этнос — юнон тилида халқ, генезис — келиб чиқиш) деб илгари мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (элат)нинг вужудга келишига айтилади. Янги этнос вужудга келгач, олдинги этник компонентлар аста-секин йўқолиб тарих майдонидан батамом чиқиб кетадилар (масалан, саклар, массагетлар, тоҳарлар ва бошқалар) ёки қисман (этник таркиби ўзгарган ҳолда) сақланиб қоладилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги этник бирликнинг шаклланиши охирига етиши билан ҳам этник жараён тўхтаб қолмайди. Шаклланган этник бирликка турли даврларда янги-янги компонентлар келиб қўшилиши ёки ундан ажралиб, чиқиб кетиш ҳоллари этник бирлик шакллангандан кейин ҳам давом этаверади.

Маълум бир халқнинг элат бўлиб шаклланиш (этногенез) жараёнининг икки усули мавжуд:

а) туб ерли (автахтон) этник компонентларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориш усули;

б) шаклланган ёки шаклланаётган этник бирликка бошқа жойдан кўчиб келган компонентларнинг маҳал-



лий аҳолига қўшилиш усули билан ҳам этнос вужудга келади. Демак, янги этносга маълум ҳудудда яшайдиган этнослар ёки этник гуруҳлардан ташқари бошқа ҳудудлардан келиб қолган этник, антропологик ва маданий жиҳатдан бир хил бўлмаган турли этносларнинг аралашувидан ҳам вужудга келади. Дунёда мавжуд бўлган халқларнинг барчаси турли этник гуруҳларнинг қўшилишларидан вужудга келган.

Этносларни бир-бирлари билан қўшилиб, қоришганлигини тан олмайдиган кишилар ҳам йўқ эмас. Булар ўз халқларини ирқий жиҳатдан «тоза», яъни бошқа халқлар билан қўшилмаган, деб ирқчилик концепциясини қўллаб-қувватлайдилар. Тожикистон ФА академиги Рахим Масов ҳам шулар жумласидандир.

Рахим Масов ёзади: «Таджикки относятся к орийской расе, турки-узбеки к монгольской расе». Фикрини давом эттириб: «не может быть единого корня, этнической общности между народами, вышедшими из совершенно противоположных рас. Более того, считать себя потомками согдийцев, бактрийцев и хоразмцев нету у пришлых народов никаких оснований»<sup>1</sup>.

Рахим Масовнинг фикрича, тожик халқи бошқа халқлар билан қўшилмаган тоза (орий) халқ, ўзбеклар эса монголоид ирқига мансуб келгинди халқ бўлганлигидан келиб чиқиши негизи (томири) тожиклар билан бир этник жамоадан бўлиши мумкин эмас. Ўзбекларни сўғдийлар, бактарлар, хоразмийларнинг авлодлари дейишга ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Рахим Масовнинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Халқларнинг қадим даврлардан оқ бир-бирлари билан аралашиб, қоришиб келганлиги ва соф (аралашмаган) халқ бўлмаганлиги тарихнинг ўзи гувоҳлик беради.

Энди «этник жараён» иборасига эътибор берайлик. Этник бирлик (элат) билан унинг таркибига кирган, этник гуруҳлар ўртасидаги этник, хўжалик, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига «этник жараён» ибораси қўлланилади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, этник жараён икки хил, яъни бўлиниб кетишга ва бирлашишга мойил жараёнлардан иборат.

---

<sup>1</sup> Рахим Масов. История с грифом. «Совершенно секретно». Душанбе. 1995. С. 20.

Бўлиниб кетишга мойиллиги бўлган этник жараён-да илгарилари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этник гуруҳлар ёки унинг маълум бир қисми ажралиб чиқиб, алоҳида (мустақил) этносни ташкил қилиши мумкин.

Бирлашишга мойиллиги бўлган этник жараённинг уч тури мавжуд: яқинлашиш (интеграция), бирикиш (консолидация), аралашиб, қоришиб кетиш жараёнлари.

Кўп йиллар давомида қўшни яшаб келган этнослар вақт ўтиши билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашадилар, яъни интеграция жараёнини ўтайдилар. Бу жараён ижобий натижа берган тақдирда этнослар этник жиҳатдан бирикиш (консолидация) палласига ўтадилар.

Бирикиш жараёни икки йўсинда ўтиши мумкин: тил ва маданияти жиҳатидан яқин, аммо жипслашишдан олдин алоҳида этнос бўлиб келган ёки аниқ бир этник бирликдан ажралган гуруҳнинг (ёки бир неча этник гуруҳларнинг) бошқа этнос билан жипслашиб бориш жараёни ва аниқ бир этноснинг ичида мавжуд бўлган ёки бўлаётган жараён.

Бир этноснинг бошқа бир этнос билан жипслашиш жараёнини этнослараро бирикиш деб атаймиз. Бу турдаги бирикишда келиб чиқиши бир хил бўлмаган этник гуруҳлар ҳам иштирок қилаверади. Аммо бир хил (қавм-қариндош) этнослар яшаш жойлари яқин ёки бир ҳудудда бўлса, этнослар орасидаги жипслашиш жараёни ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалари тобора ривожланиб бораверса бирикиш жараёни самарали бўлади: қабила элатга, элат эса миллат даражасига кўтарилиши мумкин. Лекин ҳамма вақт ҳам бу жараён самарали бўлавермайди. Жипслашишга мойил бўлган этнослар, этник гуруҳлар баъзи (сиёсий, иқтисодий) сабаблар билан тарқалиб, яшаш жойларини ўзгартириб, бошқа этнос билан яқинлашиб унга қўшилиб кетиши ёки алоҳида этник бирлик ташкил қилиши мумкин. Масалан, Фарбий турк хоқонлиги таркибида аз ва уз қабилалари мавжуд бўлган. Бу қабилалар Етгисувда яшаб Туркеш қабила иттифоқи билан яқинлашиб, жипслашиш жараёнини кечираётган эди. Аммо VII асрнинг охири — VIII асрнинг ўрталарида Етгисувда содир бўлиб турган сиёсий курашлар натижасида уларнинг асосий қисми бу ҳудуддан чиқиб,

бошқа этносларга қўшилиб кетишга мажбур бўлганлар.

Аниқ бир этнос таркибидаги этник гуруҳларнинг ўзаро жипслашиб бориш жараёнига «этносларнинг ички жараёни» иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Жипслашган этнослар тили ва маданияти билан қанчалик яқин, қон-қардош бўлса, бирлашиш жараёни шунчалик тез суратда ўтади. Бу хилдаги жараёнга мисол тариқасида XIX асрнинг охири — XX аср бошларида ўзбеклар ичидаги қипчоқ ва қурама гуруҳларни кўрсатиш кифоя. Бу гуруҳлар асрлар давомида ўзбек элатининг таркибида бўлиб келишига қарамадан, улар ўз этник номларини, тил лаҳжаларини ва моддий маданиятларидаги айрим хусусиятларини сақлаб қолганлар. XIX аср охирилари — XX аср бошларида уларга умумўзбек маданияти батамом сингиб, ўзбек миллатининг ажралмас қисми бўлиб қоладилар.

Маълум бир халқ (этнос) иккинчи бир халқнинг тилини, урф-одатларини, удумларини ўзлаштириб, унга араллашиб (сингиб) у билан бир халқ бўлиб кетишини «қоришиш жараёни» десак ўринли бўлади. Қоришиш жараёни ибораси рус тилидаги ассимиляция сўзига тенглашади. Қоришиш (ассимиляция) ҳам бирлашишга мойил этник жараён турларидан бири ҳисобланади. Келиб чиқиши бошқа бўлган этнослар бир халқ бўлиб қўшилмасдан (қўшилишга мойиллиги бўлмасдан), қўниқўшни бўлиб, доимо ўзаро алоқада бўлиб келган жараёнга «этносларнинг яқинлашуви» (межэтническая интеграция) ибораси қўлланилади.

Ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқларнинг Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистоннинг бошқа ҳудудларда яшаб, доимо иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлиб келиши этнослараро яқинлашувига ёрқин мисол бўла олади.

Юқорида эслатилган барча этнографик жараёнлар халқларнинг келиб чиқишини, шаклланиш жараёнининг қандай бораётганлигини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Юқорида этногенетик жараён иборасини эслаб ўтган эдик. Этногенетик жараёнда халқнинг илк илдилари ҳосил бўлади. Бу жараёнда бир қанча этник гуруҳлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қўшилиб борадилар. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маънавий маданияти ҳар хил бўлган бўлиши мумкин. Узоқ давом этган этногенетик жараёнда уларнинг ташқи қиёфасида, тилида, моддий

ва маънавий маданиятида, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлди<sup>1</sup>.

Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати доирасида<sup>2</sup> (милоддан аввалги III — милодий V аср ўрталари) ўтган десак хато бўлмас. Кейинги асрларда бу жараён бир мунча ривожланган.

Қанғ давлати этник жиҳатдан бир хил бўлмаган. Бу давлат таркибида саклар, сакарауқлар, ассианлар, массагетларнинг айрим гуруҳлари обийлар, тохарлар, сўғдийлар ва бошқа эрон тилли маҳаллий этнослар бўлган. Буларнинг катта қисми ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик билан шуғулланганлар. Маҳаллий аҳоли ичида ярим кўчманчи ва кўчманчи гуруҳлар бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Қанғ давлати таркибида милоддан аввалги VII—VI асрларда Шимолий Хитойдан силжиб келган ва кейинчалик маҳаллий аҳоли билан аралшиб кетган туркий тилли этник гуруҳлар (масалан эфталийларнинг илк аجدодлари) ҳам бўлган бўлиши мумкин.

Милоддан олдинги II — милодий I—II асрларда Тангритоғ, шимоли-шарқий ҳудудларидан усунларнинг айрим гуруҳлари, Хитойнинг шимоли-ғарбий минтақаларидан ва жанубий Сибирда яшаган ди, динлин, теле, хун<sup>3</sup> ва бошқа туркий тилли кўчманчи этносларнинг айрим гуруҳлари келиб Қанғ давлати ҳудудида ўрнашадилар<sup>4</sup>. Шундай қилиб Сирдарё соҳилларида ва унга туташ чўлларда ва тоғли минтақаларда икки тилга (эрон ва туркий) мансуб этнослар учрашадилар. Бу этнослар асрлар давомида бир-бирлари билан яқин этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб мураккаб этногенетик жараённи ўтадилар.

---

<sup>1</sup> Сўзсиз этногенетик жараённинг боришини аниқлаш учун мазкур жараёнда қатнашган этник гуруҳларни биологик жиҳатдан ўрганиш керак эди. Афсуски антик ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган этник гуруҳларга оид биологик материалларга эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам этногенетик жараённи асосан этник тарих, антропологик ва лингвистик материаллар асосида ўргандик.

<sup>2</sup> Қанғ давлати ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: К. Шониёзов. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990.

<sup>3</sup> Қаранг: К. Шониёзов. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990.

<sup>4</sup> Милоддан олдинги II асрдан милодий I аср бошларига қадар хун ва усун этник гуруҳларининг Қанғ давлати ҳудудига келиб ўрнашганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. 92—93-бб; 2-жилд. 196—198-бетлар.

Юз берган этногенетик жараёнда туркий этносларнинг ҳиссаси катта бўлган албатта. Туркий этнослар таъсирида милоддан аввал I ва милодий I—II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида, унга туташ ҳудудларда сак қабилаларидан бири — қанғарлар тил жиҳатидан турклашганлар. Милоддан аввалги VII—VI асрларда Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган эфталийларнинг кейинги авлодлари, хун, усун бошқа туркий тилли этник гуруҳларнинг Еттисув, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида яшовчи ўтроқлашган саклар ва бошқа турғун яшовчи эрон тилли этник гуруҳлар билан яқин алоқаларда бўлиб келиши, уларнинг ўтроқлашиши ва туб ерли аҳоли билан аралашуви натижасида туркий тилда гапирувчи янги — қанғар этноси вужудга келади. Бу этнос ўзбек элатининг шаклланишига асос солган энг қадимги туркий қатламни ташкил этган.

Айни шу асрларда (милоддан аввал I, милодий VII асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида ва Хоразмда деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келган аҳоли (сўғдийлар, хоразмийлар, ўтроқлашиб қолган саклар, обийлар, сакараунлар, ассианлар, тохарлар ва бошқалар) маданияти, яъни туб ерли аҳоли маданияти шу ҳудудларга келиб ўрнашган кўчманчи чорвадор туркийзабон этнослар маданияти билан (яъни кўчманчи халқлар маданияти билан) аралашиб боради. Натижада аралашган (синкретик) маданият ҳосил бўлади. Туб ерли аҳоли маданиятини кўчманчи қабилалар маданияти билан қўшилганлиги археологик ашёлар (жунарик, қовунчи топилмалари) асосида ҳам исботланган. Археологлар бу қўшма маданиятни кангюй ёки қовунчи маданияти деб номлаганлар.

Ўзбек ва тожик халқига хос антропологик ташқи қиёфа (Помир-Фарғона ёки икки дарё оралиғи деб аталган ирқий тип) ҳам асосан Қанғ давлати ҳудудида шаклланган бўлиши керак. Демак, Қанғ давлати Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда туркий тилли этноснинг яъни, ўзбек халқи ажлодларининг ташқи қиёфасини, феъл-атворини ва руҳиятини вужудга келишида муҳим роль ўйнаган.

Қанғ давлати емирилгач унинг ҳудудида мавжуд бўлган кўчманчи қабилалар тарқалиб янгидан ташкил этилган давлатлар ёки қабилавий уюшмалар таркибига кирадилар. Уларнинг айримлари кучайиб ўз таркибига бошқа этник элементларни қабул қилиб (масалан қанғ-

дилар, печенеглар) юқорида қайд қилганимиздек янги қабила иттифоқини ташкил қиладилар. Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларида турғун яшовчи аҳоли (сўғдийлар, хоразмийлар, туркийзабон этнослар) ўз ҳудудларида абадий қолиб, бўлажак ўзбек элатининг пойдеворини ташкил қиладилар.

Энди асосий эътиборни ўзбек элатининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ баъзи назарий масалаларга қаратмоқчимиз.

Этнография фанида элатни (миллатни ҳам) белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: ҳудуд, тил, иқтисод, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, онг сезими, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, ўз этник номига (этнонимига) эга бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча бошқа аломатлар. Албатта, бу аломатлар этноснинг шаклланиш жараёнида иштирок этиши керак. Аммо амалда эса бу аломатларнинг барчаси элатнинг шаклланаётган кезларда, яъни муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бир даврда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлмаган. Этник аломатларнинг бири, балки бир нечтаси бир вақтда ҳосил бўлса, бошқаси эса бирмунча кейинроқ пайдо бўлиши мумкин. Жумладан маълум бир этносни ташкил топишида тил бош роль ўйнаган бўлса, иккинчи бир элатнинг пайдо бўлишида хўжалик, учинчисида эса моддий маданият етакчи белги бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Юқорида эслатилган этник аломатларни барчасини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу масалалар юқорида, иловада тилга олинган олимларнинг ишларида кенг ёритилган. Биз шу ўринда ўзбек халқининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган айрим этник аломатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз холос.

Этнос назариясига биноан этник бирликка (элат) яқин бир тилда гаплашувчи халқлар, элатлар бирлашадилар. Шаклланаётган элатнинг тараққиёт даврида унинг тилида фонетик, грамматик таркибида, асосан луғавий таркибида маълум даражада ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бу ўзгаришлар кўпинча турли этник элементларни бир-бирлари билан аралашиб бориши туфайли ҳосил бўлади. Чунки халқнинг ўзаро аралашиб жараёни уларнинг тилини (лаҳжаларини) ҳам аралашиб олиб келади. Элатнинг шаклланиш давридаги этник жараёнда қатнашаётган маълум бир қабилани ёки ўтроқ аҳолининг лаҳжаси устуворлик қилиб, пировардида бу лаҳжа янги-

дан шаклланган элатнинг умумий тили бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбек аждодлари элат бўлиб шаклланаётган вақтда қайси элатнинг шеvasи устуворлик қилган бўлса, айнан ана шу тил кейинчалик мазкур элат тили бўлиб қолган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақаларида ўғуз, қипчоқ ва қарлуқ, уйғур туркий тил гуруҳлари<sup>1</sup> мавжуд бўлган. Уғуз тил гуруҳи ўғуз ва салжук қабиалари орасида вужудга келган, қипчоқ тил гуруҳи Даштиқипчоқ қабиалари орасида ташкил топган, қарлуқ тил гуруҳи эса қарлуқ ва уларга қардош халач, чигил-яғмо ва бошқа қабиалар ичида, уйғур тили уйғур этник муҳитида ҳосил бўлган бўлиши керак.

Тарихдан аёнки, VIII асрнинг 60-йиллари қарлуқлар туркешлар устидан ғалаба қозониб, Еттисувни<sup>2</sup> батамом эгаллайдилар ва жуда катта ҳудудда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар (бу ҳақда кейинги бобда гапирилади). Қарлуқлар эгаллаб турган минтақаларда қарлуқлардан ташқари яна бир қанча бошқа туркий қабиалар ва этник гуруҳлар, чунончи орғу, тухси, туркеш, аз, уз, яғмо ва бошқалар жойлашган эдилар. Икки асрдан кўпроқ давр ичида бу этнослар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб кетишлари натижасида Қарлуқ давлати аҳолисининг (тарихий адабиётларда Қорахонийлар давлати ибораси қабул қилинган) адабий тили шаклланади. Бу тил қарлуқ шеvasи асосида вужудга келган албатта. Шунинг учун бўлса керак, тилшунос олимларнинг асарларида мазкур тил қарлуқ тили ёки қарлуқ гуруҳининг тили деб номланган<sup>3</sup>.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ҳақида гапириб «Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил Хоқония

---

<sup>1</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана (Народы мира). М., С. 117, 119.

<sup>2</sup> Еттисув ҳозирги Қозоғистон Республикасининг жануби-шарқий қисми бўлиб, шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Сасиқкўл ва жануби-шарқда Жунғор Алатови, жанубда Тангритоғ тоғлари орасидаги ҳудудларни ўз ичига олган. Еттисув номи Балхаш кўлига қуйиладиган етти дарёни (Ила, Қоратол, Оксу, Биен, Лепса, Баскан, Сарканд) назарда тутиб ном берилган.

<sup>3</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки. М. 1961. С. 170—177; Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. С. 117, 119, 128, 129; Щербак А. М. Огузنامه. Мухаббат-наме. М., 1958; Грамматический очерк языка тюрков X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М., Л., 1961. С. 26; Лерети Л. О. Монгольских и тюркских языках и диалектах Афганистана. // Acta orientalia. T. IV, F. 1—2. Budapesht, 1954. P. 93—117.

ўлкасида яшовчилар (хоқонликлар) тилидир»<sup>1</sup> деган. Баъзи олимлар хоқоний туркларининг тилини «Сарой ходимларининг тили» деб нотўғри тушунганлар. Тилшунос олим А. К. Боровков бу масалага аниқлик киритиб «Хоқония тили сарой тили эмас, балки Қорахонийлар давлати таркибига кирган турк қабилаларининг тили» деб таъкидлаган эди<sup>2</sup>.

Қорахонийлар давлати деб бу ерда биз тилга олган Қарлуқ давлатига айтилган. Чунки, мазкур давлат ҳукмронларига хоқон дейилган. Уларнинг унвонлари Қора<sup>3</sup> (Қора хоқон) ибораси билан аталган. Масалани шу йўсинда тушунилса, яъни «Хоқония ўлкасини» Қарлуқ давлати ҳудуди деб билсак, IX—X асрлар давомида Қарлуқ Қорахонлари (буюк хонлари) ҳукмронлик қилиб келган минтақаларда барча аҳолига манзур бўлган ягона бир тил ҳосил бўлганлигига шубҳа қолмайди. Бу тил юқорида эслатилган қарлуқ лаҳжаси асосида вужудга келган албатта. Мазкур тил фақат халқ тилигина бўлиб қолмасдан Қарлуқ Қорахонлари давлатининг давлат ва адабий тили ҳам эди<sup>4</sup>. Бу тилда IX—XIII асрлар давомида бир қанча асарлар ёритилган. Аҳмад Югнакий (775—869)нинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туфҳаси») достони, Юсуф Хос Ҳожиб (XI) нинг «Қутадғу билик»<sup>5</sup> («Саодатга йўловчи билим») асари; Аҳмад

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Тошкент, 1960. 65—66-бетлар.

<sup>2</sup> Боровков А. К. Очерки истории узбекского языка // Ученые записки 1958 Института востоковедения. XVI. М-Л. 1958, С. 217.

<sup>3</sup> «Қора» ибораси қадимги туркларда «қудратли», «буюк», «улуғ» деган маъноларни аниқлаган. Қаранг: Pristak O. Die Karachaniden // Der Islam. 1953. Bd. 31. Hef 1. S. 17—65. «Қора» ибораси яна бир қанча бошқа маъноларда ҳам ишлатилган. Қаранг: 1952. Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. II. Ч. 1. М-Л, 1952, С. 132—143; Древнетюркский словарь Л. 1969. С. 422—424. «Хоқон» (Қоғон) атамаси хонлар хони шоҳлар шоҳи маъносига бўлиб, қарлуқ ҳукмронларини хонлик даражасини энг юқори поғонада кўтариш учун қўлланган бўлиши керак. Қора хоқон қарлуқ ҳукмронларининг энг юқори (олий) даражали унвони ҳисобланган.

<sup>4</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. С. 128.

<sup>5</sup> Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» достони. XI—XIII асрларда ёзилган бўлиши керак деб тахмин қилинар эди. (Қаранг: Маҳмудов К. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972. 14, 16-бетлар). М. Имомназаров Аҳмад Югнакий 775—868 йй. яшаганлиги ҳақида аниқ фикр юритади. (Қаранг: Буюк сиймолар, алломалар, ўртаоғиллик машҳур мутафаккир ва донишмандлар. Тўплам. I-китоб, 1995, 21—22, 64-бетлар). Агар М. Имомназаровнинг фикрларини ҳақиқатга яқин деб тан олинса, унда адиб Аҳмад Югнакий VIII аср охири IX аср бошларида ижод қилган бўлиб чиқади.



Яссавий (1041—1167) шеърлари, «Ўғузнома»<sup>1</sup> достони ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу асарлар туркий тилнинг қарлуқ шеvasида ёзилганлиги йирик тилшунос олимлар томонидан тан олинган<sup>2</sup>.

Қарлуқ шеvasига бошқа туркий қабилалар тилларига қараганда араб, форс, тожик сўзлари олдинроқ кирган бўлиши керак. Айнан шу тиллар таъсирида IX—X асрларга келиб, қарлуқ тили ўзининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари билан эски турк (Урхун-Енисей битиклари тилидан бирмунча фарқ қилган ва кейинчалик ўзбек номини олган туркий элатнинг тили бўлиб қолади. Бу тил қўшни минтақаларда яшовчи этносларнинг (ўғуз, қипчоқ ва бошқ.) лаҳжаларидан фарқ қилган албатта.

Қарлуқ давлати ҳудудида қарлуқ ва уларга қардош қабилалардан ташқари бир қанча туркий қабилалар ҳам яшаган. Шунинг учун ҳам давлат ҳудудида элат тили бир вақтда минтақавий ва қабилавий лаҳжалар ҳам ҳали ўз хусусиятларини йўқотмаган эди. Бу лаҳжалар кейинги асрларда ҳам сақланиб келганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Этник бирликнинг (элатни) ташкил топишида ҳудудни ҳам аҳамияти катта бўлган. Бир тилда гапирувчи этнослар алоҳида этник бирликка уюшиши учун ўз ҳудудига эга бўлган бўлиши керак эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир элатнинг муайян яшайдиган жойи бўлган. Этносининг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун, у яшаб турган ҳудудда узоқ вақтларгача осойишталик, барқарорлик ҳукмронлик қилиши керак бўлган.

Агар этнос маълум бир ерда жойлашиб, шу ерда қарор топмаса, хўжалик фаолиятини давом эттиролмаса бундай этнос йирик этник бирликка, яъни элат даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Бу хил этнослар кўпинча кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар қабилаларидан бўлиб, улар тез-тез бир ердан иккинчи ерга кўчиб, жойларини алмаштириб туришлари ҳамда сиёсий вазиятни ўзгартириб қолиши туфайли кўпинча элат бўлиб шакллана олмаганлар. Булар кичик гуруҳларга бўлиниб, тарқалиб турли этник уюшмаларга кириб (компонент сифатида) узоқ вақт ўз этник номларини сақлаб қолганлар. Ўрта асрларда мавжуд бўлган

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Тошкент, 1997.

<sup>2</sup> Шербак А. М. Оғуз-наме. Махуббат-наме, М., 1959. С. 108.

аз, уз, дулу, туркеш ва бир қанча бошқа қабилалар бунга мисол бўла олади.

Маълум бир ҳудуддаги қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи аҳолининг элат бўлиб шаклланиши ёки маълум бир элат таркибида бўлиши учун ҳам ҳудудда бирлик ва осойишталик ҳукм суриши шарт. Бордию юрт нотинч бўлса, муқим аҳоли хўжалик фаолиятини ривожлантира олмаса, тирикчилигини ўтиши қийин бўлиб танглик юзага келиб, сиёсий тузумнинг сиқиғи тобора ошиб бораверса халқ бу тангликдан чиқиб кетиш йўлини ахтарган: исён кўтариб, ҳокимиятини улоқтириб ташлаши эътибордан холи бўлмаган. Агар ҳокимият кучли бўлиб, устун келганда унда аҳолининг маълум қисми ўз ерини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Масалан, VI аср охирларида Шарқий турк ҳукмрон табақаларидан чиққан Абрўй Бухоро вилоятида вақтинча бўлса ҳамки, ўз ҳукмронлигини ўрнатиб фуқароларга зулм ўтказа бошлайди. Бунга ортиқча чидай олмаган бойлар ушбу вилоятдан қочиб Туркистон ва Тароз шаҳарларига ва уларга яқин жойларга бориб ўрнашадилар. Камбағал, бечоралар эса қоча олмай Бухорода қолган эдилар<sup>1</sup>. Кўп вақт ўтмай Абрўй зулмига чидай олмаган Бухоро фуқаролари исён кўтардилар ва Туркистон сари кўчиб кетган ватандошларини ёрдамга чақирадилар. Улар эса ўз навбатида туркларнинг хоқони Қаражуринга (лақаби Биёғу) мурожаат қилиб ёрдам сўрайдилар. Биёғу бухороликларга ўғли Шери Кишвар бошчилигида ҳарбий куч юборади. Халққа зулм қилган Абрўй Бойкенд<sup>2</sup> кўрғонида тугилади ва қатл этилади<sup>3</sup>.

Юқорида ўзбек элатининг тили Қарлуқ давлати ҳудудида ва унга туташ ўзагини шаклланиши ҳам шу ҳудудларда бошланган ва ривожланган десак хато бўлмас.

Айнан шу ҳудудда ўзбек элатининг шаклланишида фаол қатнашган кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ туркий қавмлар бошқа қўшни ҳудудларда (масалан Мовароуннаҳрнинг ўрта қисмларида) жойлашган туркийзабон аҳолига нисбатан кўпроқ бўлган.

Айрим тадқиқотчиларнинг масалан, Т. Ю. Бурмистровнинг фикрича, миллат бир жойда эмас, балки бир нечта вилоят ҳудудида яшаса, ҳатто, улар озчиликни

<sup>1</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. «Бухоро тарихи», Тошкент, 1966. 16-бет.

<sup>2</sup> Бойкенд — Бухоро воҳасидаги қадимий шаҳарлардан бири.

<sup>3</sup> Наршахий. Кўрсатилган асар. 16-бет.

ташкил қилган бўлса ҳам вилоятлар миллат ҳудуди бўла олади<sup>1</sup>. Шу фикрни элатга нисбатан ҳам қўлласа хато бўлмас. Бу фикрни инobatга олган тақдирда ўзбек элатининг шаклланган ҳудудини маълум бир ер билан чегаралаб қўйиш тўғри бўлмайди. Ўзбек элати бир неча вилоятларни, воҳаларни ўз ичига олган жуда катта кенгликда (Хоразм, Мовароуннаҳр, Еттисувда, Тошкент воҳаси Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақалари) вужудга келганлигини тан олиш керак бўлади. Сўзсиз бундай катта ҳудудда ўзбек ажлодларини элат бўлиб шаклланиши жараёнида унга кирган этник гуруҳлар бир текисда жойлашмаган; бир вилоятда кўпроқ (масалан, Еттисувда, Тошкент воҳасида, Фарғонада) иккинчи ерда камроқ (Қашқадарё воҳасида), чўл зоналарида эса оз миқдорда жойлашган бўлишлари мумкин эди.

Ҳудуд бир ижтимоий бирликда яшаши, меҳнат қилиши, хўжалигини ривожлантириш учун муҳим кенгликдир. Аммо, этноснинг бир ўзи ёлғиз тараққий эта олмайди. Унинг ривож топиши учун бошқа этнослар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиши керак. Демак, ҳудуд ижтимоий гуруҳларнинг бошқа, қўшни этник бирликлари билан этник, хўжалик, маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатадиган кенглик ҳамдир.

Ўзбек ажлодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнашган этнослар қўшни минтақаларида яшовчи этнослар (ўғуз, қипчоқ, уйғур ва бошқа) билан яқинлашиб, айрим этник гуруҳлари қўшилиб ҳам кетган. Масалан, Тошкент воҳасида (VIII—X асрларда) яшаган ўғуз гуруҳлари ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган. Ўзбек элатининг йирик компоненти ҳисобланган, Сирдарёнинг қуйи оқимида, Орол денгиз соҳилларида жойлашган қарлуқларнинг бир гуруҳи ўғузлар таркибига кирган. Қанғилилар ҳам ўзбек элатининг шаклланишида фаол қатнашган этник компонентлардан эди. Қанғилиларнинг айрим гуруҳлари ўғуз ва қипчоқ этносларининг таркибида бўлиб, кейинчалик туркман, бошқирд, қозоқ ва бошқа туркий халқларнинг этник жараёнида иштирок этган. Торим ва Ила воҳаларида яшаган қарлуқ гуруҳларининг таллай қисми уйғур халқининг таркибига кирган. Уй-

---

<sup>1</sup> Бурмистрова Т. Ю. Некоторые вопросы теории нации. // Вопросы истории. 1966. № 12. С. 20.

гурнинг баъзи гуруҳлари ўзбек элатининг шаклланиш жараёнига қатнашган.

Тарихдан маълумки, тожиклар ва уларнинг илк аجدодлари билан ўзбек аجدодлари қадим-қадимдан бир ҳудудда яшаб бир-бирлари билан аралашиб келганлар. Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда ўзбек ва тожик аجدодлари доимо ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлганлар. Ана шу алоқалар натижасида бу ҳар иккала халқлар қисман аралашиб борадилар ва буларнинг қўшилмасидан Сирдарёни ўрта қисмида ва икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида милоддан олдинги II—I милодий I—II асрлар давомида қадимги туркий қатлам вужудга келган. Кейинчалик, хусусан илк ўрта асрларда, бу ҳудудларда туркий забон аҳоли сон жиҳатидан бирмунча кўпайган эди.

Тожик халқининг аجدодлари ўзбек аждодлари билан аралашиб жараёни Етгисувда ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларида ҳам юз берган эди. Бу ерларга келиб жойлашган сўғдийларнинг кўпчилиги IX—X асрларда туркийзабон этнослар билан қоришиб, ўз тилларини унутиб, туркий тилда сўзлашадилар. Маҳмуд Қошғарий (XI аср) Баласағунда<sup>1</sup> яшаган сўғдийлар ҳақида гапириб «улар Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Сўғддан бўлиб турклашиб кетганлар» деб ёзган<sup>2</sup>.

Юқорида айтганларимизга асосланиб, таъкидлаб ўтмоқчимизки, Марказий Осиё халқлари кўп асрлар давомида бир-бирлари билан доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб, маълум даражада аралашиб ҳам кетганлар. Биронта ҳам аралашмаган этник жамоа (элат, халқ) тарихда бўлмаса керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳудуд бирлиги этноснинг шаклланишида муҳим аломатлардан бири бўлса ҳамки, лекин ҳудуднинг бутунлиги ҳамма вақт ҳам сақланиб қолавермаган. Табиий шароитнинг ўзгариши билан, ёки сиёсий вазиятнинг кескинлашиши билан этнос ёки унинг айрим гуруҳлари турган ҳудудларини ўзгартиришга мажбур бўлганлар. Ҳудуднинг ўзгариши кўпинча

<sup>1</sup> Баласағун — ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Тўқмоқ шаҳри яқинида. Оқпешин харобаси ўрнида бўлган деб тахмин қилинади. Қаранг: Труды Семиреченской археологической экспедиции. № 14. 1950. С. 10, 13, 21; Махмудов К. Баласағун // ОНУ, 1972. № 2, С. 47, 50.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. Тошкент, 1960, 65-бет.

мавжуд бўлган элатни ёки қабила иттифоқини емирилиши туфайли юз берган. Мисол учун, ўғузларни олайлик. Улар IX—X асрларда Сирдарё соҳилларида ва Орол денгизининг жануби-шарқий ҳудудларида давлат барпо этган эдилар. Шу давлат ҳудудида ўғуз элати вужудга келган эди. XI аср бошларида бу давлат инқирозга учраб ўғуз салжуқларнинг катта бир қисми ғарбга силжиб кетади. Буларнинг бир неча гуруҳлари Кичик Осиё минтақаларига бориб ўрнашиб, бу ерда XIII аср охирида XIV аср бошларигача янги давлат — Усмонли давлатини ташкил этадилар. Ўғуз салжуқлари Анатолия яриморолининг маҳаллий аҳолиси билан қоришиб кетиши натижасида кейинчалик турк элати вужудга келади. Ўғуз салжуқларининг (ёки туркман салжуқларининг) маълум қисми Хуросон ҳудудида ўрнашиб шу ерли аҳоли билан аралашиб бориши жараёнида туркман элати шаклланади. Келтирилган мисоллардан этник ҳудудни ўзгариши мумкин эканлигини тушуниб олиш қийин бўлмаса керак.

Ўзбек элати ҳақида гапирадиган бўлсак, бу элат аجدодларининг асосий қисми қадимий яшаб келган ҳудудда элат бўлиб шаклланганлар. Бу ҳудуддан фақат кўчманчи чорвадор қабилаларнинг айрим гуруҳлари чиқиб кетган бўлиши мумкин. Ўзбек элатининг асосий ўзагини ташкил қилган этник компонентлар яшаб турган ҳудудларини IX—X асрлар давомида (яъни ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида) ўзгартирмаганлар. Бу ҳам ўзбек халқининг этногенетик жараёнига хос хусусиятлардан десак хато бўлмас.

Этноснинг шаклланишидаги асосий шартлардан бири этноснинг ички иқтисодий бирлиги ҳисобланади. Бир тилда сўзлашувчи халқларнинг алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб уюшишлиги учун кўп йиллар давомида бир ҳудудда яшашларидан ташқари, хўжалик жиҳатидан доимо ўзаро алоқада бўлиб келишлари шарт бўлган. Бошқача қилиб айтганда, элат таркибида бўлиб, унинг шаклланиш жараёнига қатнашган этнослар бир-бирлари билан иқтисодий жиҳатдан узвий боғлиқ бўлишлари керак эди. Маълум бир ҳудудда яшовчи этнослар ва уларнинг фуқаролари доимий иқтисодий алоқада бўлмасалар, уларнинг этник тараққиёти ривож топмайди, бу ҳол этноснинг тарқалиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ўзбек халқининг аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб уюшган даврларда (IX—X аср) унинг тар-

кибига кирган этник компонентларнинг хўжалик фаолияти бир хилда бўлмаган. Қишлоқларда яшовчи аҳоли асосан деҳқончилик билан бирга қисман чорвачилик билан, шаҳарда яшовчилар эса ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланиб келганлар. Чўлларда, тоғли ва тоғолди минтақаларида жойлашган кўчманчи қабила-ларнинг анъанавий машғулоти чорвачилик бўлган: ярим кўчманчи қабилалар эса чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Ярим ўтроқ қабилаларни хўжалигида деҳқончилик муҳим ўринда бўлган, лекин шу билан бирга улар анъанавий машғулоти чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Бир ҳудудда яшаб ҳар хил хўжалик юритган этник гуруҳлар бир-бирларининг маҳсулотларисиз хўжалик юритишлари, яшашлари қийин эди. Чорвадор қабила-лар деҳқончилик ва ҳунурмандчилик маҳсулотларига доимий эҳтиёжлари бўлган: ўз навбатида ўтроқ аҳоли-ни ҳам чорвачилик маҳсулотларига (от, қорамол, қўй, жун, тери ва бошқа) эҳтиёжи бўлган ва пулга сотиб олиш билан амалга оширилган.

Халқларнинг бир-бирлари билан савдо-сотиқ иш-ларини олиб борадиган жой бозор ҳисобланган. Демак, бозор орқали турли хил маҳсулот эгалари бир-бирлари билан доимий алоқада бўлиб келганлар. Алоқалар мус-таҳқамланиб бориши билан турли этник гуруҳларнинг муносабатлари яхшиланиб, ўзаро яқинлашиб бориши, элат бўлиб шаклланиш жараёнининг омилларидан бири десак хато бўлмас.

Маълум ҳудудда яшовчи халқлар ўзаро ва қўшни халқлар билан яқинлашиб, улар билан алоқадор бўлиш-да Буюк Ипак йўли ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Урта Осиёнинг марказидан ўтган Буюк Ипак йўли бу кенгликда яшовчи халқларни (жумладан ўзбек аждод-ларини ҳам) Сибирь, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бир қанча ғарбий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Савдо йўлларида бозор жойлар, карвонса-ройлар мавжуд бўлган. Теварак-атрофдаги аҳоли шу бо-зорларга молларини, ҳунармандчилик буюмларини олиб келиб сотганлар ёки айирбош қилганлар, ўзларига ке-ракли нарсаларни харид қилганлар. Савдо-сотиқ орқа-ли маълум бир ҳудуд фуқаролари фақат ўзаро эмас, қўшни халқлар, давлатлар билан ҳам алоқада бўлиб, уларнинг маданиятидан ҳам маълум даражада хабардор

бўлганлар. Маҳаллий савдогарлар тобора тажрибалари ошиб ички ва ташқи савдони ривожланишида, элатнинг иқтисодий бирлигини мустақкамлашига катта ҳисса қўшадилар.

Шундай қилиб, ички иқтисодий бирликнинг мавжудлиги этносларнинг (жумладан ўзбек элатининг ҳам) вужудга келишидаги асосий шартлардан бири ҳисобланган. Аммо, бу аломат барча этносга ҳам хос бўлавермайди. Чунки этносларнинг шаклланиш жараёни бир хилда, бир усулда ўтмайди. Шунинг учун аломатларнинг (жумладан иқтисодий бирлик) биронтаси (алоҳида олганда) унинг тараққий йўлини аниқлаб берувчи ёки унинг шаклланишини белгиловчи омил бўла олмайди. Элатнинг шаклланганлигини бир неча этник аломатларнинг ҳозир бўлиши, уларнинг этногенетик жараёнида иштирок этиши билан белгилаш мумкин.

Синфий жамиятда вужудга келган элат маълум сиёсий тузум (давлат) ҳудудида шаклланади. Давлатсиз элатни тасаввур қилиб бўлмайди. Давлат даражасидаги халқлар, элатлар этник жамоа бўлиб шаклланиш жараёнида бир-бирлари билан этник, иқтисодий, маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб борадилар.

Давлатнинг вазифаси жуда кенг: ўз фуқароларининг осойишталигини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолиятини ривожлантириш, иқтисодий ҳаётини, турмуш шароитини яхшилаш, анъаналарини давом эттириш ва бошқа қатор масалалар давлатнинг энг муҳим вазифалари ҳисобланади. Агар давлат ўз вазифаларини бажара олса, унинг таркибидаги этник компонентларнинг ўзаро яқинлашиши жипслашиб боришига кенг имконият яратилади. Ўз фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилмаган, мамлакат тараққиётини таъминлай олмаган давлат ожиз бўлиб, тез вақт ичида инқирозга учрайди. Бундай ҳоллар тарихда оз бўлмаган.

Тарихдан маълумки, ўзбек ва тожик аждодлари қадимдан қўшни, айрим ҳолларда аралаш яшаб келганлар. IX—X асрларда Мовароуннаҳрда ва Хоразм давлати ҳудудида катта туркий қатлам ҳосил бўлган эди. Шу асрларда Қарлуқ давлати ҳудудида ҳам тожик аждодларининг бир қисми яшар эдилар. Бу икки халқ аждодлари қадимдан этник, иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ўзбек элатининг шаклланиш жараёни фақат Қарлуқ давлати ҳуду-

ди билан чегаралаб бўлмаганидек, тожик халқининг шаклланишини ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон билан чегаралб қўйиш тўғри бўлмаса керак. Чунки халқларнинг катта бир кенгликда этник иқтисодий ва маданий алоқада элат бўлиб шаклланиш жараёни Марказий Осиё халқларининг умумий тарихий тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

Шаклланган ҳар бир элатнинг ўзига хос номи (этноними) бўлиши шарт албатта. Туркий элатларнинг кўпчилиги қадимдан мавжуд бўлиб келган қабила ёки қабила иттифоқининг номи билан аталган. Масалан: туркман, қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд ва бошқа. Бу халқларнинг номлари кейинчалик миллат номи ҳам бўлиб қолган. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб шаклланган вақтида (IX—X аср) ва ундан кейин ҳам умумий этник номга эга эмас эдилар. «Ўзбек» атамаси элатнинг умумий номи бўлиб қатъийлангунича ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи аҳоли бир неча номлар билан (сарт, турк, чигатой, баъзилари эса яшаган ҳудуд ёки вилоят номи билан: хоразмлик, тошкентлик, бухоролик, ўшлик ва бошқа) номланиб келганлар. Демак, ўзбек элати илк ўрта асрларда шаклланган бўлса ҳамки, бир неча асрлар давомида қатъий бир номга эга бўлолмаганлар деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаблари алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Биз бу ўринда, ўзбек халқи кўп асрлар давомида ўз этнонимига эга бўлолмаганлигининг сабабларидан бири, унинг элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнашган этносларнинг чиқиб келиш тарихи маданиятининг тараққиёт даражаси, хўжалик фаолияти бир хилда бўлолмаганлигида деб тахмин қилишимиз мумкин.

Ўзбек аждодлари элат бўлиб шаклланаётган кезларда унинг таркибидаги аҳолининг катта қисми шаҳар ва қишлоқларда турғун яшовчи маҳаллий аҳоли бўлган. Уларнинг аксарий кўпчилиги яшаб турган ҳудудлари, шаҳар ёки вилоят номлари билан аталганлар: шошлик, фарғоналик, хоразмлик, бухоролик, кешлик, насафлик ва ҳ. к. жой номлари катта бир ҳудудда уюшган этник бирликнинг (элатнинг) номи бўлолмаган албатта. Элат шаклланишида иштирок этган аҳолининг талай қисмини кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ чорвадор қабилалар ташкил қилган эди. Буларнинг этник номлари ҳам элат номи бўлолмади. Бир неча асрлар давомида Қарлуқ давлатини (ўзбек элатининг шакл-



ланишида қатнашган аҳолининг катта қисми шу давлат ҳудудида яшар эдилар) бошқариб келган қарлуқларнинг номи элат номи даражасига кўтарилмади. Чунки, қарлуқларнинг аксарий кўпчилиги ўтроқлашиб, турғун ҳаётга мослашиб кетган эдилар; уларнинг бир қисми кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечириб ўзаро (кўпинча ҳукмронлик қилиб келатган қардошлари билан) рақобатлашиб келар эдилар. Қарлуқлар ва уларга қардош қабиалар давлатни бошқаришда мамлакат маъмурчилигида устуворлик қилиб келишлари туфайли, давлат ҳудудидаги бошқа қабиалар сиёсий майдонга чиқолмаганлар. Турғун (маҳаллий) аҳоли тинч, фаровон ҳаётга ўрганиб, давлатни бошқаришга интилмаган.

Юқорида айтганларимизга асосланиб таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўзбек аجدодларининг этник тарихи ва тараққиёт даражаси ҳар хил бўлганлигидан улар умумий номга (этнонимига) эга бўлмагандирлар. Гарчи шундай экан, маълум бир этноснинг (хусусан ўзбек этносининг) этник номи бўлмаса бундай этник уюшма элат бўлолмайди, дейиш тўғри бўлмаса керак.

Манбаларда илк асрларда туркий тилли этносларга нисбатан «турк» ибораси қўлланилган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий, «турклар аслида йигирма қабиладир»<sup>1</sup> деган эди. Олим бу ўринда этник бирликни эмас тил бирлигини назарда тутган. Чунки «турк» ибораси у тилга олган этносларнинг барчасини этник жиҳатдан бирлаштирувчи ном бўлмаган, этносларнинг ҳар бири ўз этник номлари билан аталган. «Турк» атамаси илк ўрта асрларда шаклланган ўзбек элатининг ҳам этноними бўлолмаган. Бу атама турк ҳоқонлиги инқирозга учрагандан кейин фақат айрим этник гуруҳларгина масалан, туркманлар<sup>2</sup>, оқ кийимли турклар<sup>3</sup> ҳамда Марка-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд, 64-бет. Қуйидаги этносларни турклар дейди: бижанак (печенег), қипчоқ, ўғуз, кимақ, бошқир, басмил, қай, йабаку, татар, қирғиз, чигил, тухси, яғмо, игрок, жарук, жумул, уйғур, тангут, хитой (қора хитой), товғач. Қарлуқларни Маҳмуд Қошғарий туркман деб тилга олади (Қаранг: Кўрсатилган асар. 1-жилд, 173-бет). Шунинг учун ҳам олим уларни эслатилган туркий қавмлар, қаторига қўшмаган бўлса керак.

<sup>2</sup> Туркман сўзининг келиб чиқиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Кононова А. Н. Родословная туркмен. М.-Л. Изд. Ан СССР, 1958. С. 98. 132, приложения.

<sup>3</sup> Малявкин А. Г. Уйгурское государство в IX—XIII в. Новосибирск, 1983. С. 141, 143.

зий Осиёда яшовчи қабилалардан бирига этник ном бўлиб қолган<sup>1</sup> эди, холос.

Этносининг онг сезими элатнинг шаклланган ёки шаклланмаганлигини белгиловчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Мазкур аломат ўз этник номига эга бўлмаган (шахсан ўзбек элати) халқлар учун муҳимдир.

Маълум бир ҳудудда одамлар узоқ яшаган бўлсалар уларнинг авлодлари ўз турар жойларини «юртим», «ватаним» дейдиган бўладилар. Кишиларда ватанига, юртига меҳр қўйиш туйғуси қарор топади. Мабодо этноснинг маълум қисми ажралиб, бошқа ерга бориб жойлашсалар ҳамки, улар аждодлари юртини узоқ вақтларгача эслан чиқармайдилар. Баъзи этник гуруҳлар аждодлар ерини қўмсаб, борган ерларидан қайтиб келган ҳоллар ҳам тарихда оз бўлмаган.

Бир ҳудудда этносларда ва этник гуруҳларда, этник иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб боришлари туфайли, улар ўртасидаги қавм-қариндошлик ришталари чуқурлашади, авлодлар онгида «бир аждоддан тарқалганмиз», «бир халқмиз» деган тушунчалар қатъийлаша боради. Албатта, бу тушунчалар ўз-ўзидан, осонлик билан халқ онгида сингиб қолмаган. Бу тушунчалар халқ онгида ўрнашиб, сингиб қолишида ўша даврларда кенг тарқалган оғзаки ва ёзма ривоятлар, афсоналар халқ қахрамонлик дostonлари катта роль ўйнаган.

Илк ўрта асрларда туркий халқ оламида кенг тарқалган ривоятлардан бирида Одам Ато ва Момо Ҳаво, унинг авлодлари Нуҳ пайғамбар ва Ёфат (Ёфас) бўлган<sup>2</sup>. Ёфасни туркий тилли халқларнинг бобокалони деб ҳикоя қилинади.

Ёфаснинг авлодларидан бири Тур ёки Турк аталган, Туркнинг ўғли Тутак исми билан номланган. Туркий халқларнинг барчаси келиб чиқиши ривоятларда Тутук билан боғланади. Рашид ад-дин ҳамда Абулғозий Нуҳ ва Ёфас ҳақидаги афсоналарни давом қилиб, уларни ўз даврида кенг кўламда тарқалган Ўғузхон ҳақидаги ривоятлар билан боғлайдилар. Бу тарихчиларнинг назарида барча туркий халқлар, қавмлар Ўғузхон ва унга яқин қариндошларидан тарқалган.

<sup>1</sup> Маҳмуд ибн Мансур Мерверуди. Тарих-и Муборак-шах. // Материалы по истории Средней Азии и Центральной Азии X—XIX вв. Ташкент. 1988. С. 92.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1-жилд. 33, 334-бетлар; Кононов А. Н. Кўрсатилган асар. 37—40-бетлар; Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т., 1. М., Л., 1952. С. 80—81.

Сўзсиз бу ривоятлар ўзбек элатининг таркибидаги барча компонентларнинг онг сезимида туркий забон халқлар бир-бирлари билан қавм-қариндош бўлган, «бир халқ» бўлган деган тушунча қатъийлашиб, ўрнашиб қолишида ижобий роль ўйнаган. Маълум вақт ўтгач, шаклланаётган элат фуқаролари ўзларини бошқа кўшни элатлардан қайси бир томонлари (тиллари, кийим-бошлари, одатлари ва бошқа) билан фарқли эканлигини аниқ сезадиган бўладилар, уларнинг онгида «бизлар» (бизнинг элат), «улар» (бошқа элат, бошқа халқ) тушунчалар қатъийлаша боради. Қачонки бир элат фуқаролари ўзларини бошқа элатдан фарқли эканликларини аниқ сезса, шундагина алоҳида этник бирликнинг (элатни) вужудга келганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Этноснинг шаклланишида маданият ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир элат маданий хусусиятлари<sup>1</sup> билан бошқа элатлардан ажралиб туради.

Этноснинг маданий хусусияти деганда фақат этнографик тушунча (моддий ва маънавий маданияти)<sup>2</sup> билан чегаралаб бўлмайди. Бу масалага ёндашганда, гап, ҳар бир этноснинг маданиятнинг барча тармоқлари бўйича эришган ютуқлари ҳақида, хусусан элат таркибига кирган ҳар бир этник гуруҳнинг маданият умумийлигига кўшган ҳиссаси ҳақида бориши керак. Янгитдан ташкил топган элат аждодларидан мерос бўлиб ўтган моддий ва маънавий маданиятининг ижобий анъаналарини давом эттириб, бойитиб кейинги

---

<sup>1</sup> Биз бу ерда маданият сўзини таърифлаб, уни ижтимоий фанларнинг барча соҳа олимлари қандай тушуниб талқин қилганликларига тўхтаб ўтирмаймиз. Бу масалада узоқ давом этган баҳслашувлар этнограф олимларнинг ишларида умумлаштириб берилган. Қаранг: Чебоксаров Н. Н. Проблемы типологии этнических общностей // СЭ. 1967. № 4. С. 99—100; Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы и культура. С. 164, 168; Бромлей Ю. В. Этнос и этнография. М., 1973. С. 47—77; Козлов В. И. Этнос и культура // СЭ. 1979. № 3 С. 71—86.

<sup>2</sup> Этнография маданияти одатда моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади; меҳнат қуроли, уруш қуроли, транспорт воситалари, уй-жой анжомлари, эгни-бош, оёқ кийим, безаклар, таом, идиш-товоқ, ичимликлар ва бошқалар. Маънавий маданият: кишиларнинг ҳўжалик, жамоа ва оила ҳаёти билан боғлиқ меҳнат тажрибалари, билими, ахлоқ; урф-одат, ҳуқуқий қоидалари, санъатнинг турли соҳалари, халқ ҳўнармандчилиги, диний эътиқод, диний маросимлар ва бошқалар.

авлодга қолдирадиган этник бирлик бўлиб қолиши керак.

Ўзбек халқининг маданият ришталари жуда узоқ даврлардан бошланган. Тарихдан маълумки, қулдорчилик ва феодализм босқичларида даврига қараб биринкетин алмашиб келган халқлар, элатлар, чунончи саклар, массагетлар, кангарлар, тохарлар, эфталийлар, турк ҳоқонлари давридаги халқлар ва бошқалар бўлган. Бу халқлар яратган маданият авлодларга мерос бўлиб келаверган. Сўзсиз аجدодлар яратган маданиятнинг ворислари фақат ўзбеклар бўлмаган. Бу қадимий мероснинг ворислари ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар, туркманлар ва бошқа Марказий Осиё халқлари ҳамдир.

Ўзбек элатининг шаклланиш арафасида Марказий Осиё минтақаларида, жумладан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосан икки турдаги маданият мавжуд бўлган: деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган турғун аҳоли маданияти ва кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилалар маданияти. Бу ҳар иккала турдаги маданият ўзаро боғлиқ бўлиб, маданият намоёндалари бир-бирларини тўлдириб, бойитиб келганлар. Муқаррар давом этган ҳамкорликлар туфайли барча ижтимоий табақадаги аҳолига хос бўлган умумий элат маданияти вужудга келган. Ўзбек элати маданияти IX—X асрнинг биринчи яримларигача бўлган даврда, (яъни ўзбек элатининг шаклланиш жараёни билан бир вақтда) мазкур элатга хос маданият ҳосил бўлган. Маданият вужудга келгану, аммо унинг тараққий этиш жараёни шу аср ичида охирига етмаган; маданият тараққиёти кейинги асрларда ҳам давом этган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида эслатилган ҳар иккала турдаги маданият тараққиёти, бир хилда (бир текисда) ривожланмаган. Воҳаларда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг маданияти, кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилаларнинг маданиятига нисбатан бирмунча тараққий этган бўлган. Бу билан биз чорвадор қабилаларнинг маданияти паст бўлган демоқчи эмасмиз. Бундай десак кўпол хатога йўл қўйган бўламиз. Ҳар бир халқ ўз тараққий даражасида, ўз даврига хос маданиятга эга бўлган.

Маданият тафовути қишлоқ билан шаҳар орасида, ҳатто вилоятлар, ўлкалар ўртасида ҳам сезиларли дара-

жада бўлган. Масалан, Фарғона водийси ва Хоразм воҳасида яшовчи аҳолининг маданий даражаси (тил шеvasи, кийим-боши, удумлари, турмуш тарзи ва бошқа) илк ўрта асрларда бир хил бўлган деб бўлмайди. Фарғона ва Хоразм аҳолисининг анъанавий моддий маданияти ва маънавий ҳаёти уларнинг «фарғоналик», «хоразмлик» эканликларини, уларга хос хусусиятлар мавжуд эканлигини белгилаб турган. Аммо шу билан бир вақтда уларнинг моддий ва маънавий маданиятларининг ўхшаш томонлари ҳам оз бўлмаган.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган қабилавий компонентларнинг (қарлуқ, арғу, тухси, туркеш ва бошқа) ҳам маданий даражаси бир хилда ривожланмаган. Бу халқларнинг тилида ва моддий маданиятидаги фарқларни Маҳмуд Қошғарийнинг асаридан ўқиб тушуниб олиш қийин эмас<sup>1</sup>.

Маданият ҳақида айтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, ўзбек элатининг маданияти аждоглари асрлар давомида яратган туб ерли маданият асосида ташкил топган ва ривожланган. Элат маданиятининг шаклланиши бир ҳудудда яшовчи барча этносларнинг ўзаро алоқалари натижасида тараққий этган. Бошқача қилиб айтганда, шаклланаётган ўзбек элатининг маданияти ҳудуд доирасидаги этносларнинг хўжалик фаолияти, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий жиҳатдан тобора яқинлашиб, қоришиб боришлари тўғрисида IX—X асрларда ўзбек элатига хос умум элат маданияти вужудга келади.

Элатининг шаклланишида диний эътиқоднинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Бир динда бўлган турли этносларнинг аниқ бир элат бўлиб шаклланиши турли эътиқодда бўлган этносларга нисбатан осонроқ ўтиши мумкин.

Илк ўрта асрларда ўзбек аждоглариининг диний эътиқодлари бирдек бўлмаган. IX—X асрларда Хоразмда ва Мовароуннаҳрда ислом дини қатъий қарор топган эди. Айни шу асрларда ислом дини Сирдарёнинг шимолидаги минтақалардан то Талос дарёсигача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг ҳам талай қисми ислом динига ўтган. Талос дарёсининг шимолидаги баъзи районларга ҳам бу дин тарқалган. Масалан, Марки шаҳрида бутпарастлар ибодатхонаси ўрнига жоме масчити

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. 1-жилд. Тошкент, 1960; 2-жилд. Тошкент, 1961; 3-жилд. Тошкент, 1963.

қурилганлиги тарихдан маълум. Аммо Талос дарёсининг шимолидан то Сибиргача бўлган катта кенгликда яшовчи халқларнинг, қавмларнинг аксарий кўпчилиги Моний (Монихейлик), христиан динининг несториан масхабига эътиқод қилганлар. Еттисувда Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи чорвадор қабилаларнинг кўпчилиги (қарлуқ, халач, чигил, яғмо, арғу, тухси ва бошқа) IX—X асрнинг биринчи ярмигача шаманлик, кўк тангрига (осмон худосига), тоғу тошларга сиғинганлар. Маълумки тилга олинган этник гуруҳларнинг катта қисми ўзбек элатининг шаклланишида фаол қатнашган эди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек аждодлари элат бўлиб шаклланиш жараёнининг биринчи давридаёқ (IX—X аср ўрталарига қадар) Қарлуқ давлати (Қорахонлар) ҳудудидаги аҳолининг талай қисми ислом динини қабул қилиб улгурмаган эди. X асрнинг иккинчи ярмиларидан бошланиб, шу асрнинг охирларигача қорахонлар ҳудудидаги барча минтақаларида яшовчи аҳоли ислом динини қабул қилади. Бу динни қатъийлашиб қолишида X аср ўрталарида Қарлуқ давлатига Қора хоқон (Улуғ хон) бўлган Сатук Буғрохон ва унинг ворисларини роли катта бўлган.

Сўзсиз ислом динининг қарлуқ, қорахонлар ҳудудида кенг тарқалиши ўзбек аждодларини алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланиш жараёнини бир мунча тезлаштиришда ижобий роль ўйнади, бу жараён XI—XII аср ўрталарида ниҳоясига етди.

## II б о б. Ўзбек элатининг шаклланишидан олдинги тарихий давр

---

### 1. ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ ИЛК АЖДОДЛАРИ (ҚИСКА ТАРИХИЙ ОЧЕРК)

Ўзбек халқининг этник тарихи илк аждодлари яшаган ҳудуд билан бевосита боғлиқ. Ўзбек аждодлари элат бўлиб Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари Мовароуннаҳрда (Фарғона водийси ҳам шунинг ичида) Хоразмда, Тошкент воҳасида, Еттисувда, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Бу минтақалар инсониятнинг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Саполли тепа, Чуст, Замонбобо ва Хоразм заминида олиб борилган археологик қазилмалардан топилган материаллардан маълум бўлишича, миллоддан олдинги II мингинчи йилларда Ўрта Осиёнинг бир қанча районларида ўтроқ деҳқончилик мавжуд бўлган.

Жез даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, бир-биридан фарқ қилувчи икки тарихий маданий регион мавжуд бўлган: суғориш усули билан деҳқончилик қиладиган Олд Осиёда кенг тарқалган ўтроқ аҳоли маданияти ва жез даврида чўл жойларида яшовчи қабилаларга тааллуқли маданият. Бу кейинги маданият кишилар иборати билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Жез даврида чўл қабилалари миллоддан олдинги II мингинчи йилларда жануби-шарқий Европададан то жанубий Сибиргача бўлган кенг ҳудудларда яшаганлар. Булар асосан икки компонентдан иборат бўлган: ёғоч банд дахмалик қабилалар<sup>1</sup> ва Андроново мада-

---

<sup>1</sup> Ёғоч банд дахмалик маданияти (русча Срубная культура) миллоддан олдинги II мингинчи йилларнинг охири I мингинчи йилларнинг бошларида Шарқий Европанинг ўрмон ва чўл ерларида кенг тарқалган маданият бўлган. Бу маданият одамлари қабрини ғўла-ёғочлар билан

ния<sup>2</sup>. Жанубий Урал тоғ олди минтақалари ҳар иккала компонентларнинг этник ва маданий алоқалари яқинлашиб ва мустақамланиб бораётган ҳудудлардан бири ҳисобланган. Милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг ўрталарида жез давридаги чўл қабилаларининг маданияти Осиё қитъасининг жанубий минтақаларига ҳам тарқалади ва шу даврларда Олд Осиёда кенг тараққий этган ўтроқ деҳқончилик маданияти билан бевосита мулоқотда бўлиб қолади. С. П. Толстов томонидан Амударё дельтасида очилган жез даврига оид маданият<sup>3</sup> юқоридаги фикрларимизга мисол бўла олади. Бу маданият таркибида бир вақтда жез даврига оид икки маданият компоненти (ёғоч дахмали ва Андроноволиклар) мавжудлиги кутатилади. Ана шу даврларда (милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг ўрталарида) жанубий Хоразм худудига Суярган маданиятига<sup>4</sup> мансуб халқлар келиб ўрнашадилар. Бу маданият кишиларининг келиб чиқиши жанубий вилоятлар билан бевосита боғлиқ бўлган<sup>5</sup>: Шу ерда уқтириб ўтиш жоизки, Суярган

---

ёпганлар ва айнан ана шу одатдан ёғоч даҳма маданияти номини олган. Бу маданият ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Криваева-Гранова С. А. Степное Поволжье и Причерноморье в эпоху поздней бронзы. МИА, № 46, М. 1955. Мерперт Н. Я. Из древнейшей истории Среднего Поволжья. МИА, № 61, М. 1958; Уша муаллиф. Древнейшие скотоводы Воложско-Уральского междуречья. М. 1971; Сальников К. В. Очерки древней истории Южного Урала. М. 1967.

<sup>2</sup> Жез даврига оид Андроноволиклар маданияти Ғарий Сибир, Қозоғистон ва Минусинск ўлкаларигача бўлган ерларда кенг тарқалган. Бу маданият кишилари чорвачилик билан бир вақтда оддий деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Қаранг: Сальников К. В. Бронзовый век южного Зауралья. МИА. тс. 21. М. 1921; Теплоухов С. А. Опыт классификации древних металлических культур Минусинского края. Материалы по этнографии. Этнографический отдел Государственного русского музея. Т. 4. Вып. 2. Л. 1929; Киселев С. В. Древняя история южной Сибири. М., 1951.

<sup>3</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. М. 1947. С. 66—67.

<sup>4</sup> Суярган номи билан аталган (милоддан олдинги II минг йилликка оид) археологик маданият 1945 йили очилган. Бу маданият кишиларининг турар жойлари Амударёнинг дельта қисмида Окча дарё ёқаларида бўлган. Аҳолиси суғурма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Меҳнат қуроллари тошдан ва жездан ياسалган. Бу маданият кишиларининг ўзига хос сопол идишлари бўлиб, ости ясси бўғзи қисқ пардоз бериб (кўпинча қизил ёки сариқ бўёқ билан) ишланган.

<sup>5</sup> Толстов С. П., Итина М. А. Проблема Суяргальской культуры, СЭ 1960, №1, С. 14—35; Итина М. А. Степные племена Среднеазиатского Междуречья во второй половине II нач. I тысячелетия до н. э. СА, № 3, 1962, С. 112.



маданиятида Тозабогёбликлар маданиятининг излари ҳам учрайди<sup>1</sup>. Буни шу даврларга хос бўлган этник жараён туфайли чўл қабилаларининг маълум қисми келиб ўтроқлашиб, туб ерли аҳоли араллашиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Жез даврига оид чўл қабилаларига мансуб маданият намуналари Зарафшон водийсида, милоддан олдинги II мингинчи йилларга оид маданий қатламларидан ҳам топилган. Мазкур археологик маданият таркибида Копеттоғ тоғ олди минтақаларига хос маданият элементлари ҳам қатнашганлиги аниқланади. Бу маълумотлар Амударёнинг қуйи оқимларида ҳамда Зарафшон водийсида милоддан олдинги II мингинчи йилларда, жанубда мавжуд бўлган ўтроқ деҳқончилик маданияти шимолда яшовчи чўл қабилаларининг жез даврига оид маданияти билан узвий боғлиқ бўлганидан далолат беради.

Милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг охириларига келиб Тозабогёб ва Андроновлик қабилаларининг маданияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кенг тарқалади. Бу қабилаларга хос моддий маданият ёдгорликлари Фарғона водийсидан, Тошкент воҳасидан, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан ҳамда ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларида ҳам топилган<sup>2</sup>.

Археологлар томонидан аниқланган Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларидаги археологик маданият, жез давридаги келгинди ёғоч дахмали ва Андроновлик қабилаларнинг ҳамда қисман Олд Осиёдан келиб, туб ерли аҳоли билан яқинлашиб, қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган дейишимизга асос бўла олади.

---

<sup>1</sup> Тозабогёб маданияти Хоразмнинг жез даврига оид археологик маданият; Тозабогёб каналдан ном олган. Қаранг: Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М. 1962;

Итина М. А. О месте Тазабагыбской культуры среди культур Степной бронзы. СЭ, 1962, № 2.

<sup>2</sup> Гулямов Я. Ф. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса, Ташкент, 1956, С. 156—157; Спришевский В. И. Чуйское поселение эпохи бронзы. Краткие сообщения о полевых исследованиях Института истории и материальной культуры, вып. 69. 1957; вып. 71, 1958; Аскарлов А. А. Памятники андроновской культуры в низоях Зеравшана. История материальной культуры Узбекистана — вып. 3. Ташкент, 1962; Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1973; Аскарлов А. А., Альбаум А. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979; Заднепровский Ю. А., Древнеземледельческая культура Ферганы, МИА, № 118, М-Л, 1962.

Ўрта Осиёнинг Марказий ҳудудларида халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашиб, араллашиб бориш жараёнлари тўғрисида антропологик материаллар ҳам гувоҳлик беради.

Антропологик материаллардан аниқланишича Ўрта Осиёда неолит даврида (милоддан олдинги V—III мингинчи йилларда) қадимги европеоид ирқининг икки илк тури (типи): шимолий илк европеоид (протоеврополик) ва жанубий европеоид (протоўртаерденгизлик) турлари мавжуд бўлган.

Жез даврига оид антропологик туркумдаги европеоид ирқи асосан ҳозирги Қозоғистон чўлларида яшовчи кўчманчи чорвадор халқларга мансуб бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланган илк Ўртаер денгиз ирқий типини эса Туркманистоннинг жанубида ва Мовароуннаҳрнинг жанубий минтақларида мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар иккала антропологик туркумнинг тарқалиш чегараси Мовароуннаҳр ҳудудида бир мунча кенгайди. Аммо уларнинг тарқалиши бир хилда (бир текисда) бўлмаган.

Антропологик материаллардан аниқланишича, ҳозирги Ўзбекистон заминининг жанубида яшовчи, қадимда деҳқончилик билан кун кўрган аҳоли Ўртаер денгизининг шарқий қисмига хос европеоид ирқий типига бевосита алоқадор бўлган. Бу антропологик туркум жез даврида Туркманистоннинг жанубий, ғарбий минтақаларида ва Тожикистоннинг ҳам бир қанча районларига тарқалган ва келиб чиқиши билан (генетик жиҳатдан) Олд Осиё аҳолиси билан бевосита боғлиқ бўлган<sup>2</sup>. Бу фикр, юқорида келтирилган археологик маълумотлар билан ҳам тасдиқланади.

Фарғона водийсидаги Водил ва Тожикистоннинг жанубий районларидаги мазорлардан олинган айрим бош суякларидан Долихокран антропологик типидagi кишиларнинг яшаганлиги аниқланади. Бу Тозабоғёб ва Андроноволик қабилаларга хос тип бўлган. Бундан, антрополог олимлар Фарғона ва Тожикистоннинг жану-

---

<sup>1</sup> Асқаров А. А., Бурыков Ю. Ф., Ходжайов Т. К. Новые археологические и антропологические материалы к этнической истории народов Средней Азии. В кн.: — Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. 1, 1970. С. 54.

<sup>2</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Палеоантропология Средней Азии. М. 1972, С. 80; Ходжайов Т. К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. Ташкент. 1987. С. 51—52.

бий ҳудудида милоддан олдинги II мингинчи йилларда, Тозабогёб ва Андроновалик қабилаларнинг маълум гуруҳлари келиб ўрнашган бўлиши керак деб фараз қиладилар. Келгинди қабилалар қадим-қадим даврлардан буён шу ерларда яшаб келган туб ерли аҳоли билан аралашиб кетган.

Орол денгизининг жанубий районларидан олинган, жез даврига оид антропологик маълумотлар, бу ерлардаги туб ерли аҳолининг типиди ёғоч даҳмали ва Андроновалик қабилаларнинг (жанубий ирқига мансуб қабилаларнинг элементларини ҳам ўз ичига олган ҳолда) маданияти мавжуд бўлганлиги аниқланади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, жез даврига оид археологик ва антропологик маълумотлар Ўрта Осиёнинг марказий қисмидаги халқ (ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ҳам шуни ичида) шимолдан, шимоли-ғарбдан ва жанубдан келган қабилалар туб ерли аҳоли билан аралашиб жараёнида шакланган десак хато бўлмас.

Ўрта Осиёнинг жез давридаги аҳолисини қайси халққа тааллуқли эканлиги (қайси халқдан бўлганлиги) охиригача аниқланган эмас. Бу масалада тадқиқотчилар томонидан жуда кўп фикр мулоҳазалар айтилган, буларни таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди<sup>2</sup>. Аммо бу масалада ихтилофлар бўлишидан қатъий назар, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрлари бир жойдан чиқиб, милоддан олдинги II мингинчи йилларда Ўрта Осиёда арий тилли (ҳиндиарий)<sup>3</sup> қабилалар яшанганлиги таъкидланади.

Арий тилли қабилалар жанубдаги бўялган сопол маданияти (Анау маданияти)<sup>4</sup> билан овчилар ва балиқ-

---

<sup>1</sup> Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Кўрсат. асар. 80, 88 бетлар; Гинзбург В. В. Задачи антропологического изучения Туркменского народа. В кн. Проблемы этногенеза Туркменского народа. Ашхабад, 1977, С. 22—25.

<sup>2</sup> Ўрта Осиёнинг милоддан олдинги II мингинчи йиллардаги этник таркиби ҳақидаги тахминлар, фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Этнически проблемы истории Центральной Азии и древности. М. 1981.

<sup>3</sup> Арий (ҳиндиарий, эрон) қабилалари кенг кўламда тарқалган ҳиндиарий тилининг шарқий тармоқларидан бири ҳисобланган. Бу тил гуруҳига ҳинд ва эроний тиллардан бошқа яна куйидаги тил оилалари кирази: хетлар, тохарлар, греклар, италянлар, славянлар, болтиқбўйликлар, кельт ва бошқа халқлар тиллари. Қаранг: Оранский И. М., Введение в иранскую филологию, М. 1960. С. 55—67.

<sup>4</sup> Анау маданияти ҳақида қаранг: Труды Южно-Туркменской археологической комплексной экспедиции (ЮТАКЭ), Т. 7, Ашхабад. 1957, Т. 10, 1960; Массон В. М., Алтын-депе. ЮТАКЭ. Т. 18, Ленинград. 1981.

чилик ҳамда шимолий Европадаги чорвачилик-деҳқончилик билан шуғулланиб келган қабилаларнинг бир-бирлари билан яқин алоқада бўлганликлари натижасида шаклланган<sup>1</sup>. Милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг ўрталарида Тозабогёб маданияти билан маълум бўлган қабилаларнинг Хоразмда пайдо бўлиши С. П. Толстовнинг тахминича ҳиндевропа, ҳиндиарий ёки эрон қабилаларининг шимоли-ғарбдан бу ўлкага келиши билан бевосита боғлиқ<sup>2</sup>.

Тахминан милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг ўрталарида индоарий тилли қабилалар икки асосий тармоққа: эрон тилли гуруҳ ва ҳинд тилли қабилаларга бўлинади<sup>3</sup>. Кейинги гуруҳ доимо жануб томонга силжиб Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтиб кетади<sup>4</sup>. Бу қабилалар асосида кейинчалик мавжуд бўлган ҳинд тиллари ва лаҳжалари ҳосил бўлган. Арий тилли жамоадан ажралиб чиққан эрон тилли қабиллар Ўрта Осиёда ва унга туташган вилоятларда қолган эдилар. Бу эрон қабилаларининг диалекти барча эрон тил оилалардаги халқлар тилига асос бўлган<sup>5</sup>. Шундай қилиб, лингвистик маълумотлар, милоддан олдинги II мингинчи йилларда Ўрта Осиё ва унга туташган минтақаларда эрон тилли қабилалар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Кейинчалик (милоддан олдинги I мингинчи йилларнинг биринчи чорақларида) темирдан қилинган меҳнат қуроллари пайдо бўлиши билан Ўрта Осиёда сунъ-

---

<sup>1</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. М. 1948. С. 48.

<sup>2</sup> Толстов С. П. Итоги двадцати лет работ Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937—1966 гг.) СЭ, № 4. Арий қабилаларининг (қадимги ҳинд ва эронликларнинг) энг қадимги ватани ҳақида ҳар хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Баъзи олимлар индоарий қабилаларининг энг қадимги ватани Ўрта Осиё десалар, бошқалари эса жанубий рус чўллари дейдилар. Қаранг: Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г. История Индии. М. 1973. С. 27.

<sup>3</sup> Совет лингвистларининг кўпчилиги юқорида эслатилган тил туркумларини ҳиндиарий қабилалардан ажралиб чиқишни Шарқий Европада юз берган дейишди. Шу ердан (бирин-кетин) олдин ҳиндиарий, кейин Ғарбий Эрон қабилалари кўчиб, бошқа ерларга бориб ўрнашганлар. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалар Осимов М. С. нинг Душанбеда 1977 йилда ўтган симпозиумдаги қилган докладида муз-жассамлашган. Қаранг: Асимов М. С. Исследование этнической истории древней Центральной Азии (Пять тысячелетие до н.э.) в Советской науке. В кн. — Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. М., 1981. С. 35—43.

<sup>4</sup> Антонова К. А. ва бошқалар. История Индии. С. 27.

<sup>5</sup> Оранский И. М. Кўрсатилган асар. 52-бет.

ий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти бир-мунча тараққий этади. Энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлган Авестода (бу ёдгорликда милоддан олдинги VII—V асрларга оид маълумотлар мавжуд) бир қанча тарихий вилоятлар эслатилади, шуларнинг ичида Марғиёна (Марв воҳасида), Парфия (Копеттоғнинг шимолида), Хоразм (Амударёнинг қуйи оқимларида), Бақтрия (Амударёнинг ўрта ва юқори оқимларида) вилоятлари номлари учрайди<sup>1</sup>. Фарғона водийси ҳам ўша даврларда маданияти тараққий этган минтақалардан бўлган. Юқоридаги вилоятларда яшовчи аҳолининг асосий машғулоти ўтроқ деҳқончилик бўлган. Уларнинг хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Милоддан олдинги VII—VI асрларда ўтроқ аҳолининг жамоа ҳаётида йирик ўзгаришлар рўй беради; ибтидоий уруғчилик жамоаси емирилади; аҳолининг деҳқончилиги билан бир вақтда хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам тараққий этишига кенг имконият туғилади.

Ўтроқ деҳқончиликини тараққий этиб бориши билан аҳолининг бир ерда доимо ўтроқ бўлиб яшаши кўпайиб боради, мустақкам кўрғонлар, истехкомлар пайдо бўлади. Яшайдиган йирик қишлоқларда, шаҳарларда ҳунармандчилик (кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик ва бошқа) ва савдо-сотиқ ривожлана боради. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларининг (деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик) маҳсулотларининг ўзаро алмаштириш (бозор орқали) тобора кучайиб бориши айрим патриархал оилаларнинг бойишига олиб келади; синфий тенгсизлик пайдо бўлади. Жамият бой ва камбағал табақаларга ажралади. Уруғчилик жамоасининг емирилиши (милоддан олдинги I — мингинчи йилларнинг биринчи ярмиларида) илк жамоалар, давлатлар вужудга келади. Ўтроқ аҳоли сони тобора кўпайиб боради.

Ўрта Осиёнинг шимолида, шимоли-шарқида ва ҳозирги Қозоғистонда, милоддан олдинги I мингинчи йилларда бир қанча чорвадор кўчманчи қабилалари яшаган. Бу қабилаларнинг турган жойлари, ўтроқ деҳ-

---

<sup>1</sup> Оранский И. М., Кўрсатилган асар. 58—60-бетлар. Бу мамлакатларни айримларининг номлари. — Парфия, Сўғдиёна, Бақтрия ва Хоразм, Эрон подшоеси Дорий I Бехустун қоясида қолдирган ёзувида (мил. олдинги 519 й.) ҳам эслатилади. Қаранг: Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до. н.э.), М. 1963. С. 262—270.

қончилик билан шуғулланувчи аҳолига яқин яйловларда ҳам аниқланган<sup>1</sup>. Кўчманчи қабилаларнинг хўжалигида чорвачилик муҳим роль ўйнаган. Улар ўз маҳсулотларини (мол, жун, тери ва бошқа) бозорга чиқариб, деҳқончилик маҳсулотларига айирбошлаганлар.

Кўчманчиларнинг ижтимоий тузуми кўп вақтлардан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган бўлса ҳамки, лекин бу масалада ҳанузгача аниқ бир фикрга келинган эмас. Тарихчи, археолог ва этнограф-олимларнинг фикрларини ҳисобга олиб, қайд қилиш мумкинки, тарих фанининг отаси Геродот сак-массагет деб номлаган кўчманчи қабилаларининг жамоа тузуми (ибтидоий босқич емирилган бир даврда) ҳарбий демократия бўлган. Қабилаларни қабила бошлиқлари (саркардалар) бошқарган, бир неча қабилалар бирлашиб, йирик қабила иттифоқига уюшиб, бунга бош саркарда ҳукмронлик қилган. Ҳокимият маслаҳат мажлиси билан чегараланган. Маслаҳат мажлиси аъзолари саркардалар ва қабила зодагонларидан ташкил топган бўлиб, кучли қабила иттифоқлари босқинчилик урушлар қилиб, кучсиз қабилалар ва ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларга ҳарбий юриш бошлаб, шу йўл билан бойлик орттирганлар. Уларнинг мол-мулклари, манбалари ворисларига мерос бўлиб қолган. Меросчилик ҳокимияти юзага келади.

Ҳарбий демократия тузуми даврида патриархал қулдорчилик мавжуд бўлган бўлиши керак. Аммо улар фақат катта оилалар хўжалигида фойдаланилган ёки бозорга чиқариб деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига алмаштирилган. Бундан қиёс қилиб, ўша даврларда ишлаб чиқаришнинг асосий кучи қуллар бўлмасдан балки жамоа аъзолари бўлган, десак хато бўлмас.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳарбий демократия тузуми даврида сак-массагетларнинг жамоа тузуми ҳарбий демократик бўлиб, унда синфлар ва эксплуатация мавжуд бўлган, аммо давлат ҳали пайдо бўлмаган эди.

Ўша даврлардаги, яъни илк темир даврларда (милоддан олдинги VIII—III асрлар) Ўрта Осиё аҳолисини антропологик жиҳатдан Т. К. Ходжайов тахминан уч

---

<sup>1</sup> Скиф қабилаларининг ижтимоий тузуми ҳақида қаранг: Нейхардт А. А. Скифский рассказ Геродота в отечественной историографии. М. 1982. С. 163—184.

гуруҳга бўлган: 1. Ўрта ер денгизининг шарқий тармоғига мансуб долихомезокранли гуруҳ. Бу гуруҳга мансуб аҳоли асосан Ўрта Осиёнинг жанубий районларида тарқалган; 2. Асосан Ўрта Осиёнинг шимолий районлари, Қозоғистон чўллари ва жанубий Сибир халқлари билан генетик жиҳатдан боғлиқ бўлган мезокефалли европеоид. Бу гуруҳ кишилари Орол денгизи яқинида, Каспий денгизининг шарқий районларида, Зарафшон воҳасининг чўл қисмида Тангритоғда ва Олайда яшаган бўлишлари керак; 3. Мезобрахикранли монголоид гуруҳидаги кишилар жуда оз миқдорда бўлиб, булар асосан Мовароуннаҳрнинг марказий қисмида, Ўрта Осиёнинг шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий қисмида жойлашган<sup>1</sup>.

Жуда катта кенгликда яшаган аҳолининг ҳар икки (ўтроқ ва кўчманчи) қисми ҳам эрон тилли қардош халқлар бўлган, аммо маданият жиҳатдан улар бир-бирларидан батамом фарқ қилганлар<sup>2</sup>.

Милоддан олдинги I мингинчи йилларнинг ўртала-рида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан Ўрта Осиёнинг марказий қисмида бир неча қулдорлик давлатлари вужуга келади: Марғиёна, Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва бошқалар йирик марказий шаҳарлар пайдо бўлади: Марв, Мароканда, Бақтрия шулар жумласидандир.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлатларнинг асосий аҳолиси деҳқончилик қилган. Уларнинг хўжалигида ҳунармандчилик ва чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутган. Суғорма деҳқончилик Хоразмда, Аму ва Сирдарёнинг дельта қисмида, Зарафшон ва Фарғона водийларида, Тошкент воҳасида бирмунча тараққий этган бўлган<sup>3</sup>.

Ўрта Осиёнинг бепоён чўлларида ва тоғ районларида, олдинги даврлардагидек антик даврларида ҳам кўчманчи чорвалор қабилалар яшар эдилар. Улар ҳақидаги энг қадимги маълумот Авестода учрайди. Бу қадимий ёдгорликда «тур» ва «даной турлари» иборалари тилга олинади. Тур атамаси асарда зардуштийлик динининг ашаддий душманларидан бўлган кўчманчи қабилалар қаторида қайд қилинган.

---

<sup>1</sup> Ходжайов Т. К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. Т., 1987. С. 52—59.

<sup>2</sup> Артомонов М. И. Сокровище саков. М. 1973. С. 7

<sup>3</sup> Артомонов М. И. Сокровище саков. М. 1973. С. 7.

Авестонинг илк («Яшты») қисмида «тур», «тез чопар отли турлар», «даной турлари» деб аталувчи этник номлар учрайди. В. В. Бартольд турларни Ўрта Осиёда яшовчи эрон тилида гапирувчи халқлар деб изоҳ беради<sup>1</sup>. Эроншунос В. И. Абаев Авестода тилга олинган турларни Ўрта Осиё саклари билан, даной<sup>2</sup> турларини эса Сирдарё бўйларида яшовчи саклар билан тенглаштиради<sup>3</sup>.

Халқлар ҳақида ҳақиқатга яқинроқ маълумотлар милоддан олдинги VI асрга оид қадимги эрон-форс тилли манбаларда, ҳамда антик даврнинг тарихчи ва географлари — Геродот (милоддан олдинги V аср), Эроф (милоддан олдинги V аср охири — IV асрнинг биринчи чораги) ва бошқаларда ҳам учрайди.

Қадимги эрон-форс тилли манбаларда сак ёки скиф этник номлари учрайди<sup>4</sup>. Бу этник номлар билан қадимги эронликлар Ўрта Осиёнинг бепоён чўлларида яшаган қабилаларни айтганлар. Саклар асосан тўрт қабила уюшмасидан иборат бўлган. Буларнинг уч қисми, яъни хаумарка, тиграхауда ва тиайпо ро дарайа шакллари Персепол яқинидаги Нахширустам дарасидаги қабр тошларининг ёзувларида учрайди<sup>5</sup>, тўртинчиси эса «Сўғдиёнадан кейин, унинг нариги томонида» яшовчи саклар Персеполдаги ҳамда Эқботанадаги ёзувларда ҳам акс эттирилган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Иран. Исторические очерки. Соч. Т. УП. М. 1971. С. 231. Тадқиқотчи Д. Е. Ефремов ҳам шу фикрда. Қаранг: «Тюрк» этноними Иранского происхождения. С. 3. 1990. С. 129—135.

<sup>2</sup> Даной, Дану (dani) — Сирдарёнинг ўша даврлардаги номларидан бири.

<sup>3</sup> Абаев В. И. Скифский быт и реформа Зороастра. Аоч. XXIV. 1956. № 1. Е. Е. Кузьмина (Қаранг: В стране Кавата и Афрасиаба) М. 1977. С. 77. Турларни саклар (юнон манбаларида скифлар) билан тенглаштиради.

<sup>4</sup> Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах. М. 1963. С. 262—269. (Бехистун ёзуви шу бетларда илова қилинган); Яна шу кишини Политическая история Ахеменидской державы. М. 1985. С. 98—103; Литвинский Б. А. Древние кочевники «Крыши мира» М. 1972. С. 156—158.

<sup>5</sup> История Узбекистана в источниках. Составитель Лунин Б. В. Ташкент 1984. С. 31—40; Оранский И. М. Введение в Иранскую филологию. С. 123.

<sup>6</sup> Бу ўринда гап олтин ва кумуш суви билан тахталарга ўйиб ёзилган ёзувлар ҳақида боряпти. Бу хилдаги тахталардан олтитаси маълум, шулардан иккитаси олтин ва кумуш тахтача Эқбатадаги (ҳозирги Эрондаги Хамадон шаҳрини қадимги юнонлар Эқбатана деб атаганлар); иккита олтин ва иккита кумуш тахтача Персеполда (қадимги эрон шаҳри — Ахмонийлар пойтахтидан бири) сақланган. Қаранг: Семёнов А. А. Два новых исторических документа эпохи Сасанидов (522—485 гг. до н. э.) Бюлл. САГУ, № 1, Ташкент 1928. Артомонов М. И. Кўрсатилган асар. 76-бет.



Юқорида эслатилган қабилалар қадимги юнон та-рихчи ва географларига маълум бўлиб уларни скиф, сак ва массагет деб номлаганлар. Бу атамалар, Осиё қитъасида, Каспий денгизидан то шимолий Хитойга-ча, Ҳиндистон чегараларидан то жанубий Сибиргача бўлган кенг ҳудудда яшовчи барча этносларнинг йи-гинди номлари бўлган. Скиф, сак ва массагет деб кўчманчи чорвадор қабилалардан ташқари Хоразмда яшовчи ўтроқ аҳолини, ҳамда Орол олди районлари-да, Сирдарёнинг қуйи оқимларида, орол ва ботқоқлик ерларда яшовчи, овчилик, балиқчилик билан кун кечирган қабилаларга ҳам айтилган.

Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган қабилалар уюшма-си ҳақида олимлар аниқ бир фикрга келганларича йўқ. Бу масалада улар билан баҳслашиб ўтирмасдан, ўқув-чига бу қабилалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун йирик қабила уюшмаларини уларнинг милоддан ол-динги VI—IV асрларда яшаган ҳудудларини тахминан бўлса ҳам кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Ўрта Осиё ҳудудида яшаган йирик қабила уюшма-ларидан бири хаумаварга саклари бўлган. Булар асосан Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлган, хаумаварга сакларини одатда Геродотнинг амюргия скифлари<sup>1</sup> билан тенглаштирадilar. Хаума-варга саклари Мурғоб водийсида, Амударёнинг юқори оқимларида, Олай ва Фарғона водийларида ҳамда Шар-қий Туркистонда яшаган деб тахмин қилинади<sup>2</sup>.

Йирик қабилалардан яна бири тиграхауда саклари (Чўнғоқ қалпоқли саклар) бўлган. Бу қабила уюшма-сининг иккинчи номи (тиграхауда, юнончаси ортоқо-рибандий) уларнинг бош кийимларига (чўққи қалпоқ кийганларига) нисбатан берилган. Доро I қилдирган

---

<sup>1</sup> Доватур Д. И., Каллистов Д. П., Шишова И. А. Народы нашей страны в истории Геродота. Тексты, перевод, комментарий. М. 1982. С. 77. 162 и др. стр.

<sup>2</sup> Хаумаварга сакларининг жойланиши ҳақидаги ҳар хил фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Пьянков И. В. Саки (содержание и понятие) ИАН ТаджССР, 1968, №3, С. 14; Литвинский Б. А. Аморогия скифларини Олай водийсида жойлашган скифлар деб тушунтиради. Шундай деб ҳам фарз қилайлик. Бу скифлар иккинчи номини (амор-гия номини 555—539 йй. Ахмонийлар подшоси Кир томондан асир олинган ва кейинчалик қўйиб юборилган саклар саркардаси Аморг-дан олган бўлиши мумкин. Қаранг: Данламаев М. А. Иран при пер-вых Ахеменидах. С. 106—116. Аморга саклари, қадимда яшаган ҳудуд-ларидан бири Мурғоб (Маргиан) водийсидан ном олган деган фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Беҳистун битигида ҳам «Чўнғоқ қалпоқ кийувчи саклар» деб аниқ кўрсатилган<sup>1</sup>. Ўша Беҳистун қоясидаги расмда Доро I томонидан асирга олинган саклар саркардаси Скунха баланд чўққи қалпоғи билан тасвирланган<sup>2</sup>. Геродотнинг асарларида ҳам шу қалпоқ эслатилган. У «саклар скифлар бошларига тик, усти чўнғоқ қалпоқ кияр эдилар» деб ёзган эди<sup>3</sup>. Сўзсиз бу ерда тарих фанининг отаси тиграхауда сакларини назарда тутган.

Антик давр тарихчилари тиграхауда сакларини массагетлар билан ҳам тенглаштирганлар. Бу қабила бирлиги милоддан олдинги VI—IV асрларда Фарбий Осиёнинг жуда катта ҳудудида: Амударёнинг қуйи оқимларидан ҳамда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидан то Орол денгизининг шимолигача бўлган бепоён чўлларига кўчиб юрганлар<sup>4</sup>. Ўша даврларда массагет саклари йирик қабила уюшмаси бўлиб, таркибига бир неча қабила иттифоқлари, жумладан даҳлар, дербеклар, сакарауклар, апасиақлар, ассийлар (яти) ассиан, аугаллар ва бошқалар кирган.

Тийайпарадарайа (денгиз орқасида, денгизнинг нари томонида)<sup>5</sup> яшовчи саклар ҳам қадимги йирик қабила бирлашмаларидан ҳисобланган. Бу сакларнинг яшаган ҳудудлари ҳам ҳалигача мунозарали бўлсада, лекин кўпчилик тадқиқотчилар уларни Европа скифлари би-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах. С. 269. История Узбекистана в источниках. С. 36.

<sup>2</sup> Артоманов М. А. Сокровища саков. С. 9. М.: «Искусство», 1973 г.

<sup>3</sup> Доватур А. И. ва бошқалар. Народы нашей страны в истории Геродота. С. 155.

<sup>4</sup> Сак-массагетларнинг асосий қисми даставвал Орол денгизининг жануби-шарқида, Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралигида жойлашган бўлган. Милоддан олдинги IV—III асрларда уларни ҳудуди бирмунча кенгайиб, Каспий денгизининг жанубий-шарқий соҳилларидан то Қозогистоннинг марказий минтақаларигача бўлган катта кенгликда кўчиб юрганлар. Страбон (милоддан олдинги I аср) ўздан олдин ўтган тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб ёзган эди: «Каспий денгизидан бошлаб кўпчилик саклар — дайл деб аталади, булардан шарқда яшовчи қабилаларни массагетлар ва саклар деб номланган, қолганлари эса умумий ном билан скифлар деб аталган». (Қаранг: История Узбекистана в источниках. С. 133). Страбон бу ахборотида сак-массагетларнинг ҳудуди нақадар кенг бўлганлиги билан бир вақтда, уларнинг жамоа ҳаётини тасвирлаб бир қанча қабилалар ва қабила иттифоқларидан йирик этник уюшма тузилганлигини ҳам аниқ кўрсатади.

<sup>5</sup> Литвинский Б. А. Древние кочевники «Крыша Мира». С. 158—165. Дандамаев М. А. Политическая история Ахеменидской державы. С. 101—161.

лан тенглаштирадилар<sup>1</sup>. Тиайпдрадарайа саклари ҳам генетик (келиб чиқишлари) жиҳатдан Каспий денгизининг шимолида, Урал тоғ олди минтақаларида яшовчи массагет қабилаларидан бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлмаса керак.

Сўғдиёнадан кейин, унинг нариги томонида яшовчи саклар қадимги эрон-форс тилли манбаларда қайд қилинишича, Осиё қитъасидаги йирик сак қабила бирлиги бўлган. Улар ҳақида антик давр тарихчи ва географларининг асарларида ҳам айрим маълумотлар учрайди<sup>2</sup>.

Сўғдиёнадан нарида яшовчи сакларнинг жойлашган ҳудуди ҳақида олимлар томонидан жуда кўп фикр-мулоҳазалар айтилган. Бир гуруҳ олимлар бу скифларни Сирдарёнинг шимолий минтақаларида яшовчи саклар (яксартилар) билан тенглаштирадилар<sup>3</sup>. Бизнингча ҳам бу фикр ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Антик давр тарихчи ва географлари бу сакларни ҳам «скиф» номи билан атаганлар. Шу билан бир вақтда, уларни эронликлар «сак» (шак) дуб атаганликларидан ҳам антик муаллифларининг хабари бўлган. Бу ҳақда Плиней Старший (милодий 23—97 йили) ёзган эди: «Форсийлар уларни (скифларни, К. Ш.) ўзларига яқин яшовчи қабилаларининг номи билан саклар деб атайдилар». Птолемей маълумотларида Сирдарё яқинида унинг ўрта қисмларида яшовчи «Катта Яксарт» ёки «Кандар» деб ҳам аталган. Птолемейни кандар деб номлаган қабила кангарлар бўлиши мумкин.

Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралигида ҳам сак қабилаларининг катта қисми яшаган. Бу саклар ҳам

---

<sup>1</sup> Смирнов К. Ф. Сарматы на Илеке. М. 1975.

<sup>2</sup> Григорьев В. В. О скифском народе саках. СПб, 1971; История Узбекистана в источниках. С. 56, 162, 164, 173, 204 и др. «Крыши Мира». С. 119—170.

<sup>3</sup> Литвинский Б. А. «Саки, которые за Соглом». В. кн. Памяти Михаила Степановича Андреева. Труды АН Тадж. ССР, том, СХХ, Сталинабад. 1960. С. 91—96; Яна шу муаллиф. Древние кочевники асарларида яксарт халқларини Сирдарёнинг юқори ва қисман ўрта оқимларида, аниқроғи Фарғона водийсининг шимоли-шарқида, Сирдарёнинг ўнг томонидаги ҳудудда (Қайроқум ва Курама-Қорамозор тоғ олди районларини ўз ичига олган ҳолда жойлашган деб уқтиради. Горбунова Н. Г. эса мақоласида (Ферғана по сведениям античных авторов. В. кн. — История и культура народов Средней Азии. М. 1976. С. 29) Сўғдиёнадан нариги саклар мамлакатини бирмунча кенг тасаввур қилади, унинг фикрича бу саклар Помир-Олай, Тангритоғ тоғли районларида, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида жойлашган.

антропологик тузилиши, тили ва маданияти жиҳатидан шарқий Европа, Сибир ва Қозоғистон чўлларида яшовчи скифларга яқин бўлиши керак. Барча сакларнинг маданиятида умумийлик мавжуд бўлганлиги қадимги манбаларда ҳам акс этган. Масалан, Бехистун қояларида тошга ўйилиб ишланган расмларда Сўғдиёналиклар, Бақтрияликлар ва Хоразмликларнинг кийим-бошлари, уруш қуролилари тасвирланган бўлиб, улар бошқа сакларникига ўхшаб тасвирланган. Қадимги сўғдиёналик ва хоразмликларнинг ҳам тиллари бир-бирларникига яқин бўлган. Европа скифларнинг тили ҳам шу тил туркумидаги халқлардан бўлганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд қилинади<sup>1</sup>. Аммо хўжалик жиҳатидан бу этник бирликлар бир-биридан фарқ қилган: этник уюшмалардан бири деҳқончилик билан, иккинчиси — кўчманчи чорвачилик билан, учинчиси — овчилик, балиқчилик ва бошқалар билан шугулланиб келганлар.

Юқорида Хоразмда, Сўғдиёнада ва Бақтрияда милоддан олдинги I мингинчи йилларнинг ўрталарида давлат вужудга келиб, улар Ахмонийлар сулоласининг тасарруфида бўлган деган эдик. Ана шу сиёсий тузумлар даврида Ўрта Осиёда бир неча антик даврга хос элатлар вужудга келган: хоразмликлар, сўғдийлар, бактрияликлар, фарғоналиклар элати шулар жумласидан. Деҳқончилик тарақий этиб бориши билан бу элатларда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам (тўқимачилик, кулчилик, темирчилик ва бошқ.) ривожланиб уларнинг маҳсулотининг маълум қисми бозорга чиқарилган. Бу маҳсулотларнинг талайгина қисмини кўчманчи чорвадорлар харид қилганлар ёки товарга-товар алмашиб олганлар. Ўз навбатида кўчманчилар ҳам ўтроқ аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Шу тариқа савдо-сотик ҳамкорлиги, ўтроқ аҳолининг қишлоқ хўжалигини, кўчманчиларнинг эса чорвачилигини яна ҳам тараққий этишини рағбатлантирган.

Марказий Осиё кенгликларида яшовчи кўчманчи қабилалари ҳам мураккаб этник жараёни ўтаётган эди. Бир регионда ва унга туташган ҳудудларда яшовчи қабилла уюшмаларининг бир-бирлари билан яқинлашиш ва этнос ичидаги қабилаларнинг қўшилиб, аралашиб борган жараёни мавжуд эди. Бу жараёнлар натижасида ха-

<sup>1</sup> Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. С. 108—109.

умаварга, сакарака, тиграхауда сакларда ва бошқа этник (этнохудуд) тизими вужудга келади.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли таъсирида кўчманчи қабилаларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашадди ва шу йўсинда улар сон жиҳатидан тобора кўпайиб боради. Айни бир вақтда (мил. олдинги I мингинчи йилларнинг ўрталарида) Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларида, жумладан Зарафшон водийсида Орол денгизининг жанубий-ғарбий ва жанубий-шарқий қисмида Тангритоғ ва Олайда мўғулсимон антропологик типдаги этник гуруҳлар пайдо бўлган<sup>1</sup>. Гуруҳлар асосан мўғулсимон аралашмаси (Андроноволиклар) туб ерли аҳоли ҳамда жанубдан олдинроқ келиб ўрнашган Ўрта ер денгизини антропологик типни вужудга келган. Бу типдаги антропологик гуруҳлар Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларида мавжудлиги милoddан олдинги асрнинг охиригача оид материалларда аниқроқ кўриш мумкин<sup>2</sup>.

Шундай қилиб милoddан олдинги VI—IV асрлардаги ўтроқ аҳоли ва кўчманчи сак, массагет қабилалари Ўрта Осиё аҳолисининг кейинги асрлардаги этник тарққиётига замин тайёрлаб беради.

Ўрта Осиёда Селевкийлар империяси (мил. олдинги 312—250) Юнон-Бактрия давлати (250—140 йиллари) вужудга келиши ерли аҳолининг иқтисодий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгаришига сабаб бўлади. Аммо бу сиёсий тузумлар ерли аҳолининг этник таркибига катта ўзгариш кирита олмаганлар. Бу даврларда Мовароуннахрда ва унга туташ вилоятларда юнонларнинг айрим гуруҳлари\* (асосан ҳарбий хизматчилар, хунармандлар, савдогарлар, мусиқачилар ва бошқалар) яшаб қолган. Аммо улар узоқ вақт ерли аҳоли орасида бўлиб,

---

<sup>1</sup> Ходжайов Т. К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху Средневековья, С. 5; Аскаров А. А., Бурыков Ю. Ф., Ходжайов Т. К. Новые археологические и антропологические материалы в этнической истории народов Средней Азии. В кн.: — Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. М., С. 57.

<sup>2</sup> Гинзбург В. В. Теория происхождения расового типа среднеазиатского междуречья. Тезисы доклада научной сессии, посвящённой итогам работы Института этнографии АН СССР (Ленинградское отделение) за 1966, Л., 1967, С. 16. Ходжайов Т. К. Краткие итоги изучения антропологии Средней Азии в связи с проблемами этногенеза узбекского народа, В кн.: — Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Т., 1986, С. 94, 95; Аскаров А. А., Бурыков Ю. Ф., Ходжайов Т. К. Юқоридаги асар. 55-бет.

аста-секин уларга аралашиб, тилларини ва ҳатто элат номларини ҳам унутиб юборганлар.

Ўрта Осиёга бостириб келган Искандар кўшинлари (мил. олдинги 329—328 йиллар) билан юнон македонияликлардан ташкил топган селевкийлар сулоласи билан узлуксиз равишда олиб борилган курашлар натижасида тахминан милоддан олдинги III аср бошида Қанғ давлати вужудга келади. Кейинчалик Юнон-Бактрия давлати ҳамда кўшни кўчманчи қабилалар билан бўлган курашлар натижасида Қанғ давлати яна ҳам мустақкамланади ва Ўрта Осиёда йирик империялардан бири қаторида тилга олинади.

Қанғ давлатининг этник таркиби бир хилда бўлмаган. Сирдарёнинг шимолида, Тошкент воҳасида қанғар қабилалари яшаган. Курама тоғ этакларида, Сирдарёнинг юқори оқимларида катарлар, камарлар ва бошқа қабилалар жойлашган. Тангритоғ тоғ системасининг ғарбида, Сирдарё яқинидаги чўлларда сакараука, тохар, асий, апасшаклар, аристейлар, авгаллар ва бошқа қабилалар, Сирдарё бўйлаб обий скифлари (сув скифлари) яшаганлар. Бу қабилаларнинг ичида энг кучлиси ва етакчиси қанғар қабилалари бўлган. Тилга олинган қабилаларнинг кўпчилиги Қанғ давлати таркибида бўлган. Тобеликни хоҳламаган қабилалар ёки уларнинг маълум қисми жойларини ташлаб, бошқа ерларга кўчиб кетган ҳам эдилар<sup>1</sup>.

Милоддан олдинги II—I, милодий, I—II-асрларда Қанғ давлатининг энг кучайган даври эди. Шу даврларда Қанғ давлатининг асосий ерларидан (Сирдарёнинг ўрта оқимларидан ташқари) унга яна бир қанча бошқа вилоятлар ҳам қарашли эди. Бу вилоятларнинг кўпчилиги Қанғ давлати томонидан тобе этилган. Қадимий хитой солномаларида қанғарларга қарашли бешта вилоят тилга олинади: Сусйе (Кеш—Шаҳрисабз), Фуму (Зарафшон водийсида, ҳозирги Каттақўрғон районида), Юни (Тошкент вилояти). Ги (Бухоро воҳаси), Юегян (Урганч шаҳри ва вилояти). Булардан ташқари Қанғ давлати таркибида Кан, Ми, Уоа, Унагэ, Мукаби вилоятлар ҳам бўлганлиги манбаларда эслатилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қанғ давлатининг ташкил топиши, унинг таркибидаги қабилалар ва бошқа масалалар ҳақида. Қаранг: Шониёзов К., Қанғ давлати ва қанғилар. Тошкент, 1990.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Собрания сведения о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, том II. С. 184; Кюннер Н. В. Китайские известия о народах южной Сибири, Центральной Азии и

Бу вилоятларнинг аксари кўпчилиги Сўғдиёнада жойлашган бўлган. Милоддан олдинги II—I асрларда Орол денгизининг шимоли-шарқида Янцай<sup>1</sup> ва Янь ерлари ҳам қанғарлар томонидан тобе этилган эди. Шундоқ қилиб, ўша даврларда Қанғ давлати Ўрта Осиёда йирик Қанғ империясига айланади.

Милоддан олдинги II-милодий I—IV асрларда қанғарларнинг шимолий, шимолий-шарқий ва жанубий қўшнилари юечжи-тохарлар, аklar, асианлар, хунлар, ғарбида сак-массагетлар ва бир қанча бошқа қабила-лар бўлган. Сўзсиз бу қабилалар бир тилда гапирувчи халқлар бўлмаганлар; уларнинг бир қисми туркий тилда (асосан хун, усун) сўзловчи халқлар бўлиб, бир қанчалари эса қадимий эрон-форс, суғд, хоразм ва бошқа ҳинд-европа тил туркумидаги халқлар бўлганлар. Бу халқлар асрлар давомида ёнма-ён яшаб доимо иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Ана шу ўзаро яқинлашувлар жараёнида ўтроқ аҳоли билан кўчманчи қабилалар бир-бирлари билан аралашиб кетган. Қабилавий курашлар ва ички низолар тобора ўсиб бориши натижасида олдинги қабила иттифоқлари емирилиб, янги қабила иттифоқлари ва сиёсий тузумлар вужудга келади.

Ўз даврининг йирик ва кучли давлатларидан бири Қанғ (қанғуй) давлати бўлганлиги ҳақида юқорида гап кетган эди. Қанғ давлати чегарасида қадимий форс-эрон тилида сўзловчи туб ерли халқлар (саклар) Марказий Осиёда, Жанубий Сибирда ва Етгисувнинг ши-

---

Дального Востока. М. 1960. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, соч. Т. II, ч. I, М. 1963, С. 177; Толстов С. П. Древний Хорезм, С. 20; Массон М. Е. О северных границах Кушанского государства. ОНУ. 1956, № 8, С. 15—16. Бернштам А. Н. Сусени — Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Фумуни — Янги-Кўрғондан то Казалинск оралигидаги вилоятда, Гини эса Сирдарёнинг қуйи оқимида деб кўрсатади. (Қаранг: Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тяньшаня и Памира-Алая, МИА, 1952, вып. 26, С. 216). Бернштамни А. Н. Ушбу географик номларни жойланиши ҳақидаги фикрлари Бартольд В. В., Толстов С. П. Массон М. Е. ва бошқаларнинг фикрларига тўғри келмайди. Хитой солномаларидаги маълумотларга ва бошқа бир қанча тадқиқотчи олимларнинг айтган фикр-мулоҳазаларига асосланиб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки Сусе, Фуму ва Ги вилоятлари Зарафшон водийсида ва Қашқадарёнинг юқори оқимларида жойлашган; Юеган-Хоразмда, Юни эса Тошкент воҳасида бўлган.

<sup>1</sup> Л. А. Боровкованинг тахмин қилишича (Қаранг: Запад Центральной Азии в II в. до н. э. — VII в. н. э. М., 198, С. 65), Янцай ҳозирги Қизил-Ўрда шахридан жануброқда бўлган.

молий районларида яшовчи туркий тилда сўзловчи қабилалар билан аралашishi жараёни тобора ривожланиб боради. Худди шу хилдаги жараён кейинроқ Фарғона ва Зарафшон воҳасида ҳам юз берган.

Туркий тилини Марказий Осиёда кенг тарқалишида қадимги хун ва усун ҳамда улар таркибидаги барча туркийзабон қабилаларнинг ҳиссаса жуда катта бўлган албатта. Бу қабилалар таъсирида милоддан олдинги I—милодий I аср давомида ўтмишда шарқий эрон тил туркумидаги турғун халқлар (саклар, массагетлар, суғдийлар, хоразмликлар ва бошқалар) ва қабилаларнинг маълум бир қисми тил жиҳатдан батамом турклашиб ҳам кетганлар.

Хун, усун ва бошқа туркий қабилаларнинг салмоқли қисми Еттисув, Мовароуннаҳр ва Хоразм ерларида яшовчи аҳоли, жумладан қанғарлар билан алоқада бўлиб келганлар. Ана шу этник, иқтисодий ва маданий яқинлашиш жараёнида, туб ерли этнос асосида туркий тилда гапирувчи янги этнос — қанғар элати вужудга келади деган эдик олдинги бобда. Шу асрларда (милоддан олдинги I—милодий I асрларда) Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшовчи халқнинг алоҳида этнос бўлиб шаклланиши учун асосий омиллар мавжуд эди: сиёсий тузум, иқтисодий ва маданий ҳаёт бирлиги, умумий ҳудуд ва этник ном (қанғар) вужудга келган эди. Аммо бу элат антик босқичда вужудга келган ва ўз даврига хос сиёсий ва этник бирлик эди. Қанғ давлатининг емирилиши билан (милодий V аср ўрталарида) унинг таркибидаги элат ва қабилалар тарқалиб кетади, янги сиёсий ва этник бирликлар вужудга келади.

Қанғар ҳокимиятига итоат қилишни хоҳламаган қабилалар ёки уларнинг қисмлари ўз яйловларидан кўчиб, милоддан олдинги II аср ўрталарида Сўғдиёна ва Бактрия ерларига бостириб кириб Юнон-Бактрия давлатини ағдариб ташлайдилар. Страбоннинг маълумотларига қараганда Юнон-Бактрия давлатини ағдарган қабилалар ассийлар (ассианлар), пассианлар, тохарлар, сакароукалар бўлган<sup>1</sup>. Рим тарихчиси Юстин (милодий II—III аср), Помпей Трогнинг (милоддан олдинги I аср) маълумотларига таяниб «Бактрия ва Сўғдиёнани сакароук ва азианлар (ассианлар бўлиши керак)<sup>2</sup> босиб оладилар деб ёзган эди».

<sup>1</sup> История Узбекистана в источниках. С. 173—174.

<sup>2</sup> Уша ерда. 164-бет.



Шу даврнинг тарихий воқеалари қадимги хитой воқеанависларининг асарларида кенг ёритилган<sup>1</sup>. Хитой манбаларидан маълум бўлишича милоддан олдинги II асрнинг 70—60 йилларида Марказий Осиёда ва Жанубий Сибирда яшовчи қабилалар ҳаракатга келадилар. Ордосда яшовчи хунлар Хитойнинг шимолий ғарбида жойлашган юечжи қабилаларига қаттиқ талофат етказдилар. Юечжилар ўз ерларини ташлаб Тангритоғ ғарбига (Шарқий Туркистонга) кўчиб ўтадилар. Бу ҳудудда (Шарқий Туркистонда) эса шу вақтларда сак хитойча сە қабилаларнинг катта бир қисми яшар эди. Юечжилар зарбасига бардош беролмаган саклар юртларини ташлаб, кўчиб, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларига бориб ўрнашадилар.

Милоддан олдинги II асрнинг ўрталарида хунлар юечжиларга иккинчи маротаба қаттиқ зарба берадилар. Шундан кейин юечжининг катта бир қисми, хунларнинг таъқиби остида, милоддан олдинги 40—30 йиллари жанубга, Бактрия ҳудудига бориб ўрнашадилар.

Юнон тарихчилари ва географлари томонидан эслатилган ассий, азиан ёки ассиан атамалари маълум бир халқнинг турлича талаффуз этилган номлари бўлган. Хитой солномаларида тилга олинган сە (сак) этноси бир қанча сак қабилаларининг (жумладан, ассий, сак-кароук, ассианлар ва бошқалар) ўз ичига олган. Бошқача қилиб айтганда ассий, сакараук ва бошқа қабилалар ҳам хитой манбаларида умумий бир ном — сә деб аталгандир. Юечжи (юди)<sup>2</sup> этносини тадқиқотчилар антик муаллифларининг асарларида эслатилган тохарлар билан тенглаштиради<sup>3</sup>. Юечжиларни яна ассийлар (ас-

---

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 147—155, 190—191 ва бошқа бетлар.

<sup>2</sup> Еттисувга, сўнгра Бактрияга кўчиб ўтган юечжилар «даюечжи» (катта юечжи) деб, ўз юртларида — Шарқий Туркистонда қолган қисми эса «кичик юечжи» деб номланган. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 2-жилд. 151—184-бетлар. Юечжилар Амударё соҳилларига милоддан олдинги 139—124 йй. етиб борганлар. Ю. Зуевнинг (Қаранг: К этнической истории усеней. В кн.: — Новые материалы по древней и средневековой Истории Казахстана — Труда ИИА ЗАН Каз. ССР., Алма-Ата, 1960, С. 9) тахминига кўра юечжилар милоддан олдинги 140 йили Бактрияни эгаллаганлар.

<sup>3</sup> Умняков И. И. Тохарская проблема ВДИ. 1940. № 3—4. С. 181—193; Бернштам А. Н. К вопросу об усунь, кушан и тохарах. СЭ. 1947. № 3. С. 41—47. Рерих Ю. Н. Тохарская проблема. С. 118—123.

лар), кейингиларини ўз навбатида тохарлар билан ҳам тенглаштирадилар<sup>1</sup>.

Юнон-Бактрия худудига қанғарлар ҳам бостириб кирган эдилар. Булар сакароука ва ассийлар орқасидан (милоддан олдинги II асрнинг ўрталарида) уларни таъқиб қилиб бориб Зарафшон ва Қашқадарё водийларини эгаллайдилар.

Қанғарлар томонидан таъқиб қилиб борилаётган сакдрауклар Сўғдиёни ташлаб, Амударёни кечиб, Маре воҳаси орқали Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги, ҳозирги Сеистон вилоятига бориб ўрнашадилар<sup>2</sup>. Шундан кейин икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги ерлар сиёсий жиҳатдан юечжилар (тохарлар) ва қанғарлар ўртасида бўлинади. Ассианлар ҳам бу ерларга келиб ўрнашган бўлсалар ҳамки, аммо улар сиёсий ҳаётга аралашмайдилар.

Тохарлар (юечжи) Амударёнинг чап томонидаги Бактрия худудидан ташқари шу дарёнинг ўнг томонидаги, ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубидаги минтақаларни ҳам эгаллаган эдилар. Бу вилоятлар, милоддан олдинги II асрда Тохаристон деб номланган<sup>3</sup>.

Бу ерларда (Тохаристонда) Тохарлар келгунга қадар асосан ўтроқ аҳоли яшаган. Милоддан олдинги II асрнинг ўрталарида Тохаристонда бўлган Хитой сайёҳи Чжан Цянь Даха (Тохаристон) аҳолиси «асосан ўтроқ ҳаёт кечирадилар, уларда уйлар ва шаҳарлар мавжуд; урф-одатлари давонликларникига (фарғоналикларникига) ўхшаб кетади... халқи моҳир савдогарлар». «Дахани аҳолиси бир миллионга яқин» деб

---

<sup>1</sup> Зуев Ю. А. Кўрсатилган асар. 67-бет. Швед олими Шарль Шарпонье осиларни Страбон асарларида учрайдиган ассиан ва Помпей Трогнинг азиат этнонимлари билан, буларнинг эса ҳозирги осетинлар билан тенглаштиради. Муаллиф томонидан бу фикрни тасдиқловчи далиллар келтирилган. Маълумки осларнинг асосий қисми милоддан олдинги I аср ўрталарида Каспий денгизининг шимолий-шарқида, Орол денгизи яқинидаги чўлларда жойлашган. (Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд. 150 бет.) Асларнинг (ассиан) бир қисми Тангритоғ тизмаларининг шимолида, қисман унинг шимоли-ғарбида ҳам жойлашган. Аслар ва тохарларнинг айрим гуруҳлари ўша даврларда Шарқий Туркистонда ҳам яшаган бўлиши керак.

<sup>2</sup> Гафуров Б. Ф. Таджики. С.133. Сеистон вилоятининг номи саксакароука этник номидан олинган.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 2-жилд, 152-бет.

ёзган эди<sup>1</sup>. Албатта бу сон ўша давр учун катта бўлиб, Тохаристон аҳолисини сон жиҳатдан кўп бўлганлигидан далолат беради.

Бу вилоятларга тохарлар эгалик қилгандан кейин, бир қанча вақтларга қадар улар ўзларини анъанавий хўжаликлари — чорвачилик билан шуғулланадилар. Лекин вақт ўтиши билан, деҳқон аҳолининг таъсирида, улар аста-секин ўтроқлашиб, туб ерли аҳолига араллашиб, уларга сингиб кетадилар. Шунга ўхшаш жараён Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган ассиёлар, қанғарлар ва бошқа этносларда ҳам мавжуд бўлган.

Милоддан олдинги II—I асрлар Қанғ давлати таркибидаги қабилалар бир-бирлари билан яқинлашиши, жипслашиши жараёни кечаётган эдилар. Ана шу жараён натижасида баъзи кўчманчи қабилалар, ёки уларнинг айрим қисмлари ўтроқлашиб қишлоқ ва шаҳарларда яшайдилар.

Милоддан олдинги II—I асрларда Сирдарё бўйларида яшовчи қабилаларнинг тилида катта ўзгаришлар рўй берди. Шу вақтларгача улар асосан шарқий эрон тил туркумидан бирида сўғд тилида гапирар эдилар. Тахминан милоддан олдинги II мингинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб (балки ундан ҳам олдинроқдир) қанғарлар таркибига, кўшни вилоятлардан келган, бир қанча туркийзабон қабилалар қиради. Шундоқ қилиб, милоддан олдинги II—I асрларда Сирдарё бўйларида икки тил туркумидаги халқлар шарқий эрон (сўғдий) ва туркий халқлар яшайдилар. Милоддан олдинги II милодий I асрларда Сирдарёнинг ўрта қисмида ва унинг шимолидаги вилоятларда, бу ерларга келиб ўрнашган ва сўғдий тилли аҳолининг турклашганлиги ҳисобига туркийзабон халқлар кўпчиликини ташкил этган.

Милоддан олдинги II аср ўрталарида усунлар Еттисувни катта қисмига эгалик қилиб<sup>2</sup>, қанғарларнинг шимолидаги ён кўшинлари бўлиб қолган эдилар. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича хунлар туркийзабон халқ-

---

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Хунны. М. 1960, С. 69—71. 151—152. Еттисувга келиб ўрнашганга қадар усунлар Хуанха дарёсининг юқори оқимларида, Тяньшан тоғининг ён бағирларида яшар эдилар. Улар хунларга тобе бўлиб, бож тўлаб турганлар. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 55-бет; 2-жилд, 150-бет.

лар бўлганлар<sup>1</sup>. Қанғарлар хунлар билан рақобатлашиб келган бўлсалар ҳамки, (усун давлати ичидаги юз берган ўзаро курашлар туфайли) уларнинг айрим гуруҳлари ўз элларидан ажралиб Сирдарё яқинидаги чўлларга (Қанғ ҳокимлари рухсати билан) келиб ўрнашган эдилар. Масалан, милоддан олдинги I аср охири милодий I аср бошларида усунлардан 80 минг киши келиб Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги вилоятларга жойлашган эдилар<sup>2</sup>.

Қанғ давлати ҳудудига хунларнинг айрим гуруҳлари ҳам келиб яшаганлар. Қанғарлар хунлар билан, милоддан олдинги II асрлардаёқ ҳамдўстлик алоқаларини ўрнатганлар<sup>3</sup>. Айни шу даврларда усунларларга қарши урушаётган хунлар қанғарларнинг ёрдамига муҳтож бўлганлар<sup>4</sup>. Усунлар билан курашда икки давлат — Қанғ ва Хун давлати яқинлашиб, бир-бирларига ёрдам бериб келганлар.

Хунларнинг қанғарлар ҳудудига келиб ўрнашиши милодий I—II асрларда бирмунча кучайган эди. Шу асрларда хунларнинг айрим гуруҳлари усунларни сиқиб, Тангритоғнинг ғарбий қисмини эгаллайдилар<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. «Живая старина», вып. III-IV. СПб. 1896. С. 291—300. Chirftori K. Vber diewu-sun stammnin Zentral Asen-Keleteszemle, Budopest 1902. С. 103—140; Hilf. clinesi. sche gullen zur volker und skuthen. Zentral Asien Berlin. 104; Marquart J. Vber des volkstum der komanen. AGWG Bd XIII Berlin 1914. S. 64. Зуев Ю. А. К вопросу о языке древних усуней. Вестник АН Каз. ССР. Алма-Ата. 1957. № 5; Яна шу кишиники К этнической истории усуней, ТИИАЭ АН Каз. ССР. Алма-Ата. 1960. № 8. С. 12. Усунларнинг тили ҳақида бошқа қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд: Зуев Ю. А. О языке древних усуней. С. 5—6.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 198-бет.

<sup>3</sup> Милоддан олдинги III—II асрларда хунлар Хуанхе дарёсининг юқори оқимларидан то Жанубий Сибирнинг қуёқ ўрмонларигача бўлган кенг ҳудудда яшар эдилар. Уларнинг яшайдиган асосий ерлари Мўғулистоннинг шарқий қисми ва Бойкўл кўлининг орқасидаги минтақалар бўлган. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 50-бет. Гумилев Л. Н. Хунны. 104-бет. (асарда илова қилинган харитага қаранг).

<sup>4</sup> Гумилев Л. Н. Кўрсатилган асар. 168-бет.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 258—260-бетлар. 3-жилд, 79-бет. Хунларнинг таркибида уйғурлар, қипчоқлар, кимаклар, қарлуқ, аз, сариқ, арғу, тухси ва бошқалар бўлган. Бу қабила-ларнинг туркийзабон бўлганлигига шубҳа йўқ, албатта. Хунлар таркибида айрим мўғул тилли этнослар ҳам бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлмаса керак. Бу масалалардаги турли фикр-мулоҳазалар ҳақидаги маълумотлар Л. Н. Гумилевнинг «Хунны» асарида (48—49-бетлар.) келтирилади.

Юқорида келтирилган далилларга асосланиб Сирдарё бўйларида яшовчи халқларнинг аксарий қисми I—II асрларда туркийзабон бўлиб, унинг асосини қанғар номи билан аталган янги этнос ташкил қилган. Бу этнос эрон тилли (Сўғд ва Хоразм тилида гапирувчи) халқлар билан Сирдарё ёқаларига келиб ўрнашиб қолган туркийзабон гуруҳларнинг бир-бирлари билан аралашилари натижасида вужудга келган. Ҳар иккала маданият соҳибларининг (ўтроқ-деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳоли билан кўчманчи чорвадор қабилаларнинг) маданияти қўшилганлигини археологик материаллар ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Қанғар этноси Ўрта Осиёнинг марказий ҳудуди аждодлари асрлар давомида қолдирган моддий ва маънавий маданиятининг (сўғдийлар билан бир қаторда) воқислари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қанғарлар маданияти билан сўғдиёналиклар маданияти ўртасида ҳатто ташқи қиёфаси билан ҳам деярли фарқ бўлмаган. Айни шу даврда Ўрта Осиё водийларида яшовчи ҳар иккала халқнинг (Сўғдиёналар ва қанғарларни) антропологик помир — Фарғона типи тўлиқ шаклланган бўлиши керак.

Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларидаги аҳолининг фаолияти бир хилда бўлмаган. Аҳолининг асосий қисми милоддан олдинги II—I, милодий I—II асрлар ўтроқ деҳқончилик билан, ҳунармандчилик ва савдотик билан шуғулланганлар.

Сайёх Чжан Цянь милоддан олдинги I аср ўрталарида Фарғона водийси (хитойча Давань)да бўлиб, бу водийда деҳқончилик ниҳоятда тараққий этганлигини таърифлаб ёзган эди: «Довонликлар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, улар деҳқончилик билан шуғулланиб шоли ва бугдой экадилар. Уларда узум мусалласи мўл. Арғумоқлар кўп. Шаҳар ва қишлоқлари бор. Даванда 70 катта ва кичик шаҳарлар мавжуд, аҳолиси бир неча мингга етади<sup>2</sup>». Чжан Цяннинг маълумотларини, милоддан олдинги 206—250 йилга оид бошқа хитой

<sup>1</sup> Григорьев Г. В. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции. 1937. Т., 1940; Ўша муаллиф. Коунчитепа (раскопки 1935). Т., 1940; Литвинский Б. А. Джунский могильный и некоторые аспекты коунчиской проблемы, СА, 1967. № 2; Ўша муаллиф. Кангюйско-сарматский Фарн, Душанбе. 1968; Филонович М. И. Зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент. 1983.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 149-бет.

манбалари тўлдирди. Бу манбаларда Давань аҳолиси 60000 минг оила ёки 300000 минг киши кўрсатилган. «Давань вилоятининг ҳамма ерида мусаллас, ўзига тўқ оилалар уни (мусалласини — К. Ш.) жуда кўп миқдорда тайёрлайдилар. Бу мусаллас бир неча йиллар давомида бузилмасдан сақланади<sup>1</sup>» дейилади ўша манбада.

Фарғона водийсида турклашиш жараёни милoddан олдинги I асрда бошланган бўлиши керак. Айни шу даврда Фарғона водийсига усун ва хун қабилаларининг айрим гуруҳлари келиб ўрнашган эдилар. Бу этник гуруҳлар милoddий I—IV асрлар давомида (Фарғона худудида) сон жиҳатдан бирмунча кўпайган<sup>2</sup>.

Тохаристонда деҳқончилик маданияти юқори тараққий этганлигини юқорида таърифлаб ўтган эдик. Биз таърифлаган даврларда Зарафшон ва Хоразм воҳалари ҳам нуфузли минтақалардан ҳисобланган. Бу худудларда деҳқончилик билан бир қаторда савдо ишлари кенг тараққий этган бўлган. Чжан Цянь ахборотларидан маълум бўлишича «Амударё (хитойча Гуй-шуа) бўйлаб савдо-сотик билан шуғулланадиган кишилар яшайдилар. Улар куруқлик ва сув орқали (Амударё суви орқали. К. Ш.) ўз молларини бир неча минг лигача бўлган масофага етказиб борадилар<sup>3</sup>», деб ёзган эди, Чжан Цянь<sup>4</sup>. Унинг ахборотидан маълум бўлишича Моваруннаҳр ва Хоразм аҳолиси савдо-сотик ишларини жуда кенг кўламда олиб борганлар.

Тошкент воҳасида яшовчи аҳолининг маълум қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Хитой солномаларида келтирилган маълумотлар бу воҳада яшовчи деҳқонлар арпа, буғдой, нўхат, шоли ва бошқа донли экинлар етиштирганлар, дарахтзор ва узумзорлар бўлган, сут қатиқлар сероп бўлган<sup>5</sup>. Тошкент воҳасида ва Сирдарёнинг ўрта оқимларида жойлашган аҳолининг хўжалигида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам кенг тараққий этган бўлган.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 186—187-бетлар.

<sup>2</sup> Бернштам А. Н. Древняя Фергана. Ташкент. 1951. С. 17.

<sup>3</sup> Ҳозирги I ли 579 метр, қадим ва ўрта асрларда I ли 350 метрга яқин бўлган. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. М. 1963. С. 134. Туркестанский край в XIII веке (по рассказам китайского путешественника). Т. III. М. 1963. С. 240.

<sup>4</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 151-бет.

<sup>5</sup> Кюннер Н. В. Кўрсатилган асар. 97—175-бетлар. Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 173—183-бетлар.

Хоразм ва Сўғдиёнада яшовчи аҳолининг ҳам асосий қисми шу даврларда (милоддан олдинги II—I асрларда) асосан эронзабон халқлар бўлганлар. Милоддан олдинги II асрнинг ўрталаридан бошлаб Сирдарё водийси ва Хоразм қанғарлар тасарруфида бўлганлигини ҳисобга олиб, бу вилоятларда туркийзабон этносларнинг айрим гуруҳлари Тангритоғ этакларидан, Еттисувдан келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлмаса керак.

Милодий I асрда Қанғ давлатининг жанубида Кушон давлати вужудга келади. Милодий I-аср ўрталаридан Сўғдиёна ҳудудини талай қисмини кушонлар эгаллайдилар. Хоразм ҳам шу даврларда Кушон давлатининг тасарруфида бўлган. Шундай қилиб, Кушон давлати ўз даврининг энг йирик империяларидан бири бўлиб қолади. Унинг таркибида юечжи-тохарлар, асийлар, қанғарларнинг айрим гуруҳлари, балки хун этник элементлари ҳам бўлган.

Кейинги асрлар давомида (II—IV) ҳам Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Еттисувдан ва Шарқий Туркистондан айрим этнослар келиб жойлашганлар. Хион (хионий), кидарий, эфталий (абдал) этнослари шулар жумласидандир. Бу этносларни чиқиб келиши (этногенези) ҳалигача аниқлангани йўқ. Бу этнослар ҳақида тадқиқотчи олимлар ўртасида жуда кўплаб бири-иккинчисига чалкаштириб юборилган фикр-мулоҳазалар бор. Масалан, хионийларни эфталийларга ёки кидарийларга тенглаштирган, баъзан эса буни тескариси — эфталийларни хионий дейилган. Барча фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, тилга олинган гуруҳларнинг этник тарихига қисқача тўхтаб, баъзи масалаларга ўз муносабатларимизни билдирмоқчимиз.

Хионийлар (хион)<sup>1</sup> тарихий манбаларда милодий IV аср ўрталарида тилга олинган. Бейшида (VI аср) «Бир

---

<sup>1</sup> Хионийлар манбаларда ҳар хил номлар билан аталган. Қадимги арман манбаларида (IV—V асрлар) «хона», юнон муаллифлари-хионий (Қаранг: Тревер К. В. эфталийи и хионийи. История народов Узбекистана. 1950. С. 127). Авестода хионлар ўрта аср манбаларида «хион» (Қаранг: Оранский И. М. Введение в Иранскую филологию, М. 1950. С. 169, 206; Бертельс Е. Э. История персидской литературы, М. 1960. С. 74—79), хион (хионий) сўзининг этимологияси (келиб чиқиши) ҳозиргача аниқланмаган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бу сўз росамаха (кунлар, балки хунлар) тотеми номи билан боғлиқ. Қаранг: Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. С. 47.

вақтлар хунлар Суде (Сўғд, Сўғдиёна) ҳокимини ўлдириб Судени эгаллаган эдилар» деган ахборот берилади<sup>1</sup>. Шу манбада (Бейшида) айтилишича, бу воқеани содир бўлгандан буён тўрт авлод ўтган<sup>2</sup>. Демак, юқоридаги маълумотларга кўра айти шу вақтларда (милодий 350—356 йиллари) хионий (хун)лар. Сўғдиёнани ва унинг марказий шаҳри Самарқандни эгаллаганлар.

Япон олими Еноки ҳамда Л. Н. Гумилевнинг таъкидлашича, Сўғдиёнани эгаллаган, Чин воқеанавислари хун деб атаган этнос хионийлар бўлган<sup>3</sup>. Баъзи маълумотларга кўра уларнинг юқоридаги фикрини ҳақиқатга яқин деб билишимиз мумкин. Айти шу вақтларда аниқроғи 356 йили хионитлар саркардаси ўғли билан Сосонийлар подшоси Шопур II ни Амида (Сурия) шаҳрини қамал қилишда, иттифоқдош сифатида, унга ёрдам берган<sup>4</sup>. Шу йилларда (350—356 й.) юқорида айтилганидек, хунлар-хионийлар Зарафшон воҳасини эгаллаган эдилар. Демак, хионийлар Амударё соҳилларига чиқиб, Эрон Сосонийлари билан чегарадош бўлиб қолишган. Дастлабки йиллари хионийлар чегарада осойишталик сақлаб Сосонийлар подшолари билан иттифоқда бўлиб, кейинчалик (IV аср охири V аср бошларида) улар билан рақиблашиб келганлар. Хионитлар номи 500 йиллардан бошлаб Авестода, Бундахишнада (дунёни пайдо бўлиши ҳақидаги китоб), Аьеткар Зареронда, («Зарерон ҳақида эсдалик» китобида) ва бир қанча бошқа адабиётларда Эрон сосонийлари ва хионийлар ўртасидаги бетиним жанглар ифодаланган<sup>5</sup>. Масалан, «Зарерон ҳақида эсдалик» китобида хионитлар подшоси Аржасп билан Эрон подшоси Виштасп ўртасидаги жанглар тасвирланган,

Келтирилган маълумотлардан Л. Н. Гумилевнинг Сулини (Сўғд, Сўғдиёна) эгаллаган этнос хионлар бўлган

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 206-бет.

<sup>2</sup> Хунлар (хионлар) Сўғдиёнани эгаллаганлиги Бейшини ахборотида 479—564 йй. берилган. Агар бир авлод, ўрта ҳисоб билан 50 йил деб олинса, тўрт авлод ўтиши тахминан 350—356 йилга тўғри келади.

<sup>3</sup> Enokuk the origenes of the white Hons or Heptalistes «East and west», 1955. p. 231—238. Гумилев Л. Н. Эфталлийи и их соседи в IV в. ВДИ, 1959, № 1. С. 134.

<sup>4</sup> Тревер К. В. Эфталлийи, хионийи. История народов Узбекистана. Ташкент. 1950. С. 127.

<sup>5</sup> Оринский И. М. Введение в Иранскую филологию. М. 1960, С. 166, 206. Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. М. 1960. С. 74—79.



деган фикрига ишонч ҳосил қилса бўлади. Лекин уни Зарафшон воҳасини эгаллаган хун-хионлар Орол денгизининг шимолий минтақаларидан келган деган фикрига қўшилиш қийин. Л. Н. Гумилев ўз фикрини асослаш мақсадида Византиялик юнон тарихчиси Феофилакт Симокатта ахборотига таянади.

Феофилакт Симокатта 563 йили «Океан яқинида аварлар ичида яшовчи кермихионлардан Константинополга элчилар келган»лигини баён этган эди<sup>1</sup>. Орол ва Каспий денгизларининг шимолида II—III асрларда ғарб томон силжиб кетган хунлар (гунлар)нинг бир қисми яшаган<sup>2</sup>. Хунлар билан бирга (уларнинг таркибида) бу ерларга авар (вар) ва кермихионлар (қизил хионлар) ҳам келиб ўрнашган бўлган. Константинополга элчи бўлиб борган кермихионлар Орол ва Каспий денгизларининг шимолида жойлашган хунлардан аниқроғи уларнинг бир гуруҳи бўлмиш қизил хионлардан бўлиши керак. Агар Л. Н. Гумилевни айтганларига ишонсак, милодий IV асрларда Зарафшон воҳасини эгаллаган хионлар Орол денгизини шимолий минтақаларидан келган бўлиб чиқади. Бундай бўлишига ақл бовар қилмайди. Уларга орқага қайтишдан кўра ўша ердаги хунлар билан Волга бўйларига ва Шимолий Кавказ минтақаларига бориш қулайроқ эди<sup>3</sup>.

В. В. Бартольднинг тахмин қилишича хионий этноси юебан хунларидан ажралиб чиққан<sup>4</sup>. Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигига кафолат бериш қийин. Лекин хионийларни этник тарихи бевосита хунлар билан боғлиқ эканлиги эҳтимолга яқин бўлиши керак. Чунки хунларнинг кўчиши билан бир вақтда хионлар ҳам кўчадилар, уларнинг бир қисми ғарбга силжиб, юқорида қайд қилинганидек, Орол денгизининг шимолий минтақаларига, иккинчи қисми эса Сирдарё бўйларига,

---

<sup>1</sup> The ophilakte simokattae historiarum libri octo, Bownae. 1834. VII. S8 7—88

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Эфталиты и их соседы... С. 134; Древние тюрки, М. 1967, С. 17. Шу бетда берилган харитада хун, авар (вар) этнослари Орол денгизининг шимолида жойлашган.

<sup>3</sup> Милодий IV асрларда шарқий Европа чўлларига ва Шимолий Кавказга бостириб кирган хунларнинг ичида авар, абдал, (эфталит) ва бир қанча бошқа хун қабилалари бўлган. Қаранг: Федоров А. Я., Федоров Г. С. Ранние тюрки на Северном Кавказе. М. 1978, С. 55. Шу хун қабилаларининг ичида (балки вар гуруҳларининг ичида) хионлар ҳам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II, М., 1963, С. 180.

Қанғ давлати ҳудудига келиб жойлашганлар<sup>1</sup>. Хунларнинг орқасидан кўчиб улгуролмаган гуруҳлари Жунғорияда (Тарбағатийни ҳам ўз ичига олган) қолиб алоҳида этник уюшма ташкил этганлар. Бу этник уюшма ва уларнинг яшайдиган ҳудудлари Юебан номини олган. Юебанликлар 200 минг кишидан иборат бўлиб, урф-одатлари, тили Гаогуйларнинг (уйғурларники) билан бир хил бўлган дейилади чин солномаларида<sup>2</sup>.

Қанғарлар ҳудудига (милоддан олдинги II—I асрлар давомида) келиб ўрнашган хунлар ичида қизил хионларни ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак. Буларнинг бир қисми ғарбга томон (Орол денгизининг шимолига) кетган бўлса, иккинчи бир қисми қанғарлар ҳудудига, Сирдарёнинг ўрта оқимларига яқин ерларда яшаб Қанғ давлатининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига фаол қатнашиб келган ва ниҳоят кучайиб Зарафшон водийсини эгаллайдилар. V аср бошларидан улар Хуросон ерларига ҳужум бошлаб бир қанча вилоятларни босиб оладилар. Эрон Сосонийлари билан дўстона муносабатда бўлиб келган хунлар эндиликда уларнинг ашаддий душманлари бўлиб қоладилар. Сосонийлар подшоси Варахран (418—438) хионийлар билан бетиним уруш олиб боради<sup>3</sup>. Марв яқинидаги бўлган жангда хионийлар устидан ғалаба қозонган Варахран Эрон билан хионийлар чегарасини Таликан (Марв билан Балх ўртасидаги шаҳар) яқини белгилайди. Хионийлар билан қурашни Йездигард II (438—457) давом эттиради ва у хионитларнинг жуда кўп қўрғонларини вайрон қилади. Бахон ярим оролида жойлашган Чол шаҳрида ўтирган хионийлар подшосини қўлга тушириб қатл этади. Шундан кейин хионийлар жангга тайёрланадилар ва 454 йили бўлган жангда Йездигард қўшинлари хионлар томонидан қаттиқ талофат кўради<sup>4</sup>.

Хионийлар Юебан хунларининг энг жанговор ва илғор қабилаларидан бўлиши керак. Булар IV—V асрлар давомида Эрон Сосонийлари билан бир неча маротаба жанг қилиб, уларнинг шимоли-шарқий вилоятларидан бир нечасини талон-тарож қилганлар. Урушларда жуда кўп фуқароларидан ажраган ва ҳокимиятни

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 2-жилд, 258—259-бетлар.

<sup>2</sup> Уша жойда. 259-бет.

<sup>3</sup> Тревер К. В. Эфталиты, хиониты. С. 127.

<sup>4</sup> Уша жойда.

қўлга олишга интилган қардош қабила — эфталийлар билан келиша олмаган хионийлар Мовароуннахрнинг жанубий минтақаларига бориб ўрнашадилар. Аммо бу ерларда ҳам улар тинч яшамайдилар. 460 йили хионийларнинг катта қисми Ҳиндистоннинг шимолий ғарбий вилоятларига кўчадилар. Уларнинг айрим гуруҳлари Мовароуннахрда қолиб, эфталитлар билан аралашадилар ва кейинчалик ўтроқлашиб, туб ерли аҳолига қўшилиб кетадилар. Шу ўринда уқтириб ўтиш жоизки, хионийлар ҳақида ёзган муаллифлар, аниқ маълумотларга эга бўлмаганлари туфайли бу этносни (хионийларни) кушонлар, туркийлар, эфталийлар, хаттоки қанғарлар (қанғуй) билан тенглаштирадилар, яъни улар билан бир халқ деб тушунтирадилар<sup>1</sup>.

Баъзи манбаларда қизил ва оқ хион (хионит) ёки хуна атамалари учрайди<sup>2</sup>. Қадимги хунларда ҳам қизил хун ва оқ хун этник номлари мавжуд бўлган. Рангли атамалар илк даврларда хун қабила иттифоқига кирган қабилаларда (масалан туркешларда — сариқ туркеш, қора туркеш, қипчоқларда — оқ қипчоқ, қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, уйғурларда — сариқ уйғур ва бошқалар) мавжуд бўлган. Демак, хунлар давридаги анъа-

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар, 2-жилд, I қисм. 180—181-бетлар; Гафуров Б. Г. Таджики. С. 198—210. История народов Узбекистана. Т. I. Т. 1950. С. 126—130.

<sup>2</sup> Масалан «Бахман Яшт» (Авестода), пахлавий тилида ёзилган «Жамоат-нома» асарида ҳамда Ҳинд манбаларида «қизил хиона», «оқ-хиона» этник номлари учрайди. (Қаранг: Б. Гофуров. Таджики 205—207 бетлар.) Хуна этноними эфталийлар бўлиши керак деган тахминий фикр қилади. Б. Г. Гофуров бу тахминий фикрлари билан юнон тарихчилари Прокопий Кессарский ва Агофийнинг эфталийларни хунлар деб берган маълумотларини такрорлайди холос. Ҳиндистон манбаларида «Қизил хуна», «Оқ хуна» деб эфталийларни эмас хунларни ўз этник номи билан «хуна» (хунлар) деб аталган бўлиши керак. Манбаларда эфталийларга нисбатан ҳам хуна этник номи қўлланилган бўлиши ажабланарли эмас.

Хионийларнинг (хунлар) Амударё ва Сирдарё оралиғидаги вилоятларга келиб ўрнашган қисми («Қизил хион» ва «оқ хион») бўлиши Афросиёб харобаларидаги археологлар томонидан очилган девор суратида ҳам ўз аксини топган бўлиши керак. Бу суратда элчиларнинг келиши ифодаланган бўлиб, уларнинг қаторида икки шахснинг (элчининг «қизил юзли» ва «оқ юзли») бошқалардан ажралиб турганлиги киши диққатини ўзига жалб этади. Эроншунос олим В. А. Лившиц бу расмлардаги икки кишини тасвирига эътибор бериб, уларни «Қизил хионлар» ва «оқ хионлар» билан «таққослашга барча асос бор» деб ёзган эди. Қаранг: Лившиц В. А. Надписи на фресках из Афрасияба. — «Тезисы докладов на сессии, посвященной истории живописи Стран Азии». Л. 1965.

налар (этник номлар олдида рангли қўшимчани бўлиши) кейинги даврларда, жумладан хионийларда ҳам давом этган. Келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, хионийлар ўтмишда хун қабилаларидан бўлиб, икки йирик гуруҳга (қанотга) қизил хион ва оқ хионга бўлинган. Бу хилда бўлиниш ҳам қадимги туркий қабилаларни ўнг ва сўл қанотларга бўлиниш анъаналари билан боғлиқ бўлиши эҳтимолидан ҳоли бўлмаса керак.

Кидорийлар (қидарий) ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо хитой воқеанависларининг ахборотларидан тахмин қилиб айтиш мумкинки, кидорийларнинг этник тарихи кичик юечжилар билан боғлиқ бўлиши керак.

Хитой воқеанависларининг маълумотларида айтилишига қараганда, милoddан олдинги II аср ўрталарида хунлардан талофат кўрган юечжиларнинг катта бир қисми даюечжилар (катта юечжилар) яшаб турган, Тангри тоғларининг шимоли-шарқидаги ҳудудларини ташлаб жанубга Даха (Тохаристон) ерларига бориб ўрнашадилар. Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилган эди. Ана шу юечжилардан милодий I асрда Кушонлар сулоласи вужудга келади<sup>1</sup>. Юечжиларнинг қадимги жойларида (Тарбағатай ва Шарқий Туркистонда) қолган қисми кичик юечжи деб номланган. Кичик юечжилар, қўшни жужанлардан кўп изтироб чеккач, 417—418 йиллари ўз ватанларини ташлаб, қарийб беш аср олдин кетган ажлодлари ўрнашган ҳудудларга 420 йили келиб жойлашадилар, қароргоҳлари Боло кўрғонида бўлганди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд. 227-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 264-бет. Хитой солномалари Даха (Тохаристон)нинг шимоли, одатда Хисор тизма тоғлари билан (Сурхон-Шеробод водийсига чиқадиган «Темур дарвоза» ёки Бузғол танглиги) билан чегараланади. Хитой воқеанавислари Дахани кенг маънода тушунишган бўлишса керак. Чунки уларнинг даставвал келиб жойлашган жойи Амударёни (хитойча Гуй-Шу) шимолида бўлиб, марказий шаҳри Боло шаҳрида бўлган. (Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар., 264—316-бетлар.) Боло шаҳри, Хитой солномаларида яна Ношиболо деб, бу эса ўз навбатида Кичик Шы деб тилга олинади ва катта юечжиларни қароргоҳи бўлганлиги таъкидланади. Хитой солномаларидаги бу маълумотлардан фойдаланган С. Г. Кабанов Ношиболони (ёки кичик Шыни) Нахшаб билан (ҳозирги Қарши шаҳри ҳудудида) тенглаштиради. Унинг фикрича катта юечжилар Қашқадарёнинг куйи оқимлари ва Бухоро вилоятига келиб жойлашган. Қаранг: Кабанов С. Г. К вопросу о столице кидаритов, ВДИ. 1953. С. 201—207. Археологические данные к этнической истории южного Согда, в

Янги худудга келиб ҳам кичик юечжилар тинч яшай олмайдилар. Улар бу ерларда мавжуд бўлган сиёсий курашлар гирдобига кириб, эфталийлар билан итти-фоқда Эрон Сосонийлари билан урушадилар. Шу даврларда (V асрнинг 20 йилларида) Кушон давлатининг ҳокимияти кичик юечжилар қўлига ўтган ҳам бўлиши мумкин. Аммо улар узоқ ҳукмронлик қилолмаганлар. Сосонийлар зарбасидан қаттиқ талофат кўргандан кейин, саркарда Цидало бошлиқ юечжи ҳарбий кучлари ва уруғдошлари билан Тохаристондан чиқиб Афғонистоннинг жанубий-шарқий вилоятларига бориб ўрнашадилар. Бу ерда улар Цидало (Кидаро) — ҳокимиятни ўрнатиб, «Кидора кушон Ша» (Кидаро кушонлар шоҳи) деган ёзув билан танга (пул) зарб қиладиганлар. Бундай мақсад, Цидало бошлиқ бир гуруҳ юечжи-кушонликлар Мовароуннаҳрни ташлаб кетган бўлсалар ҳам ўзларини кушон хонадонидан чиққан — подшо ҳисоблаб, ўзга ерда ҳам анча вақтларгача кушон подшолигини ворислари деб келган бўлсалар керак.

424 йилдан бошлаб Кидаро Ҳиндистонга юриш қилиб унинг шимолидаги вилоятларни талай қисмини эгаллашга муяссар бўлган<sup>1</sup>. Ушбу воқеалар ёритилган

---

III—IV веков СА. 1963. № 1. С. 219—230. Тадқиқотчи М. И. Воробьев. Десятковскаянинг аниқлашича тохир тилларидан бирида сўзлашувчи халқнинг номи «кучонне» деб аталган. Бу сўз эски уйғур қўлёмаларида учрайдиган *kusan* атамасига бориб тақалади. VII—VIII асрларга оид сак қўлёмаларидан бирида Хўтонни талон тараж қилиб кетган «кхоча» халқи ҳақида гап кетади. Бу этник ва этнолингвистик (кучоное, кхочо, *susan*, *kusan*) кушон этник номига яқинлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда «Кхоча» кучоное, *kusan* атамалари маъно жиҳатдан бир хил бўлиб кушон этносининг номини турлича талаффузи бўлган. «Кучони» атамаси ўз навбатида санскрит тилидаги «тохарика-тохарлик иборасига тўғри келади», деган фикр қилинади. Қаранг: Воробьева-Десятковская М. И. Памятники Центрально-Азиатской письменности. Ученые записки Института Востоковедения АН СССР. Т. 16. М.-Л. 1958, С. 306.

<sup>1</sup> Кидарийларнинг Ҳиндистонга (Ҳинд манбаларида буларни Хуна дейилган. Баъзи манбаларда ва тадқиқотларда кидарийлар эфталийлар билан чалкаштирилган). Кидарийлар Афғонистоннинг жануби-шарқий худудига бориб жойлашгандан кейин ҳам, Ҳиндистонга юришларини тўхтатмаганлар. Шу юришлар давомида кидарийлар Синд, Рожистон ва Ҳиндистонни шимоли-ғарбий минтақаларини босиб оладилар. Кидарийлар подшоси Махрокул (Михирокул) ҳинд-гупталарнинг подшоси Норосимхагуптадан қаттиқ талофат кўриб чекинадилар. Аммо Ҳиндистоннинг Кандҳара ва Панжоб вилоятларидаги бирнеча районларни кидарийлар эгаллаб қолган эдилар. Қаранг: Антонова К. А., Бонград-Левин Г. П., Катовский Г. Г. История Индии М. 1973. С. 118.

«Шимолий хонадонлар тарихи» Бейишида «Юечжиларни Цидало бошлиқ ботир давлат бошлиғи Ҳиндистонга юриш қилиб (уни) бешта давлатини ишғол қилади, деб ахборот берилган<sup>1</sup>». Аммо бу кичик давлатларни тез вақт ичида ҳиндлар қайтариб оладилар. Лекин Ҳиндистоннинг шимолидаги баъзи вилоятлар бир қанча вақтларгача кидарийлар қўлида қоладилар.

Келтирилган маълумотлардан кидарийлар Кушон давлатининг инқирозга учраётган бир даврда 420 йили ҳокимиятни қўлга олиб, то 468 йилгача Мовароуннаҳр ва Тохаристонда ҳукмронлик қилганлар. Кейинчалик уларнинг ҳукмронлиги кичик юечжиларнинг сардори Цидало (Кидало) номи билан Кидара (Кидарит) деб аталган Кидарани қўллаб-қувватлаган, садоқатли қабиладошларини бир гуруҳи шу шахс (Кидаро) номи билан кидарийлар дейилган бўлиши ҳам ажабланарли бўлмаса керак. Қандай бўлишидан қатъи назар кидарийларни чиқиб келиши кичик юечжилар билан бевосита боғлиқлиги тарихий ҳақиқатга яқиндир.

Милодий V асрнинг иккинчи ярмида (аниқроғи 468 йили) Тохаристонда ҳокимиятни қўлга олган қабиладардан бири эфталийлар бўлиб, Чин манбаларида булар Йеда (иеда, еда) деб номланган<sup>2</sup>.

Эфталийлар ҳақида Чин воқеанавислари аниқ маълумотга эга бўлмасалар керак. Бейши тарихида «Йедани (Эфталийларни — К.Ш.) бошқарган хонадон билан катта юечжилар бир қавмдан чиққан» деб ёзилган. Бу ахборотдан эфталийлар тарихини қайси даври ҳақида гап кетаётганлигини тушуниш қийин. Лекин воқеанависларнинг тасвиридан англаш мумкинки, бу ерда гап Тохаристонда, Кушонлар даврида ҳокимлик қилиб келаётган катта юечжилар (даюечжи) устида кетаяпти. Яъни Йедага (эфталийлар) ҳокимлик қилаётган ҳукмдор хонадон кушонларига подшолик қилган юечжилардан чиққан демоқчи Бейиш тарихини муаллифи. Яна шу ерни ўзида (Бейишида) «Бошқаларни айтишига қараганда Йеда Гогюй (уйғур — К. Ш.) қабиласининг бир тармоғи»<sup>3</sup> бўлган деб ёзилган. Бу ахборот ҳам тахминийдир. Аммо, бу ва яна бир қанча бошқа маълумотлар

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 264-бет.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 203, 217, 218, 219; 2-жилд, 251, 268, 270, 322-бетлар.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 288-бет.

мотларга асосланиб, эфталийларнинг илк тарихи хунларга (уйғурларнинг ҳам илк аجدодлари хунлар бўлган) бориб тақалса керак.

Мовароуннаҳрга келмасдан олдин эфталийлар Олтой тоғларидан жанубда, Хўтондан ғарбда<sup>1</sup> ва Бадахшоннинг тоғли районларида, балки Фарғонанинг айрим районларида яшаганлар<sup>2</sup>. Бейиши тарихида эфталийлар ҳақида гап кетганда «Йеда» (эфталит — К.Ш.) халқи юз мингга боради. Шаҳарлари йўқ, (улар) ўтовларда яшайдилар. Йозда салқин, қишда эса илиқ жойларни танлайдилар», «Уларнинг урф-одатлари, бир қанча томонлари билан туркларникига ўхшаб кетади». «Тили эса журжон, геоғуй (уйғур — К.Ш.) ва турк тилларидан батамом фарқ қилади», деб ёзилган<sup>3</sup>.

Эфталийларнинг этногенези ҳам ҳозиргача аниқланган эмас.

Айрим тадқиқотчилар эфталийларни туркий деса-лар<sup>4</sup>, бошқалари эса уларни эрон-форс тилли халқлар бўлган дейдилар<sup>5</sup>. Эфталийларни ғарбий хунлар, хионлар, кидарийлар, ҳатто кушонлар деб ҳам айтганлар<sup>6</sup>. Хитой йилномаларида ҳам эфталитлар (Йеда, Идан) ҳақида қарама-қарши фикрлар мавжуд: бир ерда йеда катта юечжилардан дейилса, иккинчи ерда улар гаигуй (уйғур) қабиласининг бир тармоғи дейилган<sup>7</sup>. Эфталий

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Эфталиты и их соседи в IV в. ВДИ. 1959. № 1. Эфталиты горцы или степняки, ВДИ, 1967, № 3; Гафуров В. Г. Кўрсатилган асар, 198—210; Литвинский Б. А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой истории Ферганы. ИКНСА. М., 1978. С. 56.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 268-бет.

<sup>4</sup> Бернштам А. Н. Некоторые данные к этногенезу туркмен. СЭ, 1951. № 4 С. 200. Ўша муаллиф. Очерки истории гунов. С. 185.

<sup>5</sup> Erup R. N. Soyili A. M. Turks in the Middli East before the Saljas, Journal of the Royal Asiatik Society vol. 63, London. 1943, № 3, pp. 204—207.

Chirshman R. Les chionites Heptolites lecorire 1948, pp. 115—220. Enoki K. On the nationality of Eptalites, «Memories of the peseoch department of the Toye Bunko, Tokyo, 1959. № 18. pp. 23. 34—40.

<sup>6</sup> Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР, С. 47. С. П. Толстовнинг (Қаранг: По следам древнехорезмской цивилизации М-Л. 1948, С. 213.) фикрича эфталийлар массагетлар билан хунларнинг аралашмасидан вужудга келган этник уюшма. Буларнинг аралашмиш жараёни Орол денгизининг шимоли-шарқий районларида юз берган. Демак, унинг фикрига қараганда эфталийлар Суғдиёна ва Тохаристон хуудларига Орол денгизининг шимоли-шарқий хуудларидан келган бўлиб чиқади.

<sup>7</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 322-бет.

атамасининг этимологияси ҳақида тадқиқотчилар аниқ бир фикр айта олмаганлар.<sup>1</sup>

Бейишда (550—577) келтирилган маълумотлардан эфталийларнинг кўчманчиликда ҳаёт кечиришлари ва баъзи анъаналари туркларникига жуда ўхшаш эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Лекин уларнинг тили ҳақидаги ахборотларда ноаниқликлар мавжуд. Япон олими К. Енои Ойбоб солномаларидаги эфталийлар ҳақидаги маълумотларни чуқур ўрганиб, «Хитой муаллифлари эфталийларни этник тарихини яхши билмаганлар; уларни бу масаладаги таъбирлари асоссиз» деган хулосага келган эди.<sup>2</sup>

Гарчи шундай экан баъзи тадқиқотчиларга эргашиб эфталийлар ғарбий эрон тилли халқ дейишга<sup>3</sup> ҳеч қандай асос йўқ. Эфталийларни этник тарихи (чиқиб келиши) туркий халқлар билан, буларнинг эса илк аجدодлари билан боғлиқ дейишга ўринли бўлса керак<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Эфталийлар V асрнинг иккинчи ярмида тарихчи Лазар Парбский томонидан «Хептал» тарзида тилга олинган. Кейинги сўз («хептал») массагетлардаги етакчи қабилаларининг биридан («хафт-эрон тилидаги етти сонини англатади) ном олган фикр юритилади. Византиялик Феофан (VI аср) «Эфталийларни Вохшивар номли подшоши бўлиб, уни эфталон деб атаганлар; у бошқарган қабилата ҳам, унинг номи билан эфталий деб аталган» деб ёзган эди. Византия патриархи Фотий ҳам эфталийлар номи уларга V асрда подшо бўлган киши номидан олинганлигини қайд қилган эди. Юқорида келтирилган барча фикр-мулоҳазалар ҳақида. Қаранг: Тревер К. В. Эфталиты и хиониты. 126, 127; Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. С. 47, 48. Генинг Р. Неведомые земли, Т. II. М. 1962, С. 75. Феофан ва Фотийнинг маълумотларига асосланиб эфталий этноси уларга ҳукмронлик қилган шахсдан ном олган десак ҳақиқатга яқин бўлса керак. Шу фикр Хитой воқеанависларининг ахборотларида ҳам қайд қилинган. Таншуда (618—907) айтилишича Тохаристон (Хит. даха) ҳукмронининг номи Йеда бўлган. Унинг авлодлари давлатни ҳукмроннинг оти билан Йеда деб атаганлар; Йеда эса Идан (Эфталий К. Ш.) бўлиб қолган. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 322-бет.

<sup>2</sup> Enokik. The origines of the white. Huns or Heptalites «East and west». VI. pp. 232—235. on the nationality of Eptalits — «Memories of the Research Department on the Toyo Bunko 1959. № 18. p. 1—14».

<sup>3</sup> А. М. Мендельштам. О некоторых вопросах сложения таджикской народности в Среднеазиатском междуречье. СА. 1954. С. 61.

<sup>4</sup> Баъзи тадқиқотчилар эфталийларни чиқиб келишини уйғурларнинг илк аجدодлари — Ху (хуа) қабилалари (ху-хуа-хойху — 9 қабиладан ташкил топган этник уюшма) билан боғлайдилар. Буларнинг қадимги жойлашган жойлари Жунгория бўлган. Эфталийларни чиқиб келишига оид бошқа фикр-мулоҳазалар ҳақида. Қаранг: — Ibrahim kotesoglu, Turk milli kulturu, 7 baski. 1991. S. 80—84.



Юнон тарихчиси Прокопий Кессарский (VI аср) эфталийлар ҳақида гапириб, уларни оқ хунлар деган эди. Лекин эфталитлар узоқ вақтлардан буён ўтроқ ҳаёт кечириб келганликлари учун уларни турмуш тарзи хунларникига ўшамасликларини таъкидлаб ўтган эди. Прокопий Кессарский эфталийларни хунлардан фарқи уларни (эфталийларни оқлиги, хунларга ўшаш «бадбашара» бўлмаслиги билан ҳам фарқ қилганлигини уқтириб ўтган)<sup>1</sup>.

Прокопий Кессарскийнинг бу ахборотларини келтириб баъзи олимлар эфталийларни хунлар эмас, мутлақ бошқа яъни, оқ танли қиёфада бўлганлиги тўғри, лекин ўтроқ ҳаёт кечираётган эроний тил туркумидаги халқ бўлган деб ўқувчига тушунтирмоқчи бўладилар<sup>2</sup>. Бу хил фикр тарафдорлари, юқорида Хитой (манбаларидан) келтирилган маълумотларда, эфталийлар Мовароуннаҳрга келгунга қадар, кўчманчи чорвадорлар бўлганлиги ва уларнинг урф-одатлари туркийларникига ўшаш дейилган матндан балки беҳабар бўлгандирлар? Уларни, туркларни аجدодларини — хунларни бадбашара дейишларига ҳам ҳеч қандай асос йўқ.

Хунлар таркибидаги халқлар тиллари ва ташқи қиёфалари билан бир хилда бўлмаганлар, албатта. Хун этник уюшмасида европоид, монголоид ирқий типдаги қабилалар, турк, мўнғул, манжур ва бошқа тилли халқлар бўлганлиги тарихдан аён. Туркий халқларда малла соч, кўк кўз кишилар ҳам оз бўлмаган<sup>3</sup>. Сўзсиз хунларни ва туркларни барчасини бир қолипга солиб «бадбашарага» чиқариш ўринсиз албатта.

Юқорида келтирилган ва бошқа тарихий маълумотларни чуқур таҳлил қилиб, эфталийларнинг этник тарихини хунлар билан ва уларнинг таркибида бўлган туркийзабон халқлар билан бевосита боғлиқ бўлган деган хулосага келдик. Бу фикримизга аниқлик киритувчи яна бир мисолга тўхтаб ўтмоқчимиз. Суриялик За-

---

<sup>1</sup> Прокопий Кессарский. История войны римлян с персами в двух частях (книгах). Перевод с греческого Дестуниса С. Византийские историки. Прокопий Кессарский, I. 1876. С. 15—18.

<sup>2</sup> Мандельштам А. М. Кўрсатилган асар. 61—62-66.; Гафуров Б. Г. Таджики. 205-бет.

<sup>3</sup> Милодий 576 йили Турк хоқонининг қароргоҳига келган Византия элчиси, туркларни сариқ, малла соч кишилар эканлигини ахборотида баён этади. (Қаранг: Петров К. Н. Расшифровка некоторых этнотерминов из истории Менаандра Протектора Византийца. В кн.: — Туркология 88. Фрунзе. 1988. С. 5177).

хария Ратгонинг (VI аср) йилномасида Шимолий Кавказда яшовчи 13 та хун (гун) қабилаларининг ичида абдал, эфталий атамалари учрайди<sup>1</sup>. Сўзсиз абдал ва эфтал бир халқнинг номи. Эфталийлар ва юқорида эслатилган кермахионлар (қизил хионлар)нинг таркибида бўлиб, аввал Орол ва Каспий денгизнинг шимолидаги минтақаларда ва кейинчалик шимолий Кавказга бориб ўрнашганлар. Шу ерларда қолиб кетган ва маҳаллий халқларга аралашган эфталийлар ва хионлар кейинчалик Лазар давлатининг таркибига кирган. Қадимги ватанларида (Шарқий Туркистонда, Тангритоғ тоғларининг шимоли-шарқида) қолган эфталийлар Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб ўрнашганлар. Яна бир далил абдал (эфталий) атамаси XIX—XX аср бошларида туркий халқларнинг кўпчилигининг (ўзбек, қozoқ, туркман, бошқирд ва бошқалар) этник таркибида учрайди. Келтирилган далилларга асосланиб, яна бир мартаба таъкидлаб айтмоқчиманки, эфталий ва хионий этнослари хунлардан ва уларнинг туркийзабон гуруҳларидан бўлган. Хионий ва эфталий қабилалари бир-бирларига яқин, қардош халқлар бўлиши керак. Шунинг учун ҳам тарихий манбаларда уларни бир-бирлари билан чалкаштирадilar.

Эфталийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига қачон келиб ўрнашганлиги номаълум. Чин солномаларида эфталийларни (Йеда, Мда) Тохаристонда IV аср охири — V аср ўрталарида бўлганлиги тилга олинади<sup>2</sup>. Лекин улар олдинроқ келган бўлиши керак<sup>3</sup>. Чунки V—VI асрларга оид манбаларда, масалан Прокопий Кесарскийнинг ахборотида, эфталийлар шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ аҳоли бўлганлигини қайд қил-

---

<sup>1</sup> Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. Хроника Захария Ратто. М. Л. 1941. С. 145. Фёдоров А. Я., Фёдоров Г. С. Ранние тюрки на Северном Кавказе (Историко-этнографический очерк). М. 1978. С. 55.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 217-бет.

<sup>3</sup> Милоддан олдинги VII асрларда Хитойнинг ғарбий районларидан Хун қабила иттифоқи таркибидаги компонентлардан бири — бади (байди) этноси Помир тоғларига келиб ўрнашган. Байди оқ ди (оқ халқ дегани. Қаранг: Л. Н. Гумилев, Ритмы Евразии. М. 1993, С. 366—374) Балки «оқ хун» этноними Байди этносининг номи билан боғлиқдир. Бу қабила маҳаллий Помир аҳолиси билан аралашиб, кейинчалик Йеда-эфталий номини олган дейди Л. Н. Гумилев (Уша асар, 374 б.) Агар олимнинг айтганлари ҳақиқатга яқин бўлса, унда эфталийларнинг илк ажлодлари Тохаристон ҳудудларига жуда қадим даврлардан келиб қолган хун қабилаларидан бўлади.

ган. Сўзсиз шу даврларда эфталийларнинг катта қисми ўтроқлашган. Аммо уларнинг жанговор гуруҳлари кўчманчи ёки ярим кўчманчиликда яшаган бўлишлари керак. Араб манбаларида эфталийлар хайтал номи билан тилга олинган. Муқаддиси, Ёқут ва Мас'уди<sup>1</sup> ахборотларида Мовароуннаҳр аҳолисининг талайгина қисми хайталлар (эфталий) бўлганлигини қайд қиладилар. V—VI аср ўрталаригача Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ҳам эфталийлар ҳукмронлигида бўлган. Булар Сўғдиёни, Шошни, Фарғонани ва Шарқий Туркистонни эгаллаганлар. Эфталийлар, Эрон Сосонийлари билан урушиб, V аср охирларида Хуросонда ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар. Ўрта Осиёда йирик Эфталийлар империяси вужудга келди. Аммо бу империянинг ҳукмронлиги абадий эмас эди. Ўрта Осиёда янги империя — Турк хоқонлиги ташкил топади.

Маълумки, турк атамаси милодий 445 йилдан бошлаб манбаларда тилга олинади. 555 йили турклар эфталийларга қаттиқ зарба етказиб Мовароуннаҳрни эгаллаб, Амударё соҳилларига чиқадилар. Шу давр воқеаларини назарда тутиб, Феофилакт Симокатга ёзган эди: «Абдаллар (эфталийлар — демоқчи — К. Ш.)<sup>2</sup> қабила бошлигини мағлубиятга учратиб, бу хоқон (турк хоқони — К. Ш.) уларнинг устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади»<sup>3</sup>. Мағлубиятга учраган эфталийларнинг маълум қисми Афғонистоннинг баъзи вилоятларини ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий минтақаларини эгаллайдилар. Уларнинг Мовароуннаҳрда қолган қисмининг айрим гуруҳлари (асосан кўчманчи чорвадорлар) че-

---

<sup>1</sup> Description impere mosltvice schan sad-din Abu Abdullah Mahammad ibn Ahmed abi Bereral-Banna al-Basshari al-Mokaddasi. Ed. M. T. ge Goeji, Lugduni Barvorum 1906 (BGA III), С. 260—261. Vacut, I geographisches worter buch dusden Handschribften Zu Berlin, st Ketersburg. Paris. London and oxbora hrsg von F. Wustefeld Bd. IV. 1869. С. 999. Mocoudi les de provries da Texte et Traduction par. C. Barbier Meynard et powet de Courteilti T. I. 1861. S. 195ю

<sup>2</sup> Эфталий этноси манбаларида ҳар хил ном билан аталган. Масалан Византия ва Сурия манбаларида улар абдал, эптал, эфталий, ҳатто «оқ хунлар» деб аталган: арман тарихий асарларида хэптал, идал, арабларда — Йефтал, айрим манбаларда эса «Хион», «унн» («Хунна», «Хон») деб аталган. Қаранг: Тревер К. В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам (К истории народов Средней Азии) — Сб.: Советская Археология. Т. XXI. М-Л.

<sup>3</sup> Феофилакт Симокатта. История, Перевод Кондратьева. М. 1957, С. 7, 8.

киниб, Қизилқум чўлларига ва Сирдарё соҳилларига бориб яшайдилар. Мовароуннаҳр воҳаларида қолган гуруҳлари батамом ўтроқлашиб, туб ерли аҳоли билан аралашиб, уларга сингиб кетган.

Юқорида хионийлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий минтақаларини эгаллагани ҳақида гапирилган эди. Шу вилоятларни эфталийлар ҳам эгаллаганлиги тарихий асарларда қайд қилинади. Демак, бу ҳар иккала халқ Ҳинд водийсига деярли бир вақтда келган. Аниқроғи булар қардош этнослар бўлган ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий вилоятларига эфталийлар саркардаси бошлаб келган.

Биринчи даврда (V аср ўрталарида) булар Гандхарни ва V аср охири VI аср бошларида Панжоб, Синд, Раджастонни ҳамда Ганга ва Жамна дарё оралиғидаги ҳудудларни эгаллайдилар. Эфталий ҳукмдорлари, жумладан Михирокула туб ерли аҳолига нисбатан қаттиққўл бўлганлиги Ҳинд раджаларини безовтага солган ва натижада улар бирлашиб қарши ҳужумга ўтиб, бир қанча вилоятларни эфталий-хионийлардан қайтариб олишга муяссар бўладилар<sup>1</sup>. Хионий ва эфталийлар Ҳинд раджаларига тобе бўладилар ва улар шу вилоятларда қолиб, ерли аҳолига аралашиб кетадилар.

Хионий ва эфталийлар таркибида бир қанча қабилалар ҳам мавжуд бўлган. Булар Инд дарё водийсига кўчиб келиб, бу ерларда яшовчи туб ерли аҳолининг этник қиёфасини бирмунча ўзгартиради. Бунга ўша даврларда вужудга келган ва бизгача етиб келган бир қанча географик номлар мисол бўла олади. Масалан, VII асрда Панжобнинг ғарбий қисмида «Хуна-даша», яъни «Хун диёри» деган географик ном ташкил топган. Хун — бу ерда хионий — эфталийлар таркибидаги (қадимги хун этник номи билан аталган қабила ёки унинг бир гуруҳи) бўлиши ёки хионий-эфталийларнинг умумий номи бўлиши мумкин. Бу этнос келиб жойлашган ва кейинчалик ўтроқлашиб қолган жой «Хун диёри» деб аталган<sup>2</sup>. X аср охирларида Каноулжонинг шимолидаги тоғ олди районларидан бири хайтал номи билан маълум бўлган<sup>3</sup>. Бу географик жой

<sup>1</sup> Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г. История Индии. М. 1973. с. 158.

<sup>2</sup> Sicar C. D. Studen in the geography of ancient and medeval India Dehli 1960. pp. 27—101.

<sup>3</sup> «Худуд ал-олам». Рукопись Туманского, с введением и указателем В. В. Бартольда. Л. 1930. С. 101.

сўзсиз эфталийлар (арабча хайтал) номи билан боғлиқ. Эфталийлар билан бирга Ҳиндистонга гуржар қабиласи келиб жойлашган. Буларнинг яшаган вилоятлардан бири Гужарат номини олган. Эфталийлар ва гужарлар ерли аҳоли билан аралашиб кетиши натижасида ражапут номи билан аталган янги этник уюшма вужудга келган бўлиши керак<sup>1</sup>.

Хионий, эфталий қабилаларидан айримлари Афғонистоннинг жануби-ғарбий ноҳияларига ва Эрон ҳудудларига ҳам бориб жойлашган бўлган. Қадимги хунларни манбаларда хуон атамаси учрайди. Прокопий буларни эфталийлар дейди. Ҳирот ҳудудида яшаб кейинчалик Эроннинг ғарбий ноҳияларидан бирига бориб жойлашган ва бу жой Кадисия деб ном олган. Хионий ва эфталийлар билан келган қабилалардан Забул бўлиб, улар яшаган жой ҳам Забул (Забулистон) деб аталган<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган барча далилларни таҳлил қилиб хионий-эфталийларнинг этногенези (чиқиб келиши) қадимги хун дунёси билан, шахсан унинг таркибидаги туркийзабон элатлар билан боғлиқ эканлигини яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Эфталийлар даврида (IV—VI аср ўрталари) Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларида Жанубий Сибирдан, Еттисувдан, Шарқий Туркистондан айрим қабилалар ёки уларнинг айрим қисмлари вақти-вақти билан кўчиб келиб ўрнашаверганлар. Бу жараёнга хионийлар ва эфталийлар томонидан ҳеч қандай тўсқинлик бўлмаган. Туркийзабон халқлар бу ерларда қадимдан яшаб келган форс-эрон тилли халқлар билан ёнма-ён яшаб келганлар. Мовароуннаҳр ва унга яқин вилоятларда яшовчи тожик халқининг аجدодлари ва ўзбек халқининг аجدодлари доимо иттифоқ бўлиб, ўзаро иқтисодий, маданий ва маънавий алоқада бўлиб яшаганлар.

Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларида яшовчи туркийзабон аҳолининг сони кўчиб келаётган ва аста-секин ўтроқлашиб бораётган қабилалар билан тобора кўпайиб боради ва Турк хоқонлиги даврларида (VI—VIII) бу ерларда турк аҳоли яшайдиган айрим этноҳудудлар вужудга келади: Тошкент воҳаси, Зарафшоннинг қуйи оқимлари, Қашқадарё воҳаси, Хоразм ва

<sup>1</sup> Антонова К. А. ва бошқалар. История Индии. С. 158.

<sup>2</sup> Ibrahim Kofesoglu, Turk milli kulturu. 7 basri... S. 82.

Сурхон-Шеробод воҳалари ва бошқ. Бу ерларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз беради. Улар илк ўрта аср босқичига ўтиб, моддий ва маънавий маданиятлари яна ҳам тараққий этиб боради; янги этник ва сиёсий уюшмалар вужудга келади.

Туркий халқларининг, жумладан ўзбек халқининг этник тарихи Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихи билан бевосита боғлиқ. Бу кенгликда бир қанча сиёсий тузумлар вужудга келган: турк ва туркеш хоқонлиги (VI—VIII). Араб халифалигининг ҳукмронлиги (VII аср ўрталари — IX аср), Ўғуз (VIII—X), Қарлуқ (IX—X), Сомонийлар (IX—X) давлати ва бошқалар юз берган сиёсий ўзгаришлар Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида яшовчи аҳолининг этник таркибида, иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам катта ўзгаришлар киритган.

Эфталийлар давридаёқ Ўрта Осиёда феодал тузум вужудга келган эди. Жамоа муносабатлари емирилиши билан ўрнига йирик ер эгалари — деҳқонлар вужудга келади. Эндиликда ер ва барча мулк жамоага эмас, мулкдорларнинг ворисларига авлоддан-авлодга мерос қоладиган бўлади. Эрон ҳудудида V—VI асрларда мавжуд бўлган маздакийлар ҳаракати ва мафкураси Мовароуннаҳр ва Хоразмга кенг тарқалган. Маздакийлар ҳаракатига жалб этилган (шахсан Бухорода) жамоа ерларида яшаган аҳоли (кадиварлар)<sup>1</sup> исён кўтариб йирик ер эгаларини ҳовли-жойларига ҳужум қилиб, вайрон қилганлар ва ерларни тортиб олганлар. Ўзларини (йирик ер эгаларини) эса қувғин қила бошлаганлар. VI асрнинг 80 йилларида Бухорода халқ ҳаракати авжига чиқади. Бухоро воҳасида рўй берган халқ кўзғолонидан турк хоқонлигининг хонадонидан бўлмиш Абохон (Абруй)<sup>2</sup> усталик билан (тўғрироғи айёрлик билан) фойдаланади.

Абруй исёнчиларнинг ёрдами билан 585 йили Пойкент шаҳрини эгаллаб ўз ҳокимиятини ўрнатишга муяссар бўлади. Ҳокимиятни қўлга олгандан кейин у вилоятни қаттиққўллик билан идора қилишга киришади.

<sup>1</sup> История УзССР. Т. I Ташкент. 1967. С. 157.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 35—39; 3-жилд, 223-бет. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршахий — Бухоро тарихи; Тошкент, 1966 й., 15, 16-бетлар. Наршахий тилга олган Абруй турк хони Моохонинг ўғли бўлган. Отасининг ўлиmidан кейин бошқа подшонодалар қатори, отасини тахтига даъвогарлик қилган. Тахт учун олиб борган кураши муваффақиятсиз бўлганидан кейин, ўзига садоқатли кишилари билан қочиб Бухоро воҳасига келиб қолган эди.

Абруйнинг золимона хатти-ҳаракатига чидай олмаган деҳқонлар ва савдогарлар воҳани ташлаб, Туркистон ҳудудига бориб яшаганлар. Булар асосан Тароз шаҳри яқинида жойлашиб, кейинчалик шу ерда Хамукент шаҳрини бино этадилар<sup>1</sup>.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида келтирилган маълумотлардан фараз қилиб айтиш мумкинки, Бухоро воҳасига туркийзабон халқлар Абруйдан ҳам анча олдинроқ келиб жойлашган. Бу тарихий китобда муаллиф Бухорони таърифлаб ёзган эди: «Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (илгари ботқоқлик бўлиб), унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзор жойлар ташкил этган, айрим жойлар шундай бўлганки ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган». Бухоро ўрнашган Сўғд (Зарафшон) дарё сувининг лойқаларидан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди. Унга «ҳар томондан одамлар йиғилиб келиб, у жой обод бўлади.

---

<sup>1</sup> Наршахий. Кўрсатилган асар. 15—16-бетлар. Бухорода қолган деҳқонлар Ҳамукатга элчиларини юбориб, улардан Абруйни зулмидан қутқаришни, аҳолини ҳимоя қилишни илтимос қилганлар. Ҳамукат деҳқонлари ўз навбатида турк хоқони Қоражурунга (у яна Биягу Дудухон деб ҳам номланган) мурожаат қиладилар. Қоражурун Абруйга қарши ўғли Янгсоух тегинни (Наршахийда — Шери Кишивор) бошчилигида катта кўшин юборади. 587 йили Бухоро яқинида шиддатли жанг бўлиб Абруй қўлга туширилади ва қатл этилади. Пойтахт ҳокимлигига Шери Кишивор ўз ўғли Нили хонни (Пармуд деб ҳам номланган) қолдиради. Бир йил ўтмасдан Нили хон Сосонийлар саркардаси Баҳром Чур томонидан ўлдирилади. Унинг ўлимидан кейин бир неча вақтларгача Бойкентда унинг укаси Боси тегин (Хитойча Поши) ҳокимлик қилган.

Замарх бошлиқ Византия элчилари 568 й. Тангритоғнинг шимолида турк хоқони Сидзабулнинг (Истем Хақонининг отаси Сидзабул — унинг лақаби бўлса керак) Тароз шаҳри яқинида сўғдийлар яшайдиган жойдан ўтиб борганлар. Бу ахборотдан сўздейлар бу ерга (Тарозга) турк хоқонлигидан (VI аср ўрталари) ва бухороликларнинг кўзғолонидан (VI асрнинг 80 йиллари) анча олдин келиб ўрнашган бўлишлари керак деган фикр туғилади. Қаранг. Петров К. И. Расшифровка некоторых этнотерминов из «Истории Менандра Протектора — Византийца». Тюркология — 88. Фрунзе, 1988. С. 516—517.

Сўғдийлар бино қилган Хамукет (Жамукат) шаҳри археологлар томонидан очилган Кос-Тобе харобаси билан тенглаштирилади. Бу шаҳар харобалари ҳозирги Жамбул (қадимги Тароз) шаҳрининг шимоли-шарқида, ундан 12 км масофада жойлашган. Кос-Тобе харобасидан олинган археологик материаллар сўғд ва туркий халқларга тааллуқли эканлиги аниқланади. Бунга асосланиб ўша даврларда (илк ўрта асрнинг биринчи ярмида) икки халқнинг маданиятининг бирлашиб кетганлигидан далолат беради. Қаранг: Байпаков К. М. Согдийцы в Таласской долине (По археологическим материалам). В кн.: Тюркология — 88, Фрунзе. 1988. С. 568—569.

Одамлар Туркистон томондан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган (жониворлар) кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашадилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар. Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб амир қилдилар; унинг номи Абруй эди»<sup>1</sup>.

Наршахийнинг таърифларидан Бухоро заминига турк халқларининг қачон келиб ўрнашганлигини тушунтириш қийин. Археологик топилмалар Бухоро қарийб 2,5 минг йиллик тарихга эга эканлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Агар Наршахийнинг берган маълумотларига ишониб, Бухоро воҳасига туркийзабон халқлар шаҳар пайдо бўлганда келиб ўрнашган десак муболаға бўлади албатта. Фақат тахмин қилиб, туркий халқлар Мовароуннаҳрга милоддан олдинги милодий II—V асрлар давомида хун ва хионитлар ва эфталитлар билан бир вақтда келган десак эҳтимолдан ҳоли бўлмас. V—VI асрлар давомида буларнинг сони Ўрта Осиёнинг Марказий минтақаларидан бирмунча кўпаяди.

Маълумки VI аср ўрталарида Олтой, Жанубий Сибирь, Еттисув ва Шарқий Туркистонда жойлашган бир қанча туркий қабилалар бирлашиши натижасида Турк ҳоқонлиги ташкил топади. Тез вақт ичида ҳоқонлик кучайиб Марказий Осиёнинг катта қисмини эгаллайди. Туркийларнинг бир неча маротаба қилган ҳарбий юришларидан 571 йилги юришлари даврида Мовароуннаҳрни эгаллаб Буюк Ипак йўлини ўз назоратлари остига оладилар. Эрон билан Турк ҳоқонлиги чегараси Амударё бўлиб қолади. VI асрнинг 80 йилларида Эрон Сосонийлари билан бўлган жанглардан кейин турклар Амударёнинг чап соҳилидаги бир неча вилоятларни ҳам эгаллашга мувофиқ бўладилар. Турк ҳоқонлари Волга ва Қора денгиз бўйларига юриш қилиб 576 йили Боспорни (Керч), 581 йили эса Херсонни қўлга киритадилар.

Турк ҳоқонлигида ички низолар кучайиб 588 йили икки мустақил давлатга Шарқий ва Ғарбий ҳоқонликка ажралиб кетади. Шарқий ҳоқонлик Мўғулистонда, Ғарбий ҳоқонлик эса Еттисувда ташкил топади. Шарқий ҳоқонликда дулу, нушиби, туркеш,

<sup>1</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Наршахий. «Бухоро тарихи», 15—16-бетлар.

<sup>2</sup> Муҳаммаджонов А. «Қадимги Бухоро». Тошкент, 1991, 43-бет.



қарлуқ ва бошқа қабилалар бўлган. Бу қабилаларнинг айрим гуруҳлари хоқонликлар даврида Мовароуннаҳр ва унга туташган вилоятларга келиб жойлашаверганлар.

Фарғона водийсида туркийзабон қабилалар кушонлар давридаёқ келиб ўрнашганлиги юқорида қайд қилинган эди. VI—VIII асрларда бу воҳада уларнинг сони кўпаяди. Шу асрларда Фарғона воҳасига келиб ўрнашган туркий қабилаларнинг кўпчилигини қарлуқлар ташкил қилган. Айни шу даврларда қарлуқлар Шарқий Туркистоннинг шимолий ва ғарбий (Турфан, Куча, Қашгар, Ёркент ва Хўтан) вилоятларида ҳам яшар эдилар<sup>1</sup>.

Қарлуқлар Шарқий Туркистонда ва Норин дарёсининг юқори оқимларида мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин VIII аср ўрталарида Фарғона водийсининг шарқий районларини, Қорадарё билан Норин дарёларининг туташган жойларигача бўлган ҳудудини эгаллайдилар. Уларнинг айрим гуруҳлари Фарғонани марказий қисмига келиб ҳам жойлашганлар<sup>2</sup>.

Қарлуқларнинг Фарғона водийсининг аксари районларига кириб келиши арабларни безовта қилган эди. Араб қўшинлари қарлуқлар билан уруш қилиб, уларни водийнинг марказидан сиқиб чиқарадилар. Аммо қарлуқлар Фарғонани батамом ташлаб кетмайдилар, улар Қашқадарё ва Норин дарёси оралиғидаги ерларни сақлаб қоладилар. VI—VIII асрларда қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Тошкент воҳасининг тоғли ва тоғ олди районларида ҳам яшар эдилар<sup>3</sup>.

VI—VIII асрларда Тохаристонда ҳам туркий қабилалар яшаган. Туркийларнинг олдин келган гуруҳларининг кўпчилиги ўтроқлашиб кетган бўлса ҳамки, уларнинг айрим гуруҳлари кейин келган қабилалар билан

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 294—347-бетлар.

<sup>2</sup> Фарғона водийси қарлуқлар ва араблар келмасдан олдин, Ғарбий турк хоқонлигига қарашли бўлган.

<sup>3</sup> Хитой солномаларидан маълум бўлишича қарлуқлар (VIII асрнинг биринчи чорақларида) Синчен номли районни эгаллайдилар. Бу жой «Шининг (Тошкентнинг) шимоли-шарқида жойлашган», ундан юз ли масофада бўлган. (Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, I, II, 329-6.) Ши — бу Тошкент ва Тошкент воҳаси хитойларда бир ли 579 м тенг бўлган. Бундан тахмин қилиб айтиш мумкинки, Синчен райони Қурама тоғларининг шарқида, Чотқол тоғларининг жануби-ғарбида жойлашган бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, хитой солномаларида кичик Ши (Нахшеб) шаҳри ҳам Синчен ёки Нушигёе номи билан аталган.

бирга кўчманчи ва ярим кўчманчиликда кун кечириб келар эдилар.

VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Тохаристон турк хоқонлигининг тасарруфида эди<sup>1</sup>. Шу даврда бу заминга Етгисувдан ва Шарқий Туркистондан бир неча туркийзабон қабилалар кўчиб келадилар. Келган этник гуруҳлар ичида қарлуқ, халач, чигил қабилалари (уларнинг қисмлари) кўпчиликни ташкил қилган. Тохаристонда қарлуқ ябғулари ҳукмронлик қила бошлаганлар.

Хитойлик сайёҳ Сюань-Цзяннинг (639—645) маълумотларида Тохаристон ҳудудида 27 вилоят мавжуд бўлиб, булар турклар томонидан идора қилинган. Шу вилоятлардан бири Хи (Балх) аталган. Турк хонининг қароргоҳи ҳам мазкур қўрғонда жойлашган эди<sup>2</sup>. Сюань Цзян яна Шуман<sup>3</sup> Ахорун вилоят номларини тилга олиб, уларнинг (ҳокимлари) подшолари ҳам турклардан бўлганлигини қайд қилади. Тан-Шуда ва хитойли сайёҳлардан яна бири Хой-Чао ахборотларида кумед, Вахон ва Хутталон (Тохаристон вилоятлари) подшолари туркийлардан эканлигини қайд қилади<sup>4</sup>. Хой-Чао маълумотларидан аниқ бўлишича туркийлар ва Гандхаржа (тахминан Пешаворга тўғри келади) Гибин (Кашмир) ва Кипасада (Афғонистоннинг шимоли-шарқида) туркийлар ҳукмронлик қилганлар.

Гибинда туркий сулолага асос солган киши қарлуқ қабиласидан (номини аниқлаш қийин) бўлган. Бу шахс 719 йили Гандхара ва Гибинни бирлаштириб подшоллик қилган. Тан-Шунинг маълумотларидан Тохаристоннинг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган сйеи ёки Цаогюйча деган жойда ҳам турклар ва тохарлар яшаганлар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Chavannes E. Documents sur les Toukue (turks) occidentaux C6 TOЭ. СПбю 1903. С. 24.

<sup>2</sup> Боровкова Л. А. Граница западно-тюркских владений в Средней Азии по Сюань Цзану. Вопросы советской тюркологии. Тезисы докладов и сообщений. Ашхабад. 1985. С. 345; VIII асрларда Тохаристон шу ерларда яшовчи қарлуқлар бошлиғи — ябғулар томонидан бошқарилган. Қаранг: К. Ш. Шаниязов. Узбеки-қарлуки. С. 29. Ябғулар қароргоҳи Балх шаҳрида бўлган. Юань-Цзянь тилга олган 27 вилоятнинг кўпчилигини бошқарган ҳокимлар қарлуқ туркийларидан тайинланган ябғу ўз навбатида турк хоқонлигига тобе ёки ярим тобеликда бўлган бўлиши керак.

<sup>3</sup> Шуман — Ҳисор водийсининг Марказий ва Шарқий қисми. Кўрсатилган асар. 131-бет.

<sup>4</sup> Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описаниях Хой-Чао (726 г.) ВДИ. 1952, № 2 С. 167—195.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 322—323-бетлар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан аниқланишича Тохаристонга VI асрда келиб қолган қарлуқлар VI—VII асрлар давомида ўз мавқеларини мустақамлаб олган эдилар. Тохаристонда сиёсий ҳаёт қарлуқ бошлиқларининг ябғуларнинг қўлида қолади. Ябғу мансаби авлоддан-авлодга мерос қолдирилади. Тохаристон ябғулари ҳокимияти ҳозирги Афғонистоннинг ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий минтақаларига ҳам ўрна-тилади. Хой Чаонинг ахборотидан маълумки, қарлуқ ябғуларининг итоатида бўлган вилоятларнинг бошлиқ-лари, ҳукмрон хонадондан тайинланиб, уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Ҳокимият қарлуқлар қўлида бўлгани билан кўпчилик районлар, айрим вилоятлар ўша жойдан чиққан бўлиб ва вилоят ҳокимла-ри томонидан идора қилинган; булар қарлуқ ябғулари-га бож тўлаб турганлар.

Тохаристон ва Афғонистоннинг худудида қарлуқлар сон жиҳатидан туб аҳолига нисбатан кўп бўлмаганлар албатта. Вақт ўтиши билан улар ерли аҳоли билан ара-лашадилар. Лекин қарлуқларнинг кўчманчи чорвадор қисми узоқ вақтларгача ҳатто бизнинг давримизгача ҳам ўз этник номларини (қарлуқ, чигил) сақлаб қол-ганлар.

Араблар келгунга қадар туркийзабон этнослари-нинг айрим гуруҳлари Эроннинг шимоли-шарқий худудида — Хуросонда ҳам яшар эдилар. Табари<sup>1</sup> Де-ҳистон ва Куҳистон аҳолиси турклар деб ёзган эди<sup>2</sup>. Турклар Бадгис вилоятида ҳам жойлашган бўлган-лар; булар араб босқинчиларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Араблар ва турклар ўртасидаги қонли тўқнашувлар шахсан араб саркардаси (Хуросон ҳоки-ми) Йезид б. ал-Мухаллиб билан бўлган эди. Турк қавмларидан бири Деҳистонда<sup>3</sup> 716 йили араблар қат-тиқ жанг қиладилар.

Араблар Деҳистон истеҳкомининг ҳамма томони-дан ўраб, қамал қиладилар<sup>4</sup>. Ҳимоячилар озиқ-овқат ва сув етишмаслигидан ҳолдан тойиб қоладилар. Олти

---

<sup>1</sup> История ат-Табари, 1987. С. 17, 29, 41, 164, 165, 170.

<sup>2</sup> Куҳистон — Нишопурнинг жанубидаги вилоят номи. Бадгис-Ҳирот билан Серахс ўрталаридаги вилоят.

<sup>3</sup> История ат-Табари. С. 164.

<sup>4</sup> Деҳистонни қамал қилинганда Йезид бошлиқ араб қў-шинлари 100 минг жангчидан иборат бўлган. История ат-Табари. С. 164.

ойлик қамалдан кейин турклар саркарда Сул<sup>1</sup> Йезид олдиға элчилар юбориб, ўзига, оиласига ва мол-мулкига тегмаслик шарти билан омонлик сўраб аҳд тузишни илтимос қилади. Йезид уни илтимосини қабул қилиб аҳд тузади ва шундан кейин араблар қўрғон ичига кирадилар. Қўрғон талон-тарож қилинади, аҳолиси асир олинади, жумладан 14 минг киши қилич дамидан ўтказилади<sup>2</sup>. Шундай қилиб, Сул ўзини, оиласини қутқариб, бунинг бадалига шаҳарни арабларга таловга, уруғдошларини ўлимга ёки асирликка мубтало қилади.

716 йили Журжонда араблар туркларга иккинчи маротаба талофат етказдилар. Йезид томонидан Журжон ҳоким қилиниб қолдирган киши ўз ўрнида бўлмаганлигидан фойдаланиб, Сул шаҳрини ишғол қилади. Йезид катта қўшинини бошлаб туркларга қарши ҳарбий юриш қилади. Турклар бу гал ҳам ҳалокатга учрайдилар. Араблар ғалаба қозониб, турк жангчиларини ва шаҳар аҳолисини шафқатсиз қира бошлайдилар «у (Йезид — К. Ш.) болаларни асирга олади, жангчиларни чопиб ташлайди ва уларни (кўпларини) йўлни икки томонида қурилган икки фарсанг масофадаги дорларга осадилар» деб ёзган эди Табари. Булардан ташқари араблар яна асрлардан 12 минг кишини ўлдириб, жасадларини Журжон сувига ташлайдилар. Бу жангда жами бўлиб, 40 минг киши нобуд бўлган<sup>3</sup>. Шундай қилиб араблар қилич зарби билан туркларни ва барча Хуросон аҳолисини тобе этиб, шафқатсизлик билан уларни меҳнатларидан фойдаланганлар. Турк асирларини қулга айлантириб, уларни қони ҳисобига бойлик орттирганлар. Шу ўринда уқтириб ўтиш жоизки, Табари ўша даврнинг сиёсий ҳаёти билан бир вақтда Хуросон заминидан яшовчи туркийзабон гуруҳлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради. Бу турк халқларининг этник

---

<sup>1</sup> Табари уни Сул-турк деб ҳам номлади. Шу вақтларда Сул Деҳистон ва Журжон ҳокими бўлган: у ўз даврининг йирик ер эгаларидан (феодалларидан) эди. Табари уни деҳқон дейди. Маълумки Бухорода VI—VII асрларда деҳқон деб йирик ер эгаларига айтилади. Шу асрларда В. В. Бартольд (Қаранг: Очерки истории Туркменского народа. Соч. II, Ч. I, М., 1963, С. 572)нинг фикрича турк саркардаларини ҳам деҳқонлар деб улуғлаганлар. Сул оиласи билан, Деҳистондан 5 фарсанг масофада, Каспий денгизидеги Бухайра оролида яшар эдилар. Қаранг: История ат-Табари. С. 167.

<sup>2</sup> История ат-Табари. С. 165.

<sup>3</sup> История ат-Табари. С. 170.

тарихи учун ниҳоят катта тарихий аҳамиятга эга. Чунки Табарининг маълумотлари баъзи тадқиқотчиларни, у тилга олган турклар эронзабон эфталийлар бўлган деган фикрни рад этишга асос бўлади.

Турк хоқонлиги даврида Зарафшон водийсида ва Қашқадарё воҳасида туркийзабон аҳоли сон жиҳатдан тобора кўпаяди. Буларнинг кўпчилиги Етгисувдан ва Сирдарё бўйларидан келиб ўрнашган эдилар.

Зарафшон воҳасидаги вилоятлар, турк хоқонлиги даврида ҳам асосан шу ердаги ҳокимлар томонидан идора қилинган. Булар айрим масалаларда ўз мустақилликларини сақлаб қолган ўрта Зарафшонда мавжуд бўлган йирик сиёсий уюшма — Кан давлат бирлигини ташкил этган эдилар. Кан ҳокимлари ўз навбатида турк хоқонлигига итоатда бўлиб, то араблар келгунга қадар, жамоа ҳаёти туркларнинг қонун-қоидаларига асосланиб идора қилинганлар<sup>1</sup>.

Сўғдиёнада ўз мавқеларини сақлаб туришни кўзлаб, турклар шу ерли ҳокимларга ўз қизларини хотинликка берганлар. Масалан, Фарбий турк хоқони Қора Чуриун Турк (VI аср охири — VII аср бошлари) қизини Кан ҳокимига берган эди<sup>2</sup>. Бу анъаналар бир қанча вақтларгача араблар даврида ҳам (VII—VIII асрлар) сақланиб қолган.

Сўғдиёна ва Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларида ҳокимлар ўша даврларда турк хоқонлари билан қариндошлашиб қиз олиб-қиз бериб турганлар. Шу йўл билан улар орасидаги дўстона муносабатлар сақланиб келинган. Шу даврдаёқ сўғд зодагонлари орасида туркий номлар ва унвонлар пайдо бўла бошлайди. Масалан, Самарқанд ихшида (ҳокими) тархун унвонига мансуб бўлган; бу унвон туркларнинг «тан хон» унвонига бевосита алоқадор<sup>3</sup> вон Бадгис ҳокимида (араблар томонидан 705 йили ўлдирилган) ҳам бўлган<sup>4</sup>.

Хоразм воҳасида ҳам Турк хоқонлиги даврларида, бир қанча туркийзабон қабилалар ёки уларнинг айрим қисмлари яшар эдилар. Бу ерларда шу воҳада қолиб кетган хунларнинг айрим гуруҳлари, қанғар ва печенег қабилалари ҳам яшаган. Печенегларнинг катта бир гу-

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, 271-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда

<sup>3</sup> Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. С. 7.

<sup>4</sup> История ат-Табари. 27, 28, 41, 93 ва бошқа бетлар.

руҳи Сарикамиш атрофида ва Амударёнинг қуйи оқимларида жойлашган<sup>1</sup>.

Печенег ва қанғилларнинг баъзи гуруҳлари Сирдарёнинг Қуйи оқимларида, Орол денгизи атрофларида ҳам яшаган.

Шундай қилиб турк хоқонлиги даврларида Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларида (Тошкент воҳасида, Мовароуннаҳр, Афғонистоннинг бир қанча вилоятларида, Хуросонда, Хоразмда) туркийзабон аҳолининг салмоқли қисми яшаган. Хулоса қилиб айтиш керакки, турк хоқонликларнинг емирилишига қадар Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларида туркий халқнинг катта бир қисми яшаган. Булар асосан уч гуруҳдан иборат бўлган:

а) қадимдан ўтроқ деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган қишлоқ ва шаҳар аҳолиси;

б) ярим ўтроқ ҳаёт кечираётган этник гуруҳлар булар асосан воҳа четларида, чўл ва тоғ олди районларида яшаб, ўзларининг анъанавий чорвачиликлари билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар;

в) кўчманчи чорвадор қабилалар. Булар асосан чўл зоналарида яшаб, асосан чорвачилик билан кун кечирганлар.

Ўрта Осиёнинг Марказий минтақаларида, туркийзабон аҳолидан ташқари, туб ерли аҳолининг салмоқли қисми форс-эрон тилли аҳоли бўлиб улар туркий тилли этнослар билан қисман аралашиб кетганлар. Узаро аралашув Қанғ давлати доирасида мавжуд бўлганлиги юқорида айтилган эди. Эфталит ва турк хоқонликлари даврида ҳам икки тил туркумидаги аҳолининг бир-бирлари билан сингиб кетиши давом этган. Ана шу аралашувлар натижасида илк ўрта асрларда ўзбек ва тожик элатлари вужудга келган. Бу халқларнинг антропологик типи, юқорида қайд этганимиздек, Помир-Фарғона типи деб номланган. Воҳаларда яшовчи форс-эрон тилли ва туркий аҳолилар шу типдаги халқлар эдилар. Тожик халқи ажлодларининг тоғли вилоятларида яшовчи қисми мўғулсимон антропологик типдаги кишилар билан аралашмаганлиги ёки кам аралашганлиги туфайли улар европеоид типда бўлиб, шу ант-

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Геодезия. Избранные произведения. Т. III. Ташкент. 1960. С. 95—96.

ропологияк типни кейинги асрларда ҳам сақлаб қолганлар. Юқорида келтирилган материаллардан яна бир маротаба қайд қилиб айтиш лозимки, ўзбек ва тожик халқларининг аجدодлари қадим даврлардан бир ҳудудда яшаб, доимо моддий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

## **2. ТУРК ХОҚОНЛИГИ ЕМИРИЛГАНДАН КЕЙИНГИ ЭТНИК ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ**

Ташқи душманлар билан олиб борилган урушлар ва ички қабилавий курашлар турк хоқонлигини заифланишига олиб келди. 740 йили Фарбий хоқонлик емирилади, унинг ўрнига Туркеш хоқонлиги (707 й.) вужудга келади, аммо унинг ҳам умри қисқа эди. 766 йили қарлуқларнинг зарби билан Туркеш хоқонлиги ҳам тасарруфга учрайди. Шарқий хоқонлик уйғурлар томонидан тор-мор қилинади. Уйғур хоқонлиги ташкил топади. Шундай қилиб, 200 йил давомида ҳукмронлик қилган турк хоқонлиги емирилади.

Турк хоқонлиги емирилган бўлса ҳамки улар тарихда аниқ из қолдиради. Турк хоқонликлари даврида Евроосиё кенглигида яшовчи бир қанча туркий қабиаларнинг бирлашиб бориши натижасида йирик қабила иттифоқлари ташкил этди; катта-кичик давлатлар вужудга келди. Турк хоқонликлари доирасида яшаган қабила иттифоқларида ва сиёсий уюшмаларида иқтисод, маданият ва маънавият ривожланади. Хоқонликнинг барча ҳудуд аҳолисига тушунарли ёзув ва тил шаклланади.

Хоқонликлар даврида ташкил топган айрим этник уюшмалар (ўғуз, уйғур, қипчоқ, қирғиз ва бошқалар) ўрта асрлар давомида вужудга келган бир қанча элатларни шаклланишига асос соладилар. Ҳозирги кунда Евроосиёда мавжуд бўлган туркий халқларнинг, миллатларнинг этногенези хоқонликлар давридаги туркий дунё билан бевосита боғлиқ ва шунинг учун бу миллатлар ва элатлар қондош халқлар ҳисобланадилар. Бу тарихий ҳақиқат.

Милодий 630 йил Фарбий турк хоқонлигида ички низолар кескинлашиб қолган эди. Хоқонлик тожи учун кураш асосан икки қабила иттифоқи — дулу ва нушиби ўртасида борган. Бу қабилаларнинг ҳар бири ўз қабиласидан хоқон кўтаришга интилган: дулу қабиласининг кўли баланд келганда дулулардан бўлган; нушибилар-

нинг омади келганда хоқон булар томонидан кўтарилган.

Ўзаро курашлар Фарбий турк хоқонлигини кучсизлантиради, унга тобе бўлиб келган вилоятларнинг бир қанчалари тобеликдан чиқиб мустақил бўлиб оладилар. Фарбий хоқонликда содир бўлган ички низолардан фойдаланиб, Чин ҳарбий кучлари хоқонликка қарашли бир қанча (шахсан Шарқий Туркистондаги) ўлкаларни эгаллаб олишга муяссар бўладилар, VII асрнинг иккинчи ярмида араблар ҳам Мовароуннаҳр чегараларига яқинлашиб, Фарбий турк хоқонлигини хавф остида қолдиради. Шу вазиятда хоқонликда сиёсий ва иқтисодий аҳвол тобора оғирлашиб борар эди, дулу ва нушиби қабилаларининг ўзаро низолари йилдан-йилга кескинлашиб, охир-оқибатда хоқонлик кучсизланади.

Вазиятни кескинлашиб боришини олдини олиш ҳамда дулу ва нушибиларнинг ўзаро курашларини тўхтатиш мақсадида Фарбий турк хоқони Ишбара (Шаболо) Хилишхон (634—639) маъмурий ислоҳот ўтказиб, хоқонликдаги қабилаларини тенг икки қисмга: бешта қабилани дулуга ва яна бешта қабилани нушибига тақсимлаб беради.<sup>1</sup> Дулу ва нушиби қабила иттифоқларидаги барча (ўнта) қабилалар «ўн ўқли халқ», «ўқли аймақ» деб номланган.<sup>2</sup> Қабила иттифоқларининг ҳар бирига яйлов ерларини ва кўчиб юрадиган ҳудудларини чегаралари аниқлаб берилади. Қабила бошлиқлари (бек) тайинланади. Беклар ўз навбатида қабила иттифоқининг бошлиқларига — ябғуга, улар эса турк хоқонлигига итоатда бўлганлар. Ябғулар айна бир вақтда ҳарбий саркарда ҳисобланиб, ўз қабила иттифоқларидан ташкил топган қўшинларни бошқарган.

Дулу қадимдан мавжуд бўлган туркий қабилаларидан бири бўлиб, улар VI—VII асрларда Фарбий Жунғорияда ва қисман Еттисувда (Ила дарё водийсида) яша-

---

<sup>1</sup> Дулу таркибига кирган қабилалар: чумугун, хулуву, нешети-дун, туциши, шуниси, чубан Нушиби таркибидаги қабилалар: Асиги, гэшу, басайган, осигёе, нишу, гэшу, чубан. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 289-бет. Ҳар иккала қабила иттифоқининг таркибида ҳам Чу (чумугун, чубан) қабилалари мавжуд бўлганлиги келтирилган қабила номларидан аниқ кўриниб турибди. Демак Тарбағатайда қадимдан яшаб келган Чу қабилалари икки қабила иттифоқи ўртасида бўлиниб қолган.

<sup>2</sup> Малов С. Е. Памятник древнетюркской письменности. М.-Л., 1951. С. 43.



ган. Милодий V асрларда Хитой солномаларидан бири-да келтирилган 12 та уйғур қабилаларидан бири тулу деб аталган<sup>1</sup>. Н. А. Аристовнинг тахминича, тулу этноними дулу этник номига ўхшаш, ҳар иккала этноним ҳам бир халқнинг номи<sup>2</sup>. Шундай бўлган тақдирда дулу ёки тулу этнонимининг илк аجدодлари уйғурларга ва улар орқали хунларга бориб тақалади.

Дулу юебан хунлар таркибидаги қабилалардан бири бўлиши ҳам мумкин. Маълумки милодий I аср охири II аср бошларида хунларнинг катта бир гуруҳи ғарбга кўчиб кетган эди, уларнинг Тарбағатайда қолган қисмида юебан деб аталган хун қабила уюшмаси ташкил топади. Бу қабила бирлиги ичида дулу қабила иттифоқи бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шарқдан бос-тириб келаётган жужанлардан чекиниб Тарбағатайга ўрнашган уйғурлар милодий V асрда Юебани эгаллайдилар. Шундан кейин юебан қабила бирлиги бир неча қабилаларга (чуюс, чумугун, чуми, чубан) бўлиниб кетади<sup>3</sup>. Агар юебан қабилалари таркибида дулу (тулу) этноси ҳам булган бўлса, унда бу этнос ёки унинг маълум қисми уйғурларга қўшилиб, 12 та қабиланинг бири (тулу) бўлиб, хитой солномаларида байд қилинган. Турк ҳоқонлиги ташкил топгандан кейин (VI аср ўрталарида) уйғурлар аввалги ҳудудларига, яъни Селенга ва Хангайга қайтиб кетдилар. Дулу этносининг маълум бир қисми эса ўз ерида (Тарбағатайда) қолиб, ғарбий турк ҳоқонлиги таркибига киради.

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 216 бет.

<sup>2</sup> Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. Живая старина. Вып. III—IV, СПб, 1896, 297, 298. VIII—X асрларга оид Хитой (Чин) манбаларида ду-ла (dolat) сўзи учрайди. Бу сўзни кейинчалик қозоқ, қирғиз ва ўзбек халқларининг таркибидаги дулат (дуғлат) этноними билан тенглаштирилади. Қаранг: Зуев Ю. А. «Тамги лошадей из вассальных княжеств», Труды ИИАЭ АН КазССР, том 8, 1960. С. 118. Аристов Н. А. ҳам (қаранг: Кўрсатилган асар. 297б.) дулу атамасини дуғлат этноними билан тенглаштирган эди.

<sup>3</sup> Чу қабилаларидан яна бири шато бўлиб у ғарбий туркийларга аралашиб кетган бўлса, иккинчи бир қисми Хитойга кўчиб кетган эдилар. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 357, 359-бетлар. Гумилев Л. Н. Ритмы Евразии. М. 1993. С. 465. Чу қабиласи Ўрта Осиёдаги хун авлодларидан бўлган деб тахмин қилинади. Қаранг: Гумилев Л. Н. Древние тюрки. 266, 291, 292-66. Ғарбий Турк ҳоқонлигига бирлашгандан кейин буларнинг олдинги қабила иттифоқи бузилиб, янгитдан ташкил топган дулу ва нушиби қабила иттифоқларига киради. Юқорида номлари тилга олинган чу қабилаларидан фақат чумугунлар ўз мустақилликларини VIII аср ўрталарига қадар сақлаб келадилар. Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 381.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳар хил ва тахминий бўлишдан қатъий назар, дулу этнонимининг чиқиб келиши хунлар билан боғлиқ бўлган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Нушиби қабила иттифоқи ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, нушиби аймағи қирғиз ва дулу уруғларидан (уларнинг аралашмаларидан) ташкил топган. Нушиби усун қабилаларининг қолдиғи деб ҳам фараз қилинади<sup>1</sup>. Аммо бу фикр мулоҳазаларини тасдиқловчи биронта далил келтирилмаган. Шунинг учун ҳам бу тахминий гапларни нушиби қабилаларининг этник тарихини аниқловчи далил сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу масала ҳанузгача ўз ечимига муҳтож. Шу ўринда уқтириб ўтиш жоизки, VII асрда нушибилар Ила дарёсининг жанубида, Чу дарё водийсида яшовчи бир қанча кўчманчи қабилаларни бирлаштириб; Фарбий Турк хоқонлигининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Нушибилар эгаллаб турган ҳудуд Сирдарё билан Фарғона водийсининг фарбий минтақалари билан чегарадош эди. Туркешларнинг Фарғона ва Сўғдиёна билан доимо иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Бу алоқа Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги туфайли маданий ва моддий жиҳатдан анча ривожланган эди.

Нушибилар ўтроқ аҳоли билан яқин алоқада бўлиб иқтисодий томонларини мустаҳкамлаб, рақиблари — дулу қабилалари билан курашларини яна ҳам жадаллаштириб юбрадилар. Ишбара хоқонининг ҳам чоратадбирлари бунга чек қўёлмайди. Икки қабила иттифоқи ўртасидаги низо хоқонликни батамом кучsizлантиради. Бундан фойдаланган Чин қўшинлари 658—659 йй. Фарбий Турк хоқонлигини асосий ҳудудини — Еттисувнинг катта қисмини эгаллайди. Эндиликда Турклар Чин императорлигининг қўшинлари билан ўз мустақилликлари учун кураш олиб борадилар. 698 йил Идикбоши деган жойда турк ва Чин қўшинлари учрашиб қаттиқ жанг қиладилар. Катта қурбонлар бериб бўлса ҳамки, турклар Чин қўшинларини чекинишга мажбур қиладилар. Чинликлар Фарбий турк хоқонлигининг ерларини ташлаб кетадилар, аммо улар Шарқий Туркистондаги бир қанча вилоятларни (Қарашар, Куча,

<sup>1</sup> Аристов Н. А. Кўрсатилган асар. 298-бет.

Қашғар, Хўтан, Бейтинни)<sup>1</sup> қўлдан бермай сақлаб қоладилар.

Идикбошида бўлган жангда ҳар иккала томон ҳам (Ғарбий турклар ва Чинликлар) кўп жангчиларидан, молларидан, қурол-аслаҳаларидан ажралиб анча заифлашиб қолган эдилар. Бундан туркешларнинг саркардаси Учажала усталик билан фойдаланди ва Чинга ён босиб келаётган қобилиятсиз, Ғарбий Турк хоқони Ашина Халони Еттисувдан ҳайдаб чиқаради<sup>2</sup> ва ҳокимиятни ўз қўлига олади. 707 йил Туркешлар сулоласи ташкил топади.

Туркешларнинг асосий қисми шу вақтларда (VII асрнинг иккинчи яримларида) Ила дарёси водийсида, Тангритоғнинг шимолий ён бағирларида жойлашган бўлиб, дулу қабила иттифоқининг таркибида бўлган эди. Аммо буларнинг этник тарихи теле, Чу (Чуюе) қабила бирликларидан, ҳатто ашина туркларидан ҳам фарқ қилади.

Туркешлар «қора» ва «сарик» туркеш гуруҳларига бўлинган. Л. Н. Гумилевнинг тахмин қилишича, «сарик» туркешлар Тарбағатайда ва Ила водийсида қадимдан яшаб келган қабиласидан ташкил топган. «Қора» туркешлар эса — бу ерларга келиб ўрнашиб қолган, абар (хун гуруҳларидан бири) этносидан ташкил топган<sup>3</sup>. Буларнинг ҳар иккаласи бирлашиб кетса ҳамки қабила номларини унутмай, эса сақлаб қолган эдилар.

Туркешлар ҳукмронлигининг бошланғич даврларидаёқ (VIII аср бошида) нушиби ва дулу қабила иттифоқлари деярли тарқалиб кетади. Буларнинг кўпчилиги янгидан ташкил топган туркеш қабила иттифоқига тобе бўлиб, уларнинг таркибига киради. Туркешларга тобе бўлишни хоҳламаган гуруҳлари эса Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидаги чўлларга ва қисман Мовароуннаҳрга ҳудудига кўчиб келиб ўрнашадилар. Шундоқ қилиб, нушиби қабила иттифоқи батамом ва кейинги асрларда бу этноним (нушиби) тарихий манбаларда учрамайди.

Туркешларни дулу қабиласидан ажралиб чиққанини юқорида гапирилган эди. Дулу таркибидаги бошқа

---

<sup>1</sup> Бейтин — ҳозирги Гучен шаҳрининг яқинида жойлашган илк ўрта асрдаги вилоят маркази.

<sup>2</sup> Ашина Хело ўз тарафдорлари (60—70 минг киши) билан кўчиб Хитойнинг (Чиннинг) ичкари районларига бориб ўрнашади.

<sup>3</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 294.

қабилалар қисман туркеш қабилаларига кирадилар, уларнинг айрим гуруҳлари эса, туркешларга бўйсунмасдан ғарбга кўчиб, Волга бўйларига бориб ўрнашадилар ва кейинчалик шу ерларда яшовчи булғорларга қўшиладилар. Илк ўрта асрларда Волга бўйи булғор князлари ана шу дулу (дуғлат) қабиласидан бўлган<sup>1</sup>. VII асрда ташкил топган Хазар давлатига дулулар ҳукмронлик қилардилар. Дулуларнинг айрим гуруҳлари илк ўрта асрларда Етгисувда ва Мовароуннаҳрда яшаб, кейинчалик қозоқ, қирғиз, ўзбек халқларининг таркибига кириб, улар билан аралашиб келганлар.

Туркешлар ҳокимиятни қўлга киритиб кучга кириб бораётган бир вақтда, Хитой императорлиги Турк хоқонлиги устидан сиёсий устунлик қилиш ҳаракатини жадаллаштириши ва тубатликларни Шарқий ҳудудига кириб келиши туркеш хоқонларини ташвишга солиб қўйган эди. Шарқий чегараларни ҳимоя қилиб, душманлар билан курашиб келаётган айни бир вақтда араб халифалигининг Мовароуннаҳрда бошлаган истиқлолчилик ҳаракати эса туркешларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсий устунлигини хавф остида қолдиради.

Араб истилочиларининг Мовароуннаҳрда бостириб киришига туркий халқлар бефарқ қаролмас эдилар. Улар Мовароуннаҳрни ўз ерлари деб қараганлар. Бу заминда жуда кўп туркийзабон аҳоли қадимдан яшаб келган. Турк хоқонлиги, ундан кейин туркеш хоқонлиги уларни ҳимоя қилишлари шарт бўлган. Шунинг учун ҳам туркешлар хоқони Учжала чинликлар билан вақтинча бўлса ҳам, ярашишга қарор қилиб, кучини Бухоро воҳасига 706 йил бостириб кирган Қутайба бошчилигидаги араб лашкарлари билан бўладиган жангга сафарбар қилади ва ўша йили сўғдийлар билан биргаликда Қутайбани чекинишга мажбур қиладилар.

607 йил туркешлар хоқони Учжала вафот этади; унинг вориси Соге ўзининг атрофига катта аскарый куч йиғиб (300 мингга яқин), Қутайбага қаттиқ талофот етказди. Шундан кейин туркешлар ўз мавқеларини бирмунча тиклаб олган бўладилар. Аммо шу кезларда хоқонликда ички, қабилавий низолар кучайиб кетади, чинликлар хоқонликка қарши ҳаракат бошлайди. Туркешларнинг ҳарбий кучлари бўлиниб қолади: уларнинг бир қисми шарқий рақиблари (Чин ва Тубатликлар билан) бўлаётган тўқнашишлар билан банд бўлса,

<sup>1</sup> Аристов Н. А. Кўрсатилган асар. 297-бет.

иккинчи қисми арабларга қарши қўйилган эди; учинчи қисми ички қабилавий курашлар билан банд эди, айна шу вақтда Сога укаси Чжену билан келишмай қолади. Чжену шимолий турклар қароргоҳига бориб улардан акасидан ўч олишга ёрдам беришни илтимос қилади. Бундан фойдаланиб шимолий турклар (Шарқий турк хоқонлиги) Фарбий турк хоқонлиги ҳудудига хужум бошлайди. 710 йил шиддатли жанглардан бирида туркешларга қаттиқ талофат етказилади, Сога асирга тушади. «Ўн ўқ халқи ва беклари» шимолий туркларга тобе бўладилар<sup>1</sup>. Сога ва унинг укаси Чжену қатл этиладилар.

Туркеш хоқонлигига шимолий турклар томонидан қаттиқ зарба етказилган эди, лекин уларнинг ҳудудлари босиб олинган эмас эди. Туркешларнинг кейинги авлодлари яна бир неча йиллар давомида шимолий турклар билан курашиб келадилар. Шимолий туркларнинг ҳам VII аср бошларида рақиблари кўпайиб, улар бетиним урушиб келар эдилар (бу ҳақда кейинчалик гап кетади), хоқонларнинг ашаддий душманларидан бири қарлуқлар бўлган. Қарлуқлар яшаган Шарқий ва Фарбий хоқонликларнинг ҳудудлари туташган жойда ерлар бўлгани туфайли ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун ҳар иккала хоқонлик ва кейинчалик туркеш қўшинлари билан курашиб келганлар.

Турк хоқонлигининг сиёсий ҳаётида қарлуқлар муҳим роль ўйнаганлар. Қарлуқлар узоқ ўтмишда Олтойнинг фарбий минтақаларида яшаганлар. Шуниси характерлики, Фарбий Олтойдаги Чориш дарёсининг бир тармоғи ҳозир ҳам қарлуқ номи билан аталади.

Турк хоқонлиги ташкил топиши билан (милодий 552 йил) қарлуқлар Фарбий Олтойдан чиқиб Иртиш дарёси соҳилларини, Жунғорияни, мўғул Олтойнинг жанубий ён бағирларидан то Ила дарёсининг шимолигача бўлган ҳудудини эгаллайдилар. Буларнинг катта бир қисми шу вақтларда (VI—VII асрларда) Шарқий Туркистонни, Фарғонани, Тохаристоннинг айрим районларини эгаллайди. Қарлуқларнинг баъзи гуруҳлари Кашмирга ҳам бориб ўрнашган эдилар.<sup>2</sup> Қарлуқлар-

<sup>1</sup> Малов С. Е. Кўрсатилган асар. 69-бет.

<sup>2</sup> Қарлуқлар ва уларнинг турли ҳудудларга ўрнашганлари ҳақида муфассалроқ маълумот олиш учун қаранг: Шониёзов К. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964. 12—36; Яна ўша муаллиф. О роли карлуцско-го компонента в этногенезе узбекского народа, ОНУ, 1981, № 6, С. 28—35.

нинг Ила дарёсининг шимолида қолган қисми учта катта қабилага бўлиниб, булар Чин солномаларида меуло, чжиси ва ташили деб аталган.<sup>1</sup> Бу қабилаларнинг эгаллаб турган ҳудудлари ғарбий ва шарқий турк хоқонлигининг шимолий чегаралари туташган районларига тўғри келган. Ҳар иккала (Ғарбий ва Шарқий) хоқонлиги ҳам қарлуқларни ўзига тобе этиш ниятида уларга қарши уруш қилганлар. Ана шу урушлар оқиба-тида 646 йил Шарқий турк хоқони Олтойда яшовчи қарлуқлар устидан ғалаба қозониб, уларни ўзларига бўйсундирганлар. Айни шу йили Ғарбий турк хоқони Ашина Хэлу Тарғабатайда (Жунғориянинг шимоли-ғарбида) яшовчи қарлуқларни тобе этган.<sup>2</sup>

Турк хоқонлари қарлуқларни ўзларига қарам қилган бўлсалар ҳамки, лекин бу эрксевар кўчманчилар хоқонларга бўйин эгиб тинчланиб қолмасдан, ўз мустақилликлари учун тинмасдан курашиб келар эдилар.<sup>3</sup>

Ғарбий ва Шарқий хоқонликлар билан бетиним курашлар натижасида дастлабки мавжуд бўлган қарлуқ қабилалар иттифоқи бузилиб, қарлуқ этник номи билан бир неча янги этно-ҳудудий бирлашмалар вужудга келади: 1. Иртиш дарёсининг қуйи оқимларида, жанубий Олтойда яшовчи қарлуқлар; 2. Хангай тоғи этакларида, Танну, Олода; 3. Турфун ҳавзасида, Қошғар, Хутан, Ёркент шаҳарлари ва районларида; 4. Тохаристонда; 5. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида ва Кашмирда яшовчи қарлуқлар. Бу этно ҳудудий қарлуқ гуруҳларининг кўпчилиги (VI—VIII асрларда) Ғарбий ва Шарқий хоқонликларга қарам бўлиб келган.<sup>4</sup>

Қарлуқлар таркибидаги йирик қабилалардан бири чигил қабиласи бўлган. Улар Еттисувга келишдан олдин Иртиш бўйларида, Жунғорияда яшаган. Юқорида Хитой муаллифлари маълумотларига асосланиб қарлуқлар уч қабиладан (меуле, чжиси, ташлин) ташкил топган этник бирлик бўлган деган эдик. Н. А. Аристов-

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народных обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. I., С. 347.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. I-жилд, 263, 289-бетлар.

<sup>3</sup> Қарлуқларнинг ўз мустақилликлари учун турк хоқонликлари билан олиб борилган курашлари Култегин ва унинг укаси Могилонхоқонга қўйилган қабр тоши ёзувларида акс этилган. Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности, М-Л. С. 41—42.

<sup>4</sup> Шаниязов К. Ш. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ., 1981. № 6. С. 24.

нинг фикрича чигил атамаси ана шу уч уруғнинг бирини, яъни чжеси уруғини (тўғрироғи қабила) номи билдиради.<sup>1</sup> Хитойлик олим Чэнь Жун Мэннинг айтишича, «Чжиси» сўзи туркларнинг чигил деб аталган қабиласининг номи бўлган.<sup>2</sup> О. Прицак уч қарлуқ уруғидан бири чигил бўлганлигини уқтириб ўтади. В. В. Бартольд ҳам чигиллар қарлуқлардан ажралиб чиққанлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Келтирилган далиллардан, чигиллар қарлуқлар таркибидаги қабилалардан бири бўлганлигига шубҳа йўқ. Қолган икки этноним (ташили, балки тошлиқ) ва меулони туркий номларини аниқлаш қийин. Лекин улар ҳам қарлуқ қабилаларидан бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлмаса керак.

Қарлуқ қабилаларидан яна бири халач эди. Бунинг катта қисми VI—VIII асрлар давомида кўчиб Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий минтақаларига, Эрон ҳудудига бориб ўрнашган. Уларнинг қолган қисми эса қарлуқлар таркибида бўлиб Ила дарёсининг шимолидаги минтақаларида яшаган.

766 йилда қарлуқлар туркешлар устидан ғалаба қилиб Еттисувни батамом эгаллагач уларнинг ҳокимларини қароргоҳи Чу дарё воҳасидаги Суёб шаҳри бўлиб келди. Ана шу санадан бошлаб қарлуқ ёбғулари<sup>4</sup> (ҳокимлари) Жунғория тоғларидан Сирдарёгача бўлган жуда катта ҳудудга эгалик қила бошлайдилар. Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Сирдарёни кечиб ўтиб Зарафшон водийсига ҳам ўрнашган.

Еттисув қарлуқлари таркибида, юқорида эслатилган уч уруғдан (меуло, чжиси ва ташили) ташқари яна бир қанча бошқа уруғлар ҳам мавжуд бўлган. «Ҳудуд ул-олам» маълумотларида аниқ бўлишича, Тузкўлнинг

<sup>1</sup> Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности «Живая старина». вып. III—IV, СПб, 1896, С. 312.

<sup>2</sup> Турклар тарихига оид материаллар тўплами (хитой тилида) 1958, I том, 489 б.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья. Соч. Т. II. ч. I. М., 1960. С. 37; История культурной жизни Туркестана, Т. II. Ч. I. С. 243. Баъзи тадқиқотчилар (Қаранг: Зуев Ю. А. «Тамга лошадей из вассальных княжеств» (перевод). ТИИАЭ АН КазССР. Т. 8. Алма-Ата. 1960. XIII вв.). Фрунзе, 1983, С. 65, 74, 75). Чигилларни чик, чу-юе атамалари бир халқнинг номи дейдилар. Бу нотўғри. Чик ва чу-юе мутлақо бошқа этнонимлар, уларни чигилларга алоқаси йўқ.

<sup>4</sup> Ёбғу (шэху) қарлуқ, ўғуз, хазар ва бошқа бир қанча туркий халқларнинг қабилавий ва сиёсий уюшмаларининг энг юқори унво-ни. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 3-жилд. М.-Л., 1953. 303-бет.

жанубида қарлуқ уруғларидан еттисаси<sup>1</sup> Кулон ва Мерки орасида эса — учтаси<sup>2</sup> жойлашган бўлган. Фанкасир<sup>3</sup> қишлоғи яқинида қарлуқ уруғларидан яна бир нечтаси яшаган. Карминкат шаҳарчасида қарлуқларнинг йирик аймағи лабанлар ўрнашган. Бухоролик тарихчи, географ Айфи, қарлуқлар тўққиз уруғдан иборат бўлган дейди.<sup>4</sup> Бу уруғларнинг учтаси чигил деб аталган, қолган олти уруғнинг номини Ауфи маълумотларидан тушуниб олиш қийин.

Ауфи ва бошқа муаллифларнинг асарларидан аниқланишича, қарлуқларнинг қабила-уруғ тузилиши тартиби (тизими) қуйидагича бўлган: бир қанча уруғ бир бўғинни (аймоқни), бир нечта бўғин қабилани ташкил этган. Уруғ — бошлиқлари — бек, уруғ бирликларининг(бўғин, аймақ) бошлиқлари элтибор унвониға эға бўлганлар; қарлуқ қабиласининг бошлиғи — ёбғу (ябғу), унинг ёрдамчиси — кударкан унвони билан маълум бўлган.<sup>5</sup>

Қарлуқларда мавжуд бўлган бу тартиб (қабила бошқариш усули VIII асрларгача ҳам сақланиб қолган. Абулғозий қарлуқлар ўз ичларидан «Бир яхшини подшо кўтариб, у ўлса яна бошқасини сайлар эдилар<sup>6</sup> деб ёзгани шу даврга тўғри келса керак. Абулғозийни давлат подшо деган ибораси том маънода эмас, кўчирма маънода тушуниш лозим бўлади, чунки қарлуқларда у даврларда ҳали давлат таркиб топмаган эди; уларда уруғ қабилачилик қолдиқлари (ҳарбий демократик усуллари) ҳукм суриб подшо эмас, ябғу бошқариб келган. Қабила иттифоқининг бошлиғи — ябғу қабилавий йиғинда сайлов йўли билан тайинланган.

Қарлуқлар Еттисувни эгаллагач (VIII асрнинг 60-йиллари) ябғунинг хизмати вазифаси кенгайди: илгари ябғу фақат бир қабиланинг бошлиғи бўлиб келган бўлса, эндиликда у қарлуқлар эгаллаган ҳудуддаги барча

---

<sup>1</sup> Минорский В. Тузқўлни Тангритоғнинг жанубий ён бағрида, Қашғарнинг шимоли-шарқида, ундан 140 км узоқликда жойлашган Шўрқўл билан тенглаштирилади. Бу районлар ўша даврда қўл остида бўлган. Қаранг. Минорский В. Кўрсатилган асар. 184-бет.

<sup>2</sup> Кулон ва Мерки ҳозирги Қозоғистоннинг Жанбул вилоятида: Кулон ўрнида ҳозирги Луговое темир йўл станцияси, Мерки ўрнида Марки темир йўл станцияси ўрнашган.

<sup>3</sup> Фанкасир — Меркидан шарқда жойлашган аҳоли турадиган жой.

<sup>4</sup> Бартольд В. В., Туркистан... Ч. I., С. 100.

<sup>5</sup> Якубовский А. Ю. Сельджукидское движение и туркмены в XI в., Известия АН СССР, 1937, № 4, С. 927.

<sup>6</sup> Абулғозий. Шажарайи турк., Тошкент. 1992, 32-бет.



қабилалар ва ўтроқ аҳолини бошқарган. Ябғунинг ҳукмдорлик доираси ниҳоят кенг бўлиб аҳолини бошқарган. Ябғу араб-форс муаллифлари қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудни «давлат», ябғуни эса давлат бошлиғи (ҳукмдори) деб билганлар. Ҳақиқатда эса қарлуқларда давлат (улар Еттисувни эгаллагандан кейин ҳам) то IX аср ўрталаригача бўлмаган бўлиши керак. Аммо йирик қарлуқ қабила бирлиги вужудга келган эди. Қарлуқлардан илгари уруғ ёки аймақ (масалан, чигил, ҳалач, лабан ва бошқалар) бўлиб келганлар, эндиликда йирик қабилалар иттифоқи даражасига кўтарди. Қарлуқлар таркибига Еттисувда, олдинлари яшаб келган қабилалар ёки уларнинг қисмлари қарлуқ қабила иттифоқига бирлашганлар.

Қарлуқ қабила иттифоқини ҳам ябғулар бошқарган эди. Ябғу авваллари уруғ-аймоқ йиғинидан сайланган бўлса эндиликда у (ябғу) қабилалар йиғинида<sup>1</sup>, қабила бошлиқлари томонидан сайланган. Уруғ-қабила бошлиқлари (бек, элтибар) айна бир вақтда ҳарбий саркардалар ҳисобланганлар. Бу тартиб қарлуқларда 840 йилгача, яъни қарлуқ давлати ташкил топгунга қадар давом этган.

Жанубий Сибирь кенглигида бир қанча туркийзабон қабилалар яшаган. Шулардан энг йириклари Енисей қирғоқлари (хагаслар) теле (тўкуз-ўғуз, уйғурлар ҳам шунинг ичида), қарлуқ, басмил қабила иттифоқлари бўлган.

Енисей қирғизлари Минусей ҳавзасида яшаганлар. VII асрнинг иккинчи ярмида бу ерда (хакас) хоқонлиги ташкил топади. Бир неча йиллар улар Хитой империясига, 758 йил эса уйғурларга тобе бўлиб келган. Лекин давлат бошқаруви ўз ихтиёриларида бўлиб, ўзларидан чиққан хонлар бошқарганлар. VII асрнинг 80-йилларидан бошлаб қирғизлар кучаяди. Буларнинг кучайиш даври турк хоқонликларини курашаётган даврга тўғри келади. Бу курашга турк хоқонликлари қирғизларни ҳам жалб қилган эдилар, тўхтовсиз курашлар натижасида турк хоқонликлари ва енисей қирғизлари Хитой давлати қарамлигидан халос бўладилар.

Ташқи душман билан курашлар даврида енисей қирғизлари билан турк хоқонликлари ўртасида дўстона му-

---

<sup>1</sup> Қабила тузумида элтибор бир неча уруғдан ташкил топган уюшмани бошқарган бўлса, энди (қабила иттифоқи ташкил топган) у қабилани бошқаради.

носабат ўрнатилган эди. Хатто турк хоқони Мочжо (672—716) ўзидан олдин хоқон бўлиб ўтган Гудулу-хонни (Ильтерас хон) қизини қирғиз хони Барсбекка хотинликка беради.<sup>1</sup> Аммо буларнинг иттифоқлиги узоққа бормади. Тез вақтда Барсбек турк хоқонларининг ашаддий душманига айланиб қолган эди.

710—711 йиллари Тунйкуқ бошлиқ турк қўшинлари енисей қирғизларига қарши юриш қилиб, уларни Саён тоғларида, Кўкман деган жойда бўлган жангда енгади. Барсбек ҳалок бўлади. Хакаслар бу жангда ютқизган бўлсалар ҳамки мустақилликларини йўқотмаган эдилар.

Маълумки, Шарқий Турк хоқонлиги 745 йилгача сақланиб қолган эди.<sup>2</sup> Аини шу даврларда уйғурлар ҳам кучайиб Ғарбий ва Шарқий хоқонликлар билан рақобатда бўлиб келганлар. 740 йил уйғурлар хони Моюнчур (Чин манбаларида Пейло) қарлуқ ва басмил қабилаларини бирлаштириб, Шарқий турк хоқонлиги қўшинларига қаттиқ талофат етказди. Шундан сўнг уйғурлар Шарқий турк хоқонлигига қарашли ҳудудни (Мунғулияни) 745 йил батамом эгаллайдилар. Уйғур хоқонлиги вужудга келади.<sup>3</sup> Хоқонликларнинг шарқий чегараси ғарбий Манжуриягача, ғарбий чегараси эса Жунғориягача етган эди.<sup>4</sup>

Моюнчур ғалаба натижаларини иттифоқдошлари (қарлуқлар ва бассимиллар) билан баҳам кўргиси келмади; уларни ҳам ўзига тобе этиб олишга интилди. Уларга нисбатан у қабиҳлик қилади: аввал қарлуқлар билан иттифоқда бўлиб басмилларни тобе этади, шундан сўнг бор кучини қарлуқларга қарши қаратади. Тенгсиз кураш-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 536-бет.

<sup>2</sup> Киселев С. В. Кўрсатилган асар, 536-б, манбаларни мукамал ўрганган олимлар Шарқий турк хоқонлиги 680 йили Ғарбий турк хоқонлиги эса 658 йили батамом емирилган деган хулосага келадилар. Аммо бу хоқонликлар кейин ҳам, бир неча йиллар давомида (то VIII аср ўрталаригача) гоҳо тикланиб, гоҳо — тасарруфга учраб турган. Қаранг: Восточный Туркестан в древности и раннесредневековье. С. 306—316.

<sup>3</sup> Қарлуқ ва басмилларни енгиб, янги хоқонликка асос солган телес қабила иттифоқи эди. Уйғурлар эса унинг таркибидаги қабилалардан бири бўлган. Бу хоқонлик уйғур номини олганлигини боиси, хоқонликда уйғурлар етакчилик қилган. Шунинг учун ҳам уларнинг номи билан хоқонлик уйғур хоқонлиги деб аталган. Яна шуни ҳам уқтириб ўтиш лозимки, ўша даврдаги Чин солномаларида хуаху (уйғур) телес қабилаларидан (уйғур, буку, хун, (кун) бойрику, тўнгра, сегир (сёкир) киби, эдиз) бошқа халқлар ҳам шу ном билан (уйғур номи билан) аталган. Қаранг: Маяевкин А. Г. Кўрсатилган асар. 6, 130-бетлар.

<sup>4</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 373.

лар натижасида яшовчи қарлуқларни ўзига бўйсундиришга мувофиқ бўлади. Юқорида Ауфини («Қарлуқлар уйғурлар фуқароси эди» деган ибораси ана шу қарлуқ гуруҳига тегишли бўлиши керак) қарлуқларнинг асосий кучларига, Олтой, Иртиш дарёси ва Тарбағатайда яшовчи қисмига уйғурлар бас келолмас эдилар. Қарлуқларнинг бу қисми ўз мустақилликлари учун рақиблари уйғур ва туркешлар билан курашиб келганлар.

840 йил уйғур хоқонлиги енисей қирғизлари томонидан тор-мор қилинади. Шундан кейин уйғурлар Шарқий Туркистонга чекинадилар. Уйғурларнинг бир қисми Гансу вилоятига бориб ўрнашадилар ва бу ерда 847 йил Ганжау номи билан аталган мустақил давлат вужудга келади. Бу давлатнинг фуқаролари асосан уйғурлар бўлган. Уйғур хоқонлигидаги аҳолининг иккинчи қисми ўша йиллари (847—850 йй.) Турфан воҳасига келиб жойлашадилар ва улар бу ерда Турфан давлатини ташкил этадилар. Бу давлат фуқаролигининг кўпчилиги олдин телес уюшмасига кирган қабилалардан бўлган. Уйғурлар билан келган қарлуқ қабилалари Ҳоми шаҳридан шимолдаги тоғ этакларида ва Турфан воҳасида, воҳа атрфидаги яйловларда жойлашган бўлиши керак. Буларнинг чорвачилиги учун бу ерлар қулай эди.

Ганжоу ва Турфан давлатларидан ташқари, уйғурларнинг айрим гуруҳлари Дунхуан, Гуажоу, Сичжау, Қорашар, Бешбалиқ, Куча<sup>1</sup> ва Шарқий Туркистоннинг бир қанча бошқа шаҳар ва вилоятларида яшаб унча катта бўлмаган (баъзан шаҳарни ўзи билан чегараланган) князликларга уюшганлар.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, ўз даврининг йирик туркий давлатларидан бири бўлган уйғур хоқонлиги IX аср ўрталарида емирилади ва уларнинг авлодлари яшаб келган ҳудудлари қирғизлар ҳукмронлигига ўтади.

Шарқий Туркистонда уйғурлар келмасидан олдин ҳам туркий халқлар яшаганлар, давлатлар мавжуд бўлган. Гансу (Хитойнинг ғарбидаги вилоят) Шарқий Туркистонда унинг ғарбий чегараларигача бўлган ҳудудда миллодий I минг йилларнинг биринчи ярмиларида хун, усун этносларининг айрим гуруҳлари ва уларнинг авлодлари яшаб келган. Гансу ва Гасчан (кейинчалик

---

<sup>1</sup> Franke O. Gesshichte des Chiheschen Reilhes III. Berlin. 1936. P. 492, 495.

<sup>2</sup> Масалан Дунхуан, Гуажу ва Сичжоу князликлари. Қаранг: Маяевкин А. Г. Кўрсатилган асар. 215—223-бетлар.

Турфан воҳасида) вилоятлари Ашина (турк этносининг келиб чиқиши ҳам шу ном билан боғлиқ) қабилаларининг дастлабки шаклланган жойлари ҳисобланган. Ашина туркларининг Гансу-Гарчан даври милодий III асрдан то 460 йилгача давом этган.<sup>1</sup>

VI—VIII аср ўрталарида Шарқий Туркистон турк хоқонликлари таркибида бўлган.<sup>2</sup> Аммо шу асрлар давомида бу ҳудуд бир неча маротаба Хитойнинг Тан сулоласининг императорлари томонидан тобе этилади.<sup>3</sup> Шарқий Туркистоннинг айрим ҳудудлари Тибетлар тасарруфида ҳам бўлиб келган.<sup>4</sup> Лекин ҳар қандай шароитда ва сиёсий тузумда, аҳолисининг аксарий

<sup>1</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М. 1964, С. 112—114.

<sup>2</sup> Шарқий Турк хоқонлиги 630 й., Фарбий турк хоқонлиги — 658 йил расмий эмирилган ҳисобланади. Аммо VII асрнинг ўрталарида ва ундан кейин бўлган турк хоқонларининг кўпчилиги Хитой Императорларининг кўғирчоқлари бўлиб келган эдилар. Қаранг: Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. М. 1988., С. 306—315.

<sup>3</sup> VII асрнинг 40-йиллари чинликларнинг Ҳарбий кўшини Шарқий Туркистонга бостириб кириб, Геочан ва Куча вилоятларини эгаллайди. Аммо 650 й. турклар чинликларга қарши кўзғолон кўтариб, улар эгаллаган бир неча вилоятларни қайтариб олдилар. Кўзғолонга Фарбий Турк хоқони Ашина Хэлу раҳбарлик қилган эди. Чин кўшинлари билан бўлган жанглардан бирида Ашина Хэлу ўзининг бир неча яқинлари билан қочиб Ши (Тошкент) вилоятидаги Суду шахрига келган. Суду ҳокими уларни банди қилиб Шига (Тошкентга) юборган. (Қаранг: Бичурин Н. Я., Кўрсатилган асар, 1-жилд, 292-б.) бу ердан уни Хитойга жўнатадилар. Ашина Хэлу асирликда вафот этади. Баъзи тадқиқотчилар Ашина Хэлуни Сутрушуна (Уст-рушуна, ҳозирги Хўжанд) ҳокими банди қилган дейилади. (Қаранг: «Charennes S. E. Documents sur les Toukines. Сб. ТОЭ. Т6. СПб. 1903. С. 37.). Турк хоқонлари Шарқий Туркистон вилоятларини айримларини қайтариб олган бўлсалар ҳамки, бу ҳудуднинг баъзи вилоятлари (асосан шимоллий вилоятлар) Хитой императорларининг тасарруфида бўлган. Чинликлар Шарқий ва Фарбий хоқонликларнинг сиёсий ҳаётларига аралашиб келганлар. 751 й. саркарда Гао Ян Чжи (чиқиб келиши корейслардан) бошлиқ хитой армияси Талас соҳилларида бўлган жангда қаттиқ талафот кўриб, жуда кўп жангчиларидан ажралиб Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларидаги давлатнинг сиёсий ҳаётига деярли аралашмай қўядилар.

<sup>4</sup> Шарқий Туркистон VII асрнинг 30—40 йилларидан Хитой императорлари билан Тибет ҳокимларининг ўртасидаги жанг майдонига айланиб қолган эди. Шу вақтларда Тибетликлар Кўкинор кўли атрофидаги вилоятларни, чунончи ҳозирги Юньонни, 717 й. Оксу ва Учтурафни, 787 й. Анси Байтинни (Бейтин) ва Шарқий Туркистоннинг гарбий қисмидаги бир қанча бошқа вилоятларни ҳам эгаллаб ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар. Тибетликларнинг Шарқий Туркистонга ҳукмронлик қилишлари 850 йилгача давом этган. Қаранг: Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. М. 1988. С. 319—323.

кўпчилигини шу ерларда ва ундан кейин ҳам, туркий-забон халқлар ташкил қилган. Айрим вилоят ҳокимлари (масалан Кўча ва Қора-шар ҳокимлари) VIII—IX аср бошларида турклардан бўлган.

VIII асрда Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятлари қарлуқлар қўлида эди. Қарлуқларнинг илк гуруҳлари бу ерларга келиши VI—VII асрларда, Шарқий ва Ғарбий турк хоқонларининг ўзаро курашларининг авжига чиққан кезларига тўғри келади.<sup>1</sup>

Қарлуқлар келиб Норин дарёсининг юқори оқимларига, то Кетмон-Тевагача бўлган ерларга жойлашадилар. Қошғар, Ёркенд ва Хотон ҳам улар қўлида бўлади. VIII асрнинг 90-йиллари Хангай тоғ этакларида яшовчи қарлуқлар ҳам ҳаракатга келади. Қарлуқлар Тибетликлар ва шато қабилалари билан иттифоқда бўлиб уйғурларга қарши ҳужум бошлайдилар ва уларга қарашли Бейтин (Бешбалик) шаҳрини<sup>2</sup> эгаллайдилар. Лекин 791 йил уйғурлар бу шаҳарни рақибларидан қайтариб олишга муваффақ бўладилар<sup>3</sup>. Чекинаётган қарлуқларни уйғур хонлари то Фарғона чегарларигача кузатиб келадилар. Қарлуқ ва уйғур ўртасидаги кураш шаҳрида уйғур хони Ачжога қўйилган бабр тошидаги битикда акс этилган<sup>4</sup>. Шу битикнинг 20-қаторида баён этилишича уйғур хони Ачжо Гелу (қарлуқлар) ва тубатликларга ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилади ва чекинаётганларни қувиб «Фарғона давлатигача боради» дейилган. Битикнинг 21-қаторида эса ачжо қарлуқларга қарши ҳарбий юриш қилиб «Чжен-Чжуе» (Норин)<sup>5</sup> — К. Ш.) дарёсигача келганлигини қайд қилинган.

Уйғурлар хони Ачжога қўйилган қабр тошидаги битикдан маълум бўлишича қарлуқ ва тибетликлар устидан ғалаба қозонган хон, уларни кузатиб то Фарғона чегараларигача борган. Лекин, қарлуқлар батамом енгилмаган бўлсалар керак; улар куч йиғиб уйғурларга қарши такрорий юриш қилдилар. Бу гал ҳам қарлуқлар енгилади. Хон Ачжо, чекинаётган қарлуқларни қувиб то Норин дарёсининг юқори оқимларигача борган.

<sup>1</sup> Helmut Hoffmon. Die ourluo in der Tibeti schen literatur. Oriens. vol 3. Leiden. 1950. с. 193. Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 347. бет.

<sup>2</sup> Бешбалик харобалари Гучендан ғарбда жойлашган. Қаранг: Minorsky P. Hudud al-alem. 272-бет.

<sup>3</sup> Сб. ТОЭ, вып. III, СПб, 1897, С. 27.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 26—27-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 26-бет.

Норин дарёсининг оқимларида, олдин айтганимиздек, VII—VIII асрларда ва ундан кейин ҳам қарлуқларнинг бир гуруҳи яшар эди, уйғур хони кузатиб келган қарлуқлар (булар Хангай тоғ этакларида, уйғурларга тобе бўлиб қолган гуруҳлари эди), ўз қардошларига орқа қилиб, Фарғонани шимолидаги тоғли районларига келиб жойлашган эдилар. Шундай қилиб, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақалари (Қашғар, Хўтон, Ёркенд ва бошқалар) ва Норин дарёсининг юқори оқимлари VII—IX асрлар<sup>1</sup> давомида (ундан кейинги асрлар ҳам) қарлуқларга, Шарқий Туркистоннинг шимолий-шарқий вилоятлари эса 840 йилдан бошлаб уйғурлар ҳукмронлигида бўлган.

Шарқий Туркистонда туркийзабон халқлардан ташқари қадим замонлардан буён саклар, юечжилар, тохарлар ва бошқа ҳиндой-европа тил туркумидаги халқлар ҳам яшаб келганлар. Буларнинг кўпчилиги ғарбга ва жанубга (Мовароуннаҳр, Афғонистон Эрон ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига) милоддан олдинги II—I милодий II—III асрлар давомида кўчиб кетган бўлса ҳамки, лекин уларнинг айрим гуруҳлари шу ерларда қолиб, асрлар давомида туркий халқлар билан ёнма-ён яшаб, уларга аралашиб турклашиб кетган эдилар. Аммо уларнинг баъзилари ўзларини қадимги тилларини VIII асргача ҳам сақлаб қолган эдилар<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотлар (Қаранг: Heimut Hoffman. Кўрсатилган асар, 194, 199-66.) Шарқий Туркистоннинг Ғарбий қисмига қарлуқлар 840 йилдан бошлаб ўрнашган деган фикр юритилади. Бу хато албатта. Чунки Хитой солномаларида (Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жид, 294—295, 347-бетлар.) VII аср ўрталаридан бошлаб Қашғар, Ёркенд, Хўтан ва Норин дарёсининг юқори оқимларида қарлуқлар яшаганликлари ҳақида аниқ маълумотлар берилган.

<sup>2</sup> Шарқий Туркистонда XIX аср охири — XX аср бошларида тадқиқ ишларини олиб борган бир гуруҳ олимлар Такламакон саҳросининг шимолий-шарқий вилоятларида, милоддан олдинги I мингинчи йилларнинг ўрталарида индоевропа тилларига яқин сўзлашувчи халқлар яшаган деган хулосага келган эдилар. Бу тилни даставвал шартли равишда «Тохар А.» (Турфан-Қорашарда яшаганлар) тили ва «Тохар Б.» (кўчада яшаганлар) тил гуруҳларига бўлганлар. Аммо бу бўлинишни бетарафлари ҳам бўлган. (Бу борала олиб борилган баҳслар ҳақида қаранг: Краус В. Тохарский язык. В сборнике «Тохарские языки», М., 1959, С. 43—47). Бу ҳар иккала тил гуруҳлари бирлаштириб В. Я. Владимирцев «Кўча қорашар» Монгол тиллари деб номланган эди. Қаранг; Владимирцев В. Я. Об отношении монгольского языка к индоевропейским языкам Средней Азии; «Записки коллегии востоковедов при азиатском музее Российской А. Н.». Л, 1925, С. 310; Иванов В. В. Генеологическая классификация языков и понятия языкового родства. М. 1954. С. 36.

Шу даврларга оид баъзи манбаларида Шарқий Туркистонда яшовчи халқлар қаторида сак, эфталлий, тохар, кушон ва бошқа этнослар учрайди<sup>1</sup>, кушон империяси емирилгач, у ерда яшовчи айрим этник гуруҳлар Шарқий Туркистонга, «она юртга» қайтиб келган бўлиши ҳам мумкин. Шарқий Туркистон халқларини ичида VI—VIII асрларда кушон атамасининг мавжудлиги бунга мисол бўлади. Кушониядан келиб қолган этник гуруҳлар, ўтмишда қайси қабилага мансуб бўлишларидан қатъий назар ўзларини йиғинди ном кушон деб атаганлар.

Сўғдлар Шарқий Туркистонга савдо билан келиб, ипак йўлидаги шаҳар ва қишлоқларда, IV—V асрлар давомида<sup>2</sup> (балки олдинроқ) шу ерларда қолиб яшаганлар. Шарқий Туркистондаги вилоятларнинг кўпчилигида савдо-сотик ишлари шуларнинг қўлида бўлган. Сўғдийлар Духуан ва Гуачжуда кўпчиликни ташкил қилган, бўлса керак. Маълум вақтларгача бу вилоятларнинг ҳокими сўғдийлардан бўлган. VI—VIII асрлар давомида буларнинг ҳам кўпчилиги турклашиб кетган.

Олтой Иртиш дарё бўйларида, Тарбағатайда тизма тоғларидан шимоли-ғарбда бир қанча туркийзабон халқлар яшаганлар. Булар маълум вақтгача турк хоқонликларига тобе бўлиб келганлар. Шулардан энг йириклари кимак ва қипчоқ қабилалари бўлган.

Кимаклар VIII аср ўрталарида Олтойнинг ғарбий районларида, Иртишнинг ўрта оқимларида жойлашган.<sup>3</sup> Ғарбий турк хоқонлиги емирилгандан кейин (658 й.) кимак қабиласи мустақил яшайди. Уларнинг қабила бошлиқлари, Гардизийнинг ахборотларидан маълум

---

<sup>1</sup> Айрим тадқиқотчилар Тарим дарё водийсида VI—VIII асрларда яшовчи индоевропа тилларида гапирувчи кушон, эфталлий, тохар, сак ва бошқа этнонимларни тилга олиб улар бу ерларга Ҳиндистондан келиб қолганлар дейдилар. (Қаранг: qabain Das Lebeniugurischen Konigreich von Qoco 1820—1250-veroffentlichungen der Societas walo-Altaica Bd 6. Wiesbadn 1973 p 18—29) Воробёва—Десятковская М. И. Индейцы в Восточном Туркестане в древности (некоторые социологические аспекты) Восточный Туркестан и Средняя Азия. Культурной связи. М. 1984. С. 61—98.

<sup>2</sup> Малавкин А. Г. Уйгурское государство в IX—XII вв. С. 5.

<sup>3</sup> Кимаклар ҳақида батафсил қаранг: Кумеков Б. Е. Государство кимаков IX—XI вв. по арабским источникам. Алма-ата. 1972.

бўлишича тутук унвонига эга бўлган<sup>1</sup>. VIII асрнинг иккинчи яримлари IX аср бошларида кимакларнинг бир қисми шимоли-ғарбга, Урал тоғ олди районларига бориб ўрнашадилар, уларнинг иккинчи гуруҳи жануби-ғарбга, Еттисувнинг шимолий-ғарбига келиб жойлашган. Кимакларнинг асосий қисми Иртиш дарёсининг ўрта оқимларида яшаган Б. Е. Кумековнинг тахмин қилишича уйғур ҳоқонлиги емирилгандан кейин (840 й.) унинг таркибидаги айрим қабилалар (эймур, байандур, тотор) кимакларга келиб қўшиладилар. Кимак қабила иттифоқи вужудга келади<sup>2</sup>. Кимак қабила иттифоқининг бошлиғи Бамалбайгу унвони билан улуғланган<sup>3</sup>. IX асрнинг иккинчи ярмида, кимакларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиб бориши натижасида йирик кўчманчи — Кимак ҳоқонлиги вужудга келади.

Кимаклар давлатини бошқариш усулини турк ҳоқонлигидан мерос қилиб олганлар: давлат тепасида ҳоқон ўтиргач, давлат таркибидаги бир неча қабила ва қабила иттифоқларининг бошлиқлари ҳоқонга итоат қилганлар. «Худуд ал-олам» асарида айтилишича кимаклар ҳоқони чексиз ҳуқуқга эга бўлиб, у «подшоларни» тайинлаган<sup>4</sup>. «Подшо» деб бу ерда кимак давлати таркибидаги қабила иттифоқларини бошлиқларини тушуниш керак. Уша манбада қайд этилишича, кимак иттифоқларининг ҳоқонлигида II та «подшолик» бўлиб, ҳоқон давлатни шу қабила иттифоқларининг бошлиқлари орқали идора қилган. Бу қабила иттифоқларидан энг йириклари, Гардизийнинг ахборотиغا қараганда 7 та бўлган: ими, имк, тотор, байондур, қипчоқ, лани-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. «Извлечение из сочинения Гардизи Зайн ал-ахбар. Соч. т. VIII. С. 44. Гардизийнинг асарида Шод-киши номи, тутук-унвон тариқасида берилган. Аммо қадимги руник битикларида Шод қабила бошлиқларининг унвони бўлиб тилга олинади. (Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951, С. 33, 38). Тутук унвон сифатида руник битикларида ҳам учрайди (Қаранг: Малов С. Е. Кўрсатилган асар. 40—41 бетлар). Агар руник битикларидаги маълумотларини ҳисобга олсак, унда Гардизий эслатган шод ҳамда тутук аломатларини ҳар иккаласи ҳам турк қабила бошлиқларини унвони бўлиб чиқади. В. В. Бартольднинг фикрича (Қаранг: «Извлечения из сочинения Гардизи» С. 44. 14 илова) турк туркий халқларнинг унвони бўлиб халқни ўзига тутмоқ маъносини аниқлатган.

<sup>2</sup> Кумеков Б. Е. Кўрсатилган асар. 114-бет.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар. 45-бет. Бамал-Пейгу (Ямал-Байгу)

<sup>4</sup> Худуд ал-олам. 18-бет.



зак, ажлау<sup>1</sup>. Буларнинг барчаси туркийзабон қабилалар бўлиб қадимдан Мўғулистонда, Олтой-Саён тоғ этакларида, Иртиш бўйларида яшаб келганлар. Буларнинг айримлари (масалан қипчоқ, тотор) этнослари кимак қабила иттифоқига ва давлатига кирмасдан олдин йирик қабила уюшмалари бўлиб келган.<sup>2</sup> Айрим қабилалар тез тараққий этиб ва батамом мустақил бўлиб кимак давлатидан чиқиб кетган.

Ярим мустақил қабилаларидан бири қипчоқлар бўлган. Улар VIII—IX асрлар давомида кимакларга тобе бўлиб, уларнинг таркибидаги йирик қабила бирлиги ҳисобланган; X аср ўрталарида кучайиб батамом мустақил бўлган. X аср охири — XI аср бошларида қипчоқларни куч-қудратлари ошиб кетиб собиқ ҳукмдорлари бўлмиш кимакларни ўзларига тобе этиб оладилар<sup>3</sup>.

Қипчоқлар<sup>4</sup> ҳам қадимги туркийзабон халқлардан бўлган. Улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Чин сол-

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. «Извлечения из сочинения Гардизи» «Зайн алахбор». Соч. Т. VIII, С. 43.

<sup>2</sup> Фикримизни далили учун мисол қилиб тотор этносини олайлик. Бу этноним қадимги турк руник битикларида учрайди, масалан Кул Тегинга (732 й. ўлган) қўйилган қабр тошидаги битикларда ўттиз тотор атамаси (Қаранг: Малов С. Е. «Памятники древнетюркской письменности» С. 36.) учрайди. Кул-Тегиннинг акаси Магиланхонга (733 й. ўлган) ва уйғур хони Мойун-Чурга қўйилган қабр тошларида тўққуз-тотор атамаси тилга олинади. (Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. Л. 1959, С. 21—39). Ўттиз ва тўққиз рақамлар билан берилган этносларни «уруғ» ёки қабила деб тушуниш мумкин. Ҳар ҳолда шу даврларда (VII—IX аср ўрталари) тотор этник уюшмасидагилар (ўттиз тўққиз этник сонлар) уруғдан катта-қабила бўлиши керак. Уйғур хоқонлиги емирилгандан кейин тоторларнинг маълум қисми кимакларга қўшилган. Сўзсиз кимакларга қўшилган қисми фақат бир қабила бўлмаган: ўша ўттиз ёки тўққиз тоторларнинг ҳар бир қисми ёки айрим гуруҳлари кимаклар таркибига кирган бўлиши мумкин. Тоторларнинг айрим гуруҳлари уйғурлар билан чекиниб, Шарқий Туркистоннинг айрим вилоятларига ўрнашган. Қаранг: Кумеков Б. Е. Кўрсатилган асар. 41—42-бетлар.; баъзи гуруҳлари эса ўз юрларида Мўғулистонда қолиб, қирғизларга тобе бўлган бўлиши керак.

<sup>3</sup> Кюше, Цеюе шэ, Цаюеше этноними қипчоқ қабиласининг номи билан тенглаштирилади. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 3-жилд. М-Л., 1953; 83, 210-66. Бернштам А. Н. Древнетюркские элементы в этногенезе Средней Азии, СЭ, 1947, вып. VI—VII С. 154; Гумилев Л. Н. Динлинская проблема. ИВГО. Т. ХСІ. М-Л. 1959. Яна ўша муаллиф. Хуны. М. 1960. С. 65.

<sup>4</sup> Қипчоқлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Шоннёзов К. Ш. К этнической истории Узбекского народа. Ташкент. 1974.

номаларида кюше номи билан милоддан олдинга III— I асрларда тилга олинади<sup>1</sup>. Уша даврларда қипчоқлар Олтой тоғларининг ғарбий қисмида, Алей (Об дарёсининг ўзанларидан бири) ва Уба (Иртиш дарёсининг ўнг ўзани) дарё водийларида яшаган. Милоддан олдинги III—I асрларда қипчоқлар, бир қанча бошқа турк қабилалари қаторида хунларга, милодий II—III асрларда санбийларга тобе бўлганлар. IV асрдан то VI асргача қипчоқлар устидан жужонлар ҳукмронлик қилганлар; VII аср ўрталаридан улар (қипчоқлар) ғарбий турк хоқонлигининг тасарруфида бўлган.

VI асрнинг охирларида шарқий Турк хоқонлигининг сиёсий маркази Ўрхун дарё бўйларига кўчирилгач, бу хоқонликка бўйсунган қипчоқларнинг бир гуруҳи (асосан юқори табақали уруғ бошлиқлари, бой чорвадорлар) Олтойдан чиқиб Ўрхун ва Селенга дарё оралиғига бориб жойлашганлар<sup>2</sup>. Бу ердаги қипчоқлар (буларни шартли равишда Ўрхун гуруҳи деб атаймиз), Шарқий Турк хоқонлигининг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Тува ва шарқий Мўғулистонда яшовчи уйғурлар 50 йил давомида (VII аср охирларидан то VIII асрнинг биринчи чоракларигача) Ўрхун қипчоқларининг тасарруфида бўлганлар. Бу ҳақда уйғур хони Мойунчурга қўйилган қабр тошларидаги битикларда қайд қилинган.<sup>3</sup>

Қипчоқларнинг асосий қисми Олтойнинг жанубий-ғарбий минтақаларида қолган эди. Шарқий Турк хоқонлари билан рақобатда бўлиб келган Ғарбий турк хоқони Дулухон шимолий-шарқий (Ғарбий турк хоқонлигининг марказий ҳудудларига нисбатан) минтақаларга ҳарбий юриш қилиб 641 йили бир қанча қабилаларни, жумладан қипчоқларни ҳам ўзига тобе этган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 50-бет.

<sup>2</sup> Потапов Л. П. Очерки истории алтайцев, М.-Л., 1953, С. 82, 144.

<sup>3</sup> Малов С. Е. Памятник древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. С. 38. Уйғурлар VII аср охирларида Шарқий Турк хоқонлиги тасарруфида бўлганлар. Шарқий Турк хоқонлиги уйғурлар зарбаси остида VII аср охири — VIII аср бошларида уйғурлар қипчоқларга тобе бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Аниқ маълумот бўлмаганлиги туфайли бу масалага ижобий жавоб бериш қийин. Фақат тахминлаб айтиш мумкинки, айрим қипчоқ қабила бошлиқларига, ҳарбий саркардаларга кўрсатган хизматлари учун турк хоқонлари томонидан тақдирланиб, уйғурлар устидан ҳукмронлик қилишга рухсат берган бўлишлари мумкин. Уша даврларда шу хилда тақдирлаш олат тусига қириб келган эди.

<sup>4</sup> Chavannes E. D. Documents sur les Toukioues (Tues) accidentoux. P. 28, 29.

Дулухонга тобе қипчоқлар Олтойда яшар эдилар. VII аср охирлари — VIII аср бошларида бу қипчоқлар турк хоқонларига қарам бўлишни хоҳламасдан Иртиш дарёсининг чап соҳилларига кўчиб ўтадилар.

V аср охири — VII асрларда ғарбга кўчган қипчоқлар Иртиш дарёсининг сўл томонларида (бу ерларда улар кимаклар билан ёнма-ён яшаганлар) Ишмил ва Тобол дарё водийларини эгаллаган бўлиши керак<sup>1</sup>. Шу даврдан бошлаб қипчоқ қабила бирлиги бирмунча кучайди ва хазарлар билан иттифоқдош бўлиб Кавказ ҳудудларига ҳарбий юриш бошлайдилар. 722—728 йиллар улар Аррон (Озарбайжон) ва Арманистонда бўлиб, араблар билан жанг қилганлар<sup>2</sup>. 765 йили бошқа турк қабилалари билан бирлашиб Грузия ҳудудига бориб, араблар билан урушадилар<sup>3</sup>. VIII аср охирларида, юқорида қайд қилингандек қипчоқлар қарам бўладилар. Кейинчалик (IX асрда) қипчоқлар яна ҳам ғарбга силжиб (Урал) дарёсининг юқори оқимларини, Ор ва Илек (Ёйиқни чап ўзани) дарё яқинидаги чўлларни эгаллайдилар. IX—X асрлар давомида улар Эмба ва Волга оралиғидаги ҳудудларни ҳам қўлга киритадилар<sup>4</sup> ва бу ерларда яшовчи печенег (бижанак) қанғли, юз<sup>5</sup> ва бошқа туркийзабон қабилалар билан қўшни бўлиб қолган эдилар. Номлари тилга олинган қабилалар қипчоқларга тобе бўлиб қолади. Ғарбга силжиб бораётган қипчоқ гуруҳини шартли равишда ғарбий қипчоқлар деб номлаймиз. X аср охири XI аср бошларида ғарбий қипчоқлар кимаклар қарамлигидан батамом озод бўлиб, ўзлари йирик қабила иттифо-

---

<sup>1</sup> Иртиш дарёсининг юқори оқимлари то ҳозирги Семипалатинский вилоятигача бўлган районлар VI—VIII асрда қарлуқлар эгаллаган эдилар. Қаранг: Шониёзов К. Ш. Узбеки-карлуки. С. 13—147. Шундоқ бўлган тақдирда қипчоқларнинг ғарбга силжиб эгаллаган ҳудудлари тахминан қарлуқларнинг шимоли-ғарбда, Иртиш дарёсининг чап соҳилларида ва Тобол (Иртишнинг ўзанлари) дарё водийларида бўлиб чиқади.

<sup>2</sup> Буниятов Зия, Азарбайджан в VII—IX вв., Баку, 1965, с. 109.

<sup>3</sup> Уша жойда.

<sup>4</sup> Қипчоқларни бу ҳудудларда жойлашганлиги бир неча тарихий манбаларда қайд қилинган. Қаранг: «Худуд ал-алам», 10, 17, 18, 19-бб. Маҳмуд Қошғарий, 1 жилд, 64-б, Хвольсон Л. А. Известия о хазарах, болгарах, мадыарах, словаках.... СПб, 1889, С. 49. Geographic d' Aboulfedr, p. 293—294.

<sup>5</sup> Бу ерларда печенег, қанғли ва уз қабилаларининг фақат бир гуруҳи яшар эди, уларнинг бошқа қисмлари ҳақида пастроқда гапирилади.

қини ташкил қилганлар. XI асрнинг 60-йиллари қипчоқлар Волга бўйларидаги (булғорлардан пастроқдаги) ҳудудларни эгаллайдилар<sup>1</sup>.

Урол денгизининг шимоли-ғарбидаги минтақаларда, Волга дарёсигача бўлган ҳудудларда, қипчоқлар келмасдан олдин, бир қанча туркийзабон қабилалар яшаганлар, шулардан энг йириклари печенег, қанғли ва ўз этник гуруҳлари бўлиб, булар бу ерларга VIII—IX асрлар давомида келиб қолган эдилар.

Печенеглар VIII—IX асрларда Ёйиқ — (Урол) дарёси билан Волга дарё оралиғидаги яйловларда яшаганлар<sup>2</sup>. Уларнинг айрим қисмлари Урол дарёсидан шарқда то Уил дарёси соҳилларигача бўлган районларда ҳам жойлашган бўлганлар. Печенегларнинг шимолий чегаралари Урал тоғи этақларигача борган. Уларнинг яйловлари Волганинг юқори оқимларида, ҳозирги Жигули то-

---

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 64-бет. Қипчоқларнинг кейинги даврлардаги тарихий тақдири ҳақида қаранг: Плетенева С. А. Печенги, тюрки, и половцы в южнорусских степях — МИА, 1958, № 62; Яна ўша муаллиф, Половцы, М. 1990; Анчабаузе Э. В. Кипчаки северного Кавказа по данным грузинских летописей XI—XIV вв. Сб. МНСПБ. Налчик, 1960; Федорова-Левидов В. Кочевники Восточной Европы под властью монгольских хонов, изд. МГУ, С. 149—150; Шаниязов К. Ш. К этнической истории Узбекского народа. Ташкент. 1974. С. 54—64.

<sup>2</sup> То VIII асрларгача печенеглар Амударёнинг дельта қисмларида, Урол денгизининг жанубидаги минтақаларда, Сирдарёнинг куйи оқимларида яшаганлар. (Қаранг: Marquart J. *Ostergaische und ostasiatische streifzüge...* Leipzig 1903); Толстов С. П. Огузи, печенеги и моря. Докура. Заметки по исторической этнонимике, Восточного Приаралья, СЭ, 1950, № 4, С. 51—52; Жирмундский М. Следы огузов в низовьях Сыр-Дарьи. Тюркологический сборник. М.-Л., 1951, С. 93—102; Кляшторный С. Г. (Қаранг: Древнетюркские рунические памятники. М., 1964, С. 177—179). Фараз қилишича печенеглар VII асрнинг ўрталаригача Сирдарёнинг ўрта оқимларида жойлашган бўлганлар. Балки айна шу асрда (VIII асрнинг ўрталарида) гуз (ўғуз)ларнинг сиқиғи натижасида печенегларнинг бир қисми кўчиб Каспий денгизининг шарқий минтақаларига, Урол-Волга дарё оралиқларига бориб қолгандир. Сирдарёнинг ўрта оқимларида ва Урол олди районларида қолган печенеглар ўғузларга тобе бўлиб ўз яйловларида қолганлар; Ўғузларнинг 24 қабилиси ичида печенег (бужанак, бичике, бежене) тарзида этнонимини бўлиши (Қаранг: Қошғарий Маҳмуд. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 275-б; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. 1-жилд, 2-китоб, 89-б. Кононов А. Н. Родословная туркмен. Сочинения Абу-л-Гози-хана Хивинского. С. 249.) фикримизнинг далили бўлади. Печенегларни айрим гуруҳлари Хоразм ҳудудида қолиб, Амударёнинг куйи оқимларида, Сарикамишдан шимоли-шарқдаги яйловларда яшаганлар (Қаранг: Абу Райхон Беруний. Геодезия. Избранные произведения, Т. III. Исследование. Перевод и примечания. Булгаков П. Г. Ташкент, 1966, С. 95).

гида ҳам бўлган. Идриси бу тоғни Печенеглар тоғи деб атаган<sup>1</sup>. Печенеглар таркибида банғли, сармат ва баъзи фин-угор қабилалари ҳам кирган<sup>2</sup> бўлиб, йирик қабил аиттифоқи ҳисобланган.

Печенеглардан шарқда, уларга қўшни бўлиб узлар яшар эдилар<sup>3</sup>. Узларнинг асосий қисми Эмба, Уил ва Урол дарёларининг ўрта ва қуйи оқимларида яшаганлар. Уларнинг чиқиб келиши ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Фақат тахминан айтиш мумкинки, булар VI—VIII асрларда Ғарбий Турк хоқонлигида, VIII асрнинг биринчи яримларида эса тургашлар таркибида бўлганлар. Қарлуқлар Еттисувни эгаллагач ўзларининг катта бир гуруҳи Орол денгизининг шимоли-ғарбидаги минтақаларга бориб ўрнашдилар. Буларнинг иккинчи бир гуруҳи Сирдарёнинг ўрта оқимларида қолиб ўғузлар таркибига кирган<sup>4</sup>.

IX аср ўрталарида узлар иқтисодий жиҳатдан ку-

---

<sup>1</sup> Плетенев С. А. Печенеги, тюрки и половцы в южнорусских степях. МИА. № 62, С. 162.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Узлар ва уларнинг яшаган ҳудудлари ҳақида қаранг. Шониёзов К. Ш. Узы (Из истории родоплеменных делений узбеков) ОНУ, 1980, № 2, С. 69—73.

<sup>4</sup> Баъзи олимлар ўзларини ўғузлар билан чалкаштирадilar, яъни уз ва ўғуз атамалари (уларнинг таъбирича) бир халқнинг номи. (Қаранг: Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V., С. 42; Коркуд. Соч. Т. V, С. 236) учинчи илова); Плетенев С. А. Печенеги, тюрки и половцы в южно-русских степях. 964; Половцы. III., 1960, С. 22; Агаджанов С. Г. Очерки оргузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв; Ашхабад, 1969, С. 129, 159, 161. Бундай таъбирини олдинга сурган олимлар аниқ бир далил келтирмайдилар, уларнинг фикрлари этнонимларини англагувчи икки (Ўғ-ўғуз) сўзни яқинлигига (жарангдошлигига) асосланган холос. Хитницкий И. А. (Қаранг: Смена народности в Южной Руси. Киевская страна, июль, 1883, С. 439). ўзларини печенеглар деган. Расовский Д. А. (Қаранг: Половцы, *Seminarium condakoratianum*, VII—IX proga, 1935; p. 251 ўзларни жанубий рус чўлларида яшовчи турк (турклар билан тенглаштирган. Ҳақиқатда эса ўз этносини номлари тилга олинган халқлар билан умумлиги бўлмаган; узлар мустақил, қадимий туркийзабон қабилалардан бири эди. Ўзбек сўзининг келиб чиқишини узлар билан ҳам боғлайдилар. Масалан, Эрматов М. М. (Қаранг: К вопросу о происхождении названия узбеков. Ташкент, 1964, С. 154—155). Уз ва аз атамалари бир халқнинг номи деб таъкидлайди. Унинг бундай дейишининг боиси, ўзбек халқининг номи (Ўзбек) уз ва аз этник номларидан келиб чиққан деган нотўғри фикрни тасдиқлаш эди. Шу хилдаги нотўғри талқинларга таяниб Агаева Р. А. ўзининг китобида (Страны и народы. Происхождения названий. М. 1990. С. 162) Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1313—1342) номи бир вақтларда Ўрта Осиёда яшаган узлар номидан келиб чиққан дейди. Бу фикр ҳам нотўғри албатта.

чайиб, катта ҳарбий куч йиғадилар ва печенеглар билан рақобатда бўладилар<sup>1</sup>. Узларнинг асосий мақсади печенеглар эгаллаб турган Урол-Волга оралигидаги серўтли яйловларни эгаллаш бўлса керак. IX аср охирида узлар ҳазарлар билан иттифоқда бўлиб печенегларга ҳужум бошлайдилар ва уларни жойларидан сиқиб чиқарадилар. Печенеглар чекиниб Волгани кечиб ўтиб, жанубий рус чўлларига бориб ўрнашадилар. Бу воқеаларни кузатган Константин Багрянородный, уларни қуйидагича таърифлайди: «печенеглар даставвал Узлар билан қўшни туриб Атил (Волга дарёси — К. Ш.) ва Гейхе (Урол дарёси — К. Ш.) оралигида яшар эдилар. Бундан эллик йил муқаддам<sup>2</sup> узлар хазарлар билан иттифоқда бўлиб печенеглар билан урушадилар; жангда устун чиқиб, печенегларни (жойларидан) сиқиб чиқариб, уларни ерларига Узлар ҳозирги вақтга қадар эгаллик келмоқдалар»<sup>3</sup>. Бошқа бир ерда Константин Багрянородный «Печенеглар билан фақат узлар уришиши мумкин эди; узлар хазарларга катта куч (қўшин) билан урушга борар эдилар», деб ёзган эди<sup>4</sup>. Келтирилган маълумотлардан шу даврларда узлар жанговор кучга эга эканлигидан ва қабилавий курашларни кескинлашиб боришидан далолат беради.

Константин Багрянородныйнинг аниқлашича узлар печенегларни таъқиб остига олиб, уларни Волгадан ўтказиб юборадилар; Печенегларнинг яйловларини батамом эгаллайдилар. Лекин бу ҳудудда узлар ҳам узоқ яшаб туролмайдилар. Булардан шимоли-шарқда жойлашган қипчоқлар X асрнинг яримларида қўшни қаби-

---

<sup>1</sup> Шу давр воқеалари, шахсан печенег ва узлар ўртасидаги рақобат бир қанча муаллифларнинг асарларида акс этган. Қаранг: Константин Багрянородный. Об управлении государственным. Известия Государственной академии Истории материальной культуры. М.-Л., 1934, Васплевский В. Г. Византия и печенеги. Журнал министерство народного просвещения. № 11. С. 136—137. Анна Комнина. Алексиада. М. 1965, С. 175. 214. 224. Узлар. Масъудий (Қаранг: Dosson K. Les pluples olu saucage puris 1882, p. 117.) ва арман тарихчиси Мартин Эдисский (XX аср) (Қаранг: Бартольд В. В. Новый труд о половцах. Соч. Т. У. С. 327) асарларида ҳам эслатиб ўтилган.

<sup>2</sup> Константин Багрянородныйнинг асари 948—952 йилларда ёзилган. Бу ерда баён қилинган воқеалар китоб ёзилишдан эллик йил олдин бўлган бўлса, унда узлар билан печенегларни урушган йиллари IX аср охири X аср бошларига тўғри келди.

<sup>3</sup> Константин Багрянородный. Кўрсатилган асар. 15-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 10-бет.

лаларга, жумладан узларга тез-тез хужум қилиб турар эдилар. Рақибларига бас келолмаган узлар яйловларини ташлаб, жанубий Рус чўлларига ўтиб, Дон дарёсининг чап соҳилларига бориб жойлашгандилар<sup>1</sup>. Бу дарёнинг ўнг соҳилларидаги минтақаларни хазарлар эгаллаб турар эдилар<sup>2</sup>.

Ғарбга печенегларнинг ҳаммаси ҳам кетиб қолмаган эди, уларнинг гуруҳлари ўз жойларида қолиб узларга, кейин қипчоқларга тобе бўлганлар. Ибн Фадлан (X асрнинг биринчи чорагида) печенегларнинг Черкар кўли яқинида учратган эди<sup>3</sup>. Печенегларнинг бу гуруҳидан шимолда, уларни қўшни бўлиб бошқирлар турар эди. Бошқирлар Урол тоғларининг ҳар иккала томонида Волга, Тобол дарё бўйларида Ёйиқ (Урол) дарёсининг юқори оқимларида жойлашган эдилар. Волга дарёсини ўрта<sup>4</sup> оқимларида Волга бўйи булғорлари яшар эдилар.

Хазарлар Волганинг қуйи оқимларида Каспий денгизининг шимоли-ғарбидаги чўлларда яшар эдилар. Милодий VII асрнинг ўрталарида Хазар давлати вужудга келади<sup>5</sup>. Бу давлат Ғарбий турк хоқонлигининг давоми эди.

Ғарбий турк хоқонлиги инқирозга учрагач, уни бошқариб турган Ашина авлодларидан бўлган хон уруғаймоқлари билан VII аср ўрталарида Еттисувни тарк этиб, хазарларга бориб қўшиладилар ва улар орасида турғун бўлиб қоладилар. Ашина авлодлари бир қанча турк қабилаларини бирлаштириб, янги давлат — Хазар давлатига асос соладилар. Хазарлар ўзларини Ғарбий турк хоқонлигининг ворислари ҳисоблаб, янги давлатни хоқонлик деб, давлат бошлиғини — хоқон деб атайдилар.

<sup>1</sup> D' Ohsson К. Кўрсатилган асар. 117-бет.

<sup>2</sup> «Худуд ал-олам» (X аср ўрталари) асарида ғарбга кўчган печенегларни икки гуруҳи қайд қилинган. Бу гуруҳларнинг бири Днепр ва Дон дарё оралиғида, иккинчи гуруҳи эса Дон дарёси (унинг қуйи оқимлари) билан Кубан дарё оралиғида ўрнашган бўлган. Қаранг: Плетнева С. А. Половцы. С. 10, 11.

<sup>3</sup> Ковалевский А. П. Книга Ахмед ибн-Фадлан о его путешествии на Волгу в 921—922 гг. С. 130.

<sup>4</sup> Очерки истории СССР, IX—XIII вв. С. 55, 88, 717—734.

<sup>5</sup> Хазарлар тарихи, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаёти тарихий асарларида кенг ёритилган. (Қаранг: Артаманов М. И. История хазар, Л. 1962, Плетнева С. А. Хазары, М. 1986. Хазары, В кн.: Исчезнувшие народы. М., 1988, С. 49—60. Биз бу ерда хазарлар ҳақида фақат умумий тушунча бериб, уларни умумтурк дунёси билан бевосита боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб ўтдик холос.

Хазарлар гун<sup>1</sup> қабилаларининг қолдиқлари эдилар. Маълумки милодий IV асрда кўчманчи хунлар Каспий олди ва Дон чўлларини эгаллаган эдилар. 454 йил Хун империяси инқирозга учрайди ва шундан кейин унинг таркибидаги қабилалар мустақил яшай бошладилар. Тарихий манбаларда гунларнинг бир қанча қабилалари қайд қилинган, шулардан асосийлари: акасирлар, барсиллар, сарагурлар, ўроғлар, савирлар<sup>2</sup>, аварлар<sup>3</sup>, ўтигулар, кутигурлар, булғорлар, хазарлар бўлган<sup>4</sup>. Буларнинг барчаси туркийзабон қабилалар эдилар.

VI аср охиридан то VII асрнинг 30-йилларигача Каспий, Қора денгиз олди чўлларида яшовчи қабилалар Фарбий турк хоқонлигига тобе бўлган эдилар. Хоқонлик инқирозга учрагач бу қабилалар мустақилликка эришадилар. Шу даврларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиб бораётган энг етук қабилалар булғор ва ҳазарлар бўлган.

Милодий 635 йил мустақил Улуғ Булғор давлати вужудга келади<sup>5</sup>. Бу давлатга кирган қабилалар асосан Азов олд чўлларида ва Таман ярим оролларида яшар эдилар.

Улуғ Булғор давлатини Фарбий турк хоқонлари — турк хоқонлигига асос солган Ашина авлодлари билан рақобатда бўлиб келган дулу<sup>6</sup> қабиласидан чиқ-

---

<sup>1</sup> Гун атамаси қадимда Марказий Осиёда мавжуд бўлган йирик этник уюшмани номи бўлган. Милодий II асрда Хун империяси енгилгач, Хунларнинг катта бир қисми ғарбга кўчиб, III—IV асрларда Шарқий Европа ҳудудларига кириб борадилар. Ана шу ғарбга кетган хунларни, уларнинг бошқа гуруҳлари билан аралаштирмаслик учун, Европа ва баъзи рус олимлари Гун атамасини ишлатганлар. Қаранг: Гумилев Л. Н. Хунни. М., 1960. С. 242—248.

<sup>2</sup> Савир (сабир)ларнинг қадимги ватани ҳозирги Қозоғистондаги шимоли-ғарбий ҳудудларида бўлган. Бу ерлар VII асрда ҳам сабир деб номланган эди. (Қаранг: Гумилев Л. Н. Древний тюрки, 160-б.). Савир (сабир)лар Волга ва Каспий денгизининг ғарбий минтақаларига бориб қолиши хунлар (гунлар) ҳаракати билан боғлиқ бўлиши керак. Кейинчалик булар хазарлар таркибига кирган.

<sup>3</sup> Бу ерда эслатилган аварлар Осиё қитъасида (Жунғорияда ва Ила дарё бўйларида) қолиб кетган ҳақиқий аварлардан (араб) фарқ қилади. Хазар қабила иттифоқидаги авар фин-уғор ва хун парчаларини аралашмаларидан ташкил топган бўлиши керак. (Қаранг: Гумилев Л. Н. Древний тюрки. 35-б.).

<sup>4</sup> Плетнева С. А. Ҳазары. С. 14.

<sup>5</sup> Плетнева С. А. Ўша жойда. 20-бет.

<sup>6</sup> Дулу, Фарбий турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқларидан (ун ўқли қабилаларидан) бўлган. Дулу VI—VII асрларда асосан Жунғорияда, Ила дарё водийларида яшаб, хоқонликни қўлга олиш учун курашиб келганлар. 640 й. Фарбий турк хоқонлиги туркешлар қўлига ўтач, уларга итоатда бўлишни хоҳламаган Дулулар-



қан Кубартхон бошқарар эди. Аммо оз вақтлардан кейин (тахминан VII асрнинг 40-йиллари) Кубарт ташкил қилган давлат (тахминан VII асрнинг 40-йиллари) унинг ўлимидан кейин бузилиб, бир неча қабила уюшмаларига (Ўрдаларга) бўлиниб кетади<sup>1</sup>. Айни шу даврларда хазар давлати ҳам ташкил топади. Хазарлар инқирозга учраган Улуғ Булғор худудини ўзига қўшиб олмоқчи бўладилар. Булғорларнинг фақат бир қисми хазарларга қўшилади, уларнинг катта бир гуруҳи (хазарлар хукмронлигини хоҳламаганлари) чекиниб, Рум империясининг чегара районларига бориб ўрнашадилар.

Шу даврда Хазарлар Доғистонда, денгиз яқинида яшовчи савир (сабир) хоқонлигини ҳам тобе этганлар. Шундай қилиб, Волганинг қуйи оқимларида, Шимолий Кавказнинг Шарқий қисмида, Азов денгизи яқинидаги чўлларда яшовчи бир қанча туркийзабон қабилаларнинг бирлашишлари натижасида илк феодал давлат — Хазар хоқонлиги вужудга келади. Хоқонликнинг

---

нинг бир қисми ўз шаҳарларини ташлаб ғарбга кўчиб кетганлар. Балки шу кетишда дулуларнинг бир гуруҳи бориб Булғорларга қўшилгандир. Турк хоқонлиги таркибида бўлиб, қабилавий курашларда чиниққан дулулар саркардаси Кубарт булғорлар билан яқинлашиб, уларни бирлаштириб Улуғ Булғор давлатини ташкил этган. Воқеа шу хилда рўй берган бўлганда Улуғ Булғор давлатини ташкил этгани 635 й. эмас, 640—645 й. бўлар эди, аммо илмий асарларда (Масалан, С. А. Плетеневани асарларида) Булғор давлати тахминан 635 й. ташкил топган, 640 й. Курбат ўлимидан кейин емирилган дейилган (Қаранг: Плетенева С. А. Хазары, 14—15-бб.). Шундай бўлган тақдирда дулулар булғор заминига VII асрнинг 30-йиллари туркешлар Ғарбий турк хоқонлигини қўлга киритмасдан олдинроқ Етгисувдан кетган бўлиб чиқади. Кўриниб турибдики, бу масаланинг ечими ҳал бўлмаган.

<sup>1</sup> Улуғ Булғор давлати инқирозга учраганидан кейин бир неча қисмларга бўлиниб кетади. Буларнинг бир қисми, юқорида қайд этилганидек хазарлар таркибида қолади; иккинчи бир қисми VII асрнинг иккинчи ярмида Болқон ярим оролига (бу ўша даврларда Рум империясида эди) бориб ўрнашадилар ва кейинчалик, туб ерли халқлар билан араллашиб славянлашиб кетадилар. Булғорларнинг яна бир қисми ҳозирги булғорларнинг илк аждодларидан (протобулғорлар) бири бўлиб, бу худудда ташкил топган элат, кейинчалик миллатга ўз номларини берганлар. (Қаранг: История Булгории. Т. I—II., М., 1954—1955 гг.) Улуғ Булғорларнинг маълум бир гуруҳи VII асрнинг иккинчи ярмида Волга бўйларига келиб ўрнашадилар ва шу ерларда яшовчи угро-фин қабилалари билан араллашиб кетадилар. Бу булғорлар то X аср Хазар хоқонлигига тобе бўлиб, шу асрда мустақил булғор давлатини ташкил этадилар. (Қаранг: Смирнов А. Н. Волжские болгары. М. 1951.). Шимолий Кавказда ҳозир яшаётган Болгарлар ҳам қадимги булғорларнинг кейинги авлодлари бўлиши керак.

марказий шаҳри VIII аср бошларигача Самандар (Догистонда) бўлиб, кейин Волганинг қуйи оқимларидаги Итил (Идел) шаҳри бўлган.

Хазар ҳоқонлигининг (VII асрнинг иккинчи ярми — X аср ўрталаригача) кўп йиллари ички ва ташқи курашларда ўтган. Ҳоқонликка бирлашган қабилаларнинг баъзилари мустақилликка интилса, бошқалари мансабга интилиб, ҳоқонликни қўлга олиш ниятида бўлган. Бу ниятдаги қабилаларнинг айримларини куч билан, баъзи қабила бошлиқларига юқори мансаб ва унвонлар бериш билан, айримларига ўтлоқ яйловлар ажратиб бериш ва бошқа тадбирлар билан уларни сақлаб келган эдилар. Энг оғири ташқи душмандан ҳимоя қилиб ўз мустақилликларини сақлаб қолиш эди. Рақиблар оз эмас эди; Кавказ орқасидаги ҳудудларни эгаллаб унинг шимолига ўтишга интилаётган араблар, Византия империяси, Рус князлари ва кўчманчи туркий қабилалар (печенег, уз) асосий рақиблари бўлган. Сўзсиз буларнинг айримлари билан кези келганда дўстона алоқада ҳам бўлганлар (масалан, Византия билан, Киев князлари билан). Лекин бу вақтинчалик келишувлар эди. Узлуксиз курашлар натижасида X аср ўрталарида Хазар ҳоқонлигининг аҳволи танг бўлади. Инқироздан чиқиб ҳоқонликни сақлаб қолиш мақсадида хазарлар Хоразм шаҳрининг (ислом динини қабул қилиш эвазига) ҳомийлигига ўтадилар. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги ҳам емирилиб бораётган хазар давлатини сақлаб қололмайди. Қарийб уч аср давомида ҳукмронлик қилиб келган Хазар ҳоқонлиги X асрнинг иккинчи ярмига келиб батамом емирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Хазар ҳоқонлиги тарихида маълум из қолдирган. Хазар ҳоқонлиги Волга бўйларида, Жанубий рус чўлларида, Қримда, Шимолий Кавказда яшовчи бир қанча туркийзабон қабилаларни бирлаштирди, уларни иқтисодий, маданий тараққиёти учун шароит ҳосил қилди ва шу билан кейинчалик бир қанча турк элатларини вужудга келишига замин тайёрлади.

Фарбий турк ҳоқонлигининг таназзулидан кейин ташкил топган йирик этник уюшмалардан яна бири Ўғуз (араб-форс манбаларида гуз) этноси бўлган. Булар ҳақидаги аниқ маълумотлар даставвал IX—X асрларга оид араб-форс тилида ёзилган ва географик асарларда қайд қилинган. Шу асарларда булар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизига

яқин чўлларда, ҳозирги Туркменистоннинг ғарбий минтақаларида яшаганлар<sup>1</sup>. Истахрийнинг маълумотларига қараганда, унинг даврида (X аср) ўғузлар Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисмидаги чўлларда ҳам яшаганлар. Ўғузлар билан қўшни халқлар қаторида Истахрий ғарбда — хазарлар, шарқда Волга бўйи булғорларни, шимоли-шарқда — кимакларни, шарқда қарлуқларни эслатиб ўтади<sup>2</sup>. Ўғузларнинг шу ҳудудларда яшаганлиги Масъудий (X аср) ва бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам қайд қилинган<sup>3</sup>.

Манбаларда келтирилган маълумотлардан ўғузлар IX—X асрларда жуда катта кенгликда жойлашган бўлган деган тушунча ҳосил бўлган. Шундай бўлган деб фараз қилайлик. Лекин ўғузларнинг IX—X асрларда Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисмида (Эмба дарёсидан то Волга дарёсигача бўлган ҳудудда) ўғузлар яшаганлиги гумон бўлса керак.

Юқорида Константин Багрянородный ва бошқа муаллифларнинг асарларига асосланиб, бу ерларда IX—X асрларда печенеглар, кимаклар, ўзлар, қипчоқлар ва бошқа элатлар жойлашганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Бу минтақаларда аниқроғи Челкар кўли атрофида ва Урол дарё бўйларида печенеглар яшаётганлигини ўз кўзи билан кўрган ва улар билан мулоқотда бўлган Бағдод халифи томонидан Волга бўйи булғорларига 921—922 й. элчи бўлиб борган Ибн Фадланнинг асарида ҳам қайд қилинган<sup>4</sup>. Бу муаллифнинг ва шунингдек, қарийб бир вақтда (IX аср охири X аср бошларида) берилган Константин Багрянородныйнинг маълумотларига ишонмасдан бўлмайди. Гарчи шундай экан Истахрий, Масъудий ва бошқа тарихчи-географларнинг асарларида Эмба—Волга дарёларининг ораллигида яшовчи халқлар ўғузлар эканлигига ишонч ҳосил қилиб бўлмайди. Ана шу ноаниқ далилларга асосланиб баъзи тадқиқотчи олимлар (Масалан, С. М. Соловьёв, С. А. Плетнева, С. Г. Агаджанов ва бошқалар) ўз қабилиаси-

---

<sup>1</sup> Ўғузлар, улар ҳақидаги тарихий ва географик асарлар ва ўғузларнинг яшаган ҳудудлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. Ашхабад, 1989.

<sup>2</sup> МИТТ, Т. I. М.-Л., 1939, С. 167, 177—178.

<sup>3</sup> МИТТ, Т. I. Агаджанов С. Г. Кўрсатилган асар, 72—85-бетлар.

<sup>4</sup> Ковалевский А. П. Книга Ахмеда ибн Фадлана, о его путешествии на Волгу в 921—922 гг. С. 130.

ни ўғуз қабиласи билан чалкаштириб, яъни бу икки этноним бир халқнинг номи деб уқтириб, кейингиларни (ўғузларни) Каспий денгизининг шимоли-шарқидаги худудларида (Эмба—Волга дарё оралиғида) яшаган деб хато айтганлар.

Ўғузларнинг асосий қисми IX—X асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизининг жануби-шарқий ва шимолий-шарқидаги чўлларда жойлашган эди.

Ўғузларнинг айрим гуруҳлари Шош воҳасида (Келес чўлида, Уғам ва Чотқол тоғ этакларида) қарлуқлар билан ёнма-ён яшаб келганлар<sup>1</sup>. Мусулмонлар динини қабул қилган ўғузлар ўтроқлашиб воҳадаги шаҳар ва қишлоқларда ўрнашиб қолганлар. Масалан: Ибн Ҳавқалнинг (X аср) маълумотларидан аниқланишича мусулмон ўғузлар ва қарлуқлар бирга Бискенд шаҳрида<sup>2</sup> яшаганлар. Узларнинг кичик бўлимлари Дехистонда ва Каспий денгизининг шарқий қисмида Балхан тоғларида ҳам яшаган<sup>3</sup>.

Араб-форс тарихий-географик асарларида ўғузлар ҳақида аниқ маълумотлар IX—X асрларга оид бўлса ҳамки, улар Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги чўлларда ўша асрларданоқ, яшаб келган бўлиши керак. Милодий VII асрнинг 40 йилларида Фарбий турк хоқонларидан бири Ибн Шугун-хон Жунғорияда тобе этган қабилалар қаторида гусу (гусу) этнонимини ҳам тилга олади<sup>4</sup>. Таниқли хитойшунос олим Ю. К. Зуев бу атамани (гу-су)ни ўғуз (ғуз) этноси билан тенглаштиради.<sup>5</sup>

Ал-Масъудий (X аср) Сирдарё бўйларида яшовчи ўғузларни (ғузларни) тилга олиб, улар учта:

<sup>1</sup> Агаджанов С. Г. Кўрсатилган асар, 75-бет.

<sup>2</sup> МИТТ, Т. I, С. 184. Бискенд-Илк ўрта асрлардаги шаҳар-қўғон; Ҳозирги Пискент ўрнида, ёки унинг яқинида бўлган.

<sup>3</sup> Абу Райхон Беруни. Геодезия. Избранные произведения. Т. III., Ташкент, 1966, С. 95. Яна шу кишиники. Канон Масъуда. Т. V. «Фан», 1973. С. 470—47.

<sup>4</sup> Ибн Шугуйхон Жунғорияда яшовчи бешта қабилани тобе этган эди; булар: Чуюе, чуми, гусу, гэлолу (қарлуқлар), нушуби (фарбий турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқларидан бири). Олдинги икки қабила (Чуюе, чуми) хун қабилаларининг Жунғорияда қолган авлодлари; Гу-су-ўғузлар бўлиши керак. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 289-бет.

<sup>5</sup> Зуев Ю. А. Темги лошадей из вассальных княжеств. Тр. ИИАЭ АН Каз. ССР, Т. 8., 1960, С. 133.

қуйи, юқори ва ўрта гуруҳлардан<sup>1</sup> иборат бўлган. Бу гуруҳлар «туркларнинг энг жасурларидан» деб ёзган эди.<sup>2</sup> Масъудий уч гуруҳли ўғузларни бошқа турклардан бўйларининг пастлиги, кўзларининг кичиклиги (қисиклиги) билан фарқ қилишини таъкидлаган<sup>3</sup>.

Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги яйловларга келиб яшаётган ўғузлар, бу ерларда, улардан олдин яшаган бир неча қабилаларни тобе этиб, ўзларига қўшиб оладилар: печенег (бижанаг), қанғар (қанғли) ва абдал этнослари шулар жумласидандир. Уғузлар таркибига, шу ҳудудларда қадимдан яшаган сак-массагетлар қабилаларининг турклашган авлодлари (масалан аслар) ҳам кирган бўлиши керак. Кимаклар таркибидаги байнадур қабиласининг катта бир гуруҳи ўғузларга келиб қўшилган. VIII—IX аср давомида Жунғория, Шарқий Туркистон ва Етгисувда яшовчи қабилалар (қай, сарик, баёт<sup>4</sup>, мукри ва бошқалар) ёки уларнинг айрим гуруҳлари ҳам Сирдарё соҳилларига кўчиб келиб ўғузларга қўшилган<sup>5</sup>. Шундай қилиб, ўғузлар VIII—IX асрлар давомида Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги ҳудудларда йирик қабила иттифоқини ташкил этадилар; IX аср охириларида бу қабила иттифоқи асосида ўғуз давлати ву-

---

<sup>1</sup> Ал-Масъудий уч гуруҳ ўғузларни қайсисига нисбатан қуйи, юқори ва ўрта деб айтганлигини тушуниш қийин албатта. Балки Сирдарёнинг қуйи оқимларида яшаган ўғузларни қуйи гузлар, юқори қисмидагилари юқори гузлар ва ўрта қисмида жойлашганлари ўрта гузлар деб номлангандир. Қандай бўлишидан қатъий назар, Масъудийнинг ўғузларни уч гуруҳга бўлишини, уларнинг этник тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

<sup>2</sup> МИТТ, Т. I, С. 166.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Хитой манбаларида учрайдиган ба-ят Маҳмуд Қошғарий ва Абулғози асарларида эслатилган байат (баёт) этноними билан тенглаштирилади. Қаранг: Зуев А. Ю. Тамга лошадей из вассальных княжеств. С. 119.

<sup>5</sup> Маҳмуд Қошғарий асарида (Қаранг: Девону луғотит турк, 1-жилд. Тошкент, 1960, 89—90 б.) ўғузларни 22, Рашид-ад-дин (Сборник летописей, Т. I, М.-Л., 1962, С. 88—89) ва Абулғози (Қаранг: Кононов А. Родословная туркмен. Сочинение Абулгази хана Хивинского. М.-Л., 1958, С. 53—54.). 24 уруғининг (тўғрироғи қабиласининг) номлари келтиради. Шуларнинг ичида биз юқорида қайд қилган қай, баёт, печенег атамалари мавжуд. Сарик, абдал, мукри ва қанғли этнонимлари Туркман халқининг таркибида XX аср бошларигача сақланиб келган. Қаранг: Джикиев А. Очерки происхождения и формирования Туркменского народа и эпоху средневековья. Ашхабад. 1991. С. 266—276, 280.

жудга келади<sup>1</sup>. Ўғуз ябғуларининг қароргоҳи Янги-кент шаҳрида бўлган.<sup>2</sup>

Фарбий турк ҳоқонлиги инқирозга учраётган бир даврда Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларига араб халифалиги ҳужум бошлайди. Милодий 664—665 йиллари араблар Эрон Сосонийлари билан шиддатли жанглار олиб борадилар. Сосонийлар енгиладилар. Араблар Эрон худудига жумладан, Хуросон вилоятига ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар. Хуросонга араб халифалиги томонидан вали тайинланади. Унинг вазифаси босиб олинган ерлар ва фуқаролар устидан назорат ўрнатиш, бож-хирож йиғиш, ҳали тобе этилмаган Ўрта Осиёдаги бошқа вилоятларни бўйсундириш ҳамда мусулмон динини жорий этиш эди. Валининг қароргоҳи Марв шаҳрида бўлган.

674 йилдан бошлаб араблар кўшинлараро Мовароуннаҳрга талончилик юриш бошлайдилар. Улар Бухоро воҳасига, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимларига бир қанча шаҳар ва қишлоқларга бостириб кириб, талаб бойлик орттирганлар. Араблар Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари бўлмиш Бойканд, Бухоро, Насаф, Лобусия, Самарқанд ва бошқа шаҳарларни олиб, олтин кумушлардан йиғиб, бож солиб, кўп кишиларни қул қилиб Марв шаҳрига олиб кетганлар. Арабларнинг шу хилдаги босқинчилик юришлари то 705 йилгача давом этади.

Араб халифалигининг Мовароуннаҳрга, қарийб 30 йил давомида қилган ҳарбий юришлари талончилик билан ўтган эди. Мовароуннаҳр аҳолиси шаҳар ва кўрғонларни араблардан ҳимоя қилиб, кўп қурбонлар берган бўлсалар ҳамки, лекин жангларда чиниққан, тажрибали араб кўшинларига бас келолмас эдилар. Мовароуннаҳр худудиди мавжуд бўлган кичик давлатча-

---

<sup>1</sup> Ўғуз давлатининг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида қаранг: Агаджонов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. С. 86—162.

<sup>2</sup> Янгикент (арабча — Карьят ал-хадиса, ёки ал-мадина ал-Жадида, Форсий тилда — Дих-и нау) Сирдарёнинг куйи оқимларида, унинг чап қирғоқдан 6—7 км масофада бўлиб, Жанкент, деб аталади. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I., М., 1963, С. 235. Ал-Масъудийнинг (Қаранг: МИТТ, Т. I. С. 166) ахборотларида маълум бўлишича Янгикентда асосан мусулмон динини қабул қилган турклар яшаганлар, буларнинг ичида ўғузлар (ғузлар) кўпчиликти ташкил этган албатта.

лар<sup>1</sup> ўзаро курашлар ва ички низолар билан овора бўлиб, ўз кучлари билан ерларини босқинчилардан ҳимоя қилишга ожизлик қилганлар.

Бу кичик давлатлар қарийб икки аср давомида Фарбий турк хоқонлигига сиёсий жиҳатдан қарам бўлиб келган эдилар. Аммо VII асрнинг 30—40-йиллари булар, бирин-кетин, тобеликдан чиқдилар. Хуросонда, Тохаристонда ва Зарафшон воҳасида яшовчи туркий халқлар Мовароуннаҳр бошқа аҳолиси билан елкамаелка туриб араб қўшинлари билан жанг қилиб, ўз ерларини ҳимоя қилиб келганлар.

705 йил Қутайба ибн Муслим Хуросонга вали этиб тайинланади.<sup>2</sup> Қутайба бошлиқ араб халифалигининг катта ҳарбий кучи 706 йилда Амударёни кечиб ўтиб, Бойканд шаҳрини қамал қилади. Бу ҳарбий юришдан мақсад Мовароуннаҳрни, умуман Ўрта Осиёни истило этиш, аҳолисини араб халифалиги идораси остига олиш эди. Талончиликдан эндиликда истило қилиш сиёсати-га ўтилади.

Табарийнинг ёзишича Қутайба Бойканд шаҳрини олади. Бу ердан араблар беҳисоб ўлжага эга бўлганлар. Олтин ва қумуш идишларни олиб эритганлар. Табарийнинг айтишича Бойкентдан олинган ўлжа (бойлик) Хуросон вилоятидан олинган мол-мулкдан бир неча баробар кўп бўлган<sup>3</sup>. 706—707 йилларда Қутайба Бухоро яқинидаги Қумушкентга ва Ромитонга ҳарбий юриш бошлайди ва бу қўрғонларни осонлик билан олади. Аммо катта ўлжа билан орқага кетаётганда турклар, сўғдийлар ва фарғоналиклар билан ўзаро бирлашиб Қутайба қўшинларини олдини тўсиб, улар билан жанг қиладилар. Кучлари камчил бўлган иттифоқчилар натижага эришолмасдан чекинадилар. Қутайба Термиз орқали Балхга ўтмоқчи бўлади. Бу йўлда ҳам турклар уни йўлини тўсмоқчи бўладилар. Қўрмоғон бошлиқ икки юз минг турк қўшинлари араблар билан жангга кири-

<sup>1</sup> VII аср ўрталарида Мовароуннаҳр ва унга туташган ҳудудларда 15 га яқин кичик давлатчалар мавжуд бўлган. Шулардан энг йирик-лари Фарғона, Шош (Чирчиқ водийси), Илоқ (Оҳангарон водийси), Усрушон (ҳозирги Хўжанд, Ўра-тепа, Зомин, Жиззах районлари), Самарқанд; Добусия (Бухоро ва Самарқанд оралигида) Чағаниён (Сурхондарёнинг ўрта оқимида), Бухоро, Вардана (ҳозирги Шофиркон районида) Термез, Хоразм, Кеш (Шаҳрисабз райони), Насаф (Қарши райони) ва бошқалар. Қаранг: История узбекской ССР, Т. I., Ташкент, 1967, С. 158—159.

<sup>2</sup> История ат-Табари. С. 113.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 117-бет.

шадилар. Аммо Қутайба усталик билан содир бўлган вазиятдан голибона чиқиб кетади<sup>1</sup>.

708—709 йй. Қутайба Бухорони забт этади ва Бухоро яқинидаги Варданзи қўрғонига юриш қилади. Варданзи ҳукмдори (Варданхудод) ўз кучи билан ҳимоя қилишга кўзи етмасдан сўғдийларга, фарғоналикларга ва туркларга чопар юбориб, улардан мадад сўрайди. Ёрдам кучи етиб келиб, араб қўшинлари билан шиддатли жанг қиладилар. Еттисувдан ёрдамга келган турк қўшинларини хоқоннинг ўзи бошқарар эди. Турклар ва иттифоқчиларни қўллари баланд келиб араб қўшинларидан устун кела бошлайдилар. Аҳвол танглигини тушуниб Қутайба ҳийла ишлатади. Сўғд (Самарқанд) ҳукмдори Низак Тархонга яширин чопар юбориб, у орқали Варданзи ҳукмдорига «ёрдамга келган турклар сени мулкинга эгалик қилмоқчилар, улар бизни Марвга қайтиб кетишимизни кутиб турибдилар», деган сўзларни етказди. Бу алдовга лаққа тушган Низак Тархон жанг майдонидан сўғдий қўшинларини олиб чиқади. Турк ва фарғоналиклар жангни давом эттирадилар. Аммо кучлар энди тенг бўлмаганлиги туфайли, кўп жангчилардан ажралиб чекинишга мажбур бўладилар. Шиддатли жангларда турк хоқони ва унинг ўғли ярадор бўлади.<sup>2</sup>

Қутайба Хоразмга ҳам юриш қилади. VIII аср бошида Хоразмда Африғийлар сулоласи зодагонлари орасида ички кураш кучайган эди. Шу вақтда бу тарихий ўлкада Чоғон номли киши Хоразмшоҳ эди. Унинг укаси Хурзод Хоразм шаҳарларидан бирини ҳокими бўлган эди. У ўз атрофига ишонарли кишиларни тўплаб акаси Чоғонга қарши фитна уюштиради. Бу мушкул вазиятдан чиқиш учун (ўз кучига ишонмасдан) Чоғон Қутайбага яширин элчи юбориб, ундан тезда Хоразмга етиб келиб ёрдам беришини илтимос қилади. Қутайба Чоғоннинг илтимосига амал қилиб Чоғон билан қўшилиб, биргаликда 712 йили Хоразмга қўққисдан ҳужум қилади. Фафлатда қолган Хурзод енгилади ва ўлдирилади. Унинг тарафдорлари ҳам (Чоғоннинг илтимоси билан) батамом қириб ташланади.

Берунийнинг ахборотидан маълум бўлишича, Қутайба ва унинг бошчилигидаги араб қўшинлари Хоразмга кириб, унинг маданиятига катта зиён етказадилар.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 119, 120—123-бетлар.

<sup>2</sup> История ат-Табари. С. 120—123.



Улар шаҳарларни вайрон қилиб, ёзма манбаларга ўт қўядилар. Шаҳарга кирган аскарлар қадимги Хоразм ёзувларини билган донишмандларга нисбатан бераҳм бўладилар, уларни ўлдирадилар. Хоразм халқини қадимги маданиятини ва башарият тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятларни кўкка созуришга ҳаракат қилдилар. Лекин Хоразм халқи араб истилосидек оғир шароитда ривоятларни оғзаки равишда бўлса ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Уларни авлоддан-авлодга ўтказиб, асрлар оша ворислар хотирасига ҳавола этди. Араб истилочиларининг мудҳиш ҳаракатлари ҳақида Беруний шундай ёзади: «Қутайба Хоразм хатини яхши билладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Хоразмшоҳ таклифи билан келган Қутайба Хоразмни араб халифалигига осонлик билан бўйсундиради. Хоразмшоҳ унга кўп миқдорда бож тўлайди ва аскарий кучларини Қутайба ихтиёрига топширади. Бу кучлардан Хуросон ноиби ўзининг ҳарбий юришларида фойдаланади.<sup>2</sup> Ўз халқига хиёнат қилган сотқин Чоғон халқ ғазабига учрайди. Хоразмликлар уни ўлдирмоқчи бўлганда у қочиб турк хоқони паноҳига боради ва бу ерда ҳам ҳузур топмасдан Марвга, Қутайба олдига бориб унинг хизматида бўлади.

Қутайба бошлиқ араб қўшинлари 709—715 йиллар давомида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларни, жумладан, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Шош, Фарғона, Қошғар ва бошқа вилоятларни эгаллаб, араб халифалиги ҳукмронлигини ўрнатган эди. Лекин бу вилоятларни Қутайба<sup>3</sup> ва ундан кейин тайинланган ноийблар осонлик билан қўлга киритолган эмас эдилар. Ерли аҳоли Еттисув турклари билан бирлашиб, ҳар бир шаҳарни, вилоятни ҳимоя қилиб, истилочиларга қаттиқ зарба бериб келганлар. Араблар ғалабага катта қурбонлар бериб эришганлар.

Араб халифалиги Мовароуннаҳрда ҳукмронлигини

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, 1-жилд, Тошкент, «Фан», 1968, 72-бет.

<sup>2</sup> История ат-Табари, С. 144.

<sup>3</sup> Қутайба ибн Муслим ҳижрий 96 й. (714—715 йй.) ўлдирилган. История ат-Табари. 149—159-бетлар.

ўрнатгандан кейин ҳам ерли аҳоли бир неча йиллар давомида истилочилар билан курашиб келганлар. Бу курашларда Мовароуннаҳр турклари, сўғдийлари бирлашиб, ҳаракат қилганлар. Араб истилочиларига қарши жангларда Еттисув ва Тохаристон турклари ҳам фаол қатнашганлар. Қарлуқлар бошлиқ истилочиларга қарши кураш Тохаристонда VIII аср бошларида кенг тус олган эди.

Тохаристон қарлуқлари ўз вилоятларини ташқи душмандан қаттиқ ҳимоя қилганлар. 736—737 йилларда Хуросон ва Мовароуннаҳр нойиби Асаб ибн Абдуллоҳ араблар итоатидан чиққан Хуттал вилоятига ҳарбий юриш қилиб, уни эгалламоқчи бўлади. Хуттал ҳокими ўз кучи билан вилоятни ҳимоя қилишга кўзи етмаганлигидан туркешлар ҳоқони Абу Музахимдан<sup>1</sup> ёрдам сўрайди. Катта тайёргарликдан кейин Абу Музахим катта кўшин билан йўлга чиқади. Суёб шаҳридан<sup>2</sup> то Амударёнинг кечув жойигача 17 кунда етиб боради. Унга Мовароуннаҳр вилоятларидан (Сўғд, Насаф, Шош ва бошқалар), Тохаристондан, Тохаристон қарлуқларидан ташкил топган жанговор кўшинлар ҳам кўшиладилар. Аммо шундай катта кучдан Абу Музахим оқилона фойдалана олмади: қаттиқ жанглардан бирида у асирга тушади ва Хуросон нойиби Асал томонидан қатл этилади, турк кўшинларидан кўплари қиличдан ўтказилади<sup>3</sup>.

VIII асрнинг 30-йилларигача Мовароуннаҳр ҳудудининг катта қисми араб халифалиги томонидан забт этилган эди. Аммо ундаги айрим вилоятлар тез-тез итоатликдан чиқиб, араблар ҳукмронлигига қарши исён кўтариб ҳам турар эдилар. Шош вилоятини (Тошкент воҳаси) ҳам араблар осонлик билан тобе қилолмаганлар. Хуросон нойиблари Шошга бир неча маротаба ҳарбий юриш қилдилар. Хуросонни навбатдаги нойиби Наср ибн Саййор Шошга уч маротаба юриш қилади, унинг охириги юриши 739 йил бўлган эди.<sup>4</sup> Бу галги

---

<sup>1</sup> Музахим (сузоғич) — бу турк ҳоконининг оти эмас, унга араблар томонидан берилган лақаб. Абу Музахим араб кўшинлари билан жуда кўп жанг қилиб, уларни бир неча маротаба «сузиб» талафот етказгани учун шундай лақабга сазовор бўлган. Қаранг: История ат-Табари, С. 242.

<sup>2</sup> Суёб Чу дарё водийсидаги шаҳарнинг номи; туркеш ҳоконликларининг марказий шаҳри.

<sup>3</sup> История ат-Табари. С. 242.

<sup>4</sup> История ат-Табари. С. 266—269.

юришда араб қўшинларидан ташқари нойибга мададкор бўлиб Бухоро, Самарқанд, Усрушона ва бошқа вилоятлардан ёрдамчи жангчилар юборишади. Буларнинг барчасини Наср жангга бошлайди.

Наср ибн Саййор бошчилик ҳарбий куч Сирдарёга етиб келгач, туркешлар саркардаси Сулу (арабча, Курсул) 15 минг (шошликлар билан бирга) камон ўқлари билан уларни қарши олиб, Сирдарёдан ўтказмайдилар. Бир неча маротаба Сирдарёни кечиб ўтмоқчи бўлган, ҳар гал ҳимоячиларнинг камон ўқларига дуч келган ва охир оқибат бунга бардош беролмай, чекинишга мажбур бўладилар. Шиддатли жанглардан бирида Курсул (Сулу) асирга олинади.

Асирга тушган Курсулни Наср ибн Саййор ҳузурига олиб келадилар. Курсулнинг ёши бир ерга бориб қолган эди. У Саййордан қўйиб юборишни илтимос қилиб дейди: «кекса кишини ўлдириб сен нима фойда оласан? Мен сенга Турк туяларидан минг бош ва минг бош от берай. Бу билан ҳарбий кучларингни тиклаб оларсан». Курсулни эшитгач, Наср ундан сўрайди: «Сен неча маротаба юриш қилдинг?», Курсул жавоб қилиб: «72 маротаба», дейди. «Сен Жажида<sup>1</sup> жангда иштирок қилганмидинг?» деб сўради Наср. Курсул «ҳа» деб жавоб қайтарди.<sup>2</sup>

Сулу кураш бошлаган йиллари, араб халифати Сулу билан яқинлашишга, уни ўзларига иттифоқдош қилиб олишга уринган. Бунинг учун туркешлар ислом динини қабул қилишлари лозим эди. Халифа Хишим (724—743 йй.) Сулу олдига элчиларни юбориб мусулмон динига ўтишни таклиф қилади ва шу билан туркешларни сиёсий жиҳатдан араб халифалигига бўйсундирмоқчи бўлади. Халифага бир диний эътиқодда бўлиш нима учун кераклигини Курсул яхши билар эди.

Айни шу даврларда мусулмон динини қабул қилган кишиларга халифалик томонидан қатор имтиёзлар берилган, жумладан хирож бекор қилинади. Араблар Сўғдиёна аҳолисидан ҳарбий хизматга олиб, уларга кам ҳақ тўлаб, норози қилиб қўйган эдилар. Сулу ҳам сўғдиёналиклардан ҳарбий хизмат ёллар эди, аммо уларга

---

<sup>1</sup> История ат-Табари., С. 267. Жажида деб бу ерда, ҳижрий 110 йил (728—729 йй.) Бойкент яқинида араблар билан бўлган жангга айтилган бўлиши керак. (Қаранг: ат-Табари, 376, 97-илова.)

<sup>2</sup> Уша ерда. 267-бет.

шойи ва олтин билан хизмат ҳақ тўлар эди.<sup>1</sup> Бу тадбирлар Сўғдиёна аҳолиси орасида Курсулни мавқеини оширади. Туркешлар кучайиб борадилар ва улар истилочилардан Самарқандни ва умуман Мовароуннахрни озод қилиш ниятида ўнлаб ҳарбий юриш қилиб, сўғдийлар билан биргаликда араб қўшинларига қарши курашиб келганлар. Масалан, 721 йил Сўғдиёнада йирик халқ исёни кўтарилади. Лекин бу қўзғолонни тез кунда бостиришга муваффақ бўладилар. 722 йил сўғд аҳолиси яна қўзғолон кўтаради. Бунда сўғдийларга Сулу (Курсул) бошлиқ туркешлар ёрдамга келадилар. Қўзғолон бошлиғи Девоштич қўлга тушади ва араблар томонидан қатл этилади. Аммо шундан кейин ҳам туркешлар ва сўғдиёналиклар биргалашиб истилочиларга қарши курашни давом этадилар. Тез вақтда истилочиларни ҳайдаб чиқариб, Сўғдиёнада араб ҳокимиятини йўқ қиладилар. Лекин 728 йили араблар такрорий юриш қилиб, Сўғдни қайтариб оладилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Араб ва туркешлар ўртасида кураш шундан кейин ҳам давом этаверади.

Шу курашлар давомида араб халифалиги қўшинларига бир неча марта қаттиқ зарба бериб, катта талофат етказган турк хоқонини араблар кечира олмас эдилар. Наср ибн Саййор Курсулни қатл этади. Буни эшитган турк аҳли саркарда ва хоқонларидан ажралиб ўз қулоқларини кесадилар, юзларини тирнаб узоқ йиғи қиладилар, Курсулни чодирини олиб келиб (одатларига риоя қилиб) куйдирадилар. Туркларни қаттиқ ҳаяжонга солганлигини кўриб Наср кечаси бир кишини нефть солинган идиш билан юбориб, Курсулни суягини турклар олиб кетолмасин деб жасадини устига нефть сепиб куйдиришни буюради<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Наср ибн Саййор 728—739 йилларда Шошга қилган ҳарбий юриш, берилган катта талофатлар эвазига «ғалаба» билан тугайди. У Шошга киради, уни Шош ҳокими Кадар (балки Бедар?) катта совғалар билан тантанавор кутиб олади<sup>3</sup>. Курсул ўлимидан кейин, туркларнинг арабларга қарши курашлари пасайиб кетади; сўғдийларга араблар ҳукумронли-

---

<sup>1</sup> Ўша вақтларда бир бўлак шойи 25 дирҳам турган. Бу жуда катта пул ҳисобланган. Курсул (Сулу) ёлланган ҳар бир кишига ойига бир бўлак шойи билан мойна берган. Қаранг: История ат-Табари, С. 266.

<sup>2</sup> История ат-Табари. С. 267—268.

<sup>3</sup> История ат-Табари. С. 269.

гидан қутилиш ниятлари ушалмайди. Эндиликда (728—739 й.) арабларни Ўрта Осиё худудини батамом эгаллаш учун олиб борган курашлари ниҳоясига етди деса бўлади. Аммо, уларнинг ҳокимларига қарши халқ қўзғолонлари вақти-вақти билан мавжуд бўлиб, уларда ҳам туркий халқлар фаол қатнашиб келганлар. Масалан, VIII асрнинг 70—80-йилларида Муқанна бошлиқ «оқ либосликлар» қўзғолонида туркларнинг катта гуруҳи сўғдиёналиклар ва бухороликлар билан бирга бўлиб курашганлар<sup>1</sup>.

### **3. IX—X АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ВА УНГА ТУТАШ МИНТАҚАЛАРДАГИ ЭТНО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё халқларининг этник ва маданий тараққиёти учун катта аҳамиятга молик бўлган бир неча вилоятлар мавжуд эди. Фарғона, Усрушона, Шош, Сўғд, Кеш, Насаф, Тохаристон, Хоразм шулар жумласидан. Марказий Осиё халқларининг, жумладан Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида Шарқий Туркистон, Етгисув, Сирдарёни ўрта ва қуйи оқимларида, унга туташ чўлларда яшаган этносларнинг ҳам роли оз бўлмаган албатта. Бу худудлар кўп асрлик тарихий даврларни ўтиб, қанчадан-қанча этник уюшмаларни, давлатларни, қирғин урушларни, босқин ва талончиликни кечирган. Узоқ тарихий тараққиёт жараёнида табиий шароитга қараб, ҳар бир худуднинг аҳолиси, унинг этник таркиби ва ўзига хос иқтисодий ва маданий ҳаёти шаклланган. Шу билан бир вақтда мазкур ўлкалар иқтисодий, маданий ва этник жиҳатдан бир-бирлари билан доимо узвий боғлиқ бўлиб келган. Марказий Осиё халқларининг тарихий иқболи ҳам деярли бир хилда кечган.

IX—X асрларда Марказий Осиё худудларининг этник таркиби бир текисда бўлмаган. Тилга олинган вилоятларнинг асосий халқи, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, қадимдан турғун яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган. Сўзсиз IX—X асрларда бу аҳолининг катта қисми туркийзабон халқлар бўлган. Воҳаларда туркий халқлар билан ёнма-ён, кўп ҳолларда аралашиб то-

<sup>1</sup> Якубовский А. Ю. Восстание Муканна — Движение людей в «Белых-одеждах». Советское востоковедение, вып. V., 1948, С. 49, 52.

жик халқи ҳам яшаган. Араб истилосидан кейин айрим вилоятларда турғун бўлиб, араблар ва этник гуруҳлар ҳам жойлашиб қолган. Туркийзабон аҳолининг маълум қисми илк ўрта асрларда кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, хўжалигида чорвачилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чорвадор ва ўтроқ халқлар доимо бир-бирлари билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Кўйилган масалани тушуниб олиш учун IX—X асрларга оид араб, форс ва бошқа тилли манбаларга ҳамда тарихий маълумотларга таяниб, ҳар бир тарихий ҳудуднинг ва улардаги вилоятларнинг этник таркибига, уларнинг жойлашиш тартибига алоҳида эътибор бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар деб ўйлайман. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, араб ва форс тилли манбаларида вилоятларнинг этник таркибидан кўра кўпроқ у ерлардаги шаҳарлар, қишлоқлар ва оқар сувлари, экин ерлари ва табиий шароитларга кўпроқ аҳамият берилган. Албатта, шу маълумотлардан воҳа аҳолисининг этник таркибини, этносларнинг жойланишини, аҳолининг оз-кўплигини, зич ва сийрак бўлганлигини тушуниб олиш қийин бўлмайди.

Ўтроқ аҳолининг аксарий кўпчилиги икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралигида, яъни Мовароуннаҳрда жойлашган бўлган. Араб ва форс тилли тарихий ва географик асарларда бу ҳудуднинг жуда обод бўлганлиги, унда шаҳар ва қишлоқларнинг оби ва лалмикор ерлари кўп бўлганлиги, боғ-роғлар ва оқар сувларининг сероблиги қайта-қайта таъкидланиб ўтилади<sup>1</sup>.

Мовароуннаҳр ҳудудида мавжуд бўлган вилоятларнинг барчаси IX—X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган, ҳосилдор ерлари, мевалари сероб бўлган. Ал-Истаҳрий (IX асрнинг иккинчи ярми — X асрнинг биринчи ярми) ўзининг «Масалик ал-мамалик» исмли жуғрофий асарида «Сўғда, Усрушонда, Фарғонада ва Шошда (Чоч) шу даражада серобгарчиликки, улар (вилоят аҳолиси) ҳайвонларини мева

---

<sup>1</sup> Абу Исҳоқ Иброҳим Ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий. Китоб масалик ал-мамалик. Қаранг: Материалы по истории киргизов и Киргизии. Т. I. М. 1873 (бундан кейинги иловада МИКК), С. 17—23. Шу асарни Форс тилидаги таржимаси. Қаранг: МИКК, Т. I. С. 26—32; Ибн Хавқал. *Viae et regna. Discriptio ditinis moslemical outore Abu'l — Kasim ibn Naukal/* Ed. M. J. de Goese. Lugduni Bataverum 1873 (BGA II). С. 365—399.

бериб боқадилар», деб ёзган эди<sup>1</sup>. Истахрий бу сўзлар Осиёнинг кўп вилоятларида бўлиб уларнинг географиясини ўрганиш билан бир вақтда табиатининг, кишиларининг ҳаёти билан ҳам танишган, ҳамда Мовароуннаҳр шароитини бошқа ҳудудлар билан солиштириб шу хулосага келган бўлиши керак.

Араб ва форс тилли манбаларда қайд этилган маълумотлардан, ўша даврлардаги Мовароуннаҳр вилоятларининг ичида энг кўп нуфузли ҳудуд Фарғона водийси бўлганлигини тушуниб олиш қийин эмас. X аср Фарғона вилоятида 40 та шаҳар бўлган<sup>2</sup>. Унинг пойтахти шу даврларда Ахсикент бўлиб, шаҳарнинг катталиги (айланмасига) 3 фарсанг масофага чўзилган бўлиб, унинг ичида боғ, каналлари ва бир қанча ҳовузлари борлиги қайд этилган<sup>3</sup>. Ахсикентнинг атрофларида (девордан ташқарисида) ҳам боғлар, дарахтзорларнинг мўллиги ва улар бир-бирларидан узилмасдан 2 фарсанг масофагача чўзилиб кетган, деб таърифланади<sup>4</sup>. Фарғонада Ахсикентдан ташқари яна бир қанча шаҳарларнинг номлари қайд этилган.<sup>5</sup> Водийдаги шаҳарларнинг ичида энг йириклари соғлом шаҳар Қуба (ҳозирги Кува), Ўш, Ўзган эди. Бу шаҳарларнинг ичида ва атрофларида боғ-роғлар ва каналлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.

Фарғона IX—X асрларда иқтисодий жиҳатдан қуйидаги туманларга бўлинади: Косон<sup>6</sup>, Жидгил<sup>7</sup> ва Миён

---

<sup>1</sup> Истахрий. Кўрс. асар, форс тилида қилинган таржимасидан, МИКК, 1-жилд, 26-бет.

<sup>2</sup> Макдиси, *Descriptio imperii moslemici* autore Schams ONedin Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abu Bekr al-Basschari al-Mokaddasi. BGA. III. c/272.

<sup>3</sup> Истахрий. Кўрсатилган асар. МИКК, 1-жилд. 30-бет. Бир фарсах ўрта ҳисоб билан 6 км. яқин. Қаранг: Хинц В. Мусульманские меры и веса с переводом в матричную систему перевод с немецкого. М., 1970, С. 72. Аммо фарсах ҳамма ерда ва ҳамма вақтда бир хилда бўлмаган. Масалан: Бухорода, Тошкентда, Фарғонада ва Хоразмда XIX асрда бир фарсах 0,5 км., баъзан бундан ҳам ортиқроқ. Қаранг: Давидович Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. М., 1970, С. 120.

<sup>4</sup> Ибн Ҳавқал. Кўрсатилган асар. 394-бет.

<sup>5</sup> Истахрий. Кўрсатилган асар. МИКК, Т. I, С. 20—21, 26—31. Ибн Ҳавқал BGA. II, С. 394—396. Ал-Макдиси. BGA, III. С. 272-бет. Худуд ал-алам. МИКК. Т. I, С. 44—45.

<sup>6</sup> Косон VIII аср охири — X асрда Фарғона ҳукмронларининг пойтахти бўлган. Қаранг: Бартольд В. В. Географический очерк Мовароуннаҳра. Т. I. М., 1963. С. 219.

<sup>7</sup> Жидгил, кейинчалик бу жуғрофий атама Чигил қабиласининг номи билан боғлиқ. Қаранг: МИКК, 1-жилд, 29-бет, 25-илова.

руд<sup>1</sup>. Бу туманларнинг ҳудудида бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжудлиги манбаларда қайд этилади.

Миёни-руд (Икки Су ораси) Қорадарё ва Норин оралигида жойлашган ҳудуд. Мазкур ҳудудда Ўзган, Бискон, Селат, Ҳафтех<sup>2</sup> (етти қишлоқ) шаҳар ва қўрғонлар бўлган. Бискент ва Селат шаҳри турклар ерига ўтадиган дарвоза эди. Бу жойлар олдинлари туркларники бўлиб, кейин араблар томонидан босиб олинган<sup>3</sup>. Миёни-руднинг марказий шаҳри Хатлам<sup>4</sup> ёки Хайлам (ҳоз. Кетман тепа) VIII-IX асрларда қарлуқ хоқонларининг пойтахти эди<sup>5</sup>.

Фарғона водийсида қишлоқларини кўпчилиги, юқорида қайд этилганидек Ахсикент, Бискет, Селат. Миёни-руд ва бошқа мавзеларда жойлашган. Фақат Асбара мавзесида 60 та қишлоқ мавжуд эканлиги қайд этилган<sup>6</sup>. Қишлоқларнинг айримлари жуда катта ва кўп нуфузли бўлган. Фарғона водийсида қишлоқларнинг бу қадар кўпчилиги ва катталигидан хайратда қолган араб географлари «қишлоқларнинг кўплиги жиҳатидан Мовароуннаҳрда Фарғонага тенг келадигани йўқ. Аҳолисининг кўплигидан қишлоқларнинг баъзилари ниҳоятда катта, уни (шуноқ қишлоқни) ўтиш учун бир кун

<sup>1</sup> Истахрий. Кўрсатилган асар. МИКК, Т.1, 20-6. Бу асарнинг форс тилида қилинган таржимасида Фарғона вилоятлари: Куйи Ниса, юқори Ниса, Асбара (Исфара бўлиши керак), Некад (Навқад), Миёнруд, Жидгил, Ураст, Бесафар, Ашт деб кўрсатилган. Қаранг: МИКК, Т. 1, С. 31.

<sup>2</sup> Бискон тахминан ҳоз. Избоскан, Селат — Қўқон қишлоғи билан, Ҳафтех эса Масса ва Кучарт ўртасида мавжуд бўлган бир неча жойларнинг харобалари (эски қалъа-қўрғон ўринлари) билан тенглаштирилади. Қаранг: Бернштам А. Н. Древняя Фергана, 31-бет.

<sup>3</sup> Ибн Хауқал. ВГА, II. С. 39.

<sup>4</sup> Истахрий. Кўрсат. асар. МИКК, Т. I. С. 20—31. Ибн Ҳавқал, кўрсат. асар. 394-бет.

<sup>5</sup> Қарлуқ хоқонларининг асосий пойтахти Чу водийсидаги Сўёб шаҳри бўлган (қаранг: Шониёзов К. Ш. Узбеки — карлуки, Т., 1964, С. 15). Хатлам эса қарлуқ қабила иттифоқидаги чигил қабиласининг маркази бўлиши керак. VIII асрнинг 30—40 йилларида Тангритоғ чигилларининг саркардаси Арслонхон (тўлиқ номи ва унвони Арслон Элтиркўк ал-Бурччон ал-Тарқон бек, хитойча номи Асилан Даган Чжу) Фарғонани эгаллайди ва пойтахтини Йенчжу-ўғуз (Марварид дарё), хитойча — Чжен Чжу, аниқроғи Сирдарёнинг тармоқларидан бири бўлмиш Норин дарё соҳилига ўрнатади. Ана шу пойтахт шаҳар Хатлам бўлиши керак. Қаранг: Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II, М.-Л., 1950, С. 319; Бернштам А. Н. Древняя Фергана. С. 25.

<sup>6</sup> Ибн Хавқал. ВГА, II. С. 6—19.



йўл юриш керак бўлади»<sup>1</sup>, деб ёзган, эдилар. Бу гаплар балки муболағалидир, лекин бу билан олимлар Фарғона қишлоқларининг катталигини ва уларда аҳоли кўплаб яшаётганлигини ўқувчига тушунтирмоқчи бўлгандир, албатта.

Фарғона водийсида қишлоқларнинг мўллиги ва катталигидан бу ҳудудда IX—X асрларда ўтроқ аҳолининг бирмунча зич жойлашганлигидан далолат беради. Сўзсиз турғун аҳолининг водийда бу қадар кўплиги аввало, мазкур ҳудуднинг табиий ва иқтисодий жиҳатдан бойлиги бўлса керак.

Араб ва форс тилида ёзилган тарихчи ва географларнинг айтганларини ҳисобга олиб IX—X асрларда Фарғона водийсида турғун яшовчи аҳолининг 1,5 млн. деб тахмин қилиш мумкин. Бунга тоғолди яйловларида, водийнинг шимоли-шарқидаги тоғли районларида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли кирмайди. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қавмларнинг сони тахминан 0,5 млн. киши бўлган десак, шунда Фарғона водийсининг аҳолиси 2 млн. киши бўлиб чиқади.

Фарғона водийсининг ғарбий чегараси Сирдарёнинг ўрта қисмидаги вилоятларга уланиб кетган. Бу минтақада (Сирдарёнинг ўрта қисмида) Хўжанд, Усушона (Сирдарёнинг чап соҳилида) ва Шош воҳаси жойлашган.

Фарғонадан Усушонага ўтишда Мовароуннаҳрнинг ўрта асрлардаги йирик шаҳарларидан бири Хўжанд жойлашган бўлиб, у IX—X асрларда араб географларининг маълумотларида алоҳида вилоят (Хўжанд вилоятининг) маркази ҳисобланган.

Усушона вилояти Хўжанд ноҳиясига туташиб кетган бўлиб, унинг таркибига Мовароуннаҳрнинг жанубий районларидан то Зарафшон тизма тоғларигача бўлган ҳудудларни (Зарафшон дарёсининг юқори оқимларини ҳам) ўз ичига олган<sup>2</sup>. Вилоят ҳудудида бир қанча шаҳарлар, қишлоқлар ва қўрғон-қовлилар мавжуд бўлган. Якубийнинг асарида Усушона вилоятида 400 га яқин мустаҳкам қўрғон-қовлилар мавжуд бўлганлиги таъкидланади<sup>3</sup>. Бир неча қишлоқлар Зарафшон дарё-

<sup>1</sup> Истаҳрий. Кўрсат: асар, МИКК, 1-жилд, 31-бет. Ибн Ҳавқал. ВСН, 2-жилд, 395-бет.

<sup>2</sup> Истаҳри, МИКК, Т. I, С. 26—27; Ибн Ҳавқал, ВГА, С. 20—21.

<sup>3</sup> Ал-Якуби, ВГА, VIII, С. 294.

сининг юқори оқимлари (Буттам туманида) ҳам жойлашган. Буттам шаҳрида ҳар ойда бир маротаба катта бозор-ярмарка бўлиб, бунга ҳар ерлардан келган савдогарлар қатнашганлар.

Усрушонанинг пойтахт шаҳри Бунжикетдан ташқари яна бошқа шаҳарлар ҳам тилга олинади. Шуларнинг ичида энг йириклари Зомин ва Жиззах шаҳари ҳисобланган<sup>1</sup>. Бу шаҳарлар Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлганлигидан ўз даврининг бирмунча тараққий этган шаҳарларидан ҳисобланган. Номлари келтирилган шаҳарлардан ташқари вилоятда яна бир қанча шаҳарлар бўлиб, уларнинг ҳар бири катта рустақнинг маркази ҳисобланган<sup>2</sup>.

Туркийзабон халқларнинг турғун яшовчи қисми нафақат Усрушона вилоятида, Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларида қадим даврлардан яшаб келганлиги тарихдан аён. Лекин шулар қаторида IX—X асрларда Мовароуннаҳрда, унинг чўл зоналари ва тоғли районларида кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон этнослар ҳам оз бўлмаган.

Сомонийлар даврида (IX—X) ислом динини қабул қилганлар Мовароуннаҳр ҳудудида, унинг водий ва воҳаларига келиб яшайверганлар. Сомонийларнинг ҳарбий қисмларида, маъмурий лавозимларида турклардан қанчалари хизмат қилганлар. Мовароуннаҳрга Сирдарёнинг қуйи оқимидаги чўллардан, Шарқий Туркистондан ва Еттисувдан жуда кўп туркий қуллар олиб келинган. Буларнинг сони кўпайиб Мовароуннаҳр аҳолисининг талабидан бир мунча ошиб кетган. Туркий қуллар бошқа мамлакатларга савдога чиқарилган. Туркий қуллар (ўзининг ақл идроки яхши хизмати билан) ер юзидаги бошқа қуллардан устун турганлиги Истаҳрий асарида қайд қилинган<sup>1</sup>.

Сомонийлар хизматида ҳам туркий қуллар оз бўлмаган. Буларнинг ичидан вилоят ҳокимлари, ҳарбий сар-

---

<sup>1</sup> Истаҳрий. МИКК, Т. I, С. 18—19, 26—27. Ибн Хавкал, ВГА, II, С. 20—21, Манбаларда эслатилган Бунжикет шаҳрини тахминан Панжикент шаҳри билан тенглаштиради (Қаранг: Бартольд В. В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия, соч., Т. I, С. 223).

<sup>2</sup> Бир қанча қишлоқлар бир рустақни ташкил қилган катта шаҳарлар атрофида бир неча рустақ мавжуд бўлган. Мўғуллар ҳукмрон даврларида Туркистонда ва Эронда рустақ сўзи туман (ўн минг дега-ни) сўзи билан алмаштирилган. Қаранг: Бартольд В. В. К истории орочения Туркестана, соч., Т. III, М., 1965, С. 119.

<sup>3</sup> Истаҳри, МИКК, Т. III, С. 17.

кардалар, ҳатто давлат бошлиқлари етишиб чиққан: Самжурий, Алп-тегин, Тош, Фаиқ ва бошқалар шулар жумласидан<sup>1</sup>. Алп-тегин, Сомонийларнинг собиқ қули, кейинчалик йирик ҳарбий саркарда. Хуросон вилоятининг ҳокими ва йирик феодал. У бойиб Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган 500 қишлоқни сотиб олган, ҳар бир шаҳарда қасри, ҳовли-жойлари, карвонсаройлари мавжуд бўлган. Алп-тегиннинг Нишопур бозоридан сотиб олган Сабук (кейинчалик Сабук-тегин) кўтарилиб йирик ҳарбий саркарда бўлади ва 977 й. Фазнани қўлга киритиб Хуросонда Фазнавийлар сулоласига асос солади<sup>2</sup>. Сабук-тегин вафотидан кейин (997 й.) Қорахонийлар билан биргаликда унинг катта ўғли Маҳмуд Фазнавий Сомонийларга қаттиқ зарба бериб Хуросонни батамом эгаллаб, унинг чегарасини кенгайтириб йирик давлатлар даражасига кўтаради. Айни шу йиллар (999 й.) Қорахонийлар Мовароуннаҳрни батамом қўлга киритдилар. Шундай қилиб X аср охирида Осиёнинг марказий ҳудудларида икки йирик давлат Қорахонийлар ва Фазнавийлар давлати вужудга келди. Ҳар иккаласини ҳам турк кишилари бошқарган.

IX—X асрларда Сўғд (Сўғдиёна) Мовароуннаҳрда иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган ўлка ҳисобланган. Бу ўлканинг ривож топиши Сомонийлар даврига тўғри келади. Бу хонадондан чиққан давлат бошлиқлари, ҳокимлар ўлканинг иқтисодий ривожланишида ва ислом динини ва ислом маданиятининг Зарафшон водийсида қарор топишида хизматлари катта бўлган, албатта. Сўзсиз, бу феодал давлатининг тараққий этиши меҳнаткаш халқнинг (деҳқонларнинг, хунарманд-қосибларнинг) меҳнати туфайли бўлган.

Сўғдиёнанинг тараққий этишида воҳада оқадиган Зарафшон дарёсининг ва ундан сув оладиган каттакичик канал-ариқларнинг мавжудлиги ҳам иқтисодий

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М., С. 1963, 287, 292, 298, 310-312 и др.

<sup>2</sup> Айрим тарихий асарлар Фазнавийлар сулоласининг асосчиси Маҳмуд Фазнавий бўлган дейилади. Ҳақиқатда эса бу сулолага асос солган киши Маҳмуднинг отаси Сабук-тегин бўлган. Чунки у 977 й. Фазнани олиб, Балх дарёси водийсини эгаллайди ва Сомонийлар итоатлигидан чиқиб Хуросонда мустақил давлат барпо этади. Баъзи ўрта аср манбаларида айтилишича Сабук-тегин барсхан қабиласидан Барсхон шаҳрида ёки унинг атрофларида яшовчи турклардан бўлган. У болалигида асир олинган, туркларнинг тухси қабиласини қўйини боққан. Кейин уни Мовароуннаҳр савдогарларига сотганлар, булар эса уни Нишопур бозорида пуллаганлар.

тараққийнинг муҳим омилларидан бўлган деса хато бўлмас. Бу канал ва ариқлар туфайли воҳадаги экинзор ерлар, боғ-роғлар, дарахтлар, мевазорлар канда қилинмасдан сув билан таъминланган. Воҳани ўраб олган тоғ олди минтақаларида (хусусан Зарафшоннинг ўрта ва юқори қисмида) аҳолининг буғдой-арпа ва бошқа донли экинлар билан таъминлайдиган ҳосилдор лалмикор ерлари мавжуд эди. Бу ерлардан олинadиган донли маҳсулотнинг маълум қисми бозорга — сотишга ҳам чиқарилган. Бундан ташқари тоғли ва тоғ олди ерларда серўтли яйловлар ҳам оз бўлмаган; бу яйловларда йирик шохли моллар, от-йилқи ва майда молларни (қўй-эчки) сақлаш қулай эди. Воҳага туташ чўлларда асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар (асосан туркий халқлар) жойлашган бўлиб, улар қўй-эчки, туя, йилқи отларни кўплаб сақлаганлар. Чорвадорлар билан воҳада турғун яшовчи аҳоли (тожик ва ўзбек аждодлари) доимий иқтисодий алоқада бўлиб, бозор орқали ўз маҳсулотларини пуллаб ёки алмаштириб турганлар. Ана шу йўсинда олиб борилган ўзаро боғланишлар ҳам воҳанинг йилдан-йилга маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлаган.

Сўғдиёна ўлкасининг тараққий этишида унинг географик жиҳатдан қулай ўрнашган жойи ҳам бениҳоят катта аҳамиятга эга эди. Зарафшон воҳасидаги йирик шаҳар ва қишлоқлар катта тижорат йўлида — Буюк ипак йўлида жойлашганлигидан бу ўлка аҳолиси бир қанча мамлакатлар, халқлар ва элатлар билан савдосотиқ ва маданий алоқалар олиб бориш имкониятига эга эди. Бу муҳим алоқа йўли орқали Мовароуннаҳрга турли мамлакат ва ўлкалардан хилма-хил товарлар келтирилган, ўлкадан ҳам четга деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган. Сўғдиёнани ўтроқ аҳолисининг (сўғдийлар) маълум қисми тижорат билан шуғулланиб қарвон билан Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа олд Осиё мамлакатларига, Етти-сув ва Шарқий Туркистон орқали шарққа, то Хитойгача борганлар. Маҳаллий тижоратчилар ўлкаларининг тараққийети йўлида бевосита хизмат қилиб, унинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришига катта ҳисса қўшганлар.

Сўғдиёнани шартли равишда икки вилоятга бўлиш мумкин:

1) Зарафшон воҳасининг ўрта ва юқори қисмлари — Самарқанд вилояти, манбаларда Самарқанд Сўғди

дейилган. 2) Шу дарёнинг қуйи (Кармана ва ундан кейинги) оқимлари — Бухоро вилояти (ёки Бухоро воҳаси), Нурота ҳам шунинг таркибида бўлган. Албатта, бу шартли бўлиниш.

Мазкур ишда Мовароуннаҳрни маъмурий ёки сиёсий тарихини ёритмоқчи эмасмиз, албатта, бу бизнинг вазифамизга кирмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз, манбалар ва тарихий тадқиқотларга асосланиб Зарафшон воҳасида ва умуман Ўрта Осиёнинг марказий қисмида яшаган аҳолининг жойланиши, унинг тахминий сони ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Сўзсиз, биронта манбада бу масалага оид аниқ маълумот йўқ. Биз ҳам ҳудудларда яшовчи аҳолининг оила ёки жон сонини аниқлаб беришга ожизлик қиламиз, албатта.

Шаҳар ва қишлоқларнинг мавжудлигини, уларнинг зич ёки сийрак жойлашганлигини ҳисобга олиб аҳолининг оз-кўплигини фақат тахминий белгилаб олмоқчимиз, холос.

Сўғдиёнаннинг марказий шаҳри Самарқанд бўлиб, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган эди. Манбаларда қайд этилишича шаҳар бир неча даҳаларга ва маҳаллаларга бўлинган<sup>1</sup>. Самарқанд ўз даврининг кўп нуфузли шаҳарларидан ҳисобланган; X асрда унда тахминан 100—110 минг киши яшаган<sup>2</sup>. Самарқанд шаҳрининг IX—X асрларда Мовароуннаҳр тарихига, иқтисодий ва маданий тараққиётига қўшган ҳиссаси араб географларининг асарларида ва илмий тадқиқотларида керакли даражада ёритилган<sup>3</sup>.

Самарқанд шаҳрининг атрофларида ва умуман вилоят ичида экин экиладиган обод ерлар, мевали боғроғлар, канал ва ариқлар ҳамда қишлоқлар, қўрғонлар жуда кўп бўлган. Қишлоқларнинг аксарий кўпчилиги канал ва ариқ бўйлаб жойлашган эди. «Сўғдда канал бўйларида жойлашмаган, экин экилмайдиган,

---

<sup>1</sup> Истахри, ВГА, I, С. 316—318; Ибн Хавкал, ВГА, II, С. 365—366.

<sup>2</sup> Белиницкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековой город Средней Азии. Л., 1973, С. 266.

<sup>3</sup> Истахри, ВГА, I, С. 316, 317; Ибн Хавкал, ВГА, II, С. 365—367; Мукаддаси, ВГА, III, С. 278—279; Ибн ал-Факих, ВГА, IV, С. 322—326; Вяткин В. Л. Афрасиаб — городища былого Самарканд. Археологический очерк. Т., 1927; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. Т. I, С. 135—143; К истории орошения Туркестана. Соч. т. III, С. 186—197; Якубовский А. Ю. Из истории археологического изучения Самарканд, ТОВЭ, Т. II, 1940, С. 285—337.

деҳқончилик билан шуғулланилмайдиган; аҳоли зич яшамайдиган, улуғвор қасрлари ва мустақкам обод қишлоқлари бўлмаган биронта ҳам канал йўқ», деб ёзади Ибн Ҳавқал<sup>1</sup>.

Самарқанд вилоятида 12 та рустақ (туман) бўлиб, буларнинг 6 таси Зарафшон дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган (булар: Бунжикет-Панжикент) Варағсар, Маймурғ (Равдор деб ҳам номланган). Дарғом, Обгар, Савдор. 6 таси эса шу дарёнинг шимолий қисмида. Яркет, Бурнамад, Бузмаджон, Кабуданжакет, Ведар ва Марзбон.

Номлари келтирилган рустақлар кичик ҳокимликлар (туман) марказлари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўнлаб қишлоқларни ўз ичига қамраб олган.

Самарқанд шаҳрига яқинлашган сари қишлоқлар бир-бирига зич жойлашганлиги ва кўплиги саёҳатчиларнинг диққатини жалб этган. Самарқанд атрофи эса ниҳоят кўркамлиги ва хушманзаралиги, қишлоқ ва қасрларнинг кўплиги билан ажралиб турган. Ибн Ҳавқал Самарқандда бўлганида шаҳар аркига кўтарилиб теварак атрофни кузатиб, у ерлардаги кўркам дарахтзорлар, ажойиб қасрларни, сув оқиб турган каналлар, қишлоқлари ва бой маданиятини кўриб лол қолган эди<sup>2</sup>.

Араб географлари Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида ўрнашган йирик шаҳарлардан яна Иштихон, Кушония, Дабусия, Арбинжон (Рабинжон) ва бошқа шаҳарларни тилга оладилар<sup>3</sup>.

Юқорида эслатилган Самарқанд вилоятидаги шаҳарлар қанчалик тараққий этган бўлсада, бу шаҳарлар ўрта асрлардаги йирик шаҳарлар (масалан, Марв, Термиз) даражасига кўтарилмаганлар, чунки, бу вилоят асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга асосланган бўлиб, савдо-хунармандчилик маркази бўлмиш Самарқанд шаҳрини таъминлаб келган, деб фикр юритадилар тадқиқотчилар<sup>4</sup>. Улар вилоят ша-

<sup>1</sup> Ибн Ҳавқал, ВГА, II, С. 370.

<sup>2</sup> Ибн Ҳавқал, ВГА, II, С. 365.

<sup>3</sup> Истахри, ВГА, I, 323; Ибн Ҳавқал, ВГА, II, С. 374—375. Зарафшон дарёсининг ўрта қисмидаги катта-кичик шаҳарлар (улар 12 та бўлган) ва улар ҳақидаги баъзи фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Белиницкий А. М., Бентовия И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973, С. 187—188.

<sup>4</sup> Белиницкий А. М., Бентовия И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. Л.: «Наука», 1973. С. 188.

ҳарларининг тараққий этмаганлиги сабабини яна қуйидагича тушунтирадилар: 1) Самарқанд Сўғдининг аҳолиси нисбатан сийрак, яъни зич бўлмаган ва шунинг учун бу ҳудуддаги шаҳарлар унча тараққий этмаган; 2) тижорат-хунармандчилик шаҳри бўлган Самарқанднинг қўшни бўлиши вилоятдаги бошқа шаҳарларнинг ўсишига ҳалақит қилган ва шунинг учун ҳам бу вилоятдаги шаҳарлар қишлоқ даражасидан юқорига кўтарила олмаган<sup>1</sup>.

Бу фикр-мулоҳазаларга тўлиқ қўшилиш қийин. Аввало уқтириб ўтиш жоизки, илк ўрта асрлардаги шаҳар ва қишлоқларнинг аҳоли сони биронта манбадан аниқ кўрсатилмаган ва кўрсатиш ҳам қийин бўлган, тарихчи ва географларнинг бу ҳақдаги маълумотлари тахминий айтилган. А. М. Белиницкий, И. Б. Бентович ва О. Г. Большаковлар у ёки бу шаҳар аҳолисининг сонини (оз-кўп дейишади-да) шаҳарларнинг археологик кузатувлари натижасида тузилган схематик план асосида белгилаганлар.

Ўтмишдаги шаҳар харобаларининг схематик плани асосида унинг аҳолиси оз-кўплигини аниқ белгилаш қийин, албатта. Шаҳар майдони катта бўлган билан иморатлари сийрак қурилган ҳам бўлиши турган гап. Айрим шаҳарларнинг эгаллаган майдони кичик бўлганлиги билан ҳовли-уйлар зич, аҳоли тифиз жойлашгандир. Бундай шаҳарлар харобаларининг схематик плани кичик бўлишидан қатъий назар яшайдиган аҳолиси ўз даврида кўп бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Араб географларининг Самарқанд Сўғди работлари ва шаҳарлари ҳақидаги маълумотларидан, юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқлар зич, аҳоли тифиз жойлашганлигини инкор қилиб бўлмаса керак. Чунки Истаҳрий, Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий (X—XI аср ўрталари) Мовароуннаҳрда бўлиб, вилоятнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб<sup>2</sup>, ўз кўзлари билан кўрган-билганларини асарларида баён этганлар. Булар ҳам хатога йўл қўйган бўлишлари мумкин. Лекин айрим рустақларида қишлоқларнинг кўп бўлиши, аҳолисининг тифизлиги, шаҳарларининг иқтисодий ва мада-

<sup>1</sup> Белиницкий А. М., Бентовия И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. С. 188.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. соч. Т. I, С. 56—57.

ний жиҳатдан тараққий этганлиги ҳақидаги ахборотларга ишонмасликка ҳеч асос йўқ. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимларида жойлашган тўртта йирик шаҳарлар (Иштихон, Кушон, Дабусия ва Робинжон) Самарқанд ва Панжикентдан кейинги, ўрта даражадаги шаҳарлар бўлгандир. Юқорида Самарқанд шаҳрида 100—110 минг киши яшаганлиги ҳақида гап кетган эди. Панжикент аҳолиси 40 минг ҳисобланган эди. Аммо вилоятдаги бошқа шаҳарлар ўрта даражадаги шаҳарлар бўлган. Ўша аср тараққиётини ҳисобга олиб, араб географларининг ахборотларига асосланиб, X асрда, эслатилган 4 та шаҳарнинг ҳар бирида ўрта ҳисоб билан 10 минг кишидан яшаган десак, тўрт шаҳарда 40 минг киши яшаган бўлиб чиқади. Вилоятдаги қолган 7 шаҳар (13 тадан) кичик шаҳарлар бўлиб, уларнинг аҳолиси 5—6 минг атрофида бўлган бўлиши керак; унда 7 та шаҳарнинг умумий аҳолиси ҳам 40 мингга яқинлашди; шунда Зарафшон дарёси ўрта оқимидаги барча шаҳарларида яшовчи аҳолининг сони 230 минг бўлган бўлади. Бунга қишлоқ аҳолиси кирмайди.

В. В. Бартольд йирик тадқиқотларидан бирида<sup>1</sup> Сомоний ва Якут асарларида қайд этилган Зарафшон воҳасида мавжуд 223 та қишлоқ номларини келтиради. Шулардан 101 таси Самарқанд вилоятида бўлган<sup>2</sup>. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, араб географлари фақат йирик қишлоқларни (асосан қайси қишлоқда жоме мачит ва бозор бўлган бўлса) тилга олганлар. Вилоятда аҳолининг тифиз яшаши ҳисобга олинса, Сирдарёнинг ўрта оқимида яна юздан ортиқ кичик (50—100 киши) яшайдиган кичик қишлоқлар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Ўрта Осиё бўйича шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 20—25 фоизини ташкил қилганлигини ҳисобга олиб<sup>3</sup>, Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолисининг сонини 850 минг мўлжаллаш мумкин. Шунда бу ҳудудда турғун яшовчи шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг умумий сони 1.080 минг кишига яқинлашади.

Турғун аҳолининг асосий қисмини ўзбек ва тожик халқлари ташкил қилган, буларнинг бири оз ёки кўп

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. соч. Т. I, С. 173—187.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Белиницкий А. М., Бентовия И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. С. 268.



бўлган, дейишга ҳеч асос йўқ. Бу ҳудудда араблар ҳам яшаганлар, лекин улар ўша даврларда сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган.

Самарқанд вилоятининг тоғли районларида ва чўл зоналарида кўчманчи, ярим кўчманчи туркийзабон қабилалар (қарлуқ, чиғил, ўғуз ва бошқ.) яшаганликлари ҳақида илк мартаба юқорида гапирилган эди. Чорвадор туркий қабилалар сон жиҳатидан камроқ бўлган бўлиши мумкин. Чунки, Мовароуннаҳр ҳудудига араблар истилосидан кейин ва Сомонийлар даврида кўчманчилардан фақат ислом динини қабул қилган қабилалар келиб, яйловдан жой олиб, яшаши мумкин бўлган. Буларнинг сони 200 минг ҳисобланса, шаҳар ва вилоятда яшаган аҳолининг сони тахминан 1.280 минг киши бўлади. Бу тахминий ҳисоб албатта.

Аҳоли сони бундан кўп ёки оз ҳам бўлиши мумкин.

Бухоро вилояти асосан Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларини эгаллаган, IX—X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган Мовароуннаҳр минтақаларидан бири эди. Бу вилоятнинг шарқий чегараси Кармана шаҳридан бошлаб, ғарбда Амударё соҳилларигача борган. Нурота райони ҳам Бухоро вилояти таркибида бўлиб келган.

Араб географларининг маълумотларини эътиборга олинса, Бухоро вилоятида катта ва кичик шаҳарларнинг сони 35 та бўлган<sup>1</sup>. Қишлоқлар ҳам оз бўлмаган, албатта. Лекин манбаларда шаҳар дейилган аталмаларнинг кўпчилиги вилоят ҳудудидаги бир қанча қишлоқлардан ташкил топган рустақларнинг маркази бўлганлиги эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Зарафшон воҳасининг қуйи оқимларидаги Бухоро, Бойканд (Пойканд), Ромитан, Тововис ва бошқалар воҳанинг нуфусли йирик шаҳарларидан бўлган. Бу шаҳарлар Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлиб, IX—X асрларда юқори иқтисодий ва маданий тараққиётга

---

<sup>1</sup> Истаҳрий (Қаранг: BGA, I, 313—315-бетлар.) Бухоро вилоятида мавжуд бўлган шаҳарлардан фақат 12 тасини тилга олади. Муқалласий (Қаранг: BGA, III, 266—268, 281, 282-бб.) асарида бу вилоятдаги шаҳарлар 29 таси кўрсатилади. «Бухоро тарихи»нинг муаллифи Наршахий араб географлари эслатиб ўтган шаҳарларнинг бир қанчасини асарида акс эттирган бўлса ҳам, лекин уларнинг аксарий кўпчилиги қишлоқ бўлганлигини уқтириб ўтади. Унинг таъбирича, фақат Бойканд ва Фароб шаҳар бўлган. Қаранг: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, «Бухоро тарихи». Тошкент, 1966, 20—25-бетлар.

эришган ва Ўрта Осиё халқларининг тарихида маълум из қолдирган. Бу шаҳарлар ва Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларидаги бир қанча бошқа катта-кичик шаҳарлар тарихий ва археологик илмий асарларда ёритилган<sup>1</sup> ва шунинг учун мазкур ишда уларни таърифлаб ўтиришимизга ҳожат йўқ. Лекин вилоятдаги аҳолининг оз-кўплигини, этник таркибини аниқлаш мақсадида айрим шаҳар ва қишлоқларга эътибор бериб ўтишни лозим кўрдик.

Зарафшон воҳасининг қуйи оқимларидаги шаҳарлар ичида энг йириги ва нуфусли IX—X асрларда Бухоро шаҳри эди.

IX—X асрларда Бухоро Сомонийларнинг сиёсий маркази бўлиб келган. Сомонийлар бу шаҳарнинг қурилиш ишларига, унинг маданий жиҳатидан тараққий этишига катта аҳамият бериб келганлар. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ва тижорат ишлари бирмунча ривожланиб, шу асрларда бу шаҳар Ўрта Осиёдаги йирик иқтисодий марказлардан бири ҳам бўлиб қолган эди: унда ишлаб чиқариладиган айрим товарлар бир қанча мамлакатларда машҳур бўлган.

Бухорода «бир корхона бор эди; унда палослар, дарпардалар, ёзги кийимлар, ёстиқ жилдлари, фундуқий (жигарранг — К. Ш.) жойномозлар ва уст кийимларни халифа учун тўқир эдилар: битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди. Бағдоддан ҳар йили алоҳида бир омил (амалдор, солиқ йиғувчи — К. Ш.) келиб Бухоро хирожининг эвазига шу кийимлардан олиб кетар эди<sup>2</sup> деб ёзган эди, Наршахий. Ҳунармандларнинг ишини юқори баҳолаб, тарихчи қуйидагиларни баён этади: «Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар; вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар зандонийчини (Зандоначи қишлоғида тўқиладиган мато — К. Ш.) олиб кетганларидек, у кийимлардан Шом ва Мисрга, Рум шаҳарлари-

---

<sup>1</sup> Умняков И. И. К вопросу об исторической топографии Бухары. Сб. Туркестанского восточного института честь А. Э. Шмидта. Ташкент. 1923. Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. Ташкент. 1930. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 148—172. Сухарева О. А. К вопросу об исторической топографии г. Бухары X в. Труды АН Тадж. ССР, т. XXVII, 1954. Шишкин В. А. Варахша. М. 1963. Белицкий А. М. и другие. Средневековый город Средней Азии. С. 184—186.

<sup>2</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 26-б.

га олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай (мато) тўқий олмас эдилар».

Бухоро IX—X асрлардаги работ (қишлоқларни) ўз ичига олиб бирмунча кенгайган, аҳолиси сони кўпайган. Шу асрлардаги Бухорони тилга олиб Истахрий уни (Бухорони) Мовароуннаҳр ва Хуросонда энг кўп аҳоли яшайдиган шаҳар, деб таърифлайди. Афсуски, аҳоли сонини аниқ белгилаб берадиган бошқа аниқ маълумотларга эга эмасмиз. О. Г. Большаковнинг тахминий ҳисобига кўра, Бухорода X асрда 40—50 минг киши бўлган. Унинг атрофларида ва работларида яна 48 минг киши яшаган. Демак, Бухоро ва унинг атрофларида яшовчи аҳоли сони 100 минг кишига яқинлашган.

Шаҳарнинг этник таркиби ҳам бир хилда бўлмаган. Шаҳарнинг асосий аҳолисини сўғдийлар ва туркийзабон халқлар ташкил қилган.

Наршахийнинг асарида Бухорога туркий халқлар Туркистондан келиб ўрнашганлиги ҳақида гапирилади. Аммо туркий этносларнинг бу ҳудудга қачон келганлиги ҳақида аниқ маълумот берилмайди.

Тахминан айтиш мумкинки, туркий этносларнинг дастлабки гуруҳлари милоддан олдинги II-милодий I—II асрларда келиб ўрнашган бўлиши мумкин. Сўзсиз даставвал келиб ўрнашиб қолган туркий этносларнинг аллақачонлар ўтроқлашиб воҳада ва бутун Мовароуннаҳрдаги тургун туркийзабон аҳолининг вужудга келишига асос солганлар. Милодий IV—VI асрлар давомида Мовароуннаҳр ҳудудида хионийлар ва эфталлийлар яшаганлар: буларнинг асосини ҳам туркийзабон қабилалар ташкил қилган. Асрлар давомида туб ерли аҳоли билан аралашиб, маҳаллий туркийзабон аҳолининг сони жиҳатдан кўпайишига сезиларли ҳисса қўшган. VI аср ўрталарида Турк хоқонлиги вужудга келгач, Бухоро воҳасига туркий элатларнинг келиши ҳам яна кўпаяди.

Турк хоқонлигида юз берган ички низолар натижасида VI асрнинг иккинчи яримларида Еттисувдан Бухоро воҳасига, жумладан Бухоро ва Бойканд (Пойканд) шаҳарларига келиб ўрнашиб қолмаган турк қавмлари оз бўлмагандир, албатта.

Бухоро вилоятида, жумладан Бухоро шаҳрида VII аср охирлари — VIII аср бошларида ҳам туркийзабон аҳоли мавжуд эди. Наршахийнинг ахборотида Қутайба вилоятга бостириб келган кезларда (VIII аср

бошларида) Бухоро подшосининг вазири турк кишиси бўлган. Бу ҳақида тарихчи қуйидагиларни ёзади: «Бир вазир Туркистондан келган эди: номи Вардонхудод, Вардона<sup>1</sup> ерлари унга тегишли эди. Қутайбага у билан кўп уруш қилишга тўғри келган эди»<sup>2</sup>. Келтирилган ахборотдан маълум бўлишича турклар Бухоронинг сиёсий ҳаётида ва араб босқинчилари билан олиб борилган шижоатли курашларида фаол қатнашганлар.

Қутайба Бухоро вилоятига бостириб кирган кезларида, Бухоро подшоси ёрдам учун турк хоқонларига, аниқроғи Фарбий турк хоқонига мурожаат қилган ва турк қўшинлари етиб келиб шаҳарни ва умуман воҳани, сўғдийлар, фарғоналиклар, билан иттифоқда ҳимоя қилганлар. Турк хоқонлари ёрдамга келишдан икки мақсадни кўзлаганлар, албатта: воҳага босиб келаётган ажнабий кучларни киргизмаслик ва уларни вилоят чегарасидан узоқроққа тўхтатиш эди. Агар араблар Бухоро ва Самарқандни эгалласа, унда турк давлатининг чегарасига ҳам яқинлашиб, уларни хавф остида қолдирар эди, буни турклар яхши тушунар эдилар. Иккинчи мақсад — воҳада ва воҳа атрофларида яшовчи туркийзабон аҳолини ҳимоя қилиш бўлган.

Маълумки, VIII—X асрларда туркий халқлар фақат воҳадаги шаҳар ва қишлоқларда эмас, балки воҳа атрофларидаги чўлларда ҳам яшар эдилар. Буни Наршахий асарларидан тушуниб олиш қийин эмас.

Масалан, юқорида эслатиб ўтилган Вардона ҳақида

---

<sup>1</sup> Бу қишлоқ «Кўрғон Вардона» номи билан ҳозир ҳам мавжуд. Ҳозирги Шофуркон районининг Хўжа-Фулом тепа қишлоғи яқинидаги улкан тепалик. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи, 92-б. 17-изоҳ.

<sup>2</sup> Наршахий, кўрсатилган асар, 18-б. Вардонхудод ҳақида гап кетганда Наршахий аввал (18-б.) Туркистондан келган Бухоро подшосининг вазири деб бошқа ерида (35-б.) Шопур авлодларидан, Вардона подшоси деб кўрсатади. Кўриниб турибдики, Наршахийнинг ахборотида бу масалада ҳам чалкашликка йўл қўйилган. Ҳақиқатда эса Вардон қадимдан мавжуд бўлган қишлоқнинг (балки шаҳарнинг) номи бўлиб, «худод» — ҳукмрон — подшо маънони англатган. Беруний Бухоро подшосини Бухорхудод деган (Қаранг: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» Танланган асарлар. Т. I, Т., 1968, 129-б.). Демак Бухоро ҳукмрони бўлган Вардонхудод — унинг шахсий номи эмас, Вардон I ва унинг атрофида ҳукмронлик (подшоллик) қилган ва Бухоро тахтига эндигина кўтарилган Тағшод — билан рақобатлашиб, айни бир вақтда Бухоро подшосининг вазири ҳам бўлиб келган бўлиши мумкин.

гап кетганда «у Туркистон чегарасида жойлашган»<sup>1</sup> дейлади. Наршахийнинг асарида Вардона Бухоро воҳасининг шимолидаги энг чекка ҳудудлардан бири бўлган, унинг чегараси турк элатлари яшовчи минтақалар билан туташ бўлган. Бухоро тарихида ана шу туркий элатлар яшовчи чўл районлари «Туркистон» деб ҳам аталган. Шу асарнинг бошқа бир саҳифасида айтилишича, араблар Бухорони батамом тобе этгач, Хуросон амири томонидан Бухорога арми этиб тайинланган Мухтадий ибн ҳаммомдур аз-Зухлийга «Бухоро атрофига девор олдиришни буюрди ва туркларнинг қўллари — Бухоро вилоятига етмаслиги учун худди Самарқанддагига ўхшаш Бухоронинг ҳам ҳамма қишлоқлари девор ичкарасида бўлсин»<sup>2</sup> деб буюрган. Девор 830—831 йиллари қуриб битказилган. Лекин Исмоил Сомоний даврида (IX аср охириларида), халқ орасида «Кампирак девор» номини олган бу девор ўз аҳамиятини йўқотган.

Сўзсиз, «Кампирак девор»ни қуришдан мақсад атрофидаги чўлларда яшовчи чорвадор турк элатларидан воҳани қўриқлаш эди.

Маълумки, араблар воҳага босиб келган кезларда турклар улар билан рақиблашиб, курашиб келган эдилар, воҳани батамом қўлга киритиб олгандан сўнг ҳам туркий қабилалар араб истилочилари билан келиша олмасдан, воҳага тез-тез хужум қилиб турганлар ва шунинг учун ҳам Бухорога амир бўлиб тайинланган кишининг буйруғи билан воҳа атрофида девор кўтарилган.

Бухоро шаҳрида ва умуман воҳада туб ерли аҳолидан ташқари бошқа ерлардан тижорат йўли билан келиб ўрнашиб қолган кишилар ҳам мавжуд эди. Шулардан бири «кашқошонлар»<sup>3</sup> номи билан аталган. «Бухорода, — деб таъкидланади Бухоро тарихида, — бир қавм бор эдики, уни кашқашон дер эдилар. Улар хурматли, қадр-қийматли ва эътиборли одамлар бўлиб, Бухоро аҳолиси ўртасида зўр эътиборга эга эдилар; улар деҳқонлардан бўлмасдан (йирик маҳаллий ер эга-

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 23-бет.

<sup>2</sup> Бухоро воҳаси атрофига девор қилиш ташаббускори Хуросон нойиби Абу-л-Аббос Фазл б. Сулаймон ат-Туси (783—787) бўлган. У киши Бухоро амири бўлиб турган Мухтадий ибн Ҳаммод ибн амир аз-Зухлийга бу ишни буюради.

<sup>3</sup> Томашек В. (Қаранг: *Centralasiatische Studien I. Sogdiana* — SBAW, Wien, Bd LXXXVII, 1877, s. 106) кашқошонлар кушонларнинг авлодлари дейди. Лекин бу тахминий фикр.

ларидан бўлмасдан демоқчи муаллиф — К. Ш.) четдан келган кишилар бўлиб, аслзода савдогар ва бой одамлар эдилар»<sup>1</sup>. Қутайба Бухорони батамом эгаллагач, кашкашонларни уй-жойларини, ундаги анжомларни арабларга қолдириб, шаҳардан чиқиб кетишга мажбур қилди.

Кашкашонлар Шахристондан чиқиб, ундан ташқари ерларда 700 кўшк (ҳовли-жой) бино қиладилар<sup>2</sup>. Ҳовли-жойлар, боғ-роғлар барпо қилиб, ўз хизматчиларини кўчириб келтирадилар. Наршахий даврида (X аср биринчи ярми) бу кўшкларнинг баъзилари вайрон бўлиб, кўп қисми шаҳарга қўшилиб кетган. Демак, IX—X аср биринчи яримларида Бухоро шаҳрида ва унинг атрофларида кашкашон авлодларига мансуб кишилар ҳам яшаган бўлган.

Наршахийнинг ахборотида айтилишича, Бухоро қишлоқларида яшовчи аҳолининг ҳар бири Бойканд ёнида бир қишлоқ қуриб, «унга бир тўда кишиларни жойлаб қўйган ва уларнинг нафақаларини қишлоқдан юбориб турган. Қиш фаслида кофирлар (йиғилиб) хужум қиладиган вақт бўлганда ҳар бир қишлоқдан у жойга кўп халқ тўпланиб ғазот қилганлар. (Шунда) ҳар бир қавм ўз работига келиб тушган»<sup>3</sup>. IX аср ўрталарида Бойканд ёнидаги работлар емирила бошлаган. Муқаддасий даврида (X аср) улар батамом харабага айланган эди. Агар Бойкандни ўрта катталиқдаги шаҳар деб фараз қилсак, унда бу шаҳар IX—X асрларда (работлардан ташқари) 10 мингга яқин аҳоли яшаган бўлади.

Сўзсиз Бойканд шаҳри ёнидаги работлар асосан чўлларда яшовчи кўчманчи турклардан шаҳарни ва воҳани ҳимоя қилиш учун қурилган эди. Сомоний даврида бу работларнинг аҳамияти бўлмаган, улар бузулиб кетган.

Наршахийнинг асарида кўрсатилган 14 та шаҳардан 11 таси қишлоқ деб тилга олинган, булар: Нур, Кармана, Тавовис; Искажкат, Шарғ, Зиндана, Вардона, Афшина, Ромтин (Ромитан), Варахша<sup>4</sup>. Шу билан вақтда Наршахийнинг китобида уларнинг ҳар бири алоҳида таърифлаб ўтилади. Тарихчининг тавсифига ҳамда

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 36-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Наршахий. Кўрсатилган асар, 25-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 20—25-бетлар.

араб географларининг (Истахрий, Муқаддасий, Якубий) асарларида келтирилган «қишлоқлар» IX—X асрлардаги иқтисодий ва маданий ҳаётнинг марказлари бўлган, десак хато бўлмас. Масалан, Тавовисни (унинг асли номи Арқуд) олайлик. Бунда шахристон бўлиб, ҳар йили куз фаслларида ўн кун бозор бўлган. Шу ўн кун ичида мазкур бозорга Фарғонадан, Чочдан (Тошкентдан) ва бошқа жойлардан кишилар келганлар. «Савдогарлар ва турли ҳожатмандлардан ўн мингдан ортиқ киши ҳозир бўлишар ва кўп манфаат топиб қайтар эдилар. Шу сабабли бу қишлоқнинг аҳолиси бой кишилар эдилар ва бойликлари деҳқончилик туфайли эмас эди» дейилади «Бухоро тарихида»<sup>1</sup>. Демак, Тавовис аҳолиси асосан савдо-сотиқ туфайли бойиган, Самарқанддан Бухорога келишда чўл ерларидан воҳага кириш ерида бўлиб, илк ўрта асрларда тараққий этган шаҳар ҳисобланган. Тадқиқотчилар Тавовисни Бухородан кейинги йирик шаҳар деб таърифлаганлар<sup>2</sup>.

Юқорида тилга олинган шаҳарлар ичида катта роғи (Бухородан кейин) Бойканд, Вардана, Ромитан, Тавовис бўлса керак. Булар ўрта даражадаги шаҳарлар бўлиб, аҳолиси (работлари билан) тахминан 15—20 минг (тўртта шаҳарда 70 минг) киши яшаган бўлиши мумкин. Қолган 9 таси (14-тадан) 5—10 минг киши яшайдиган кичик шаҳарлар бўлган<sup>3</sup>. Буларнинг ичида жуда оз аҳоли яшайдиган шаҳарлар ҳам бўлган. Масалан Варахша В. А. Шишкин тахминига кўра бу шаҳарда, X асрда, 1,5—2 минг киши яшаган<sup>4</sup>. О. Г. Большаковнинг ҳисобига қараганда Варахша шахристонидан яшаган аҳоли 1200 кишидан ошмаган, шаҳар работида 2 минг (жами 3,2 минг) киши яшаган<sup>5</sup>.

Бухоро воҳасидаги тўққизта кичик шаҳарда (аҳолиси оз-кўплигини ҳисобга олиб) 75 минг киши яшаган деб тахмин қиламиз. Шунда Бухоро воҳасидаги шаҳарларда 225 минг киши яшаган бўлиб чиқади. Бухоро вилоятларининг қишлоқлари ҳам оз бўлмаган. В. В. Бартольд, араб географларининг асарларидан, Бухоро во-

<sup>1</sup> Наршахий, Бухоро тарихи, 20-бет.

<sup>2</sup> Белиницкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии, 18-бет.

<sup>3</sup> Белиницкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии, С. 261.

<sup>4</sup> Шишкин В. А. Варахша, М., 1963, С. 106.

<sup>5</sup> Белиницкий ва бошқалар. Кўрсатилган асар, 265-бет.

ҳасидаги 122 қишлоқ номини келтиради<sup>1</sup>. Ҳақиқатда эса воҳада қишлоқлар сони кўп бўлган бўлиши керак. Ибн Ҳавқал (X аср) ахборотида айтилишича, Самарқанддан келаётган киши Кармананадан ўтиб, воҳа атрофидаги девор ичкарасига кириш пайтидан то Бухоро шаҳригача 6 кунлик йўл бўлиб; йўловчи жуда кўп қишлоқлардан ўтиб боради, деган эди. Ибн Ҳавқал сўзини давом қилиб, «Агар тоққа чиқиб, унинг устидан Сўғд дарёси (Зарафшон — К. Ш.) водийсига назар ташланса, муттасил кўкламзор — дарахтзорни кўради киши; улар орасида кўрғонлардан, ҳовли-қасрлардан бўлак ҳеч нарса кўринмайди» деган эди<sup>2</sup>.

Ибн Ҳавқалнинг айтганларида жон бор. Ҳақиқатда ҳам асрлар давомида Бухоро воҳаси дарахтзор-мевазорлари мўл бўлганлиги, хушманзарали билан саёҳатчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Воҳа ичида қишлоқлар ҳам кўп бўлган. Лекин улар бир хил катталиқда эмас эди; 4—5 хонадонни ташкил қиладиган қишлоқлар ҳам оз бўлмаган. Юқорида Бухоро вилоятидаги шаҳар аҳолисининг умумий сонини тахминан 225 минг киши белгилаган эдик. Агар вилоятдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли сони шаҳар аҳолисидан бир неча баробар ошиқ бўлганлигини ҳисобга олсак Бухоро воҳасининг қишлоқ аҳолиси 1 млн. га яқинлашади. Бунга 225 минг шаҳар аҳолисини қўшиб ҳисобласак, воҳадаги турғун аҳоли сони 1.225 минг бўлади.

Бухоро воҳаси атрофида, чўлларда кўчманчи ва ярим кўчманчи турли гуруҳлар ҳам яшаган. Булар тахминан 100—150 минг бўлса, унда Бухоро вилоятида яшовчи барча аҳолининг умумий сони 1,4 млн.га яқинлашади. Шунда Зарафшон воҳасида (Самарқанд ва Бухоро вилояти билан) бирга ҳисобланса IX—X асрда 2,7 млн. аҳоли яшаган бўлиб чиқади. Албатта бу рақамлар тахминий. Воҳаларда аҳоли сони 100—200 минг ошиқ ёки кам бўлиши ҳам мумкин. Бу рақамларни келтиришдан мақсад, ўқувчида, воҳада яшовчи аҳоли ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш эди холос.

Қашқадарё воҳаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшни бўлиб, тарихий тараққиёти кўп жиҳатларда кейинги икки вилоят билан бевосита боғлиқ бўлган. Қашқадарёнинг юқори оқимлари қадим ва илк ўрта

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. Т. I, С. 173—178.

<sup>2</sup> Ибн Хавқал, ВГА, II, С. 371.



асрларда Сўғднинг бир қисми ҳисобланиб келган, дарёнинг қуйи оқимларидаги ҳудудлар кўпинча Бухоро вилояти таркибида, унга тобе бўлиб келган. Шундай бўлса ҳамки, Қашқадарё воҳаси ўзига хос иқтисодий, маданий ва этник тараққиётга эга ўлка ҳисобланади. Қашқадарё воҳасининг катта қисми очиқ чўлдан (Қашқадарё чўли) иборат, фақат унинг жанубий районлари тоғ билан ўралган.

Араб географлари воҳани икки вилоятга: Кеш ва Насаф (Нахшаб) вилоятларига бўладилар. Қашқадарёнинг юқори ҳудудлари Кеш вилояти, дарёнинг қуйи оқимларидаги районлар Насаф вилояти таркибида бўлган.

Кеш (Киш — ҳозирги Шаҳрисабз) вилояти таркибида 16-рустақ мавжудлиги қайд қилинади<sup>1</sup>. Кеш рустақлари кўп нуфузли бўлиб чорва моллари мўл бўлган.

Вилоятнинг марказий шаҳри Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) бўлиб, унинг атрофларида 9 та қишлоқ тилга олинади. Кешдан ташқари шу вилоят ҳудудида яна Навқад-Қурайш, Субах<sup>2</sup> (ҳозирги Фузор ўрнида) ва Искифагн (Исфагн) шаҳарлари эслатилади, бу шаҳарлар Фузор рустақига қарашли бўлган<sup>3</sup>.

Насаф вилояти юқорида қайд этилганидек, Қашқадарёнинг қуйи оқимларида жойлашган вилоят, унинг марказий шаҳри Насаф (Нахшаб) эди. Насаф — Бухородан Балхга ўтадиган қарвон йўлида, Қашқадарёнинг ёқасида жойлашган бўлиб, ўз даврининг муҳим иқтисодий, маданий ва сиёсий марказларидан ҳисобланган. Шаҳар атрофида бир қанча қишлоқлар кўп бўлганлиги таъкидланади<sup>4</sup>. Булардан ташқари вилоят чегарасида мавжуд яна бир қанча қишлоқлар ҳам қайд қилинади. Шулардан энг йириклари Безда (Базда), Касби ва Маймурғ тилга олинади<sup>5</sup>. Бу қишлоқлар Насафдан йирик бўлган. Аҳолисининг сони ҳам кўп бўлган, албатта.

<sup>1</sup> Истаҳри, BGA., I, C. 324—337; Ибн Хавкал, BGA., II, 378, BGA., III, C. 282.

<sup>2</sup> Ибн Хавкал, BGA, II, C. 376—377.

<sup>3</sup> Қадимги Насаф (Нахшаб) ҳозирги Қарши шаҳри ҳудудида. Шулуқ-тепа харобалари ўрнида деб тахмин қилинади. (Қаранг: Зимин Л. Краткий отчет о поездке по Бухаре в 1916 г. — ПТКЛА. год XXI, 1917. С. 102—104; Кабанов С. К. Нахшаб на рубеже древности и Средневековья (III—VII вв.) Т., 1917). Қарши XIV аср бошида Чигатой хони Кебек томонидан бино этилган. Қаранг: Бартольд В. В. Қарши. соч. Т. III, М., 1965, С. 450.

<sup>4</sup> Ибн Хавкал, BGA, II, C. 378.

<sup>5</sup> Истаҳри BGA, I, C. 337, Ибн Хавкал, BGA, II, C. 378; Муқаддаси, BGA, III, C. 268.

Насаф вилоятининг ерлари маълум қисми суғорма, ҳосилдор ерлар ҳисобланган; бу ерларда боғ-роғлар, мевазорлар мавжуд бўлган. Аммо, қишлоқ ерларининг аксарий кўпчилиги табиий равишда қор, ёмғир билан қониқиб ҳосил берган. Боғ, чорбоғлар қудуқ суви билан ҳам суғорилиб ҳосил олинган<sup>1</sup>.

Қашқадарё воҳасида қишлоқлар сони Зарафшон водийсига (Бухоро ва Самарқанд вилоятларига) қараганда анча оз бўлганлигини араб географларининг маълумотларидан тушуниб олиш қийин эмас. Қишлоқлар сони оз бўлса, демак ўтроқ аҳоли сони ҳам нисбатан кўп бўлмаган бўлиши керак.

О. Г. Большаковнинг ҳисоби бўйича Қашқадарё воҳасида мавжуд 6 та шаҳардан иккитасида (Кеш ва Насаф, ҳар бирида 30 мингдан) 60 минг аҳоли яшаган. Қолган тўрт шаҳарда (ҳар бирида 5 мингдан) 20 минг, жами (6 та шаҳарда) 80 минг киши яшаган. О. Г. Большаков мўлжалига биноан, X—XI асрларда, Қашқадарё воҳасида 80 минг гектар суғорма ерлар бўлган. Ҳар бир гектар ерга 2—3 кишидан тўғри келганда, қишлоқ аҳолиси 160—240 минг киши бўлиши мумкин. Бу сонни (ўртасини олиб) 200 десак, бунга 80 минг шаҳар аҳолисини жамласак, Қашқадарёда яшовчи турғун аҳолининг сони 280 минг кишига яқин бўлади.

Қашқадарё аҳолисининг аксарий кўпчилиги чорвадорлар бўлиб, ярим ўтроқ ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечирган. Бу ҳақда аниқ маълумот бўлмаса ҳам тушуниш қийин эмас. Чунки, юқорида айтилганидек, баҳорда бепоён чўллар, тоғ олди ва тоғ оралиғидаги яйлов ерлар мўл бўлиб, чорва молларни қишин-ёзин сақлаб боқишга шароит бўлган, албатта. Сўзсиз, бу яйловлар бўш ётмагандир, уларда чорва билан шуғулланувчи аҳоли яшаган. Ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли асосан ўтовларда, капаларда кун кечирганлар, уларнинг доимий яшайдиган уйлари ва қишлоқлари ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам араб географлари ва сайёҳлари бу турдаги аҳолини ҳисобга олмасдан, этиборларини турғун яшовчи аҳолига қаратганлар ва уларнинг қишлоқ ва шаҳарларини қайд қилганлар, холос.

IX—X асрларда Қашқадарё воҳасининг этник таркиби ҳам бир хилда бўлмагандир, албатта. Кеш ва Нахшаб вилоятларида туркийзабон аҳоли билан бир вақтда тожиклар ҳам яшаган. Водийда қисман араблар ҳам

<sup>1</sup> Ибн Хавкал, BGA, II, С. 378.

жойлашиб қолган бўлиши керак. Шу асрларда (ундан ҳам олдинроқ) Самарқанд ва Бухоро вилоятларида араблар яшаганлиги юқорида қайд қилинган эди. IX аср географи Якубий «Хуросоннинг (Мовароуннахрни ҳам Хуросонда деб тушунган — К. Ш.) барча шаҳарларида араблар яшайди» деган ахборотини инobatга олсак, араблар Кеш ва Насаф вилоятларининг қишлоқларида ҳам яшаганлар.

Юқорида Кеш вилоятидаги шаҳарлардан бири Навқад — Курейшни тилга олдик. Бу шаҳар Кеш билан Насаф ўрталигида жойлашган. Шаҳарга «курайш» сўзининг қўшилиб айтилишидан араблар Мовароуннахрни тобе этган даврларда (VIII аср биринчи ярми) уларнинг курайш қабиласидан бир гуруҳи Науқадга ўрнашиб қолган деб тахмин қилинади<sup>1</sup>. Сўзсиз арабларнинг илк бор келган қисмлари туб ерли аҳолига аллақачонлар аралашиб кетган. Аммо кейинги асрларда ҳам бу ерларга уларнинг янги-янги гуруҳлари келиб ўрнашаверган. Асрлар бўйи келиб ўрнашган арабларнинг кейинги авлодларининг маълум қисми бизнинг давримизгача яшаб, онг сезимларида (араб эканликларини), айрим гуруҳлари (масалан, Жейнов қишлоғида) тилларини ҳам сақлаб қолганлар<sup>2</sup>.

Мовароуннахрда турғун яшовчи аҳолининг катта қисми Тохаристон ҳудудида ҳам яшаган. Тохаристон Бадахшон билан Балх оралиғидаги йирик ўлка. Бу ўлка жанубда Афғонистон, Ҳиндистон, шарқда Тибет ва Шарқий Туркистон, шимолда Фарғона водийси, ғарбда Қашқадарё воҳаси ва Сўғдиёна билан бевосита этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган.

Шимолий Тохаристон ҳудудида IX—X асрларда бир неча тарихий ҳудудлар мавжуд эди. Шулардан энг нуфузлиси Чағаниён (Сағаниён) ҳисобланган. Бу ҳудуд Сурхондарё воҳасида жойлашган бўлиб, марказий шаҳри ҳам Чағаниён деб аталган<sup>3</sup>. Араб географларининг асарларида таъкидланишича, Чағаниён шаҳри Шимолий Тохаристон ўлкасидаги энг йирик шаҳар ҳисоб-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. соч. Т. III. С. 206.

<sup>2</sup> Волин С. А. К истории среднеазиатских арабов. Труды института востоковедения АН СССР, М.-Л., 1941, С. 111—126.

<sup>3</sup> Чағаниён (Сағаниён) шаҳри ҳозирги Денов яқинида (балки унинг ўрнида) жойлашган бўлган. Қаранг: В. В. Бартольд. Т. I, С. 123. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. Т. I, С. 123; К истории орошения Туркестана. соч. Т. III, С. 158.

ланган, аммо ундаги аҳоли сони Термиз шаҳри аҳоли-сидан оз бўлган<sup>1</sup>. О. Г. Большаковнинг тахмин қилиши-ча Чағаниён шаҳристонидан 9—10 минг киши яшаган<sup>2</sup>. Аммо унинг работида қанча киши яшаганлиги аниқ-ланмаган.

Муқаддасийнинг ахборотида Чағаниён вилоятида 16 минг қишлоқ мавжуд бўлганлиги таъкидланади<sup>3</sup>. Зеро шундай экан, вилоят аҳолиси анча зич жойлашган бўли-ши керак. Агар ҳар бир қишлоқда энг камида 50 киши-дан бўлганда ҳам (сўзсиз бу тахминий ҳисоб, баъзи қиш-лоқларда бир неча юз киши яшаган бўлиши ҳам мум-кин). Чағаниённинг 16 минг қишлоғида 800 мингдан ошиқ аҳоли яшаган бўлади. Балки, Муқаддасий қишлоқлар со-нини кўпайтириб (бўрттириб) кўрсатгандир. IX—X аср-ларда шундай бўлган ҳам дейлик, лекин шуни инobatта олиш жоизки, Мовароуннаҳр аҳолисининг сони (жум-ладан Тохаристоннинг ҳам) XIII—XIV асрларга нисба-тан бир мунча кўп бўлган. Ўзининг ободончилиги, иқти-содий ва маданий тараққиёти билан машҳур бўлган Ча-ғаниёнда илк ўрта асрнинг охирларида 800—850 минг аҳоли яшashi ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак.

Чағаниён билан Термиз шу вилоятнинг марказий шаҳри ҳисобланган.

Термиз Сурхон дарёсининг Амударёга қуйилиш жо-йига яқин жойлашган йирик шаҳар ва мустаҳкам му-дофаа истехкоми бўлиб, унинг аҳолиси X асрда 33—35 минг киши бўлган, деб тахмин қилинади<sup>4</sup>. Бу шаҳар, ўз даврида Мовароуннаҳрнинг, аввало Тохаристоннинг, иқтисодий ва маданий тараққиётида катта роль ўйна-ган. Термиз орқали ўтган Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиё халқлари Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистоннинг барча шаҳар ва вилоятлари билан савдо ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Тохаристондаги (аникроғи шимолий Тохаристон-нинг) йирик тарихий ҳудудлардан бири Хуттал бўлиб, у Вахш дарёси ва Панж, дарёси ўртасида жойлашган, марказий шаҳри Ҳулбук, Хуттал, Чағаниён вилояти-дан ҳам катта бўлганлиги ва унинг ҳудудида 15 дан ошиқ шаҳарлар бўлганлиги таъкидланади<sup>5</sup>.

Шимолий Тохаристонда бошқа бир қанча тарихий

<sup>1</sup> Истаҳри, BGA, I, С. 339—340.

<sup>2</sup> Белинцкий А. М. ва бошқалар.

<sup>3</sup> Муқаддаси, BGA, III, С. 283.

<sup>4</sup> Муқаддасий. Кўрсатилган асар. 290—291-бетлар.

<sup>5</sup> Муқаддаси. BGA, III, С. 290—291.

худудлар ҳам мавжуд бўлган: Чағон-руднинг (Сурхондарё)нинг юқори оқимларида Ахарун вилояти; Панж (Жероб) ва Вахш (Сухроб) оралигида Хуттал (Хуталон) ва Қабодиан вилоятлари; Кўкча дарё водийсида Бадахшон вилояти, Ваҳон дарё водийсида Ваҳон вилояти; Гунт дарё водийсида Шикинан вилояти; Ванг ва Ёзгулом дарё водийларида<sup>1</sup> Керон (Рушон ва Дарвоз) вилояти жойлашган бўлган.

Номлари келтирилган тарихий худудларнинг (Чағаниёндан ташқари) аҳоли сонини аниқлаш қийин. Аммо араб географларининг Шимолий Тохаристон худудларида аҳолининг зич яшаганлигини, шаҳар ва қишлоқлари ниҳоят кўп бўлганлигини<sup>2</sup> инобатга олиб, бу минтақада тургун яшовчи (туркий ва тожик) аҳолининг сони 3 млн. га яқин десак хато бўлмас. Мазкур худудда кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий қабилаларнинг сони ҳам 300 мингга яқин десак, Тохаристон аҳолисининг сони 3 млн. 300 мингга етади. Бу рақамлар ва Самарқанд вилоятида 1 млн 280 минг, Бухоро воҳасида 2 млн. 700 минг, Қашқадарё вилоятида 850 минг, Усрушона ва Хўжанд вилоятида 800 минг, Фарғона воҳасида 2 млн. киши яшаганлигини ҳисобга олсак, Мовароуннаҳрда 10 млн. 450 минг, кўпи билан 12 млн. киши яшаган бўлиши мумкин.

Тожикистон Республикаси ФАнинг академиги Рахим Масов IX—X асрларда Мовароуннаҳр худудида фақат тожиклар 32—33 млн. киши, ўзбеклар эса бир неча ўн минг киши бўлганлигини таъкидлаб ўтади<sup>3</sup>. XX асрнинг 80—90 йиллари, аҳолининг энг кўпайган даври бўлса ҳамки, Мовароуннаҳрда яшовчи ўзбек ва тожиклар сони ҳали 32 млн. га етганича йўқ. Илк ўрта асрларда бу худудда шунча кўп аҳоли яшаганлигига ақл бовар қилмайди.

Жанубий Тохаристонда (Шимолий Афғонистон), Афғонистоннинг шимоли-шарқий вилоятларида, Ҳиндистоннинг шимолий худудларида илк ўрта асрларда ва ундан кейинги асрларда туркий этносларнинг (эфталийлар, қарлуқ, халаж ва бошқ.) яшаганлиги ва уларнинг Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон ва Етти-сув аҳолиси билан этник ва маданий алоқада бўлиб

<sup>1</sup> Ваҳондарё, Гунт, Бартанг, Ёзгулом ва Ванч-Жероб (ҳозирги Панж) дарёсининг юқори тармоқлари. Панж эса ўз навбатида Аму-дарёнинг энг йирик ўзанларидан бири ҳисобланади.

<sup>2</sup> Истаҳри, ВГА, I, С. 338—340, Мукадаси, ВГА, III, С. 282—284, 289, 290—291.

<sup>3</sup> Рахим Масов. Таджики: История с грифом «Совершенно секретно», Душанбе, 1995, С. 69.

келганликлари ишларимиздан бирида батафсил ёритилган<sup>1</sup>.

Хоразм IX—X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топган ўлкалардан ҳисобланган. Шу даврларда деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва тижорат ишлари тараққий этиб, Хоразм халқаро бозорда ҳам катта мавқега эга бўлган.

Хоразм шаҳар ва қишлоқларга, суғориш иншоотларига бой мамлакат эди. Бу масалалар тарихий манбаларда ва адабиётларда батафсил ёритилган<sup>2</sup>.

Хоразм давлати IX—X асрларда Амударёнинг пастки оқимларини, унинг ҳар иккала (чап ва ўнг) соҳилларидаги ҳудуднинг катта қисмини эгаллар эди. Унинг марказий шаҳри Кат (Кас, Фир)<sup>3</sup> бўлиб, у дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлган. Амударёнинг чап соҳилидаги шаҳарлардан энг йириги Гурганж<sup>4</sup> эди. 995 й. Хоразм пойтахти Кат шаҳридан Гурганжга кўчирилади ва шу санадан бошлаб бу шаҳар Хоразмшоҳлар сулоласининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Хоразм шаҳарлари ва қишлоқлари асосан воҳада жойлашган бўлган. Шаҳарлар баланд деворлар билан ўралган, дарвозалари, кўпинча, темир билан қопланган, шаҳар теварагида чуқур ҳандақлар бўлиб, сув билан тўлдирилган мустаҳкам истехкомлар бўлганлиги шаҳар дарвозаларининг олдида тош отувчи мосламалар ўрнатилганлиги қайд қилинади<sup>5</sup>. Шаҳар атрофларида рустақлар, қишлоқлар мавжуд бўлиб, улар ҳам баланд деворлар билан ўралган эди. Араб географларнинг ёзишича, Хоразм воҳасидаги қишлоқлар бир-бирига уланиб кетган экан. Воҳада жойлашган қишлоқларда мевали дарахтлар, узум-

---

<sup>1</sup> К. Шониёзов. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар, Тошкент, 1999.

<sup>2</sup> Истахри, BGA, I, C, 301—304, 338, 341, 342; BGA, II, 350, 351, 354; Мукаддаси, BGA, III, 284—289, 292, 343—344; Ҳудуд ал-олам. 25 б, 26 а. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. т. I, С. 161—184; Гулямов Я. Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959, 145—165-бетлар.

<sup>3</sup> Беруний Кат шаҳрининг номини Фир (ал-Фир) деб беради. Бу шаҳар Амударё ёқасида, сувга яқин жойлашган бўлганлиги туфайли, уни дарё суви ўпиради, милодий 993 й. шаҳарда деярли ҳеч нарса қолмайди. Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, I-жилд, 71-бет.

<sup>4</sup> Гурганж — араб тилида ёзилган манбаларда — Журжония, мўғуллар ва турклар бу шаҳарни Урганч деб атаганлар. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I, С. 201.

<sup>5</sup> Мукаддаси, BGA, III, С. 288.

зорлар, боғ-роғлар сероб бўлган<sup>1</sup>. Бу маълумотлар инобатга олинса, Хоразм воҳасининг аҳолиси IX—X асрларда нисбатан зич жойлашганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади.

IX—X асрларда Хоразм шаҳарлари олдинги даврларга нисбатан бирмунча кенгайган эди. Шаҳарларни феодалларнинг қалъалари ва уларга тобе бўлган кадаиворларнинг мустақкам қўрғонлари жойлашган рустақлар ўраб олганлиги таъкидланади манбаларда. Хоразмнинг йирик шаҳарларидан бири Миздаҳхон атрофида 12 мингта мустақкамланган ҳовли қўрғонлар мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Шу даврларда теварак-атрофдаги чўлларда кўчманчи ўғуз қабилалари яшаган. Уларнинг тажовузидан ўз кулбаларини, бола-чақаларини ҳимоя қилиш мақсадида воҳа аҳолиси, хусусан, феодал-зодагонлар ҳовлиларини баланд деворлар билан айлантириб қўрғон қилганлар.

Хоразм воҳасининг хавфсизлигини кўчманчи чорвадор қабилалардан ҳимоя қилиш учун IX—X асрларда бошқа чоралар ҳам кўрилган. Устюрт чўлларидаги баландликларда мудофаа қалъалари қурилган. Масалан, шундай қалъалар бирин-кетин (маълум масофада) Орол денгизи билан Сариқамишгача бўлган чегарада мавжуд эди. Бу қалъаларда харбий (қўриқчи) горнизонлар сақланган. Қалъаларда олдиндан хабар берадиган, тошдан терилган олов ёқишга мосланган қурилма (динг) бўлиб, ёв яқинлашганда (хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин) олов ёқиб хабар берганлар. Шу усулда берилган хабар узоғи билан бир соат ичида чегара қўриқчиларига етиб уларни оёққа турғизган<sup>3</sup>.

Хоразм воҳасининг қишлоқ ва шаҳарларида асосан турғун аҳоли яшаган. Этник жиҳатдан улар бир хилда бўлмаган, албатта.

Хоразм ўлкасида қадимдан яшаб келган ўтроқ аҳолининг ўзига хос тили бор эди. Бу тилнинг IX—X асрларда ҳам мавжуд бўлганлиги араб географлари ва тарихчиларининг, жумладан Истахрий, Муқаддасий, Ибн Фадлан, Нажиб Ҳамадоний асарларида қайд этилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Истахри. BGA, I, С. 304; Муқаддаси, BGA, III, С. 284.

<sup>2</sup> Муқаддаси, BGA, С. 288; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 206.

<sup>3</sup> Гулямов Я. Г. Кўрсатилган асар, I. 61-бет.

<sup>4</sup> Истахри. BGA, I, 305; Муқаддаси, BGA, III, С. 335; Ковалевский А. Книга Ахмада ибн-Фадлана и его путешествие на Волгу в 921—922. Харьков, 1956, С. 123; Извлечения из энциклопедии Наджиба Хамадана «диковинки творений», см. Ковалевский А. П., кўрсатилган асар. 151-бет.

Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида ёзилишича хоразмликларнинг тили эронликларнинг ва сўғд аҳолисининг тилига яқин эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Бу халқларнинг ой ва кун номлари ҳақида гап кетганда Беруний ёзган эди: «Уларнинг (хоразмликларнинг — К. Ш.) ойлари сонда ва неча кун бўлишида эронликларнинг ойлари кабидир, фақат оташпарастрлар (бу ерда олим Хоразм ва Сўғд оташпарастрларини кўзда тутган — К. Ш.) ойлари баъзиларининг бошланиши билан эронликлар ойлариининг бошланиши орасида тафовут бор»<sup>1</sup>.

Беруний яна хоразмликлар ҳақида гапириб, қуйидагиларни ёзади: «Энди хоразмликларга келсак, булар, гарчи Эрон дарахтидан бир шох ва Эрон дарёсидан бир тармоқ бўлсалар ҳам, йил аввалларини белгилашда ва ортиқча кунларни қаерга (қайси ойга) қўйишда сўғдийларга эргашадилар»<sup>2</sup>.

Берунийнинг юқорида тилга олинган асарида келтирилган ахборотлардан кўриниб турибдики, хоразмликларнинг илк ўрта асрлардаги лахжалари сўғд аҳолисининг тилига яқин бўлган, лекин шу билан бирга ундан бирмунча фарқ қилган. Муқаддасий ҳам ана шу фарқни таъкидлаб ёзган эди: «Амул ва Фароб аҳолисининг тили Хоразм тилига ўхшаш, лекин сўзларнинг маъноси бухороликларникига яқин»<sup>3</sup>. Бухороликлар IX—X асрларда сўғд тилида гаплашганлар. Демак, Амул ва Фароб аҳолисининг талаффузлари сўғд аҳолисиникига яқин бўлган. Беруний хоразмликларни фақатгина тили билан эмас, ҳатто чиқиб келишини ҳам эронликлар билан боғлайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, хоразмликлар чиқиб келишлари эронликларга яқин бўлсалар ҳамки, аммо буларни эронликларнинг ўзи деб тушуниш нотўғри. Илк ўрта асрларда хоразмликлар ўз тилига, ёзувига, ўз номига, онг сезимига эришган алоҳида халқ эди.

IX—X асрларда Хоразм тилида гапирувчи аҳоли билан бир вақтда, бу ўлкада туркийзабон халқлар ҳам яшаган, албатта. Туркий халқларнинг воҳага ва унинг атрофидаги чўлларга қачон келиб ўрнашганлиги ҳақида аниқ далилларга эга эмасмиз. Лекин айрим маълумотларга асосланиб, милоддан олдинги II—I аср ва мило-

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Кўрсатилган асар, 83-бет.

<sup>2</sup> Муқаддаси, BGA, III, С. 335

<sup>3</sup> Муқаддаси, BGA, III, С. 335.



дий I—II асрларда Хоразм воҳасига Амударёнинг ши-молидаги ва Орол денгизининг жанубидаги чўлларга туркийзабон қабилаларнинг айрим гуруҳлари масалан, хун гуруҳлари келиб ўрнашган десак, хато бўлмас. Милоддан олдинги I ва милодий I—II асрларда хун қабилалари ва зодагонлари орасида сиёсий курашлар тобора кескинлашиб боради. Буларнинг ҳаммаси Хун давлатининг кучсизланишига ва унинг бир неча қисмларга бўлиниб кетишига олиб келади.

Милодий I—II асрларда хунлар асосан тўрт қисмга бўлиниб кетадилар. Буларнинг катта бир қисми сянби қабилаларининг қақшатқич зарбаларидан сўнг ғарбга томон чекиндилар. Булар ҳозирги Қозоғистон чўл-саҳроларидан кечиб ўтиб, милодий II—III асрларда Орол денгизи атрофидаги яйловларда, Урол тоғ этакларига, то Волга дарёсигача бўлган ҳудудга бориб ўрнашдилар. Хунлар ғарбга силжиб бораётган вақтларда, уларнинг айрим гуруҳлари Хоразм воҳасига яқин чўлларда ҳам ўрнашиб қолиб, кейинчалик шу ўлка аҳолисининг этник таркибига кириб, уларга араллашиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Хоразм воҳаси милоддан олдинги II—I, милодий II—III асрларда Қанғ давлати тасарруфида бўлган. Шу асрларда Хоразм ҳудудида қанғларнинг айрим қабилалари келиб ўрнашган бўлиши керак. Чунки, айти шу асрларда қанғар қабилаларининг кўчманчи гуруҳлари Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Орол денгизининг атрофларидаги, Каспий денгизининг шимолидаги чўлларда кўчиб юрар эдилар. Бу гуруҳларнинг маълум қисми Хоразм ҳудудида қолиб, маҳаллий аҳоли таркибига кириб, унга сингиб кетган. Сарикамиш кўлининг жануби-шарқида жойлашган милодий II—III асрларга оид Қанға шаҳри ҳамда Амударёнинг чап тармоқларидан бири Қанға дарё деб аталиши фикримизнинг далили бўла олади.

Беруний Хоразмда алан ва ас (ос) қабилалари яшаганлигини ёзган эди<sup>1</sup>. Буларнинг катта қисми милодий I—II асрларда Дон дарёси бўйларига ва Азов олди чўлларида бориб жойлашган. IV—V асрларда, хунларнинг бу ерларга келиши билан аслар Кавказ тоғ олди районларига бориб яшайдилар.

<sup>1</sup> Осларнинг Кавказ халқлари билан араллашиши натижасида кейинчалик осетин элати ташкил топади. Қаранг: Калоев Б. А. Осетини. М., 1971. С. 13—15, 41—51.

Алан ва осларнинг (бу ҳар иккала этнос ҳам бир халқнинг номи бўлиши керак) маълум қисми Сарикамиш атрофида яшаб қолган. Милодий VII—VIII асрларда, Амударё ўзанининг батамом ўзгарганлиги туфайли Сарикамиш воҳасида деҳқончилик ишлари заифлашиб кетади. Бу ерларда қолиб кетган аланларнинг айрим гуруҳлари кўчиб, Хазар (Каспий) денгизининг шарқий соҳилларидаги чўлларга бориб ўрнашадилар<sup>1</sup>. Аммо бу ҳудуддан аланларнинг ҳаммаси кетган эмас эди; уларнинг баъзи гуруҳлари Амударёнинг қуйи оқимларида қолган эдилар. IX—X асрлар давомида аланларнинг талай қисми печенег қабилаларининг таъсирида туркийлашадилар. Лекин Берунийнинг даврида (X аср охири — XI асрнинг яримларида) аланларнинг туркийлашиш жараёни ҳали ниҳоясига етмаган эди. Уларнинг бир қисми Хоразм тилида, иккинчи (туркийлашган қисми) печенеглар тилида гаплашганлар. Шунинг учун ҳам Беруний аланларнинг ҳозирги тили (Беруний давридаги тили — К. Ш.) хоразмликлар ва бижанаклар тилидан ташкил топган»<sup>2</sup> деб ёзган эди.

Печенеглар ва уларга қардош қанғар-қанғилларнинг тили туркий тил бўлганлиги шубҳасиздир. Хоразмликларнинг маълум қисмининг тили (асосан шаҳар аҳолиси) шарқий эрон тил системасига мансуб бўлганлиги юқорида таъкидлаган эдик. Демак, аланларнинг ҳали туркийлашмаган қисмининг тили ҳам шарқий эрон тил туркумидан бўлган. Бу тил аланларнинг кейинги авлодлари — осетинларда, бирмунча ўзгарган ҳолда ҳозиргача сақланиб келмоқда<sup>3</sup>.

Печенег ва қанғилардан (қанғарлар) ташқари Хоразм воҳасида ва унинг атрофларидаги чўлларда бошқа туркий қабилалар ҳам яшаган, албатта. Бу қабилаларнинг айрим гуруҳлари Фарбий турк хоқонлиги даврида (VI—VIII) келиб ўрнашган бўлиши керак. Лекин булар асрлар давомида ўтроқлашиб маҳаллий аҳолига араллашиб кетган, албатта. Кейинги асрларда Хоразмга ва унинг атрофларидаги чўлларга туркийзабон этносларнинг янги гуруҳлари келиб ўрнашди.

Муқаддасий Хоразм яқинида яшовчи халқлардан

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Геодезия. С. 95.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Геодезия С. 96.

<sup>3</sup> Миллер В. Ф. Осетинские этюды. ч. III., 1889. С. 100—101; Абаев В. И. Осетинский язык и фольклор. Т. I, М. 1949, С. 338—348.

туркларни тилга олади<sup>1</sup>. Аммо уларнинг қайси қабилага мансуб эканлигини аниқ кўрсатмайди. Лекин буни фаҳмлаш қийин эмас. Маълумки, VIII—X асрларда Еттисувда қарлуқлар ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Қарлуқларга тобе бўлишни хоҳламаган айрим этнослар (сарик, уз, аз ва бошқ.) Еттисувни тарк этиб, Орол денгизи атрофларидаги чўлларга бориб ўрнашган эдилар. Ана шу этносларнинг баъзи гуруҳлари Орол денгизи жанубий районларига, Хоразмга чегарадош ҳудудларга ҳам бориб жойлашгандир. Муқаддасий эслаб ўтган турклар шу этник гуруҳлар жумласидан бўлиши мумкин.

Хоразм воҳасига яқин чўлларга ғузлар (ўғузлар) ҳам кўчиб борганлар. Буларнинг асосий қисми VIII—X асрларда Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Орол денгизининг шимолида ва унинг жанубий минтақаларида яшар эдилар. IX—X асрларда ўғузларнинг маълум қисми Орол денгизининг жануби-ғарбий районларида ҳам ўрнашиб олган эдилар. Истахрий Хоразм ҳақида гапириб «унинг шимолий ва ғарбий ҳудудлари ғузлар чегарасига уланиб кетади»<sup>2</sup> деб ёзади. Муқаддасий эса Хоразм воҳасининг шимоли-ғарбидаги рустақлардан бири бўлган Житни (Гит) тилга олиб «Бу ғузлар чегарасидаги мустақамланган рустақ, улар томон борадиган йўл шундан (Гит рустақидаги — К. Ш.) ўтиб боради»<sup>3</sup> деб таъкидлаган эди. Беруний маълумотларидан аниқланишича ғузлар яна ҳам ғарбда Балхан тоғлари ва Копетдоғнинг ғарбида, тоғ олди районларида яшаганлар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Муқаддасий, BGA, III, С. 286.

<sup>2</sup> Истахри, BGA, I, С. 299.

<sup>3</sup> Муқаддасий, BGA, III, С. 286.

<sup>4</sup> Беруний «шаҳарларнинг узунлиги ва кенгликлари» жадвалида ғузлар жойлашган вилоятлар ва мамлакатлар қаторида Балхан шаҳри ва Ферави работини тилга олади. Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қонуни Маъсудий, 5-жилд, Т., 1973, 425-бет. Балхан — Каспий денгизининг шарқий қисмида, ҳозир шу ном билан (Балхан) аталувчи тоғ этагида жойлашган қадимий афсонавий шаҳар бўлган. «Ғузлар чегарасидаги Ферави рустақи» (Беруний, кўрс. асар, 425-б.). Копетдоғнинг шимоли-ғарбий ён бағрида жойлашган Қизил арвотдан 18 км. ғарбда, ҳозирги Паров қишлоғи ўрнидаги илк ўрта асрлардаги работ. Қаранг: Самойлович А. Н. Из туркменской старины. — Сборник в честь семидесятилетия Григорич Николаевича Патанина. СПб, 190X (ЗИГТО по отд. этнографии, т. XXXIV, С. 560; Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. соч. Т. III, С. 53, 54, 130 (22 илова)); Ибн Ҳавқал (Қаранг: BGA, II, 273-б.) Артек дарёсининг шимолидаги Дехистон шаҳрини ҳам ғузларга қарши чегара қўрғон бўлганлигини таъкидлайди.

Фузлар айрим вақтларда Хоразм воҳасидаги шаҳар ва қишлоқларга ҳужум қилиб ҳам турганлар, албатта. Фузлар ҳужумидан воҳани ҳимоя қилиш мақсадида, улар яшайдиган чегараларда, юқорида айтилганидек, мустаҳкамланган рустақлар қуриб, уларда доимо соқчи жангчилар сақланган; шаҳар ва кўрғонлар мустаҳкам истеҳкомларга айлантирилган. Шу хилдаги чора-тадбирлар бўлишига қарамасдан, Хоразм подшолари доимо хушёр туриб «мамлакатларининг атрофини улардан (фузлардан — К. Ш.) ҳимоя қилар эдилар»<sup>1</sup>.

Фузлар билан хоразмликлар орасидаги муносабат доимо рақобатчиликдан иборат бўлмаган, албатта. Маълумки фузлар ва бошқа кўчманчи халқларнинг асосий бойлиги чорва эди. Воҳада яшовчи аҳолининг чорва маҳсулотларига талаби катта бўлган. Бошдан ҳам чорвадорлар билан ўтроқ аҳоли ўртасида савдо-сотик ишлари муқаррар давом этиб келган. Савдо-сотик ривожланишидан ҳар иккала томон манфаатдор бўлган. Бунга қабила бошлиқлари ҳам, Хоразм подшолари ҳам тўсқинлик қилмас эдилар, аксинча улар тижорат ишларини қувватлаб келганлар. Чунки воҳа аҳолисининг асосий бойлиги турклар билан олиб борилган савдо-сотик ва чорвадан бўлган<sup>2</sup>.

Истахрийнинг таъкидлашича, Журжония Хоразмнинг энг йирик шаҳарларидан бўлиши билан у чегарага яқин жойда жойлашган мустаҳкам истеҳком ҳам эди. Журжония фузлар билан олиб борилган йирик савдо-сотик бозори ҳисобланган. Тинч вақтларда (яъни хоразмликлар билан фузлар ўртасида осойишталик ҳукм сурган кезларда) фузлар Журжония ва Баратегин қишлоғига келиб бозор қилиб қайтганлар<sup>3</sup>. Демак, кўрғон ва шаҳарлар ҳар қанча мустаҳкам бўлмасин, тинчлик-осойишталикда, тижорат ишларининг зарурлиги туфайли уларнинг дарвозалари кенг очилган.

Мовароуннаҳрнинг этник тарихи Сирдарё соҳиллари ва бу дарёнинг шимолидаги ҳудудлар билан ҳам бевосита боғлиқ.

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, 1-жилд, 281-бет.

<sup>2</sup> Истахрий, ВГА, 1-жилд, 299-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда. 303-бет. Муқаддасийнинг (қаранг: ВГА, III, 288-6.). Баратегин чўл билан воҳа чегарасида, тоғли ерда жойлашган қишлоқ бўлиб, унда йирик ва обод бозор мавжуд бўлган. Истахрий (ВГА, I, 303-6.). Баратегин ҳам чегарадаги мустаҳкам истеҳком бўлган.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида Шош ва Илоқ воҳалари мавжуд эди. Шош Пароқ (Чирчиқ)<sup>1</sup> дарё ҳавзасида Илоқ (Оҳангарон) дарё ҳавзасида жойлашган<sup>2</sup>. Араб географлари бу вилоятларни жуда кўркам, баҳаво, оқар сувлари мўл, қишлоқлари, экинзор ерлари, мевазор, узумзорлари кўп, нуфузли вилоятлар деб таърифлайдилар<sup>3</sup>. Манбаларда Шош вилоятида 30 га яқин Илоқда 13 йирик<sup>4</sup> шаҳарлар мавжуд бўлган дейилади. Аммо, шаҳар, қишлоқ аҳолиси тил жиҳатидан қайси халққа (турк, тожик) мансублиги ҳақида манбаларда аниқ маълумот йўқ. Лекин Сирдарёнинг ўрта оқимларида қадимдан халқларни (қанғар-қанғиллар, хунлар, усунлар ва бошқ.) туркий халқлар, этник гуруҳлар яшаб келганлигини эътиборга олинса Шош ва Илоқ воҳаларидаги аҳолининг катта қисми туркийзабон бўлган десак хато бўлмас. Сўзсиз Чирчиқ ва Илоқ дарё водийларида сўғдийлар ҳам яшаган.

Шош ва Илоқ водийларининг атрофларидаги худудларда (тоғ ва чўлларда) ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ турк қабилалари жойлашган бўлган. Истахрий Илоқ (ҳозирги Оҳангарон) дарёси «Туркистондан бошланади» деб ёзган эди. Ибн Ҳавқал бу дарёни «Турк ерларидан оқиб келади» деган<sup>5</sup>. Илоқ дарёсининг юқори қисмлари Қурама ва Чотқол тоғларининг туташган ерларидан бошланади. Демак, Қурама тоғининг юқорисидан ва Чотқол тоғининг ўрта қисмларигача бўлган ерлар турклар худуди бўлган.

<sup>1</sup> Чирчиқ дарёси араб-форс тили манбаларда турлича номланган: «Худуд ал-олам»да бу дарё Парак (қаранг: МИКК, Т. I, С. 38), Истахрийда — Барак (қаранг: МИКК, т. I, С. 29) дейилган. Ибн Ҳавқал бу дарёни Турк деб номлайди. (Қаранг: BGA, II, С. 388).

<sup>2</sup> Мўғулларгача бўлган даврлардаги араб-форс тилида ёзилган манбаларда Оҳангарон дарёси «Илоқ дарё» ва шу дарёдан сув олиб суғориладиган барча ерлар (воҳа) — Илоқ деб аталган. «Илоқ» сўзи темирчи-хунарманд маъносини англатган. Дарёнинг ҳозирги номи — Оҳангарон сўзи тожик тилида худди шу маънони билдиради. Қаранг: Андреев М. С. Местность Туркестана интересные в археологическом отношении. Среднеазиатский вестник. Ташкент, 1896, С. 16—28.

<sup>3</sup> Истахрий, Кўрсатилган асар, С. 19, 28; Ибн Ҳавқал, С. 384—389.

<sup>4</sup> Араб географлари Шош шаҳарларининг сонини ҳар хил кўрсатдилар: Истахрий (Қаранг: МИКК, С. 19, 28), Шошда 25, шу асарнинг форс тилидаги таржимасида 27 та, Ибн Ҳавқал ҳам (Қаранг: BGA, 389-б.) шунча шаҳар бўлганлигини маълум қилади. Ҳар иккала муаллиф Илоқда 13 шаҳар мавжудлигини айтади. Муқаллабий Шошда 34 та, Илоқда — 17 шаҳар бўлганлигини таъкидлайди (Қаранг: BGA, III, 264—265 б.).

<sup>5</sup> Истахрий, МИКК, Т. I, С. 29, Ибн Ҳавқал, BGA, II, 386-бет.

Чирчиқ (Парак, Фароқ) дарёси ҳақида гап кетганда унинг бир ўзани (тармоғи) Бискампдан (Пском), иккинчи тармоғи Читгил<sup>1</sup> тоғларидан бошланади, аммо уларнинг энг юқори қисми Хазлажия туркларининг<sup>2</sup> вилоят чегараларидан оқиб келади ва ҳар иккала ўзан бирлашиб Турк дарёсини ташкил этганлиги айтилади. «Худуд ал-олам» ахборотларида Пароқ (Чирчиқ дарёси) Қарлуқ тоғидан бошланади, дейилган<sup>3</sup>. Келтирилган бу камчилик маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки Курама-Чотқол-Пском тизма тоғлари (умуман Тангритоғининг шимолий ва жанубий ҳудудларида) туркийзабон қабилаларнинг (қарлуқ ва чигил гуруҳларининг) маълум қисми жойлашган бўлган.

IX—X асрларда Келес чўлида, Оҳангарон ва Чирчиқ водийларида, Чатқол ва Угам тоғ ён бағрларида ўғузларнинг айрим гуруҳлари ва улар билан ёнма-ён қарлуқ қабиласининг гуруҳлари ҳам яшаганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди. Бу этник гуруҳлар ислом динини қабул қилганидан кейин Сомонийлар ижозати билан водийга кириб келган бўлишлари керак. Ўғуз ва қарлуқ гуруҳларининг водийга келиши билан бу ердаги туркийзабон аҳоли сон жиҳатдан бирмунча кўпайди. Қарлуқларнинг баъзи қисмлари Тошкент воҳасига VIII аср бошларидаёқ келган<sup>4</sup>. Аммо қарлуқларнинг бу қисмлари аллақачон ўтроқлашиб, Шош воҳасидаги туркийзабон аҳолининг қадимги қатламлари билан аралашиб кетган эдилар. IX ва X аср ўрталарида, ўғузлар билан бир вақтларда келган гуруҳлари ислом динини қабул

<sup>1</sup> Истахрий бу тоғни т.қ.л. шаклида берган, таржимон буни Чақал деб ўқийди (Қаранг: МИКК Т. I, С. 262). Масъудий эса уни (тоғнинг) жидгил деб берган. Кейинчалик бу геофизик ном Чатқал бўлиб қолган. Бу тоғ ўз номини туркларнинг чигил қабиласининг номидан олган деб ҳам тахмин қилинади (Қаранг: МИКК, Т. I, 29-б., 25-илова). «Худуд ал-олам»да Пароқ (Чирчиқ) дарёсининг юқори қисми Қарлуқ тоғидан бошланади дейилган. Маълумки чигиллар Қарлуқ иттифоқидаги қабилалардан бирининг номи. Араб-форс манбаларидан келтирилган маълумотлардан Тангритоғнинг маълум қисми Қарлуқ, Чатқол тоғи эса Чигил деб аталган бўлиши керак, деган фикр туғилади.

<sup>2</sup> Хазлажия турклари деб қарлуқларни назарда тутган бўлиши керак Ибн Ҳавқал. Араб манбаларида қарлуқларни кўпинча «Харуж», «Харулуж» тарзида берилган. Хазлаж шу атамани бир шакли бўлиши керак. Агар шундоқ бўлган тақдирда Ибн-Ҳавқал ва «Худуд ал-олам» маълумотлари бир-бирини тўлдирди ва бундан Чирчиқ дарёси ирмоғидан бошланган тоғ қарлуқ номи билан аталишига шубҳа қолмайди.

<sup>3</sup> МИКК, Т. I, С. 38.

<sup>4</sup> Шониёзов К. Ш. Узбеки-карлуки, Ташкент, 1964, С. 17—18.

қилган бўлсалар ҳамки, ўзларининг этник хусусиятларини сақлаб келмоқда эдилар.

Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Шош воҳаси хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳар аҳолиси ва йирик қишлоқ аҳолисида хунармандчилик катта ўрин олган.

Шош ва Илоқ воҳаларида қадимдан хунармандчилик бирмунча ривожланган эди. Ўрта асрлар давомида хунармандчиликнинг турли соҳалари (кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва бошқ.) кенг тараққий этган. Хунармандчиликка керакли хомашёларнинг кўпчилиги Шош ва Илоқ воҳаларининг ўзида мавжуд бўлган. Маълумки, Курама ва Чотқол тоғлари темир, олтин, кумуш ва бошқ. маъданларга бой бўлган<sup>1</sup>. Чотқол тоғи форс тилида Куҳисим (кумуш тоғ) деб номланган<sup>2</sup>. Курама тизма тоғида, хусусан унинг жануби-ғарбий қисмида (Қорамозор номи билан аталувчи тоғда) кумуш кони бўлган. Оҳангарон дарёсининг юқори ва ўрта оқимлари шохобчалари кумуш конлари билан мавжуд бўлган тоғлардан бошланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, бу дарё (Оҳангарон дарёси) баъзи манбаларда «Кумуш конли дарё» деб номланган<sup>3</sup>.

Юқорида Илоқ вилоятининг марказий шаҳри Тункат<sup>4</sup> бўлган деган эдик. IX—X асрларда Илоқда ва Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган пул зарбловчи саройлар ана шу Тункатда, иккинчиси эса Самарқанд шаҳрида бўлган<sup>5</sup>. Сўзсиз Чотқол ва Курама тоғларидан олинган олтин ва кумушдан Тункатда танга пуллар зарб этилган.

Шош ва Илоқ воҳалари яқинидаги маъдан бойликлари, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки ташқи савдога ҳам чиқарилган. Бу даврда Тошкент воҳасида ташқи савдонинг ривож топишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти жуда катта эди. Ипак йўлининг тармоқлари Тошкент ва Илоқ воҳаларидан ўтган. Бу йўл орқали маҳаллий аҳоли шарқда Хитой билан, шимоли-ғарбда — Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизи ва Волга бўйларидаги халқлар билан, ғарбда Мовароуннаҳр орқали Афғонистон, Ҳин-

<sup>1</sup> Истахри, МИКК, Т. I, С. 29. Ибн-Хавқал, BGA, II, С. 398.

<sup>2</sup> Истахри, МИКК, Т. I, С. 29. Ибн-Хавқал, BGA, II, С. 398.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. т. I, С. 229. Ҳозирги Ангрен шаҳрининг жануби-ғарбида Облик қишлоғига яқин ерда кумуш кони мавжуд бўлган.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар, 229-бет.

<sup>5</sup> Истахрий. Кўрсатилган асар, 20—29-бетлар. Ибн Хавқал, 389-бет.

дистон, Эрон ва Олд Осиёдаги барча мамлакатлар ва халқлар билан доимий алоқада бўлганлар. Исфижоб вилояти Тошкент вилоятининг шимолида Бодом дарё водийсида Исфижоб (Аспижоб, Сапижоб) шаҳри ва вилояти мавжуд эди. Вилоят ҳудуди жуда катта бўлиб, унга Арис-Бодом дарё ҳавзасидан ташқари ғарбда Сирдарё, шимоли-шарқда Тараз (ҳозирги Талас) дарёсигача бўлган тоғли ва чўл ҳудудлар кирган. Вилоятда ўндан ортиқ шаҳар ва бир қанча қишлоқлар, работ (араб рибот)лар мавжуд бўлганлиги манбаларда қайд этилади.

Маълумки Исфижоб вилояти VI асрлар ўрталаридан бошлаб Турк хоқонлигида ва VIII аср бошидан туркешлар ҳукмронлигида, шу асрнинг 60-йилларида эса қарлуқлар ҳукмронлигида бўлган. 840 й. Сомонийлар бўлмиш Нуҳ ибн Асад Исфижоб вилояти батамом тобе этади. Шундан кейин Нуҳ Ибн Асад<sup>1</sup> воҳани кўчманчилардан ҳимоя қилиш учун унинг атрофига баланд девор кўтарди<sup>2</sup>.

Исфижоб ва унинг атрофида сўлим боғлари ва ҳосилдор ерлари кўп бўлиб, бу ерларда қуруқчилик бўлмас экан<sup>3</sup>. Демак вилоятнинг об-ҳавоси доимо бир маромда бўлиб, ерлари серҳосил, яйловлари серўтлиги билан ажралиб турган. Сомонийлар томонидан (кўчманчи туркларга чегарадош бўлишини ҳисобга олиб) ҳали мусулмончиликни қабул қилмаган қабилаларнинг диққат эътиборини жалб қилиш учун бўлса керак, катта имтиёзлар берилиб, вилоят аҳолисидан ҳукумат фойдасига хирож олинмаган<sup>4</sup>.

Исфижоб вилояти таркибида айрим мавзелар тилга олинади. Чунончи, Фароб (Бароб, Пароб) мавзеси ва бошқалар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Балозурий (IX аср) ахборотида Исфижоб Нуҳ Асад томонидан олинган ва унинг атрофига (шу ерда яшовчи аҳолининг узумзорларини ва экинзорларини қалъа ичига олиб) баланд девор кўтарилган. Ибн ал-Асад ҳам шу маълумотни қайтарди. Сомоний (XII аср) эса Исфижоб Нуҳ ибн Сомоний томонидан (840 й.) тобе этилган дейди. Олдинги икки муаллифнинг фикрлари тўғри бўлса керак. Қаранг: Волин С. Сведения арабских источников IX—XVII вв. О долине реки Талас и смежных районов. ТИИАЭ, АН КазССР, т. 8, Алма-Ата, 1960, С. 75, 86, 88.

<sup>2</sup> Истаҳрий. Кўрсатилган асар, 29-бет. Ибн Ҳавқал, ВГА, II, С. 390. Муқаддасий. ВГА, III, С. 272.

<sup>3</sup> Муқаддасий. ВГА. 273-бет.

<sup>4</sup> Истаҳрий. Кўрсатилган асар. 29-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Истаҳрий. Кўрс. асар, 30-бет. Ибн Ҳавқал, ВГА, II, С. 24. Муқаддасий, ВГА, II, 273-6. Фароб шаҳрининг бошқа бир номи Қорачуқ бўлган. Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. Т. , 450-бет.



Фаробнинг ғарбида Бискенд шаҳри мавжудлиги, унда мусулмон динини қабул қилган ўғуз ва халажлар йиғилиб турардилар, дейилади. Ибн Ҳавқал<sup>1</sup> Бискенд кўчманчи турклар ҳужумига бардош берадиган мустаҳкам истеҳком ҳисобланган<sup>2</sup>. Фароб, Кендада ва Шош оралиғида ўтлоғ яйловлар мавжуд бўлган. Бу кенгликда асосан мусулмон динини қабул қилган турк қавмларидан 1000 оила кўчиб юрган, деб ёзган эди Ибн Ҳавқал<sup>3</sup>. Фаробдан кейин ҳам бир қанча катта-кичик шаҳарлар борлиги манбаларда таъкидлаб ўтилади. Шулардан ўша даврдаги энг йирик шаҳар Саброн (Саурон, Саврон) ҳисобланган<sup>4</sup>.

Фароб билан Саброн ўрталиғида, ўша даврларда унча катта бўлмаган Шавгар шаҳри жойлашган бўлган. Баъзи тадқиқотчилар бу шаҳарни Ясси (кейинчалик Туркистон) шаҳри билан тенглаштирадилар<sup>5</sup>.

Тароз (Тироз) ҳам Исфижоб вилоятининг йирик шаҳарларидан бири эди. Бу шаҳар Талас водийсидаги энг қадимги шаҳарлардан бўлиб, уни даставвал Турк хоқонлигини саройига элчи бўлиб келган Земарх эслаб ўтган. VII асрда Хитой сайёҳи Сюан Цзян бу шаҳардан ўтиб, уни йирик шаҳар деб таърифлайди.

Тароз мусулмонлар ва кўчманчи турклар ўртасидаги савдо ва маданий алоқалар олиб борадиган чегара шаҳар ҳисобланган<sup>6</sup>. Кўчманчи туркий халқларнинг мусулмон динини қабул қилиш борасида ҳам бу шаҳар-

<sup>1</sup> Ибн Ҳавқал, BGA, II, 391-бет.

<sup>2</sup> Ибн Ҳавқал, BGA, II, 391-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Муқаддасий. BGA, III, С. 274. Саброн (Саурон) Сирдарёнинг куйи оқимида, ҳозирги Саурон темирўл станцияси ва Туркистон шаҳрининг яқинида бўлган. Қаранг: МИТГ, Т. I. С. 183.

<sup>6</sup> Масъудий «Мурудж аз-аҳоб». С. Волин таржимаси. Қаранг: Сведения источников IX—XVI вв. О долине реки Талас и смежных арабских районов, ТИИАЭ АН КазССР, Алма-Ата, 1960, С. 79. Муқаддасий асарида ҳам Мовароуннаҳр аҳолиси билан кўчманчи турклар ўртасидаги тижорат ишларига алоҳида аҳамият берилган. (Қаранг: Волин С. Кўрс. асар, 80—83-бб.). Унинг ахборотида биноан Шошдан турклар диёрига юқори сифатли эгар, садоқ (камон ўқлари солиш учун) чодир, пахта, қайчи ва бошқа хунармандчилик буюмлари сотувга олиб борилган. Самарқандликлар парча, шойи, тикилган кийим, ёнғоқ ва бошқ.; Фарғоналиклар ва исфижобликлар оқ мато, қурол-аслаҳа, жумладан қилич ва бошқа товарлар олиб боришган. Муқаддасийнинг ахборотларидан кўриниб турибдики, ўша даврда ўлкаларда сиёсий вазият қандай бўлишига қарамасдан, тижорат ишлари муқаррар, қанда қилинмасдан олиб борилган, бундан ўтроқ аҳоли ҳам, кўчманчи қабилалар ҳам манфаатдор эдилар.

нинг аҳамияти катта бўлган. Шаҳар аҳолиси асосан туркийлар бўлиб, бу ерда Сўғдиёнадан келиб ўрнашиб қолган кишилар (сўғдаклар) ҳам яшаганлар<sup>1</sup>. Шаҳарнинг жанубида хитойликлар турғун яшаётган жой ҳам мавжуд бўлган.

Талас дарёси соҳилларида яна бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд эди. Лекин Арис воҳасидан то Тарозгача бўлган ҳудудда аҳоли яшайдиган ёки қишлоқ деярли бўлмаган. Бу кенгликда асосан мусулмон динини қабул қилган кўчманчи қабилалар яшаган бўлиши керак, улар ўтовларда яшаб, доимо бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрганлар. Бу ердаги чўлларда ва тоғ этакларида молларни ёз ва қиш фаслларида боқадиган яйловлар оз бўлмаган. Сўзсиз кўчманчиларда доимий яшайдиган қишлоқлари бўлмаган. Талас дарёсининг ўнг соҳилларида ва ундан кейинги вилоятлардаги қарлуқлар ва уларга қардош қабилалар ва тобе бўлган этник гуруҳлар яшар эдилар. Буларнинг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлсалар, иккинчи қисми эса шаҳар ва қишлоқларда турғун яшаб деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан кун кечириб келар эдилар. Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги йирик шаҳардан бири Янгикент эди. Унда ўтроқлашган ўғузлар ва ҳар ердан келиб ўрнашиб, турғун бўлиб қолган мусулмонлар ҳам яшар эдилар.

Янгикентдан ташқари мусулмонлар яна иккита шаҳарчада (Женд ва Ҳуварада) яшаганлар. В. В. Бартольднинг тахмин қилишича, ўтроқ мусулмонлар бу ерларга Хоразм ва Мовароуннаҳрдан келиб турғун бўлиб қолган савдогарлар бўлган<sup>2</sup>.

Янгикент Мовароуннаҳрни, Шошни, Хоразмни Волга бўйлари билан боғловчи катта савдо йўлида жойлашган эди. Бу шаҳарга ҳар ерлардан келадиган қарвон кўниб ўтган. Сирдарёнинг қуйи оқимларига Хўжанд ва Шош савдогарлари кемага тушиб ҳам келганлар. Товарларини бозорларга пуллаб қайтганлар. Сирдарё соҳилларидаги шаҳарларга кўпинча Шош (Тошкент) савдогарлари қатнаганлар. Улар бу ерларга ғалла, дон (буғдой, жўхори ва бошқ.), мева, ҳунармандчилик буюмлари олиб келиб товар айирбошлаганлар ва бу ерлардан (асосан ўғузлардан) туя, қумуш ва бошқа товарлар олиб қайтганлар. Шундай қилиб Сирдарё соҳилларидаги шаҳар ва кўчман-

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. Тошкент, 1963, 31-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. Т. I. С. 235. К истории орошения Туркестана, соч. Т. III, С. 226.

чи овуллар Исфижоб, Шош ва Фарғона вилоятлари билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Юқорида қайд қилганимиздек, Талас водийсида, Тароз шаҳридан ташқари яна бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлиб, буларда турғун яшовчи аҳолининг сони оз бўлмаган, албатта. Шуни ҳам уқдириб ўтиш лозимки, бу ерда жойлашган шаҳарлар аҳолисининг аксарий кўпчилиги IX—X асрлар давомида мусулмон динини қабул қилиб ўтроқлашиб қолган туркий халқлар (туркеш, аргу, тухси, қарлуқ, чигил, халач ва бошқ.) ташкил қилган.

Талас воҳасидаги шаҳарлардан бири Чигил (жикил) деб аталган<sup>1</sup>. Бу шаҳар Тароз яқинида жойлашган бўлган. Шаҳар қарлуқларнинг чигил уруғининг номини олган. Бу шаҳар чигилларнинг ўтроқлашиши жараёнида вужудга келган бўлиб, аҳолисининг асосий қисми ҳам чигиллар эдилар. Буларнинг бир қисми кўчманчи чорвадорлар бўлиб, Тароз (Тороз) атрофида яшаганлар<sup>2</sup>. Чигил шаҳридан шарқда Барсахон (кичик Барсахон) шаҳри бўлганлиги манбаларда тилга олинади<sup>3</sup>. Бу шаҳарда ҳам ўтроқ аҳоли, асосан мусулмонликни қабул қилган туркий аҳоли ва турклашган сўғдаклар яшаганлар.

Талас дарёсининг юқори қисмида, тоғ оралиғида бир қанча шаҳар номлари тилга олинади. Шулардан бири Шелжи шаҳри бўлиб, бунда асосан бошқа юртлардан келганлар яшаган. Шулардан 10 мингтаси Исфархондан келиб ўрнашиб қолганлар.

Талас дарёсининг юқори оқимларида жойлашган Сус, Кул ва Такобкат шаҳарлари эслатилади. Бу шаҳарлар яқинида кумуш кони мавжуд бўлган<sup>4</sup>. Бу учта

<sup>1</sup> Талас водийсидаги шаҳарларни бу ерда фақат айримларини кўрсатиб ўтамиз. Бу шаҳарлар В. В. Бартольднинг асарида (Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью 1893—1894 гг. соч. IV, М, 1966, С. 30—36) кўрсатилган.

<sup>2</sup> Муқаддаси, ВГА, С. 274.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий, Кўрсатилган асар, 374-бет.

<sup>4</sup> Муқаддасий. Кўрс. асар. 275-б. Бу ердаги кумушконлар археологларнинг ҳам диққатини ўзига жалб қилган. Қаранг: Массон М. Е. Из результатов поездки в долину Таласа для выявления истории горной промышленности. Бюллетень Среднеазиатского районного разведочного управления № 2, Т., 1930, С. 35—37; Иванов П. П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Краткий исторический очерк. 1932; Бубнова М. А. Средневековые мастерские рабада (По материалам Орловского городища) ИАН КиргССР, т. I, вып. I, 1959, С. 49—61. Извлечения серебра куполированием в Ср. Азии. — ИАН Тадж. ССР. ООН, 1962, № 1. С. 29—36.

(булар унча катта бўлмаган) шаҳарда яшовчи аҳолининг аксарий кўпчилиги шу кумуш конларида ишловчиларни ташкил қилган бўлиши керак. Буларнинг талай қисми ҳар ерлардан келиб, вақтинча ишлаб, бойлик орттириб кетадиганлардан бўлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу шаҳарларда доимий турғун бўлиб яшаётган туркий халқлар ва суғдаклар ҳам оз бўлмаган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, IX—X асрларда Исфижоб вилоятида ва қисман Талас водийсида яшовчи туркий аҳолининг катта қисми мусулмон динини қабул қилган. Буларнинг мусулмон бўлиши Сомонийлар Исфижоб вилоятини босиб олганлариданоқ (840 й.) бошланган. Кейинги асрларда мусулмон динига ўтганлар сони тобора кўпайиб борган. Ибн ал-Асирнинг маълумотига қараганда 960 й. 200 минг хонадон (ўтов) мусулмон динини қабул қилган<sup>1</sup>.

Талас дарёсидан ўтилгандан кейин қарлуқларнинг яйловлари, яшаш жойлари бошланган<sup>2</sup>. Тароз қарлуқлар томонига бориб дарвоза ролини ўйнаган ҳам. Қарлуқларнинг барчасини кўчманчи бўлган дейиш нотўғри, уларнинг талайгина қисми IX—X асрларда турғун яшаб мусулмон динини ҳам қабул қилганлар.

Чу водийсига кириб боришда қарлуқларга қарашли иккита шаҳарнинг номи тилга олинади. Буларнинг бири Кулон шаҳри бўлиб унда масчит бўлган<sup>3</sup>. Шаҳар яқинида экинзорлар борлиги ҳам қайд қилинади<sup>4</sup>.

Қарлуқларга қарашли иккинчи шаҳар Марки (Мерки) бўлиб бунда ҳам масчит қурилган. Шаҳар ва унинг атрофларида қарлуқларнинг учта қабиласи яшаган<sup>5</sup>.

Кулон ва Меркида масчитларнинг бўлиши ислом динининг фақатгина Талас водийсига эмас, балки Чу водийсига ҳам тарқалганлигига ва бу ерларда яшовчи

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Из истории культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II, ч. I, С. 245, Баласагун, соч. Т. III, С. 356ет.

<sup>2</sup> Волин С. Кўрсатилган асар. 79-бет.

<sup>3</sup> Муқаддасий, BGA, 275-бет.

<sup>4</sup> Худуд ал-олам: л. 18-а.

<sup>5</sup> Муқаддасий. BGA, III, С. 275. Маркидаги мачит Сомонийларнинг ҳарбий гвардиячиларидан бири Фаиқ томонидан (X аср охириларида) қурилган. Мачитдан ташқари Фаиқ бу ерда ҳашаматли работ ҳам қурдирган. Фаиқ аслида испаниялик бўлиб, Сомонийларнинг қули бўлган ва ўзининг ақл-заковати билан катта обрў-эътиборга, мансабга эришган. Мусулмон динини қабул қилган; 999 й. вафот қилган. Қаранг: Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, соч. Т. II., ч. I, С. 242.

қарлуқларнинг маълум қисми IX—X асрларда мусулмон динини қабул қилганликларидан далолат беради.

Чу водийсида ҳам бирқанча қишлоқ ва шаҳарлар бўлган. Қудамда бу ерлардаги айрим қишлоқ ва шаҳарларнинг, жумладан Иузкент, Харанжувон, Жул (Чул бўлса керак), Сарик, Кармароу Навокет (Янги қишлоқ) Сўёб ва бошқа шаҳарни номларини келтиради<sup>1</sup>. Бу шаҳарларда, масалан, Сарик шаҳрида турки аҳоли билан бирга оташпараст суғдийлар ҳам яшаган. Бу шаҳар қарлуқлар даврида бирмунча тараққий этган.

Сўёб шаҳри Чу дарёси<sup>2</sup> водийсида жойлашган маданий ва сўлим шаҳар бўлган деб таърифланади. Бу шаҳар ғарбий турк хоқонликлари даврида вужудга келган. Кейинчалик туркеш ва қарлуқ хоқонларининг марказий шаҳри бўлган. Гардизий Сўёбни қишлоқ деб тилга олади<sup>3</sup>. Бу тўғри эмас. Ҳар ҳолда 2—3 аср давомида катта савдо йўлида жойлашган, турк халқининг тижорат шаҳри бўлиб келган жой қишлоқлигича қолмагандир, албатта. X асрнинг ўрталарида Сўёбнинг ҳокими ва бой феодал (деҳқони) қарлуқ ябғусининг<sup>4</sup> акаси (балки укаси) эди.

Гардизий Сўёбдан ташқари, Чу водийсида мавжуд бўлган яна бир қанча қишлоқларни ва шаҳарларни эслатиб ўтади<sup>5</sup>. Булар Хут-Куел (ёки Кубол), Беклик, Долуган ва бошқалар. Бу шаҳарларни ўтроқ аҳолиси туркешлардан, қарлуқлардан ташкил топган. Шаҳар аҳолисининг ичида суғдақлар ҳам бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлмаса керак.

Чу водийсида, унинг шимоли-шарқида, Иссиққўл атрофида IX—X асрларда яна бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Буларнинг барчасини изоҳлаб бера олмаймиз, қолаверса бунинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки бу шаҳар ва қишлоқлар араб-форс тилларида ёзилган

---

<sup>1</sup> Волин С. Кўрсатилган асар, 77-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью. 1893—1894 гг. соч. Т. IV, С. 47—48.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Извлечение из Зайн ал-ахбар. Соч. Т. VIII, С. 61.

<sup>4</sup> Minorsky N. Hudud al-Alam. «The Region of the world A Rersian Geography» 372. London, 1937. (GMS XI). p. 303. Гардизий Сўёб шаҳрининг деҳқони туркешлардан дейди. Бу тўғри бўлмаса керак. Чунки Гардизий асари ёзилган вақтдан (IX аср ўрталаридан) анча олдин, яъни 766 й. Сўёб қарлуқларининг марказий шаҳри бўлиб қолган эди. Сўёб ҳокими ҳам шу кезларда қарлуқлардан бўлиши керак.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. Извлечение из Зайн ал-ахбар. соч. Т. VIII, С. 61—62.

асарларда ҳамда тарихий ва археологик илмий тадқиқотларда эслатилган<sup>1</sup>. Мазкур ишда биз фақат икки шаҳар — Баласағун ва Барсаханга тўхтаб ўтишни лозим кўрдик.

Баласағун<sup>2</sup> илк ўрта асрларда туркийларнинг йирик шаҳарларидан бўлиб, қарлуқлар даврида иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирмунча тараққий этган кўркем шаҳарлардан ҳисобланган. Бу шаҳарнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида олимлар ўртасида ҳанузгача баҳслашиш давом этмоқда. Баъзи тадқиқотчилар бу шаҳарни Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳри яқинидаги Оқ-Пешин харобалари ўрнида бўлган дейишади<sup>3</sup>. Аммо Оқ-Пешинда олиб борилган археологик материаллар бу шаҳар то Х асргача мавжуд бўлиб, кейин харобага айланганлигидан далолат беради<sup>4</sup>. Баласағун эса Қорахонлар даврида (X—XII асрларда) ҳам ўз мавқеини йўқотмаган шаҳар бўлган. Мазкур шаҳар XIV асрда, феодал курашлари натижасида вайрон бўлади<sup>5</sup>.

IX аср охири — X аср биринчи чоракларида Баласағун аҳолиси (асосан туркийзабон аҳоли) мусулмон динини қабул қилган бўлиши керак. Низом ал-мулк маълумотларидан аниқ бўлишича X аср ўрталарида Баласағун қандоқдир мусулмон бўлмаган қавм томонидан эгалланади<sup>6</sup>. Сомонийлардан бўлмиш Хуросон амири томонидан 942—943 йй. бу ғайридинларга қарши ҳарбий юриш қилишга тайёргарлик кўрилади<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Муқаддасий. ВГА, III, С. 275, 276; Худуд ал-олам. С. 18 а, Гардизи См. Бартольд В. В. Извлечения из сочинения Гардизи Зайн ал-ахбар. Соч. Т. VIII. С. 50, 53, 61—62; Отчет о поездке в Среднюю Азию... С. 37—55.

<sup>2</sup> Бернштам А. Н. Археологические очерки Северной Киргизии, Материалы и исследования по истории Киргизии и Киргизистана. Фрунзе, 1941, вып. IV. К исторической топографии Чуйской долины. ВДИ, 1940, № 2 (11). С. 191—198; Кызласов Л. В. Работы Чуйского археологического отряда в 1953—1954 гг. — КСИЭ, вып. XXVI, 1957, С. 88—96.

<sup>3</sup> Баласағун шаҳри яна Куз шаҳри, Куз орду (Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Кўрс. асар, 1-жилд, 95—145-бетлар.) ва бошқа номлар билан ҳам аталган. Бу шаҳар этимологияси Қ. Маҳмудовнинг «Баласағун» номли мақоласида (Қаранг: ОНУ, 1972, № 2, 47—50-66.) берилган.

<sup>4</sup> Кызласов Л. Р. Работы Чуйского археологического отряда. С. 95—96. Отчет о поездке в Среднюю Азию. С. 49—57.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. Баласағун. Соч. Т. III. С. 375.

<sup>6</sup> Сиасет-наме. Книга правления везира XI столетия Низам ал-Мулька. М-Л. 1949. С. 214.

<sup>7</sup> Аниқроғи Баласағунни эгаллаган ғайридинларга қарши ҳарбий юриш X асрнинг 40-йилларидаги Хуросонда амирлик қилиб турган кишига таклиф қилинади: Сиасет-наме, 21, 215; 343-бетлар.

Баласағунда туркийлардан ташқари сўғдаклар ҳам яшаганлар. Маҳмуд Қошғарий «Баласағунликлар сўғдча ва туркча сўйламайдилар» деган эди<sup>1</sup>. Бу ахборотга асосланиб Баласағунда яшовчи сўғдаклар, X аср ҳатто XI аср ўрталаригача ҳам ўз она тилларини йўқотмасдан сақлаб келганлар. Шу билан бир вақтда улар туркий тилни ҳам яхши билганлар, албатта.

Баласағун Хитойга ўтиб борадиган Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлганлиги учун хитой, уйғур, балки мўғул халқларига мансуб кишилар ҳам яшаганлиги эҳтимолга яқин бўлса керак. Чунки бу шаҳарда будда маъбудаси мавжуд бўлиб<sup>2</sup> унга шу шаҳарда яшовчи, буддага эътиқод қилувчилар (хитой, мўғул ва бошқалар) ибодат қилганлар.

Иссиққўл атрофидаги йирик шаҳардан бири, шу қўлнинг жанубий қирғоғида жойлашган Барсахон шаҳри бўлган. «Худуд ал-олам»да (X аср) қайд этилишича, Барсахон бирмунча тараққий этган бой шаҳар ҳисобланган<sup>3</sup>. Манбаларда бу шаҳар яна юқори Барсахон (кичик ёки куйи Барсахон Тароз шаҳри яқинида эканлиги юқорида гапирилган эди), Нушжон деб ҳам аталган. Қудаманинг маълумотларида юқори Нушжон тўртта йирик ва бешта кичик шаҳардан иборат эканлиги қайд қилинади<sup>4</sup>.

Барсахон ва умуман Иссиққўл атрофларидаги шаҳарларда турғун яшовчи аҳолининг аксарий кўпчилиги IX—X асрларда туркий халқлар бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки Чу ва Или дарё водийлари ва Иссиққўл соҳиллари бир неча асрлар давомида туркийзабон халқлар юрти бўлган. Асрлар давомида уларнинг маълум қисми ўтроқлашиб шаҳар ва қишлоқларда турғун яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган. Туркий аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқларнинг аксарий кўпчилиги Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги тўғрисида туркийзабон аҳолининг айримлари тижорат билан ҳам шуғулланган бўлишлари керак. Барсахонда сўғдак ва уйғур оилалари ҳам яшаган албатта.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Қўраштилган асар. 66-бет.

<sup>2</sup> Кожемяко П. Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины, Фрунзе, 1959, С. 76.

<sup>3</sup> Худуд ал-олам, 18 а.

<sup>4</sup> Қудаман, ВГА, VV, С. 203.

қилиб айтмоқчимизки, IX—X асрларда Исфижоб вилоятида, Талас ва Чу дарё водийларида ва Иссиқкўл соҳилларидаги шаҳар ва қишлоқларда яшовчи аҳолининг асосини туркий халқлар ташкил қилган. Буларнинг катта қисми шаҳар ва қишлоқларда турғун яшаган. Еттисувдаги ўтроқ аҳоли сон жиҳатидан IX—X асрларда кўчманчи қабилалардан бироз кам бўлиши мумкин.

Ўтроқ аҳоли Еттисув кенглигида жуда қадимдан яшаган: аммо уларнинг ўтроқлашиши, Турк ва Туркеш хоқонлиги даврларида бирмунча кўпайган. Янги-янги шаҳар ва қишлоқлар вужудга келган. Шаҳар ва қишлоқларнинг кўпчилиги Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлганлигидан иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиб борган. Турғун аҳолининг тижорат ва маданий алоқалари ҳам муқаррар ривожланиб борганлигидан улар бир қанча мамлакатлар ва халқлар билан, жумладан Хитой, Мовароуннаҳр ҳамда Иртиш, Енисей, Орол денгизи атрофларида яшовчи этнослар билан савдо, маданий ва этник алоқада бўлиб келганлар.

Чу ва Или дарё ҳавзаларида IX—X асрларда турғун яшовчи туркийзабон аҳолининг ҳамда Исфижоб, Талас, Чу ва Или дарё ҳавзаларида IX—X асрларда яшаган туркийзабон аҳолининг сонини аниқлаш қийин, албатта. Ибн ал-Асирнинг ахборотидан маълум бўлишича, Еттисув туркларидан 200 минг оила (ўтов) мусулмон динини қабул қилган. Ҳар бир оила 5 кишидан иборат бўлган десак (бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин) 1 млн. кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли мусулмон динига ўтган бўлади. Бу сонга IX аср давомида мусулмон динини қабул қилган (Исфижоб вилоятида, Талас дарёси ҳавзасида) турғун яшовчи аҳоли кирмайди. Буларнинг сони ҳам 1 млн. га яқин бўлгандир. IX аср ўрталаригача мусулмон динини қабул қилишга улгурмаган Еттисувда яшовчи этник гуруҳларнинг сони 400—500 мингга яқин десак, Еттисув аҳолиси, X аср ўрталарида тахминан 2,5—3 млн. (балки бундан ҳам ошиқроқ) бўлган бўлиши мумкин. Сўзсиз, Балхаш кўлида шимолда ва ундан ғарбда бепоён чўлларда кўчиб юрган кўчманчи қабилалар бу ҳисобга кирмайди.

Ўзбек элатининг шаклланиши жараёнида Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида яшовчи туркий аҳоли ҳам бевосита иштирок этган.

Маълумки, Шарқий Туркистоннинг энг ғарбий қис-



ми (Оқсу, Қошғар<sup>1</sup>, Ёркенд, Тошқўрғон, Хутон шаҳарлари<sup>2</sup>) ва Фарғона водийсининг шарқидаги тоғли районлар IX—X аср ўрталарида қарлуқлар ҳукмронлигида бўлган. Аммо номлари келтирилган шаҳарларда асосан ўтроқлашиб қолган туркийзабон халқлар ва Сўғдиёнадан ва Фарғона водийсидан келиб қолган тожиклар яшаганлар. Бу шаҳарлар, юқорида айтганимиздек, катта карвон йўлида бўлганлиги туфайли бозорлари гавжум, доимо қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бой бўлган. Маҳсулотларнинг талай қисми шу ҳудуддан чиққан бўлса, бир қанчалари савдо карвонлари билан четдан Олд Осиё, Хоразм, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлардан келтирилган. Савдо-сотик ишлари кўпинча шаҳар аҳолисининг (сўғдийлар, туркий халқлар) ихтиёрида бўлиб келган.

Шарқий Туркистоннинг (кўпроқ унинг ғарбий қисмидаги) шаҳар ва қишлоқ аҳолиси қадим даврлардан буён нафақат савдо-сотик алоқаси билан этник жиҳатдан узвий боғлиқ бўлган. Фарғона водийсида ва Шарқий Туркистонда хунлар, усунлар, саклар, эфталийлар бўлиб ўтганлар. Уларнинг бу ҳудудларда қолган қисмлари асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб бориши натижасида маҳаллий аҳолининг энг қадимги қатлами — туркий тилли этнос вужудга келган.

Турк хоқонликлари (VI—VIII), Туркеш хоқонлиги (VIII аср охири IX аср ўрталарида) ва қарлуқлар ҳокимияти даврларида Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида қарлуқ, халач, яғмо этник гуруҳлари яшаган. Буларнинг маълум қисми ўтроқлашиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига аралашиб кетган, албатта. Тилга олинган этник гуруҳларнинг катта қисми ярим кўчманчиликда ва ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик ҳам қилганлар. Булар Фарғона воҳаси аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Юқорида келтирилган барча тарихий материалларга асосланиб яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, IX—X асрларда Мовароуннаҳр, Хоразм ўлкаларида ва уларга туташ минтақалардаги (Сирдарё соҳилларида, Шошда) аҳолининг аксарий кўпчилиги турғун

<sup>1</sup> Қошғарнинг иккинчи номи Ордукент. Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. 1-жилд, 145, 329-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ш. Узбеки — қарлуки. С. 16.

яшовчи аҳоли бўлиб, булар ўзбек ва тожик халқларининг аجدодлари эдилар. Уларнинг, сон жиҳатидан, бирини кўп — иккинчисини кам бўлган дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Ўзбек ва тожик аجدодлари доимо ёнма-ён, кўп ҳолларда аралаш яшаб, бир-бирлари билан аҳил, қавм-қариндошлик риштаси билан боғланиб, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганликлари натижасида моддий ва маънавий ҳаётларида умумий ўхшашликлар ҳосил бўлган.

Мовароуннаҳр, Хоразм ва Шош воҳалари атрофларидаги тоғ олди минтақаларда ва чўл зоналарда яшган аҳолининг аксарий қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий этник гуруҳлар бўлиб, булар ҳам воҳаларда яшовчи турғун аҳоли билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Кўчманчи ва ярим кўчманчи этник гуруҳларнинг маълум қисми (асосан қашшоқланганлари) ўтроқлашиб турғун аҳолини сон жиҳатидан кўпайиб боришига ҳисса қўшганлар.

Исфижоб вилоятида, Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшаган аҳолининг аксарий қисми туркий халқлар эдилар. Буларнинг кўпчилиги турғун ҳаёт кечириб, асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо билан бир вақтда деҳқончилик ҳам қилганлар. Шуни ҳам уқтириб ўтиш жоизки, Сирдарёнинг шимолий минтақаларида халқлар Мовароуннаҳр, Хоразм аҳолиси билан доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келишлари туфайли ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланишига пухта замин тайёрлаган эдилар.

## III б о б. Ўзбек аجدодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни

---

### 1. IX—XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИДА СИЁСИЙ АҲВОЛ

Юқорида Қарлуқ (Қорахонлар) давлати IX—X асрларда жуда катта ҳудудда ҳукмронлик қилаётганлиги ҳақида батафсил гапирган эдик. X аср ўрталарига келиб бу давлат янада кучайиб, унинг хоқонлари шимолий ва шимоли-шарқий минтақаларга қилган ҳарбий юришлари натижасида бир қанча элат ва қабилаларни тобе этганлар. X аср охирларида қорахонлар асосий эътиборни фарбий қўшни — сомонийларга қаратган эдилар.

IX асрнинг иккинчи ярми X асрда Сомонийлар давлати Ўрта Осиё минтақаларининг асосий ҳудудларида ҳукмронлик қилар эди. 875-йилда Аббосийлар халифи ал-Мутамид Наср ибн Аҳмад Мовароуннаҳр ҳокими қилиб тайинлангач, бу ўлкада иқтисодий ва маданий ривожланиш бирмунча авж олди. Исмоил ибн Аҳмад даврида (892—907 йй.) Сомонийлар давлати марказлашган кучли давлатга айланиб, унда иқтисод, маданият, илм-фан яна ҳам тараққий этган. Аммо, X асрнинг иккинчи яримларида ички зиддиятлар кўпайиб сомонийлар ҳокимияти кучсизланиб боради. Унга тобе бўлган вилоятларда (хусусан Хуросонда) сомонийлар ҳокимиятига қарши кўтарилган исёнлар, ворислар ўртасида тахт учун бетиним курашлар, Сомонийлар давлатини заифлашишига олиб келади. Бундай вазиятдан қарлуқ хоқонлари фойдаланадилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сомонийлар давлатининг тарихи, иқтисоди ва сиёсий ҳаёти ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 238—239; Арабские завоевания и Туркестан при Саманидах. Соч. Т. II. Ч. I. С. 118—126; Исмоил б. Аҳмед б. Нух; Мансур б. Нух. Соч. Т. II. Ч. 2. С. 522—523, 525—526; Негматов Н. Н. Государство Саманидов, Душанбе, 1997.

Қорахон хоқонларидан бири Харун ибн Сулаймон (у яна Буғрахон ат-Турки унвони билан ҳам маълум)<sup>1</sup>, 990 йили сомонийларга қарши ҳарбий юриш қилиб Фарғона, Исфижоб вилоятларини эгаллайди. 992—993 йиллари Буғрахон Самарқанд ва Бухорони ҳам забт этади<sup>2</sup>. Аммо, касаллиги туфайли урушни давом эттиролмасдан Қашғарга қайтишида, йўлда Қўчқорбоши деган жойда 993 йил вафот этади ва шу ернинг ўзида дафн этилади<sup>3</sup>.

Харун томонидан Бухоронинг олиниси авом халқнинг қаҳр-ғазабини кўзготди. Хоқон касалланиб, орқага қайтганида Бухоро воҳасининг меҳнаткаш халқи унинг қўшинларига ҳужум қилиб, жангчиларни талай қисмини қириб ташлаган. Буғрахоннинг чекиниш йўли ўғузлар эгаллаб турган яйловлардан ўтган. Ўғузлар ҳам хоқон қўшинларини узоқ масофаларгача кузатиб бориб, йўл-йўлакай орқада қолган жангариларни ўлдириб мол-мулкларини талаб борганлар. Шундоқ қилиб, қорахонларга бу юриш жуда қимматга тушган эди.

Харун ибн Сулаймон Буғрахон вафотидан сўнг улуг хон (қорахон) лавозимини, унинг жияни Али ибн Мусо эгаллайди. Бу хоқон Харун Буғрахон бошлаган ҳарбий юришни давом эттириб, 998 йили то Амударёгача бўлган сомонийлар ҳудудини эгаллайди<sup>4</sup>. Али ибн Мусо узоқ хонлик қилолмайди ва шу йилнинг ўзида (998 йил) вафот қилади. Унинг вафотидан кейин Қорахонлик тахтига унинг ўғли Абу Наср Аҳмад ибн-Али (фахрий лақаби — Шамс ад-Дувал) ўтиради<sup>5</sup>. Унинг даврида (988—1011) қорахонлар Мовароуннаҳрни батамом эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ибн ал-Асирнинг маълумотига қараганда, Қашғар, Баласағун, то Чин (Хитой) чегарасигача бўлган ерлар Буғрахон ат-Турки ҳукмронлигида бўлган. Китаб ал-камил фи-тарих, Қаранг: МИКК, Т. I. С. 55.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир, Кўрсатилган асар, 55-бет.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. «Бограхан». Соч. Т. 2. Ч. 2. С. 506—507; Али-Утби «Тарихи Йамани». В кн: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв. (кейинчалик МИСЦА) Тошкент, 1988. С. 26—27.

<sup>4</sup> Ал-Утби, Кўрсатилган асар, 26—27-бетлар.

<sup>5</sup> Ибн ал-Асир уни яна Илек-Илхон ат-Турки унвони билан тилга олади. Қаранг: МИКК, Т. I. С. 57. К. Э. Босворт. Мусульманские династии. М. 1971. С. 156. Қорахонларнинг насл-насаблари берилган жадвалида, 988 йилда қорахонлилар хоқони бўлган шахс Аҳмад I Арслон Қорахон деб кўрсатилган. Ибн ал-Асир тилга олган Абу Наср Аҳмад Ибн Али билан Босворт жадвалидаги Аҳмад I бир кишининг номи бўлса керак.

<sup>6</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 57-бет.

Шундай қилиб, XI аср бошларида Қорахонлар давлати Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Еттисув, шарқда эса Торим дарёсигача бўлган катта ҳудудга эгалик қиладилар. Амударё қорахонлар билан ғазнавийлар ўртасидаги чегара бўлиб қолади.

Мазкур ишда Қорахонлар давлатининг сиёсий тарихини батафсил ёритишни олдимизга мақсад қилиб қўймаганмиз; бу масала тарихий асарларда маълум даражада ёритилган<sup>1</sup>. Биз бу ерда ўзбек элатининг навбатдаги (XI—XII асрлар) тарихий босқичини тўғри тушуниб олиш учун шу даврларда Қорахонлар давлатининг ва унга қўшни бўлган давлатларнинг сиёсий ҳаётидаги баъзи масалаларга эътибор бериб ўтмоқчимиз, холос.

Қорахонлар ҳукмронлиги Мовароуннаҳрда қарий 200 йил давом этади. Аммо собиқ сомониёлар ерини эгаллагунча Қорахонлар давлатининг хон-беклари вақтинча бирлашадилар ва бунинг натижасида марказлашган йирик қарлуқ — Қорахонлар давлатини ташкил этишга эришадилар. Аммо Мовароуннаҳр ерига батамом ўрнашиб олгандан сўнг кўп вақт ўтмасдан, яъни 1015—1016 йилларда Қорахонлар давлатига мансуб хонзодалар буюк хонлик мансабини олиш йўлидаги курашлари, айрим ўлкаларни эгаллаб олиш ниятида олиб борган ўзаро урушлари<sup>2</sup> қорахонлар ҳукмронлигини бирмунча ожизлантиради ва охир-оқибатда давлатни бўлиниб кетишига олиб келди. 1041 йилда Қорахонлар давлати иккига: ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди. Ғарбий қисми Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий районларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бунинг маркази Бухоро, кейинчалик Самарқанд бўлган. Шарқий қисмига Еттисув, Қошғар, Тароз, Исфижоб (ҳозирги Чимкент вилояти), Шош (Тошкент воҳаси) ва шарқий Фарғона кирган. Бу қисмининг маркази Баласағунда, маданий маркази эса Қашғарда бўлган.

Ғарбий Қорахонлар давлатини собиқ хоқон Али ибн Мусо ажодлари бошқарган (бу қисмидаги барча хонлар Алининг авлодлари бўлгани боис Али тармоғи

<sup>1</sup> Pristak, O. Karachanidische streifragen. Oriens, v. № 2. S. 209—228. Die Karachaniden, S.17—68. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 315—389; Караев О. История Караханийского каганата X начало XIII века, Фрунзе, 1983.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир, Китаб ал-каmil фи-тарих, Қаранг: МИКК, 1-жилд, 57—67-бетлар.

«Алилар» дейилган), Қорахонлар давлатининг шарқий қисмини эса Алининг амакиваччаси Ҳасан (Харун) Буграҳон авлодлари (Ҳасанийлар) бошқарган<sup>1</sup>. XII асрнинг 20-йиллари охирида шимолий Хитойда қадим замонлардан буён яшаган қорахитой ёки қоракидан<sup>2</sup> номи билан маълум бўлган қабила ҳаракатга келиб, Шарқий Қорахонлар давлатининг чегарадош ерларига, хусусан Еттисув яқинидаги ҳудудларга ўрнашадилар<sup>3</sup>. Аини шу йиллар Еттисувда Қорахонлар давлатининг шарқий қисмини бошқараётган хонларнинг аҳволи жуда танг эди. Чунки унга нисбатан муҳолифатда бўлган қарлуқ ва қанғли этник гуруҳлари бирлашиб, қорахон итоатидан чиқиб, унга қарши кураш олиб бораётган эдилар<sup>4</sup>. Улар ҳаттоки, бир неча маротаба хон пойтахти Баласағунни ҳам қамал қиладилар, натижада улар жуда кўп чорва молларни ҳайдаб олиб кетадилар, экинзорларни молларга едириб, шарқий қорахонлар иқтисодига путур етказадилар. Баласағун хоқони тахтини ўз кучи билан сақлаб қолишга ишонмай қолди.

Қарлуқ ва қанғли қабилаларини Баласағун хоқони билан олиб борган курашларининг сабаблари ҳанузгача аниқ эмас. Аммо қорахонларнинг ана шу даврдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволини эътиборга олинса, бу курашнинг сабабини тушуниб олиш қийин бўлмайди.

XII аср бошларига келиб, Қорахонлар давлати тобора ўсиб бораётган кўчманчи чорвадор-феодалларнинг талабларини қониқтирмай қолган эди. Йилдан-йилга кўпайиб бораётган чорва сони учун ва бойиб бораётган патриархал феодал оилалар, уруғ ва қабила бошлиқларига сувли ва серўт яйловлар керак эди. Аммо Баласағун хони учун Еттисув ерлари ҳисобидан бу талабларни қондириши қийин бўлган. Чунки, бу ерлар қачонлар йирик феодаллар, хонзодалар ва

---

<sup>1</sup> Pristak, O, Karachanidische streifragen. Oriens, v. № 2. S. 209—228. Die Karachaniden, S. 17—68.

<sup>2</sup> Қоракиданлар ўша даврларда қайси тилга мансуб халқ бўлганлиги ҳалигача ўз ечимини топган эмас. Бир гуруҳ тадқиқотчилар қорахитойларни мўғул тилли халқ бўлган десалар, иккинчи бирлари уларни тунгус тилли халқ дейишади. Қаранг: В. В. Бартольд. Очерки истории Семиречья. Соч. Т. I. С. 48. Залкинд Е. М. Кидани и их этнические связи. СЭ. 1948. 47—62; Васильевич Г. И. К вопросу о киданах и тунгусах. СЭ. 1949. С. 155—160.

<sup>3</sup> Қорахитойларнинг ҳарбий юришлари ҳақида. Қаранг: Алауддин Ата Мелик Джувеини, Изд Мирзы Мухаммада Казвини (GMS) vol XVI, Pt. III, Leyden-London, 1937, S. 86—87.

<sup>4</sup> Джувеини. Кўрсатилган асар, 87-бет.

бошқа юқори табақадаги кишилар ўртасида бўлинган эди: бу ерларда уларнинг катта-катта қўриқхоналари мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам қорахонлар хоқони феодаллар талабини давлат чегарасидаги ерлар ҳисобига қондириши қийин эди. Қўшни ерларга ҳарбий юриш қилиб яйлов ерни кенгайтириш хоқонлар (ўзаро курашлар, низолар, давлатнинг тарқоқлиги натижасида ва бошқалар) ожизлик қилганлар. Бундан ташқари Баласағун хоқони Етгисув чегарасига бостириб келадиган қоракиданларга қарши курашни ҳам уюштира олмади. Буларнинг ҳаммаси кўчманчи чорвадор қабилаларни шарқий қорахонлар хоқонига қарши курашига сабаб бўлган.

Ички зиддиятлар айна кучайган вақтда Баласағун хоқони<sup>1</sup>, тахтни сақлаб қолиш ниятида Қорахитой гурхонига<sup>2</sup> ёрдам сўраб мурожаат қилди. Гурхон бу таклифни кўпдан кутиб юрган эди. У катта қўшин юбориб, қорахонларнинг марказий шаҳри Баласағунни ишғол қилади ва ўз қароргоҳини шу шаҳар яқинида ўрнатади<sup>3</sup>. Қорахитойлар кўп вақт ўтмай Етгисув ва Шарқий Туркистонни ишғол қиладилар, бу ерларда ўз

---

<sup>1</sup> Ала ад-дин Ата-Мелин Джувейни, бу хонни исмини тилга олмасдан фақат унвонини Илек-Туркон деб кўрсатган. Ибн ал-Асирнинг маълумотига қараганда (Қаранг: МИКК, Т. I. 65—66-бетлар) қорахитойлар Баласағунни олган вақтида (1129—1130) бу ерда илхон Аҳмад Ибн Ҳасан хонлик қилган (бу киши шарқий қорахонлилар тахтига 1103 йилда ўтирган). 1128 йили Баласағун хоқони бўлиб Иброҳим II ўтирди. Ибн ал-Асирнинг ёзишига қараганда Қорахитойлар 1128 йили катта қўшин билан Қашғарга бостириб кирадилар. Қошғар хони (айни бир вақтда Шарқий қорахонлар хоқони ҳам) Аҳмад Ибн Ҳасан қоракиданлар билан қаттиқ жанг қилади ва уларни тор-мор қилади; қорахитойлар вақтинча чекинадилар. Аҳмад вафот қилади. (Қаранг: МИКК, I, 65-бет). Унинг ўрнига шу йили 1128 й. Шарқий Қорахонлар хоқони Иброҳим II бўлган. Қаранг: К. Э. Босворт. Мусулманские династии. М. 1971, 157 б. Эҳтимол бу хоннинг унвони Илек-Туркон бўлгандир. Қорахонли гурхонини таклиф қилган ҳам шу шахс бўлган бўлиши керак.

<sup>2</sup> Мусулмон манбаларида қорахитой ҳукмдорлари давлат бошлиқларининг унвони гурхон бўлган, Қаранг Бартольд В. В. Киргизы. Исторический очерк. Соч. Т. II Ч. I. (501-б.) Ибн ал-Асирнинг талқин қилишича: Гур хитой тилида подшоларни улуғловчи унвон, яъни, улуғлар улуғи, «хон — туркий сўз бўлиб подшоларни улуғловчи унвон», «подшолар улуғи» деган маънода. Бундан чиқади, ҳар иккала сўзнинг ҳам маъноси бир-бирига яқин бўлиб, «улуғдан улуғ» ёки «хоқонлар хоқони» деган маънони англатади.

<sup>3</sup> Гурхоннинг қароргоҳи Баласағунга яқин жойда, Чу дарёсининг бўйида бўлиб, буни Хосун Орда (Буюк Орда) ёки Хото (уй) деб аталган. Қаранг: Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья, Соч. Т. II. Ч. I. С. 51.

хукмронликларини ўрнатадилар. Шундай қилиб XII асрнинг 30-йилларининг охирларида Қорахонлар давлатининг шарқий қисми батамом қорахитойлар қўлига ўтди.

Бу даврда қорахонларнинг ғарбий қисми (Мовароуннаҳр) ҳам нотинч эди. Бир неча йиллар давомида уларни ғазнавийлар безовта қилиб келар эдилар. Ғазнавийлар амири Маҳмуд Али XI асрнинг 20-йиллари Амударёни кечиб ўтиб, унинг юқори қисмида жойлашган бир неча вилоятларни (Чағаниён, Қабодиён, Хутталон ва бошқаларни) ишғол қилади. Ғазнавийлар қўшинлари Самарқандгача бостириб келадилар. Қорахонлар хони Али-тегин ва ундан кейинги хонлар ғазнавийлар, хоразмшоҳлар ва салжуқийлар тажовузидан Мовароуннаҳрни сақлаб қолиш учун тинмай курашиб келганлар. Аммо шунга қарамасдан XI аср охирларида Ғарбий Қорахонлар (Мовароуннаҳр) салжуқларга, XII асрнинг ўрталарида (аниқроғи 1141 йил) эса қорахитойларга қарам бўлиб қолган эдилар.

XII аср охирларида қорахитойлар жуда катта ҳудудда (Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр) ўз хукмронликларини ўрнатадилар. Аммо уларга бевосита қарашли ерлар Еттисувнинг жанубидаги вилоятлар ва Фулжа бўлган. Еттисувнинг бир қисми, Ила дарёсининг шимолида янгидан ташкил топган Қарлуқлар давлатига қарар эди, буларнинг маркази Қийалиқ<sup>1</sup> шаҳрида бўлган. Ила дарёсининг юқори қисмларини қарлуқлар билан иттифоқдош бўлиб келган қанғли қабилалари эгаллаганлар. Қанғлилар ҳам XII аср охири XIII аср бошларида алоҳида хонлик ташкил қилган бўлиб, унинг маркази Олмалик шаҳрида бўлган<sup>2</sup>. Қорахитойлар Еттисув ва Мовароуннаҳрни эгаллаганларидан сўнг Қорахонлар давлатига мансуб амалдорларни ўз вазифаларидан четлаштирамаганлар. Хоқон ва хонларни ўз ўринларида қолдириб, улар орқали мамлакатни идора қилганлар. Аҳолига катта солиқ солиб гурхонлар, қорахонлардан бу солиқни ўз вақтида йиғиб беришни талаб қилиб ва шу тарзда уларни ўз итоатларида ушлаб турар эди.

<sup>1</sup> Қийалиқ — Ила дарёсининг шимолидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Олмалик — Фулжа яқинида, унинг шимоли-ғарбидаги шаҳар, Қаранг: Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V. С. 3.



Ҳар бир хонадонга қорахитойлар фойдасига 1 динордан солиқ солинган<sup>1</sup> бир динор солиқ тўлаш, ўша даврда аҳолига ниҳоятда оғирлик қилар эди<sup>2</sup>. Бундан ташқари аҳоли ҳар йили қорахонлар фойдасига ва ерли феодалларга ҳам бож-хирож тўлаганлар. Шундай қилиб, деҳқонлар ва оддий чорвадор халқ уч томонлама (ерли феодаллар, Қорахонлар ва Қорахитой давлати ва уларнинг вакиллари томонидан) эксплуатация қилинган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр деҳқонлари, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадорлар, қорахитой ва уларга қарам бўлиб келаётган қорахонлар ҳукмронлигига қарши вақти-вақти билан исён кўтариб турганлар. Шундай исёнлардан бири XII асрнинг 50—60 йиллари Самарқанд атрофларида жойлашган қарлуқлар томонидан уюштирилган. Уларнинг кураши асосан қорахитойларга ва улар томонидан Самарқанд тахтига қўйилган қорахонларга қаратилган эди. Қарлуқлар Самарқанд тахтига қарлуқ амирлари ва ҳарбий саркардалари бош ролда бўлиб туришини талаб қилиб ҳам исён кўтарганлар. Исённи бостирмоқчи бўлиб қоракиданлар (Қорахитой) 1141 йил Самарқандни эгалладилар. Қорахитой Гурхони Самарқанд тахтига Фарбий хоқоннинг собиқ хони Муҳаммад Арслонхоннинг ўғли Иброҳим Тамғачхонни ўтказди<sup>3</sup>. Бу хон жуда бўшанг бўлиб мамлакатни яхши идора қилолмаган. Қарлуқлар унинг сусткашлигини ёқтирмас ва шу боис улар Самарқанд тахтига ўзлари ёқтирган хонзодалардан қўймоқчи бўлганлар. Улар пайт пойлаб Иброҳим Тамғачхонни ўлдириб, жасадини чўлга чиқариб ташладилар. Бу мудҳиш воқеа 1156 йили Бухоро шаҳри яқинида содир бўлган<sup>4</sup>. Шундан кейин қоракиданлар Самарқанд тахтига Иброҳим Тамғачхоннинг ўғли Жамолиддин Али Чағрихонни қўядилар. Тахтга ўтириши

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар. МИКК. Т. I. 66-бет.

<sup>2</sup> Бир динорнинг қиймати ўша даврларда 13 франк (4 сўм 50 тийин) бўлган. Қаранг: Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья, соч. Т. II. ч. I. С. 50, примечание 12.

<sup>3</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 67—68-бетлар.

<sup>4</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 68-бет. Ибн ал-Асирнинг ҳикоясидаги воқеа ҳижрий йилининг 559 й. (1164 й.) бўлган.

Бошқа манбалар асосида В. В. Бартольд Катван жангидан кейин Самарқандни Арслонхоннинг ўғли Тамғачхон Иброҳим бошқарган деган фикрга келади. Қаранг: В. В. Бартольд. Туркестан... Т. IV. С. 396. К. Э. Босворт жадвалида у Иброҳим IV номи билан то 1178 й. Самарқанд хони бўлган. Қаранг: Босворт К. Э. Мусульманские династии, М., 1972. С. 157.

билан (1157 йил), Чағрихон қарлуқлардан отасининг ўлими учун ўч олиш ниятида Самарқанд қарлуқлари саркардаларини ўлдиришга буюради ва қарлуқларнинг бошлиғи Пейгахон (Бейгахон) ўлдирилади, қарлуқлар қувғинга олинадилар. Пейгахоннинг болаларини, қавмқариндошларини, қарлуқларнинг ҳарбий саркардаларини (буларнинг ичида энг катта саркарда Лочинбек бўлган) тутиб жазолашга буюрилади. Қарлуқнинг катта бир қисми Амударёни кечиб ўтиб Хоразм шоҳи Ил-Арслон<sup>1</sup> олдиға нажот сўраб борадилар. Шоҳ уларнинг ёнини олиб 1158 йил қўшинлари билан Мовароуннаҳрга келади. Самарқанд хони ўз навбатида Қизилкум чўлларига, Женд атрофида кўчиб юрган ўғузларга ва қорахитой гурханларига мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўрайди. Қорахитой гурхани Самарқандга Элек туркманни<sup>2</sup> 10 минг жангчилари билан юборади. Хоразмшоҳ Ил-Арслон Зарафшоннинг ўрта оқимларидаги Рабинжон шаҳрини олиб, уни вайронга айлантиради ва шундан кейин рақибларини бетоқатлик билан кутади. Икки томоннинг қўшинлари Зарафшоннинг икки соҳилида туриб бир-бирларига рўпара бўладилар. Хоразмшоҳларнинг ҳарбий кучидан чўчиган Илек-Туркон урушдан бош тортади, Самарқанд ҳокими, уламолари ва имомлари Илек-Туркон билан Хоразмшоҳ ўртасида воситачи бўлиб уларни урушмасликка кўндирадилар. Хоразмшоҳ Ил-Арслон Қарлуқ амирларини ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, ўз лавозимларига тиклаш шарти билан сулҳга розилик беради. Шундан кейин Хоразмшоҳ юртига қайтади.

---

<sup>1</sup> Ил-Арслоншоҳ Отсизнинг ўғли, унинг вафотидан кейин 1156 й. Хоразм шоҳи бўлади.

<sup>2</sup> Гурхан Самарқандга мадад учун юборилган қўшин бошлиғи Элек Туркман бўлмасдан, балки Илек Туркешдир. Шундай бўлган тақдирда бу шахс туркманлардан бўлмасдан Қорахитойлар эгаллаган Баласағуннинг собиқ ҳокимларидан (қорахонлардан) бири бўлиши мумкин. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан... Соч. I. С. 396.

Очерки истории Туркестанского народа, Соч. II. с. 549—550. Қорахитойлар Баласағунни эгаллагач уларни (қорахонлар хоқонларини) мавқеини пасайтириб қўйган эдилар. Шунинг учун, гурхоннинг буйруғи билан қорахонларга мансуб бўлган хонларининг унвонларини «Илек-хон» деб аташ ўрнига эндиликда «Электуркман» дейилган. Шу билан қорахитой гурхонлари қорахонлар мансуб бўлган, уларнинг авлодларини камситганлар. Кейинчалик Чингизхон ҳам (XII аср охири XIII аср бошларида) Ила дарёсининг шимолида мавжуд бўлган қарлуқ давлатининг хонини Арслонхон дейиш ўрнига «Арслон Сартактай» деб, Чингизхон ҳам Арслонхоннинг хонлик унвонини камситган.

Ибн ал-Асир қарлуқлар билан боғлиқ бўлган можарони бошқачароқ қилиб ҳам тушунтиради. Унинг ёзишича, бу воқеа 1164 йили юз беради.

Қоракидан гурхони қарлуқлар исёнидан хабардор бўлгач, уларни Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан чиқариб Қошғарга сургун қилиб юборишни Чағрихонга топширади. Қарлуқлар у ерда (Қошғарда) курул олиб юрмасдан, яъни ҳарбий хизматда бўлмасдан, деҳқончилик билан шуғуллансинлар деган фармойиш беради. Фармойишни бажармоқчи бўлиб Чағрихон қарлуқлардан тезда мамлакатдан чиқиб кетишни талаб қилади. Сўзсиз бу буйруқ қарлуқларга қаттиқ таъсир қилади. Улар йиғилиб маслаҳат қиладилар ва Бухоро томон йўл оладилар. Бухорода ўша кезларда раислик қилиб турган Ибн Маза<sup>1</sup> Чағрихонга хабар юбориб, Бухорони қарлуқлар талон-тарож қилмасдан тезда қўшинлари билан ёрдамга келишини илтимос қилади.

Ёрдам кучи етиб келгунга қадар Ибн Маза қарлуқ бошлиқлари билан музокаралар олиб бориб, вақтни чўзишга ҳаракат қилади. Шу вақт ичида Чағрихон Ибн Ҳасан катта қўшин билан Самарқанддан етиб келади. Қарлуқларнинг орқа томонидан кўққисдан ҳужум бошлаб, уларни шафқатсиз қиради. Шу воқеадан кейин Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг сиёсий ҳаётига қарлуқлар деярли аралашмайдиган бўлганлар.

Қорахитой империясининг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида жойлашган қарлуқ ва қанғли қабилалари қорахитойларга тез-тез ҳужум уюштириб, Гурхонлар тинчлигини бузиб турардилар. XII аср охири XIII аср бошларида бу қабилалар қорахитойлар тобелигидан чиқиб, уларга қарши очиқ курашга ўтадилар. Бу курашлар ва халқ кўзғолонлари Қорахитой давлатининг пойдеворини аста-секин емиради.

---

<sup>1</sup> Ибн Мазанинг тўлиқ номи насаби Муҳаммад Ибн Бурхониддин Абу-ал Азиз Ибн Маза. Қаранг: Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 28-бет.

XII асрнинг 40-йиллари Фарбий Қорахонликда ҳукмронлик қиладиган хонларнинг ожизлигидан фойдаланиб, Бухорода ярим қарамлик асосида ўзига хос бўлган, олий мусулмон вакилларининг сулоласи ташкил топган эди. Бухоро шаҳрини шу сулолага мансуб кишилардан раис идора қилган. Сулолага, Бурхон Абу ал-Азиз Б. Умар, Маза асос солганлиги туфайли, Бурхон авлодлари Бурхонийлар деб аталган. Раислик мансабидаги кишилар аждод-авлодлари билан руҳонийлардан бўлиб «садр» унвони билан маълум эдилар. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан ... Соч. Т. I. С. 389—390.

Шу даврларда Хоразм давлати ҳам кучайиб, Хоразмшоҳлар қорахитойларга, уларга қарам бўлган қорахонларга қарашли ерларга ҳарбий юришлар қиладилар. Хоразмшоҳлар Бухоро ва Самарқанд ерларига бир неча бор қўшин билан бостириб келган эдилар. Қорахитой империяси ичида ҳам низолар оз эмас эди. Буларнинг ҳаммаси қорахитой давлатининг емирилишига олиб келди. Мазкур империянинг кучсизланиб боришидан фойдаланиб, қорахонлар хонадонига тегишли охириги хонлар қорахитойлар тобелигидан XIII аср бошида озод бўлган эдилар. Аммо 1212 йили Хоразмшоҳ Муҳаммад Ала ад-дин Самарқандни эгаллайди ва Қорахонларнинг ғарбий қисмини охириги хони — Усмонни қатл қилади. Шу билан ғарбий қорахонлар сулоласи тугатилади.

Шарқий ва Ғарбий Қорахонлар давлати емирилганлиги билан уларнинг ҳудудларида айрим кичик давлатлар ташкил бўлиб, бу давлатлар, XIII аср ўрталарига қадар сақланиб қолган эди. Бунга мисол тариқасида юқорида эслаб ўтилган, Ила дарёси соҳилларида вужудга келган Қарлуқ давлатини кўрсатиш мумкин. Унинг хони Қарлуқ қорахонлар анъаналарининг даврими қилиб, Арслонхон унвони билан давлатни бошқарган<sup>1</sup>.

Кичик, деярли мустақил давлат Фарғонада, Ўзган музофотида (маркази Ўзган шаҳри) ҳам мавжуд бўлган. Қорахонларнинг Ўзган мулкини бошқариб келган ҳукмронлар қарлуқлардан бўлган. Қорахонлар давлати емирилгандан кейин ҳам Ўзганда кичик давлат ўз фаолиятини давом эттирган.

Хитой манбаларидан бири — «Мўғуллар сулоласининг тарихи» — (Юаньшида) келтирилган маълумотлардан ўз даврининг номдор кишиларидан бири, қарлуқ қабиласига мансуб бўлган Йағантеган ҳақида гап кетади. Унинг катта бобоси (отасининг отаси) — Қодирмалик Ўзган давлатидан бўлганлиги қайд қилинади. Қодирмалик 1211 йили уч минг аскарлари билан Чингизхон олдига (унинг Керулен дарё соҳилидаги қарор-

---

<sup>1</sup> Арслон — Ила дарёси соҳилларида барпо этилган Қарлуқ давлатининг ҳукмронининг номи эмас, унинг унвони бўлган. Тарихчи О. Прицакнинг таъкидлашича хоннинг номи Абу-ал-Футах Муҳаммад III ибн Йусуф деб аталган. Араб тарихчиси ибн Холдуннинг (XIII) айтишига қараганда унинг номи Арслон хон Муҳаммад ибн Сулаймон бўлган. В. В. Бартольд уни Арслон Аб-ал-Фатҳ Муҳаммад деб номлайди.

гоҳига) бориб ўз ихтиёри билан тобе бўлади. Қодирмалик Чингизхонга Керулен дарё соҳилидаги қароргоҳига Ила дарёси бўйларида мавжуд бўлган Қарлуқ давлатининг ҳукмдори Арслонхон ҳам бориб, ўз ихтиёри билан таслим бўлган. Арслонхон билан бирга, уларнинг мулозимлари қаторида, катта обрў ва мавқега эга бўлган қарлуқ саркардаларидан бири Маҳмуд номли киши ҳам бўлган<sup>1</sup>.

Юаньшида келтирилган ахборотлардан аниқ бўлишича, XIII аср бошларида Фарғонада (Қорахонлар давлати батамом емирилиб кетганидан кейин ҳам) кичик хонлик Ўзган музофотида сақланиб қолган, унинг Маркази Ўзган шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг аниқ чегараси ва унда ҳукмронлик қилган хонлар тизими ҳали аниқланганича йўқ. Бу масалалар тарихчилар томонидан чуқурроқ ўрганилишини талаб қилади.

Чингизхон олдига ўз хоҳиши билан бориб, таслим бўлган Қодирмалик XII аср охирлари XIII аср бошларида Фарғона ёки унинг Ўзган музофотидаги хонлардан бири бўлган бўлиши ҳақиқатдан холи бўлмаса керак. Агар у хонлик лавозимида бўлмаганда эди, шундоқ узоқ масофага бориб таслим бўлишга журъат қилармиди? Важоҳатли хонга маълум бир давлат хони (Арслонхонга ўхшаш) ёки йирик қабила иттифоқининг бошлиғи рўпара бўлиши мумкин бўлмаган, пастки мансаб эгаларини у менсимас ҳам эди.

Ўзган мулки кичик давлат сифатида XIII аср 60—70-йилларигача сақланиб қолган бўлиши керак. Шу асрнинг ўрталарида мўғулларнинг улуғхони Мункэ (1251—1259) Ўзган давлати ва Фарғонани Арслонхон қарлуқнинг ўғлига (мўғулларга қилган хизмати эвазига) инъом қилган<sup>2</sup>. Ўзган давлатининг шундан кейинги тарихи аниқ эмас.

Унча катта бўлмаган, қарлуқ номи билан аталган давлатлар XIII асрда Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон минтақаларида ҳам бўлган<sup>3</sup>.

Қорахонлар давлатининг жанубида, сомонийларга қарашли вилоятлардан бирида, X асрнинг 60—70-йил-

<sup>1</sup> Кадырбаев А. Ш. Турки и иранцы в Китае и Центральной Азии XIII—XIV вв. Алма-Ата. 1990. С. 41.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Карлуки, Соч. Т. V, С. 548. Кадырбаев А. Ш. Турки и иранцы в Китае и Центральной Азии XIII—XIV вв. Алма-Ата. 1990, С. 41.

<sup>3</sup> Қаранг: Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. 141—144-бетлар.

ларида Ғазнавийлар давлати вужудга келади ва у ғарбий (Мовароуннаҳр) Қорахонлар давлати билан рақобатда бўлади.

Ғазнавийлар давлатининг асосчиси турк элатидан бўлмиш Алп-Тегин эди<sup>1</sup>. У сомонийлар хизматида бўлиб Тохаристонда жойлашган ҳарбий кучларга қўмондонлик қилган, сомонийлар ҳокимияти билан келишолмасдан, Алп-Тегин уларга қарши исён кўтаради ва қўл остидаги кўшинлар билан чекиниб, 963 йил Ғазна шаҳрини ва вилоятини эгаллайди. Мазкур ҳудудда у Ғазна давлатига асос солади (бу давлат тарихда Ғазнавийлар давлати деб номланади). Шу йилнинг ўзида Алп-Тегин Буст вилояти ва қисман Қобул вилоятига тегишли ерларни ҳам эгаллайди.

Алп-Тегин ўлимидан кейин (963 йил) тўрт йил давомида Ғазнада, бирин-кетин, бир неча турк ҳарбий саркардалар ҳукумронлик қилган. 977 йил ҳокимият Сабук-Тегин қўлига ўтади<sup>2</sup> ва шу йили у ўзини Ғазна амири деб эълон қилган. Сабук-Тегин даврида Ғазнавийлар давлати бир мунча кучаяди. У босқинчилик билан бойиш йўлига ўтиб, бир неча маротаба кўшни Ҳиндистон ҳудудига ҳарбий юриш қилади. Сабук-Тегиннинг босқинчилик сиёсатини унинг ўғли Маҳмуд ҳам давом эттирган. Маҳмуд Ҳиндистон юришлари билан бир вақтда сомонийларга қарашли бир қанча вилоятларни ҳам босиб олган.

999 йил қорахонлар Сомонийлар давлатини емириб, Амударёгача бўлган ҳудудларни босиб олгач, Маҳмуд эса сомонийларга қарашли шу дарёнинг жанубидаги вилоятларни ўзига қўшиб олади. Маҳмуд даврида (998—1030) ғазнавийлар жуда катта ҳудудга эгалик

---

<sup>1</sup> Ғазнавийлар давлатининг сиёсий тарихи ва давлат бошлиқлари ҳақида қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Т. I. С. 322—367; Якубовский А. М. Маҳмуд Ғазнавий. К вопросу о происхождении и характере Газнавидского государства — Сб. «Фердавси», Л. 1934, С. 51—96; Массон В. М., Ромонидин В. А. История Афганистана. Т. I. М. 1964. С. 242—254; Босворт К. Э. Мусульманские династии. М. 1971. С. 237—239.

<sup>2</sup> Баъзи манбаларда қайд этилишича Сабук-Тегин Барсхон номи турк қабиласидан бўлган. У болалигиданоқ асирга олиниб, бир неча йиллар тухси қабиласи кишиларини (балки бирон чорвадорни) молини боққан. Уқдириб ўтиш жоизки, Барсхон номи билан аталган қабил а бошқа тарихий манбаларда учрамайди. Лекин, Барсхон (Барсухон) шаҳари бўлган. Иссиқкўлнинг жанубидаги шаҳарлардан бири шу ном билан аталган. Қаранг: МИТТ, Т. I. 311-бет. 1-илова.

қиладилар. Улар жанубда шимолий ва шимоли-ғарбий Ҳиндистонга, ғарбда Хуросонга, шимолда Амударёнинг чап соҳилларидаги вилоятлар, жумладан Хоразм ўлкасигача бўлган ҳудудларга ўз ҳокимиятларини ўрнатган эдилар. Аммо Ғазнавийлар давлатининг ҳокимияти унча узоққа чўзилмайди. Маҳмуднинг ўғли Масуд давридаёқ (1030—1041) Ғазнавийлар давлати айрим вилоятлардан жудо бўла бошлайдилар. Марказий Осиёда салжуқлар ҳаракати бошланиб, ғазнавийлар шимолида салжуқлар билан тўқнашадилар ва Хуросонни ҳамда бошқа бир неча вилоятларни қўлдан берадилар. Масуднинг ўғли Маудуд (1041—1048) йўқотган ҳудудларни қайтариб олишга анча ҳаракат қилса ҳамки, лекин салжуқларга бас келиш қийин эди. Маудуддан кейин ғазнавийлар Ғазна ва унинг атрофидаги ерларни ҳамда Ҳиндистоннинг шимолидаги бир неча вилоятларни сақлаб қолган эдилар холос, қолган вилоятлар қўлдан кетади.

XI асрнинг ўрталарида Хуросонда ғазнавийлар билан рақобатлаша оладиганлар салжуқлар бўлган. Буларнинг аждодлари аслида Сирдарёнинг қуйи оқимларида кўчиб юрган ўғуз туркларидан эди. Бу сулоланинг вужудга келиши Салжуқ номи билан боғлиқ. Маҳмуд Қошғарий Салжуқ — шу ҳозирги султонлар (яъни Маҳмуд Қошғарий замонида мавжуд бўлган салжуқлар султонлари) «Бобосининг исми» деб ёзган эди<sup>1</sup>.

Салжуқнинг отаси Тукак (Тукан) ўғуз-туркманларининг қиниқ уруғидан бўлиб<sup>2</sup>, мусулмон динини қабул қилиш тарафдори бўлган. Бу масалада Тукак ўғузлар Ябғуси билан келишолмай қолади. Ўша кезларда Ябғу ҳарбий куч йиғиб мусулмонлар устига юриш қилмоқчи эди. Тукак Ябғунинг бу ҳаракатига қарши чиқади, иккаласи ўртасида қисқа жанг бўлиб ҳам ўтади<sup>3</sup>. Оқибатда улар бир-бирлари билан келишиб Тукак Ябғуга хизматга ўтади.

Тукакнинг ўғли Салжуқ ҳам бир неча вақтларгача Ябғунинг хизматида юриб, йирик ҳарбий унвонига (Сўбоши) сазовор бўлади. У «Салжуқ Сўбоши» деб аталар эди» деб таъкидлайди Маҳмуд Қошғарий<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 442-бет.

<sup>2</sup> Қиниқ — ўғуз туркманларининг 22 уруғидан бирининг номи. Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. 89—90-бетлар.

<sup>3</sup> Садр ад-дин Али ал Хусайни. Ахбор ад-даулат ас-Селжуқийа (Зубдат ат-таварих), перевод, введение, примечание и приложение З. М. Буниятова. М. 1980, С. 23.

<sup>4</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 442-бет.

Салжуқ ҳам отасининг йўлини тутиб, Ябғу билан келишмай қолади. Оқибатда мусулмон динини қабул қилиб, ўзининг яқинлари билан мусулмонлар вилоятига, яъни Женд шаҳрига кўчиб келади. Бу шаҳарга ўрнашиб, у ҳали мусулмон динини қабул қилмаган ўғузлар билан курашиб, бу ердаги Ябғунинг солиқ йиғадиган вакилини ҳайдаб, мусулмонларни бож-хирождан озод қилади. Салжуқ узоқ умр кўриб, 107 ёшда вафот қилади<sup>1</sup>.

Салжуқдан уч ўғил қолади<sup>2</sup>: Арслон, Микоил ва Мусо. Микоил динсизлар билан олиб борилган курашларда ҳалок бўлади. Унинг ўлимидан кейин ўғиллари Туғрулбек, Муҳаммад, Чоғибек, Довуд ва амакилари Мусо Ябғу<sup>3</sup> Калон 985—986 йили сомонийлар ҳудуди-га, Нурота тоғларига кўчиб келиб ўрнашадилар. Бу ерларда яшовчи салжуқларнинг чорвалари жуда кўп бўлиб, улар учун кенг яйловлар керак бўлиб қолган эди. Шунинг учун бўлса керак (балки Мовароуннаҳр қорахонлари билан келишолмаган ҳамдирлар) Салжуқ туркманлари газнавийлар амири Маҳмуднинг олди-га бориб, ундан Жайхунни (Амударёни) кечиб ўтиб, Хуросон ҳудудида Салжуқ туркманларидан 4000 оилани жойлаштиришни илтимос қиладилар. Маҳмуднинг рухсати билан улар шимолий Хуросонни, яъни Зарахс, Фарави (ҳозирги Қизил-Арват) Абивард яқинидаги чўлларга бориб ўрнашадилар<sup>4</sup>. А. Ю. Якубовскийнинг таъкидлашича Маҳмуд Газнавийга бориб мурожаат қилганлар Салжуқнинг набиралари (Микоил ўғиллари) ва уларни амакиси Мусо Ябғу бўлмасдан мутлақо бошқа туркманлар бўлганлар, улар (Салжуқ набиралари) 1025 йили ҳали Мовароуннаҳрда эдилар. Хуросонга булар кейинроқ бориб ўрнашганлар. Эҳтимол шу йиллари Нурота туркманлари (Салжуқ туркманлари) орасида келишмовчилик содир бўлиб, уларнинг бир қисми ўз

---

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир, МИТТ, Т. I, С. 365.

<sup>2</sup> Бошқа манбаларда айтилишича Салжуқнинг беш ўғли бўлган. Булар: Исроил (ёки Арслон), Микоил, Мусо Ябғу, Юсуф ва Йўнус. Қаранг: Садр ад-дин Али ал-Хусайни. Кўрсатилган асар, 172-бет, 10-илова.

<sup>3</sup> Ябғу бу ерда киши номи ёки тахаллуси ўрнида тилга олинган. Аслида Ябғу — ўғуз, қарлуқ ва бошқа йирик қабила иттифоқларининг ёки давлат бошлиқларининг (хукмронларининг) унвони.

<sup>4</sup> Якубовский А. Ю. Сельджукидские движения и Туркмены в XI в. Известия АН СССР, Отделение общественных наук. 1937. № 4, С. 929.



қардошларидан ажралиб, Хуросоннинг шимолий минтақаларига бориб яшагандирлар.

Орадан кўп вақт ўтмасдан, шимолий Хуросонга бориб ўрнашган туркманлар билан туб ерли ҳокимият ва аҳоли ўртасида келишмовчилик содир бўлади. Ниса, Абивард ва Фердави аҳолиси Маҳмуд Ғазнавийга хат юбориб, «туркманлар зўравонлик кўрсатиб мол-мулкларимизни талаб кетяптилар», деб шикоят қиладилар ва ундан ёрдам кучи юборишни илтимос қиладилар. Ибн ал-Асирнинг ахборотида бу воқеа бошқачароқ талқин қилинган. Унинг ёзишича, Маҳмуд Ғазнавий Хуросоннинг шимолий қисмига бориб ўрнашган туркманлардан катта хирож ундиришни буюрган<sup>1</sup> ва уларнинг мол-мулклари ҳам таланган. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича Ибн ал-Асирнинг айтганлари ҳақиқатга яқинроқ<sup>2</sup>. Салжуқ туркманларининг Хуросон ерига боришидан мақсади ерни босиб олиш эмас, балки воҳа атрофидаги ерга жойлашиб, ярим кўчманчиликда, яъни деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик билан ҳам шуғулланиш эди. Ғазнавийлар буни тушунмадилар, салжуқ-туркманларга куч қўллашни афзал кўрдилар. Султон Маҳмуд катта қўшин билан Хуросонга келади ва Фердави яқинида туркманлар билан жанг қилади. Жангда талофот кўрган туркманлар Болхон-Дехистон ва Керман ҳудудларига чекинадилар. Шундай қилиб, бу курашда омади келмаган Салжуқ туркманлари уч гуруҳга бўлинадилар<sup>3</sup>.

Болхон ва Дехистон томон силжиб кетган туркманлар шу вақтлардан (1025—1030) бошлаб Хуросоннинг шарқий минтақаларини хавф остида қолдириб, муқаррар дағдағага солиб турар эдилар. Эроннинг Кирмон ва Исфахон вилоятларига чекиниб кетган туркманлар босқинчилик йўлига ўтиб, бир неча йиллар давомида Месопотамия, Курдистон ва ҳатто Арманистон ҳудудларигача борганлар.

Салжуқ туркманлари билан ғазнавийлар ўртасидаги келишмовчиликлар йилдан-йилга жиддийлашиб борган. Хуросоннинг шимолий ҳудуди уларнинг кураш майдонига айланиб қолган эди. Салжуқларнинг Ғазнавий билан бир неча йиллик курашлари 1040 йилнинг май

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир, МИТТ, Т. I. С. 366—367.

<sup>2</sup> Якубовский А. Ю. Кўрсатилган асар, 930—931-бетлар.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Очерки истории туркменского народа, Соч. Т. II. Ч. I. С. 570—571, Якубовский А. Ю. Кўрсатилган асар, 931-бет.

ойида Серахс ва Марв ўртасида жойлашган Данданакон қўрғони яқинида бўлган жангда салжуқ-туркманларнинг ғалабаси билан тугади.

Данданакон жангидан кейин Хуросонда ғазнавийлар ҳукумронлиги тугатилади. Фарбий Осиёда янги давлат Салжуқлар давлати вужудга келди. Бу давлатнинг тахтига Салжуқнинг набираси (Микоилнинг ўғли) Тўғрул-бек<sup>1</sup> кўтарилади (1038—1063).

Салжуқийлар Хуросон, Гурган, Дехистон ва Хоразмни батамом қўлга киритиб, XI асрнинг 40-йиллари Эрон, Афғонистон, Ироқ, Кавказ орти ва Кичик Осиёга ҳарбий юриш уюштирдилар. Алп-Арслон (1063—1072) ва Маликшоҳ (1072—1092)лар даврида салжуқийлар давлатининг энг юксалган даври бўлган<sup>2</sup>. Шу йиллар ичида улар Хоразм ва Афғонистоннинг фарбий қисмини ғазнавийлардан тортиб оладилар, Фарбий Қорахонлар давлати салжуқийлар ҳокимиятини тан олиб, уларга қарам бўлади. Кавказда, Кичик Осиёда ҳам бир қанча мамлакатлар салжуқийларга тобе бўладилар. Буюк Салжуқийлар империяси ташкил топади.

Маликшоҳ давлати — Салжуқийлар империяси Сирдарёдан Нил дарёси соҳилларигача, Каспий денгизидан то Ўрта ер денгизигача бўлган катта кенгликни ўз ичига олган эди<sup>3</sup>.

Маликшоҳ вафотидан кейин унинг ворислари ўртасида ҳокимият учун кураш кетади. Бир неча йиллар давом этган ўзаро тўқнашувдан кейин Салжуқийлар империясининг тахти Санжар ибн Маликшоҳга насиб бўлади.

Санжар (1118—1153) ҳокимиятни қўлига олиши билан ҳарбий юришни кучайтиради, натижада бир қанча мамлакат ва вилоятлар, жумладан Мазандарон, Хоразм, Сеистон, Фазна ва Мовароуннаҳр Салжуқлар давлатига қарам бўлиб қолади. Санжар «улуғ султон», «Султонларнинг султони», «Шоҳаншоҳ» ва бошқа унвонлар билан улуғланган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Тўғрул-бек 1037 й. Марв шаҳрини олганда Довуд номи билан 1038 й. Нишопурни олганда Тўғрул номи билан ва Шоҳаншоҳ унвони билан пул (танга) зарб этган. Кейинчалик бу унвон арабча султон сўзи билан ўзгартирилган. Салжуқийлар сулоласининг барча подшолари шу унвон (султон) билан улуғланган. Қаранг: Бартольд В. В. Кўрсатилган асар. 573-бет.

<sup>2</sup> Босворт К. Э. Кўрсатилган асар. 163-бет.

<sup>3</sup> Агаджанов С. Г. Сельджукиды и туркмены в XI—XII вв. Ашхабад, 1973, С. 5—6.

<sup>4</sup> Агаджанов С. Г. Кўрсатилган асар. 11-бет.

Катта империяни бутунлигича сақлаб туриш осон бўлмаган албатта. Давлатнинг турли минтақаларида мустақиллик ҳаракати авжланиб исёнларнинг бўлиб туриши, салжуқлар сулоласига мансуб бўлган бекларнинг алоҳида вилоятга ҳоким бўлиш ёки давлатни бошқаришга интилишлари империяни заифлаштириб борар эди. Оқибатда Салжуқлар давлатининг ғарбий Ироқ қисмида Санжарнинг таъсири пасайиб қолади. Унинг амалий таъсири империянинг шарқий қисмида Эрон, Афғонистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда кучлироқ бўлган. Аммо бу ерлардаги айрим ҳудудларда (масалан Хоразмда) салжуқийлар ҳукумронлигидан чиқиб мустақил бўлишга интилиш зўрайиб борар эди.

Маълумки, Санжар ҳокимиятида ҳарбий саркардалар катта ўрин эгаллаганлар. Саркардаларнинг кўплари турли қавм ва қабилалардан (ўғуз, туркман, халаж, чигил ва бошқалар) чиққан кишилардан бўлган. Ҳарбий саркардалар табақаси ўз таъсирини Санжар бошқараётган ҳокимиятга ўтказиб, уларнинг ихтиёри билан иш тутишни талаб қила бошлайдилар. Ҳарбий саркардаларнинг роли Санжарнинг Катван жангида қорахитойлардан енгилгандан кейин янада кучайиб кетган эди.

1141 йили Катван чўлида қорахитойлар билан бўлган жангда Санжар кўшинлари енгилиб, Мовароуннаҳрни қўлдан берадилар. Султоннинг обрўи ва мавқеи ҳам анча пасайган эди. Вилоятларда салжуқийлар қарамлигидан ҳоли бўлиш кучаяди. Хоразмда, Ҳиротда, Ғурда ва бошқа ўлкаларда бирин-кетин исён кўтарилади. Султон Санжар бу исёнларни бешафқат бостира олган бўлса ҳамки, аммо салжуқлар давлатида сиёсий танглик тобора ошиб бориб, XII асрнинг иккинчи ярмида Салжуқ империясининг шарқий (Хуросон) қисмида ҳам емирилиш бошланди.

1153 йили Шимолий Афғонистонда, Балх вилоятида яшовчи ўғуз қабилалари Салжуқлар ҳокимиятига қарши исён кўтариб султон Санжар кўшинларини мағлубиятга учратиб, унинг ўзини асирга оладилар. Ғалабадан мағрурланган ўғузлар Хуросон ҳудудини эгаллаб Шарқий Салжуқлар давлатининг Марв, Шахристон, Обивард, Серахс ва бошқа шаҳарларни эгаллаб, баъзиларини талон-тарож ҳам қиладилар.

Балх ўғузларининг Хуросонни эгаллаганлиги, салжуқлар таъсирида бўлиб келган бошқа вилоят ва ўлкаларда феодал курашлар, халқ кўзғолонлари ривожла-

ниб боришига сабаб бўлади. Натижада Шарқий Салжуқийлар давлати бир қанча кичик феодал давлатларга бўлиниб кетади. XII аср охири Хуросон хоразмшоҳлар қўлига ўтади. Шу билан Марказий ва Олд Осиёни ларзага солиб келган Салжуқийлар империяси инқирозга учрайди<sup>1</sup>.

Хоразмда XI—XII асрларда сиёсий вазият жиддийлашиб қолган эди<sup>2</sup>. Кўп асрлар давомида Хоразмда ҳукмронлик қилиб Афрагийлар сулоласи X аср охирида емирилади.

Маълумки араблар Хоразмни эгаллагач хоразмшоҳларни ўз ўрнида қолдириб, уларнинг устидан назорат қилиб туриш учун ўз ноибларини тайинлаб қўйган эдилар. Араблар билан хоразмшоҳлар ўртасидаги зиддиятлар охир оқибат ўлкани икки мулкка (қисмга) бўлиниб кетишига олиб келади. Хоразмнинг жанубида Афрагийлар сулоласи<sup>3</sup> хоразмшоҳ унвони билан ҳукмронлик қилиб келар эди. Буларнинг марказий шаҳри Амударёнинг ўнг соҳилида Кат шаҳри бўлган. Ўлкани шимолий қисмига амирлар ҳукмронлик қилиб, уларнинг сулоласи мамунийлар номини олган. Буларнинг марказий шаҳри Гурганж бўлган. 955 йили Гурганж мамунийлари Кат шаҳрини эгаллайдилар ва шундан кейин Афрагийлар сулоласи батамом тугалланади. Гурганж амирлари ўлкани жанубий қисмини қўшиб олгач, Хоразмшоҳ унвони ҳам уларга ўтади<sup>4</sup>.

Мамунийлар ҳокимияти узоққа бормаган. 1017 йили Маҳмуд Фазнавий Хуросонни эгаллагач Хоразмни қўшиб олади ва шундан кейин мамунийлар сулоласи тугалланади. Хоразмни бир неча йиллар (1017—1040) давоми-

---

<sup>1</sup> Иностранцев К. Коркуд и истории легенд. ЗВОРАО. 1912 Т. XX С. 40—46. Салжуқийларнинг сиёсий ҳаёти ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Бартольд В. В. Очерк истории туркменского народа. Соч. Т. II. Ч. I. С. 548—583. Якубовский А. Ю. Салжукидское движение и туркмены в XI веке. Известия Ан СССР. Отделение общественных наук. 1937. № 4. С. 922—945. Агаджанов. Салжукиды и туркмены в XI—XII вв. Ашхабад, 1973. С. 5—15, 131—140.

<sup>2</sup> Буниятов З. М. Государство Хоразмшахов Ануштегинидов. М. 1986.

<sup>3</sup> Афрагийлар сулоласи, тахминан милодий IV аср бошларида ташкил топиб, то 955 йилгача давом этган. Шу давр ичида сулолага мансуб 22 шоҳ ўтган. Қаранг: Абу Рейхан Беруни. Избранное произведение. Т. I. Т. 1957, С. 47—48.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. С. 293.

да Фазнавийлар томонидан тайинланган ноиблар бошқарган. 1041 йил ҳокимият ўғузларнинг Женд<sup>1</sup> шаҳридаги ёбғуси Шоҳ Малик ибн Али кўлига ўтади. Аммо ўша йилнинг ўзида Шоҳ Малик салжуқлар томонидан оғдирилади. Салжуқлар ҳукмронлиги ўрнатилади ва уларнинг ҳокимияти бу ерда то XI асрнинг 40 йилларигача давом қилиб келади.

Салжуқлар Хоразмга ўз ноибларини тайинлаб улар орқали бу ўлкани бошқариб келганлар. 1077 йили, Ануш-Тегин<sup>2</sup> Турк Хоразмга, салжуқлар томонидан ноиб қилиб тайинланган. Аммо у бу ўлкани мустақил бошқаришга улгурмаган. Чунки шу даврларда Хоразмни салжуқлар назорати остида, Хоразмшоҳ Экинчи ибн Қўчқор бошқарар эди. 1097 йили Экинчи қўзғолон кўтарган салжуқий амирлар томонидан ўлдирилади. Шу йили Ануш-Тегин ҳам вафот қилади. Хоразм ноиблигига Ануш-Тегиннинг ўғли Кутб ад-Дин Муҳаммад тайинланади<sup>3</sup>. Хоразмшоҳ Ануш-Тегинлар давлатининг тарихи айни шу Кутб ад-Дин Муҳаммаддан бошланган.

Ануш-Тегиннинг вориси Кутб ад-Дин (1097—1127) Хоразм осойишталигини сақлаш ниятида 30 йил давомида ноиб бўлиб салжуқийларга сидқидиллик билан хизмат қилиб келади. Ануш-Тегиннинг набираси, Кутб ад-Диннинг ўғли Оловид-Дин Отсиз (1128—1156) ҳам Хоразм тарихида сезиларли из қолдирди. Ҳокимиятга келган дастлабки йиллари Отсиз салжуқлар султони Санжарга (1118—1157) беғараз хизмат қилиб келади. Санжар рақиблари (фазнавийлар, қорахонлар ва бошқалар) билан олиб борилган ҳарбий юришларда фаол қатнашиб Отсиз маълум мавқега эришади. Кейинчалик у Хоразмни салжуқлар қарамлигидан чиқариб олишга,

---

<sup>1</sup> Женд — Сирдарёнинг куйи оқимларидаги шаҳар. Ўғуз подшоларининг (Ябғу) қишги қароргоҳи бўлган. Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 235.

<sup>2</sup> Ануш-Тегин аслида ўғузларнинг беқдили уруғидан бўлган. У болалигидаёқ гарчистонлик (Мурғоб дарёсининг юқори оқимларидаги вилоят) бир кишининг қули эканлигида, уни салжуқийлар амирлигидан бири — Билга-Тегин (унинг тўлиқ оти Иззад-дин Унар билга Тегин) сотиб олган. Билга-Тегиндан Ануш-Тегин салжуқийлар подшоиси Маликшоҳ қароргоҳига олинган; бу ердан у сидқидилдан хизмат қилиб юқори мансабларга кўтарилиб келган ва ниҳоят 1077 й. Хоразм ўлкасига салжуқларнинг вакили қилиб тайинланади. Ануш-Тегиннинг лақаби Гарча ёки Гарчи бўлган. У Гарчистон фуқаросидан сотиб олинганлиги учун шу лақаб билан аталган.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар, 387-бет.

мустақил давлат барпо қилиш ниятида очиқ курашга ўтади. Санжар Отсизга мустақил ҳарбий юришни маън қилиб қўйган эди. Аммо Отсиз буйруққа итоат қилмасдан, салжукларга итоатда бўлган айрим вилоятларга қўшин бошлаб боради. 1138 йили у Сирдарёнинг қуйи оқимларига юриш қилиб, Санжар ҳокимиятига итоатда бўлган Женд ва Манқишлоқ ярим оролини эгаллаб, Хоразмга қўшиб олади. Бундан хабар топган Султон Санжар, ўзбошимчалик қилгани учун Отсизни таъзирини бериш учун Хоразмга катта қўшин билан бос-тириб киради. Хозарасп қўрғони яқинида бўлган жангда Отсиз енгилади, жангчилардан 10 мингга яқин киши қилич дамидан ўтказилади. Шу жангда Хоразмшоҳ Отсизнинг ўғилларидан бири Атлиқ ҳам ҳалок бўлган.

Султон Санжарнинг Хоразмга қирғин солганлиги ва ўғли Атлиқ учун ўч олиш ниятида Отсиз 1139 йили Салжукларга қарам бўлиб келган Бухорога ҳужум қилиб уни олади ва бу ердаги салжуклар ноибини қатл этади<sup>1</sup>.

XI аср охирларида XII аср ўрталарида Мовароуннаҳрда ҳам вазият кескинлашиб бораётган эди. Маълумки, 1089 йили Мовароуннаҳр салжуклар султони Маликшоҳ томонидан босиб олинган. Фарбий қорахонлар унга қарам бўлиб қолган эдилар.

Маликшоҳ қайтиб кетгач салжуклар ҳукмронлигига қарши Самарқандда қарлуқлар ва чигиллар кўзғолон кўтардилар. Кўзғолончилар қарлуқларга ва Тангритоғда яшовчи қардошларига, шахсан чигилларнинг сардори, Отбош ҳокими Ёқуб-Тегинга мурожаат қиладилар. Бу хабарни эшитиб ғазаби келган Маликшоҳ Мовароуннаҳрга қайтиб келади ва 1089 йили рақиблар ўртасида Ўзган шаҳри яқинида қаттиқ жанг бўлиб, Ёқуб-Тегинни мағлубияти билан тугайди.

XII аср бошларида Мовароуннаҳрнинг талайгина қисми салжуқийларнинг гумаштаси Муҳаммад Арслонхон (1102—1130) ҳукмронлигида эди. Унинг ҳарбий қисмларида қарлуқлар ҳам хизмат қилар эдилар. 1130 йил қарлуқ ҳарбий саркардалари Арслонхонга қарши исён кўтардилар. Самарқанд хони (Арслонхон) ёрдам сўраб султон Санжарга мурожаат қилади<sup>2</sup>. Салжуқий-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар, 388-бет.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир. Китаб ал-Камил фи-т тарих, Қаранг: МИКК. Т. I. С. 64.

лар қўшинлари ҳужум қилиб Самарқандни оладилар ва Самарқанд тахтига Ҳасан Тегинни ўтказадилар<sup>1</sup>. Аммо қарлуқлар салжуқларга ва уларга қарам бўлиб келган ғарбий қорахонларга қарши курашларини давом қиладилар.

Айни шу йиллари қорахитойлар Етгисувни, Шош-ни ва Қошғар вилоятларини эгаллаб Мовароуннаҳр чегарасига келиб қолган эдилар. 1137 йили Хўжанд яқинида ғарбий қорахонлар қўшинлари билан қорахитойлар ўртасида бўлган жангда Маҳмудхон энгилиб Самарқандга қочади. Маҳмудхон қарлуқларга қарши курашишни кучайтириш ниятида салжуқийлар султони Санжардан ёрдам сўрайди<sup>2</sup>.

Султон Санжар 100 минг кишилик ғарбий куч тўплаб, 1141 йил июль ойида, Амударёни кечиб ўтиб, қарлуқларга қарши ҳужум қилади<sup>3</sup>. Қарлуқлар чекиниб Қорахитой гурхонининг ҳимоясига ўтадилар.

Қорахитой гурхони Ёлюй-Да-ши (1124—1143) қарлуқларни қўллаб султон Санжардан, уларга озор бермасликни илтимос қилиб мактуб юборади. Бунга Санжар ҳақоратли жавоб қилади. Бундан ори келган гурхон Мовароуннаҳрга катта қўшин билан бостириб киради. Рақиблар 1141 йил 9 сентябрь куни Катвон<sup>4</sup> чўлида учрашадилар. Ибн ал-Асирнинг қайд қилишича, бу шиддатли жангда қарлуқларга тенг келадиган жангчилар бўлмаган, улар жонларини аямай қаҳрамонона курашганлар<sup>5</sup>. Салжуқлар энгиладилар, султон Санжар ва Маҳмудхон жанг майдонини ташлаб қочадилар. Бу жангда мусулмонлардан (салжуқлар ва қорахонлардан) 30 минг киши ҳалок бўлади, кўплари асирга олинади. Гурхон олижаноблик қилиб, асирларнинг талай қисмининг жумладан Санжарни хотинини (бу аёл Арслонхоннинг қизи эди) озод қилади<sup>6</sup>. Қорахитойлар Самарқандни эгаллайдилар ва шу билан Мовароуннаҳрда ўз ҳукм-

<sup>1</sup> Унинг тўлиқ номи Қилич Тамғач Абу Маъали ал-Ҳасан Ибн Али Ибн Абд ал-Мўмин. Қаранг: Ибн ал-Асир, Кўрсатилган асар, С. 65. Ибн ал-Асирнинг ахборотидан маълум бўлишича (ўша асар 64-бет) Султон Санжарнинг қўшинлари таркибида ҳам қарлуқлардан бўлган; Эҳтимол булар ўғузлар билан бирга Хуросонга ўтиб кетган қарлуқлардандир.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар. 66-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Катвон чўли ҳақида қаранг: Бартольд В. В. Туркестан. ... Соч. Т. I. С. 222.

<sup>5</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар. 67-бет.

<sup>6</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар. 67-бет.

ронликларини ўрнатадилар<sup>1</sup>. Фарбий қорахонлар сулоласининг хонлари қорахитой гурхонларига қарам бўлиб қоладилар.

Катван жангидан кейин ўша йил ((1141—1142) қорахитойлар Бухорони эгаллаган эдилар. Улар Хоразм ҳудудига ҳам бостириб кириб, мамлакат аҳолисининг таллай қисмини қирадилар. Отсиз қорахитойлардан омонлик сўрайди, сулҳ тузади, Хоразмшоҳ ҳар йили турли маҳсулотлардан ташқари 30 минг олтин динар билан бож тўлашни ўз бўйнига олади<sup>2</sup>.

Салжуқларнинг Катван жангидан кейин кучsizланганлигидан фойдаланиб, Отсиз уларга тегишли ҳудудларга, жумладан, Хуросонга бостириб қиради. Отсизнинг бебошлигидан ғазабланган Султон Санжар, уни таъзирини бериш учун бир неча бор (1143—1144, 1147 йил) Хоразмга қўшин бошлаб келади, Санжар ва Отсиз ўртасидаги ўзаро рақобатчилик то 1156 йилгача яъни Отсизнинг ўлимигача давом этиб келади<sup>3</sup>. 1157 йил Султон Санжар ҳам вафот қилади. Шу ўринда уқтириб ўтиш жоизки, Отсиз 29 йил ҳукмронлик қилган даврни Хоразмни салжуқийлар қарамлигидан озод қилишга бағишлайди. Шу даврнинг ичида у Хоразм атрофидаги кўчманчи ўғуз қабилалари, Сирдарёнинг қуйи оқимларида жойлашган қипчоқлар билан ҳам курашиб Женд ва Манғишлоқ ярим оролини Хоразмга қўшиб олишга муяссар бўлди. В. В. Бартольднинг таъбири билан айтганда, Отсиз салжуқларга қарам бўлиш билан бир вақтда Хоразмшоҳлар сулоласига асос солади ва кучли мустақил давлатни ташкил қилади.

Отсизнинг ворислари (Ил-Арслон, Ала ад-Дин, Текиш ва бошқалар) салжуқлар, гурийлар, қорахитойлар ва қорахонлар билан бетиним курашиб, XII аср охирлари XIII аср бошларида йирик Хоразмшоҳлар Ануштегинлар империясини ташкил этишга муяссар бўлганлар.

---

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар. 67-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Туркестан. ... Соч. Т. I. С. 390.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар. 391—397-бетлар.



## 2. IX—XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ВА УНГА ТУТАШ МИНТАҚАЛАРДА ЭТНО-МАДАНИЙ ЖАРАЁН

Ҳар бир элат маълум тарихий даврда шаклланган. Шу давр ичида бир ҳудудда яшовчи элатлар ёки уларнинг айрим гуруҳлари бир-бирлари билан доимий иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашадилар. Уларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни кўпинча бир тилда гапирувчи қавм-қариндош, юртдошлар орасида мавжуд бўлган. Этник жараёнга шу ҳудудда қадимдан яшаб келган ёки бошқа вилоят, мамлакатлардан кўчиб келган (мигрантлар) этнослар ёки айрим этник гуруҳлар ҳам фаол қатнашишлари мумкин бўлган.

Этносларнинг ўзаро яқинлашиш жараёнида маълум бир этник гуруҳ ёки компонент етакчи роль ўйнайди; бошқа этник гуруҳлар шу етакчи гуруҳ атрофида бўлиб, у билан тил ва маданият жиҳатидан яқинлашиб, жипслашиб боради. Аммо этносларнинг яқинлашиши, уларнинг жипслашиши ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Мамлакатда содир бўлган сиёсий вазиятлар, ички низолар, ўзаро курашлар этносларни бир-бирлари билан яқинлашиши, жипслашиш (консолидация) жараёнини ниҳоясига етмасдан тарқалиб кетиш ҳоллари ҳам тарихда оз бўлмаган.

Этник жараён ниҳоясига етганда, аниқ бир ҳудудда жойлашган этнослар маълум тараққиёт поғоналарини (иқтисодий ва маданий жиҳатдан яқинлашиш, бирлашиш) ўтиб бир-бирлари билан қоришиб, бир тилда (лаҳжалари билан фарқ қилсалар ҳамки) гаплашувчи, умумий онг сезими ва элат номига (этнонимига) эга бўлиши лозим эди. Сўзсиз, назарий жиҳатдан шундоқ бўлиши шарт. Лекин амалда этник жараёнда шаклланаётган элатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Этник жараённинг барча томонларини (яқинлашиш, жипслашиш ва қоришиб кетиш) ҳисобга олиб, мазкур ишда ўзбек аждодларини этник ва маданий жараёнидаги баъзи масалаларга эътибор бериб ўтиш лозим бўлади.

IX—X асрларда Марказий Осиёда яшовчи аҳолининг аксарий кўпчилиги туркийзабон халқлар бўлган. Уларнинг бир қисми қадим замонлардан буён турғун яшаб келган бўлса, иккинчи қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғулланган.

Туркийзабон аҳоли, юқорида қайд этилганидек,

Марказий Осиёнинг барча шаҳар ва қишлоқларида яшаб деҳқончилик, савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан шуғулланган.

Турғун туркийзабон аҳоли бир неча йўналишда сон жиҳатидан кўпайиб борган: а) табиий кўпайиш (туғилиш) йўли билан; б) бир тилда гапирувчи этник гуруҳларни қўшилиши билан; в) туркийзабон бўлмаган бошқа тил туркумидаги этник гуруҳларни туркийлашиши билан ва бошқалар.

Табиий йўл билан кўпайиш инсон тараққиётининг асосий йўналиши, деса хато бўлмас. Ўғил-қизни уйлантириш, фарзанд кўриш, уни тарбиялаб вояга етказиш, кишилик тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин, инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Инсоннинг шу йўсинда бориши билан қишлоқ, шаҳар ва дашт-чўл аҳолисининг йилдан-йилга асрдан-асрга кўпайиши таъминланган.

Табиий кўпайишнинг хавф-хатарли томонлари ҳам бўлган албатта. Табиий кўпайишнинг энг хавфлиси турли юқумли касалликларнинг мавжудлиги эди. Инсон боласи гўдаклигидан турли касалликларга чалинган, шулардан энг хавфлиси чечак, безгак, бўғма, сариқ, қизамиқ, ичбуруғ бўлган. Бу касалликлардан қанчадан-қанча болалар нобуд бўлиб кетган. Вабо ва тиф касалликлари катта-кичикнинг ёстиғини қуритган. Аҳоли турли усуллар билан бу дардларга қарши курашиб келган бўлсалар ҳамки, лекин уларнинг олдини олишга, даволашга баъзан ожизлик қилиб қолганлар.

Уруш, ички ва ташқи курашлар ҳам инсоннинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатган. Бир давлат ичида мавжуд бўлган вилоятлар, феодал-зодагонлар, қабилалар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, курашлар кўп кишиларни бевақт ўлимга дучор қилган.

Феодализм тузумида бир давлат иккинчи бир давлат билан уруш қилганда ёки босқинчилик қилиб кириб келган кезларда шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинган, кўплаб одамлар қирилган, она-ота болаларидан, болалар эса туғишганларидан ажралиб қолган, кўплаб кишилар қул қилиниб, ўзга юртларга сотилган. Масалан, араблар Хуросонни забт этгач (716—717 йй.) Дихистон туркларидан 14 минг кишини, Журжонда 40 минг кишини қатл этганлар, кўпларини асирга олиб Арабистонга ҳайдаб кетганлар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> История ат-Табари. Ташкент, 1987, С. 165, 170.

Исмоил Сомоний 893/94 йиллар Тароз шаҳрини босиб олганда қарлуқ туркларининг хони Танкасни<sup>1</sup> хотин-бола чақаларини ва улар билан бирга ўн беш минг кишини асирга олади, 10 минг кишини қатл этади<sup>2</sup>. Қорахонларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши (IX аср охири X аср боши) ҳам қурбонсиз бўлмаган, албатта. Бу хил мисоллар тарихда жуда кўп бўлган ва уларнинг барчаси оғир фожеалар билан якунланган.

Ҳокимият учун курашлар ҳам аҳолининг ўсишига путур етказиб келган. Давлатнинг инқирозга учрашига, бўлиниб кетишига сабабчи бўлган. Масалан, Қорахонлар давлатида содир бўлган ички низолар, йирик қабила бошлиқларини ҳокимиятни қўлга олишдаги хатти-ҳаракатлари XI асрнинг биринчи ярмида катта давлатни иккига бўлинишига олиб келди: Фарбий Қорахонлар давлати, маркази Ўзган, кейинчалик Самарқанд бўлиб, Шарқий Қорахонлар давлати, маркази Баласағун бўлган. Бу ички низолар ҳам қурбонсиз бўлмаган, албатта.

Тинч осойишталик кезларида аҳоли ўзини ўнглаб олгач, оила қуриш, бола-чақа қилиб, йўқолганларнинг ўрнини тўлдириб, яна ҳам оила никоҳ орқали кўпайиб борган. Туркий халқлар, хоҳ турғун, хоҳ кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ бўлсин фарзандларининг кўпайишидан манфаатдор бўлганлар. Болажон ўзбек халқи серфарзанд бўлишни оила барқарорлигининг гарови деб билган. Оилада фарзанд қанчалик кўп бўлса, оила шунча мустаҳкам бўлишига, оила манфаатини ҳимоя қилишга қодир эканлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилинган. Оиланинг катта-кичик бўлиши хўжалик фаолиятига ҳам керак эди. Чорваси кўп кўчманчи, ярим кўчманчи оилаларда киши сони қанча кўп бўлса, чорва маҳсулоти унумли бўлиши мум-

---

<sup>1</sup> Масъудий. Мурўдж-Масауди, *Les Prairies dior*. Т. VIII, 1874, S. 144—145. Бошқа маълумотларга қараганда Исмоил Сомоний Тароз шаҳрини олганда қарлуқ давлатининг фарбий қисмини (Шерикхон бўлиб) Билга Кул Қодирхоннинг ўғли Ўғулчак Қодирхон бошқарган. Тароз марказий шаҳри бўлган. Билга кул Қодирхоннинг катта ўғли Базир Арслонхон улуг хоқон бўлиб Баласағунда ўтирган. О. Прицакнинг ёзишига қараганда (Pristak O. *Die Karachaniden*. «Der Islam», 1954, Bd. 31, Hef 1, p. 21, 25) Исмоил Самоний Тарозни олиб Ўғулчак аскарларидан 15 минг кишини ва хотинини асирга олган. Агар шундоқ бўлган тақдирда Танкас ким бўлганлиги номаълум бўлиб қолади. Бу масала жиддий ўрганишни талаб қилади.

<sup>2</sup> Масъудийнинг маълумотларида асирга олинганлар ва қатл қилинганлар қарлуқ туркларидан бўлган. Қаранг: Масъудий. Кўрса-тилган асар, 144—145-бетлар.

кин эди. Ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Демак, буларнинг хўжалигида ҳам оилани серфарзанд бўлиши ўта зарур эди.

Мовароуннаҳрда ва Еттисувда яшовчи туркий халқларнинг кўпчилиги ўз жамоаларидан ташқарига қиз бермаганлар, қиз ҳам олмаганлар. Бошқача қилиб айтганда, буларда эндогамик никоҳ ҳукм сурган. Никоҳнинг бу тури уруғ ва қабилаларнинг ҳамда турғун аҳолини бир-бирлари билан яқинлашиши учун муҳим омил ҳисобланади. Кези келганда нафақат бошқа (қавмқариндош бўлмаган) туркий элатлар билан ҳатто бошқа тилдаги ва диндаги кишилар билан ҳам қудабанд бўлганлар. Туркийзабон аҳолининг айримлари (масалан хўжа, сайид) ўз гуруҳларидан бошқага қиз бермас эдилар, қиз ҳам олмас эдилар. Лекин булардан ҳам баъзан таъқиқ бузилиб турган. Шундай қилиб, никоҳ қудабандлик йўли билан халқлар, элатлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб келганлар. Никоҳ жараёни унча сезиларли туюлмаса-да, аммо таъсирчан кучга эга бўлган; бу жараён орқали кишилар, уруғқабилалар, ҳатто давлатлар ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш, олдини олиш борасида ҳам аҳамияти катта бўлган.

Туркийзабон халқлар қадимдан сўғдийлар билан ёнма-ён яшаб келганлар. Маълумки сўғдий ва туркий халқларнинг талай қисми Мовароуннаҳрда жойлашган эдилар. Сўғдийларнинг айрим гуруҳлари, оилалари (юқорида қайд қилинган эди) IX—X асрларда Шарқий Туркистонда то Хитой деворигача бўлган минтақаларда, Еттисувда, ҳатто Жанубий Сибирда ҳам яшар эдилар. Сўғдийлар бу ерларда VI асрларданоқ (балки олдинроқ) яшаб келганлар.

Сўғдийларнинг илк бор Еттисувга ва Жанубий Сибирь ҳудудига келиб ўрнашганлигини аниқлаш қийин. Тарихий манбаларга кўра VI—VIII асрларда бу минтақаларда сўғдийларнинг айрим ҳудудий жамоалари мавжуд бўлган. Шундоқ бўлган тақдирда улар бу ерларга анча олдин, тижорат йўли билан келиб ўрнашган бўлишлари керак. Буларнинг жамоалари Еттисувда ва Сибирь ерларида мавжудлиги тарихда маълум.

Хитойлик сайёҳ Сюань-Цзянь, Чу ва Талас водийларидан ўтганда (630 й.) бу ерларда яшовчи сўғдиёналиклар жамоаларини учратган. Чу водийсида уларнинг

яшаганликлари руник битикларида ҳам қайд этилган. Битиклардан бирида сўғдиёналиклар «Олти чуб сўгдак» деб ифодаланган<sup>1</sup>.

Сўғдийларнинг айрим гуруҳлари Ордосда ҳам яшаган. VII асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида яшовчи сўғдийларга турк хоқонлари томонидан (уларнинг доимий яшашлари учун) ер ажратилган. Уларнинг қишлоқлари вужудга келади<sup>2</sup>. Ангара дарёсининг чап ўзани — Унга дарёсининг қуйи оқимида (Унгани Ангарага қуйилишига яқин жойда) ҳам сўғдийларнинг ҳудудий жамоаси мавжуд бўлган<sup>3</sup>. 758 й. Селенга дарёсининг Шимолий соҳилида сўғдийликлар хитойликлар билан биргаликда уйғур хони учун Бой-Балиқ шаҳрини қурган эдилар<sup>4</sup>. Шаҳар қурилишида иштирок қилган сўғдийликлар Селенга дарё ёқаларида жойлашиб қолган бўлиши керак<sup>5</sup>.

Сўзсиз, Шарқий Туркистонда, Етгисувда ва Жанубий Сибирда яшаган сўғдийлар сон жиҳатдан туркий этносларга нисбатан жуда оз бўлган, улар асосан шаҳар ва қишлоқларда яшаб тижорат, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг айрим ишбилармонлари турк хоқонларининг саройларида хизматда бўлиб, катта мансабларни эгаллаганлар. Масалан, Мўнғулия ҳудудидаги турк хоқонлигидан бири Дуланнинг (588—599) йиллар энг яқин кишиларидан бири Ань-Суй Цзя номли киши (чиқиб келиши Сўғдиёнадан) бўлган<sup>6</sup>. Шарқий турк хоқони Шибо (609—619) даврида хоқонликда яшовчи сўғдийларни турмуш шароити яна ҳам яхшиланди. Шибо хоқон саройида, унга маслаҳатчи бўлиб Шиши Хуси номли киши ишлаган. Бу шахс хоқоннинг энг ишончли кишиси ҳисобланган. VIII аср бошларида сўғдиёналиклардан бўлган Ань-Янь-Ян Шарқий турк ҳарбий қўшинларининг бош қўмондони бўлган, у турк сулоласига асос солган Аши-

---

<sup>1</sup> Thomsen V. Inscriptions de L'Orkhon, dechiffress pav. V. Thomsen, Helsingfors. 18968 (MSEO V).

<sup>2</sup> Pulleyblank: E. G. Sogdiana colony in inner Mongolia, Toyng Pao, vol. 417 1952. p. 323—324.

<sup>3</sup> Окладников А. П. Новые данные по истории Прибайкалья в тюркское время (согдийская колония на р. Унге.). Тюркологические исследования. М.-Л., 1963, С. 273—291.

<sup>4</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Монголии и Киргизии. М.-Л., 1959, С. 43.

<sup>5</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники. М., 1964, С. 120.

<sup>6</sup> Pulleyblank V. Курсатилган асар, 318-бет.

на авлодларидан бирининг қизига уйланган эди<sup>1</sup>. VIII асрнинг ўрталарида шарқий турк хоқонлиги саройида катта мансабни эгаллаб турган Кан-Ан-Кул тархон ҳам сўғдийлардан бўлган<sup>2</sup>.

Араб ва форсий тилли манбаларда қайд этилишича, туркий халқлар қайси ҳудудда яшамасинлар сўғдийлар ва уларнинг кейинги авлодларидан бири тожиклар ҳам ўша ерларда яшаб келганлар. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ўз даврида кенг тарқалган куйидаги халқ мақолини келтиради: «Тотсиз (сўғдийсиз — К. Ш.) турк бўлмас, бошсиз бўрк (қалпоқ — К. Ш.) бўлмас<sup>3</sup>». Бошқача қилиб айтганда, Бош бўрксиз бўлмагандек, турк ҳам сўғдийсиз бўлмаган.

Туркий аҳоли билан шаҳар ва қишлоқларда бирга яшаган сўғдийлар (Сўғдаклар) турк ва сўғд тилини баравар билганлар. Маҳмуд Қошғарий ёзган эди: «Баласағунликлар сўғдча ва туркча сўзлайдилар. Тароз ва Мадантулбайза (Сайрамнинг иккинчи номи — К. Ш.) шаҳарларининг халқлари ҳам сўғдча, ҳам туркча сўзлайдилар»<sup>4</sup>.

Сўғдийликларнинг айрим гуруҳлари туркий халқлар билан кўп йиллар ёнма-ён (баъзан аралаш) яшаб, кейинчалик ўз тилларини унутиб, туркий тилда сўзлаганлар. Бу жараён билан туркийлашиш жараёни ҳам туркийзабон аҳолини сон жиҳатидан бир мунча кўпайишида маълум ҳисса кўшилган. Ўз навбатида туркий тилли этносларнинг айрим гуруҳлари сўғд тилини яхши ўзлаштириб олганлар. Масалан, Еттисувда яшовчи сўғдак, канжак ва аргулар ҳар икки тил (сўғд ва туркий)да баробар гаплашганлар<sup>5</sup>. Икки тилда туркий ва сўғд, кейинчалик тожик тилида сўзловчи аҳоли Мовароуннахрнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам оз бўлмаган, албатта.

---

<sup>1</sup> Кляшторный С. Г. Кўрсатилган асар, 121-бет.

<sup>2</sup> Хитой тилида сўғд ҳудудидан келганларнинг номларини олдида берилган атамалар, бу шахслар қаердан, қайси вилоятдан эканлиги ифодаланган. Масалан, Ань—Бухоро, Кан — Самарқанд. Демак, юқорида эслатилган Ань-Суй-Цзя ва Ан-Янь-Ян (ёки уларнинг аждодлари) Бухородан бўлган. Кан-Аль-Кул-ни юрти (ёки унинг ота юрти) Самарқанд сўғддан бўлган. Ань, Кан атамаларининг талқини ҳақида қаранг: Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древнейшие времена. Т. III, С. 161, 164, 165.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 33-бет.

<sup>4</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 66-бет.

<sup>5</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 65-бет.

Туркий, сўғд ва тожик гуруҳларининг ҳар икки тилда гапириши, уларнинг асрлар давомида бир ҳудудда яшаб, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни узлуксиз равишида давом этиб келиши натижасида вужудга келган. Шуни ҳам уқдириб ўтиш жоизки, бу ҳар иккала халқ (ўзбек ва тожик) қайси давлат, элат ва қабила уюшмаларининг ҳудудида бўлмасинлар, улар доимо иноқ яшаб келганлар, улар ўртасида қирғин уруш деярли бўлмаган. Юз берган воқеалар, масалан, Исмоил ибн Аҳмад Сомонийнинг 893 йили турклар устига юриши ва Тароз шаҳрини олиши, туркларнинг Сомонийлар давлати chegarасига вақти-вақти билан ҳужум қилиб турганлиги халқлар ўртасидаги келишмовчиликдан эмас, феодал давлатларнинг ва элатларнинг ўзаро келишмовчилигидан, давлат мавқеини кўтариб, уни мустақкамлаш сиёсатидан келиб чиққан. Авом халқ эса доимо бир-бирлари билан иноқ, ҳамдард бўлиб, ташқи босқинчиларга қарши курашларда иттифоқ бўлиб келганлар.

Араб истилосидан кейин, Марказий Осиёнинг қишлоқ ва шаҳарларига келиб ўрнашган арабларнинг талай қисми турғун яшаб қолган. Уларни айрим гуруҳлари Самарқанд вилоятининг қишлоқларида ва Бухоро воҳасида, Қашқадарёда яшаган. Илк бор келиб қолган араблар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўз тилларини йўқотиб, турклашиб қолганлар, уларнинг айрим гуруҳлари (тожиклар муҳитида яшаганлари) тожик тилини қабул қилганлар.

Нуфузли халқнинг сон жиҳатидан кам бўлгани иккинчи халққа таъсири кучли бўлса керак. Хоразм аҳолисининг ўз тили — Хоразм тилидан турк тилига ўтишига, воҳа атрофида VIII—X асрлар давомида яшаган туркийзабон этносларнинг (бижанак, печенег), ўғуз-туркман ва бошқ. таъсири катта бўлган. Бу жараёни, масалан, туркийзабон печенегларни Хоразмда яшовчи Шарқий Эрон диалектларидан бирида сўзлаган аланларнинг турклашиш жараёнини Беруний ўз асарида қайд этганлигини юқорида айтиб ўтган эдик.

Туркий тилли этносларнинг ҳам айрим гуруҳлари бошқа тилдаги ва маданиятдаги этнослар таркибига кириб, маълум вақт ўтиши билан шу этноснинг тилини, маданиятини қабул қилиб узоқ вақтларгача уларнинг таркибида алоҳида этник гуруҳ бўлиб қолиши ёки батамом қатнашиб, унга сингиб кетиши мумкин. Мисол тариқасида Афғонистон заминига бориб ўрна-

шиб қолган халажларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя (бу ҳақда олдинроқ гапирилган эди).

Марказий Осиё ҳудудларида яшовчи кўчманчи қабилаларда ҳам этник жараён бир мунча чуқурлашиб қолган эди. IX—X асрларда чорвадор кўчманчиларнинг қабилавий тузумида, турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Кўчманчи этносларда турғун ҳаёт кечирришга интилиш кучаяди. Бу жараён ўз навбатида кўчманчиларнинг табақаланишини жадаллаштиради; олдинги қабила уюшмалари ва қабила иттифоқлари бузилади.

Еттисувда яшовчи йирик қабилалар ва қабила иттифоқларининг (қарлуқ, чигил, арғу, тухси, туркеш ва бошқ.) иқтисодий тангликка учраган гуруҳлари қабила таркибидан чиқиб қишлоқ ва шаҳарларда турғун ҳаёт кечира бошлайдилар; уларнинг бошқа бир қисми ярим кўчманчиликда қолиб, булар чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Кўчманчиларнинг айрим гуруҳлари ярим ўтроқликка ўтиб булар кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланганлар: шу билан бирга улар чорвачиликни ҳам (унча кўп миқдорда бўлмаса-да) давом этганлар. Сўзсиз, кўчманчи қабилаларнинг хўжалигида юз берган бу ўзгаришлар феодализмни тобора тараққий этиб бориши билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бу йўсиндаги тараққиёт йиллар ўтиши билан қабила уюшмаларининг емирилишига ва янги қабила иттифоқларининг давлатнинг вужудга келишига олиб келади.

Кўчманчи қабилаларнинг катта қисми Еттисувда, Сирдарё бўйларида, Орол денгизи чўлларида, Шарқий Туркистонда ва Фарғона водийсининг шимолий туманларида жойлашган эди. Бу ҳудудларда яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг кўпчилик қисмини қарлуқлар ва уларга қардош чигил қабилалари ташкил қилганлиги ҳақида юқорида гапирган эдик.

Қарлуқ ва чигилларнинг катта гуруҳи VIII асрнинг охири ва IX аср бошларида ўтроқлаша бошлаган эди. Буларнинг йирик бир гуруҳи VIII асрда Зарафшон воҳасида яшаб, кейинчалик шу ерда ўтроқлашиб қолган. VI—VII асрлардан буён Фарғонада яшаб келаётган қарлуқларнинг кўпчилиги ҳам кейинчалик ўтроқлаша бошлайди. Аммо буларнинг сони Шарқий Туркистондан ва Еттисувдан келиб турган қардошлари билан тобора кўпайиб борган. Тарихий манбаларда қарлуқларнинг



Фарғонада то XVI асрнинг бошларигача яшаганликлари ҳақида маълумотлар бор<sup>1</sup>. Шубҳасиз қарлуқлар VI асрдан то XVI асргача бўлган катта давр ичида Фарғонада ўтроқлашиб, ерли халқлар билан аралашиб кетганлар ва ўзларининг этник номларини йўқотганлар.

Еттисувда яшовчи қарлуқларнинг қабилавий тузумида ва ҳўжалигида ҳам кескин ўзгаришлар юз берган. VIII аср охири IX аср бошларидаёқ қарлуқ қабила иттифоқи емирилиб унинг таркибидаги қабилалар (чигил, халаж, лабан ва бошқ.) алоҳида этник гуруҳлар бўлиб қарлуқлар ҳукмронлиги остида яшаганлар. Қарлуқ, чигил ва бошқа қардош қабилаларнинг катта қисми ўтроқлашиб деҳқончилик билан, шаҳарда яшовчилари эса ҳунармандчилик, савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг бир қанчалари IX—X асрларда кўчманчи ва ярим кўчманчилар бўлиб чорвачилик, овчилик билан кун кечириб келганлар. Қарлуқлар ҳаётининг барча томонларини ҳисобга олган нодир асар «Худуд ал-олам» муаллифи «қарлуқлар кўп сонли, нуфузли халқ бўлиб бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланган»<sup>2</sup>, — деб ёзган эди. Қарлуқларнинг яшаган ҳудудларида 20 га яқин катта шаҳар, жуда кўп қишлоқлар мавжуд бўлган.

Қарлуқ қабиласи таркибига Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи бир қанча бошқа қабилалар ҳам кирган, албатта. Масалан, яғмоларнинг 15 уруғи<sup>3</sup> қарлуқларга келиб қўшилган. Булардан ташқари қарлуқлар таркибига Еттисувда, қарлуқлардан анча олдин яшаб келган нушиби, аргу, тухси, туркеш, сариқ ва бошқа қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак. Ауфи қарлуқ тўққиз бўғиндан (қабиладан) иборат бўлганлигини уқдириб ўтган эди<sup>4</sup>. Булардан фақат чигиллар номи-

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабурнаме. Русский перевод М. Салье. Ташкент, 1958, С. 128.

<sup>2</sup> «Худуд ал-олам», 3—18а-бетлари.

<sup>3</sup> «Худуд ал-олам» муаллифи «айрим кишиларнинг айтишига кўра яғмоларда 1,700 номдор қабилалар мавжуд бўлган» деган ахбороти ишончли эмас. Яғмо қабиласи иттифоқи ҳар қанча йирик бўлмасин, унинг таркибида 1700 қабила, ҳатто уруғнинг бўлишига ақл бовар қилмайди.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I, СПб 1898, С. 100.

ни аниқ ўқиш мумкин. Ауфи келтирган этнонимлардан бири тухсин ўқилади; тухси қабиласининг номи бўлиши мумкин. Агар шундоқ бўлган тақдирда, ғарбий турк хоқонлигининг йирик қабилаларидан бири— тухсиларнинг қарлуқлар таркибига ҳам кирган, десак хато бўлмас.

Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари қабилadoшларидан ажралиб бошқа ҳудудларга бориб, ўзга элатларнинг таркибига кирган. Масъудий (IX аср охири X аср ўрталари) Орол денгизи яқинидаги чўлларда яшовчи ўғузлар билан бир қаторда қарлуқларни ҳам тилга олади<sup>1</sup>. Маҳмуд Қошғарий (XI аср) «қарлуқ туркманлари»<sup>2</sup> деб Масъудий эслатган ўғузлар таркибидаги қарлуқларни кўзда тутган бўлиши керак. Чунки туркманлар ҳам ўғузлар ичидаги йирик этник компонентлардан бири бўлган. Бошқа бир ерда Маҳмуд Қошғарий «қарлуқ туркманларининг бир гуруҳи. Улар кўчманчи бўлиб, ўғузлардан бошқа, улар ҳам туркмандир»<sup>3</sup> деб таъкидлайди. Бу матнда олим, қарлуқларни аслида ўғузлардан бўлмаганлигини, улар туркманларга қўшилиб, туркманлашиб кетганлигини таъкидлаб ўтади. Туркманлар таркибига кириб қолган қарлуқлар XX аср бошларигача ўз этник номларини сақлаб қолганлар<sup>4</sup>.

Қарлуқ ва чигилларнинг айрим гуруҳлари ўғуз-салжуклар билан ғарбга силжиб Кичик Осиёга бориб, кейинчалик турк халқининг таркибига кириб, уларга қоришиб кетган. Бу этносларнинг Туркия заминида бўлганлиги, ҳозиргача сақланиб қолган қарлуқ ва чигил этнотопонимлари далил бўла олади<sup>5</sup>.

Қарлуқлар давлати таркибидаги этнослар бир ҳудудда қарийб икки аср давомида ёнма-ён, баъзан (шаҳар ва қишлоқларда) аралаш ҳолда яшаб келганликлари туйфайли уларнинг тилида ва маданиятида умумийлик ҳосил бўлган.

Н. А. Баскаков, қарлуқлар гуруҳидаги туркий тилларни икки қисмга бўлади: биринчисини қарлуқ-уйғур тиллари гуруҳи деб атайди<sup>6</sup>, деган эдик юқорида. Бун-

<sup>1</sup> МИТТ, Т. I, С. 166.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд, 173-бет.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд, 439-бет.

<sup>4</sup> Джикиев А. Очерки прохождения туркменского народа в эпоху средневековья. Ашхабад, 1991, С. 298—299.

<sup>5</sup> Еремеев Д. Е. Этнография турок. М. 1971. С. 94.

<sup>6</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки, М. 1961. С. 170—177.

дан, уйғур тили қарлуқ тили билан бир қаторда қўшни лаҳжаларни ўз атрофига тўплаб олган ва ўзбек элатининг тилини шаклланишига асос бўлган тиллардан бири, деган хулоса келиб чиқади, албатта. Ундай бўлганда, уйғурлар узоқ асрлар давомида Фарғонада, Еттисувда яшаган бўлишлари керак эди.

Сўзсиз, уйғурларнинг унча йирик бўлмаган айрим гуруҳлари турк хоқонлари давридаёқ Фарғонада, Мовароуннахрнинг айрим вилоятларида ва Еттисувда яшаган бўлишлари мумкин. Уйғурларни будда динидаги айрим гуруҳлари IX асрда Хитойдан ва Мўғулистондан (у ерларда юз берган сиёсий вазиятлардан чўчиб) келиб Чу водийсидаги шаҳарларда (будда ибодатхонаси бор Сариф, Жул ва бошқа шаҳарларда) яшаганлар<sup>1</sup>. Лекин бу айрим уйғур этник гуруҳлари қарлуқ давлати ҳудудидаги аҳоли тилига кучли таъсир кўрсата олмаган бўлиши керак.

Шарқшунос олим В. В. Радлов, ҳеч қандай далилсиз уйғурлар VIII—IX асрларда Фарғонада яшаган, дейди. Шу асрлар давомида уларни бу ҳудудда бўлганликларини тасдиқловчи аниқ маълумотга эга эмасмиз. Кейинги асрларда ҳам улар бу ерларда яшамаганлар, чунки тарихий манбаларда қайд этилишича, шу асрларда Мовароуннахр аҳолиси, жумладан Фарғона водийсида Ислам динини деярли қабул қилиб бўлган эдилар. Уйғурлар эса бу асрларда Шарқий Туркистонда, Турфон, Тарим дарё водийларида, шимолий Хитой ҳудудларида яшаб Мони (манихей), будда (бурхонлик) динига эътиқод қилар эдилар. Бу динларда бўлган кишиларнинг Фарғонада, мусулмонлар орасида яшашига ақл бовар қилмайди.

Эҳтимол, уйғурларни VIII—IX асрларда Фарғонада яшаган, деган фикрни олдинга сурган олим Яғмо қабиласини уйғур, деб тушунган бўлиши мумкин. Аввало, шуни уқдириб ўтиш лозимки, яғмолар аслида уйғур эканлиги ҳали фанда исботланмаган. Яғмо ва уйғур қабилалари бир вақтда теле этноси таркибида бўлган. Аммо теле таркибидаги барча қабилаларни уйғур деб айтишга асос йўқ.

Маҳмуд Қошғарий Яғмо тилини уйғур тилидан кўра кўпроқ тухси, ўғуз тиллари билан бир қаторда эслаб

---

<sup>1</sup> Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шана и Помира-Алая. МИА СССР, № 26, 150, 151.

ўтади: «Тилларнинг енгили ўғузча<sup>1</sup>, энг тўғриси, яхшиси яғмо, тухси қабилаларининг тили...»<sup>2</sup> деб ёзган эди. Маҳмуд Қошғарий бундан яғмо тили Сирдарё соҳилларида ва Ила-Чу оралиғида яшовчи арғулар тилига яқинлигини аниқ қайд қилган.

Яғмоларни бир қисми IX—X асрда Қошғар вилоятида, Фарғонанинг шимолидаги тоғли ҳудудларда қарлуқлар билан бирга яшаган. Яғмоларни ҳам Фарғонанинг ичкари районларида (водийда) жойлашганлигини тасдиқловчи аниқ далилларга эга эмасмиз.

Биз уйғур ва бошқа қўшни туркий халқларни, қабилла иттифоқларининг тилини Хоразмда, Мовароуннаҳрда ва Еттисувда яшовчи туркийзабон этнослар тилига мулақо таъсири бўлмаган, демоқчи эмасмиз. Бундай дейиш ноўрин бўларди, албатта. Чунки қўшни яшаган қабилалар, элатлар, хусусан қарлуқ ва уйғурлар асрлар давомида бир-бирлари билан доимий алоқада бўлиб келганлар. Кўп асрлар давом этган ўзаро муносабатлар натижасида бир қабиланинг тили иккинчи бир ёки бир неча қабилаларнинг тилига таъсир қилмасдан қолмаган. Маълумки, VIII аср ўрталарида Хангай ва Таннуола тоғ этакларида яшовчи қарлуқлар уйғур хони Пейло томонидан тобе этилган эди<sup>3</sup>. Шундан сўнг қарлуқларнинг бу гуруҳи бир неча йиллар давомида Уйғур қоғанати ҳудудида яшаб қолган. Шуни ҳам уқдириб ўтиш жоизки, қарлуқ ва уйғурларнинг илк аجدодлари Иртиш бўйларида, Олтойда ҳам қўшни бўлиб яшаб келганлар<sup>4</sup>, шунинг учун уларнинг тиллари бир-бирига яқин бўлган.

VIII аср ўрталарида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида уйғур хоқонлиги, шу асрнинг 60-йилларида Еттисувда қарлуқ этник уюшмаси таркиб топиб, бу ҳар иккала этноснинг тиллари мустақил тараққий эта бошлайди. IX—X асрларда Еттисувда, Фарғонада, Мовароуннаҳрнинг айрим вилоятларида (масалан, Тохаристонда) жойлашган барча туркийзабон аҳолига қарлуқлар етакчилик қилган бўлсалар, Мўғулистонда, кейинчалик (840 й. кейин) Шарқий Туркистон-

<sup>1</sup> Ўғуз деб, бу ўринда Маҳмуд Қошғарий Сирдарё соҳилларида яшовчи ўғуз элатини кўзда тутган; буларни тўғуз-ўғузлар билан чалкаштириб, бир халқ деб тушунилса, хатога йўл қўйилган бўлади.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Қўрсатилган асар, 1-жилд, 66-бет.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Қўрсатилган асар. 1-жилд, 347-бет.

<sup>4</sup> Потапов Л. П. Очерки истории алтайцев, М-Л., 1958. С. 81.

нинг катта қисмида, Шимолий Хитойда яшовчи туркийзабон этнослари орасига уйғур қабилалари етакчилик қилиб келган. Вақт ўтиши билан қарлуқлар яшаётган ҳудудда қарлуқ тили кўпчилик қабилалар тилига таъсир қилиб, бу тил кейинги авлодларнинг элат тили бўлиб келган. Шарқий Туркистонда, Шимолий Хитой минтақаларида жойлашган уйғурлар тили шу ҳудудларда яшовчи туркий халқларнинг жонли ва адабий тили бўлган.

Бошқа-бошқа этник муҳитда яшаганлари туфайли қарлуқ ва уйғурларнинг қадимги тилларида ўзгаришлар рўй берган, албатта. Буларнинг тили илк, қабилавий тиллардан фонетик, лексик ва грамматик жиҳатидан фарқ қила бошлайди. Аммо шунга қарамадан қадимги қарлуқ ва уйғур тилларининг асоси, уларнинг бир-бирларига яқинлиги IX—X асрларда ҳамда ундан кейинги асрларда ҳам сақланиб қолган.

Шундай қилиб, IX—X асрларда Еттисувда, Тошкент воҳасида, Мовароуннаҳрда турғун яшовчи туркийзабон аҳоли, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ қавмлар учун қарлуқ тили умумий бир тил бўлиб қолган.

Тилнинг бу ўзгарган формасига ўтишда чигилларнинг ҳам роли катта бўлган. Қарлуқ-чигил тили бу қабилалар билан ёнма-ён ва аралаш яшаган бошқа туркий қабилаларнинг ва турғун яшовчи туркий аҳолининг диалектларини бирлаштиришда асос бўлган, албатта.

Сўғд ва тожик сўзлари қарлуқ-чигил тилига бошқа туркий қабилалар тилига нисбатан олдинроқ кирган. Чунки бу этнослар (қарлуқ, чигил) кўп асрлар давомида тожик аждодлари ва тожиклар билан кўшни, баъзан бир ҳудудда аралашиб ҳам яшаб келганлар. Туркий ва сўғд, тожик тилларининг бир-бирларига таъсири натижасида бу даврлардаги (IX—X асрлар) қарлуқ-чигил тили ўзининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари билан эски турк тилидан (Ўрхун-Енисей тош битиги тилидан) бир мунча фарқ қилиши керак эди. Қарлуқлар Сирдарёнинг қуйи оқимида яшовчи ўғуз, қипчоқ гуруҳлари билан ҳам яқин муносабатда бўлганлар. Қарлуқ-ўғуз-қипчоқ диалектлари асосида кейинчалик (XII асрда) қарлуқ-хоразм ёки ўғуз-қипчоқ адабий тили пайдо бўлади<sup>1</sup> деган фикр ҳақиқатга яқин бўлса керак.

<sup>1</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки, С. 177.

Юқорида келтирилган далил ва мулоҳазаларга асосланиб IX—X асрларда Марказий Осиёда яшовчи турғун аҳоли билан кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ўзаро алоқалари қатъийлашиб қолган эди, десак хато бўлмас. Бу алоқалар натижасида чорвадор аҳолининг катта қисми ўтроқлашиб, воҳалардаги турғун аҳолининг сон жиҳатдан яна ҳам кўпайишига олиб келади. Шу асрларда қабилаларнинг ҳам бир-бирлари билан яқинлашиш, араллашиш жараёни кучаяди. Олдинлари мавжуд бўлган қабила ва қабила иттифоқлари бузилиб янги қабила уюшмалари вужудга келади. Бу янги қабила уюшмаларига етакчи қабилалардан ташқари, бир қанча бошқа уруғлар, қабилалар ёки қабила парчалари қўшилади. Бошқача қилиб айтганда етакчилик қилиб келаётган қабила таркибига олдинлари қавм-қариндошчилик алоқасида бўлмаган этник гуруҳлар ҳам кириши мумкин бўлган.

Юқорида биз Марказий Осиё ҳудудида, хусусан Қарлуқ давлати ичидаги аҳолининг кўпчилиги учун қарлуқ-чигил тили умумий (асосий) тил бўлиб қолган дедик. Бу тилда қарлуқларга қондош бўлган қабилалардан ташқари, шу давлат таркибидаги бир қанча бошқа қабилалар ва ўтроқ аҳоли ҳам сўзлашган. Бу тил Мовароуннаҳрда турғун туркийзабон аҳоли орасида ҳам кенг ёйилган, албатта.

Айни бир вақтда қабилавий ва ҳудудий лаҳжалар ҳам мавжуд бўлган. Маҳмуд Қошғарий «қай, ёбаку, басмил, тотор қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани яхши биладилар...»<sup>1</sup> деб ёзган эди. Демак, тилшунос олимимизнинг айтганларига асосланадиган бўлсак, юқорида тилга олинган қабилалар туркийзабон этнослар бўлган, уларнинг ҳар бири ўз қабила лаҳжаларига эга бўлган, бундан ташқари улар умумтурк тилини ҳам ўзлаштирган, деган маъно келиб чиқади.

Уйғурлар ҳақида гап кетганда «уларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа тиллари ҳам бор» деб таъкидлаган эди, Маҳмуд Қошғарий<sup>2</sup>. Демак уйғурларда ҳам, умум уйғур тилидан ташқари қабилавий ва ҳудудий лаҳжалар мавжуд бўлган.

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 65-бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 65-бет.

Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотларидан воҳалардан ташқарида яшовчи аҳолининг тилида ўзгариш камдан-кам бўлган. «Энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар (тожиклар — К. Ш.) билан аралашмайдиган ва шаҳарга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир»<sup>1</sup>, — деб ёзади олим.

Олимнинг фикрича, фақат воҳалардан узоқда, чўлларда яшовчи чорвадор қабилаларнинг тилида ўзга сўзлар (сўғд-тожик, араб ва бошқа) аралашмаган бўлиши мумкин. Воҳаларда ва қишлоқларда яшовчи барча этносларнинг тилида ўзгариш катта бўлган.

IX—X асрларда Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг маданиятида ҳам катта ўзгариш юз берган эди. Бир аср ичида вужудга келган давлатларда (Қарлук, Ўғуз, Сомоний давлатларида) яшовчи халқларнинг маданий даражаси ривожланиб борган. Бу эса ўз навбатида бир ҳудудда яшовчи аҳолининг онг сезимини ошиб боришига, уларнинг элат бўлиб шаклланишини ва бу жараёни, айрим ҳудудларда, охирлашиб боришини тезлаштирган.

Шу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида яшовчи аҳоли маданиятининг юксаклиги манбаларда ва тарихий, археологик, илмий-тадқиқот адабиётларида кенг ёритилган. Шунинг учун ҳам бу ўлкаларда ривожланган маданият соҳаларига тўхтаб, уларни ёритишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Мазкур ишда, асосан Мовароуннаҳрда ва Хоразмда тараққий этган маданиятнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига бўлган таъсир доирасини аниқлаш, уларнинг маданий даражаси ўсиб, ўтроқ аҳолининг тараққий этган маданиятига яқинлашиб бориши ва ниҳоят ҳар иккала этник компонентларнинг турғун туркийзабон аҳоли ва кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ чорвадорларни бирлашиши туфайли элат бўлиб шаклланиш жараёнини тезлашиши ва бошқа масалалар ёритилади.

Маълумки, илк ўрта асрнинг охирларида Мовароуннаҳрда ва Хоразмда шаҳар ва қишлоқ маданияти олдинги асрларга нисбатан бирмунча тараққий этган.

Воҳа атрофларидаги чўлларда яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларга турғун аҳолининг таъсири маданий жиҳатдан кучли бўлган. Турғун аҳолининг таъ-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

сири натижасида IX—X асрларда чорвадор қабилаларнинг салмоқли қисми ўтроқлашган эди.

Шаҳар аҳолисининг таъсири билан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолида ҳам илм фанга интилиш иштиёқи туйғулади; юқори табақадаги оилаларда ўғилларни ўқитиш, саводли қилиш туйғуси кучайган эди.

Мовароуннаҳр ва Хоразм турғун аҳолининг маданий таъсири Сирдарё соҳилларида, Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий аҳолига ҳам сезиларли даражада бўлган. Буларнинг таъсирида Сирдарё соҳилларидан Еттисувда, Шарқий Туркистонда яшовчи аҳолини салмоқли қисми ўтроқлашган. Ислом динини қабул қилган, маданий тараққиётга эришган бўлган.

VIII—IX асрлар давомида Хоразм ва Мовароуннаҳр ўлкаларида Ислом дини доимий қарор топади. Худудларда ислом динига эътиқод кучайиб масчит ва мадрасалар қурилган, дин пешволари кўпайган. Ёшлар Ислом дини руҳида тарбияланган. Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари Урта Осиёнинг Ислом динининг йирик марказларига айланган.

Сомонийлар даврида (IX—X) ислом дини Сирдарё соҳилларига ва унинг шимолидаги вилоятларга кенг тарқалади. IX асрнинг биринчи ярмида Тошкент ва Тошкент вилояти аҳолиси Ислом динини қабул қилади<sup>1</sup>; шу асрнинг иккинчи ярми — X асрнинг бошларида бу дин Исфижоб вилоятига ҳам тарқалади. X асрнинг биринчи ярмида Сомонийлар хизматида бўлган Қоратегин номли киши Исфижоб шаҳрида жоме масчит қурдиради; шу аср давомида жоме масчит — Талас (Тараз) ва бир қанча бошқа шаҳарларда ҳам қурилади ва Ислом дини Исфижоб вилоятида мутлоқ ўрнашиб қолади.

Ислом дини кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли орасида ҳам кенг тарқалади. Мовароуннаҳр ва Хоразм ўлкаларида, уларнинг атрофларида яшовчи чорвадор қабилалар турғун аҳоли билан деярли бир вақтда мусулмон динига ўтган эдилар. Сирдарё соҳилида ва унинг шимолидаги минтақаларда яшовчи кўчманчи қабилалар эса IX—X асрлар давомида ислом динини қабул қилганлар.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон аҳоли қадимдан мавжуд бўлиб келган Кўк-Тангри (осмон худоси) ва шомонлик динига эътиқод қилиб келар эди-

---

<sup>1</sup> Emel Esin, *Islamiyetten onceki turk kultur tarihi va islama giris*. Istanbul 1978, 157-b.



лар. Уларнинг онгида ўрнашиб қолган қадимий диний эътиқодлардан воз кечиб ислом динини қабул қилиши осон бўлмаган, албатта. Шунга қарамасдан, мусулмон динига ўтган теварак атрофдаги ўтроқ аҳоли таъсирида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар ҳам ўтроқлаша бошлайдилар.

Ибн Ҳавқалнинг ахборотларидан маълумки, Фароқ, Кенжида<sup>1</sup> ва Шош ўрталарида ўтлоқ яйловлар бўлиб, унда ислом динини қабул қилган минг нафар турк оиласи яшаган<sup>2</sup>. Шошдан ғарбда, Сирдарё соҳилларидаги шаҳарлардан бири Суткентда ислом динини қабул қилган ғуз ва қарлуқлар турганлар. Бу шаҳарда масчит ҳам мавжуд бўлган. Сўзсиз ўғуз ва қарлуқлар қабилаларидан шаҳарга келиб, бозор қилиб, жума номозини ўқиб кетганлар. Тарихчи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, 960 йили 2000 уйли турклар мусулмон динини қабул қилган<sup>3</sup>. Келтирилган далиллар IX—X асрларда Исфижоб вилоятида ва Талас соҳилларида ислом динининг тўла қарор топганлигини исботлайди. Истахрий бу фикрни исботлагандек бўлиб, Фаробдан шарқда, то Исфижобгача бўлган ҳудудлар мусулмон дунёсига қарашли эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

IX—X асрларда ислом дини нафақат Исфижоб вилоятида, Талас дарёсининг шимолидаги ҳудудларга, Чу водийсига ҳам кириб борган эди. Бу ҳудудларда яшовчи қарлуқ, халач, чигил, арғу ва бошқа қабилаларнинг ҳам маълум қисми ислом динига ўтган эдилар. Чу водийсидаги қарлуқ шаҳарлари — Марки ва Кулонда X асрда масчит мавжуд бўлган<sup>5</sup>. Демак, бу рай-

---

<sup>1</sup> Фароб ҳақида юқорида гапирилган эди. Кенжида Арис дарёсининг қуйи оқимларидаги вилоят.

<sup>2</sup> МИТТ, Т. I, С. 148.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I, СПб, 1898, С. 145.

<sup>4</sup> МИТТ, Т. I, С. 167. Маълумки Сирдарёнинг ўнг соҳилида (Исфижоб вилояти ҳудудида) Фароб шаҳри бўлган. Истахрий тилга олган Фароб бошқа ерда, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳар бўлиши керак.

<sup>5</sup> Муқаддасий, BGA III, 275-бет. Маркидаги масчит самонийларнинг ҳарбий гвардиячиларидан бўлган Фаик номли киши томонидан, X аср охирида қурилган. Масчит билан бир вақтда Фаик Маркида ҳашаматли работ ҳам қурдирган. Фаик испаниялик бўлиб, самонийларнинг қули ҳисобланган. У ўзининг ақл-заковати билан катта обрў-эътиборга ва мансабга эришган. Ислом динини қабул қилган; 999 й. вафот қилган. Қаранг. Бартольд В. В. История культуры новой жизни Туркестана. Соч. Т. II. ч. I, С. 242.

онларда яшовчи қарлуқлар X асрнинг иккинчи ярмида (балки олдинроқ) ислом динини қабул қилган. Шу асрларда Иссиққўл соҳилларига олиб борадиган катта тижорат йўлида жойлашган шаҳарларда, жумладан, Сўёб, Баласағун ва бошқа шаҳарларда Мовароунаҳрдан кўчиб бориб ўрнашиб қолган, мусулмон динини аллақачон қабул қилган сўғдийлар яшаган бўлсалар ҳамки, лекин бу минтақаларда жойлашган туркийлар ҳали ислом динига батамом ўтмаган эдилар. Кўчманчи қабила-лар орасида қадимий диний эътиқодлар (кўк тангри, шаманлик) кучли эди. Бу диний эътиқодларнинг излари қабилаларда, ислом динига ўтгандан кейин ҳам сақланиб қолган эди.

Қарлуқ давлати ҳудудида яшовчи аҳолининг орасида мони (манихейлик) ва будда динига эътиқод қилувчи этнослар ҳам мавжуд бўлган. Будда дини туркий халқларга IV—V асрлардаёқ кириб борган. VI асрнинг иккинчи ярмида айрим турк хоқонлари бу динни қабул қилган эдилар<sup>1</sup>. Чу водийсидаги бир неча шаҳарларда, жумладан Сўёб, Баласағун, Суқулуқ, Сариф, Жулда будда ибодатхоналари мавжуд бўлганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди<sup>2</sup>. VII—VIII асрларда Тохаристонда, Ҳиндистоннинг шимолий минтақаларида, жумладан Кашмир вилоятида яшовчи қарлуқлар будда динига ўтганлар. Туркларга монийлик дини ҳам маълум эди. Бу диний эътиқодни 762/53 йили уйғур ва басмил қабилалари қабул қилган<sup>3</sup>. Монийлик дини Шарқий Туркистонга ва Етгисув вилоятларига ҳам тарқалади. VIII асрда турк хоқонларининг баъзилари манихейлик динига ўтадилар<sup>4</sup>.

Қарлуқлар давлати таркибидаги айрим этник гуруҳлар христиан динида (нестрианлик мазҳабида) бўлган. Лекин бу ва юқорида тилга олинган будда ҳамда манихейлик динлари Фарбий Турк хоқонлигида унча ривож топмаган. Ислом дини кириб келиши билан бу диний эътиқодларнинг таъсир доираси пасайиб, кейинчалик уларнинг айримлари (будда, христианлик) турклар дунёсидан бутунлай чиқади. Монийлик эътиқоди бир неча асрлар давомида (айниқса уйғурларда) сақланиб қолган эди.

<sup>1</sup> Emel Esin. Кўрсатилган асар. 127—129-бетлар.

<sup>2</sup> МИА, № 4. С. 21, 22, 25, 29 ва бошқ.; МИА № 26, С. 150.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Соч. т. II, Ч. I, С. 244; Emil Esin, Кўрсатилган асар, 129—134-бет.

<sup>4</sup> Emil Esin. Кўрсатилган асар, 133-бет.

Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида Еттисувда, хусусан Торим водийсида IX—X аср ўрталаригача ўтган давр ичида ислом дини қатъий ўрнашиб қолади. Ислом дини билан бир вақтда туркий халқлар онгида (хусусан уларнинг кўчманчилар ва ярим кўчманчи қисмида) қадим даврларданоқ эътиқод қилиб келлаётган кўк тангри дини, шомонлик излари узоқ йиллар давомида сақланиб қолган.

Юқорида қайд этилганидек, Сирдарё соҳилларида ўғузлар, Еттисувда ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида қарлуқлар, чигил, халач, яғмо, тухси ва бошқа қабилалар яшаганлар. Буларнинг салмоқли қисмини кўчманчи қабилалар ташкил қилган. IX—X асрларда Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбида жойлашган кўчманчи қабилаларнинг талай қисми турғунликка ўтиб қишлоқ ва шаҳарларда, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Уларнинг иккинчи бир қисми ўтроқ ва ярим ўтроқликда кун кечиришни давом эттириб келган.

Кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳолининг турғунликка ўтиш жараёни кўпайиб бориши билан Еттисувда, Сирдарё бўйларида, Фарғонанинг шимолида, Қашғар вилоятида янги қишлоқ ва шаҳарлар вужудга келади. Мавжуд бўлган шаҳарлар кенгайиб йириклашиб боради; деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик яна ҳам ривожланиб кетади. Буларнинг барчаси Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолиси билан муқаррар равишда олиб борилган иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ижобий натижалари бўлган, албатта.

Археологик қазилмалар шундан далолат берадики, Тангритоғнинг Марказий ва Ғарбий қисмида яшовчи турклар маданияти Сўғдиёна ва Фарғона билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу ҳудудда қурилган шаҳар-қўрғонлар, Фарғона ва сўғдиёналик усталарнинг иштирокида бунёд бўлган. Жумладан, VIII—IX асрларда қурилган Кўшайқўрғон (кейинчалик XIV асрда Отбош деб номланган) Сўғд усталари ёрдамида бунёд бўлган. Норин дарёсининг жанубида, Ўзган шаҳри яқинида қад кўтарган Канжигар боши шаҳри эса фарғоналиклар ёрдамида бунёд этилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памира-Алая. СССР, М.-Л, 1952, (МИА, № 26), С. 214, 216. Минорский В. (қаранг: *Hudud-al-alam*, p. 276) Канжигарбошини Чу дарёсининг юқори оқимидаги Кўчқорбоши харобаси билан тенглаштиради. А. Н. Бернштам (Қаранг: кўрсатилган асар. 214-б) эса бу шаҳарни Шардатбек харобаси ўрнида бўлган деб тушунтиради.

Кўшайқўрғон ва Қанжиғар бош шаҳарлари марказий ва ғарбий Тангритоғда яшовчи яғмолар ҳудудида, Фарғонадан Қашғарга ўтадиган савдо йўлида жойлашган. Ушбу шаҳарлар шу ерларда яшовчи яғмо қабила-сининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бу шаҳарлар орқали яғмолар Фарғонанинг турғун аҳолиси билан бевосита алоқада бўлиб, уларнинг ўтроқлашиш жараёнини тезлаштирган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Хатлам ва Норин дарёсининг юқори ва ўрта қисмларида қарлуқларга тегишли яна бир неча қўрғонлар мавжуд бўлган. Булар ҳам туркий халқларнинг, шахсан қарлуқларнинг Фарғона аҳолиси билан ҳамкорлиги натижасида вужудга келган.

Хатлам ҳавзасидаги турк хоқонликлари даврида, туркийларнинг ўзлари томонидан бунёд этилган Кетмонтепа шаҳри бўлган. Бу шаҳарнинг қурилишида фарғоналиклар ёки сўғдийликларнинг иштироки катта бўлган<sup>1</sup>. Аммо маданий жиҳатдан бу шаҳар Фарғона билан яқин алоқада бўлиб келган. Археологик қазилмалардан олинган Фарғонага оид сопол идишлар бунга далолат беради.

Фарғона шимоли-ғарбий районларида қарлуқларнинг турар жойлари, мазорлари бўлганлиги археологлар томонидан аниқланган. Бу ҳудудлардан олинган археологик буюмларда ҳам Фарғона маданиятининг изларини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Талас ва Чу водийларида яшовчи аҳолининг ичида қарлуқларнинг ва уларга қондош бўлган чигилларнинг ўрни катта бўлганлигини айтиб ўтган эдик. Бу этник гуруҳларнинг аксарий кўпчилиги IX—X асрлар давомида ўтроқлашиб, Марказий Осиё ҳудудининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган эдилар.

Араб ва форс манбаларидан маълумки Сирдарё бўйларида IX—X асрларда бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Шаҳарларнинг кўпчилиги турк хоқонлиги даврида (VI—VIII асрлар) бунёд этилган. Қарлуқлар даврида (IX—X аср) бу шаҳарларнинг кўпчилиги жумладан Еттисувдаги Барсихан, Баласағун, Сўёб, Навкет (Янгикет), Ашпара, Хоринжувон, Нузкент, Жул, Атлах ва бошқаларда янги иморатлар қурилиб

<sup>1</sup> МИА. № 26, С. 118, 119.

<sup>2</sup> Кибиров А. К. Археология Чаткала. Труды Института языка и литературы АН КиргизССР, 5, 1955, С. 62.

бирмунча кенгайтирилган. Уларда яшовчи аҳолининг сони ҳам кўпайиб, ўз даврининг йирик иқтисодий ва маданий марказларига айланган. Бу шаҳарларнинг қарлуқлар даврида тараққий этганлигига археологик топилдиқлар ҳам аниқ гувоҳлик беради. Баласағунга борадиган савдо йўлида ва унга яқин ерларда мавжуд бўлган қатор шаҳарлар (жумладан Сариф, Кирмарау, Оксу водийсида жойлашган айрим шаҳарлар, масалан, Турак, Оқтепа) қарлуқлар даврида қурилган<sup>1</sup>.

Чу водийсида археологлар томонидан Степное, Полтавское, Грозненское, Буранинское ва бошқа қишлоқлардаги харобалар ҳам IX аср ва ундан кейин қурилганлигини ашъвий далиллар билан тасдиқлаган<sup>2</sup>. Демак, Қарлуқ давлатида ҳам шаҳар қурилишига катта аҳамият берилган.

Қарлуқлар даврида, улар яшайдиган ҳудудларда меъморчилик санъати ҳам ривожланиб борган. Иморатларни эндиликда (IX—X аср) улугвор ва ҳашаматли қилиб қуриш, унинг деворларига сифатли ишлов бериш, нақш солиш, безаш одат тусига кирган. Сариф шаҳрининг харобаларида археологлар томонидан қарлуқлар даврига оид уй деворлари очилган. Деворлар нафис нақшлар ва гуллар билан безалган. Гуллар геометрик ва ўсимликлар шаклида берилган<sup>3</sup>. Қарлуқлар даврининг хусусиятларидан яна бири шу эдики, бу асрларда Еттисувда, Мовароуннаҳрдаги шаҳристон типигаги мустақкам турар жойларни қуриш оммавий тус олади. Бу хил қурилишлар қарлуқлар ҳудудида олдиндан мавжуд бўлиб келган алоҳида хавfli қўрғонлар вужудга келган эди. Чу водийсидаги Александровский ва қисман Сукулук харобаларида олиб борилган археологик изланишлар буни тўла тасдиқлайди<sup>4</sup>.

Қарлуқлар даврида ҳунармандчиликнинг бир неча соҳалари, жумладан, темирчилик, кулолчилик, дурад-

---

<sup>1</sup> Кожемяко П. Н. К вопросу о типологии средневековых поселений Чуйской долины. В кн.: — Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии, М.-Л., 1954, С. 62.

<sup>2</sup> МИА № 14. 90—91; Кожемяко П. Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины, Фрунзе, 1959, с. 107—111; Яна шу кишиники. К вопросу о топографии Средневековых поселений Чуйской долины, С. 58—62.

<sup>3</sup> Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Центрального Тяньшана и Памира-Алая, (МИА СССР, № 26), С. 152.

<sup>4</sup> Бернштам А. Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам Большого Чуйского канала, Фрунзе, 1943, С. 21, 22.

горлик, ўймакорлик ва бир қанча бошқа соҳалар кенг ривожланган бўлган. Турғун яшовчилар ва ярим кўчманчилар ҳунармандчиликнинг барча соҳаларини мукамал ўзлаштириб олган эдилар.

Туркий халқлар ҳунармандчиликнинг айрим соҳалари, масалан, темирчилик билан қадимдан шуғулланиб келганлар. Қарлуқлар темирчи усталарининг маҳсулотлари бозорга чиқарилган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, усталар ўз ҳўжалигини ёки қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондирадиган қосиблар бўлиб қолмасдан, балки бозор учун ҳам маҳсулот берадиган ҳунармандлар даражасига етган эдилар. Қарлуқ усталари ясаган қилич, найза ва занжирлар (урушда қурол сифатида қўлланган) нафақат туркий дунёда балки славян мамлакатларида, жумладан Киев Русида ҳам маълум эди. «Слово о полку Игореве» номли асарда XII асрда Киев князларининг половецлар (қипчоқлар) билан олиб борган жангларда «Мечи Харлужные» (қарлуқ қиличи), «Харлужные копьи» (қарлуқ найзалари), «Молотят цепями харлуживими» (қарлуқ найзалари билан урадилар) ибораларини ишлатилиши фикримизнинг далили бўла олади.

Темирчи усталар металлдан рўзғор буюмлари, от анжомлари, заргарлар эса турли безак-тақинчоқларни ясаб бозорга чиқарганлар, ҳунармандларнинг темирдан, жездан, кумуш ва олтиндан юксак маҳорат билан нафис ишланган буюмлари бозорда юқори баҳоланган<sup>1</sup>. Шу ўринда уқдириб ўтиш жоизки, темирчилик заргарлик касби IX—X асрларда бозор учун ишланадиган ҳунармандчилик даражасига кўтарилган бўлса ҳамки, аммо бирқанча бошқа соҳаларда, хусусан уй-рўзғор эҳтиёжлари учун ясаладиган буюмлар ҳамон хонаки қосибчилик даражасида қолиб келар эди. Масалан, рўзғорда ишлатиладиган, баъзи буюмларни (ёғоч идишлар, кигиз босиш, шол тўқиш ва бошқ.) қўлда қилиниб, улар бозорга камдан-кам чиқарилган.

Еттисувда IX—X асрларда ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари, жумладан кулолчилик тараққий этган. Бу асрларда оёқ билан айлантриб лойга ишлов бериб идиш ясаганда ишлатиладиган дастгоҳ Еттисувда кенг қўлланилган, бу эса ўз навбатида иш унумини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келган. Эндиликда рўзғор ашёлари; сопол товоқлар ва

<sup>1</sup> МИА, № 14, С. 77, 78.

косалар, тош чироқлар, кўза ва бошқалар силлиқ ва нафис ишланадиган бўлади.

Ислом динининг Ёттисувга кириб келиши ҳунар-мандчилликка, шахсан кулолчиликка катта таъсир қиладди. Сопол идишларни сифатли қилиб чиқаришга катта аҳамият берилди. Идишлар формасининг кўриниши ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқларнинг ўсиб бориши, мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарларнинг кўпайиши, сопол идишларни, жумладан кўза ва хумларни катта ҳажмда ишлаб чиқаришни талаб қиладди. Сопол «дастурхонлар»<sup>1</sup> ясаш одат тусига киради. IX—X асрларда сопол идишларни (товоқ, коса, хурма, хум, чироқ ва бошқалар) сирлаш ҳам кенг тус олади.

IX—X асрларда буюмларга нақш солишга катта аҳамият берилган. Бу даврларда ашёларга бериладиган нақшлар турк хоқонликлари ва ундан олдинги даврдан батомом фарқ қиладди. Қадимдан туркларда буюмларга ҳайвон суратини солиш одат бўлиб келган эди. Бу асрларда эса санъатда ислом дини талабларига мослашган ўсимлик нақшлари солиш кенг кўламда қўлланилади<sup>2</sup>. Бу услуб кўпроқ ашёларни безашда ишлатилган. Ислом динининг таъсирида Тароз шаҳри орқали қарлуқлар ҳудудига баъзи идишларни араб ҳарфлари билан безаш одат тусига кирган<sup>3</sup>.

Тасвирий санъатда ўсимлик нақшларининг жорий этилиши Чу ва Ила водийларида, Тангритоғ оралигида яшовчи туркий халқларда қадимдан мавжуд бўлиб келаётган ҳаққоний (реалистик) тасвирнинг йўқолиб боришига олиб келади. Қарлуқлар даврида тасвирий санъатда қўлланиб келган геометрик чизиқ-шакллар ҳам йўқола бошлайди. Бу нусхалар Қорахонлар даврига келиб батомом қўлланилмайдиган бўлган. Лекин, амалий санъатга кириб келган янги ўсимлик нақшларининг галабаси қарлуқлар даврида ҳам охирига етганича йўқ эди. Ҳайвон сурати тасвирланган айрим буюмларнинг бироз ўзгартирилган шакллари ҳанузгача сақланиб қолган эди: Масалан, Суқулуқ харобаларидан, ар-

---

<sup>1</sup> Археологлар «дастурхон» деб номлаган буюм, ўша даврларда, кейинчалик тахтадан ясалган хонтахта ўрнида ишлатилган: унинг қалинлиги 3 см. Диаметри устки сатҳи 75 см. бўлган. Қаранг: МИА, № 14, С. 128. 129.

<sup>2</sup> МИА, № 26. С. 157.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 158-б.; Бернштам А. Н. Историко-культурное прошлое северной Киргизии по материалам Большого Чуйского канала, Фрунзе, 1943, С. 22.

хеологлар томонидан топилган иккала буюмда ҳам ҳайвон сурати тасвирланган. Булардан бири VIII—X асрларга оид «дастурхон» бўлиб, унинг устки қисмига (сатҳига) итга ўхшаш ҳайвон сурати солинган. Иккинчи буюм, хум қопқоғи устки қисмига иккита ҳайвоннинг (йўлбарс ва шернинг) олишиб турган сиймоси тасвирланган. Қарлуқлар даврида Еттисувда ва Тангритоғ ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги ва ганчга гул солиш санъати бирмунча тараққий этган. Ёғоч ўймакорлиги кўпинча эшик, дарвоза ва ҳашаматли иморатлар деворларини безашда қўлланилган. IX—X асрларда Чу водийсида матоларга босма қолип билан гул босиш санъати ҳам ривожланган эди<sup>1</sup>.

Қарлуқлар даврида кийим ва безакларга ҳам катта эътибор берилган. Устки кийимлар асосан жун иплардан тўқилган матолардан тикилган. Туркий халқларда қадимдан қўлланиб келинган дастгоҳларда (дўконларда) иплардан мато тўқилган. Тўқималарнинг ишланганлари бозорга ҳам чиқарилган, албатта. Юқори табақадаги (хоқон, хон, бек ва б.) кишиларнинг кийимлари кўпинча ипакли матолардан тикилган<sup>2</sup>. Ипак матолар Мовароуннаҳрдан ва Шарқий Туркистон орқали Хитойдан келтирилган.

Устки кийимлар ихчам танага ёпишиб турадиган қилиб бичилган, бел чарм ёки махсус (ипдан, ип аралаш ипақдан) тўқилган камар билан боғланган. Авом халқ кўпинча жунли тўқималардан тикилган уст кийимлар кийиб белларини жун ипдан ингичка тўқилган қур ёки чибчилган (қиррали қилиб тўқилган ип) билан боғлаб юрган. Камарга филофга солинган шамшир (юқори табақадаги кишиларда, ҳарбий саркардаларда), қинига солинган пичоқ, коса ёки пиёла солиб юрадиган чарм кутти-чиниқоп ёки таркаш, игна, бигиз, қайроқ, паки, чақмоқ ва чақмоқ тош солинадиган, чармдан тикилган махсус буюм — ғудор ёки мусвог тақиб юрилган; ёй-ўқ солинган садоқни (кўпинча жангчилар, бегбаччалар, овчилар) елкада олиб юрганлар.

Совуқ пайтларда жун ипдан чакмон, астари юпқа кигиздан қилинган чайдам ва пўстин, ошланган теридан тикилган иссиқ иштон (дамбал) ва бошқалар кийилган.

<sup>1</sup> МИА, № 14.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 78-бет.



Туркийларнинг оёқ кийими, (этиги) чармдан, таги унча қалин бўлмаган, (тикиши юзига чиқарилган) ағдарилмасдан (устдан тикилган) учи тепага қайрилган бўлган<sup>1</sup>.

Келтирилган маълумотлардан аниқ бўладики, қарлуқлар даврида матолар (асосан жун ипдан) тўқиш, кийим тикиш ва уларни безаш чармгарлик ва хунармандчиликнинг бошқа турлари бирмунча ривожланган. Шунини ҳам уқдириб ўтиш жоизки, жун матоларни тўқиш, кийим-бош тикиш, уларни йўрма нақшидалар билан безаш ва бошқалар кўпинча уй хунармандчилиги даражасида қолган эди. Оиладан, қишлоқ аҳолисининг талабидан ортиб қолган қўл хунармандчилик маҳсулотлари бозорга ҳам чиқарилган, албатта.

Кийимларни безашда кўпинча турли хилдаги ва рангдаги мунчоқ, юпқа ва ясси қилиб олтиндан, кумушдан ясалган баргаклар билан ишланган зирак, сирға, узук, билакузук, кўкрак ва бўйин тақинчоқлари ҳам мавжуд бўлган. Тақинчоқлар мовий, зангори, мунчоқлар, қимматбаҳо (нефрит, фируза, лал ва бошқа) тошлар билан безатилган<sup>2</sup>.

Еттисувда, Тангритоғнинг марказий ҳудудларига хунармандчиликнинг турли соҳаларининг кенг тарқалиши ва турғун туркий этник гуруҳларнинг хунармандусталар бўлиб етишишларида, Мовароуннаҳрнинг, хусусан, Фарғона ва Самарқанд, Бухоронинг ҳиссаси катта бўлган, албатта.

Исфижоб ва унинг шаҳарлари Мовароуннаҳр аҳолиси билан Талас дарёсининг шимолида ва шимоли-шарқдаги ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида воситачилик ролини ўйнайди. Мовароуннаҳр маданияти, хунармандчилик ва санъатнинг кўп турлари Исфижоб вилоятига батамом ўрнашиб, тараққий этиб боргач, унинг йирик шаҳарлари Исфижоб орқали Чу водийсидан Ила водийсигача бўлган ҳудудга тарқалган.

Маданият турларини туркий халқлар орасида кенг тарқалишида сўғдиёналикларнинг ва фарғоналикларнинг ҳиссаси катта бўлган, албатта. Буларнинг айрим гуруҳлари VIII—IX асрларда Еттисувга ва Тангритоғнинг шимоли-шарқий ҳудудларига ўрнашиб, бу ерларда олдиндан келиб яшаётган юртдошлар билан қўшилишлари натижасида сўғд ва Фарғонадан келган гуруҳ-

<sup>1</sup> МИА. № 14, 77-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 78-бет.

лар вужудга келади. Булардан Етгисувда ва Тангри тоғ оралиғларида яшовчи туркийзабон аҳоли ҳунармандчилик ва санъатнинг бир неча соҳаларини мукамал эгаллашга мушарраф бўлганлар. Ўзбек ва тожик аждодлари муқаррар равишда олиб борган ҳамкорлик, маданиятининг бир-бирлари билан тобора яқинлашиб, умумий ўхшашликлари кўпайиб боришининг муҳим омилларидан бўлган.

Қарлуқларнинг ўзларида махсус ёзув бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Турклар, хусусан қарлуқлар IX—X асрларда ундан ҳам олдинроқ асосан сўғд ва уйғур битикларидан фойдаланганлар.<sup>1</sup> Давлат ишлари ва ташқи дипломатик алоқалар ҳар иккала сўғд ва уйғур ёзувида олиб борилган. Исфижоб вилоятида ва Чу водийсининг айрим шаҳарларида яшовчи аҳоли орасида араб ёзувларини биладиганлар ҳам оз бўлмаган, албатта. Араб ёзувидан кўпинча савдо-сотик туфайли Мовароуннаҳр ва Хоразм билан алоқада бўлган тижоратчилар фойдаланганлар. Тараз шаҳрида IX—X асрларда араб ёзуви куфи нусхада идишлар пайдо бўлган<sup>2</sup>. Араб ёзувли идишлар шу асрларда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган. Балки араб ёзуви бўлган идишлар Талас (Тароз) шаҳрига ўша томондан келтирилгандир. Лекин, ислом дини IX—X асрларда Талас водийсида ва қисман Чу водийсида қатъийлашиб қолганлигини, масчитлар қурилишини ҳисобга олсак, араб битиги ва бу ёзув билан идишларга сўзларни ифода-лаш усуллари эгаллаган уста-ҳунармандлар Талас ва Чу водийларида ҳам яшаган десак, хато бўлмас.

Қарлуқлар ҳудудида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилаларда оғзаки ижод катта ўрин тутган. Булар анъаналарни, урф-одатларни, умуман турмуш тарзларидаги барча томонларини авлоддан-авлодга оғзаки ўтказиб келганлар: йирик халқ дostonларини яратганлар.

«Дода кўркуд» дostonи VII—VIII асрларда хазарларда мавжуд бўлган, деган фикр мавжуд<sup>3</sup>. Бу дoston Сирдарё соҳилларида яшовчи ўғузлар ва Етгисувда яшовчи қарлуқларда ҳам VIII—IX асрлар давомида тар-

---

<sup>1</sup> Смирнова О. И. Каталог монет с городиша Пенджикент. М., 1963, С. 54. К вопросу о языке легенд на тюркешских монетах. Тюркологические исследования, М.-Л., 1963, 265—272.

<sup>2</sup> МИА, № 26, С. 156.

<sup>3</sup> Emel Esin, Кўрсатилган асар, 159-бет.

қалган бўлиши керак. Ушбу дoston илк бор Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Фарбий турк хоқонлиги даврида, Волга бўйларига Еттисувдан кўчиб бориб ўрнашган дулу қабиласига мансуб гуруҳлар билан бирга (VII аср) бориб қолгандир. Сўзсиз бу масала чуқур ўрганишни талаб қилади.

Қарлуқлар даврида бошқа халқ дostonлари ҳам мавжуд бўлган бўлиши керак. Баъзи фикр-мулоҳазаларга қараганда, «ўғузнома» дostonи IX—X асрларда пайдо бўлган<sup>1</sup>. Дostonнинг тилида «қарлуқ-уйғур» тилининг атамалари тилшунос олимлар томонидан таъкидлаб ўтилади<sup>2</sup>.

IX—X асрларда Мовароуннаҳрда, Хоразмда илм-фан кенг тараққий этган эди. Бу икки ўлка бир даврда (IX асрда) фан оламига йирик олимлар — фарғоналик Аҳмад Фарғоний (865 йилда вафот қилган) ва хоразмлик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850 йй.) берди. Бу даврларда Мовароуннаҳрда ва Хоразмда тараққий этган илм-фан ва маданиятнинг барча соҳалари X—XI асрларга келиб Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийни, (973—1048) Абу Али ибн Синони ва шулар қаторидаги йирик олимларни етиштирди.

Табиийки, Мовароуннаҳрда ривож топган илму фан Сирдарёнинг ўрта оқимида, Еттисувда, хусусан Талас ва Чу водийларида яшовчи туркий халқларга таъсир қилмасдан қолмаган. Бу ҳудудларда ҳам илмга интилувчан кишилар бўлган ва уларнинг орасида турк ўғлони, Ал-Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийнинг замондоши йирик файласуф Абу Наср Фаробий (873—950) ва унинг ҳамшаҳри файласуф Исҳоқ ал-Фаробий етишиб чиққан.

IX—X асрлар Чу водийсидаги туркларнинг йирик пойтахт шаҳри Баласағун ва иккинчи йирик марказий шаҳри Қошғарда илм-фаннинг ривожланиб бораётган даври бўлган. Бу шаҳарларда ҳам илмий муҳит мавжуд бўлиб, фозиллар етишиб чиққан. Шулардан, XI асрда ном чиқарган Баласағунда туғилиб ижод қилган олим ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб ва шу асрда Қошғар шаҳрида таваллуд топган тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий, XI асрнинг иккинчи ярми — XII асрнинг биринчи ярмида Қошғарда туғилиб ижод қилган арабшунос

<sup>1</sup> Шербак А. М. Оғуз-наме. Мухаббат-наме, М., 1959, С. 99.

<sup>2</sup> Шербак А. М. Ўша жойда, 103-бет.

олим, халқ ривоятлари, дostonларининг билимдони ва ҳадисга оид 120 асар ёзган Абу Абдуллоҳ ал-Ҳасанийларни тилга олишнинг ўзи кифоя бўлса керак. Бир қанча шайху фозил-фузалоларнинг Соркенд, Хўтад, Хатлам ва бошқа шаҳарларда XI—XII асрларда ўтганлиги ҳам манбаларда қайд қилинган.

Баласағун, Қошғар ва бошқа йирик шаҳаларда ўз замонасига хос илмий мактаб ва илмий муҳит бўлишига қарамасдан айрим илм шайдолари ўз илмий савияларини яна ҳам ошириш учун Бухоро ва Самарқандга бориб таълим олганлар. Айрим етук фозиллар, жумладан, Фаробий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳасаний ва бошқа олимлар Боғдодга бориб, ўз илmlарини мукаммаллаштириб, йирик илмий асарлар яратганлар.

Демак, туркийзабон олимлар ҳам илк ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда нафақат ўз мамлакатлари фанига, балки дунё фани ва маданияти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Олдинги саҳифаларда IX—X асрларда ўзбек элатининг шаклланиши ҳақида гапириб унинг тараққиёт жараёнида барча этник аломатлар бир маромда ривожланмаганлиги ҳақида сўз юритган эдик. Муҳим этник аломатлар, жумладан, этник, иқтисодий ва маданий бирлик у даврларда ниҳоясига етмаганлигини таъкидлаб ўтган эдик.

Дарҳақиқат, IX—X асрларда шаклланган ўзбек элатининг таркибида этносларнинг хўжалик фаолияти бир хилда бўлмаган; турғун аҳолининг хўжалигидан катта фарқ қилган.

Этник жараёнда қатнашган этник гуруҳларнинг бир қисми ҳали кўчманчилар бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланиб келар эди. Этносларнинг иккинчи гуруҳи ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечиб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар: уларнинг учинчи гуруҳи эндигина турғунлашиб, ҳали ўтроқ аҳолининг турмуш тарзига батамом мослашиб кетмаган эди. Тилга олинган гуруҳлар ўртасида ва улар билан қадимдан турғун яшаб келаётган туркий аҳоли ўртасида иқтисодий алоқалар етарли даражада мужассамланмаган эди. Буларнинг маданиятида ҳам тафовут катта бўлган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Қарлуқ — Қорахонлар давлати ҳудудида IX—X асрлар давомида яшаган этносларда турли диний эътиқод (тангрига сифиниш, шомонлик,

монийлик, бурхонлик (будда), христианлик ва бошқалар) мавжуд эди.

IX—X асрларда этносларнинг тилидаги фарқ сезиларли даражада бўлган. Қарлуқ-чигил лаҳжаси устиворлик қилиб келаётган бўлса ҳам, аммо бу лаҳжа ўзбек элати таркибига кирган барча этник гуруҳларга батамом сингиб, умум элат тили даражасига кўтарилиш жараёни ниҳоясига етмаган эди. Демак, IX—X асрларда ўзбек аждоларининг алоҳида жамоа, элат бўлиб шаклланиш жараёни охирламаган. Бунинг учун, элатнинг шаклланиш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ривожланиб, қатъийлашиб қолиши учун маълум вақт керак эди.

Ўзбек элати шаклланиш жараёнининг охирланиши XI—XII асрларда Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда ўтади.

X аср бошларида Мовароуннаҳр Қорахонлар томонидан батамом эгалланади. Бу давлат — эндиликда Марказий Осиёда йирик марказлашган давлатга айланади. Еттисув, Исфижоб, Қашғар вилоятлари билан бир вақтда икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги минтақалар бу давлатнинг ҳудудлари бўлиб қолади.

Аҳоли сони ҳам деярли икки баробар кўпаяди. Кўпайиш асосан Фарғона водийси, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон — Шеробод воҳаларида яшовчи турк ва тожик халқлари ҳисобига бўлган албатта.

Мовароуннаҳр (Қорахонлар давлатининг ғарбий қисми) тарихини уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи — Қорахонлар Мовароуннаҳрни батамом эгаллаганидан (X аср охиридан) то XI асрнинг 40-йилларигача Мовароуннаҳр бу даврда Қорахонлар давлатининг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, унинг хонлари маълум вақтгача Баласағунда ўтирган улуғ хон (Қорахон) итоатида бўлган. Мовароуннаҳр хонлари қорахонлар сулоласига мансуб хонзодалардан тайинланган<sup>1</sup>.

Иккинчи давр — XI асрнинг 40-йилларидан то шу асрнинг 70-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр Мовароуннаҳр қисмини (шартли равишда Ғарбий Қорахонлар давлати деб атаймиз) батамом мустақилликка эришган даври эди.

1043 йил Қорахонлар давлати икки — Шарқий ва

<sup>1</sup> Караев О. История караханидского каганата, (X начало XIII вв.) Фрунзе, 1983, С. 144.

Ғарбий қисмларга бўлинади<sup>1</sup>. Шу йил улуғ хон Сулаймон ибн Юсуф давлат ҳудудини ўғиллари ва қариндошларига бўлиб беради: укаси Арслонтегинга бир қанча шаҳарларни; иккинчи укаси — Муҳаммад Буграҳонга Тароз ва Исфижобни, ўғли Али тегинга Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларни; амакиси Туганхонга Фарғонани беради; ўзига эса Баласағун ва Қашқарни қолдиради<sup>2</sup>. Шарқий Қорахонлар давлатининг маркази Баласағун, Ғарбий Қорахонлар давлатининг маркази аввал Бухоро, кейин Самарқанд шаҳри бўлган. Бу бўлинишларни ҳали қатъий бўлиниш дейиш қийин. Чунки бу ҳудудлар (хусусан, Шарқий Қорахонлар давлатининг ҳудуди) хонзодалар орасида ва содир бўлиб турган низолар туфайли бир неча бор қайта бўлинган.

Ғарбий Қорахонлар давлати Али ибн Мусо авлодлари (Алилар тармоғи) томонидан идора қилиниб келинган. Шарқий Қорахонлар давлатини Али ибн Мусонинг амакиваччаси Харун (ёки Ҳасан) Буграҳон (Ҳасанийлар) томонидан идора қилинган. Шуни ҳам уқдириб ўтиш жоизки, Ғарбий Қорахонлар давлати ўзларини мустақил идора қилишга интиланганлар. Ғарбий Қорахонлар давлатининг хоқони Иброҳим Тамғачхон (Иброҳим ибн Наср)<sup>3</sup> 1041 йили Бухорода, 1046 йили Самарқандда ўз номи билан танга пул зарб этган. Шу саналардан бошлаб Мовароуннаҳрнинг Марказий ҳудудларига ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, бу ўлкани мустақил бошқаришга интилди. Аммо, буни ҳали ҳақиқий мустақил дейиш қийин эди. Чунки Мовароуннаҳр хонлари Баласағунда ўтирган улуғхоннинг (қорахон) ҳукмронлигини тан олиб келар эдилар.

Учинчи давр — XI асрнинг 70-йилларидан XIII аср бошларигача (аниқроғи 1212 й.) бўлган даврни ўз ичига олади.

XI асрнинг 70-йилларининг бошларида Ғарбий Қорахонлар давлати ҳақиқий мустақилликка эришади. Иброҳим ибн Наср (Буграҳон) 1068 й. вафот қилади. У

---

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир, Китаб ал-Камил фи-т-тарих. Қаранг: МИКК, Т. I, М., 1973, С. 60; Босворт К. Э. (Қаранг: Мусульманские династии, М., 1971, С. 158). Қорахонлар давлатининг иккига бўлинган санасини 1041 йил деб белгилайди.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 60-бет.

<sup>3</sup> Иброҳим Тамғачхоннинг олдинги лақаби Бўритегин эди. Кейин (1042—1043 йй.) у энг юқори — Тамғач Буграҳон унвонига сазовор бўлган. Қаранг: Давидович Е. А. Клад Саганианских монет, XI в. из Таджикистана, СА, 1957, № 3, С. 88, 90—92.

ўлимидан олдин ҳукмронликни ўғли Шамс ал-Мулк Насрга топширади. Унинг укаси Иброҳим (Буграҳоннинг иккинчи ўғли) Шуайс бундан норози бўлиб, тахт учун курашади. Бу ўзаро низолардан фойдаланиб шарқий Қорахонлар давлатининг хони Тўғрул Қорахон Юсуф (Қодирхоннинг ўғли) йўқотган Фарғона ва Шош вилоятларини қайтариб олмоқчи бўлиб, XI асрнинг 70-йилларининг бошларида катта қўшин билан келиб Самарқандни қамал қилди, аммо шаҳарни ололмади. Шамс ал-Мулк Наср Турғул Қорахон Юсуф билан сулҳ тузади. Сулҳ шартига биноан Фарғонанинг катта қисми, Шош ва Илоқ водийси Шарқий қорахонлар давлатига қўшиб олинади; икки давлат ўртасидаги чегара Хўжанд бўлиб қолади<sup>1</sup>. Бу сулҳ Қорахонлар давлатини икки мустақил давлатга бўлиниб кетишини қонунийлаштиради. Шундоқ қилиб, XI асрнинг 70-йиллари бошларидагина Фарбий қорахонлар мустақил давлат бўлади.

Фарбий қорахонлар ҳақиқий мустақилликка эришгандан кейинги йилларнинг тарихи унча тинч ўтмаган. XI аср охирларида Фарбий Қорахон Аҳмад ибн Хидр мусулмон дини мазҳабларидан бири<sup>2</sup> Исмоилийликни қабул қилади. Хоннинг бу қилмиши дин аҳлининг кўпчилигини (асосан суннийларнинг) ғазабини келтиради. Бухоро дин пешволари хонга қарши фитна уюштирадилар. Диндорлар билан хон ўртасида қаттиқ кураш бошланади. Бундан фойдаланган салжуқлар Мовароуннаҳрга бостириб кирадилар. Курашда Аҳмадхон енгилди. Фарбий Қорахонлар давлати салжуқийларга қарам бўлиб қолади.

1141 йил Мовароуннаҳрни қоракиданлар (қорахитойлар) забт этадилар. Фарбий қорахонлар уларга тобе бўлиб қоладилар. Аммо мамлакатни улар (ярим мустақиллик асосида) идора этадилар. Фарбий қорахонлар эндигина қорахитойлар қарамлигидан қутулиб, мустақилликка эришганда Хоразмшоҳ Муҳаммад Мовароуннаҳрга бостириб кириб, ушбу ҳудудни 1212 йили батамом эгаллайди. Шу билан Фарбий Қорахонлар давлати тугатилади.

Қорахонлар Мовароуннаҳр ҳудудини қўшиб олганларидан кейин, этник иқтисодий ва маданий жараён

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 377.

<sup>2</sup> Исмоилийлик — Ислом динининг шиа мазҳабларидан бири. Қаранг: Ислом. Справочник. Тошкент, 1989, 164—165-бетлар.

марказлашган давлатнинг барча минтақаларида бир маромда ривожланиб борган деб айтиш қийин, албатта. Чунки Мовароуннаҳр Сомонийлар даврида (IX—X) Марказий Осиёда ўз даврининг энг юқори иқтисодий тараққиётига ва маданиятига эришган ҳудуд эди. Шу даврларда шаҳарлар кенгайиб, аҳолиси араблар даврига нисбатан, 2—3 маротаба ўсиб, умумий аҳолининг тахминан 20—25 фоизини ташкил қилган<sup>1</sup>. Шаҳар аҳолиси иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган, янги қурилишлар ҳисобига шаҳарлар бир мунча кенгайиб ҳашаматли иморатлар қад кўтариб, салобатли масканларга айланган.

Мовароуннаҳр қишлоқлари ҳам обод эди. Жамиятда ислом дини ва шариат қоидалари ҳукм сураб эди. Мовароуннаҳрни эгаллаган қорахонлар шу етук маданиятга эгаллик қилиб, уни авайлаб-асраганлар ва давом эттирганлар.

Мовароуннаҳрнинг қишлоқ аҳолиси асосан турғун яшовчи туркий ва тожик халқлардан иборат бўлган. Уларнинг аксарий кўпчилиги деҳқончилик билан, шаҳарда ва йирик қўрғонларда яшовчилар эса хунармандчилик, ҳамда тижорат билан шуғулланиб келганлар. Эндilikда бу ўлка қорахонлар бошқарувида бўлади. Қорахонлар давлатининг Шарқий қисми ҳам IX—X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирмунча ривожланган бўлса-да, (олдинги бобларда бу ҳақда гапирилган эди) лекин давлатнинг бу қисмида қабилауруғчилик анъаналари ҳанузгача кучли эди. Шарқий Қорахонлар давлатида аҳолининг кўпчилиги шу даврларда ҳам ярим кўчманчиликда ва ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб келган. Чўлларда эса асосан кўчманчи қабилалар яшар эди. Шарқий Қорахонлар давлатини бошқаришда қабилаларнинг ва қабила бошлиқларининг таъсири кучли бўлган.

XI асрнинг биринчи чорақларидаёқ, Фарбий қорахонлар ҳудудининг (яъни Мовароуннаҳрнинг) этник, иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзгаришлар юз беради. Шу аср бошлариданоқ, Еттисув, Сирдарё бўйларидан ва Шарқий Туркистоннинг фарбий минтақаларидан қабила-уруғларнинг кўчиши кучаяди. Мовароуннаҳрга кўчиб келган қарлуқ, чигил ва халач қабилалари ва қисман арғу, тухси, қанғли ва бошқа қабилалар эди.

---

<sup>1</sup> Белинский А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековой город в Средней Азии, Ленинград, С. 266—268.



Буларнинг маълум гуруҳлари ўз юртларида қолиб, Ет-тисув ва Шимолий ва Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган сиёсий ва этник уюшмалар таркибига кириб қоладилар. Сирдарё соҳилларида яшовчи қанғли ва қипчоқ қабилаларнинг ҳам айрим қисмлари Мовароуннаҳрга ва Хоразм воҳасига келиб ўрнашадилар. Шундай қилиб, XI асрнинг биринчи ярмиларида бу ўлкаларнинг этник таркиби бир мунча ўзгаради; маҳаллий аҳоли таркибига янги этник гуруҳлар келиб қўшилади.

Мовароуннаҳрга кўчиб келган этнослар бир неча йиллар давомида (ярим кўчманчилик ва ярим ўтроқликка хос анъанавий ҳаётларини давом қилиб) қабила ва уруғларга бўлиниши тартибини сақлаб қоладилар. Уруғ ўз навбатида бир қанча катта ва кичик оилалардан ташкил топган. Қавм-қариндошлик гуруҳлари бир ёки бир неча овулни ташкил қилган.

Қабила уруғчилик тартиби ҳамма вақт ҳам бир хилда, бир тартибда сақланиб қолмаган. Тартиб вақт-вақти билан бузулиб, айрим этник гуруҳлар қабила ва уруғ таркибидан чиқиб бошқа қабила ва уруғларга қўшилиб кетиш ҳоллари ҳам оз бўлмаган. Бу жараён, ўз навбатида, жамоа ҳаётида мавжуд ўзаро муносабатларни қавм-қариндошлик асосида эмас, қўни-қўшничилик асосида олиб борилишни кучайтирган.

Кўчиб келган қабилалар билан Мовароуннаҳрнинг турғун аҳолиси ўртасидаги фарқ сезиларли даражада сақланиб қолган эди. Қабилаларнинг моддий ҳаётида, ҳўжалигида ва турмуш тарзларида ўтмишдаги кўчманчилик асоратлари сезиларли даражада бўлган. Улар ислом динини қабул қилган бўлсалар ҳам, лекин исломгача бўлган диний эътиқод излари ҳанузгача сезиларли даражада сақланиб қолган эди.

Мовароуннаҳр худудига кўчиб келган этнослар дастлаб асосан чорвачилик билан шуғулланганлар; улар қўй, от-йилқи, туя ва қорамоллар сақлаганлар. Воҳа атрофларидаги чўлларда кўплаб қўй сурувлари, дарё воҳаларида ва тоғли районларда йилқи ва қорамол боқилган.

Чорвачилик ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ халқлар учун асосий озуқа (гўшт, сут, ёғ) ва хом ашё (жун, тери) манбаи эди. От ва туя нафақат ҳаракат воситаси (миниби юриш учун), юк ташиш, аравага қўшиш учун ҳам керак эди. Кўчманчи этник гуруҳлар, масалан, қипчоқлар, уй-рўзғор буюмларини тўрт филдиракли арава-

га юклаб, бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрганлар<sup>1</sup>. Аравага — ҳўкиз ҳам кўшилган<sup>2</sup>.

Қипчоқларда йилқичилик кенг тараққий этган. Кейинги асрларда (XIV) келтирилган маълумотларга қараганда айрим қипчоқ бойларида бир неча минг бош от-йилқилар бўлган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи этнослар учун от энг фойдали ҳайвон ҳисобланган. Ундан озуқа маҳсулотлари (гўшт, ёғ, сут), хом ашё (тери) олинган, миниб юрилган ва юк ташилган.

От кўчманчи ва ярим кўчманчиларнинг ҳарбий кўшинлари учун ўта зарур эди. Ҳар бир жангчида энг камида иккита от бўлиши шарт бўлган. Профессор В. Н. Куннинг таъкидлашича, жангчида от сонини кўп ёки оз бўлиши унинг давлати билан (бой-камбағал бўлишига) боғлиқ бўлган; айрим ўзига тўқ жангчилар, ўзлари билан бирга 5—6 тагача от олиб юрганлар<sup>3</sup>.

Наслчиликни ривожлантириб, зотли отларни етиштириш, рағбатлантиришга ундовчи омиллардан яна бири, унга ташқи бозорнинг талаби катта бўлганлиги эди. Этник гуруҳлар, шахсан етиштирган зотли отларни рус, Миср, Кавказ, Эрон, ҳатто Ҳиндистон бозорларига олиб бориб сотганлар. Қипчоқ зотли отларнинг бозори XIV асрларда ҳам чаққон бўлган. Ибн Батутанинг (XIV) ёзишича, Ҳиндистонга олиб бориб сотиладиган отларнинг 6 мингидан бир карвон тузиб, уни бир савдогар бошлаб борган. Ҳар бир савдогарга 100—200 бош от тўғри келган<sup>4</sup>. Савдогарлар ҳар 50 бош отга бир улоқчи (от подасини бошқарувчи) ёлланган. Отларни Ҳиндистонга етказиб боргунча йўл-йўлакай боқиб, ҳайдаб борганлар. Ҳиндистон бозорида яхши зотли от 500 динорга сотилган<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Арава илк ўрта асрларда ва ундан кейин ҳам кўчманчилар ва ярим кўчманчиларда кенг қўлланилган (Қаранг: В. В. Бартольд, О колесном и верховом движении в Средней Азии, Соч. Т. IV., М., 1966, С. 406—408). Қипчоқларда кўчманчиликка мослашган тўрт филдиракли аравага ўрнаштирилган уй (кўтарма) XX аср бошларигача сақланиб қолган. Қаранг: Шониёзов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974, С. 234—235.

<sup>2</sup> Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т. I, Извлечение из сочинений арабских, СПб, 1884, С. 282; Т. II, Извлечение из персидских сочинений, собранный В. Г. Тизенгаузенем. М.-Л., 1941, С. 83.

<sup>3</sup> Кун В. Н. Черты военной организации средневековых кочевых народов Средней Азии. Серия общ. наук. Вып. I, Т., 1947. С. 27.

<sup>4</sup> Тизенгаузен В. Г. Кўрсатилган асар, 1-жилд. 287-бет.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

Фарбий Қорахонлар давлати тараққиётининг биринчи давридаёқ турғун аҳоли билан ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадорлар орасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ўрнатилади. Савдо-сотик орқали деҳқончилик маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари билан айирбошлаш кенг йўлга қўйилади. Чорвадорлар бозорга қўй, от, туя, қорамол, жун, тери ва бошқа маҳсулотларни сотиб, ўрнига буғдой, арпа, тарик, гуруч ва бошқалар олганлар. Шу йўсинда олиб борилган ўзаро ҳамкорлик ўтроқ аҳоли билан чорвадорлар орасидаги алоқаларни мустақамлайди ва бунинг натижасида, уларнинг бир-бирларига нисбатан ишончини қатъийлаштирган.

Аҳолининг ўзаро учрашув жойи бозор бўлган. Бозорда шаҳар, қишлоқ аҳолиси ва чорвадорлар бир-бирлари билан кўришиб, мулоқотда бўлиб вилоят ва давлат миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволдан хабардор бўлиб турганлар.

Бозор ҳар бир минтақада бир ёки бир нечта бўлган. Лекин энг катта бозор вилоят марказларида ташкил топган. Вилоят бозорларида унинг ҳудудида мавжуд қишлоқ хўжалик (жумладан чорвачилик) маҳсулотлари, ҳунармандчилик товарлари кўплаб бўлган. Марказий бозордан товарлар аҳоли ва савдогарлар томонидан сотиб олиниб ҳар томонга тарқалар эди. X— XII асрларда Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Узган, Насаф, Термиз ва бошқалар бўлган. Ал-Истаҳрий (X аср) Самарқанд ҳақида гапириб ёзган эди: «Самарқанд Мовароуннаҳрнинг савдо маркази ҳамда савдогарлар йиғиладиган жой. Мовароуннаҳр маҳсулотларининг кўп қисми Самарқандда тўплиниб, кейин вилоятларга тарқалиб кетади»<sup>1</sup>. Самарқанд кейинги асрларда ҳам савдо маркази бўлиб қолган эди.

Мовароуннаҳрда тижорат ишларини ривожлантиришда ва маҳсулотни кўплаб бозорга чиқаришда бу ўлканинг марказий шаҳарларидан ўтган буюк ипак йўлининг ҳам роли бениҳоят катта бўлган. Савдогарлар шарққа, ғарбга, шимол ва жанубга карвон бошлаб, аҳолининг нафақат нарх-наво паст ёки баландлигидан, товарлари хилма-хиллигидан ва ҳатто дунё воқеаларидан ҳам хабардор бўлиб турганлар.

XI асрнинг иккинчи яримларида, Фарбий Қорахон-

<sup>1</sup> Истахри, BGA, I. C. 319.

лар давлати нисбатан мустақилликка эришгандан кейинги даврда, чорвадорлар билан шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўзаро ҳамкорликлари яна ҳам тараққий этиб кетади. Бу даврга келиб, ички ва ташқи бозор кенг кўламда ривожланиб бориши натижасида мустақам иқтисодий ҳаёт вужудга келади. Уқтириб ўтиш жойизки, бу даврга келиб иқтисодий ва маданий тараққиёт Фарбий қорахонлар ҳудудида, Шарқий қорахонлар ҳудудига қараганда жадалроқ суратда ўтиб, Фарбий Қорахонлар давлатининг батамом мустақил бўлиб яшашига замин яратади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг тобора кўпайиб бориши туфайли чорвачилик маҳсулотига талаб ошиб боради. Бу эса ўз навбатида мол эгаларини рағбатлантириб, чорва молларини кўпайтиришга олиб келади. Чорва моллари айрим тadbиркор ишбилармон кишилар қўлида тўпланади. Воҳаларда йирик чорвадорлар пайдо бўлиб, кўплаб чорва моллари уларнинг қўлида бўлган. Йирик молдор хўжаликлар воҳалар атрофларидаги яйловларга эгалик қилиб оладилар.

Бой чорвадорларнинг моллари сони кўпайиб бориши билан Мовароуннаҳрда яйлов ерлари тобора камайиб боради; чорвадорлар орасида табақаланиш кучаяди. Моллари камайиб ўрта ҳол ва камбағал оилалар кўпаяди. Натижада бу табақадаги кишилар деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Агар, чорвалари камайиб бораётган хўжаликлар ўз анъаналарига риоя қилиб, фақат қўлларида қолган беш-ўнта мол билан кун кечирмоқчи бўлганларида очликка мубтало бўлишлари ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам чорвадор қабилаларнинг кўпчилиги XI асрнинг биринчи чоракларидаёқ аста-секин ўтроқлаша бошлаган эдилар. Ўтроқлашиш жараёни XI аср охирларигача ва ундан кейин ҳам давом этади.

XI аср охирларида айрим этник гуруҳларда ярим ўтроқлик анъаналари ҳамон давом этиб келар эди. Уларнинг қабила ва уруғ бошлиқлари, ҳатто айрим хонлари ҳам ярим ўтроқликда яшашни афзалроқ кўрганлар. Масалан, юқорида эслатилган Фарбий қорахонлар давлатининг хони Шамс ал-Мулк (1068—1080) шаҳарда турмасдан, ўз аскарлари ва оила аъзолари билан яйловда, очиқ ерда кун кечирган. У қўшинлари билан кузда Бухоро яқинидаги ерга келиб, ўтов қуриб, қишни шу ерда ўтказган; баҳор келиши билан яйловга кўчиб кетган. Аскарлари ҳам у билан

бирга ўтов ва чодирларда яшаганлар. Хоннинг буйругига биноан, қуёш ботгандан кейин жангчига кўноқ жойни ташлаб шаҳарга бориши, аҳолини безовта қилиши маън қилинган эди. Буйруқни бузган жангчилар қаттиқ жазоланган.

XII аср бошларида чорвадор қабилаларнинг кўпчилиги батамом ўтроқлашиб, нафақат қишлоқларда, балки шаҳарларда ҳам яшаб, зироатчилик, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг жуда оз қисмигина ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, деҳқончилик билан бир вақтда чорвачиликни ҳам давом этдирганлар. Аммо эндиликда деҳқончилик чорвачиликка нисбатан, уларнинг ҳўжалигида асосий ўринни эгаллаган.

Чорвадорларнинг ўтроқлашишида турғун аҳолининг таъсир доираси кучли бўлган. Бу ўлкада қадимдан яшаб келган турғун аҳоли ва илк ўрта асрларда келиб жойлашган ва кейин ўтроқлашиб кетган қабилаларнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти XI асрда келган этносларга таъсир этмасдан қолмаган, албатта. Турғун аҳолининг нисбатан тўқ, осойишта яшаши чорвадорлар катта қисмининг турғунликка ўтиш сабабларидан бири бўлган, албатта. Турғун аҳоли билан чорвадорлар орасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларнинг тобора чуқурлашиб бориши Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган этник жараённи жадаллаштиради.

XI асрда этник жараён бир неча йўналишда борган:

1) XI аср биринчи ярмида ва ундан кейин Мовароуннаҳрга келиб қолган, ҳали батамом ўтроқлашиб кетмаган этник гуруҳлар бир-бирлари билан яқинлашиб борган. Натижада айрим этник гуруҳлар ёки уруғлар ўз қабиласи таркибидан чиқиб, бошқа қабила ёки қабила иттифоқи таркибига кириб, у билан қўшилиб кетади. Бу жараён туфайли маълум бир этник гуруҳ ёки уруғ бир неча қабила ичига кириб унга қоришиб кетиши мумкин бўлган.

2) Чорвадор қабилаларнинг турғун туркийзабон аҳоли билан яқинлашиб бориши этник жараённинг муҳим йўналиши ҳисобланган. Ўтроқ аҳоли билан араллашиб қолган этник гуруҳлар, узоқ вақтларгача, уларнинг таркибида ўз этник номларини сақлаб қолганлар. Турғун аҳоли билан обдон қоришиб кетгач, этник номларини унутиб, яшаб турган қишлоғи ёки минтақаларидаги аҳоли билан ўзларини бир халқ деб ҳисоблаганлар. Аммо бир неча вақтларгача маълум этник гуруҳ

яшаган қишлоқ шу этник гуруҳ номи билан аталиб (этнотопоним бўлиб) ҳам қолган.

3) Туркий тилли аҳоли (турғун ва чорвадор қабила-лар) Мовароуннаҳрда яшовчи тожик ва араб тилли халқлар билан яқинлашиб аралашиб бориши ҳам эт-ник жараённинг йўналишларидан ҳисобланган. Улар-нинг бир-бирлари билан яқинлашиши ва аралашиб бо-риши қайси этник муҳитда яшаши билан бевосита бо-лиқ бўлган. Агар туркий этнос-гуруҳлари тожик тилли аҳоли кўп яшаган ҳудудга (этник муҳитга) тушиб қол-са, вақт ўтиши билан туркий гуруҳлар ёки уларнинг айримлари аралашиб тил жиҳатдан тожиклашиб бор-ган. Шу жараённинг тескараси ҳам юз бериб турган: тожик тилли гуруҳлар туркий тилли, аҳоли кўпчили-ки ташкил қилган ҳудудга, этник муҳитга тушиб, узоқ яшаб қолган бўлса, улар туркий тилни қабул қилиб, уларга аралашиб туркийлашиб қолган.

Араблар узоқ вақтларгача ён қўшинлари билан ара-лашмасдан келганлар. Аммо XI—XII асрлар давомида уларнинг анъанавий тартиблари бузилиб, ўзбек ва то-жик этнослари билан яқинлашиб талай қисми булар билан қўшилади. Ўзбеклар зич яшаган минтақаларда араблар ўзбеклар билан, тожиклар зич яшаган ерларда улар тожиклар билан яқинлашиб аралашган. Ўзбеклар-нинг айримларини араблар билан аралашини кўпинча никоҳ йўли билан бўлган.

Келтирилган йўналишлардан энг муҳими биринчи ва иккинчи йўналишлардир. Бу йўналишларни қатъий-лашиб бориши XI—XII асрларнинг биринчи яримла-рида Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда яшовчи туркий халқларнинг ўзаро жипслашиши яна ҳам мустаҳкамланиб, яхлит бир халқ, элат бўлиб шакл-ланишининг ниҳоясига етганлигидан далолат беради.

Юқорида элат шаклланишида тилнинг муҳим аҳами-ятга эга эканлиги ҳақида ва тил этноснинг шакллани-шидаги асосий кўрсаткичлардан бири бўлганлиги ҳамда ўзбек элатининг ташкил топишида қарлуқ-чигил тили етакчи рол ўйнаганлиги ҳақида гапирган эдик.

Қарлуқ-чигил диалекти VIII—X асрларда Еттисувда, шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Мовароуннаҳрда кенг тарқалган тил диалекти бўлган. Бу тил Қорахонлар давлатининг асосий тили бўлиб қолган эди. Шу даврларда, Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Хоразмда ўғуз тил диалекти ҳам қатъийлашиб қолади. XI аср бошларида Сирдарёнинг

қуйи оқимларига қипчоқларнинг катта гуруҳи келиб ўрнашади ва шу аср давомида қипчоқ тили Хоразм ўлкасига, Мовароуннаҳрнинг айрим минтақаларига тарқалади. Қипчоқ тили қипчоқ бўлмаган Даштиқипчоқда яшовчи қабилалар тилига ҳам таъсир қилади.

Демак, XI—XII асрларда Қорахонлар давлати ҳудудида туркий тилнинг уч йирик (қарлуқ-чигил, ўғуз ва қипчоқ) диалекти мавжуд бўлган. Сўзсиз бу диалектлардан ташқари қабилавий ҳамда ҳудудий диалектлар ҳам мавжуд эди. Лекин эслатилган уч йирик диалектнинг таъсир доираси кучли бўлган, десак хато бўлмас.

Диалектларнинг ичида қарлуқ ёки қарлуқ-чигил тили аҳоли орасида кенг ўрнашган бўлиб, бу Қорахонларнинг давлат тили ҳисобланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, X асрнинг иккинчи ярми ва XI асрларда Қорахонлар ҳукмронлик қилган ҳудудда мавжуд бўлган тил бундан олдинги асрлардаги (VIII—X аср ўрталаригача) қарлуқ-чигил тилидан бирмунча фарқ қилган. У даврда бу тилга қарлуқ қабила иттифоқи ва кейин давлати таркибидаги қабилаларнинг таъсири кучли бўлган бўлиши керак. X асрнинг иккинчи ярми — XI аср давомида қарлуқ-чигил тили тараққий этиб, мужассамланиб, умумий элат тили бўлиб қолади. Айнан шу асрга келиб қарлуқ ва унга қардош қабилаларнинг аксарий кўпчилиги ўтроқлашиб, қадимдан турғун яшаб келаётган туркий аҳоли билан аралашиб боради.

Қорахонлар давлати ичида яшовчи турғун туркий аҳолининг тили бир хил бўлмаган, бу ҳақда Маҳмуд Қашғарий аниқ маълумот беради<sup>1</sup>. Шу билан бирга турғун аҳоли орасида қарлуқ-чигил диалекти кенг ўрин олган. Лекин Қорахонлар давлати ҳудудида, хусусан унинг ғарбий қисмида яшовчи турғун аҳоли тилининг луғавий таркиби араб ва тожик терминлари билан бойиб қолган эди. Қарлуқ-чигил тили ҳам унинг тараққий этиш жараёнида тожик ва араб сўзлари билан бойиб борган, натижада бу тил XI—XII асрларда илк ўрта асрлардаги қарлуқ чигил тилларидан бирмунча фарқ қилган бўлади.

Айрим олимлар XI—XII асрларда ва ундан кейинги даврларда ёзилган кўпгина асарларни уйғур тилида ёзилган, деб айтадилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Тад-

<sup>1</sup> Маҳмуд Қашғарий. Девону луғатит турк. 1-жилд, 65—66-бетлар.

қиқотчилар кўпинча қарлуқ ва уйғур тилининг қадимий негизи бир бўлганлигини ҳисобга олмайдилар. Қарлуқ-чигил тили етакчи тил бўлиб келган ҳудудда сиёсий ҳукмронлик бир неча асрлар давомида асосан қарлуқлар қўлида бўлган. Булар ҳукмронлик қилиб келган минтақаларда ўз тилларининг устиворлигини ҳимоялаб келганлар. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, Еттисувнинг йирик шаҳарларида, Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Шарқий Туркистоннинг Фарбий қисмида, Фарғона ва умуман Мовароуннаҳрда Х—ХІ асрларда ва ундан кейин ёзилган асарларнинг аксарий кўпчилиги қарлуқ-чигил тилида, Шарқий Туркистоннинг Торим дарёси бўйларигача бўлган шаҳарларида ва бу дарёнинг шимоли-шарқида, яъни уйғурлар илк ўрта асрларнинг охирларидан яшаб келган жойларда ёзилган асарлар уйғурлар тилида, Сирдарё қуйи оқимларида, Хоразмда, Волга бўйларигача бўлган ерларда ёзилган асарлар кўпинча ўғуз ёки қипчоқ тилларида ёзилган десак, хато бўлмас.

Н. А. Баскаков, қарлуқларнинг тил группасини Х—ХІ асрларда, яъни Қорахонлар давлатида пайдо бўлган, деб ёзган<sup>1</sup>. Бунга тўлиқ қўшила олмаймиз. Бизнинг фикримизча, қарлуқларнинг тил группаси (қарлуқ-чигил тили) ІХ—Х асрлар давомида ташкил топган. Юқорида айтганларимиз бу фикримизга далил бўла олади. Қорахонлар давлати вужудга келгандан кейин (Х аср ўрталарида) қарлуқ-чигил тили яна ҳам кенг тараққий этиб, халқ тилидан адабий тил даражасига кўтарилади.

Тилшунос олимлар Маҳмуд Қошғарийнинг асарида келтирилган маълумотларга асосланиб, унинг даврида (ХІ аср) «ҳали ўзбек тили шаклланмаган эди» деган хулосага келишлари мумкин. Маълумки, Маҳмуд Қошғарийнинг асосан Еттисувдан то Энасойгача, шарқда — Хитой деворигача, ғарбда — Орол денгизи ва Ўрол тоғ олди минтақаларигача бўлган кенгликда жойлашган кўчманчи, ярим кўчманчи туркий қабилалар ҳамда шу ерлардаги айрим шаҳар аҳолисининг тиллари асосида ўз асарини ёзган. Фарғона, Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқадарё-Сурхон водийларида яшовчи турғун ва ярим ўтроқ аҳолининг тилини ўрганиш унинг вазифасига кирмаган бўлса керак. Лекин у бу ҳудудларни умумлаштириб, «Хоқо-

<sup>1</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки. М. 1961, С. 177.



ния ўлкаси» деб атайди. Унинг назарида Хоқония ўлкасида яшовчи туркий халқларнинг тили энг очик ва равон тил ҳисобланган.

Муҳаммад ибн Мансур Мерверуди (XII асрнинг иккинчи ярми, XIII аср бошлари) ўзининг «Тарих-и Муборак-шоҳ» номли асарида туркий халқларда «турк тили, араб тилидан кейин энг яхши ва таъсирли тил бўлганлиги ва унинг даврида кўпчилик бу тилни яхши эгаллаб олишга интилишларини таъкидлайди»<sup>1</sup>. Муаллифнинг айтганлари Фарбий Қорахонлар давлатининг охирги даврларига тўғри келсада, шу даврда бу тилни омма орасида тараққий этганлигидан, умум элат тили бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Муҳаммад ибн Мансурнинг айтганларидан маълум бўлишича, туркий халқларнинг ўз битиклари бўлган, улар болаларини саводли қилиб ўқитганлар. Унинг берган маълумотларидан туркий халқлар икки сўғдий ва туғуз-ўғуз алифбосини қўллаб келганлар. Сўзсиз бу алифболар Қорахонлар даврида ҳам кенг қўлланилган.

Қарлуқ-чигил тилининг такомиллашиб бориши натижасида XI—XIII асрлар давомида ўзбек элатининг адабий тили шаклланган. Шу даврларда бу тилда бир қанча асарлар ёзилган. Буларнинг ичида Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) «Қутадғу билиг», Абул Абдулғофур эл-Алмоий (XI аср) томонидан ёзилган «Тарихи Қошғар», Аҳмад Югнакийнинг (XII аср) «Хибатул ҳақойиқ», «Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, Ўрта Осиёда ёзилган (XII—XIII асрларда) «Тафсир» ва бошқалар<sup>2</sup>.

Муҳаммад ибн Мансур «турклар шеър, қасида ва рубоийлар ёзишни яхши биладилар» деб қуйидаги тўрт мисра байтни келтиради:

---

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Мансур Мерверуди. Тарих-и Муборак-шоҳ. МИС-ЦА. X—XIX Ташкент. 1988. С. 92.

<sup>2</sup> Бороков А. К. Ценный источник для истории узбекского языка. Изв. АН СССР. От. лит. и языка. Т. VIII. вып. 1. 1949, С. 67—76. Очерки истории узбекского языка, Т. II. Опыт грамматической характеристики языка «Среднеазиатского тефсира» XII—XIII вв. СВ, 1949, С. 24, 52; Очерки истории узбекского языка. Т. III. (Лексика Среднеазиатского тефиса XII—XIII вв.). Ученые записки института Востоковедения АН СССР. Т. XV. С. 138—219. А. К. Бороковнинг фикрича тафсир лексикаси XII—XIII асрларга оид, лекин унда мўгул сўзлари ва ундан кейинги даврларга (XIV—XV асрларга) оид бошқа сўзлар ҳам учрайди. Бу сўзлар балки тафсирни кейинги асрларда кўчирган кишилар томонидан киргизилгандир.

Ваъда берубсон, не учун келмассен,  
Сўз ёлғонини менинг била куймассен.  
Юзинг кун, сочинг тун қаро кўрмассен,  
Ишқингда қарорсиз эй ажаб билмассен<sup>1</sup>.

Назаримда Муҳаммад ибн Мансур келтирган рубоий тили билан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ёки Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и тили орасида катта фарқ бўлмаса керак.

Келтирилган байт тили бир қараганда Навоий ва Бобур асарларининг тилига ўхшаб ҳам кетади. Сўзсиз бу бизнинг шахсий фикримиз, эҳтимол тилшунос олимлар ўша даврларда ёзилган асарларнинг тилига бошқачароқ талқин берарлар. Бу масалага аниқлик киритиш уларга ҳавола. Аммо биз ўз фикримизда қолиб, ўзбек адабий тили тилшунос олимларнинг таъкидлаганидек XIV—XV асрларда эмас, XI—XII асрлар давомида, яъни Қорахонлар давлати доирасида вужудга келган. Кейинчалик бу тил яна ҳам ривожланиб, Навоий ва Бобур даври ўзбек адабий тилининг энг юқори даражага (нуқтага) чиққан даври эди. Маълумки, XIII—XV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги турғун ва ярим ўтроқ яшовчиларнинг кўпчилиги туркий тилли аҳоли бўлган. Буларнинг тили шу ҳудудда қатъийлашиб қолган қарлуқ-чигил тили эди. Лекин, уларнинг бу даврлардаги тилининг луғавий фонди араб, форс-тожик сўзлари билан бойиб, грамматик тизими эса бирмунча такомиллашиб қолган эди. Мазкур тилнинг тараққий этиш даражасини XIII—XV аср ва ундан кейинги асрларда ёзилган асарлардан билиб, тушуниб олиш қийин эмас. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу асрларда ёзилган асарларда ўғуз ва қипчоқ тилларининг таъсири ҳам сезиларли даражада бўлган.

Юқорида IX—X асрлар давомида Мовароуннаҳр Марказий Осиёда маданият жиҳатидан ҳам энг ривожланган ўлка бўлганлиги ҳақида гапирган эдик. Шу даврда бу ҳудудда мавжуд шаҳарлар бир мунча кенгайиб, ҳашаматли иморатлар кўплаб қурилиб, уларда илму фаннинг тараққий этганлигини қайд қилиб ўтган эдик. Қорахонлар Мовароуннаҳрни эгаллагандан кейин, XI асрнинг яримларигача мамлакат нотинч эди.

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Мансур Мерверуди. Кўрсатилган асар. 92-бет.

Қорахонлар хонадонига мансуб хону бекларнинг мансаб талашиб бир-бирлари билан уришишлари ҳамда Ғазнавийлар ва Салжуқийлар билан олиб борилган курашлари мазкур давлатнинг нафақат иқтисодиётига, балки маданиятига ҳам путур етказган. Лекин ички зиддиятлар ва ташқи сиёсий муносабатлар кескинлашиб боришига қарамасдан Қорахонлар давлатининг айрим хонлари мамлакатда осойишталик ўрнатиб, дини исломни қувватлаб илму фанни тараққий эттириш тарафдори бўлиб келганлар. Шу ўринда уқдириб ўтиш жоизки Х аср охири XI аср давомида давлатни бошқариб турган хонлар (улуғ хон ва айрим вилоят хонлари) давлатнинг олдинги хонларига нисбатан ўқимишли ва ўта диндор кишилар бўлганлар. Шунинг учун ҳам булар ислом дини пешволарига ҳомийлик қилиб келганлар. Аҳмад Арслон Қора хон (Туған хон) шу тоифадаги улуғ хонлардан бўлган. Ибн ал-Асир уни одил, ҳақиқатга қараб иш тутувчи, хушфеъл киши бўлган деб таърифлайди<sup>1</sup>. У саводли, динга берилиб кетган хон бўлиб, ўқимишли кишиларга, дин аҳилларига ихлоси баланд эди. Уларни ўзига яқинлаштириб, маслаҳат қилиб иш тутган<sup>2</sup>.

Қорахонлар сулоласидан бўлмиш Наср Арслон Илек (1012 й. ўлган) саводли, Куръону Каримни ўқиб, ёд билган, художўй киши бўлганлиги манбаларда қайд қилинади<sup>3</sup>.

Қорахонлар давлатининг улуғ хонларидан яна бири Юсуф Қодирхон ибн Харун (1026—1032) ҳам ўқимишли киши эди. У Ислом динини қаттиқ ҳимоя қилиб, бу динни кўчманчи, ярим кўчманчи қабилалар орасида қатъийлаштириш ниятида жуда кўп кураш (жиҳод) олиб борган<sup>4</sup>.

Ғарбий қорахонлар ичида ҳам одилона иш тутган хонлардан оз бўлмаган. Шулардан бири Тамғачхон Иброҳим (Бўри тегин) эди. Аувфининг ахборотига қараганда у мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатиб, уни бузган кишини қаттиқ жазолаган. Бўри тегин ўз фуқароларини қаттиқ ҳимоя қилиб, уларнинг шахсий

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир. «Китоб ал-Камил фи-т-тарих». Қаранг: МИКК, Т. I, М., 1973, С. 58.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 59-б; Жамол ад-Дин Қарши. Кўрсатилган асар. 106-бет.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху Монгольского нашествия. Соч. Т. I, С. 374—375.

мулкларига тажовуз қилган, ҳақиқа хиёнат қилганларга ҳам чора кўрилган<sup>1</sup>. Тамғачхон (Бўри тегин) диндор киши бўлиб, Ислом дини қоидаларига қаттиқ риоя қилиб келган. Аммо, айрим дин пешволари билан келишолмай ҳам қолган, ўз даврини йирик шайхларидан бири Имом Абу-л-Самарқандийни қатл этишга ҳукм чиқарган. Хоннинг бу чораси аҳоли ўртасида унга нисбатан норозилик туғдиради. Лекин хон билан руҳонийлар ўртасидаги тўқнашувда авом халқ хон томонида бўлган.

Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида кўзга кўринган талбиркор хонлардан бири Шамс ал-Мулк (1068—1080); (унинг тўғрисида кейинроқ тўхталамиз) ва унинг укаси Хизр (балки Хидр)<sup>2</sup> бўлган. Хидр (1080 й. тахтга ўтирган, ўлган йили номаълум), илмли, доно киши бўлиб мамлакатни бошқаришда одилона иш тутган: шоирларга ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантириб турган. Унинг хонлиги Ғарбий Қорахонлар давлатининг энг тараққий этган, гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу хон мамлакатда осойишталик ўрнатгандан кейин 20 йил давомида аҳоли тинч (урушсиз) фаровон яшайди<sup>3</sup>.

Самарқанд қорахонларининг номдор хонларидан яна бири Муҳаммад Арслонхон (1102—1130) эди. Бу хон ҳам художўй, мамлакатни одилона бошқаришга интилан киши бўлган. Лекин унинг даврида хонлар билан руҳонийлар ўртасида олдин бошланган рақобат давом қилиб келган<sup>4</sup>. Самарқанд шаҳрининг раиси, фақиҳ ва мударрис, Алининг авлоди, Ашраф Муҳаммад ас-Самарқандий Муҳаммад Арслонхонга қарши фитна уюштиради. Хон фитначиларни қўлга олиб, фақиҳни қатл этишга буюради. Руҳонийларнинг тарафини олиб келган салжуқийлар султони Санжар қўшин бошлаб Мовароуннаҳрга бостириб кириб Самарқандни қамал этади. Қизиғи шундаки, руҳонийларнинг катта бир қисми Санжар номига мактуб ёзиб ўз хонларини (Муҳам-

<sup>1</sup> Жамол ал-Дин Қарши «Мулҳакат ас-Сурах», МИСЦА IX—XIX вв. Ташкент, 1988, С. 107.

<sup>2</sup> Босворт К. Э. (Қаранг: мусулманские династии, М., 1971, С. 156) унинг номини Хидр деб тилга олади.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху... Соч. Т. I, С. 381.

<sup>4</sup> Бундан олдин ҳам, давлатни бошқариб келган айрим хонлар руҳонийлар фитнасининг қурбони бўлиб келганлар. Масалан, 1095 й. Хизр хоннинг ўғли Аҳмад хон руҳонийлар томонидан ўлдирилади. Бартольд. В. В. Кўрсатилган асар. 381-бет.

мад Арслонхонни) ҳимоя қиладилар. Аммо салжуқлар султони Муҳаммад Арслонхонни унга (Санжарга) суиқасд уюштирган деб айблаб, руҳонийлар мурожаатини инобатга олмай, Самарқандни забт этади. Касал ётган Муҳаммад Арслонхон Санжарнинг ҳукми билан 1130 й. Балх шаҳрига, қизини олдига жўнатилади. У кўп вақт ўтмай вафот қилади<sup>1</sup>.

XI аср ўрталарида, Қорахонлар ҳудудида, хусусан ғарбий қисмда иқтисодий ва маданий ҳаёт бир мунча барқарорлашиб шаҳар ободончилигига, меъморчилигига аҳамият берилади.

Қорахонлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, улар бу ўлкага босқинчилар бўлиб, талаб кетиш эмас, абадий қолиб, ҳукмронлик қилишни кўзда тутган эдилар. Сўзсиз бу ҳудудни эгаллагандан кейин, бир неча йиллар давомида юз берган ички зиддиятлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар билан олиб борилган урушлар вақтида шаҳар ва қишлоқларга зарар етказилган. XI асрнинг биринчи яримлари ва ундан кейинги даврларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган хоқонлар ўқимишли ва диёнатли кишилар бўлганликларидан, улар катта вайронагарчиликнинг олдини олишга масчит, мадраса ва бошқа шаҳарлардаги диққатга сазовор ёдгорликларни, ҳашаматли иморатларни сақлаб қолишга, бузилганларни тиклашга ҳаракат қилганлар.

Ғарбий Қорахонлар давлатининг кўпчилик хонлари ўша даврларда давлатни бошқариш тартибларини ифодалаб берувчи олим-фузалолар томонидан, панд-насиҳат тарзида ёзилган китоблар асосида олиб боришга ҳаракат қилганлар албатта. XI асрнинг иккинчи ярмида салжуқийлар вазири Низам ал-Мулк томонидан панд-насиҳат тарзида битилган «Сиёсатнома» асари ана шу хилдаги асарлар туркумидандир<sup>2</sup>.

Низам ал-мулкнинг таъкидлашича ҳар бир давлат бошлиғи (хон, султон) ишни ободончиликдан бошлаши лозим. У ер ости каналлар (кариз) ва каналларни қаздириши, қишлоқларни ободонлаштириши, деҳқон-

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Арслонхон ўлгандан кейин, унинг жасадини Марв шаҳрига олиб бориб, ўзи қурдирган мадрасага дафн этилган.

<sup>2</sup> Сиасет-нама, Книга о правлении Везира XI столетия, Низам ал-Мулк. Перевод, введение и примечания проф. Б. Н. Заходера. М.—Л., 1949, Низам ал-Мулк, Салжуқийлар султони Алп Арслон (1063—1072) ва Малик шоҳ (1072—1092) даврда салжуқийлар вазири бўлган. У 1092 й. Ислондаги йўналишлардан бири шиа мазҳаби тарафдорлари томонидан ўлдирилган.

чиликка шароит яратиб бериш, қўрғонлар ва янги шаҳарларни барпо қилиш билан шуғулланиши лозим эди. Хон, подшо ёки султон «баланд, кўркам биноларни ва катта йўл ёқаларида работлар қурдирсин, бу ишлари билан ном қолдиради», деб ёзган эди<sup>1</sup>.

Фарбий қорахонлар хонлари ҳам у ёки бу хилдаги панд-насиҳатдан хабардор бўлиб, улар қурилиш ишларига катта аҳамият бериб келганлар. Шу хил эътиборли хонлардан бири юқорида тилга олинган, Самарқандни пойтахт қилиб ўтирган Тамғачхон Иброҳим (1052—1063) эди. У қолдирган вақф ҳужжатларидан бирида Самарқанд мадинасининг ичида, темир дарвоза яқинида мадраса қурдиргани ҳақида гапирилади. Иккинчи вақф ҳужжатида эса Бухорода шифохона қурдиргани баён қилинади. Мадраса ва шифохона шаҳарнинг савдо марказида бўлиб, шу ердаги дўконлар ва бошқа фойда келтирадиган қурилмалар мадраса ва шифохонага вақф қилиб беради<sup>2</sup>.

Шамс ал-мулк (Тамғач хон Иброҳимнинг ўғли) ҳам ободончиликка эътибор берган хонлардан эди: у ҳам бир қанча работ, саройлар, мадраса ва масчит қурдирган. Масалан, 1078 йилда Чўлималикда, Карманага яқин жойда работи Маликни (Подшо работини) қурдирган. У қурдирган яна бир работ Самарқанддан Хўжанд томон кетишдаги йўл ёқасида бўлган<sup>3</sup>. Шамс ал-мулк Бухорода ва унинг яқинидаги ерларда қурилишлар қилган. Бу ҳақда Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида куйидагиларни ёзади: «Малик Шамс ад-Мулк дарвозайи Иброҳим олдидан кўп даромадли ерларни сотиб олиб, дарвозагача қарийб ярим фарсанг келадиган жойда гўзал боғлар барпо этди, иморатларга кўп маблағ ва хазиналар сарф қилди ва у жойга Шамсобод, деб ном берди ҳамда Шамсободга туташ қилиб подшоликка хос отлар учун бир ўтлоқ жой барпо этди ва уни қўруқ деб атади ва узунлиги бир мил<sup>4</sup> миқдорида мус-

<sup>1</sup> Сиёсатнома. 12-бет.

<sup>2</sup> Khanr M. Deux actes de wakuf d'un Qarahaniide d'Asie Central Asiatique, Paris, CCL II, S. 316—331.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Туркестан ... Т. I. С. 378.

<sup>4</sup> Мил — масофа, унинг қанчалиги аниқланмаган, «Фиёс ул-луғот»да келтирилишича бир мил 4000 зирьони ташкил этади, ҳар бир зирьо эса 24 энликдан иборат; яна шу луғатда бир мил 4000 қадамдан иборат эканлиги ҳамда бир фарсангнинг учдан бирига баробар келиши ҳам айtilган. Қаранг: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. «Бухоро тарихи», Тошкент. 1966. 98-бет. 1-изоҳ.

таҳкам девор билан ўраб, ичига бир қаср ва бир кап-тархона қурди. Бу қўруқ ичида бугу, кийик, тулки ва айиқ каби ёввойи жониворларни (ҳам) саклар ва уларни ҳаммаси ўргатилган эди. Қўруқ баланд деворлар билан ўралган бўлиб, жониворлар қоча олмас эдилар<sup>1</sup>». Шамс ал-мулк вафотидан кейин (1080 й.) тахтга ўтирган Хизрхон Шамсобоодда кўп иморатлар қурдирди. Улар ғоятда гўзал эди, деб таъкидлайди Наршахий<sup>2</sup>. Хизрхондан кейин хонлик қилган Аҳмадхон даврида Шамсобоод вайрон бўлган эди. Бухорога юриш қилиб келган салжуклар Султон Маликшоҳ томонидан бу жойлар харобага айлантирилган<sup>3</sup>. Аҳмадхон Бухорода, Жуйбар ариғи яқинида ўзига сарой қурдиради. Сарой ичида боғ, оқар сувлар ва унинг такомили учун зарур бўлган барча нарсалар жойига келтирилади. «Бу сарой ўттиз йилгача Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлиб турди», — деб ёзади Наршахий<sup>4</sup>.

Ғарбий қорахонлар хони Муҳаммад Арслон даврида (1102—1130) ҳам Бухорода йирик монументал қурилишлар қилинган. Наршахий ахборотидан маълум бўлишича Арслонхоннинг фармони билан шаҳарнинг дарвоза маҳалласида сарой ва унинг ичида ҳаммом қурдирган. Яна сарой дарвозаси олдида «мисли кўрилмаган бошқа бир ҳаммом солинди». У сарой кўп йиллар давомида Бухоро подшоларининг қароргоҳи бўлиб турди. Кейинроқ эса Арслонхоннинг фармони билан у саройни фақиҳлар учун мадраса қилиб бердилар. Сарой дарвозаси олдидаги ҳаммомни ва бир мунча қишлоқларни у мадрасага вақф қилдилар. Ўзи учун хос саройни эса Арслонхон Садыабод дарвозаси олдида қурдиришга буюрди ва уни ҳам қурдиради<sup>5</sup>. Арслонхон даврида Бухоро работининг ички девори таъмирланади. Шаҳристонда янги жоме масҷит ва унинг олдида ҳозирда сақланиб қолган баланд минор (минорайи калон) қурилди (1127).

Муҳаммад Арслонхон даврида Бухоро мадинаси таъмирланади ва унга Аҳмадхоннинг Жуйбар саройи кўчирилиб келинади<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Наршахий. Кўрсатилган асар, 33-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

XI—XII асрларда шаҳарларнинг ўсиб, обод бўлиб бориши нафақат Самарқанд ёки Бухорода, Қорахонлар давлатининг бошқа худудларида ҳам масалан, Фарғона, Шош вилоятларида, Сирдарёнинг ўрта оқимларида ҳам юз берган эди.

Фарғона водийсида, шу даврларда мавжуд шаҳарлар ҳақида маълумотлар етарли бўлса ҳамки<sup>1</sup>, аммо уларнинг кўпчилиги ривожланганлиги, йириклаштирилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар етарли эмас. Лекин айрим камчил ахборотларга таяниб айтиш мумкинки, водийдаги айрим шаҳарларда қурилишлар бўлган. Масалан, Ўзган шаҳрида XII асрда ҳашаматли масчит ва мавзолей ҳамда баландлиги 20 метрли минора қурилган. Шу даврларда Марғилон шаҳри ҳам бирмунча йириклашган эди<sup>2</sup>.

Археологик кузатувлар XI—XII асрларда Тошкент воҳасидаги шаҳарларда ҳам ўсиш бўлганлигидан далолат беради. Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги бир қанча бошқа шаҳарлар (Исфижоб, Ўтрор, Соброн ва бошқ.) ҳам йириклашган. Бу шаҳарлар асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг ўтроқлашиши натижасида янгидан қурилган уй-жойлар ҳисобига ўсган бўлиши керак<sup>3</sup>.

XI—XIII асрларда шаҳар тараққиёти Хоразм воҳасида ҳам авж олган. Унинг маркази Гурганж (Урганч) Хоразмшоҳ Маъмун II даврида (1004—1017) Шарқнинг энг йирик илмий марказларидан бирига айланади. Унда савдо, ҳунармандчилик, санъат ва фан муфассал бўлган эди. Ҳокимнинг саройида Ўрта Осиёнинг буюк олимлари — Ибн Сино, Беруний, Фаробийлар ва бошқа олиму фузалолар илм билан шуғулланганлар.

Урганч тез ўсиб борган. Бу ерда янги масчит, мадраса ва бошқа иморатлар қурилади. XII—XIII аср бошларида Урганч Текиш мавзолейи, Фахр ад-Дин Ғози Мавзолейи, Жомий масчит, осмонўпар минора (уни

---

<sup>1</sup> Худуд ал-олам. Қаранг: МИКК, Т. I, С. 44—45, Ал-Идриси (XII аср). «Нузхат ал-муштак фиктирак ал-афак. См. МИСЦА, X—XIX, С. 58—59; Ёқут ал-Ҳамави (XII аср охири, XIII аср бошлари)», «Муъд-жам ал-булдан», Қаранг: МИСЦА, С. 84—97; Абул-Фадл ибн Муҳаммад Джамал ад-Дин Карши, «Мулҳакат ас-Сурах», см. МИСЦА, С. 119—125.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Ферғана. Соч. Т. III. С. 534.

<sup>3</sup> Белинцкий А. М., Ентович И. Б.; Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. С. 200, 204, 210.



пойдевори 1011 й. бошланган)<sup>1</sup> ва бошқа қурилишлар бўлган. XI—XII асрлар давомида Хоразм воҳаси атрофида янги шаҳарлар (Гулдурсун, Кават-Қалъа, Жанпик-Қалъа ва бошқалар) қурилган<sup>2</sup>. Буларнинг ичида энг йириги Гулдурсун (7,7 га ерни эгаллаган) шаҳар бўлган. Қолганларининг саҳни унча катта бўлмаган, булар кўпроқ қўрғон типигаги қурилмалар эди.

Маълумки, Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда илму-фан кенг тараққий этган эди. Йирик шаҳарларда, масалан, Бухоро ва Самарқандда илмнинг бир неча соҳаларидаги мутахассислар (тиббиёт, фалсафа, тарих, мантиқ, астрономия, география ва бошқ.) яшаб ижод қилганлар. Уларни айримларининг номлари, масалан Ибн Сино араб, форс ва туркий халқлар дунёсига маълум бўлиб қолган эди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида бир неча ўнлаб шоирлар яшаб ижод қилганлар<sup>3</sup>. Бухоро ва Самарқандда йирик кутубхоналар бўлиб, унда араб-форс тилларида ёзилган турли соҳалардаги китоблар тўпланган ва ўз навбатида китоблар шаҳар бозорларида ҳам сотилган.

Араб ва форсий тилда асар ёзиш қорахонлар даврида ҳам давом этган. Бу тилларда Бухоро, Самарқанд, Шош ва Фарғона шаҳарларида XI—XII асрлар давомида шоирлар, адиблар, тарихчи, файласуфлар ва бир қанча бошқа соҳа мутахассислари томонидан ўнлаб асарлар ёзилган<sup>4</sup>. Демак, қорахонлар даврида ҳам илм-фан давом этиб, ҳукмронлар олиму шоирларга ҳомийлик қилиб турганлар.

Сомонийлар ва қорахонлар даврида, форс тилларида ёзилган китоблар билан бир вақтда туркий тилда ёзилган асарлар ҳам кўпая борган. Лекин уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.

IX аср бошларида Мисрда Аббосийлар халифалигида яшаган айрим туркийлар томонидан шеър, қасида-

---

<sup>1</sup> Якубовский А. Ю. Развалины Ургенча ГАИМК. Т. IV, в. 2, Л., 1940, С. 68.

<sup>2</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948, С. 167—170. Фуломов Я. Ф. Кўрсатилган асар, 165—167-бетлар.

<sup>3</sup> Абдуллаев И. Поэзия на араб. языке. «Фан», Ташкент, 1984, С. 67—175.

<sup>4</sup> Йақут ал-Ҳамаи асарида Мовароуннаҳр ва Хоразмда яшаб ижод қилган араб-форс тилида ёзган ўнлаб асар., тарихчи тилшунос ва бир қанча бошқа соҳа кишиларининг номлари келтирилади. Қаранг: МИСЦА X—XI, X вв. С. 64—75.

лар ёзилганлиги маълум. Ана шундан қиёс қилиб, Мо-вароуннаҳрда ҳам бу тилда асарлар ёзилган бўлиши керак, деб тахмин қиламиз.

863 йили Мисрда «Тулунилар» номи билан туркий давлат вужудга келади<sup>1</sup>. Давлатнинг асосчиси Аҳмад ибн Тулун бўлган<sup>2</sup>. У аввалида халифа Мутасим томонидан Миср ҳокими қилиб тайинланган. 863 йили Аҳмад ибн Тулун ҳокимиятни батамом қўлга олиб, Сурияни ва Фаластинни ҳам қўшиб йирик давлат ташкил қилади. Албатта, бу давлат халифа назорати остида бўлган.

Аҳмад ибн Тулун ўқимишли киши эди: у ва унинг ўғли Аббос туркий тилда ижод қилиб шеър ва қасидалар ёзишган. Аҳмаднинг яна бир ўғли ва вориси Хумаравейх олим киши бўлиб, туркий тилда шеър ҳам битган. Бу ҳукмронлар ўз саройларига олимларни ва шоирларни йиғиб уларга ҳомийлик қилиб келганлар<sup>3</sup>.

Миср ва Сурияда ташкил топган иккинчи бир туркий сулола Ишхидлар<sup>4</sup> деб номланган. Бу туркий давлат 933 йилдан то 969 йилгача ҳукмронлик қилган. Ишхидлар давлатини барпо этган Муҳаммад Туғчи номли киши бўлиб, унинг отаси кўп йиллар тулунар хизматида бўлган. Ишхидлар саройида ҳам туркий тил ҳукм сурган. Ишхидлар ўз атрофида олим ва санъаткорларни тўплаб (уларнинг ичида туркий тилда ёзадиганлари ҳам бўлган, албатта) уларга ҳомийлик қилиб келганлар. Абдулла ал-Фарғоний ҳам Ишхидлар саройида хизмат қилган, унга кўп иззат-икром кўрсатилган<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Erdocan Mercil, *Musulman-turk devletleri tarihi*, Ankara, 1993, 4—9-бб.

<sup>2</sup> Тулунар давлатининг номи Аҳмаднинг отаси — Тулундан олинган. Тулун 815 й. Бухоро валийси томонидан, гуломлар қаторида Бағдодга жўнатилади. Аскарний хизматида бўлиб, халифанинг ишончли кишиси даражасигача кўтарилади. Аслида Тулун туркий халқлардан бўлган. Болалари, набиралари туркий тилини яхши билганлар ва бу тилда улар шеър ва қасидалар битганлар.

<sup>3</sup> Erdocan Mercil, *Кўрсатилган асар*, 9-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 10—12-бетлар.

<sup>5</sup> Ишхид — Фарғона подшоларининг (араблар истилосигача бўлган) лақаби эди, Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Канон Масъудий. Избранные произведения. Т. V. С. 11—12. Сўғд подшолари ҳам Ишхид лақаби билан номланган. Мисрда Ишхид давлатини ташкил этган кишилар уларнинг аждодлари Фарғонадан ёки сўғддан бўлиши керак. Улар ўз ватанини унутмасдан, унга ўз садоқатларини изҳор қилиб, Ихшид лақабини олган бўлишлари керак.

Мисрда, илк ўрта асрнинг охириги юз йилликларида мавжуд бўлган туркий давлатларни эслатиб ўтишимиздан мақсад, ўша даврларда Марказий Осиё минтақаларида ҳам туркий тилда асарлар, шеърлар ёзилган бўлиши керак, деб фараз қилиш эди. Миср туркийлари Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлардан бориб қолганликлари туфайли, туркий тилларини унутмасдан, юрларидаги анъаналарини давом эттириб, она тилларида асар, шеър ва қасидалар ёзишган бўлишлари керак.

Марказий Осиёда туркий тилда ёзилган биринчи йирик асар XI асрда, Қорахонлар салтанатининг энг юқори даражага кўтарилган бир даврда вужудга келади. Бу Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган «Кутадғу билик» номи билан аталган машҳур таълим-тарбия ва одоб-ахлоққа чорловчи асар эди<sup>1</sup>. Мазкур асар ўша даврда яшаган туркий халқларнинг тилини, адабиётини, тарихини ва турмуш тарзини ўрганишдаги ягона ва бебаҳо ёдгорлик ҳисобланади.

XI асрда Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи халқларда мавжуд бўлган мақоллар, латифалар ва шеър намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг асари «Кутадғу билиг»да кўплаб келтирилган. Гарчи булар араб алифбосида ёзилган бўлса ҳамки, лекин туркий тилда баён этилган.

Хуллас, XI асрда қорахонлар ҳудудида ўзбек элати ўз адабий тилига, ёзма ҳамда оғзаки адабиётига эга бўлади. Ўзбек аждодларига хос умум элат маданиятининг шаклланиши жадаллашади.

XI аср бошларида қорахонлар Мовароуннаҳрни батамом эгаллаб, давлат ҳудудини кенгайтирадilar: Қорахонлар давлати Марказий Осиёдаги йирик давлатга айланади. Эндиликда ўзбек аждодларининг этник, иқтисодий ва маданий ривожланиши шу катта ҳудуд ичида ўтади.

Мовароуннаҳрни Қорахонлар давлатига қўшиб олишлари билан сиёсий, ҳудудий жиҳатдан ўз қардошларидан ажралиб қолган тожик ва турғун туркий халқлар бир давлат ичида, яъни Қорахонлар давлати ҳудудида бирлашишга муваффақ бўладilar. Бу халқларнинг этник, иқтисодий ва маданий тараққиёти

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг» (саодатга йўловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов, Тошкент, 1971, 7—8-бетлар.

биргаликда бир ҳудудда, бир давлат таркибида ўтади.

Юқорида қайд қилганимиздек, Мовароуннаҳрда қадим даврлардан буён туркий аҳоли турғун яшаб келган. Илк ўрта асрларда буларнинг сони бу ҳудудда янада кўпайган эди. Турғун туркий аҳоли тожиклар билан бирга, аждодлари яратган моддий бойликнинг ворислари бўлиб, уни авайлаб сақлаб, ҳимоя қилиб, ўз ҳиссаларини кўшиб, уни бойитиб келар эдилар. Бошқача қилиб айтганда, Мовароуннаҳрда мавжуд моддий ва маданий бойликни яратишда, уни сақлаб, бойитиб боришда тожиклар билан бир қаторда туркий халқларнинг ҳам ҳиссаси бениҳоят катта бўлган. Ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб келган туркий этник гуруҳлар кўчиб, Мовароуннаҳрга келиб ўрнашганлар. Уларнинг (шахсан қарлуқларнинг) бир қисми Етгисувда ва Шарқий Туркистонда яшаб қолган. Шу даврда Етгисувда яшовчи арғу, тухси, туркеш қабилаларининг айрим гуруҳлари ва Сирдарё соҳилларида жойлашган қанғли, қипчоқ ва бошқа этник элементлар ҳам кўчиб ўтган. Кўчиб келганлар асосан Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Қашқадарё ва Сурхон воҳаларида жойлашганлар. Этник гуруҳларнинг айримлари (қипчоқ, қанғли ва бошқ.) Хоразм воҳасига ҳам ўрнашган.

Кўчиб келган этник гуруҳлар маълум вақтгача Мовароуннаҳр муҳитига ўрганиб, кўникиб борганлар. Буларнинг янги жойларида батамом қолиб, туб ерли аҳоли ҳаётига мослашиб кетишида, улардан анча олдин (ўрта асрлар давомида) келиб ўрнашиб қолган қардошларининг таъсири катта бўлган албатта. Турғун аҳоли таъсири туфайли XI асрнинг биринчи ярмидаёқ, кўчиб келганларнинг кўп қисми ўтроқлашиб, қишлоқ ва шаҳарларда яшаб деҳқончилик, ҳунармандчилик, айримлари эса тижорат билан шуғулланиб келганлар.

XI асрнинг ўрталарида юқорида қайд этганимиздек, Фарбий Қорахонлар давлати мустақилликка эришади. Шу вақтдан бошлаб ўзбек элатининг иқтисодий ва маданий тараққиёти Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ўтган 40—50 йил давомида туб ерли туркий аҳоли билан кўчиб келган этник гуруҳлар деярли аралашиб уларнинг хўжалик фаолиятини қабул қилиб, турмуш тарзига мослашиб қолган эдилар. XI асрнинг иккин-

чи ярми — XII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахр худудида этник, иқтисодий ва маданий алоқалар яна ҳам ривожланиб, кўчиб келган этник гуруҳлар тургун туркий аҳоли билан батамом қоришиб кетиши туфайли этник, иқтисодий ва маданий умумийлик ҳосил бўлади. Туркий (ўзбек) адабий тили вужудга келади. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Мовароуннахрга туташ вилоятларнинг (Шош, Исфижоб, Қошғар) этник, иқтисодий ва маданий тараққиёти Фарбий қорахонлар аҳолисининг тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган. Гарчи Шош Исфижоб ва Қошғар, Шарқий қорахонлар худудида бўлса ҳамки, лекин бу худудлар этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Мовароуннахр ҳаёти билан узвий боғланиб келганлиги учун ҳам худудларда яшовчи туркий аҳоли шаклланган ўзбек этносининг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Фарбий қорахонлар мустақилликка эришгач, Шарқий қорахонлар аста-секин узоқлашиб, XI асрнинг 70-йилларида (Фарбий қорахонлар ҳақиқий мустақилликка эришгач) икки давлат ўртасида «узилиш» ҳосил бўлади: Шарқий қорахонлар ўз тараққий йўли билан, Фарбий қорахонлар ўз тараққий йўли билан кетади.

Шарқий қорахонлар аҳолисининг салмоқли қисми ҳамон кўчманчи ва ярим кўчманчилар бўлиб, уларнинг ҳаётида чорвачилик муҳим ўрин тутган. Чорвадор қабилаларда қабила-уруғ аънаналари кучли бўлган; давлат ишларида ҳам қабила бошлиқларининг таъсири катта эди. Деҳқончилик билан шуғулланиб келган қишлоқ аҳли ҳам, нисбатан кам бўлган, чунки суғорма ерлар етарли бўлмаган. Лалми экин аҳоли эҳтиёжини тўла қондиролмаган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам етарли бўлмаган. Бу тангликдан чиқишнинг бирдан бир йўли тижоратни ривожлантириш эди. Шунинг учун ҳам Шарқий қорахонлар, уларнинг худудидан ўтган «Буюк Ипак йўли»ни қўриқлаш, ундан савдо карвонларининг беозор ўтишини, савдони яна ҳам ривожлантириш чораларини кўрганлар. Савдо-сотик орқали Шарқий Қорахонлар аҳолиси ён қўшнилари — уйғурлар ва улар орқали Хитой билан алоқаларини ривожлантирадилар.

XI—XII аср бошларига қадар Шарқий қорахонлар маданиятида уйғур ва хитойликларнинг таъсири сези-

ларли даражада бўлган. XII аср бошида Шарқий Қорахонлар давлати қорахитойлар (қора киданлар) тасаруфида бўлган.

Етгисув аҳолиси, Буюк Ипак йўли орқали Мовароуннаҳр билан ҳам иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган, албатта. Аммо сиёсий узилиш туфайли бу алоқалар олдингидек бўлмаган. Чунки, эндиликда Мовароуннаҳр аҳолисининг савдо алоқалари кўпроқ Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва бир қанча бошқа Олд Осиё мамлакатлари билан ривожлана борган. Мовароуннаҳрда ишлаб чиқариладиган товарларга жанубий ва ғарбий мамлакатларда эҳтиёж катта бўлган. Шунинг учун ҳам бу товарлар (асосан ҳунармандчилик маҳсулотлари, хом ашё) кўпроқ шу мамлакатларга жўнатилган.

Мовароуннаҳр шаҳар аҳолисининг кўпайиб бориши билан уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби ошиб борган. Натижада шаҳарни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам бир қисм маҳсулотни ташқаридан олиб келиш лозим бўлган<sup>1</sup>. Ҳунармандчиликка керак бўлган айрим хом ашёлар ҳам ташқаридан олиб келинган. Демак, XI—XII асрларда савдо-сотик ишлари Яқин Шарқ ва Олд Осиё, Хоразм орқали эса Волга бўйи турклар, славян давлатлари билан ривожланиб борган; шимоли-шарқий қўшнилари билан тижорат ва маданий алоқалар нисбатан пасайиб қолган эди.

Ғарбий Қорахоний хонлари ички ва ташқи бозорнинг ривожланиш соҳасида олиб борган сиёсатидан шаҳар ободончилиги учун қилган ишлари самарали бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини моддий маданий ҳаёти бир мунча яхшиланади; давлат бошлиқларига халқ ишонади, керак бўлган тақдирда халқ хонларни қаттиқ ҳимоя қилган. Лекин Ғарбий Қорахонлар давлати қўшни давлат тажовузидан холи эмас эди. Шарқий Қорахонли хонлари бир неча бор Мовароуннаҳрда бостириб келганлар. Ғазнавийлар, салжуқийлар ва ниҳоят қорахитойлар (қоракиданлар) бу ўлкани забт этиб, мамлакат аҳолисининг тинчлигини бузиб турганлар. Аммо бу ташқи хуружлар, юз берган тобеликлар этник иқтисодий ва маданий жиҳатдан аллақачонлар шаклланди.

<sup>1</sup> Белицкий А. М., Бенгевич И. П., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии, С. 268.

ган, бу даврларга келиб (XI—XII) эса унинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган йирик бир элатни — ўзбек элатининг бирлигини бузиб, тарқатиб юборишга ожизлик қилган. XIII аср бошида (1212 й.) Хоразмшоҳ Муҳаммад Самарқандни эгаллаб Фарбий хоқонликни тугатади.

Марказий Осиёда қарийб 400 йил ҳукмронлик қилиб келган ўз даврининг йирик давлатларидан бири — Қорахонлар давлати батамом инқирозга учради. Бу давлат ўзбек давлатчилиги тарихида сермазмун воқеаларга бой давлат эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, қарлуқ-қорахонларнинг тарихга қўшган ҳиссасини ва бу давлатнинг аҳамиятини кўйидагича изоҳлаш мумкин:

Қарлуқлар Марказий Осиёда муқим яшовчи маҳаллий аҳоли билан тарқоқ яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий этносларни бирлаштириб йирик давлат барпо этдилар. Қарлуқлардан чиққан қорахонлар (улуғхонлар) бу давлатни бошқариб келдилар. Лекин бу давлат тарихий асарларда нотўғри тарзда Қорахонлар давлати деб аталган.

Қарлуқ — Қорахонлар давлати кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг турғун аҳоли билан яқин алоқада бўлиб бориши туфайли иқтисодий ва маданий ҳаётда умумийлик ҳосил бўлишига реал имкониятлар яратилади. Бу имкониятларни амалга оширишда қарлуқ қорахонларнинг хайрихоҳлиги муқим бўлган албатта.

Қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудда IX аср иккинчи ярмида ислом дини қатъий ўрнашиб қолади. Кўп динга эътиқод қилишдан ягона бир динга ўтиш билан Марказий Осиё халқларининг маданияти ва маънавиятида тубдан ўзгариш рўй беради. Эндиликда илму фан, маърифат ислом дини таълимоти асосида тараққий эта бошлади.

IX—X асрларда ўзбек халқининг тарихида яна бир муқим воқеа юз берди: ўзбек аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланадилар. Элат шаклланишидаги асосий кўрсаткичлар (этник, ҳудудий, иқтисодий, маданий, ўзлигини англаш ва бошқ.) шаклланган бўлса ҳам, аммо уларнинг шаклланиш жараёни бу асрларда ниҳоясига етмаган эди; бунинг учун маълум давр — ўтиш даври керак эди.

XI аср ўрталарида Фарбий қорахонлар мустақил ҳукмронлик қила бошлагач, ўзбек халқининг этник

жараёни шу хоқонлик ҳудудида (Мовароуннаҳр) давом этади. Бу ҳудудда ўзбек халқининг этник, ҳудудий, иқтисодий, маданий ва бошқа этник белгиларида умумийлик ҳосил бўлиб, ўзбек элатининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади.

IX—XII асрлар Марказий Осиёнинг маданий юксалиш даври эди. Қорахонлар давлатининг тарихи, унинг барпо бўлишидан (840) то инқирозга учраган вақтигача (1212 й.) шу давр билан бевосита боғлиқ. Бу асрларда мавжуд бўлган иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар Қарлуқ давлати билан бевосита боғлиқ. Қарлуқ қорахонлари қарийб икки юз йил давомида Фарбий хоқонликда ҳукмронлик қилиб, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар ва Қорахитойлар (қоракидан) тажовузларига қарамасдан (вақтинча қарам бўлсалар ҳам) давлат бутунлигини сақлаб қолганлар. Улар давлатнинг иқтисодий, маданий тараққиётида, шаҳар қурилишларида, меъморчиликда ўз ҳиссаларини қўшиб, қадимги ёдгорликларни сақлаб, авлодларига мерос қолдирганлар. Шу даврда шаҳар ва қишлоқлар бирмунча обод бўлиб, халқнинг фаровонлиги яхшиланиб, аҳоли сони кўпайиб қолган эди.

### 3. ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни Марказий Осиёдаги бошқа туркийзабон халқлардан бир мунча фарқ қилади.

Ўзбек элатининг минтақадаги бошқа туркийзабон халқлардан фарқ қиладиган хусусиятларидан бири шуки, ушбу элатнинг аجدодлари туб ерли этник birlikлар асосида, яъни икки тил (туркий ва эрон) туркумидаги халқларнинг аралашуви жараёнида вужудга келган. Бошқа туркийзабон халқлар ҳам (масалан туркманлар) маълум даражада ўзга тилли этнослар билан аралашганлар. Аммо ўзбек аجدодлари таркибига кирган эрон тилли компонентлар, бошқа туркий халқларга нисбатан кўпроқ бўлган албатта.

Икки тил гуруҳидаги этносларнинг аралашиб бориш жараёни Марказий Осиёда қадимдан сак-масагетлар, бактрийлар, хоразмийлар, суғдиёналиклар, тохарлар ва бошқалардан бошланган. Милоддан олдинги бир мингинчи йилларнинг охирларида Сирдарё бўйларида Қанғ давлати ташкил топгач, халқларнинг бир-



бирлари билан яқинлашиш ва аралашиш жараёни бир-мунча кучаяди.

Қанғ давлати доирасида қадимий эрон тилида гапирувчи турғун халқлар ва Етгисувда, Шарқий Туркистонда Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи қабилалар яқинлашиб, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлиб келганлар. Аммо шу алоқалар натижасида бу ҳар иккала тил гуруҳидаги халқлар қисман аралашиб борадилар ва буларнинг қўшилишларидан милоддан олдинги II—I асрлар давомида Сирдарё ўрта оқимида жойлашган янги туркий-забон этнос вужудга келади, деган эдик олдинги боблардан бирида.

Милодий II—III асрларда туркий тилли этнослар бирмунча кучайиб иқтисодий ва маданий тараққиёт ривожланиб бориши натижасида янги элат шаклланади. Бу элат қанғар элати эди.

Қанғар элати илк даврларда Марказий Осиёда ташкил топган йирик этник бирлик бўлган. Қанғ давлати емирилиши билан милодий V аср ўрталарида унинг таркибидаги халқлар ва қабилалардан Марказий Осиёда янги сиёсий уюшмалар ва этник бирликлар вужудга келади. Турк хоқонлиги даврларида VI—VIII асрларда турк ва суғд тилли халқларнинг ўзаро яқинлашиши, аралашиш жараёни давом этади. Бу жараён бутун ўрта аср давомида ривожланиб келган. Ана шу жараён тўғрисида Марказий Осиёда маданияти ва турмуш тарзи, урф-одатлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган икки қардош этнос ўзбек ва тожик халқлари шаклланган.

Марказий Осиёда феодализм босқичида элат бўлиб шаклланган халқларнинг (туркман, қирғиз, қорақалпоқ, қozoқ, тожик ва бошқалар) ўзига хос этник номи (этноними) бўлган, кейинчалик шу номлар уларнинг миллат номи ҳам бўлиб қолган. Илк ўрта асрларда шаклланган ўзбек халқи аجدодлари қатъий бир номга эга бўлмаган. Ўзбек халқи аجدодлари элат бўлиб шаклланган кезларда (IX—X аср) унинг этник номи вақти-вақти билан ўзгариб турган: турк, қарлуқ турклари, Қорахонлар, хоқонийлар ва бошқалар.

«Турк» атамаси қадимги туркий тилдаги манбаларда милодий V аср ўрталарида тилга олинади<sup>1</sup>. 440 йили

<sup>1</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники. М., 1964. С. 18.

Олтой тоғларига келиб ўрнашган Ашина бошлиқ 500 оила «турк» номини олган<sup>1</sup>. Олтой тоғларида, айна шу даврларда туркий тилда сўзловчи (гарчи ўзларини «турк» деб атамаган бўлсалар ҳам) хун этник гуруҳлари яшар эдилар. Ашина<sup>2</sup> бошлаб келган оилалар хун этник гуруҳлари билан аралашиб бориши натижасида турк этник номи буларга ҳам тарқалган. Хуллас, VI—VIII асрларда турк атамаси Ашина авлодлари ва улар билан қоришиб кетган Фарбий Мўғулистон ҳудудида ташкил топган давлат Турк хоқонлиги номини олган. Турк хоқонлиги таркибига кирган қабилалардан фақат Ашина авлодларидан, хун этник гуруҳлари қоришмасидан ташкил топган этник уюшма «турк» номи билан аталган. Турк хоқонлиги Фарбий ва Шарқий хоқонликларга бўлинади (588 й.). Ҳар иккала хоқонликни ҳам Ашина авлодлари бошқарганлар. Аммо хоқонлар томонидан тобе этилган қабилаларга нисбатан турк атамаси қўлланилмаган. Масалан, Фарбий Турк хоқонлиги икки йирик қabila иттифоқидан (дулу ва нушиби) ташкил топган эди. Буларнинг ҳар бирининг таркибида бештадан (жами ўнта) қabila мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам Фарбий турк хоқонлиги «ўн ўқ» (ўн қabila) номи билан қадимги туркий битикларида тилга олинади<sup>3</sup>. Булар ўзларини турк атамаганлар. Фарбий хоқонлик, Шарқий турк хоқонлиги каби Ашина авлодлари (зодагон-

---

<sup>1</sup> Ашина аждодлари хунларнинг хэлан қабиласидан деган фикр мавжуд (Қаранг: Кляшторный С. Г. Кўрсатилган асар, 111-б.) Милодий 339 й. Тобос қабиласи хунларга ҳужум бошлаб, улар устидан ғалаба қозонади. Хитойнинг хунларга шимолдаги хэсэ худудларидан (Ордоснинг ғарбида, Наншан билан Хуанхе дарёсининг бурилишида жойлашган вилоят) Ашина бошлиқ катта бир гуруҳ кўчиб Олтой тоғ олди районларига келиб ўрнашган эди.

<sup>2</sup> Ашина Мўғул тилидаги шино ёки чино сўздан ташкил топган бўлиб, турк тилидаги «бўри» сўзига тўғри келади. Сўз олдидаги «а» перефекси хитой тилида ҳурмат-сифат белгиси ҳисобланган. Демак, Ашина улугвор бўри деган маънони англаган (Қаранг: Гумилев Л. Н. Древние тюрки, М. 1967. С. 23). Бўри узоқ ўтмишда хун қабилаларидан бирининг тотеми бўлиши ҳам мумкин, Хитой солномаларида турк атамаси тукю, тугю, дулга тарзида берилган (Қаранг: Н. Я. Бичурин, Кўрсатилган асар, 227-б.), дулга сўзи Муғул тилида қалпоқ (темир қалпоқ — дубулға) демакдир. Олтой тоғларининг марказий қисмидаги чўққи қалпоқ шаклида бўлиб қўрилганлиги туфайли Олтой тоғларига келиб ўрнашган Ашина авлодлари туркю-турк номини олган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича турк атамаси «кучли», «қувватли» деган маънони англаган. (Қаранг: Гумилев, Кўрсатилган асар, 22-бет.)

<sup>3</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л. 1951, С. 66, 68, 69.

лари) томонидан бошқарилган ва шунинг учун ҳам бу хоқонлик Фарбий турк хоқонлиги номи билан тарихга кирган.

Турк хоқонлиги инқирозга учрагандан кейин, VIII—X асрлар давомида ва ундан кейин ҳам, туркийзабон халқлар ва қабилаларнинг талай қисми ўз этник номлари билан бир вақтда, турк хоқонлиги даврида онларига сингиб қолган турк эканликларини ҳам эслан чиқармай сақлаб келганлар. Собиқ турк хоқонлигида турк атамаси билан номланиб келган қабилалар қаерда (мамлакатда, ўлкада, вилоятда) яшамасинлар бир-бирларини қардош ҳисоблаганлар. «Турк» атамаси кўпчилик қабилалар учун этник ном эмас, тил умумийлигини англатувчи сўз бўлиб ҳам келган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий Хитойдан то Рум чегараларигача бўлган катта худудда яшовчи туркий қабилаларни тилга олиб, уларнинг кўпчилигини турклар деган. Булар қуйидагилар: печенег (бижанак), қипчоқ, ўғуз, чигил, йамак (кимак), бошқирт, басмил, қай, йабаку, тотор, қирғиз, тухси, яғмо, иқроқ, йоруб, йамул, (жумул) уйғур<sup>1</sup>. Сўзсиз Маҳмуд Қошқарий «турк» деб кўрсатилган қавмларнинг тил бирлигини назарда тутган.

Қорахонлилар даврида (IX—XII асрлар) халқларнинг онгида умумтурк тушунчаси бир мунча кучаяди. Бу тушунчанинг кучайиб боришида ўша даврларда кенг тарқалган халқ дostonлари, афсоналар (масалан, Афросиёб<sup>2</sup>), ўғузхон ва бошқалар муҳим роль ўйнаган. Қорахонлар ўз мавқеларини, обрўларини ошириш йўлида ўзларини Афросиёб<sup>3</sup> хонадонидан, унинг авлодлари<sup>4</sup> деб эълон қилганлар ва шу билан келиб чиқишлари (аждодлари) Афросиёбдан (Афросиёб болалари) тарих олиб келаётганлигига даъво қилганлар<sup>5</sup>.

Сўзсиз турклар орасида мавжуд бўлиб келган афсоналар уларнинг онгида турклигини қатъийлашиб қоли-

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк, 1-жилд, 1960, 164-бет.

<sup>2</sup> Григорьев В. В. Караханиды в Мавераннахре по тарихи Мунажим-баши в османском тексте, СПб, 1874, С. 20.

<sup>3</sup> Рашид-ад-дин. Сборник летописей, М-Л., 1952, С. 81—83 ва бошқа бетлар. Кононов А. Н. Родословная туркмен, соч. Абу-л-Гази хана хивинского, М-Л., 1958, С. 40—45.

<sup>4</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк, 1-жилд, Тошкент, 1960. 3-жилд, Тошкент. 1963. 172-бет. Ибн ал-Асир, Китаб ал-Камил фи-т-тарих, МИКК Т. I, М., 1973, С. 64.

<sup>5</sup> Қорахонлар сулоласи араб-форс тилли манбаларида «Афросиёб хонадонига» қиёс қилиб, тилга олинган. Қаранг: Бартольд В. В. К истории Мерва. Соч. Т. IV, М., 1966, С. 191.

шига ва келиб чиқиши турк эканлигига буткул ишонч ҳосил қилинган. Шунинг учун ҳам айрим этник гуруҳларнинг онгида турклик тушунчаси сингиб, турк атамаси улар учун этник ном ҳам бўлиб келган. Масалан, Мўғулистонда VIII асрда турк номи билан аталган этнос мавжуд бўлган. Бу этнос кейинги асрларда, ўз номини батамом йўқотиб юборган<sup>1</sup>. Шарқий Туркистонда яшаган этник гуруҳлардан бири «Оқ кийимли турклар» деб номланган<sup>2</sup>. Маълумки Фарбий турк хоқонлигидаги етакчи қабила иттифоқларидан бирининг номи туркеш эди. Бу атамани О. Прицак «турк-еш» деб ўқийди<sup>3</sup>. «Ёш» — теленгитлар тилида кичиклантирувчи суффикс бўлиб, «кичик турк» (кенжа турк), «туркча» деган маънони англатган. Бу ном билан Ил воҳасида яшовчи халқларга, улар хоқонликларига етакчилик қилиб келаётган туркларга қўшилганликлари (балки мажбурий қўшиб олингандирлар) учун «туркеш» (кичик турк) номини олгандир. Турк атамаси элат, кейинчалик миллат номи бўлиб туркманларда<sup>4</sup>, Анатулия (усмонли) туркларда сақланиб қолган. Ўзбек халқининг таркибидаги, Фарғона водийсида ва Зарафшон тизма тоғлари ён бағирларида яшовчи бир гуруҳ ўзбек аҳолиси ҳам ўзларини турк этник номи билан атайдилар.

Қарлуқ давлати чегарасида шаклланган ўзбек халқининг аجدодлари маълум вақтгача «қарлуқ» (қарлуқларнинг ўзларидан ташқари бу атама шу давлат таркибидаги бошқа қабилалар, ўтроқ аҳолига ҳам тааллуқли) «қарлуқ турклари» ёки «хоқонликлар»<sup>5</sup> деб номланганлар. Албатта, бу атамалар шаклланган элат номи бўлмасдан, кўпроқ мазкур давлат ҳудудида яшовчиларни, давлат фуқароларини ифодалаган умумий ном. Лекин, шу билан бир вақтда «қарлуқ» атамаси шу давлат ичидаги бир қанча қабила ва ўтроқ аҳоли учун этник ном ҳам бўлган. Аммо ўша даврларда тез-тез такрорланиб турган феодал курашлар, хоқонлар ўртасидаги зиддият-

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Очерки истории Туркменского народа, соч. Т. II. ч. I, С. 553.

<sup>2</sup> Малявкин А. Г. Уйгурское государство в IX—XII вв. Новосибирск, 1983, С. 138, 141, 143.

<sup>3</sup> Гумилев Л. Н. Ритмы Евразии, М. 1993, С. 352.

<sup>4</sup> Туркман этноними пайдо бўлганлиги ҳақида қаранг: Абу-Райхан ибн Ахмед ал-Беруни. Соб.с вед. для познания драгоценностей (минералогия) Изд-во АН СССР, Л., 1963, С. 193.

<sup>5</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. 1-жилд, 66-бет.

лар, қабилавий урушлар, айрим вилоятларни мустақилликка интилишлари ва бошқа сабаблар туфайли «қарлуқ» атамаси мавжуд бўлган сиёсий тузум чегарасидаги этносларга доимий ном (этноним) бўлиб қолмаган.

IX—XII асрларда (ва ундан ҳам кейинги асрларда) Чиндан то Румгача, Олтой тоғларидан то Эрон, Ҳиндистон чегараларигача бўлган катта ҳудудда қадимдан яшаб келган туркийзабон халқларнинг тил умумийлиги асосида, баъзи манбаларда «турк» ёки «турклар» деб айтилган<sup>1</sup>. Бу сўзлар этноним бўлмадан, туркийзабон халқларнинг тил умумийлигини англатувчи иборалар эди, холос. Сирдарёдан то Жанубий Сибир ерларигача бўлган кенглик (IX—XII асрлар ва ундан ҳам кейинги асрларда) Туркистон (турклар диёри) деб аталган<sup>2</sup>.

IX—XII асрларда ўзбек элатининг таркибига кирган, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ этник компонентларнинг излари кучли бўлган. Уларда уруғ-қабилачилик тартиблари муносабатлари кучли бўлган уруғ-қабил

---

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Мансур Мерверуди «Тарих и Муборак-шах». В кн.: Материал по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв. Ташкент. 1988, С. 91.

<sup>2</sup> Туркистон ҳудудининг географик чегараси ўрта асрлар давомида бир неча маротаба ўзгарган. Турклар Мовароуннаҳрни эгаллагач (VI аср) Амударёнинг шимолий соҳилларигача бўлган ерлар Туркистон деб номланган. (Қаранг: В. В. Бартольд. Туркистон Соч. Т. III. С. 518). Табарий (X аср) Амударёнинг шимолий қирғоқларигача бўлган ҳудуд «турк хоқонлигига тегишли» деб аниқ ёзган эди; Табарийнинг бу ерда айтганлари VII асрга оид. Арман тарихчиси Себеос (VII аср) Дихистон ҳудудини ҳам Артек дарёсининг шимолида, Каспий денгизининг яқинидаги вилоятларни ҳам Туркистонга киритган. Қаранг: В. В. Бартольд. Кўрсатилган асар. 518-бет. Араблар Мовароуннаҳрга эгалик қилгач (VIII аср) Туркий аҳолининг талай қисми Сирдарёнинг шимолидаги ҳудудларига силжиб кетгач X—XII асрларда (ундан ҳам кейинроқ) ўтган араб тарихчи-географларининг асарларида (масалан ибн Ҳовқал, Утби, Идриси, Ёкут-ал-Ҳамави ва бошқалар) Туркистон деб Мовароуннаҳр ҳудудидан шимолдаги ерларга айтилган. (Қаранг: Материал по Истории Средней и Центральной Азии X—XIV вв., С. 45, 58, 59, 78, 79, 85, 86 ва бошқалар).

Рус тарихий адабиётларида рус Туркистони, Хитой Туркистони ва Афғонистон Туркистони ҳамда Шарқий ва Фарбий Туркистон географик номлари учрайди. (Қаранг: Бартольд В. В. Кўрсатилган асар. С. 519—520-66.) Хитой Туркистони деб Шарқий Туркистонга нисбатан айтилган. XVII аср Сайхун (Сирдарё) соҳилидан Мўғулистонгача бўлган ерларни «Шарқий Туркистон» деб ёзади Маҳмуд ибн Вали. Қаранг: Море тайн относительно доблестей благородных (география). Введение, перевод, примечания, указатели Б. А. Ахмедова. Т. 1977. С. 32.

лачилик тузуми, қабила иттифоқлари мавжуд бўлган давлат ташкил топган бўлса ҳам бу тартибга риоя қилиниб келинган. Чунки ўша давр хоқонлари (хонлари) қабила иттифоқлари ва кучли қабила бошлиқларига таяниб давлатни идора қилиши мумкин бўлган. Масалан, чигил беклари, яғмо қабила иттифоқи саркардалари қарлуқ хоқонларининг ишонган кишилари ҳисобланган; уларнинг маслаҳатсиз иш олиб бориш қийин эди. Бу қабилалар қарлуқ давлати таркибида элат бўлиб шаклланиш жараёнини ўтаётган бўлсалар ҳам, лекин қайси элдан деб сўраганда (ўша кезларда) аввал уруф номини, кейин қабила ва қабила иттифоқининг номини айтар эдилар, албатта. Сўзсиз, уруф-қабилачилиكنинг кучлилиги боис, давлат чегарасидаги аҳоли онгида элат номининг ўрнашиб қолиши қийин бўлган. Шунинг учун ҳам, Қарлуқ ва Сомонийлар давлати ҳудудида шаклланган ўзбек аждодларида (гарчи булар бир халқ бўлсалар ҳамки) умумлашган (яҳлит) элат номи бўла олмаган. Мазкур давлат ҳудудида жойлашган тургун яшовчи аҳоли, юқорида айтганимиздек ўзларини яшаб турган жой номлари билан ёки йиғинди (умумий) ном билан атаб келганлар.

IX—X асрларда элат бўлиб шаклланган ўзбек аждодларининг умумий номи (этноними) бўлмаса ҳам, уларда ўзлигини англаш ҳиссиёти кучли эди. Ўзбек элати, қўшни элатлар, қабилалар билан яқин тилда (турли лаҳжаларда) сўзлашган бўлишларига қарамасдан ўзларини баъзи хусусиятлари билан (маданияти, тил лаҳжаси, урф-одатлари, диний эътиқодлари ва бошқалар) улардан фарқ қилишларини сезар эдилар. Бошқача қилиб айтганда «улар (масалан уйғурлар, қирғизлар) ва бизлар» («қарлуқлар», «хоқонликлар») деган иборалар билан бир халқни иккинчи халқдан (айрим хусусиятларини ҳисобга олиб) ажратиш ҳиссиёти элатлар орасида кучга кириб қолган эди.

Этник ном ва ўзлигини англашдан ташқари маълум бир халқнинг этник бирлик (элат) бўлиб етишиш даражасини белгиловчи яна бир қанча бошқа кўрсаткичлар (иқтисодий, маданий, сиёсий, тил, ҳудуд бирлиги ва бошқалар) ҳам мавжуд. Буларнинг кўпчилиги ҳақида бошқа бобларда гапирилган. Бу ерда уларнинг айримларини, қисқа тасвирлаб ўтиш жоиздир.

Қарлуқлар даврида (IX—X), улар ҳукмронлик қилган катта ҳудудда бир қанча ўтроқ (турк, тожик) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи этник гуруҳлар яшаганлигини

бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик. Бу ҳудудда яшовчи туркийзабон аҳолининг лаҳжаларида фарқ бўлганлигини Маҳмуд Қошғарий ўз асарларида кўрсатган. Шу билан бир вақтда олим уларнинг барчаси тушунадиган умумий тил (элат тили) мавжуд бўлганлигини ҳам қайд қилган<sup>1</sup>. Ана шу кўпчиликка тушунарли тилни Маҳмуд Қошғарий «ҳоқония» тили деб ёзган. Мазкур тил IX—X асрлар давомида шаклланган бўлиб, кейинги асрларда яна ҳам такомиллашиб борган.

Қарлуқлардан кейинги йирик этнос чигиллар бўлган<sup>2</sup>. Ҳар иккала қардош қабилаларнинг тилларида фарқ бўлмаган, уларнинг лаҳжалари (қарлуқ чигил лаҳжаси) IX—X асрларда шаклланган ўзбек элатининг асосий тили бўлган десак эҳтимолдан холи бўлмас.

Қарлуқ қорахонлари ҳудудида бошқа туркий қабилалар (яғмо, арғу, тухси, ёбаку ва бошқалар) ҳам бўлганлиги ҳақида гапирган эдик. Буларнинг лаҳжалари қарлуқ-чигил диалектидан бир мунча фарқ қилганлигини Маҳмуд Қошғарий ўз асарида қайд этган<sup>3</sup>. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўзбек элати таркибидаги этносларнинг тиллари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилишлари уларни шаклланган ўзбек элатининг таркибий қисми бўлганлигини инкор қиладиган сабаб бўла олмайди. Чунки шу даврда (X аср) қабилавий ва айрим ҳудудий лаҳжаларидан ташқари элатнинг барча фуқароларига тушунарли умумий диалекти кучга кирган бўлган. Бу диалект қарлуқ чигил лаҳжаси асосида вужудга келган Қарлуқ-Чигил шеvasи эди.

«Этник ҳудуд» бир тилли этносларнинг аниқ бир ҳудудда яшаши кишилиқ жамоа уюшмасининг (элатнинг ва миллатнинг) шаклланишидаги шартлардан бири ҳисобланади. «Этник ҳудуд»да яшовчи турғун аҳоли ва қабилалар бир-бирлари билан яқинлашадилар ва элат бўлиб уюшиш жараёнини ўтайдилар. Назарий жиҳатдан шундай бўлиши керак. Аммо ҳамма вақт ҳам этник жараён шу хилда ўтавермаган. Аниқ бир ҳудудда яшовчи туркийзабон халқлар тил жиҳатидан яқин бўлсалар ҳам, этник жиҳатдан улар хилма-хил бўлганлар, уларнинг бир қисми элат шаклланишида қатнашса, бошқа бир қисми бу жараёнда иштирок этмаган бўлиши ҳам мумкин. Демак, шаклланаётган элатнинг

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк, 1-жилд.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк, 1-жилд, 66-бет.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 66-бет.

негизини ташкил қилган этносларнинг барчаси бир даражада этник жараёнда иштирок этолмаган.

Қарлуқлар ва уларга қардош чигил қабиласи Марказий Осиёда энг йирик этнослардан бўлиб, илк ўрта асрларнинг охирларида, уларнинг катта қисми ўтроқлашиб шаҳар ва қишлоқларда яшаб, бошқа тил гуруҳидаги (масалан сўғдийлар) аҳолини турклашувига катта ҳисса қўшган. Айни бир вақтда қарлуқ-чигиллар бошқа туркийзабон қабилалар билан ёнма-ён яшаб, уларга узоқ вақт давомида етакчилик қилиб келган қабиалардан ҳисобланганлар. Шунинг учун ҳам, IX—X асрларда, Қарлуқ-Қорахонлар давлати ҳудудида жойлашган аҳолининг кўпчилиги қисми учун қарлуқ ёки чигил лаҳжаси умум элат тили бўлиб қолган. Лекин шу билан бир вақтда элат ичида қабилавий лаҳжалар ҳам мавжуд бўлган албатта.

Маълум бир ҳудудда, аниқ бир давлат чегарасида элат шаклланиш жараёнининг ўтиши ҳам этноснинг муҳим белгиларидан ҳисобланади деган эдик. Албатта, элатнинг бу шартли белгиси ҳамма ерда ва барча халқларда бир хил бўлавермаган.

Маълумки, қарлуқ давлати IX—X асрларда жуда катта ҳудудни эгаллар эди. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб шаклланаётган даврларда, унда иштирок этган этносларнинг катта қисми Талас ва Чу дарёси ҳавзасида, Сирдарё соҳилларида, Тошкент воҳаларида, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Фарғонанинг шимоллий минтақаларида, Мовароуннаҳрда яшаган. Ўзбек элатининг асосий ўзаги айна шу ҳудудларда шаклланган бўлиши керак. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек элатининг шаклланишида бу ҳудудларда яшовчи этносларнинг барчаси бир хилда иштирок қилмаган. Қарлуқ давлати ҳудудида яшаган айрим этник гуруҳлар, масалан, ёбақу, ёруқ (жориқ) ва бошқалар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашмаган бўлишлари ҳам мумкин. Арғу, тухси, бижанак, қипчоқ, туркеш қабилаларининг бир қисми ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган бўлсалар, уларнинг иккинчи қисми ёки айрим гуруҳлари (қарлуқ хоқонийларининг итоатида бўлсалар ҳам) бу жараёнга қатнашмасдан ўз қабила тузумини, мустақиллигини сақлаб келганлар. Булар Етгисувда, Шарқий Туркистонда қолиб, кейинчалик бошқа давлат ва элатлар таркибига кириб қолганлар. Демак, бир ҳудудда жойлашган этносларнинг барчаси бирдек шаклланаётган элатга иштирок қилолмаганлар,



элатга шу ҳудудда жойлашган, асрлар давомида ёнма-ён ва аралаш яшаб (олдинлари бошқа тилда сўзлашган бўлса ҳамки) келган, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти бир-бирларига яқин бўлиб қолган этнослар ёки уларнинг маълум қисми қатнашиши мумкин бўлган.

Шаклланган ўзбек элати асосини ташкил қилган этносларнинг айрим гуруҳлари бошқа ҳудудларда яшаб, ўз уруғдошларидан ажралиб, уларни элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнаша олмаганлар. Масалан, айрим қарлуқ этник гуруҳлари Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Орол денгизи яқинидаги чўлларда, Афғонистонда, Ҳиндистоннинг шимолида, Олд Осиёда (Анатулия ярим оролида) жойлашиб қолган эдилар. Булар яшаб турган ҳудудларидаги халқлар билан асрлар давомида бирга яшаб, улар билан қоришиб кетганлар. Аммо ўз этник номларини (қарлуқ этнонимини) яқин вақтларгача сақлаб келганлар (масалан Афғонистон қарлуқлари).

Назарий жиҳатдан яна бир муҳим масала — элат шаклланиш жараёнининг маълум бир давлат доирасида (давлат ҳудудида) ўтиши ҳам этногенетик жараён шартларидан бири ҳисобланади. Аммо Марказий Осиё шароитида бу шартга ҳам тўла риюя қилиш мумкин бўлмаган. Масалан, тожик гуруҳлари IX—X асрларда нафақат Сомонийлар ҳудудида, қарлуқ ва уйғур давлати ҳудудларида ҳам яшаганлар: уларнинг маълум қисми тожик этносини шаклланишида (Сомонийлар давлати чегарасидан ташқарида бўлсалар ҳам) қатнашган. Тожикларнинг баъзи гуруҳлари Қарлуқ ва уйғур давлати ҳудудларидаги аҳолига аралашиб, қоришиб кетган. Ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёнида қатнашган туркий этник гуруҳларининг талай қисми Сомонийлар давлати ҳудудида (Мовароуннаҳр ва Тохаристонда) ҳам яшаган. Буларнинг салмоқли қисми қадимдан қишлоқ ва шаҳарларда турғун яшаб келса, иккинчи қисми воҳалар атрофидаги чўлларда, тоғли ерларда ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечириб келган. Воҳада яшовчи туркийзабон аҳоли илк ўрта асрларда Сирдарё бўйларида ва унинг шимоли-шарқидаги вилоятларда яшовчи этнослар (қанғли, ўғуз, қипчоқ, қарлуқ, арғу, тухси, туркеш ва бошқалар) қон-қариндош риштаси билан бевосита боғлиқ бўлган; этносларнинг айрим гуруҳлари вақт-вақти билан Сирдарёнинг чап соҳилига ўтиб, воҳада яшовчи қардошлари билан қўшилиб туриш ҳоллари ҳам бўлган. Сомо-

нийлар даврида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган туркийзабон этнослар Ислом динини қабул қилган, албатта. Ўзга динда бўлган кишилар, этник гуруҳларнинг Мовароуннаҳрга келиб доимий яшашлари қийин эди. Сомонийлар ўз худудларини ёмон ният билан, ёвузлик билан бостириб кирувчи кўчманчи қабилалардан ҳимоя қилганлар. Ислом динини қабул қилиб, нажот сўраб, ўтроқ яйловларга рухсат сўраб келганларга қаршилик қилмаган бўлсалар керак.

Мовароуннаҳрда яшовчи туркийзабон аҳоли Сомонийлар давлати худудида бўлсалар ҳам, қарлуқ давлатида жойлашган қардошларидан буткул ажралиб кетмаганлар; улар бир-бирлари билан этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Буларнинг онгида ҳам умумтуркийлик тушунчаси қатъий ўрин олган албатта.

Сўзсиз, Мовароуннаҳрда қадимдан турғун яшаб келаётган туркийлар Қарлуқлар давлати таркибидаги қардошларига нисбатан маданий жиҳатдан бир мунча олдинда эдилар. Буларнинг тараққиёт даражаси Сомонийлар давлатидаги барча фуқароларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган.

Бир неча асрлар давомида икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида тожик халқининг аجدодлари билан ёнма-ён, баъзан аралаш яшаб келган Мовароуннаҳрнинг турғун яшовчи туркийлари асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат ишлари билан шуғулланиб келганлар: буларнинг ичида форс-тожик, араб тилларини ўзлаштирган ўқимишли кишилар оз бўлмаган; тилларида форс-араб иборалари кўпроқ ўрнашиб қолган бўлиши керак. Воҳа атрофларида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи туркийзабон этник гуруҳлар ҳам турғун яшовчи қардошлари ва форс-тожик аҳолисининг таъсирида ўтроқлашиб, воҳаларда яшовчи туркийзабон аҳолининг сон жиҳатидан кўпайиб боришини таъминлаганлар.

Мовароуннаҳр туркларининг юксак маданий савияси кейинчалик (Қорахонлилар бу ўлкани эгаллагандан кейин) Сирдарё соҳилларидан, Етгисувдан келиб ўрнашган туркийзабон қардошларининг ўтроқлашишини тезлаштиришга ва ўзбек элатининг шаклланиш жараёни охишлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Баъзи кишиларда, сомонийлар худудида яшовчи туркийзабон этнослар ўзбек элатининг шаклланиш жараёнига қатнашган бўлишига шубҳа билан қарашлари

мумкин. Этник жараёни чуқур ўрганган кишида бу хил шубҳага ўрин бўлмаса керак.

Марказий Осиёда қадим-қадимдан икки тил вакиллари — турк ва форс-тожик халқлари яшаб келган. IX—X асрларда ташкил топган қарлуқ ва Сомонийлар давлати бу икки халқни фақат сиёсий жиҳатдан чегаралаб қўйишди холос, аммо бу қатъий этник чегара эмас эди; ҳар иккала давлат ҳудудида ҳам турк ва тожик этнослари яшар эдилар. Фақат бу давлатлар ичида яшовчи туркийзабон ва тожик этноси оз-кўпликлари билан фарқ қилар эди. Қарлуқ давлати ҳудудида сўғд (тожик) этноси Сомонийлар давлатидаги қардошларига нисбатан анча оз бўлган, қарлуқ давлатининг асосини туркийзабон аҳоли ташкил қилган.

Сомонийлар ҳудудида жойлашган туркийзабон аҳоли шимолий қардошлари билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди. Бу ўринда, яна бир маротаба қайд қилиб ўтмоқчимизки, буларнинг ўзаро алоқаларини давом эттиришда Қарлуқ ва Сомоний давлатларининг чегаралари қатъий тўсқин бўла олмаган. Тўғри, Сомонийлар давлати бошлиқлари кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон аҳолини ўз ҳудудига киргазмаслик ниятида, воҳалар атрофига (Шош, Самарқанд, Бухоро) баланд деворлар (халқ ўртасида «кампир девор» деб ном олган) билан ўраб, чегараларга ҳарбий соқчилар сақлаганлар. Аммо бу тўсиқлар вақтинчалик тадбир эди, холос. Исмоил Сомоний даврида бу тўсиқларнинг аҳамияти қолмаган эди.

Сомонийлар ҳудудида яшовчи тожик халқининг айрим гуруҳлари Қарлуқ давлати ҳудудига бориб яшаши ҳоллари ҳам оз бўлмаган. X асрда буларнинг кўчиб бориши яна ҳам жадаллашган эди. Чунки бу даврларда Қарлуқ давлати ҳудудида яшовчи туркийзабон аҳолининг кўпчилик қисми ислом динини қабул қилиб бўлган эди. Дин пешволарига кенг йўл очиб берилган; буларнинг анча қисми сўғдийлардан бўлган албатта. Талас, Ила водийларига, Шарқий Туркистонга шу даврларда бориб ўрнашган сўғдийларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан, айрим гуруҳлари деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Келтирилган мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, ўзбек ва тожик аجدодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёни икки давлат ҳудудида, Сомонийлар ва Қарлуқлар давлати ҳудудида ўтганлиги тарихий

ҳақиқат. Ўзбек ва тожик халқларининг маданияти, турмуш тарзида мавжуд умумийлик этник жараёнини ҳар иккала давлат ичида ўтганлигидан далолат беради.

Маълумки, ўзбек ва тожик элатлари қадимги этнослардан—сак-массагетлар, бақтрийлар, юэчи-тохарлар, қанғарлар, хунлар, сўғдийлар ва бошқалардан томир олганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек ва тожик халқларининг маданияти, турмуш тарзида, урф-одатларида умумийлик ҳосил бўлган. Аммо умумий ўхшашлар бўлиши билан бир вақтда, уларнинг ҳар бирига хос (бир элатни — иккинчи элатдан ажратиб турадиган) тили, ўзлигини англаш ва бошқа хусусиятлар ҳам бўлган. Умуман олганда, «Маданиятлари тамомила ўхшаш икки халқ бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас»<sup>1</sup> эди. Ҳар бир элат (кейинчалик миллат) ана шу хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қилган ва қилади ҳам.

Хоразм IX асрнинг иккинчи ярми — X асрда Сомонийлар давлати тасарруфида бўлган. Лекин Хоразмшоҳлар давлатни ўзлари бошқариб келар эдилар. Бошқача қилиб айтганда Хоразм шу даврларда ярим мустақил давлат эди.

Хоразм Сомонийлар тасарруфида бўлса ҳам ўз даврида маданий ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ўлка ҳисобланган. Хоразмнинг турғун аҳолиси ўз этник номига (Хоразм атамаси — нафақат сиёсий, географик ном, аҳолисининг умумий номи ҳам эди) ва тилига эга эди. Уларнинг қадимги тили Эрон тил гуруҳидан бўлган бўлса ҳам, аммо Эрон ва сўғд тилларидан фарқ қилган (бу ҳақда юқорида батафсил гапирган эдик.) Қўшни туркийзабон аҳолидан хоразмликлар моддий маданиятлари (уй-жойлари, кийим-бошлари) санъатлари ва бошқа томонлари билан ҳам фарқ қилганлар.

IX—X асрларда Хоразм ўлкасида турғун яшовчи туркийзабон аҳоли (қанғли, печенег ва бошқалар) ҳам мавжуд бўлган. Аммо булар сон жиҳатидан туб ерли Хоразм аҳолисидан кам эди. Хоразм атрофларидаги чўлларда ўғуз, қанғли ва печенег гуруҳлари ҳам яшаганликлари ҳақида юқорида уқтириб ўтган эдик. Сўзсиз буларнинг таъсирида Хоразм аҳолисининг таллай қисми (шахсан аланлар) туркийлашган эдилар. Аммо Хоразм ўлкасида яшаб келган кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор аҳоли Хоразмнинг туб ерли аҳолисига иқтисодий ҳамда маданий таъсир этишга

<sup>1</sup> Чебоксарев Н. Н., Чебоксарева И. А. Кўрсатилган асар. 13-бет.

ожизлик қилар эдилар. Хоразмликларни иқтисодий ва маданий даражаси, онг сезими уларга нисбатан юқори бўлган. Хоразмликларнинг этник тарихига оид барча томонларини ҳисобга олиб Хоразмда IX—X асрларда алоҳида элат (Хоразм элати) мавжуд бўлган десак, хато бўлмас.

Келтирилган маълумотлардан, фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, Қарлуқ ва Сомонийлар давлати ҳудудида яшовчи барча этнослар IX—X асрлар давомида ўзаро яқинлашиб, баъзилари эса етакчи этносларга (қарлуқларга) араллашиб ҳам кетган эдилар. Асрлар давомида бир ҳудудда яшаб келган аҳолининг онг сезимида, ўзлигини англашда, иқтисодий ва маданий ҳаётида умумийлик ҳосил бўлган эди. Аммо бу этник кўрсаткичларни ривожланиш даражаси, ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида, бир маромда тараққий этмаган.

Онг сезими, ўзлигини англаш (албатта ўз даври даражасида), туркийлик тушунчаси ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида қатъийлашиб қолган десак хато бўлмас. Лекин иқтисодий ва маданий тараққиёт, ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган барча этносларда умумийлик ҳали ниҳоясига етмаган эди. Шу даврларда (IX—X асрларда) айрим этник гуруҳлар кўчманчи чорвадорлар бўлган, бошқа гуруҳлари ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда кун кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар; учинчи гуруҳлари (турғун аҳоли) деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат ишлари билан банд бўлганлар. Бу гуруҳлар ўртасида ҳали иқтисодий алоқалар етарли даражада мустақамланмаган; буларнинг маданий даражасида ҳам тафовут катта бўлган. Қарлуқ-чигил лаҳжаси ўзбек элати таркибига кирган барча этнослар ва этник гуруҳларга сингиб, умум элат тили даражасига кўтарилиш жараёни ниҳоясига етмаган. Бошқача қилиб айтганда, ўзбек элатининг шаклланиш жараёни IX—X асрларда ҳали охираммаган эди.

Этник жараён охирилаши учун элат шаклланиш жараёнини аниқловчи кўрсаткичлар, маълум бир давлат доирасида тараққий этади. Бу тараққиёт давом этиб, ўзбек элатининг шаклланиш жараёни Қорахонлар давлатининг Фарбий қисмида, XI—XIII аср бошларида ниҳоясига етади (бу ҳақда кейинги бобда фикр юритамиз).

Энди ўзбек элатининг шаклланиш вақти ҳақидаги баъзи фикр-мулоҳазаларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳар бир элат ёки миллат шаклланган даврини аниқлаш, шу халқнинг этник тарихини тўғри тушунишга катта ёрдам беради. Бу масала фақат элатнинг пайдо бўлиши, унинг шаклланиш тарихини ўрганиш учунгина муҳим бўлиб қолмасдан балки, халқнинг, шахсан ўзбек халқининг, этногенетик жараёни асосий босқичларини ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос қонуниятларини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Тарихчилар, этнографлар, тилшунослар ва ижтимоий фаннинг бошқа соҳаларидаги мутахассис олимлар ўз ишларида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, вақти, даври ҳақида жуда кўп қимматбаҳо фикрлар юритганлар. Аммо бу масала ҳар қанча ёритилишига қарамасдан, ўзбек элатининг шаклланган вақти, унинг хронологик доираси ҳанузгача қатъийлашмаган адабиётларда бу вақт турли саналарда кўрсатилганлиги, ишнинг биринчи бобида кўрсатилган.

Етакчи олимларнинг (С. П. Толстовнинг, А. Ю. Якубовский, Б. Г. Фафуров, М. Г. Ваҳобов ва бошқалар) айтишларига қараганда ўзбек элати Қорахонлар давлати чегарасида асосан Мовароуннаҳрда ва Хоразмда шаклланган. Шундай бўлган ҳам дейлик. Унда Қорахонлар давлати қаерда ва қачон ташкил топганлигини, бу давлатнинг дастлабки ва кейинги чегараларини, қайси этник асосда ташкил бўлганлигини ва булар билан боғлиқ бир қанча бошқа масалаларга тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу масалаларга аниқлик киритилгандан кейинги ўзбек элатининг шаклланган вақти ҳақида аниқ бир фикрга келиш мумкин бўлади.

Қорахонлар давлати қачон, этник асосда ва қаерда ташкил топганлиги ҳақида тадқиқотчи олимлар ҳанузгача аниқ бир фикрга келганларича йўқ.

Баъзи тарихий адабиётларда Қорахонлар давлати 840 й. Қарлуқ қабила иттифоқи асосида вужудга келганлигини таъкидлаб ўтадилар<sup>1</sup>. Бу фикрни ишончли деб қарганимизда, Қарлуқ ва Қорахонлар давлати маълум бир давлатнинг икки хил номи бўлиб чиқади ва бу давлат хонадони 840—1212 йиллар давомида ҳукмронлик қилган бўлади.

---

<sup>1</sup> Pristak O. Die Karahaniden «Die Islam». 1953. Bd. 31. Heft 1, P. 17—66; Emel Esin. Islam jetten oneki turk kullur tarihi Ke Islama giris. Istanbul. 1978. P. 166.

Айрим тадқиқотчилар Сомонийлар сулоласидан бўлмиш Нуҳ Ибн Асад 840 йили Исфижобни эгаллаши билан Қарлуқ давлати инқирозга учрайди дейди<sup>1</sup>. Аслида бундай эмас, Исфижоб ўша даврларда қарлуқларга тобе бўлиб келган ҳудудлардан бири эди. Нуҳ Ибн Асад бу вилоятни эгаллаб, вилоят ҳокимларини ўз ўрнида қолдирган. Ҳоким олдингидай қарлуқ қабила бошлиқларидан тайинланган, аммо булар эндиликда сомонийларга итоатда бўлиб, мусулмон динини қабул қилган эдилар.

В. В. Бартольд Истаҳрий маълумотларига асосланиб: шу вақтлардаги воқеаларни ҳисобга олиб Исфижоб вилояти X асрда ҳам «муҳим имтиёзга эга бўлган, солиқлардан озод қилинган махсус турк сулоласи томонидан идора қилинган эди» деб ёзган<sup>2</sup>. Исфижобни Нуҳ Ибн Асад олгандан кейин ҳам бир неча йиллар давомида вилоятни бошқариш ерли турклар қўлида бўлганлиги ва хоқонлик лавозими авлоддан-авлодга мерос бўлиб келганлигига нумизматик материаллар ҳам гувоҳлик беради<sup>3</sup>.

Исфижобдаги туркларга IX аср охири — X аср бошларида қаттиқ талофат етказилади. Исмоил ибн Аҳмад катта қўшин билан келиб, сомонийлар итоатлигидан чиқишга интилаётган Исфижоб ҳокимлигини тор-мор қилиб, Тароз шаҳрини эгаллайди ва Исфижоб вилоятида ўз ҳукмронлигини тиклайди.

Сомонийлар Исфижоб вилоятига эгалик қилгач, қарлуқлар муҳим иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудни қўлдан бердилар, аммо Еттисув, Шарқий Туркистоннинг Фарбий минтақалари, Фарғона вилоятининг тоғли районлари ҳамон уларнинг қўлида эди.

IX асрнинг биринчи ярмида бу минтақаларда феодал курашлар авж олиб бораётган бир вақтда қарлуқ қабила иттифоқи ва унинг бошлиғи ябғу мамлакатда осойишталикни сақлашда ва уни идора қилишга ожизлик қилиб қолган эди. Эндиликда кучли давлат ва кучли давлат бошлиғи — хоқон лозим бўлиб қолган эди.

<sup>1</sup> Караева О. История караханидского каганата (X начало XII вв.). Фрунзе. 1983. С. 64.

<sup>2</sup> Истаҳри. ВГА, I, 333-б.: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч. Т. I. С. 270.

<sup>3</sup> Давидович Е. А. Нумизматические материалы для истории развития феодальных отношений в Средней Азии при Саманидах — ТИИАЭ, АН Тадж. ССР, 1954, XXXII, С. 95—97.

Собиқ қарлуқ қабила иттифоқи емирилиб янги сиёсий тузум, давлат вужудга келади, бу қарлуқ давлати эди. Давлат бошлиқлари қарлуқлардан бўлиб, улар ўзларини «улуғ хон» (қора хон) атаб улуғлаб келганлар. Бу сулола кейинчалик Қорахонлар деб аталган. Демак, 840 йили Нух Ибн Асад Исфижобни эгаллагандан кейин Қарлуқ давлати инқирозга учрамаган эди, лекин вилоятни қўлдан берадилар; улар яна ҳам кучайиб, айна шу йиллари янги сиёсий тузум — давлат ташкил этишга муяссар бўладилар.

Исфижоб вилояти то IX аср охирларигача сомонийлар тасарруфида бўлса ҳамки, бу вилоят ҳокимлари юқорида айтганимиздек, қарлуқлардан бўлиб, қарлуқ давлати хоқонларига ҳам итоатда бўлиб келганлар. Бошқача қилиб айтганда, Исфижоб ҳокимлари икки томонлама қарамлик: бир томондан сомонийларга қарам бўлсалар, иккинчи томондан — қарлуқ хоқонларига итоатда бўлганлар.

В. В. Бартольднинг тахмин қилишича, қорахонлар ҳукмронлиги 940 йилдан<sup>1</sup> бошланган. Айна шу йили тўғуз-ўғуз иттифоқи (ёки улар таркибидаги қабилалардан бири) қарлуқлар устидан ғалаба қозониб, уларнинг марказий шахри Баласағунни эгаллайдилар ва Чу водийсида ўз ҳукмронликларини ўрнатиб, Қорахонлар давлатини барпо этадилар. Қарлуқ давлати емирилади. Шундан хулоса чиқариб В. В. Бартольд «Қорахонлар ва уларнинг фуқаролари тўғуз-ўғузлардан ташкил топган» деб ёзган эди<sup>2</sup>.

В. В. Бартольд бу ерда қарлуқ давлати бўлганлигини тан олади. Лекин бу давлат унинг назарида то X асрнинг ўрталаригача 940 йилда ҳукмронлик тўғуз-ўғузлар (уларнинг таркибида бўлган уйғурлар) қўлига ўтган. Тарихий маълумотлар бу фикрни тасдиқламайди.

В. В. Бартольднинг бундай фикрга келиши Низом-ал-мулк 940 й. «Баласағун шахрини мусулмон бўлмаган (мажузийлар) ишғол қилди»<sup>3</sup> деган ахбороти сабаб бўлган. Аммо Низом ал-Мулк ўз асарида Баласағун қай-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью 1893—1894 гг. Соч. Т. IV, С. 52; Двенадцать лекций по истории Средней Азии, Соч. Т. V, С. 73; Статьи и рецензии, соч. Т. V. С. 273.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I, С. 315; Очерки истории Семиречья, том. II. Ч. I. С. 43.

<sup>3</sup> Сиасет-нама. Книга о правлении везира XI столетия. Низам ал-Мулк, М.-Л., 1949, 216—217.



си қабила ёки элат томонидан ишғол қилинганлигини кўрсатмаган. Бошқа манбаларда ҳам бу ҳақда аниқ бир маълумот йўқ. Мазкур шаҳар тўғуз-ўғузлар ёки уларнинг таркибидаги яғмолар томонидан 940 йилда эгалланган дейиш, бу — В. В. Бартольднинг шахсий фикри холос. Лекин бу унинг қатъий фикри эмас эди. Бошқа бир ерда у X аср ўрталарида тўғуз-ўғузлар қорахонларга бошчилик қилганлиги ноаниқ эканлигини ва бу сулолани вужудга келишида қарлуқларнинг ҳиссаси катта бўлганлигини қайд қилади<sup>1</sup>.

Қорахонлар давлатининг ташкил топишини Сабук Буграҳон номи билан ҳам боғлайдилар. Унга аниқ бўлмаган маълумотларга биноан Қорахонлар давлатига 930 йилдан<sup>2</sup> то унинг вафотига қадар (955 й. бошқа маълумотларда 959 й.) ҳукмронлик қилиб келган, унинг номига биринчи мартаба «қора» сўзи қўшилиб Сабук Бугра Қора хоқон деб аталган. Қора сўзи қорахонлар номига унвон сифатида келганлиги учун шарқшунос олим В. В. Григорьев сулолани шартли равишда қорахонийлар деб атаган<sup>3</sup>. Бу ерда келтирилган санага эътибор берадиган бўлсак, қорахонлар сулоласи IX асрнинг 30-йилида тикланган бўлиб чиқади. XX асрнинг 80-йилларида нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида Қорахонлар давлати X асрнинг 90-йиллари ташкил топган дейлади<sup>4</sup>.

Келтирилган ахборотларда кўриниб турибдики, Қорахонлар давлатининг ташкил топган вақтини белгилашда олимлар ўртасида яқдиллик бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Бу сулолани қайси этник асосда вужудга келтирилганлиги ҳақида ҳам аниқлик киргизилмаган.

Юқорида В. В. Бартольднинг Қорахонлар давлати тўғуз-ўғузлардан, уларнинг таркибида бўлиб келган уйғурлардан ташкил топган, деган фикрини эслатиб ўтдик. Бир қанча олимлар (Т. А. Вамбери, В. В. Радлов, И.

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I, С. 315.

<sup>2</sup> Риттер К. Землеведение. География стран Азии, находящиеся в непосредственных сношениях с России, Восточный Туркестан, вып. II. СПб, 1873, С. 280. Лэн-Пуль Стенли. Мусульманские династии. Перевод с английского и дополнениями. В. В. Бартольд, СПб, 1897.

<sup>3</sup> Григорьев В. В. Караханиды в Мавараннахре по Тарихи Мунажимбоши в османском тексте. ТВОРАО, 1874, Ч. XVIII, С. 189—258.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР, кн. первая, Ташкент, 1955. С. 242.

Макворт ва бошқалар) бу сулолани асосчиси уйғурлар бўлганлигига қатъий ишонч ҳосил қилганлар<sup>1</sup>.

Қорахонлар давлати чигиллардан, туркманлардан, турклардан ташкил топган деган тахминий фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Шуларнинг ичида мазкур сулолани ташкил қилган қабила яғмолар бўлган деган фикр кўпроқ тарқалиб ўзбек ва тожик халқларининг тарихида акс этган<sup>2</sup>. XII асрда (аниқроғи 1126 й.) номаълум муаллиф томонидан кўчирма (компиляция) тарзида ёзилган «Маджмал ат-таварих» деб номланган асарда «буғра» атамаси яғмо подшоларининг унвони бўлган дейилган. В. В. Бартольд шу асарга асосланиб «Қорахонлар яғмо қабиласидан чиққан» деб фанга нотўғри фикр киритган эди. В. В. Бартольднинг бу хатосини бошқа тарихчилар ҳам (масалан А. Ю. Якубовский, Б. Г. Фофуров, М. Г. Ваҳобов ва бошқ.) такрорладилар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Маджмал ат-таварих» асари Қорахонлар давлатининг ташкил топган санасидан (840 й.) қарийб уч юз йил кейин ёзилган; шунинг учун ҳам унинг барча маълумотларини ҳақиқатга яқин деб қабул қилиш тўғри бўлмаса керак.

Қорахонлар давлатининг кўпчилик хоқонларининг унвони қорахон бўлган, дедик юқорида.

Қорахонлар давлатининг йирик тадқиқотчиси О. Прицакнинг<sup>3</sup> айтганларига қараганда бу давлатни улуғ хон (Қорахон) бошқарган. Улуғхон номига одатда «қора» (унвони) қўшилиб айтилган. Улуғ хоннинг марказий шаҳри Баласағун (Қора Ўрда — Буюк Ўрда ёки Қуз — Ўрда) шаҳрида бўлган. Улуғхон билан бир вақтда давлатни Шерикхон идора қилган<sup>4</sup>. Шерикхон мазкур давлатнинг Фарбий қисми (Исфижоб ва Қашғар вилоятларида) ҳукмронлик қилган.

---

<sup>1</sup> Қорахонлилар сулоласининг чиқиб келиши тарихи ва улар таркибидаги этник компонентлар, сулолани ташкил топиши ва улар билан боғлиқ адабиётлар ҳақида қаранг: Priatak O. Karachanidi sene strefraden oriens. 1950. Vol 3. № 2. P. 228. Die Karachaniden-Der Islam. 1953. Bd. 31. Heft 1. P. P. 17—68. Караев О. История караханидского каганата (X—XIII вв.) Фрунзе, 1983, С. 55—86.

<sup>2</sup> История народов Узбекистана, Т. I. Ташкент, 1950, С. 274. История Узбекской ССР, Т. I. Ташкент, 1955, С. 242, История Узбекской ССР, Т. I. Ташкент. 1967, С. 351. Гафуров Б. Г. История таджикского народа, М. 1952, С. 205.

<sup>3</sup> Pristak O. Karachanidi sene streifragen «Oriens» 1950. Vol 3. № 2. S. 210—212; Die Karachaniden-Der Islam. S. 23—25.

<sup>4</sup> Давлатни шу усулда бошқариш Еттисувда қарлуқлардан олдин туркешларда ҳам бўлган.

Шерикхоннинг маркази Тарозда, айрим вақтларда Қашғарга кўчирилган. Шерикхоннинг номига унинг қабила тамғаси — буғра кўшилиб айтилган. Асосий хон (Арслон қорахон) вафот қилса ўрнини шерикхон — буғрахон эгаллаган ва шундан кейин у қорахон (улуғхон) унвони билан улуғланган. Буғрахон ўрнига бошқа хон тайинланган, буни ҳам номига буғра (хон) кўшилиб улуғланган.

Давлатни бу тартибда (улуғ хон ёки қорахон) бошқариш, О. Прицакнинг фикрича, қарлуқларда қабул қилинган. Тилга олинган ҳар иккала унвон (қабила тотеми) арслон ва буғра қарлуқларнинг икки қабиласига (чигил ва яғмо) мансуб бўлган. Чигил қабиласининг унвони — арслон, Яғмо қабиласининг тотеми — буғра (икки ўрқачли туя) бўлган. Қорахон вафотидан кейин унинг ўрнига ёрдамчи (шерик) хон эгалик қилган; унвонига энди «қорахон» кўшилиб улуғланган деб таъкидлайди О. Прицак.

О. Прицакнинг айтишича, шахсан Қарлуқлар давлатида шерикхоннинг мавжудлиги диққатга сазовор албатта. Лекин, бу масала ҳали чуқур ўрганилиши керак. О. Прицакнинг Қорахонлар давлатини арслонхон унвонига молик бўлганлар, чигил қабиласига мансуб кишилар бошқарган, буғра унвонига молик бўлганлар (шерик хонлар) яғмолардан бўлган деган фикри ҳамда Қорахонлар ҳукмронларини ўрин алмашиб туришларига (шерикхон-қорахон бўлиши) ишонч ҳосил қилиб бўлмайди. Олимнинг бу фикрлари манбаларга асосланган эмас. Манбалардан маълумки, қарлуқ — қорахонлар тизимидаги бир неча улуғхонлар, буғрахон унвони билан бир вақтда қорахон унвони билан ҳам улуғланганлар. Масалан, Сатук буғрахон ва қорахон унвонига ҳам сазовор бўлиб, у Сатук Буғра Қорахон деб икки унвон билан баровар улуғланган. Сатукнинг отаси Базир Арслонхон унвонига эга эди.

Сатук Буғрахон авлодларида «буғра» унвонидан ташқари яна Арслон, тўнга<sup>1</sup>, тавғач, Илек-тегин ва бошқа унвонлар ҳам бўлган. Масалан Сатук Буғрахоннинг ўғилларидан бири — Бойтош (Мусо) Арслонхон унвони билан, иккинчи ўғли — Сулаймон Тўнга-илек унвони

---

<sup>1</sup> Тўнга — Маҳмуд Қошғарийнинг айтишига қараганда арслон жинсидан бўлган ҳайвоннинг номи балки силовсиндир. Туркий халқлар буни унвон ўрнига қабул қилганлар. Бу унвон соҳиби силовсинга ўхшаш эпчил, чопқир бўлишига таққосланиб берилган бўлиши керак.

билан ҳукмронлик қилишган. Қарлуқ давлатининг шарқий қисмида улуғхон бўлган Юсуф Қодирхон вафотидан кейин (932—933) катта ўғли Сулаймон ибн Юсуф Арслонхон унвонига, иккинчи ўғли Муҳаммад ибн Юсуф — Буғра унвонига эга бўлишган. Булар ҳақида кейинроқ гапирилади. Худди шунга ўхшаш унвонлар Қарлуқ давлатининг ғарбий қисмида ҳам мавжуд эди. Хоқонликнинг улуғхонларидан бўлмиш Наср ибн Алининг вафотидан кейин унинг ўғилларидан бири — Муҳаммад ибн Наср Арслон унвони билан, иккинчи ўғли — Иброҳим ибн Наср Буғра унвони билан хонлик қилганлар. Агар О. Прицакнинг айтганларига риоя қилинса, улуғхон (қорахон) унвонида бўлган ҳукмрон ва ундан кейин хоқон бўлган ворислари фақат Арслонхон унвони билан улуғланган бўлиши керак эди. Яғмолар тотеми Буғра унвони сифатида фақат шерик хонларида бўлиши лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, бу унвонлар авлоддан-авлодга (ворисларга) ўтган бўларди. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, улуғхон бўлган кишининг бири Арслонхон унвони билан, бошқаси Буғрахон унвони билан улуғланган. Демак, Буғра унвони фақат бир халққа (этностга) ёки ҳукмронга тааллуқли бўлмаган<sup>1</sup>.

Айтганларимиздан хулоса қилиб айтмоқчимизки, тилга олинган атамалар мавжуд бир қабила (чигил ёки яғмони) ўнгони (тамғаси) бўлмаган. Бу атамалар давлатни бошқараётган хоннинг жамиятда тутган ўрнига, мавқеига, маҳоратига ва ислом динига бўлган муносабатларига қараб берилган бўлиб, уларнинг номларига кўшиб айтилган.

О. Прицакнинг таъкидлашича, Қорахонлар давлатининг асосчиси Билга Кул Қодирхон бўлган<sup>2</sup>. Унинг

---

<sup>1</sup> Буғра унвони нафақат қарлуқ ҳукмронларига, мутлақо бошқа халқларда, бошқа давлат ҳукмронларида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Ҳиндистонда Деҳли султонлигига мансуб Наср-уд-дин Муҳаммад Буғра унвони билан улуғланган.

<sup>2</sup> Хоннинг номи Қодир Билга, Кул атамалари эса унинг лақаблари. Билга — билимдон, биладиган; Кул — Эрк, эркин; халққа хизмат қилувчи маънода. Атоқли, шухратли маънода ишлатилган. Бу атамалар VII—VIII асрларга оид руник битикларда учрайди. Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, С. 29, 100. Қарлуқ буюкларида кул эркин унвони бўлган. Қаранг: Pristak O. Islam ansu eopedasi. 53 sur, S. 351—352. Қодир арабча сўз бўлиб, қудратли, кучли деган маънони англатади. Шунга асосланиб биз Билга Кул Қорахон Талас дарёсининг шимолида яшовчи қарлуқлардан бўлиши керак деб тахмин қиламиз.

туғилган йили аниқланмаган. Билга Кул Қодирхон хоқонлик қилаётган кезларда 840 йилда Сомоний Нуҳ ибн Асад Исфижобни забт этган эди<sup>1</sup>. Шу маълумотни ҳисобга олиб тахминан Билга Қодирхон IX асрнинг 60-йилларигача хоқонлик қилган бўлиши керак.

Жамол Қарши таъкидлашича<sup>2</sup> Билга Кул Қодирхоннинг икки ўғли бўлиб бирининг исми Базир, иккинчисиники Ўғулчак бўлган. О. Прицакнинг тахминига кўра Базир улугхон (Қорахон) унвонига эга бўлиб, хоқонликни бошқарган. Ўғулчак эса Тарозда ўтириб Исфижоб вилоятига ҳокимлик қилган<sup>3</sup>. 893 й. Сомонийлар сулоласининг ҳукмрони Исмоил Аҳмад Тароз шаҳрини забт этгач Ўғулчак Марказни Қашғарга кўчиради.

Ўғулчак Сатук Қорахонининг амакиси эди, у ислом динини қабул қилгач, Қашғарни амакисидан тортиб олиб, ўзини хоқон деб эълон қилади. Қорахонлар давлатининг ташкил топишини Сатук Буғрахон номи билан боғлайдилар. Шундай бўлган тақдирда, Қорахонлар ҳукмронлик тизими X асрнинг 30—40 йиллари давомида ташкил топган бўлади. Ҳақиқатдан эса бу сулола 840 й. вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси Билга Кул Қодирхон бўлган деб таъкидлайди О. Прицак.

О. Прицакнинг Қорахонлар давлати 840 йили вужудга келган деган фикр бежиз эмас: у Қорахонлар давлатини алоҳида давлат деб қарамайди; Қорахонлар давлати Қарлуқ давлатининг айнаи ўзи, унинг давоми деб билади.

Рус олимлари В. В. Григорьев, Н. А. Аристов Қорахонлар давлати қарлуқлардан ташкил топганлигини уқтириб ўтган эдилар<sup>4</sup>. В. В. Бартольд анча иккиланишлардан кейин, X асрда Туркистон ўлкасидаги маданий ерларни эгаллаган турклар Етгисувда яшовчи қабилалардан бири бўлган, деган фикрга келган эди<sup>5</sup>. Бу ерда

---

<sup>1</sup> Pristak O. Der karachaniden. Der Islam, 1953, bol 31, heft 1. 1953. S. 18—25.

<sup>2</sup> МИСКА X—XIX вв. С. 104.

<sup>3</sup> Pristak O. Кўрсатилган асар, 24—25 бб.

<sup>4</sup> Григорьев В. В. Перевод, примечания и дополнение к географии Стран Азии Риттера. «Восточный Туркестан», вып. П. СПб, 1873, С. 195, 278 и след; Караханиды в Мовереннахре по Тарихи Мунажимбаши, «Труды восточного отделения имперского археологического общества», ч. XVII, СПб, 1875, № 3, С. 192—195; Аристов Н. А. Указ соч. 313.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, соч. Т. II. ч. I. С. 246.

В. В. Бартольд қарлуқ, чигил, халач, яғмо, орғу, тухси ва бошқа қабилаларни эътиборга олган. Маълумки, бу қабилаларнинг кўпчилиги VIII асрдаёқ ўз мустақиллигини йўқотиб, Қарлуқ давлати чегарасида яшаб, уларга тобе бўлиб қолган эдилар. Булардан фақат чигил қабиласи Қарлуқлар давлатининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган. В. В. Бартольд бошқа ерда, қарлуқларни Қорахонлар давлатида эгаллаган ўрнини ўғузларнинг салжүқийлар империясида эгаллаган ўрни билан тенглаштиради<sup>1</sup>. Маълумки Салжүқлар империяси ташкил топишида, унинг идора қилинишида ўғузлар етакчи роль ўйнаганлар. В. В. Бартольднинг фикрича худди шундай муҳим ўринни Қорахонлар давлатининг сиёсий ҳаётида қарлуқлар эгаллайдилар. Я. Ю. Якубовский, Қорахонлар давлатига бирлашган қарлуқлар ва уларга қардош қабилалар Сомонийлар қаршилигини осонлик билан емирдилар<sup>2</sup> деб ёзади. Олимларнинг бу фикрларидан Қорахонлар давлатида қарлуқларнинг муҳим ўрин эгаллаганликлари яна бир бор таъкидлаб ўтилади. О. Прицак қорахонлар ҳукмронлари Туркларнинг ҳукмрон халқи қарлуқлардан чиққанлигини қатъий гапирганлигини юқорида кўрсатган эдик.

Келтирилган маълумотлар қарлуқларнинг Қорахонлар давлати, унинг сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутганлигини ва бу сулола қарлуқ этник бирлик асосида ташкил топганлигидан далолат беради.

X аср бошларида Еттисув ва Қашғарда яшовчи Туркий халқлар, қабилалар ўртасида ўзаро курашлар кескинлашди, синфий табақаланиш кучайди. Йирик кўчманчи ва ярим кўчманчилар яйлов ерларини кенгайтиришга интиладилар, тез-тез Сирдарёнинг ўрта қисмидаги яйлов ерларига ҳужум қила бошлайдилар. Аммо бу ерларни эгаллашда Сомонийлар қаттиқ тўсқинлик қилар эдилар. Зодагонлар орасида улуғхон мансабини эгаллашга интилишлар тобора кучайиб боради. Ана шу курашларда Қарлуқлар давлатининг шарқий қисмидаги шерик хонлар катта роль ўйнайдилар. 925—930 йилгача давлатнинг бу қисмида шерикхон Сатук Буғрахон бўлганлиги маълум. Сатук Буғрахон тез вақт ичида ўз

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 315.

<sup>2</sup> Якубовский А. Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европы в X—XV вв. Материалы по истории народов СССР, вып. 3, Л. 1933, С. 22—24.

атрофига бир қанча қабилаларни бирлаштириб 930 йилда ўзини буюк хон Сатук Қорахон деб эълон қилди. Шундан сўнг унинг ўрнида, Қашғарда (Шерикхон бўлиб) 955—956 йилларида Туған-Тегин ўтирган<sup>1</sup>.

Сатук Қорахон туркий хонларнинг ичида биринчи бўлиб мусулмон динини қабул қилади ва шундан кейин унинг мусулмон номи Абд-Ал-Карим (тўлиқ оти ва унвони Абд-ал-Карим Сатук Қорахон) бўлади. Сатук даврида қарлуқ, чигил, халач, яғмо ва бошқа қабилалар бирин-кетин мусулмон динини қабул қиладилар.

Сатук Қорахоннинг вафотидан сўнг 955 й.<sup>2</sup> хонлик унинг ўғли Бойтош (мусулмон оти Мусо) қўлига ўтади. Мусо ибн Карим (Сабук)<sup>3</sup> шу вақтгача Қорахонлар давлатининг шарқий қисмини Арслонхон унвони билан бошқариб келаётган эди. Отасининг вафотидан сўнг, 960 йили ўзини Қорахонлар давлатининг буюк хони (Қорахон) деб эълон қилди. Бунинг даврида қорахонлар ҳукмронлиги бир мунча мустақамланади. Мазкур давлат чегарасида мусулмон дини кенг тарқалади. 960 йили Еттисув ва Қашғарда яшовчи қабилалардан 200 минг уйли аҳоли мусулмон динини қабул қилади<sup>4</sup>. Бойтош ва укаси Сулаймон Тунга Илек хоқонлик қилган йиллари аниқ эмас. Булардан кейин Ҳасан (Харун) ҳукмронлик қилади.

Ҳасан (Харун) ибн Сулаймон<sup>5</sup> Шихаб-ад-дувал<sup>6</sup> (977—992 йиллар)<sup>7</sup> ҳукмронлигида Қорахонлар давлати яна ҳам мустақамланади. Давлат ичкарасидаги маъму-

---

<sup>1</sup> Бошқа манбаъларда бу воқеа 930 й. юз берган. Қаранг: Риттер, Кўрсатилган асар, 279-б. Туған-Тегин Сатукхонга қандай алоқаси бор эканлиги (қариндошлиги) ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ибн ал-Асирнинг маълумотларида (Қаранг: Материалы по истории киргизов и Киргизии. Т. I. Наука, 1973, С. 52). Туған-Тегин 922—923 йиллари Қашғар деҳқони (ҳоқими бўлган). Эҳтимол у 930 йилдан бошлаб шерикхон сифатида Қорахонлилар давлатининг ғарбий қисмини бошқаргандир.

<sup>2</sup> Pristak O. Islam ansiklapedise. 58 sur.

<sup>3</sup> Ибн ал-Асир, Китоб-ал-Камил фи-т-Тарих. МИКК, Т. I, 64-бет.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья. Соч. Т. II. Ч. I. С. 46.

<sup>5</sup> Pristak O. Die Karachaniden. S. 26. Ҳасан ибн Сулаймон яна Буграҳон ат-Туркий номи билан маълум. Улуғхон бўлганига қадар у шерикхон лавозимида бўлган.

<sup>6</sup> Шихаб ад-Дувал унинг мусулмон унвони. МИКК, Т. I. С. 55.

<sup>7</sup> Ибн ал-Асирнинг маълумотларига қараганда Харун ибн Сулаймон Илек (у яна Буграҳон ат-Туркий номи билан маълум) 993—94 йиллари ҳали ҳаёт бўлиб, Бухорони забт этишни давом қилади. Қаранг: МИКК, Т. I. С. 55.

рий ишлар тартибга солинар, ўзаро қабилавий курашлар деярли сусаяди. Эндиликда Қорахонлар сиёсий курашни давлат ичкарасидан унинг ташқарисидан ўтказадилар, яъни улар Сомонийларга қарашни ерларни эгаллашга киришадилар.

Баъзи кишиларда ўзбек элати Мовароуннаҳр худудида шаклланган бўлиши керак деган фикр туғилиши мумкин. Бундай ўйлаш ҳам нотўғри, албатта. Элат шаклланишида қатнашаётган барча этносларни бир худуд билан чегаралаб бўлмайди, чунки этнослар яшайдиган минтақалар бир худуддан, ҳатто давлат чегарасидан ҳам кенг бўлиши табиий.

Ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган этник гуруҳлар нафақат Мовароуннаҳрда, балки Еттисувда, шарқий Туркистонда, Сирдарё бўйларида Орол денгизининг жануби-ғарбий минтақаларида, Хоразмда, Афғонистоннинг шимолида, Хуросонда ҳам яшаганлар. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб, Қарлуқ, Сомоний ва Хоразм давлатлари чегарасида шаклланганлар. Бу давлатларнинг биронтаси ҳам ўзбек аجدодлари яшаган худудларни тўласича ўз ичига қамраб олган эмас. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган бир қанча этнослар бу давлатлар чегарасидан ташқарида қолиб кетган ҳам. Масалан, эфталийлар (абдал) ва қарлуқларни Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолида яшаган гуруҳлари ўша ерларда қолиб, кейинчалик маҳаллий аҳолига аралашиб, сингиб кетган эди.

XI—XII асрларда Қорахонлар давлати деярли Мовароуннаҳр билан чегараланиб қолади. Маълумки, Қорахонлар давлати XI аср биринчи ярмида икки: Ғарбий ва Шарқий давлатга бўлиниб, улар мустақил тараққий эта бошлайди. Балки шу тарихий бўлинишни назарда тутиб айрим тарихчилар ўзбек элати XI—XII асрларда Мовароуннаҳр худудида, яъни Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида шаклланган деб тушунганлар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки Ғарбий Қорахонлар давлати вужудга келишидан олдин ўзбек элати асосан шаклланиб бўлган эди. Қорахонлар давлатининг икки хоқонликка бўлиниши билан ўзбек элатининг таркибига бирмунча ўзгаришлар рўй берган, албатта, ammo унинг тараққиётини тўхтата олмади.

Қорахонлар давлати икки таркибий қисмга бўлингач, элатнинг этник тараққиёти унинг ғарбий қисмида бирмунча кучаяди. Ғарбий хоқонликда иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш тез суръатда бориши



билан давлат мавқеи тобора ошиб боради. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган этносларнинг қатта қисми, хоқонликнинг ғарбий ҳудудига кўчиб ўтадилар ва маҳаллий аҳоли билан бирлашиб, хоқонлик аҳолининг кўпчилигини ташкил қиладилар. Эндиликда (X—XII асрларда) этник жараённинг тобора ривожланиб бориши ҳам Мовароуннаҳр ўлкасига кўчади. Ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган этносларнинг айрим қисмлари (қарлуқ, қанғли, қипчоқ, арғу, тухси ва бошқалар) Қорахонлар давлатининг шимоли-шарқий қисмида қолиб, вақт ўтиши билан ўз қариндошларидан ажралиб, кейинчалик қозоқ, қирғиз ва уйғур халқларига аралашиб, бу халқларнинг этник жараёнида қатнашганлар. Аммо уларнинг маълум қисмлари бир неча асрлар давомида этник номларини сақлаб келган эдилар.

Юқорида келтирилган барча фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин.

IX—X асрлар давомида маълум бир ҳудудда яшовчи этнослар мураккаб этник ва маданий жараёни ўтайдилар. Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда яшовчи халқлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб борадилар, уларда иқтисодий ва маданий умумийлик ҳосил бўлади. Энг асосийси — уларнинг онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди. Ўзбек аждодлари IX—X асрларда (аниқроғи 840—940 йиллар давомида) алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланадилар.

Шаклланган ўзбек этносининг асосини (пойдеворини) муқим яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил қилади. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида айрим кўчманчи, ярим кўчманчи этник гуруҳлар ҳам қатнашган, албатта. Лекин булар сон жиҳатидан маҳаллий аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Вақт ўтиши билан буларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб, турғун аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетадилар.

X аср ўрталарида ўзбек элатининг шаклланиш жараёни иккинчи босқичга ўтади. Бу босқичда то XI аср ўрталаригача, яъни Қорахонлар давлатининг икки (ғарбий ва шарқий) хоқонликка бўлиниб кетганига қадар давом этади. Мазкур босқичда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи аҳоли этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқинлашиб қоришиб борадилар. Этник, иқтисодий ва маданий тараққиёт яна ҳам ривожланиб, аҳолининг кўпчилиги онгида ўзлигини англаш ҳиссиёти кучаяди.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи

босқичи XI асрнинг ўрталаридан то XII асрнинг ўрталаригача давом этган. Мазкур босқич асосан Қорахонлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доирасида ўтади. Бу даврда (XI—XII аср) элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига етиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади.

IX аср ўрталарида Марказий Осиё минтақаларида ташкил этилган йирик давлатлардан бири қарлуқ давлати эканлиги бир неча йирик олимлар (В. В. Григорьев, Н. А. Аритов, А. Ю. Якубовский, О. Прицак ва бошқалар) тан оладилар. Лекин айрим тадқиқотчилар (В. В. Радлов, И. Маркварт, В. В. Бартольд, О. Кораев)<sup>1</sup> бу давлат 940—943 йилларда инқирозга учрайди, кейинчалик ҳукмронлик мажузийлар (тўғуз-ўғузлар, уларнинг таркибида бўлган уйғурлар) қўлига ўтган дейдилар. Уларнинг фикрича янгидан ташкил топган давлатнинг биринчи хони Сатук Буғраҳон бўлган. Масалага бу йўсунда қараш тарихий ҳақиқатга тўғри келмаслигини юқорида кўрсатиб ўтдик.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, X аср ўрталарида Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи аҳолининг асосий қисми ислом динини қабул қилиб бўлган эди. Ислом дини то Иссиққўл атрофларигача бўлган ҳудудга етиб борган эди. Ўзга динда бўлган кишилар бу даврларда мусулмон аҳоли устидан ҳукмронлик қилолмас эдилар. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчиларнинг IX аср ўрталарида мажузийлар Баласағун шаҳрини олиб, Қарлуқ давлатини инқирозга учратиб ўз ҳукмронликларини ўрнатган, деган фикри тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Юқорида келтирилган тарихий далилларга асосланиб, яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, IX аср ўрталарида ташкил топган давлат янги давлат эмас эди. Қорахонийлар номи билан тарихга кирган бу давлат 840 йили ташкил топган Қарлуқ давлатининг давоми эди. Унинг биринчи хони Билга Кул Қодирхон бўлиб, ундан кейин ҳукмронлик қилган хонлар унинг ворислари эдилар. Сатук Буғраҳон Билга Кул Қодирхоннинг невараси, амакиси Ўғулчақдан ҳокимиятни 930 йилларда тортиб олиб, то 955 йилларгача ҳукмронлик қилган. Ундан кейин ҳукмронлик унинг авлодларига ўтган.

---

<sup>1</sup> В. В. Бартольд, О. Караев Қарлуқ давлати бўлганлигини тан оладилар. Шу билан бирга улар Қарлуқ давлати X аср ўрталарида ташкил топган деган фикрни қўллайдилар.

#### 4. ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР

Сўзсиз, ўзбек халқининг асосий негизини Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Тошкент воҳасида ва уларга тугашган ҳудудларда қадимдан яшаб келган турғун туркийзабон аҳоли ташкил қилган. Бу аҳоли ҳақида юқорида батафсил гапирилган эди. Бу бўлимда асосан ўзбек этносининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган этник компонентлар ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган этник компонентлардан энг нуфузлиси қарлуқлар эди. Бу қабила иттифоқи ҳақида талай илмий ишлар<sup>1</sup> мавжудлигини ҳисобга олиб, фақат уларнинг этник тарихига, яшаган ҳудудлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтилади.

Қарлуқлар туркий халқ бўлиб, узоқ ўтмишда Олтойнинг Фарбий районларида яшаб келган қабила иттифоқи эди. Шуниси эътиборлики, Фарбий Олтойдаги Чориш дарёсининг бир тармоғи ҳозир ҳам Қарлуқ деб аталади. Бу эса, қарлуқлар илк даврларда Олтойда яшаганлигидан далолат беради. Турк хоқонлигининг ташкил топиши билан (милодий 552) қарлуқлар Фарбий Олтойдан чиқиб Иртиш дарёси бўйларида, мўғул Олтойнинг жанубий ён бағирларидан то Ила дарёсининг шимолигача бўлган ҳудудни эгаллайди. Буларнинг катта бир қисми VI—VIII асрларда шарқий Туркистоннинг фарбий минтақаларига, Фарғона водийсига, Тоҳаристонга ва Зарафшон воҳасига бориб ўрнашган эдилар. Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида ҳам яшаган (булар ҳақида юқорида фикр юритилган эди).

Хитой солномаларининг маълумотларига кўра қарлуқларнинг (хитойча гэлолу, гэлу, хе-лу) Ила дарёсининг шимолида жойлашган қисми учта катта уруғдан (тўғрироғи қабиладан) иборат бўлиб, буларнинг хи-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ш. Узбеки-карлуки, Тошкент. 1964; О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа, ОНУ, 1981, № 1, С. 28—35; К вопросу о тюркоязычных компонентах в сложении узбекской народности. В кн.: Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, М. 1991, С. 44—45. Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар. Адабиётшунослик масалалари, 4-китоб, Тошкент. 1962, 481—491-бетлар.

тойча номи меуло, чижиси ва ташили деб аталган<sup>1</sup>. Қарлуқларнинг ва улар таркибидаги қабилаларнинг жойлашган ерлари турк хоқонлигининг шимолий chegarаларига туташ минтақаларга тўғри келар эди.

Ғарбий ва шарқий турк хоқонликлари қарлуқларни ўзларига тобе этиш ниятида уларга ҳужум қилиб, урушиб келганлар. Ана шу курашлар оқибатида, 646 й. Шарқий турк хоқони Чеби Олтойда яшовчи қарлуқлар устидан ғалаба қозониб, уларни тобе этган. Айни шу йиллар Ғарбий турк хоқони Ашина Тарбағатайда (Жунғориянинг шимоли ғарбида) яшовчи қарлуқларни бўйсундиради. Қарлуқларнинг бир қисми 745 й. уйғурларга таслим бўлади.

Қарлуқлар турк хоқонликларига тобе бўлган бўлсалар ҳамки, лекин уларга бўйин эгиб, тинчланиб қолмасдан ўз мустақилликлари учун тинимсиз курашиб келганлар<sup>2</sup>. Ана шу курашлар натижасида дастлабки мавжуд бўлган қарлуқ қабила иттифоқи бузилиб, қарлуқ этник ном билан аталган бир нечта янги этно-ҳудудий этник гуруҳлар вужудга келади, булар қуйидагилар: 1) Ила дарёсининг шимолида жойлашган этник гуруҳ; 2) Хангай тоғи этакларида Танну Олада жойлашган гуруҳ; 3) Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида жойлашган этник гуруҳ; 4) Тоҳаристонда ва Ҳиндистоннинг шимолий вилоятида вужудга келган қарлуқ этник гуруҳлари. Бу этник гуруҳлар ичида энг кучлиси ва кўп сонлиги Ила дарёсидан шимолда (Иртиш дарёсининг қуйи оқимларида, Жунғорияда) яшовчилари эди. Қарлуқларнинг шу гуруҳи кучайиб Еттисувда ҳукмронлик қилиб келган туркешларни енгиб, 766 й. бу ҳудудни батамом эгалладилар. Чу дарёси водийсидаги Суёб шаҳри уларнинг пойтахти бўлиб қолади. Ана шу санадан бошлаб қарлуқлар Жунғория тоғларидан то Сирдарёгача бўлган жуда катта ҳудудга ҳукмронлик қилдилар. Қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Сирдарёни кечиб, Зарафшон водийсига ҳам келиб ўрнашганлиги ҳақида юқорида фикрлашилган эди. Ушбу даврларда юз берган тарихий ва этник вазиятларни ёритган Ауфи (XIII аср) ёзган эди: «Уларни (қарлуқларни К. Ш.)

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание, сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. I, М.-Л., 1950, С. 347.

<sup>2</sup> Қарлуқларнинг турк хоқонлари билан олиб борилган курашлари Култегин ва Мағлиланхонга қўйилган қабр тош битикларида акс этган. Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюрской письменности Монголии и Киргизии. М.-Л., 1959, С. 20, 22.

юрти (ватани) Олтин олинадиган Йун-С<sup>1</sup>» тоғи яқинида бўлган халлуқлар<sup>2</sup>, тўғузлар<sup>3</sup> (яъни уйғурлар) фуқароси эди, аммо уларга қарши кўзғолон кўтариб, Туркистон ерига<sup>4</sup> бостириб кирадилар. Уларнинг айримлари ҳатто Ислоом ерига (Мовароуннаҳрга — К. Ш.) кириб келганлар<sup>5</sup>.

Х асрда ёзилган «Худуд ал-олам» номи билан машҳур асарда қарлуқлар эгаллаб турган худуд шарқ томонда Тибетнинг айрим вилоятлари, яғмо ва тўғуз-ўғузлар билан, жанубда (яна) яғмо ва Мовароуннаҳр билан, ғарбда ғузлар билан, шимол томонда чигил ва тўғуз-ўғузлар билан чегаралангани таъкидлаб ўтилади<sup>6</sup>.

Араб географлари ва тарихчиларининг қарлуқлар даврига оид маълумотлари диққатга сазовордир. Истахрийнинг (Х аср) айтишича, қарлуқлар Исфижобдан (ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам худудидан) то Фарғонанинг энг чекка районларигача бўлган худудда жойлашганлар<sup>7</sup>. Масъудийнинг (Х аср) айтишича, қарлуқлар Фарғонанинг ҳамма жойида, Шошда (Тошкент воҳаси) ва унинг атрофларида<sup>8</sup> яшаган. Ибн Ҳовқалнинг (Х аср ўрталари) маълумотига қараганда: «Қарлуқлар мамлакатининг ғарбдан то шарқигача бўлган масофани ўтиш учун 30 кун йўл босиш керак» бўлган. Сайёҳ Абу Дулаф (Х аср) қарлуқлар мамлакати бўйлаб 25 кун йўл босиб, сўнг Хитойга борган<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> Йун-С. Бу сўз билан Олтой тоғлари ифодаланган бўлиши керак. Қаранг: Minorsky V. *Xudud al-alem*. London. 1937. P. 286.

<sup>2</sup> Араб ва форс тилидаги манбаларда қарлуқ этноними халлуқ, харлуж тарзида берилган.

<sup>3</sup> Тўғуз-ўғуз атамаси Кул-тегин, Тунийкуқ (Апа-Тархан)га қўйилган қабр тошларидаги битикларда учрайди. Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л. 1951, С. 38, 42, 65. Араб-форс манбаларида тўғуз-ўғуз (тўғуз-ғуз) этник ном уйғурларга нисбатан ҳам қўлланилган. Ҳақиқатда эса уйғурлар, тўғуз-ўғуз қабилла иттифоқи таркибидаги қабилалардан бирининг номи. Қаранг: Гумелов Л. Н. Древние тюрки. С. 373. Малявкин А. Г. Уйгурское государство в IX—XII вв. Новосибирск. 1983, С. 6, 130.

<sup>4</sup> Туркистон ери деб бу ерда асосан Етгисувни тушунилган.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. Тексты. СПб. 1898, С. 99—100.

<sup>6</sup> «Худуд ал-алам» рукопись Туманского с введением В. В. Бартольда. Л. 1930, С. 17.

<sup>7</sup> Истахри, BGA, I. С. 286.

<sup>8</sup> Риттер К. Землевладение. География стран Азии, находящихся в средственных сношениях с Россией. «Восточный Туркестан», вып. 2. СПб, 1873, С. 202.

<sup>9</sup> Григорьев В. В., Об арабском путешественнике X в. Абу Дулеф и странствование его по Средней Азии. СПб, 1872, С. 35.

Юқорида келтирилган маълумотлар IX—X асрларда қарлуқларнинг катта масофадаги худудга ҳукмронлик қилганликларидан далолат беради. Бу худудда 20 га яқин шаҳар, жуда кўп қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар кўп сонли халқ бўлиб, бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар<sup>1</sup>.

Бундай катта худудда қарлуқларнинг фақат бир ўзларигина яшамай, улар билан бирга бир қанча бошқа туркий қабилалар ҳам аралашган ҳолда яшаб келган. Туркий қабилаларнинг кўпчилиги бу ерларга қарлуқлардан олдин (масалан, дулу, нушиби, сариқ, уз, аз ва бошқалар) яшаганлар.

Қарлуқлар Етгисувда ўрнашиб, бу ерларда яшовчи барча қабилаларни бирлаштириб йирик қабила иттифоқини ташкил этадилар. Бу қабила иттифоқига нафақат қарлуқлар ва уларга қардош қавмлар, Етгисувда жойлашган барча қабилалар ва турғун аҳоли кирган. Шу вақтдан (VIII асрнинг охири чоракларидан) бошлаб қарлуқ номи фақатгина қарлуқларга тааллуқли этник ном бўлмасдан, янгитдан ташкил топган этнохудудий уюшманинг ва кейинчалик Қарлуқ давлатининг ҳам номи бўлиб қолади.

Мазкур қабила иттифоқи бошлиғи ябғу (йабғу) унвонига, унинг ёрдамчиси — кудоркин унвонига эга бўлган<sup>2</sup>. Қарлуқ қабила иттифоқи ва унинг бошқариш усули то IX аср ўрталаригача давом этган.

Абулғозийнинг қарлуқлар ҳақида айтганлари балки шу даврларга тўғри келса керак. У ёзган эди: қарлуқлар ўз ораларидан «Бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини ...» кўтарганлар<sup>3</sup>. Абулғозийнинг бу ўринда «давлат» деган иборасини туб маънода тушунмаслик керак албатта, чунки у вақтларда қарлуқларда давлат тузуми ҳали вужудга келмаган эди; бошқариш «ҳарбий демократия» усулида олиб борилган. Шу ерда уқдириб ўтиш жозизки, қарлуқлар Етгисувда, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида ва Фарғонага ўрнашиб олганларидан кейин қарлуқ ва қарлуқ бўлмаган барча (қарлуқлар ҳукмронлиги чегарасидаги) қабила саркардалари қарлуқ этнохудуд уюшмасининг бошлиғи ябғуга итоатда бўлганлар.

<sup>1</sup> «Худуд ал-олам», 17-бет.

<sup>2</sup> Якубовский А. Ю. Сельжукидское движение и Туркмены в XI в. Известия АН СССР, ООИ, № 4, 1937, С. 227.

<sup>3</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент, 1992, 32-бет.

IX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг шимолий худудларида яшовчи туркий халқлар ҳаётида кескин бурилиш рўй берди. VIII аср охирлари IX асрнинг биринчи яримларида Еттисувда, Шарқий Туркистоннинг гарбий районларида ва Фарғона водийсининг шимолида яшовчи қарлуқ ва бошқа туркийзабон қабилаларида феодализм жараёни бир мунча тараққий этган бўлади. Айрим вилоятларга эгалик қилиб келаётган қабила бошлиқлари йирик феодаллар бўлиб, ябғуга итоат қилмасликка, мустақил бўлишга интилганлар: ички низолар кучайиб боради. Фақат қудратли давлат ўзаро курашларни (вақтинча бўлса ҳамки) бостириб, худудда тартиб ўрнатиш мумкин эди. Ана шундай давлат IX асрнинг ўрталарида (аниқроғи 840 й.) Еттисувда, Шарқий Туркистоннинг гарбий қисмида, Шимолий Фарғонада вужудга келган Қарлуқ давлати эди; шу асрда Мовароуннаҳрда ва Хуросонда яна бир қудратли давлат — Сомонийлар давлати ташкил топади.

Қарлуқларга қон-қариндош бўлмиш чигил ва халач номли қабилалар ҳам бўлган. Ўзбек элатининг шаклланишида фаол қатнашган компонентлардан бу ҳар иккала қабила (халач ва чигил) қарлуқлардан кейин, сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил қилган этнослардан ҳисобланган.

Чигил қабиласи IX—X асрларда Иссиқ кўл атрофида яшаган. «Худуд ал-олам»да қайд этилишича чигиллар қарлуқлардан шимолда, Иссиқ кўлдан жанубда яшаганлар. Шу асарда айтилишича чигиллар кўп нуфузли бўлиб, улар асосан ўтовларда ва капаларда яшаганлар. Чигилларнинг асосий даромади қорамолдан, қўйдан ва от-йилқилардан, яъни чорвачиликдан олинган. Чигиллар раҳмдил, хушмуомала ва ёқимли кишилар бўлганлиги қайд қилинади.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида чигил учта этник гуруҳнинг номи бўлиб, булар Барсихоннинг жанубидаги Қиёс<sup>1</sup> шаҳарчасида, Тароз яқинидаги Чигил шаҳарида ва Қашғар яқинидаги бир қанча қишлоқларда яшаганлар.

---

<sup>1</sup> Барсихан шаҳри «Худуд ал-оламда» қайд этилишича (18-а бет) Иссиқ кўлнинг жанубида жойлашган. Қиёс — Иссиқ кўлнинг жанубий шарқидаги шаҳарлардан бири. Маҳмуд Қошғарий (Девону луғотит турк, 3-жилд, 187-бет.). Қиёсни Тухси ва Чигил шаҳарларидан бири деган. Унинг ёзишича учта шаҳар Қиёс деб номланган: Санла Қиёс, Орун Қиёс, Капа Қиёс.

Қарлуқлар таркибидаги уруғдош қабилалардан яна бири халач қабиласи эди. Бу қabila асосан Талас водийсида (унинг юқори қисмида), жойлашган<sup>1</sup>. Халачларнинг қишки жойлари Тараз шаҳрининг шарқида бўлган<sup>2</sup>. Етгисувда халачлар сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотларида Етгисувда халачларнинг фақат икки гуруҳи жойлашган<sup>3</sup>. Халачларнинг бир қисми Қашғарда ҳам яшаган. Уларнинг кўпчилиги VI—VII асрлар давомида кўчиб Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон ҳудудларига бориб ўрнашганлар (булар ҳақида юқорида гапирилган эди). Халачларнинг айрим гуруҳлари Хуросонда ҳам яшаган<sup>4</sup>.

Халачлар ҳам чигиллар каби қарлуқ қabila уюшмаси ва давлати таркибида бўлган қадимий туркий-забон этнослардан ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар (масалан М. Лонгворт, Даймес, И. Маркворт) Византия ва Сурия манбаларида 544 й. оид ахборотларда учрайдиган халиай, қулас атамаларини пеш қилиб, халачлар даставвал хулаж деб номланган алоҳида халқ бўлган деб таъкидлайдилар. Бизнинг тахминимизча халачлар қарлуқ қabila иттифоқидаги (Хитой манбаларида қайд этилган) учта қабиланинг бири бўлиши керак.

X ва ундан кейинги асрларда қарлуқлар ва уларга уруғдош чигил ва халач қабилаларининг каттагина қисми Тошкент воҳаси ва Мовароуннаҳрда яшаб, унинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу-

---

<sup>1</sup> Истахрийнинг, Қаранг: Материалы по истории киргизов и Киргизии. М. 1973. С. 16. Туркий қабилаларни ва халачларнинг яшаган ҳудудлари ҳақидаги маълумотлари асосида, уларни Талас водийсида (унинг юқори қисмида) яшаган деган фикрга келдик.

<sup>2</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Христианство в Туркестане в домонгольский период. Соч. II. Ч. 2. М. 1964, С. 281; Тюрки (Историко-этнографический обзор). Соч. Т. V. М. 1968. С. 584.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк, 3-жилд, 422-бет.

<sup>4</sup> Абулғозий (Қаранг: Шажарайи турк, 31-бет.) «Калач-ўғуз ўғлонлари туркмандин айрилиб Мовароуннаҳр ва Хуросонга тушдилар» деб ёзган эди. Агар бу маълумотни назарда тутсак туркманлар Мовароуннаҳрда, хусусан Нурота тоғларида VIII—IX асрдан яшай бошлаганлар; буларнинг айрим гуруҳлари IX аср охирлари, X асрларда Хуросон ҳудудига ҳам бориб жойлашган. В. В. Бартольднинг (Қаранг: Тюрки. Соч. Т. V. С. 203). фикрича халачлар X аср бошларида Амударёни кечиб ўтганлар. Шу асрда улар Эрон ҳудудига ҳам бориб жойлашган бўлиши мумкин. Қаранг: Longworth Dames. M. Afghanistan-El, S. 15—183; Marguait J. Eransahr nach der Geographie des ps Moses Xorenaci Mit historischen kommentar und historischen und topographischen excursen — AGWD, Bd III, 1901, S. 253.



ларнинг кўпчилиги воҳаларда яшаб, ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига қоришиб кетган. Лекин уларнинг айрим гуруҳлари ўз этник номларини бизгача сақлаб қолганлар.

Қарлуқлар билан ёнма-ён яшаган қабилалардан бири яғмо этноси эди. Гардизийнинг ёзишича яғмолар тўғузлар таркибида бўлган<sup>1</sup>. Лекин уйғурлар таркибида яғмо этник номи учрамайди. А. Н. Гумелов яғмо қавмининг хитойча номи Яньмань бўлиб, телес қабила иттифоқи таркибига кирган, деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. Балки шундайдир. Лекин Н. Я. Бичурин Хитой манбаларидан қилган таржималарида келтирилган 15 та телес (Гаогюй) қабилаларини ичида яғмо ёки унинг хитойча номи Яньмань учрамайди<sup>3</sup>. Милодий 740 й. ташкил топган уйғур хоқонлиги таркибида ҳам яғмо этноси қайд қилинмаган. Келтирилган ахборотларни инобатга олсак, яғмо телес қабила иттифоқида ва кейинчалик уйғур қавмларининг таркибида бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

VIII—IX асрларда яғмо алоҳида қабила иттифоқини ташкил қилган. Яғмоларнинг бу асрларда яшаган жойларини фақат тахминий аниқлаш мумкин. Гардизий (XI аср) яғмолар ҳақида гапириб, булар Хитойдан чапда (ғарбда — К. Ш.), жуда катта ҳудудда яшаган дейди<sup>4</sup>. Гардизийнинг ахборотини инобатга олсак, яғмолар тахминан Ила дарёсининг юқори оқимларида яшаган бўлиб чиқади.

Гардизийнинг яғмолар ҳақида ахбороти ўзидан анча олдин ўтган араб ва форс тилли манбалардан олинган бўлиши керак. Чунки Гардизий кўрсатган ҳудудда яғмолар уйғур хоқонлиги емирилгандан олдинроқ яшаганлар. Уйғур хоқонлиги инқирозга учрагач (840 й.) уйғурлар яшаган ҳудудларни (Мўғулистонни) ташлаб кетганлар. Айни шу йили яғмоларнинг 15 қавми ҳам Ила дарёсининг юқори оқимларидан кўчиб, қарлуқлар тасарруфида бўлган Тарбағатойга (қарлуқ хоқонлигининг рухсати билан албатта) келиб жойлашдилар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар», Соч. Т. VIII. М. 1973. С. 45.

<sup>2</sup> Гумелов А. Н. Тюрки. М. 1967, С. 213.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древнее времена, Т. I, М-Л, 1950, С. 214, 339—349.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Извлечени из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар», соч. Т. VIII, С. 46.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 331, 338-бет.

Яғмоларнинг салмоқли қисми (IX аср охири X аср бошларида) бир неча гуруҳларга бўлиниб Қашғар, Тангритоғ тоғларининг шарқий, жануби-шарқий ён бағирларида, Норин дарёсининг юқори оқимида келиб ўрнашадилар<sup>1</sup>. Буларнинг кичик бир гуруҳи Турфан ҳавзасида ҳам яшаган<sup>2</sup>. Яғмолар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Буларнинг от-йилқилари ва қўйлари кўп бўлган.

Айрим тарихий асарларда яғмолар уйғурлардан, деб таъкидлайдилар. Яғмолар уйғурлар тасарруфида бўлган бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Лекин уларнинг чиқиб келиши уйғурлардан дейишга асос йўқ. Яғмоларнинг илк аجدодлари (уйғурларни ҳам) хунлардан бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак.

Яғмолар кимлар ва қаердан келиб чиққан бўлишидан қатъий назар, уларнинг салмоқли қисми IX—XII асрларда Фарғонанинг шимолий минтақаларида ва унга туташ ҳудудларда яшаб ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланишида фаол қатнашганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида дуғлат, нушиби, аргу, тухси, аз, уз ва бошқа этнослар ва этник гуруҳлар ҳам қатнашган.

Дулу ва нушиби Фарбий турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқлари бўлган.

Дулу жуда қадимги туркий қабилалардан ҳисобланади. V аср охирларида Хитой солномаларида келтирилган 12 та гаагюй (уйғур) қабилаларидан бирининг номи тулу деб<sup>4</sup> номланган. Н. А. Аристовнинг фикрича тулу этник ном дулу қабила исми билан айнан ўхшаш<sup>5</sup>. Бу фикрни инобатга олган тақдирда дулу ёки тулу аجدодлари қадимги хунларга бориб тақалади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Худуд ал-олам, 18-бет.

<sup>2</sup> Турфан ҳавзасига келиб жойлашган уйғурлар Гаочан номи билан аталиб, унча катта бўлмаган давлат барпо этганлар. Мазкур давлат худудида (Турфан ҳавзасида) қарлуқ, чигил, яғмо ва бошқа этносларнинг кичик гуруҳлари ҳам яшаган. Қаранг: Малявкин А. Г. Кўрсатилган асар, 77-бет.

<sup>3</sup> Малявкин, кўрсатилган асар, 121—131-бетлар.

<sup>4</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I, М.-Л. 1950. С. 216.

<sup>5</sup> Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. «Живая старина», вып. III—IV, СПб, 1896, С. 297.

<sup>6</sup> Дулу қабиласи фарбий хунлар (юбан хунлари) таркибидаги йирик қабилалардан бири бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, милодий, I—II асрларда хунларнинг бир қисми фарб томон (Урал тоғла-

Хитой манбаларида учрайдиган дулу этник номи дуглат, дулат атамалари билан ҳам тенглаштирилади. Бу этноним кейинчалик ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларининг таркибига кирган.

Дулу VII асрда Еттисувда ва Жунғорияда яшаб ғарбий турк ҳоқонлигининг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ғарбий турк ҳоқонлигидаги иккинчи йирик қабила иттифоқи нушиби номи билан маълум бўлиб, унинг таркибида ҳам бешта қабила мавжуд бўлган.

Нушиби Тянь-Шаннинг ғарбий қисмида ҳамда Ис-сиққўл атрофида яшаган дулу ва нушиби қабила иттифоқларининг таркибидаги қабилаларни ҳисобга олиб, уларни умумий ном билан «ўн ўқли» ёки «ўн уруғли аймоқ» деб атаган<sup>1</sup>.

VI—VII асрларда нушиби қабилалари эгаллаб турган ҳудуд Сирдарёнинг ўрта оқимларидан то Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий минтақалари билан чегараланган. Улар ўтроқ аҳоли билан яқин алоқада бўлиб, уларда мавжуд бўлган хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ўзларидаги чорва молларига, хом ашёларга (жун, тери ва бошқ.) айрибошлаб олганлар. Сўғд ва Турфан водийсида яшовчи ўтроқ аҳоли нушибиларни энг керакли қишлоқ хўжалик (буғдой, арпа) ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган нушибилар Ғарбий турк ҳоқонлиги ҳаётида етакчилик қилиб, ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Нушибилар билан рақиблашиб келган дулулар ҳам ҳокимиятни қўлга олиш ниятида курашиб келар эдилар<sup>2</sup>. Ҳокимият учун олиб борилган курашлар натижасида 640 й. Ғарбий турк ҳоқонлиги инқирозга учрайди. Ҳокимиятни қўлдан берган нушиби давлат иттифоқи емирила бошлайди, унинг

---

ри олди минтақаларига ва Волга бўйларига) силжиб кетади. Юебанда қолган хун гуруҳлари тулу (дулу) қабила иттифоқи ташкил этиб, ўз таркибига Чуй (чуюе) қабила ва уруғларини қўшиб олади. V асрда жужонлар элатидан қаттиқ талафот кўрган гаогюйлар (уйғурлар) чекиниб, Юебан ҳудудини эгаллайдилар ва дулуларни ўзларига тобе этадилар. Шунинг учун ҳам Хитой воқеанавислари дулуларни уйғурлар таркибидаги халқ деганлар. Турк ҳоқонлиги ташкил топгач (VI аср ўрталарида) уйғурлар ўз юртларига, яъни Селенга ва Хангайга қайтиб кетадилар. Дулу қабиласи ўз ерида, Юебанда қолиб, ғарбий турк ҳоқонлиги таркибига киради.

<sup>1</sup> Бичурин К. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 286, 347-бет.

<sup>2</sup> Ғарбий турк ҳоқонлигида юз берган низолар дулу ва нушибиларнинг ўзаро курашлари ҳақида қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 279—300-бетлар; Древние тюрки. М. 1967, 148. С. 244.

таркибидаги қабила уруғлар бирин-кетин тарқалдилар.

Нушибиларнинг кўпчилиги янгитдан ташкил топган Туркеш хоқонлигига тобе бўлиб, уларнинг таркибида Еттисувда, Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Мовароуннаҳрда яшайдилар. Қарлуқлар даврида (VIII—X асрлар) нушибилар батамом ўтроқлашдилар, кейинги асрларда уларнинг номи манбаларда деярли учрамайди. Шундай қилиб, нушиби ва унинг таркибидаги уруғларнинг талай қисми ўзбекларнинг илк ўрта асрлардаги аждодларининг элат бўлиб шаклланишида қатнашадилар ва улар ўзбек аждодлари билан қоришиб кетадилар. Нушибиларнинг Еттисувда қолган авлодлари ўтроқлашиб, шу минтақанинг турғун аҳолиси бўлиб, кейинчалик қозоқ ва қирғиз халқларининг таркибига кирадилар.

Дулу (дуғлат, дулат) қабила иттифоқидаги айрим қабилалар, масалан, туркешлар (булар ҳақда кейинроқ сўз юритилади) кучайиб, мустақил қабила иттифоқини ташкил қилганлар. Юқорида айтилганидек, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиб, ғарбий турк хоқонлигининг харобаларида Туркеш хоқонлигини ташкил этадилар. Туркешлар билан келиша олмаган дулу гуруҳлари ғарбга чекиниб, Волга бўйларига бориб ўрнашадилар. Илк ўрта асрларда Волга бўйидаги булғорлар зодагонларининг кўплари ана шу дулу (дуғлат)лардан бўлган, деган эдик юқорида. Дулуларнинг талайгина қисми Еттисувда қолиб, кейинги асрларда ҳам ўз этник номларини сақлаб қолганлар. Бу дулуларнинг кейинги авлодлари қозоқ, қирғиз ва ўзбек халқларининг этник тарихида муҳим роль ўйнаган. XIV—XV асрларда дуғлатларнинг айрим гуруҳлари Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хисор<sup>1</sup>да яшаб, кейинчалик ўтроқлашиб, маҳалий аҳолига қоришиб кетганлар.

Туркешлар<sup>2</sup> ҳақидаги дастлабки ахборот милодий VII асрнинг 30-йилларига оид Хитой солномаларида берилади<sup>3</sup>. VIII асрнинг 30-йилларида эса туркеш (тургис) номи билан қадимги туркий битикларда акс эт-

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1958, 21, 27, 47, 70, 92, 116, 122-бетлар.

<sup>2</sup> Манбаларда ва тарихий асарларда туркешлар яна тиркаш, туркиш, тургис ва бошқа номлар билан аталган. Биз мазкур ишда кўп учрайдиган туркеш атамасини қўллашни лозим топдик.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 268, 298, 300, 307, 355-бетлар.

тирилган<sup>1</sup>. Ҳар иккала манбаларда ҳам туркешлар қадимги турк халқига (тукю) мансуб эканлиги уқдириб ўтилган.

Қадимги хитой солномаларида ёзилишига қараганда, туркешлар «қора» ва «сарик» этник гуруҳлардан ташкил топган<sup>2</sup>. В. В. Бартольд, туркешлар асосан икки бўлимдан (аз ва тухсийлардан) иборат бўлганлигини бир неча маротаба таъкидлаб ўтади<sup>3</sup>. Аммо мавжуд бўлган далиллар буни тасдиқламайди. Л. Н. Гумилев ўзининг йирик тадқиқотларидан бирида «сарик»ларни мукри (мохэ) қабилаларидан, «қора»ларни эса авар (абар) туркий қабила иттифоқларидан ташкил топган, деган фикр юритади<sup>4</sup>. Албатта, Л. Н. Гумилевнинг айтганлари тахминий гап, унинг фикрини исботловчи далиллар етарли эмас. Шу ўринда уқдириб ўтиш лозимки, мукри, авар, тухси, аз атамалари туркеш қабила иттифоқига кирмасдан олдин ҳам ўз этник номлари билан маълум бўлиб, мустақил қабила бўлиб келган.

Юқорида эслатилган қабила ва қабила иттифоқларидан ташқари туркешлар таркибига яна бир қанча бошқа этник атамалар ҳам кирган<sup>5</sup>. Аммо уларнинг номлари хитой тилида берилганлиги туфайли уларни туркий этносларнинг қайси бири эканлигини аниқлаш қийин.

Туркешлар VII асрда Фарбий турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқидан бири бўлган дулу таркибига Туркеш номи билан<sup>6</sup> кирганлигини юқорида қайд этган эдик. Булар шу асрда асосан Ила дарёсининг юқори қисмида, Марказий Тянь-Шанда ва қисман Фарғона водийсида ҳам яшаганлар<sup>7</sup>. VII аср охири — VIII аср бошларида туркешлар кучайиб, Ила ва Чу дарёси ораллигидаги ҳудудни эгаллайдилар. Улар сон жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Малов С. К. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л. 1951, С. 30, 38.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 296—300-бетлар.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья. Соч. т. II, ч. I, С. 36; Киргизы. Исторический очерк. Соч. т. I, ч. I, С. 485; Тюрки (историко-этнографический обзор) соч. т. V, С. 585.

<sup>4</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 294.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар, 1-жилд, 296—300-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша жойда, 289-бет.

<sup>7</sup> Хитой солномаларида (қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 299-б.) туркешларнинг (хит. тукиши) фарбий чегараси Бахона (Фарғона) дейилган. Ана шу ахборотга асосланиб, туркешларнинг айрим гуруҳлари Фарғона водийсининг шимолий районларида яшаган деб тахмин қилинади.

кўпчиликини ташкил қилганлар; катта ҳарбий кучга ҳам эга эдилар<sup>1</sup>. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, агар VII асрда туркешлар дулу қабила иттифоқи таркибида, уларга қарам бўлиб келган бўлсалар, шу асрнинг охирида — VIII асрнинг бошларида эса булар мустақил ва йирик қабила иттифоқи бўлиб қоладилар. Туркешларнинг пойтахт шаҳри Суёб қалъаси эди; хоқонларнинг ёзги қароргоҳи эса Тянь-Шаннинг шимолида чую-е қабиласи эгаллаб турган ерларда бўлган<sup>2</sup>.

Туркешлар асосан кўчманчи ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечирар эдилар. Уларнинг чорвачилигида кўй, қорамол, йилқи-отлари ва туялари мўл бўлган. Чорванинг кўпи йирик феодаллар ва зодагонлар қўлида эди. Табарийнинг берган ахборотида, VIII асрнинг 30 йилларида Новқатда<sup>3</sup> яшаган турк хоқонининг (бизнинг тахминимизча гап туркеш қабиласининг бошлиғи, айтилиши вақтда хоқон Сулу ҳақида бораётган бўлиши керак) жуда катта кўриқ жойи бўлган. Кўриқхонанинг бир қисми тоғли ерда бўлса, иккинчи қисми эса водийда, ўтлоқ яйловларда жойлашган. Кўриқхонада боқиладиган моллар ва ов қилинадиган жониворлар кўпинча ҳарбий юришларда керак бўладиган озиқ-овқат эҳтиёжлари учун ҳам фойдаланилган<sup>4</sup>. Бундан ташқари хоқоннинг моллари жамоа ерларида ҳам сақланган. Йирик феодаллар эгаллик қилган молларнинг сони ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Табарийнинг қуйидаги маълумотларини келтириш кифоя. Арабларга асир тушган туркешлар саркардаси Курсул ўзининг асирликдан халос бўлиш ниятида уларга (арабларга) 1000 от, 1000 туя тўлов беришни таклиф қилади. Бу ваъдага эътиборсизлик билан қараган Хурсон ва Мовароуннаҳр ноибини Наср ибн Саййёр Курсулни (739 йили) қатл этишга ҳукм қилади<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Туркешларнинг сони VII аср охири — VIII аср бошларида 500 дан то 700 минггача бўлган. VII аср охирида уларнинг ҳарбий қисмлари 140 минг кишидан иборат бўлса, VIII аср бошларида 300 минг кишига етган. Қаранг: Гумилев Л. Н. Древние турки. С. 295.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Кўрсатилган асар. 290-бет.

<sup>3</sup> Новқат — Чу дарё ҳавзасида ҳозирги Тўқмоқ шаҳрининг яқинида (унинг шарқ томонида) жойлашган ўрта асрдаги йирик шаҳар. Қаранг: Бартольд В. В. Очерки истории Семиречья. Соч. т. II, ч. I, С. 34; Волин С. Сведения арабских источников IX—XVI вв. О долине реки Талас и смежных районов. Труды ИМЭ АН КазССР. Т. VIII, С. 77. Маълумки Сирдарёнинг қуйи оқимларида ҳам Новқат шаҳри мавжуд бўлган. Бу шаҳар ҳақида юқорида изоҳ берилган эди.

<sup>4</sup> История ат-Табари. С. 242.

<sup>5</sup> История ат-Табари. Тошкент, 266—267-бетлар.

Юқорида келтирилган маълумотлар туркешларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлганлигидан далолат беради. Туркешлар ҳукмронлиги остида Ила, Чу, Талас, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг шимолида яшовчи ўтроқ аҳоли ҳам оз бўлмаган. Ўтроқ аҳоли билан кўчманчи ва ярим кўчманчилар орасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиб бориши натижасида туркешларнинг талай қисми турғунлашиб деҳқончилик билан шуғулланадилар.

VII асрнинг ўрталарида фарбий туркларда ҳокимият учун кураш кескинлашди: ҳокимият гоҳ туркешлар қўлига, гоҳ эса фарбий турк хоқонлигининг ворислари қўлига ўтиб туради. Ҳокимият туркешлар қўлига ўтган тақдирда ҳам уларнинг ҳукмронлиги айтарли даражада мустаҳкам эмас эди.

Туркешлар уюшмаси икки қабила иттифоқидан («қора» ва «сарик») ташкил топган деган эдик. Ана шу қабила иттифоқлари ўртасида ҳокимиятни қўлга кириштириш учун бетиним кураш олиб борилган. Бу курашлар туркеш қабила иттифоқини заифлаштиради. Бундан фойдаланган Шарқий турк хоқонлари туркешлар устидан ғалаба қозониб, (711 й.) Фарбий турклар бир неча вақтгача, Шарқий туркларга тобе бўлиб қолдилар<sup>1</sup>.

Туркешлар Шарқий турклар етказган талофатдан бир неча йилларгача заифлашиб, ўз мавқеларини тиклаёлмайдилар. Олдинги ҳолатни тиклаш учун ҳаракатчан ва ишбилармон, тадбиркор бошлиқ керак эди.

Шу талабларга жавоб берадиган киши «қора» туркеш қабила бошлиқларидан бири, ўз даврининг йирик феодалларидан бўлмиш Сулу номли киши бўлган. Туркешлар 716 й. Сулуни ўзларига хон этиб сайлайдилар<sup>2</sup>.

Сулу жуда усталик билан иш тутади. Шу вақтгача Фарбий турк хоқони бўлиб келган Ашина Хуайдонинг қизига уйланади. У яна Шарқий турк хоқони ва Тибет хони билан қариндош тутиниб, уларни ҳам қизларига уйланади<sup>3</sup>. Шу йўл билан Сулу қўшни давлатлар билан муносабатларини яхшилайти ва 716 й. ўзини Фарбий турк хоқони деб эълон қилади. Хитой императорлиги билан яхши муносабатда бўлишга интилади. Сиёсатни бу йўсинда олиб боришдан мақсад Туркеш хоқонлигининг орқа томонини мустаҳкамлаб, асосий эътиборни

<sup>1</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. С. 168.

<sup>2</sup> Бичурин. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 298-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 299-бет.

ғарбга, Мовароуннахрга, унга бостириб кираётган араб кўшинларига қаратиш эди. Сулунинг усталик билан олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати натижасида туркешлар олдинги мавқеларини тиклайдилар, Шарқий турк хоқонлигининг ҳукмронлигидан қутилиб, мустақил иш тутадиған бўладилар.

Сулу хоқонлигининг охириги йиллари туркеш қабилалари орасида зиддият кучаяди. Сулуни олиб бораётган сиёсатига норозилик кўпайиб, унга қарши фитна уюштирилади ва 738 й. Чумгун<sup>1</sup> қабиласидан бўлган сарой амалдорларидан бири Мохэ Дагань<sup>2</sup> (туркий номи Бага тархон) Сулуни ўлдиради ва ҳокимиятни кўлга олишга интилади<sup>3</sup>.

Бу воқеадан кейин «сариқ» ва «қора» қабила иттифоқлари ўртасидаги кураш яна ҳам кучайиб кетади: буларнинг ҳар бири ҳокимият тепасига ўз кишиларини кўйишга интиладилар.

«Сариқ» ва «қора» иттифоқлари орасидаги зиддият ва қонли курашлардан безиган айрим қабилалар хоқонликни тарк этиб, бошқа ерларга кўчиб кетадилар. Айрим вилоятларда ҳам туркешлар таркибидан чиқиб кетишга интиладилар. Масалан, VIII асрнинг ўрталарида Етти-сувнинг ғарбий қисмида яшовчи аҳоли туркешлар ито-атлигидан чиқиб, Талас ҳокимлигини ташкил этади; бу ҳокимлик мустақил Тошкент давлати таркибига киради. Жунғорияда яшовчи туркеш қабилалари Шарқий Туркистон уйғурлари ҳимоясига ўтадилар. Айни шу вақтларда хитойнинг Шарқий Туркистондаги нойиби Вян Чжосянь туркешларга қарши юриш қилиб, уларнинг марказий шахри Суёбни ишғол қилиб, уни батамом вайрон қилади. Шундан сўнг туркешларнинг ҳукмронлиги яна ҳам заифлашади. Бундан фойдаланган қарлуқлар 766 й.

---

<sup>1</sup> Чумгун — туркешларнинг «сариқ» қабиласи таркибидаги этник гуруҳлардан бири.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 299-бет. Даган сўзи хитой тилида тархон маъносини англатади. Даган (тархон) турк зодагонларига бериладиган юқори унвон бўлиб, кўпинча унвон олган кишининг номига қўшиб айтилган. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 3-жилд, 273-бет.

<sup>3</sup> Табарийнинг ахборотларида Ғарбий турк хоқонлигининг қотили туркеш саркардаларидан бири Курсул бўлган (қаранг: «История ат-Табари» 253—266-бб.). Агар хитой солномаларида эслатилган Мохэ Даган Табариде тилга олинган Курсул бир кишининг номи бўлса, унда манбаларда қайд этилган воқеалар бир вақтда содир бўлган бўлиб чиқади ва арабларнинг Абу Музахим лақаби билан аталган турк хоқони Сулу бўлганлигига ҳеч шубҳа қолмайди.



Еттисувни батамом эгаллайдилар<sup>1</sup>. Туркешларнинг маълум қисми, жумладан чу, тухси қабилалари ўз ерларида қолиб қарлуқ қабила иттифоқи, кейинчалик давлати таркибига кирадилар. Қарлуқларга итоат қилмаган туркеш қабилалари тарқалиб, бошқа худудларга кўчиб кетадилар. Масалан, буларнинг бир гуруҳи Жунғорига бориб ўрнашади<sup>2</sup>, бошқа бир гуруҳи шимол томон силжиб, олтойликларга бориб қўшилади<sup>3</sup>. Туркешларнинг салмоқли қисми Шош (Тошкент) вилояти, Фарғона водийси ва Мовароуннахрнинг бошқа вилоятларига бориб ўрнашадилар ва булар ўзбек халқининг этник жараёнида фаол қатнашадилар.

Ўзбеклар таркибига кирган туркешлар ўрта асрлар давомида батамом ўтроқлашиб кетганлар. Буларнинг этник номлари айрим вилоятларда жой номлари бўлиб қолади, холос.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, туркеш уюшмаси таркибидаги қабила ва уруғларнинг катта қисми ўзбек халқи таркибига кириб, унинг этногенетик жараёнида фаол қатнашган. Туркешларнинг кейинги авлодлари кўп асрлар давомида ўзбек халқи ичида бўлиб, ўтроқлашиб унинг ажралмас бир қисми бўлиб қолган.

Ўзбек халқининг ажлодлари элат бўлиб шаклланишида арғин ва тухси этнонимларининг ҳам иштироки бўлган.

Арғин (аргу, аргун, орғун) — қадимги туркий қабилалардан бирининг номи. Н. А. Аристовнинг таъкидлашича, арғин ва басмил бир халқнинг икки хил номи бўлган<sup>4</sup>. Бу сўзларнинг маъноси «аралаш», «қўшилган» яъни бир қанча уруғлардан ташкил топган демакдир. Тарихий маълумотларда кўрсатилишича басмил қабиласи ўтмишда 40 уруғдан, арғин қабиласи эса 7 уруғдан ташкил топган бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, арғин ва басмил этнонимлари бир хил маънони англатиши мумкин, лекин уларнинг ҳар иккаласи бир халқ бўлганлигини тасдиқловчи далиллар йўқ; улар мутлақо бошқа халқлар бўлиши ҳам мумкин.

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 300-бет.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 371.

<sup>3</sup> Олтой халқларининг таркибида XVII—XVIII асрларда туркеш этноними сақланиб қолган. Қаранг: Потапов Л. П. Этнический состав и происхождение алтайцев. Ленинград, 1969. С. 49—50.

<sup>4</sup> Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен... «живая старина». Вып. III—IV, С. 365.

В. В. Радлов арғинларни қарлуқ қабиласидан бири дейди<sup>1</sup>. Бу фикр ҳам ҳақиқатдан узоқ. Арғинлар Тарғабатайда (VII асрда) қарлуқларга қўшни яшаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг қарлуқларга алоқаси бўлмаган. VIII аср охири — IX аср бошларида арғинларнинг бир қисми ғарбга томон силжиб, Алакул атрофида ҳамда Қоратол ва Нур дарё ҳавзаларига бориб жойлашадилар.

Арғинларнинг катта бир қисми VIII асрда Еттисувга келиб ўрнашиб, туркеш хоқоннинг ҳомийлигида, кейинчалик Қарлуқ давлати таркибига кирган. Улар асосан Исфижоб билан Баласағун ўртасидаги қишлоқ ва шаҳарларда яшаганлар<sup>2</sup>. X аср охири — XI аср бошларида Еттисувда жойлашган арғинларнинг салмоқли қисми Тошкент воҳасига ва Фарғона водийсига келиб яшайдилар. Қорахонлар замонида (X—XII аср) уларнинг айрим гуруҳлари ҳозирги Сурхондарё вилоятининг бир неча туманларига келиб ҳам жойлашадилар.

Тухси этник гуруҳи ҳам туркий қабилалардан бири бўлган. Булар VIII—X асрларда Еттисувда, Куёс шаҳри (Иссиқкўлнинг жанубида) ва унга яқин жойларда яшаганлар. Суёб шаҳри ҳам тухсиларнинг яшайдиган вилояти доирасида эди. «Худуд ал-олам»да келтирилган маълумотларда тухсилар қарлуқ ва чигил қабилаларига қўшни ҳудудда жойлашганлар. Тухсиларнинг бир томони қирғизлар билан ҳам чегарадош бўлиб, улар ниҳоятда кўркам, ўтлоқ яйловларга бой ерларни эгаллаганлар. Тухсиларнинг асосий бойлиги қўй, от-йилқи бўлиб, улар қишин-ёзин бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрганлар, ўтов ва капаларда яшаганлар<sup>3</sup> дейилган ушбу асарда.

Гардизий (XI аср) тухсийларни туркешларнинг бир қисми (улар ҳам туркешлардан) деб ёзган эди<sup>4</sup>. Бундан тухсийлар туркеш қабилаларидан деб тушуниш тўғри бўлмас, албатта. Тўғрироғи, тухсийлар туркешлар томонидан тобе этилган қабилалардан бири бўлган. Қарлуқлар ҳокимиятни қўлга олгандан сўнг туркешлар ва уларга итоатда бўлган тухсийлар Чу дарё водийсида

---

<sup>1</sup> Radloff W. W. Die altukischen In schriften der Mongolei, St. pbg. Lief I. 1894. P. 424, 453.

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар, 66-бет.

<sup>3</sup> «Худуд ал-олам». 18а-бет.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Извлечение из сочинений Гардизи «Зайн ал-ахбор». соч. т. VIII, С. 62.

қолиб, чигиллар билан аралаш яшаганлар. Шунинг учун бўлса керак Маҳмуд Қошғарий (XI аср) уларни «тухси чигил дейдилар» деб уқдиради.

X аср давомида тухсийлар қарлуқлар давлати таркибида бўлиб, чигил, халач, яғмо, аргу ва бошқа этнослар қаторида ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашадилар. XI—XII асрларда улар қарлуқлар билан бирга Мовароуннаҳрга кўчиб келадилар ва кейинги асрларда ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига қоришиб кетганлар.

Қанғли — ўзбек халқининг таркибидаги йирик этник гуруҳлардан бири ҳисобланади. Буларнинг этник тарихи деярли аниқланган<sup>1</sup>. Бу ишда фақат ўзбек элатининг шаклланиш ва тараққий этиш жараёнида уларнинг фаол қанташганлигинигина қисқа ёритиш билан чегараланмоқдамиз.

Маълумки, милодий V аср ўргаларида эфғалийлар зарбаси натижасида Қанғ давлати емирилади. Шундан кейин Қанғ давлати таркибидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг (қанғли, печенег) салмоқли қисми Сирдарёнинг қуйи оқимларига бориб ўрнашадилар. Бу ерларда яшовчи бир қанча қабилалар ёки уларнинг айрим гуруҳлари бирлашиб, қанғлилар етакчилигида V асрнинг иккинчи ярмида янги қабила иттифоқини ташкил этадилар. Бу қабила иттифоқи тарих саҳифаларида қанғли (қанғарас) номи билан маълум эди. Мазкур қабила иттифоқи V—VIII асрнинг биринчи яримларида аجدодларининг қадимги ёзги яйлов ерларида (ҳозирги Қизил Ўрда ва қисман Чимкент вилоятларида) жойлашган эди. Буларнинг марказий шаҳри маълум вақтгача Ўтрор бўлган<sup>2</sup>.

VI асрнинг охирларидан бошлаб Фарбий турк хоқонлари қанғлиларга қарши ҳужум бошлайдилар. Фарбий турк хоқонларининг асосий мақсади Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимини, хусусан, Тошкент воҳасини эгаллаб олиш эди. Аммо бу ерларни эгаллаш учун,

<sup>1</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники. М. 1964, 161—179-66; Шаниязов К. Ш. К вопросу расселения и родовых делений кангли. В кн.-этнографические изучения быта и культуры узбеков. Ташкент, «Фан», 1972, С. 4—12; Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990.

<sup>2</sup> Қанғ давлати мавжуд бўлган даврларда Ўтрор қанғар ҳокимларининг ёзги қароргоҳи бўлган. Эндиликда Ўтрор қанғлилар етакчилигида янгидан ташкил топган қабила бирлигининг ҳам Маркази ҳисобланган.

аввало, уларнинг йўлига тўғаноқ бўлаётган қанғлиларни енгиш керак эди. Қанғли ва Ғарбий турк хоқонлиги ўртасидаги кураш VIII аср бошларигача давом этади. Қанғлилар асрлар давомида ўз яйловларини ҳимоя қилиб, хоқонликка бўйсунмасдан келар эдилар.

766 йилда қарлуқлар туркешлар устидан ғалаба қозониб, Ғарбий турк хоқонлигини эгаллагандан<sup>1</sup> сўнг Қарлуқ давлатининг ғарбий чегараси Сирдарё соҳилларига чиқади; қанғли қабила иттифоқига қарашли ерларнинг талай қисмига ҳам қарлуқлар ҳукмронлик қиладилар. Аини шу даврда Сирдарёнинг қуйи оқими ва қисман ўрта қисмга ўғузлар жойлашиб олган эдилар. IX асрнинг бошларида Сирдарёнинг шимолидаги (Исфижоб вилоятидаги) ерларнинг маълум қисми араблар томонидан ишғол қилинди. Ана шу воқеалардан сўнг қанғли қабила иттифоқи батамом емирилиб, бир неча қисмларга бўлиниб кетади. Қанғиларнинг бир қисми шимоли-шарққа, Талас ва Чу дарёларининг қуйи оқимларига, иккинчи қисми Каспий денгизининг шимолидаги Ёйиқ (Урол) дарё яқинидаги яйловларга бориб ўрнашадилар ва учинчи қисми — Орол денгизининг жануби-шарқий соҳилларига, Сирдарёнинг қуйи оқимларида қолиб, ўғузларга тобе бўладилар. Буларнинг барчаси ўз этник номларини (қанғли номини) сақлаб қолган эдилар. Қанғлиларнинг ўтроқлашган қисми ўзларининг қадимги ерларида қолиб, Сирдарёнинг ўрта қисмида (жумладан Тошкент воҳасида) ва Зарафшон воҳасида яшайдилар.

Қанғлиларга қавм-қариндош қабилалардан бири печенег (бижанак) номи билан аталган. Бу қабила қадим даврда Қанғ давлати таркибида ва кейинчалик (VI—VIII асрлар) қанғли қабила иттифоқи таркибида бўлган. VIII аср ўрталарида печенегларнинг бир гуруҳи ўғузларнинг таъқиби остида қанғлилар билан биргаликда Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисмига, Волга-Урол дарё оралиғига келиб яшайдилар. Буларнинг шимолий чегараси Урол тоғи этакларигача етган. Печенегларнинг Волга дарёсининг юқори қисмидаги яйловлари Жигули тоғини ҳамон ўз ичига қамраб олган, бу тоғ ўша асрларда Бижанак тоғи деб аталган. Шу ерларда (Волга-Урол дарё оралиғида жойлашган) печенег ва қанғли қабилаларининг салмоқли қисми бирлашиб алоҳида қабила иттифоқини ташкил этадилар. Бу қабила иттифоқи эндиликда печенеглар етакчили-

<sup>1</sup> Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. Т., 1964, С. 15.

гида ташкил топганлиги туфайли «печенег қабила иттифоқи» номи билан тарихга киради. Печенег ва қанғлиларнинг Сирдарё куйи оқими ва Орол денгизи яқинидаги қолган қисми ўғузлар таркибига киради.

IX асрнинг охирида уз ва хазар қабилалари бирлашиб печенеглар қабила иттифоқига хужум бошлайдилар. Душман сиқигига бардош беролмаган печенег ва қанғлиларнинг катта бир қисми Волга дарёсидан ўтиб, Жанубий рус чўлларига бориб ўрнашадилар. Узлар<sup>1</sup> печенеглар Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урол) дарё оралигидаги яйловларга эгалик қиладилар.

Печенег ва қанғлиларнинг ҳаммаси ҳам ғарбга кўчиб кетмаган эдилар. Уларнинг маълум қисми ўз ерларида қолиб узларга тобе бўлиб яшар эдилар. Ибн Фадлан (X асрнинг биринчи ярми) печенегларни Челкар қўли яқинида учратган эди<sup>2</sup>. Қанғлилар эса Ёйиқ дарёси бўйлаб ва унга яқин чўлларга жойлашганлар.

Константин Багрянородный (X аср) Каспий денгизининг шимолида (Итил ва Ёйиқ дарёлари оралигида) яшаган печенег ва қанғлилар ҳақида қуйидагиларни ёзган эди «...печенеглар ерларидан ҳайдалганларида уларнинг айримлари ўз хоҳишлари билан ўша жойларда (Итил ва Ёйиқ оралигида — К. Ш.) қолиб, узлар билан бирга яшаганлар. Печенеглар X аср ўрталарида ҳам узларнинг қўл остида бўлган...»<sup>3</sup>. Келтирилган маълумотлардан Итил ва Ёйиқ дарёлари оралигидаги печенег — қанғлилар узлардан ташкил топган қабила иттифоқи таркибида бўлганлар. Қанғлилар узларни кетиб қолган қабиладошларининг бир қисми деб ҳисоблаб, этаги ва енги калта қирқилган устки кийимни кийиб юришни одат қилганлар. Улар бу одатлари билан кетиб қолган қардошларидан ажралиб қолганларини билдирадилар<sup>4</sup>. Гардизий (XI аср) берган маълумотига қараганда, Волга—Ёйиқ—Эмба дарёлари оралигида яшовчи печенегларнинг ўз байроғлари бўлиб, уни

---

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар узларни бижанақлар ёки ўғузлар деб, айримлари эса қипчоқлар деб, тушунадилар. Бу хато. Узлар ўтмишда алоҳида туркий қабила бўлган. Қаранг: Шаниязов К. Ш. Узы ОНУ, 1972, № 2, С. 69—73.

<sup>2</sup> Ковалевский А. П. Книга Ахмада ибн Фадлана о его путешествии на Волгу в 219—922 гг. Харьков, 1956, С. 130.

<sup>3</sup> Константин Багрянородный. Об управлении государством. Известия Государственной Академии истории материальной культуры. М.-Л., 1934, С. 16.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

урушга кўтариб кирганлар<sup>1</sup>. Келтирилган бу маълумотларга асосланиб, шунини айтиш мумкинки, бижанак ва қанғилларнинг бу ерларда қолган қисми, гарчи узларга тобе бўлган бўлсалар ҳамки, маълум даражада қабила уюшмаларини сақлаб қолганлар.

Печенег ва қанғиллар чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг от-йилқилари ва қўйлари ниҳоятда кўп, идишлари асосан олтиндан ва кумушдан бўлган, белларига кумушдан қилинган камар боғлаб юрганлар<sup>2</sup>. Бу маълумотлар асосан, печенег ва қанғилларни бой чорвадор табақаларига тегишли бўлиши керак.

Қанғилларнинг Даштиқипчоқда яшовчи қисми XI—XIII аср бошларида қипчоқлар таркибига кирган, (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам Гильом Рубрук уларни «коман» (қипчоқ — К. Ш.) деб аталувчи «қанғили» деб эслаб ўтган<sup>3</sup>.

Мўғул истилоси даврида Даштиқипчоқ ва жанубий рус чўлларида яшовчи қипчоқ қабила иттифоқларига кирган қабилалар (жумладан қанғилларни) мўғуллар шафқатсизлик билан қирадилар, қўпларини асир қилиб олиб, кул қилиб сотадилар. Бу ерларда яшовчи қанғилларнинг маълум қисми мўғуллар зулмидан қочиб, Жанубий Урол тоғ этакларига бориб ўрнашадилар, кейинчалик бошқирдлар таркибига қирадилар. Қанғилларнинг салмоқли қисми Даштиқипчоқда қолиб, мўғулларга тобе бўлиб, уларнинг зулми остида яшашига мажбур бўладилар. Ана шу қанғилларнинг еридан Франция давлатининг элчиси, роҳиб Гильом Рубрук 1253 йили ўтиб, мўғулларнинг асосий қароргоҳи Қорақурумга<sup>4</sup> борган.

Қанғилларнинг катта қисми X аср охири — XI аср бошларигача Сирдарёнинг қуйи оқимларига келиб ўрнашиб қолган<sup>5</sup>. Жувайний ана шу қанғиллар

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-Ахбор» соч. т. VIII, С. 56.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Путешествия в восточные страны Платона Корпини и Рубрука. М. 1957. с. 118, 122, 123.

<sup>4</sup> Мўғулларнинг марказий шаҳри Қорақурум ҳақида батафсил қаранг: Чулууны Дала. Монголия в XIII—XIV веках. М., 1983, С. 39—43.

<sup>5</sup> X аср охири — XI аср бошларида қипчоқларнинг катта бир қисми Сирдарёнинг қуйи оқимларига келиб ўрнашиб қолган эди. Биз эслатган қанғиллар ана шу қипчоқлар таркибига кирган. Қаранг: Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974, С. 49—50.

ҳақида гапириб, уларни «қипчоқ халқининг бир қисми» деб ёзган эди. Бу қанғлиларнинг марказий шаҳри Қорақурум бўлган<sup>1</sup>. Сирдарёнинг қуйи оқимида яшовчи қанғлилар кейинчалик бир неча гуруҳларга бўлиниб кетадилар. Буларнинг баъзи қисмлари қозоқ ва қорақалпоқ халқлари таркибида бўладилар, айрим гуруҳлари эса Хоразм ерларига кўчиб бориб яшайдилар.

Мўғуллар истилосига қадар Хоразмда қанғлилардан тузилган қўшинларнинг сони 90 минг кишини ташкил қилган эди<sup>2</sup>. Талас ва Чу водийсида қолган қанғлиларнинг катта қисми Чингизхон қўшинлари томонидан қириб ташланган<sup>3</sup>. Уларнинг қолган қисми эса Чингизхонга тобе бўлган.

Сирдарёнинг қуйи оқимида, Талас, Чу дарё оралиғида ва Иссиққўл яқинида яшовчи қанғлиларнинг бир қанчаси XII—XIII асрларда Сибир ерларига бориб ўрнашадилар ва шу ерларда яшовчи Олтой, Енисей турклари ва ёқутларга аралашиб кетадилар<sup>4</sup>. Қанғлиларнинг бир қисми Зарафшон водийсига келиб ўрнашади. Мўғуллар кириб келгунга қадар Самарқанд шаҳрида 30 минг қанғли яшаган<sup>5</sup>. Урни келганда шуни ҳам уқдириб ўтиш жоизки, Сирдарёнинг қуйи оқими ва унинг шимолидаги яйловларда асрлар бўйи яшаб келган қанғлиларнинг кўпчилик қисми Темур ҳукмронлиги даврида ҳам шу ерларда яшаган<sup>6</sup>. Кейинги асрларда буларнинг талай қис-

---

<sup>1</sup> Бу ерда эслатилган Қорақурум Урхун дарёси яқинида жойлашган мўғулларнинг асосий марказий шаҳри Қорақурум, деб тушиниш нотўғри. Қанғлиларнинг юқорида эслатилган марказий шаҳри Қорақурум Сирдарёнинг қуйи оқимида, Женд шаҳри яқинида жойлашган. Қаранг: МИТТ, I-том 184-б.

<sup>2</sup> Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I, кн. 2, М.-Л., 1952, С. 214.

<sup>3</sup> Абу-л Гази. Родословное древо тюрков. Перевод и предисловие Г. С. Каблуков, Казань, 1906, С. 34. Шу асарнинг 1992 й. чоп этилган нусхасида Абулғозийнинг ахборотидан қанғли атамаси негадир кникли деб ўқилган. Ҳақиқатда қанғли бўлиши керак. Доссон ҳам бу атамани қанғли деб берган.

<sup>4</sup> Аманжолов С. А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-ата, 1959, С. 72.

<sup>5</sup> Д. Оссон. Истории монголов от Чингизхана до Тамерлана. Чингизхан. Т. I, Иркутск, 1937, С. 145; Веселовский Н. Лекция по истории Востока. СПб, 1896, С. 24.

<sup>6</sup> Аристов Н. А. Опыт выяснения этнического состава киргиз-казахов Большой Орды и каракиргизов... «Живая старина» вып. III—IV, СПб, 1894, С. 403—404.

ми Мовароуннаҳрга бориб ўрнашган, қолганлари эса қозоқ ва қорақалпоқ халқларига аралашиб кетган<sup>1</sup>.

Қипчоқлар ҳам ўзбек халқининг этногенетик жараёнида фаол қатнашган этник гуруҳлардан ҳисобланади. Буларнинг салмоқли қисми қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, бошқирд ва бошқа туркий халқларнинг таркибига ҳам кириб, уларнинг элат бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Қипчоқлар қадимги туркий қабилалардан бўлиб, булар ҳақидаги дастлабки маълумот хитой солнома-ларидан кюеше<sup>2</sup> номи билан милоддан олдинги III—I асрларда тилга олинади<sup>3</sup>. Қипчоқлар (Кюеше) қадимги даврларда Олтой тоғларининг ғарбий қисмида, Алей (Об дарёсининг тармоқларидан бири) ва Уба (Иртиш дарёсининг ўнг тармоғи) дарё бўйларида яшаганлар. Шу даврларда (милоддан олдинги III милодий I асрларда) бир қанча бошқа туркий қабилалар каби қипчоқлар ҳам хунларга тобе бўлганлар. Милодий II—III асрларда қипчоқлар санбийларнинг сиёсий ҳукмронлигида, IV асрдан то VI асргача улар жужжанлар ҳукмронлигида, VI аср ўртала-рида эса турк хоқонлиги таркибида бўлиб қоладилар. Шу асрнинг охирларида (588 й.) турк хоқонлиги иккига: Шарқий (Марказий Урхунда) ва Ғарбий (Марказий Етгисувда) бўлинади. Олтой қабилалари, жумладан қипчоқлар Шарқий турк хоқонлиги таркибида бўлган.

VI асрнинг иккинчи ярмида қипчоқларнинг бир гуруҳи Олтойдан чиқиб, Мўғулларнинг ғарбий қисми-ни, Селенга дарёсининг юқори оқимларидан то Урхун дарёсининг соҳилларигача бўлган ҳудудни эгаллайди. Қипчоқларнинг бу гуруҳини шартли равишда Урхун қипчоқлари деб атаймиз. Урхун қипчоқлари авлодлари шу ерларда XIII асрларда ва ундан кейинги даврларда

---

<sup>1</sup> Қанғиларнинг кейинги асрларга оид этник тарихи ва яшаш жойлари ҳақида қаранг: Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғилар, Тошкент, 1990, 129—191-бетлар.

<sup>2</sup> «Кюеше» ёки «Цзеюше» этноними илмий асарларда қипчоқ қабиласининг номи билан тенглаштирилади. Қаранг: Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 2-жилд, М.-Л., 1953, С. 183, 210; Бернштам А. Н. Древнетюркские элементы в этногенезе Средней Азии. СЭ, 1947, вып. VI—VII, С. 154; Гумилев Л. Н. Динлинская проблема. ИВГО, т. XI, М.-Л., 1959. с. 19; Хунну. М., 1960, с. 65.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд, 50-бет.



ҳам яшаганлар<sup>1</sup>. Бу қипчоқларнинг баъзи қисмлари Қошғарда ҳамда ҳозирги Қирғизистон заминига келиб ўрнашган ва қирғиз халқининг таркибига кирганлар. Қирғизлар орасида яшаб, бизгача етиб келган қирғиз-қипчоқ атамаси талай қисми, ўша урхун қипчоқларининг кейинги авлодлари бўлган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак.

Олтойдан Мўнғулияга, юқорида айтганимиздек, қипчоқларнинг фақат бир қисми кўчиб ўтган бўлиши керак. Буларнинг асосий қисми Олтойнинг жануби-ғарбида қолиб Ғарбий турк хоқонлигига тобе бўлган. VII аср охири — VIII аср бошларида Олтой қипчоқлари Ғарбга кўчиб, Иртиш дарёсидан то Ишим ва Тобол дарёсигача бўлган катта ҳудудни эгаллайдилар. VIII аср охирларида булар Кимак давлати таркибида бўлган<sup>2</sup>. Қипчоқ ва Кимак алоҳида этносларнинг номи. Улар ҳақида Маҳмуд Қошғарий ёзган эди: «Йемек (кимак — К. Ш.) — туркларнинг бир хили. Бизларнинг назаримизда улар қипчоқлардир. Лекин қипчоқлар ўзларини бошқа тоифадан деб ҳисоблайдилар»<sup>3</sup>.

X—XI асрлар давомида қипчоқлар кучайиб, Урол тоғи олди районларида яшовчи бир қанча туркийзабон қабилаларни, жумладан кимак қабиласини ўзларига тобе этадилар. Шу даврларда қипчоқлар Эмба ва Волга дарё оралиғидаги ҳудудни эгаллаб, бу ерларда яшовчи печенег, қанғли, уз ва бошқа қабилаларни тобе этиб, йирик қабила иттифоқини ташкил этадилар. Қипчоқларнинг бу қисмини шартли равишда ғарбий қипчоқлар деб атаймиз.

X аср охирларида ғарбий қипчоқларнинг бир гуруҳи қабилалардан ажралиб, Тенгиз кўлининг жанубидаги яйловларда яшайдилар. Қипчоқларнинг бу гуруҳи «Худуд ал-олам»да «андар аз-қипчоқ» деб аталган<sup>4</sup>. «Андар аз-қипчоқ»лар Сирдарё бўйларида яшовчи ўғуз қабилаларига вақти-вақти билан ҳужум қилиб турганлар. Қипчоқлар ҳужумига бардош беролмаган ўғузлар-

<sup>1</sup> Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I, М.-Л., 1952, С. 151; Грумм-Гризмайло. Западная Монголия и Уранхайский край, Т. II, Л., 1926, С. 487—499.

<sup>2</sup> Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974, с. 46; Кумекон Б. Е. Государство кимаков IX—XI вв. по арабским источникам. Алма-Ата, 1972, с. 42—44.

<sup>3</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. 3-жилд, Т., 1963, 36-бет.

<sup>4</sup> «Худуд ал-олам», 18<sup>а</sup>-бет.

нинг салмоқли қисми Сирдарё бўйларини ташлаб ғарбга (Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва бошқа ерларга) кўчиб кетишга мажбур бўладилар. XI аср бошларида қипчоқлар Сирдарёнинг ўрта қисмини батамом эгаллайдилар; бу ерда янги қипчоқ этник уюшмаси вужудга келади. Қипчоқлар етакчилигидаги бу уюшмани шартли равишда «Сирдарё бўйи қипчоқлари» деб атаймиз. Буларнинг марказий шахри Сиғаноқ бўлган. Мазкур қабила иттифоқига қипчоқлардан ташқари яна Сирдарё яқинидаги чўлларда яшовчи бижанак (печенег), аргу, тухси ва ўғуз этник элементлари ҳам кирган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қипчоқлар X—XI асрларда бир неча гуруҳларга бўлиниб яшаган эдилар. Ҳар бир гуруҳ алоҳида қабила иттифоқига уюшган бўлиб, булар ўз таркибига қипчоқ бўлмаган этник элементларни ҳам қўшиб олганлар. Қипчоқ этник гуруҳларининг ичида энг йириги ғарбий қипчоқлар бўлиб, булар шу даврларда (X—XI аср ўрталарида) асосан Волга ва Урол дарё оралигида яшаб, кейинчалик, Жанубий Рус чўллари ва Шимолий Кавказга кўчиб ўтадилар<sup>1</sup>.

Сирдарёнинг ўрта оқимида, Қоратоғда жойлашган қипчоқ гуруҳи ҳам ўз даврининг йирик этник уюшмаси бўлган. Булар XI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг Марказий районларидаги этник уюшмаларга ва сиёсий тузумларга ўз таъсирларини ўтказа бошлайдилар.

Айни шу даврларда хоразмшоҳлар Хоразмни йирик ва мустақкам давлат даражасига кўтаришга интилар эдилар. Бунинг учун улар ҳарбий юриш қилиб, Хоразм воҳасидан жанубдаги вилоятларни эгаллаш билан бир вақтда шарққа, Сирдарё бўйларидаги ерларни эгаллаб, бу ерларда яшовчи қипчоқларни тобе этмоқчи бўладилар<sup>2</sup>. Ниятларини амалга ошириш учун хоразмшоҳлар

---

<sup>1</sup> Жанубий Рус чўлларида ва Шимолий Кавказда яшаган қипчоқлар (половешлар) ҳақида батафсил қаранг: Плетнева Т. Половцы. М., 1990; Ачабадзе З. В. Кипчаки северного Кавказа, по данным грузинских летописей XI—XIV вв.; СБ. МНСПБ 1 кн., Налчик, 1960, С. 116—125; Федеров-Давидов Г. А. Кочевники Восточной Европы под властью Золотоординских ханов. Изд. МГК, 1966. С. 149—150; Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974, С. 54—64.

<sup>2</sup> Қипчоқларни Хоразм билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақида қаранг: Абу л-Фазл Бейхаки. История Масъуда 1030—1041 гг. Вступительная статья, перевод и примечания Арендса А. К. Ташкент, 1962, С. 104—106.

қипчоқларга ҳужум қилиб, уларнинг турар жойларини, шаҳарларини вайрон қиладилар. Шундан сўнг қипчоқларнинг айрим бўлақлари хоразмшоҳларга тобе бўладилар.

Хоразмшоҳлар қипчоқ уруғ-қабилла бошлиқларига катта пул ваъда қилиб, ўзларига яқинлаштирмоқчи бўладилар. Шу йўл билан улар баъзи қипчоқ бекларини ва саркардаларини сарой хизматига жалб этишга муяссар бўладилар. Масалан, 1181 й. Хоразмшоҳ Текеш (1172—1200) хизматига бир талай қипчоқлар, ҳарбий саркардалар Алиқора Урон (уни Алп-Даркан ҳам деб аталган)<sup>1</sup> бошчилигида Хоразмда, хон саройида хизматда бўлганлар. Аммо қипчоқларнинг асосий қисми айир-Тукихон бошчилигида хоразмшоҳлар билан курашларини давом эттирганлар<sup>2</sup>.

Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қипчоқларни узил-кесил тобе этиш ниятида Хоразмшоҳ Муҳаммад (1200—1220 й.) уларга қарши бир неча маротаба ҳарбий юриш қилади. Ниҳоят 1215 й. у катта қўшин билан келиб, қипчоқларга қаттиқ талафот етказди; қипчоқларнинг Марказий шаҳри бўлмиш Сифаноқни эгаллайди. Ана шундан сўнг омон қолган қипчоқлар Сирдарёнинг шимолидаги бепоён чўлларга чекиниб ўз қабилла уюшмасини ва мустақилликларини сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Лекин буларнинг тинчлиги узоққа чўзилмайди.

1221 й. Чингизхон ўғилларидан бири Жўжихон мўғул қўшинлари билан Даштиқипчоққа ёпирилиб келиб, қипчоқларни бераҳм қира бошлайдилар. Қирғиндан омон қолган қипчоқлар бир неча гуруҳларга бўлиниб, тарқоқ ҳолда яшайдилар. 1236 й. Даштиқипчоққа Ботихон бошлиқ мўғул қўшинлари бостириб киради. Булар фарбга Жанубий Рус чўлларига етиб боргунча йўл-йўлаккай, чўлларда яшовчи қипчоқларни ва бошқа қабилла уруғларини мол-мулкларини талаб борадилар.

Мўғуллардан азият чеккан, Жанубий Рус чўлларига, Шимолий Кавказда бир неча асрлар давомида яшаб келган қипчоқларнинг каттагина қисми ўз яйловларини ташлаб Кичик Осиё, Венгрия ва Миср диёрига

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. I, С. 404—407.

<sup>2</sup> Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. II, М.-Л., 1941, С. 44; Кононов А. Н. Родословная туркмен. Соч. Абу-л Гази хана Хивинского. М.-Л., 1952, С. 44.

бориб ўрнашадилар ва улар бу ерларда доимий қолиб яшайдилар. Уларнинг Даштиқипчоқда<sup>1</sup> қолган қисми, аста-секин ўз яйловларига қайтиб, мўғулларга тобе бўладилар, буларнинг назорати остида янги қипчоқ қабила иттифоқлари вужудга келади. Кейинчалик бу қабила уюшмаларига, қипчоқлардан ташқари, мўғуллар, қанғлилар ва бошқа этник элементлар ҳам киради. Мўғуллар қипчоқлар ва бошқа туркий тилли халқлар билан аралашиб яшайдиган бўладилар. Олтин Ўрдага қарашли шаҳарларда қипчоқлар кўпчиликини ташкил этганлар<sup>2</sup>. Буларнинг каттагина қисми Олтин Ўрданинг Марказий шаҳри бўлмиш Саройда (Сарой Беркада) ҳам яшаганлар<sup>3</sup>.

Вақт ўтиши билан Даштиқипчоқда яшовчи мўғуллар қипчоқлар билан аралашиб борадилар<sup>4</sup>. Қипчоқлар таъсирида мўғуллар тил жиҳатидан XIV асрда батамом турклашадилар<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, XIII—XIV асрларда рўй берган этник жараён туфайли Даштиқипчоқда яшаган мўғул ва туркий қабилалар бир-бирлари билан яқинлашадилар, уларнинг маданиятида, ижтимоий ҳаётида умумийлик ҳосил бўлиб, турк тилда сўзловчи турк-мўғул қоришмасидан ташкил топган янги этнос вужудга келади. Бу этнос XIV—XV асрларда умумий ном билан «ўзбек» деб аталган<sup>6</sup>. Турк-мўғул қабилалари бирлашган бўлишидан қатъи назар, маълум вақтгача уларнинг ҳар бири ўз қабила номларини ва баъзи ўзларига хос анъанавий хусусиятларини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолган эдилар.

Марказий Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг шаклланишида қадимги туркий қабилалардан

---

<sup>1</sup> Даштиқипчоқ деб, Днепр дарёсидан Волгагача ва ундан шарқда, Сирдарёнинг ўрта оқимларигача ва Иртиш дарёси бўйларигача бўлган бепоен чўлларга айтилади. Қаранг: Греков Б. А., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л., 1950, С. 17. Даштиқипчоқ атамаси биринчи мартаба XI асрда ўтган Носир-и-Хисрав асарида учрайди. Қаранг: Бартольд В. В. Новый труд о половцах. Соч., Т. V, 1968, С. 395.

<sup>2</sup> Феодоров-Давидов Г. А. Кочевники Восточной Европы под властью Золотоордынских ханов, С. 208.

<sup>3</sup> Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой орды, Т. I. СПб, 1884, С. 306.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 235-бет.

<sup>5</sup> Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. С. 298.

<sup>6</sup> Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Кўрсатилган асар, 298-бет.

уз қабиласи ҳам иштирок этган. Узларнинг салмоқли қисми X—XI асрлар давомида ғарбга томон силжиб шарқий Европага, айрим парчалари эса Ғарбий Европага ҳам бориб ўрнашган эдилар; кейинчалик булар маҳаллий халқлар таркибига кириб, уларга аралашиб кетганлар. Узларнинг Марказий Осиёда қолган қисми илк ўрта асрлардаёқ ўзбек элатининг таркибига кирган.

Бир қатор тарихчилар (Г. З. Байер, Л. А. Хвольсон, Ф. Сум ва бошқалар), узларни Жанубий рус чўлларида XI—XIII асрда яшаган половецлар (қипчоқлар) билан бир халқ деб билдилар. Бу тахминий гаплар ўз вақтида П. Голубовский томонидан рад этилган эди<sup>1</sup>. Бу билан бирга бу тадқиқотчи узлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб, булар «рус солномаларида учрайдиган торклар» деган хулосага келади<sup>2</sup>. Худди шунга ўхшаш фикрларни яна бир қатор олимлар ҳам айтган эди<sup>3</sup>.

Н. А. Житницкий<sup>4</sup> узларни печенеглардан (бижанак) деб биледи. Баъзи бир олимлар узлар ва ўғузлар бир халқ деб ҳам айтадилар<sup>5</sup>. Д. А. Россовский бу фикрни рад этиб, узларни торклар эканлигини исбот қилишга интилди<sup>6</sup>. Ўрни келганда шуни ҳам уқдириб ўтиш лозимки, рус солномаларида учрайдиган торк этноними жуда кўп этник элементларни (берендей, каипеч, коув, черные клобоки — қора қалпоқ) ва бошқа этник

---

<sup>1</sup> Голубовский П. В. Печенеги, тюрки и половцы до нашествия татар. Университетские известия, год 23, № 1 Киев, 1883, С. 131.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 139-бет.

<sup>3</sup> Карамзин Н. М. История Государственного Российского. СПб, 1833, т. I, прим. 87, 397; Т. II прим. 106; Исследования, замечания и лекции о русской истории, Т. V, М., 1857. С. 136; Иловский Д. И. История России. М., 1876, ч. I, прим. 42; Брун Ф. Черноморье. Одесса, 1870, ч. I, С. 439.

<sup>4</sup> Житницкий И. А. Смена народностей в Южной Руси. Киевская старина, июль. 1883. С. 439.

<sup>5</sup> Соловьев С. М. Сочинения, книга I, М., 1988, С. 142; Н. А. Аристов. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности «Живая старина», вып. III—IV. СПб, 1896. С. 130; Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Сочинения, Т. V, 1968, С. 42. Плетнева С. А. Печенеги, тюрки и половцы в южно-русских степях. Материалы и исследования по археологии СССР. № 62, 1958, с. 964. Плетнева С. А., Половцы. М., 1960. С. 22; С. Г. Агаджанов. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. Ашхабад, 1969, С. 129, 159—161.

<sup>6</sup> Россовский Д. А. Половцы. *Stminarium Kandakovianum*, Сборник статей по археологии и византиноведению, издаваемый институтом им. Н. П. Кондакова. VII—X, Praga, 1935, P. 251.

парчаларни ўз ичига қамраб олган эди. Бу ерда тилга олинган этник гуруҳлар ҳам X—XIII асрларда Жанубий рус чўлларида яшар эдилар. Балки айни шу даврларда торк этник бирлигига узлар ҳам қатнашгандир. Аммо бу ҳақда манбаларда ва тарихий асарларда аниқ маълумот йўқ.

Ўз этнонимини турклар, половецлар, печенеглар (бижанак), ўғузлар ва бошқа халқлар билан тенглаштириш, булар билан бир халқ бўлиб кейинчалик ажралиб чиққан дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Узлар ҳақидаги тарихий материалларни чуқурроқ ўрганилганда буларнинг ўтмишда алоҳида (мустақил) қабила бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш қийин бўлмайди.

Тарихчи М. М. Эрматов узларни Урхун тош битиклари ҳамда форс тилида ёзилган манбаларда учрайдиган аз этноними<sup>1</sup> (буларнинг ҳар иккаласи) бир халқнинг номи деб хато тушунади. Муаллифнинг бундай дейишидан мақсад ўзбек халқининг номи («ўзбек») уз ва аз сўзларининг бирикмаларидан келиб чиққан деган фикрни тасдиқлаш эди.

Ўз ва аз атамаларини ўзбек атамаси билан боғлаб, унга нотўғри талқин берилиши бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам давом этган. Шу хилдаги ғалати изоҳларга таяниб, россиялик олима Р. А. Агеева ўзбек этник номини XII асрнинг биринчи ярмида ўтган Олтин Ўрда хони Ўзбек номи билан боғлаб ёзган эди: «Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига қараганда Ўзбек оти (ўзбек этник номи ҳам — К. Ш.) Ўрта Осиёда бир вақтлар узлар, азлат деб аталувчи халқ номидан келиб чиққан»<sup>2</sup>. Сўзсиз, ўзбек атамасини бу тарзда талқинлаш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Узларнинг келиб чиқиши ҳақида манбаларда керакли маълумот бўлмаганлиги учун аниқ бирон нарса айтиш қийин. Фақат тахмин қилиш мумкин, узлар VI—VII асрларда Турк хоқонлигида ва VIII асрнинг биринчи ярмида туркешлар таркибида бўлган.

VIII асрнинг 60-йилларида узларнинг асосий қисми Орол денгизининг шимоли-ғарбий қисмига бориб ўрнашадилар. Узларнинг бу ерларга келиб ўрнашиши-

---

<sup>1</sup> Эрматов М. М. К вопросу о происхождении названия «узбек». Учение записки Ташкентского государственного педагогического института им. Низами, Т. 49, С. 154—155.

<sup>2</sup> Агеева Р. А. Страны и народы. Происхождение названий, М., 1990, С. 102.

нинг сабаби, уларнинг олдин яшаб турган ерларини (Етгисув) қарлуқлар эгаллаб олган эдилар. Айни шу даврда (IX аср) Орол денгизининг шимоли-шарқий қисмида ва Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида йирик Ўғуз давлати ташкил топган эди. Булар ҳам эгаллаган ҳудудларидаги барча кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ аҳолини ўзларига тобе бўлган қарлуқ ва ўғузларга бўйсинмаган бир қанча қабила-уруғлар ғарб томонга чекиниб кетган. Шулар қаторида узларнинг ҳам маълум қисми бўлган.

Узларнинг бир гуруҳи ўғузларга тобе бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаб қолади. XI асрнинг биринчи чорақларидан бошлаб улар Сирдарё бўйидаги қипчоқлар таркибида эди. Бу ерда яшаган узларнинг номи шу ерда ташкил топган шаҳарларнинг бирининг номи (топоним) бўлиб қолган. Масалан, ўрта асрларда Сирдарёнинг чап соҳилида (Сигноқ шаҳри билан Барчинликент қишлоғи ўртасида) жойлашган шаҳарнинг номи Узкент деб аталган. Сирдарёнинг (юқори оқимлари) Фарғона водийсидаги шаҳарлардан бирининг номи ҳам Узкент (Узган) бўлган. Демак, бу ерларда илк ўрта асрларда (VII—VIII асрларда, балки ундан ҳам олдинроқ) узлар яшаганлиги ҳақида шубҳа қолмаса керак. Аммо XI асрда Узкентда мутлақо бошқа халқ — азгиш (аз) қабиласига мансуб кишилар яшаган<sup>1</sup>.

Орол денгизининг шимоли-ғарбий томонига кўчиб келган узлар Эмба ва Урол дарё оралиғига бориб жойлашадилар. Булардан ғарбда; Урол ва Волга дарёлари оралиғида қанғли ва бижанак (печенег) қабилалари, шимоли-шарқда қипчоқ ҳамда кемак қабилалари яшар эдилар.

IX аср ўрталаригача Эмба ва Урол дарё оралиғида узлар ўғузларга қарам бўлиб келган бўлиши, кейинчалик булар кучайиб атрофдаги қабилалар билан биринчи навбатда печенеглар билан сиёсий кураш олиб борадилар. Айни шу вақтлардан бошлаб узларнинг юнон тарихчилари Константин Багрянородный (X аср)<sup>2</sup>, Атталиет (XI аср), Скилпций (XI аср)<sup>3</sup> Анна Комнина

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. 1-жилд, 122-бет.

<sup>2</sup> Константин Богрянородный. Об управлении государством. Известия. Государственной Академии истории материальной культуры. М.-Л., 1934, С. 10, 15, 16.

<sup>3</sup> Василевский В. Г. Византия и печенеги. Журнал министерства народного просвещения. 1972. № 11, С. 136—137.

(XII аср)<sup>1</sup> ва бошқалар ўз асарларида қайд қилиб ўтадилар. Узлар яна Масъудий (X аср) ва арман тарихчиси Матвий Эдесский (XI аср)<sup>2</sup> асарларида ҳам эслатиб ўтилади.

IX аср охири X аср бошларида узлар хазарлар билан иттифоқ бўлиб печенегларга қарши урушиб, буларни ўз жойларидан чиқиб кетишга мажбур этадилар.

Печенеглар эгаллаб турган жойларини ташлаб Волга дарёсининг ўнг соҳилларига ўтиб Жанубий рус чўлларига кўчиб кетадилар. Бу воқеаларни Константин Багрянародный кўйидагича таърифлайди: «...Печенеглар даставвал узлар билан қўшни туриб Атил ва Гейхе<sup>3</sup> дарё оралиғида яшар эдилар. Бундан эллик йил муқаддам<sup>4</sup> узлар хазарлар билан иттифоқ бўлиб печенегларга қарши урушадилар; жангда устун чиқиб печенегларни сиқиб чиқариб, уларни жойларига (узлар) ҳозирги вақтга қадар эгалик қилиб келмоқдалар»<sup>5</sup>. Демак, Константин Багрянародный давригача (яъни X асрда) узлар печенег-қанғиллар яшаган жойларга эгалик қилганлар.

Келтирилган ахборотлардан аниқ бўлаяптики, узлар X аср бошида Урол ва Волга дарё оралиғидаги ерларни эгаллайдилар. Бу ерларда қолиб кетган печенег ва қанғил қабилаларини ўзларига тобе этиб кўшиб оладилар. Лекин бу ҳудудда узлар ҳам узоқ ҳукмронлик қилиб туролмаганлар. Қипчоқлар зарбасига бардош беролмаган узларнинг катта қисми X асрнинг ўрталарида ғарбга томон силжиб Жанубий рус чўлларига ва кейинчалик Ғарбий Европага ўтиб кетадилар. Даштиқипчоқда қолган қисми ўзбек халқининг таркибига кириб, унинг этногенетик жараёнига фаол иштирок этадилар<sup>6</sup>.

Ўзбек элатининг шаклланишида маълум даражада

<sup>1</sup> Анна Комина. Алексиада. М., 1965, С. 170, 214, 224.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Новый труд о половцах. соч. Т. V. М. 1968. С. 397.

<sup>3</sup> Атил ёки Эдил-Волга, Гейха Урол дарёси.

<sup>4</sup> Константин Багрянародныйнинг асари, 948—952 йилларда ёзилган.

<sup>5</sup> Бу ерда баён қилинган воқеалар китоб ёзишдан эллик йил олдин ўтган бўлса, демак, узларни печенеглар билан урушган йиллари IX аср охири X аср бошларига тўғри келади.

<sup>6</sup> Узларнинг кейинги асрларга оид этник тарихи ҳақида қаранг: Шаниязов К. Ш. Узы, (из истории родоплеменных делений узбеков), ОНУ, 1972 № 2, С. 69—73; Уз ва аз этнослари ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар, «Турон тарихи», 1994, 35—38-бетлар.



аз этносини ҳам роли оз эмас. Буларнинг илк аждодлари Мўғулистоннинг шимоли-ғарбида<sup>1</sup>, ҳозирги Тува ерида яшаб<sup>2</sup> теле қабила иттифоқининг таркибида бўлган. 709 й. шарқий турк хоқони Могилан аз қабила-си жойлашган ерларни босиб олади<sup>3</sup>. 716 й. эса Култегин буларга қаттиқ талафот етказди<sup>4</sup>. Шундан кейин азларнинг катта бир қисми яшаган ерларини ташлаб Еттисувга кўчиб келиб, Чу водийсига ўрнашадилар. Бу водийда яшовчи азлар «Худуд ал-оламда» (X аср) ва Гардизийнинг (XI аср ўртаси) асарида эслатилган. Манбаларда келтирилган маълумотлардан азларни Ғарбий турк хоқонлигида бўлиши, кейин туркешларга тобе бўлганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Еттисувни қарлуқлар ишғол қилгач азларнинг маълум қисми уларга тобе бўлиб Чу—Ила дарё оралигида яшаб қолади. Азларнинг бошқа бир қисми қарлуқларга итоат қилмасдан Сирдарёнинг қуйи оқимларига, Орол денгизининг шимоли-шарқидаги чўлларга кўчиб кетадилар. Азларнинг баъзи гуруҳлари Сирдарёнинг ўрта оқимида Фарғона водийсининг шимолида яшайдилар.

Азларнинг келиб чиқиши ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар Урхун ёзувларида эслатилган азларнинг аслида туркий халқлардан эмас, буларнинг илк аждодлари Енисей остаклари (булар фин қабилаларидан) таркибида бўлган деб тушунадилар.<sup>5</sup> Азларнинг аждодлари аланлар (ослар)дан деган фикр ҳам мавжуд.<sup>6</sup> Аниқ далиллар бўлмаганлиги учун азларни фин тилли остакларга ёки шарқий Эрон

<sup>1</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 259.

<sup>2</sup> История Тувы. Т. 1, М. 1964, С. 81.

<sup>3</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М. 1951. С. 42. Монголии и Киргизии. М.-Л. 1959, С. 59.

<sup>4</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М. 1951. С. 42. Могилан ва Култегин тобе этган азлар асосан ҳозирги Тува худудида яшаганлар. Руник ёзувларида Могилан аввал Хел (Енисей) яқинида жойлашган Чик қабиласига зарба беради. Чик қабиласи Енисейни кечиб ўтиб азлар яшайдиган ерларни эгаллайди. Бундан, азлар VII аср бошларида Туванинг ғарбий минтақаларида яшаган бўлиб чиқади. Култегин мақбараси устига қўйилган тош ёзувида «аз халқи ҳалок бўлди» дейилган. (Қаранг: Малов С. К., Памятники древнетюркской письменности. С. 42). Бу сўздан аз халқи батамом қирилиб кетган деб тушунмасдан балки «аз халқи мустақиллигини йўқотди» деб тушуниш тўғрироқ бўлар.

<sup>5</sup> Giraud K. L'empire des Turks Celestes Les l'histoire d'Elterich, Qapghah et Bilga (680—734) Contributiojn a l'histoire des Turks d'Asia Centrale. Paris. P. 28.

<sup>6</sup> МИТТ. Т. I. С. 144, 145.

тил туркумидаги халқ — аслар (ослар) билан тенглаштириш қийин, албатта. Азларнинг келиб чиқиши қаердан ва ким бўлишидан қатъи назар улар қадим замонлардан буён туркийзабон халқлар таркибида бўлган.

VII асрда азлар Олтой ва Саён тоғ районларида яшаганлар. VII асрнинг бошларида булар Шарқий турк хоқонлиги томонидан тобе этилади. Шундан сўнг шарқий турк хоқонларига бўйин эзмаган азларнинг катта бир қисми ўз ерларини тарк этиб Чу водийсига кўчиб келадилар ва Фарбий турк фуқаролари бўлиб қоладилар. Олтой ва Саён тоғ олди районларида қолган азлар кейинги асрларда Жанубий Сибирь халқларининг (Тува халқи ва олтойликлар, хагас, телентиг, телеутлар, енисей қирғизлари ва бошқ.) таркибига кириб, уларга аралашиб кетадилар. Чу водийсига келиб ўрнашган азлар, Фарбий турк хоқонлиги инқирозга учрагандан сўнг туркеш хоқонлиги ва кейинчалик Қарлуқ давлати ҳудудида яшайдилар; буларнинг айрим гуруҳлари Сирдарёнинг қуйи оқимларига Орол олди чўлларида ҳам кўчиб бориб ўрнашадилар.

Ибн Хордадбеҳ (IX аср) асарида азгиш (аз-гиши, аз одамлари маъносида бўлса керак) этнонимини эслатиб ўтади<sup>1</sup>. X аср охирларида азгишлар Орол денгизининг шимоли-шарқида жойлашган бўлган. Азгишларнинг бош салмоқли қисми Маҳмуд Қошғарийнинг ахборотида биноан Ўзган шаҳрида ва унга яқин ерларда яшаган. Келтирилган маълумотлар жумладан азларнинг катта бир гуруҳи туркеш хоқонлиги ва кейинчалик Қарлуқ давлатида бўлиб келиши ва уларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашиб, Фарғонада яшаши, узларни VIII—X ва кейинги асрларда ўзбек халқининг этногенетик жараёнига бевосита қатнашганлигидан далолат беради.

Ўғузлар ҳам маълум даражада ўзбек халқининг этногенетик жараёнида қатнашганлар. Буларнинг этник тарихи деярли ёритилган<sup>2</sup>, шунинг учун ҳам биз мазкур ишда уларнинг ўзбек халқининг таркибига кирган айрим гуруҳлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтмоқчимиз.

Ўғузлар VIII—IX асрларда Сирдарё бўйларида яшар эдилар. IX аср охири X аср бошларида бу ҳудудда йи-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 145-бет.

<sup>2</sup> Агалжанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XII вв. Ашхабад 1969; Сельжукиды и Тюркмения в XI—XII вв. Ашхабад, 1973; Джикиев А. Очерки происхождения и формирования туркменского народа в эпоху средневековья. Ашхабад, 1991; Туркмени в Среднеазиатском междуречье. Ашхабад. 1989.

рик ўғуз давлати вужудга келади<sup>1</sup>. Ана шу даврлардан бошлаб ўзбек аждодлари ўғузлар билан яқиндан этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Ўғузларнинг айрим гуруҳлари Келес чўли, Ангрэн ва Чирчиқ дарё водийларида, Чотқол ва Угам тоғ олди районларида яшаганлар. Уларнинг мусулмон динини қабул қилган қисми Шош вилоятининг қишлоқ ва шаҳарларида ҳам яшаганлар. Масалан, улар қарлуқлар билан биргаликда Бискентда (ҳозирги Тошкент вилоятидаги Пскент); ўғузларнинг айрим гуруҳлари VIII—X асрлар давомида Зарафшон водийсида, Нурота тоғларида ҳам яшаган.

Зарафшон водийсидаги ўғузларнинг бир қисми чорвачилик, бошқа бир қисми эса деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Тарихий маълумотларда келтирилишича бу ўғузларнинг турар жойлари Нурота тоғида, ёзда эса Самарқанд Сўғдида (Зарафшон воҳасининг ўрта қисмидаги районларда) бўлган. Бошқача қилиб айтганда, ўғузлар ёзда Самарқанд вилоятида ёки унга яқин ерларда яшаб деҳқончилик қилганлар. Қишда қишлоқ ерларига, Нурота тоғларига бориб қишни ўтказганлар.

XI асрнинг биринчи ярмида кўчманчилар ўртасида, (хусусан, ўғузлар билан қипчоқлар орасида) сиёсий зиддият рўй берганлиги туфайли ўғуз-салжуқларнинг катта қисми ғарбга силжиб кетишга мажбур бўлганлар. Уларнинг кетиш сабабларидан яна бири Даштиқипчоқда рўй берган иқтисодий танглик бўлган. Қипчоқлар Сирдарё бўйларини, Қоратоғни эгаллаб олгач, чорва моллари ниҳоят кўп бўлган ўғуз-салжуқлар ўтлоқ яйловлардан маҳрум бўладилар, улар Амударёдан ўтиб Хуросон, Афғонистон, Озарбайжон, Эрон ва бир қанча бошқа мамлакатлар ҳудудига кириб борадилар (Ғарбга силжиб кетган ўғуз-туркманлар ҳақида олдинроқ сўз юритган эдик).

Ғарбга ўғузларнинг ҳаммаси ҳам силжиб кетмаган эди; уларнинг айрим гуруҳлари Мовароуннаҳрда қолиб, ўзбек халқининг таркибига кириб, унга араллашиб кетган.

Ўғуз этноси ва унинг таркибидаги туркманларнинг салмоқли қисми Нурота тоғларида қолиб, бу ерда олдиндан (VIII—IX асрларда) яшаб келган қабиладошлар билан бирга бўлган. Ўғуз-туркманларнинг бу гу-

<sup>1</sup> Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен... С. 128.

руҳи асрлар давомида ўзбеклар билан бирга яшаб улар билан аралашиб кетганлиги туфайли кейинги авлодлар ўзларини онгли равишда ўзбек ёки ўзбек туркманлари деб келганлар<sup>1</sup>. Булар этник, тил ва маданий жиҳатдан ўзбеклардан деярли фарқ қилмаганлар. Ўзбек халқининг таркибида 30 дан ортиқ туркман халқи ичида мавжуд этник элементлар учрайди, масалан, баёт, саёт, оқ уйли, қора-қўйли, ёбу, хидрэли, эрсари ва бошқалар. Бу ва бир қанча бошқа туркманлар таркибидаги этнослар Ўзбекистон ҳудудига илк ўрта асрларда ва ундан кейинги асрларда келиб ўрнашиб қолганлар. Уларнинг кўпчилиги аллақачон ўтроқлашиб ёки ярим ўтроқлашиб яшаб ўзбекларга аралашиб, ўзларини ўзбек атаб келганлар.

Шу ўринда қайд қилиб ўтиш жоизки, ўзбек халқининг этник тарихида муҳим роль ўйнаган айрим этнослар, масалан, қанғли, бижанак, қарлуқ ва бошқалар туркман халқининг этник таркибида ҳам учрайди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқининг этник тарихи туркман халқи ва бошқа қўшни халқлар билан бевосита боғлиқ бўлган.

Илк ўрта асрларда жанубий Сибирда, Еттисувда ва Сирдарё соҳилларида юқорида изоҳланган этнослардан ташқари яна бир қанча бошқа қабилалар ҳам яшаган, масалан, усун, абдал (эфталит) сариқ, қай, кун ва бошқалар.

Усун (уйшун) этноси ўзбек халқининг илк аجدодларидан бўлмиш қанғарларга ва Фарғона аҳолисига қоришиб кетган эди. Усунларнинг кейинги авлодлари (уйшунлар) IX—X асрларда ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланаётган даврида унга қўшган ҳиссаси унча катта бўлмаган. Буларнинг асосий қисми Туркеш, Қарлуқ давлатларини тан олмасдан бепоён чўлларда кўчиб юрганлар.

Абдал (эфталитлар) Мовароуннаҳрда илк ўрта асрнинг IV—VI асрларида яшаб келган ўзбек халқининг туркийзабон аجدодларидан бири бўлганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Буларнинг кейинги авлодлари

---

<sup>1</sup> Мошкова В. Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбек, каракалпаков и туркмен. Труды института истории и археологии АН УзССР. Т. II. С. 950. Ўзбек-туркманлар Амударёнинг чап соҳилида яшовчи туркман уруғ номларининг бир нечтаси учрайди, холос. Нурота ўзбек-туркманларидаги қабилалар асосан шу масқанда асрлар давомида шаклланган.

асосан ўғузлар ичида бўлиб, кейинчалик туркманлар<sup>1</sup> ва Усмоғли турклар<sup>2</sup> ва Афғон халқларнинг таркибига кирган. Ўзбекларнинг IX—X асрларда кечаётган этногенетик жараёнида абдалларнинг жуда оз қисми (асосан Сирдарёнинг ўрта қисмида яшаган гуруҳлари) қатнашган бўлиши керак.

Сариқ этноси ҳам ўзбек элатининг шаклланишида қатнашган қабилалардан бири эди, лекин буларнинг этник тарихи ҳақида тадқиқотчилар аниқ бир фикрга келган эмаслар.

VIII—X асрларга оид Хитой тарихий манбаларида учрайдиган шэ-ли атамаси шари (сари, сариқ) этноними билан тенглаштирилади<sup>3</sup>. Шундай бўлган тақдирда, шарилар қадимги йирик туркийзабон қабилалардан бўлиб чиқади. Шарилар илк ўрта асрлардаёқ бир неча гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири алоҳида вилоятларда яшаган. Буларнинг бир қисми шимолий Хитойда, Хуанхэ дарёсининг юқори оқимларида (дарёнинг эгилган қисмида) жойлашган бўлиб, милодий 650 й. алоҳида вилоятни ташкил этган. VII аср охирида ҳукмронлик қилган уйғурларнинг хони Гудулу (Қутлуқ хон) ана шу шэ-ли гуруҳининг бошлиқларидан бири бўлган, деган фикр мавжуд. Шэ-лиларнинг иккинчи қисми кидан (қоракидан)ларга<sup>4</sup> тобе бўлиб, ҳозирги Шэньан вилоятининг Ляньжау шаҳри<sup>5</sup> яқинида яшаган. Шэ-лиларнинг учинчи қисми Қорашарда<sup>6</sup> (Синьцзян) вилоятида бўлган. Буларнинг (шариларнинг) барча гуруҳлари VI—VIII асрлар давомида Шарқий турк хоқонлиги таркибига кирган.

Шари қабиласи ҳақида салжуқ шоҳларининг саройи табиби Шараф аз-Замон Марвазий (XI аср охири XII аср бошлари) берган ахборотида улар икки (шарқий ва ғарбий) гуруҳга бўлиниб яшаганлар. «Хитойга бо-

<sup>1</sup> Джикиев А. Очерки происхождения и формирования туркменского народа в эпоху средневековья. Ашхабад. 1991. С. 263 (жадвалга қаралсин).

<sup>2</sup> Еремеев Д. Е. Этногенез турок. М. 1971. С. 164.

<sup>3</sup> Зуев Ю. А. Тамги лошади из вассальных княжеств. Труды ИИАЭ Каз ССР Т. 8. 1960. С. 19.

<sup>4</sup> Кидан этноними араб-форс тарихий ва жўғрофий асарларида кўпинча кита тарзида бериледи. Булар Хитойнинг шимоли-шарқида, ҳозирги Манжурия ҳудудида жойлашган эдилар. Қаранг: Гумилев Л. Н. Древние турки. С. 293.

<sup>5</sup> Ляньжоу — Хитойнинг шимоли-ғарбидаги шаҳарлардан бири-нинг номи.

<sup>6</sup> Қорашар — Шарқий Туркистондаги шаҳар.

рувчи сайёҳ, деб ёзади Марвазий, — Санжандан (Ляньжай бўлса керак — К. Ш.) кейин 15 кунлик йўл босиб ўтгач шариларнинг бошлиқларининг номи билан Басм-л<sup>1</sup> деб аталувчи қисмига етиб боради». Бу ерда гап шариларнинг шарқий гуруҳи ҳақида кетаяпти. В. Минорский шариларнинг бу қисмини Эдизкўл яқинида жойлашган деб шарҳлайди<sup>2</sup>.

Марвазийнинг берган ахборотидан шарилар ва басмиллар бир халқ ёки кейингиларнинг ичидаги этник гуруҳлардан бири деб тушуниш мумкин. Маълумки, басмиллар Жунғорияда, аниқроғи Бойтинда яшаб, турк хоқонлиги таркибидаги қабилалардан бири бўлган. Басмилларнинг (хитойча номи басими, басимо) қабила бошлиқлари турк хоқонлигига асос солган ашина уруғига мансуб кишилар бўлишган<sup>3</sup>. Юқорида таъкидлашича Шэ-ли (шари) этноси ҳам Ашина сулоласи билан қон-қариндошлик алоқада бўлган. Ҳақиқатдан ҳам шариларнинг маълум қисми басмил этник уюшмасига кирган бўлсада, унда Марвазийнинг тилга олган «Шарқий шарилар» гуруҳи Эдизкўлда эмас, Жунғориянинг шарқий минтақаларида яшаган бўлиб чиқади. Аммо воқеа бошқачароқ бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Маълумки VIII асрнинг 40-йилларига келиб жанубий Сибирда сиёсий вазият ўзгарди. Уйғурлар қарлуқ ва басмиллар билан иттифоқликда Шарқий турк хоқонлигига ҳужум бошлайдилар. Буларнинг зарбаларидан кейин 742 й. Шарқий турк хоқонлиги батамом емирилади ва унинг заминида уйғур хоқонлиги вужудга келади. Орадан оз вақт ўтиши билан уйғурлар собиқ иттифоқдошлари басмилларга ҳужум қилиб, уларни тобе этадилар. Уйғур хоқонларининг ҳукмронлигини тан олмаган басмилларнинг бир гуруҳи кўчиб Эдизкўл яқинига бориб ўрнашадилар ва бу ерларда аввалдан

---

<sup>1</sup> Бу ерда туркий қабилалардан бири бўлган басмиллар ҳақида гап кетаётган бўлиши керак. Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. 1-жилд, 66, 227-бетлар; 2-жилд, 381-бет. Minorsky V. Saraf al-Zaman Tahir Marvazi P. 73.

<sup>2</sup> Эдизкўл — Шимолий Хитойдаги унча катта бўлмаган қўл ва дарёнинг номи Хитой манбаларида тилга олинган Шэ-ли (шари) этносининг бир гуруҳи Хуанхэ дарёсининг бурилган жойидан шимолда яшаганлиги юқорида гапирилган эди. Бу жой Эдизкўлдан шарқда жойлашган. Географик жиҳатдан Хитой манбаларида эслатилган шарилар жойлашган ҳудуд Марвазий эслатиб ўтган шарилар яшаган ҳудуддан фарқ қилса ҳамки, аслида уларнинг ҳар иккаласида Хитойда, Алашан саҳросининг шарқий қисмида яшаган шарилар ҳақида гап кетаяпти.

<sup>3</sup> Зуев Ю. А. Тамги лошадей из вассальных княжеств. С. 119.

яшаб келган шариларни ўзларига бўйсундириб олган бўлиши ҳам мумкин. Марвазийнинг «шарилар бошлиқларининг номи билан басмил деб аталган ибораси» билан уларнинг (шариларнинг) устидан бу ерларга келиб қолган басмиллар ҳукмронлик қилаётганлигини уқдириб ўтмоқчи бўлгандир, балки.

Шариларнинг иккинчи (ғарбий) гуруҳини Марвазий қай ва кун (хун)<sup>1</sup> этносларини шарқдан ғарбга силжиши ҳақида гап кетганда эслайди. Бу силжишни Марвазий куйидагича тасвирлайди: турк қавмларидан бўлмиш кунлар даставвал Хита (кидан) мамлакатига яқин ерларда яшар эдилар. Кунлар Кита Хондан (киданлар хони)<sup>2</sup> кўрқиб ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Хоразм шоҳи Экинчи ибн Кўчқор<sup>3</sup> шулардан (кунлардан бўлган). Кунлар ғарб томон силжиб келаётган кезларида уларга кучли қай<sup>4</sup> қабиласи хужум қилади. Кунлар келиб, ўз навбатида шарилар турган ерларни эгаллайдилар. Яйловлардан ажралган шарилар эса туркманлар ҳудудига кўчиб ўтадилар. Шу воқеадан туркманлар силжиб, Арман денгизи яқинидаги бижанаклар<sup>5</sup> ерига бориб ўрнашадилар. Кўчманчи-

---

<sup>1</sup> Кун ва хун атамалари аниқ бир этносни ифодалаган. (Қаранг: Зуев Ю. А. Кўрсатилган асар. 128-бет). Хун (гун) империя емирлгач унинг айрим гуруҳлари мустақил қабила иттифоқларини ташкил этган бўлсалар, (Қаранг: Гумилев Л. Н. Хунну. М. 1960. С. 241) бошқа бир гуруҳлари эса, бошқа кучли қабила иттифоқларининг таркибига кириб, узоқ вақтлар давомида унинг ичида ўз этник номларини сақлаб келган эдилар. Қаранг: Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М. 1967. С. 327; Малявкин А. Г. Уйгурское государство в IX—XII вв. Новосибирск. 1983. С. 130. Марвазийнинг маълумотида биноан хунларнинг гуруҳи хита (кидан) қабила иттифоқи ичида ҳам бўлган.

<sup>2</sup> Хита (кита) қадимги Хитой солномаларида эслатилган кидан (кейинчалик туркий халқлар уни қоракидан, қорахитой деб номланганлар) ички Манжуриянинг шарқида яшаган халқнинг номи. Беруний (Қаранг: Конон Масуда. Изб. Произведение. Т. V. 1973. С. 450). Кита Хитойнинг шарқида ва шимолида жойлашган, унинг подшоши Китахон деб аталганлигини таъкидлаб ёзган эди.

<sup>3</sup> Бу ерда XI аср охирларида Хоразмда подшолик қилган Экинчи ибн Кўчқор ҳақида гап кетаяпти. Қаранг: Босворт К. Э. Мусулманские династии. М, 1971. С. 152.

<sup>4</sup> Қай этноси ҳам жануби-шарқий Сибирда яшаган қадимги туркий забон қабилалардан бири, VI—VIII асрларда улар шарқий турк хоқонлиги таркибида бўлган.

<sup>5</sup> Арман денгизи, деб бу ерда Каспий денгизига айтилган бўлиши керак. VIII—IX асрларда бижанакларнинг катта бир қисми Каспий денгизининг шимолида, Урол — Волга дарё оралиғида яшар эдилар. Қаранг: Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент 1974. С. 47. Араб жуғрофлари Қора денгизни ҳам Арман денгизи деганлар. Қаранг: Бартольд В. В. Новый труд о половцах. Соч. Т. V. С. 395.

ларнинг бу хатги-ҳаракатлари Ауфи (XIII аср) асарида ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Марвазий ва Ауфи ахборотларидан шари, кун ва қай этносларининг ғарбга силжиб кетиши қачон содир бўлганлигини тушуниб олиш қийин, албатта. С. П. Толстов уларнинг кўчиши V—VI асрларда содир бўлган деб ёзади<sup>2</sup>. В. Ф. Минорский<sup>3</sup> ва С. П. Агаджанов<sup>4</sup> бу воқеалар XI асрда содир бўлган дейишади. Бизнинг фикримизча, шариларнинг ғарбга силжиши даставвал VIII асрнинг 60-йилларида содир бўлган бўлиши керак. Айти шу йиллари қарлуқлар Еттисувни эгалладилар. Сариларнинг ҳам салмоқли қисми қарлуқлар билан бир вақтда келиб Чу дарё водийсига жойлашадилар. Буларнинг кўпчилиги кейинчалик ўтроқлашиб, шу водийда турғун бўлиб қолади<sup>5</sup>.

Сариларнинг навбатдаги силжиши IX асрнинг ўрталарида бошланган. Маълумки, 840 йили қирғизлар уйғурларга катта талафот етказадилар. Шундан сўнг тўғуз ўғуз қабила иттифоқи ва уларнинг таркибидаги уйғурлар Шарқий Туркистонга ва Хитойнинг шимолий вилоятларига кўчиб кетадилар. Уйғурларнинг айрим гуруҳлари ва уларнинг ичидаги кун (хун) этноси 865 йили Турфан ҳавзасига келиб жойлашади. Бу ҳавзада уйғур ва кунлар келмасдан олдин бир қанча туркий қабилалар, жумладан басмил, қарлуқ, шато ва бошқ. яшар эдилар. Турфонда, хусусан Гаучан (Кочо) районида Марвазий тилга олган «ғарбий сарилар»нинг ҳам бир гуруҳи жойлашган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса

---

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Кўрсатилган асар. 5-жилд, 395-бет.

<sup>2</sup> Толстов С. П. Города гузов. СЭ. 1947. №3 С. 81.

<sup>3</sup> Minorsky V. Saraf al-Zaman Tahir Marvazi p. 95-98. Koprulu M. F. Kay Kobelesi hakkında yeni notlar. «Turk tarich kurumu». Belleten Cilt. VII. № 31. 1944. S. 421—435.

<sup>4</sup> Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. С. 157.

<sup>5</sup> Кудами ибн Жаъфар (X аср ўрталари) Еттисувда мавжуд бўлган Сари қишлоғини тилга олади. (Қаранг: Волин С. Сведения арабских источников IX—X вв. о долине Таласа и смежных районов. С. 77). Сари топонимини Ауфи ҳам тилга олган. Шарқшунос олимлар сари топонимини шари (сарик) қабила номи билан тенглаштирадилар. Қаранг: Бартольд В. В. Новый труд о половцах. Соч. Т. V. С. 396. Агар Кудамини шарилар ҳақидаги маълумоти IX аср охири X аср бошларига тўғри келадиган бўлса, унда қабила номи билан аталган Сари қишлоғи анча олдин, VIII аср охири IX аср бошларида вужудга келган бўлади. Ана шу тахминга асосланиб, биз шариларнинг дастлабки гуруҳи Еттисувга VIII асрнинг 60—70-йиллари келган деб фараз қилдик.



керак<sup>1</sup>. Агар воқеани шу йўсинда тасаввур қилинганда шари ва кун муносабатларида бир оз аниқлик ҳосил бўлади.

Уйғур ва уларнинг таркибидаги кунлар Турфон ҳавзасини эгаллагач, бу ерда кўплаб йиғилган кўчманчи чорвадор қабилаларга яйлов ерлар етишмай қабилавий зиддиятлар кучайиб боради. Яйлов учун кураш бошланади. Катта кучга эга бўлган кунлар шариларни Турфон ҳавзасидан сиқиб чиқарадилар. Яйловлардан ажралган Турфон шариларининг бир қисми кўчиб Етти-сувга, олдинлари бориб қолган қардошлари ёнига, иккинчи қисми эса шимолий Хитойда яшаётган қабиладошлари худудига бориб ўрнашадилар<sup>2</sup>. Ана шу даврда (IX асрда) рўй берган воқеалар, хусусан сари ва кун муносабатлари Марвазий ва Ауфи асарларида ўз аксини топган.

Юқорида қай этноними ҳақида гапирган эдик. Айрим тадқиқотчилар қай атамасини хитой солномаларида (масалан Тханшуда)<sup>3</sup> эслатилган Си этноси билан тенглаштирадилар<sup>4</sup>.

Си (қай) қабиласи турк хоқонлиги таркибида бўлиб, хоқонликнинг энг чекка, (шарқий) худудига кидан (киталарга) яқин ерларда яшаганлар. Қайлар асрлар давомида киданлар билан ёнма-ён яшаб қисман аралашиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун бўлса керак, айрим тадқиқотчилар қайларни мўғуллардан ёки мўғуллашган турклар деб изоҳлайдилар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Зуев Ю. А. (Қаранг: Тамга лошадей из вассальных княжеств. С. 120) тарихий манбаларга асосланиб, фарбий сариларни Гаочан худудида жойлашган бўлиши керак, дейди.

<sup>2</sup> Шимолий Хитойда, Ляньжуа яқинида сариларнинг бир гуруҳи қадимдан яшаётганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди. IX асрда Гаочан (Кочо) районида кўчиб; шарққа томон силжиб кетган шарилар ҳам Ляньжуа яқинидаги сариларга келиб қўшилидилар. Буларнинг анчаси кейинги асрларда маҳаллий аҳоли билан қоришиб, ўз этник номини йўқотиб юборган. Аммо уларнинг талайгина қисми шу ерларда яшовчи уйғурлар таркибига кириб, ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Ганьсу вилоятида яшовчи сариқ уйғур (сарыг югур) этник гуруҳини ташкил этган бўлиши керак. Сариқ уйғурлар ҳақида Қаранг: Позднеев Д. М. Исторический очерк уйгуров (по китайским источникам) СПб, 1899. С. 96—97, Малов С. Е. Язык желтых уйгуров. Алма-Ата. 1957. С. 3—7.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Кўрсатилган асар. 1-жилд. 259-бет.

<sup>4</sup> Minorkey V. Кўрсатилган асар. 95—98-бетлар.

<sup>5</sup> Marquart J. Ueber das volkstum... S. 88, 187. Бартольд В. В. Кай. Соч. Т. V. С. 536.

Қайлар<sup>1</sup>, шарилар каби Еттисувга бир вақтда келмаганлар. Буларнинг бир гуруҳи VIII асрда, балки ўғузлар (ғузлар) билан бир вақтда келган бўлиши мумкин. Жанубий Сибирда қолган қайларнинг гуруҳи, IX аср ўрталарида, қирғизлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин келган. Бу гуруҳ келиб Еттисувда ва Сирдарё бўйларида яшовчи қабиладошлари билан бирлашадилар. Кейинги асрларда (IX—XVI) қайлар асосан ўғузлар-туркманлар<sup>2</sup> ва Усмонли турклар таркибида бўлган.

Юқорида Марвазийнинг қайлар кунларга ҳужум қилганлиги, кейингилар эса шарилар яшаган яйловларни эгаллаганлиги, шарилар эса ўз навбатида туркманларни сиқиб, уларнинг ерларига эгалик қилганлиги ҳақидаги ахборотини келтирган эдик. Лекин Марвазий ва ундан кейин бу воқеаларга ёндашган Ауфи қабилавий тўқнашувлар қачон содир бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса демаганлар. Агаджанов С. Г. бу воқеалар XI асрнинг 30-йилларида содир бўлган<sup>3</sup> деб таъкидлайди. Унинг ва Плетнева С. А.<sup>4</sup>нинг фикрича туркманларга зарба берган шарилар (сари) қипчоқлар бўлган дейдилар. Аввало шуни уқдириб ўтиш лозимки, ўғузларга ва уларнинг таркибида бўлган Сирдарё соҳилларида яшаган

---

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар қай этносини кимак атамаси билан тенглаштирадилар. Қаранг: Из истории движения кочевых племен Евразийских степей в первой половине XI в. Археологические исследования древнего и средневекового Казахстана. Алма-Ата. 1980. С. 47—48; Плетнева С. А., Половцы. М. 1990. С. 35. Айрим тадқиқотчилар эса қайларни турклардан мўғул деб изоҳлайдилар. Бизнингча қай этнонимини кимак этноними билан тенглаштиришга (буларнинг ҳар иккаласини ҳам бир халқ дейишга) ҳеч асос йўқ. Қайлар ҳақидаги ҳар хил фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Minorsky V. Sharaf al Zaman Tahir Marvazi on China the Turks and India, London. 1942. p. 95—98; Koprulu M. F. Kay kobelesi hakkında yeni notlar. S. 421—435.

Рашид ад-дин (Сборник летописей. Т. I. М-Л. 1952. С. 88.) ва Абулғозий асарида (Қаранг: Кононов А. Н. Сочинение Абулгази хана Хивинского. М-Л. 1958. С. 53.) ўғуз қабилаларидан бирининг номи қай деб берилди. Абулғозийнинг ёзишича, Султон Маҳмуд Фазнавийнинг отаси Собук тегин (977 й. вафот этган) қайлардан бўлган. Қаранг: Кононов А. Н. Кўрсатилган асар. 56-бет. А. Н. Кононовнинг (Қаранг: ўша асар 96-бет) изоҳ беришича, ҳозирги вақтда ҳам Туркманистонда қай этноними коклен номи билан маълум.

<sup>2</sup> Турк халқининг таркибида қай этноси мавжуд. Усмонли сулоласи номи ҳам қайлардан ажралиб чиққан усмонли қабиласининг номидан олинган. Қаранг: Еремеев Д. Е. Этногенез турок. М. 1971. С. 20, 41, 80, 93.

<sup>3</sup> Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Седней Азии. С. 157.

<sup>4</sup> Агаджанов С. Г. Кўрсатилган асар. 156—157-бетлар. Плетнева С. А. Половцы. С. 35.

туркманларга зарба берган сариқлар эмас, кимаклардан ажралиб чиқиб, XI асрнинг 20—30-йилларида Сирдарё бўйларига силжиб келган қипчоқлар бўлган. Тўғри, қипчоқлар таркибида ҳам сари (сарик) этноними мавжуд эди. Лекин уларни Еттисувда яшовчи шариларга (сарик) алоқаси бўлмаган ва улар (қипчоқларсиз) мустақил ҳаракат қила олмаганлар<sup>1</sup>.

Кунларнинг қайлар билан тўқнашиши XI асрнинг 30-йилларида эмас, X асрнинг биринчи яримларида содир бўлган бўлиши керак. Маълумки, IX аср охирида X аср бошларида Сирдарё соҳилларида йирик ўғуз давлати вужудга келади. Бу давлат ябғулари чўлларда яшовчи айрим қабилаларни ўзларига бўйсундирмоқчи бўладилар. Шу вақтларда ўғузлар таркибида бўлган қайларда жанговар кучлар кўпроқ бўлса керак. Улар (қайлар) ўғуз ябғуларнинг ихтиёри билан кунларга ҳужум бошлайдилар. Кунларга кучлироқ қабила иттифоқининг ҳимояси зарур эди. Булар чекиниб, Орол денгизининг шимоли-ғарбидаги чўлларга, Урол тоғ олди ҳудудларига жойлашган қипчоқларга бориб қўшиладилар. XI асрнинг 60-йиллари кунлар қипчоқлар таркибида жанубий чўлларга ва шу асрнинг 60-йиллари улар Венгрия ҳудудига кўчиб ўтадилар. Венгрия (Хунгария)<sup>2</sup> солномаларида булар кун ёки куни<sup>3</sup> деб номланган.

Кунларнинг Сирдарё бўйларида қолган бу ерларга силжиб келаётган қипчоқларнинг зарбасига бардош беролмай, ўғуз-салжуклар билан бирга XI асрнинг биринчи чорақларида ғарбга силжиб, Хуросон ва бошқа бир қанча ҳудудларни эгаллайдилар. 1041 й. салжуклар Хоразмда ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. С. 51—54.

<sup>2</sup> Венгрия (Хунгария) кўчиб кетган хунлар таркибида «қора» ва «оқ» лимлари мавжуд бўлган. Kosanyi B. X—XII asirlarda uzlar ve kumanlar tarichine doir «Turk tarih kurumu» Belleten. Cilt VIII. № 29. 1944. S8 131—132.

<sup>3</sup> Голубовский П. Г. Печенеги, тюрки и половцы до нашествия татар. Киев. 1884. С. 130—132; Бартольд В. В. Новый труд о половцах. Соч. Т. V. С. 391; Бартольд В. В.нинг назарида ку, куни (рус солномаларида коман) атамалари қипчоқларга нисбатан қўлланилган. Бизнингча бу этнонимлар билан қипчоқлар эмас, улар таркибидаги кунлар ифодаланган. Қипчоқларни руслар половец деганлар. Бу сўзни (половая сўзини) Европа халқлари (поляклар, чехлар, венгерлар, немислар) бузиб талаффуз этганлар.

<sup>4</sup> Босворт К. Э. Мусульманские династии. М. 1971. С. 162.

Хоразмни идора қилиш учун салжуклар бу ерга ҳоким тайинлайдилар. 1097 й. Хоразмга ҳоким қилиб Марвазий тилга олган, кун қабиласининг бекларидан бири Экинчи ибн Кўчқор тайинланади. Унинг даврида Хоразм заминига кунларнинг ҳам айрим гуруҳлари келиб ўрнашган бўлиши керак, чунки ҳоким бўлган киши одатда ўз яқин кишиларига, уруғ-аймоқларига таяниб иш тутмаса, мамлакатни идора қилиш қийин бўлган.

Шари (сарриқ), кун ва қай этнослари ҳақида келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин. Сари (шари, хитойча шэли) қадимги туркий қабилалардан бўлиб, VII—VIII асрларда бир неча этник гуруҳларга бўлиниб кетган. Буларнинг катта бир қисми шу асрлар давомида шарқий турк хоқонлиги ичида бўлган. VIII асрнинг охирларида сариқларнинг бир гуруҳи Еттисувга, Чу дарё водийсининг ўрта қисмига келиб ўрнашадилар. Шу асрдан бошлаб сариқлар қарлуқ, кейинроқ (X аср ўрталарида) Қорахонлар давлати таркибида бўлиб, ўзбек элатининг шаклланишида бевосита қатнашган.

Сариқларнинг яна бошқа гуруҳлари Мўғулистон ва Шимолий Хитойда жойлашганлиги ҳақида гапирган эдик. IX асрда бу минтақаларда юз берган сиёсий вазиятлар бу ерларда ҳанузгача яшаб келаётган сариқ гуруҳларига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Қабилавий курашларга бардош беролмаган Шари гуруҳлари биринкетин Еттисувга, Чу дарёсининг қуйи оқимидаги чўлларга кўчиб келиб ўрнашадилар. Кейинги гуруҳларнинг айрим қисмлари шу даврларданоқ Сирдарё соҳилларидаги ўғузлар таркибига кирган. Ўғузлар ва қарлуқларга итоат қилмаган сариқлар Даштиқипчоқ чўлларида яшаб, ўз этник бирлигини маълум вақтларгача сақлаб қолган эдилар.

X—XV асрлар ва ундан ҳам кейинги даврларда Даштиқипчоқда яшаган сариқлар, бу ҳудудда содир бўлган феодал курашлар ва қабилавий низолар туфайли кичик бўлақларга бўлиниб, ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд халқлари таркибига кириб, уларнинг этник жараёнида иштирок қилганлар. Тилга олинган халқлар ичида сариқ этноними бизгача сақланиб келганлиги айтганларимизнинг далили бўлади. Сариқларнинг Жунғорияда, Тарбағатайда қолган бўлақлари Сибирь халқларининг таркибига кириб уларга қоришиб кетадилар. Сариқларнинг шимолий Хитойда қолган қисми шу ерларда яшовчи уйғурлар билан ара-

лашиб, уларнинг ичидаги сариқ уйғур деб ном олган этник гуруҳни ташкил этган бўлиши керак.

Бу ўринда шуни ҳам уқдириб ўтиш лозимки, айрим этносларга рангли атама ҳам (сариқ, қора, оқ ва бошқ.) кўшиб айтилади; масалан, сариқ-қипчоқ, сариқангли, сари-нўғой ва бошқ. Қабила номига кўшилиб келган сариқ (сари, сары) сўзининг кўпчилиги сариқ этнонимига алоқаси бўлмаслиги ҳам мумкин, уларнинг пайдо бўлиш тарихи бир хилда бўлмаган, баъзилари ҳақиқатан қадимги сариқ (сари, шари) этноси билан боғлиқ бўлса, бошқаларининг бу этнос билан алоқаси мутлақо бўлмаган<sup>1</sup>.

Қай ва кун этнослари ҳам маълум даражада ўзбек элатининг шаклланишида қатнашганлар. Лекин уларнинг ҳиссаси ўзбек этносида унча катта бўлмаган бўлиши керак.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ш. Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент. 1990. 146—147-бетлар.

## **IV боб. Шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиёти**

---

### **1. XIII—XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ**

XIII аср бошларига келиб Марказий Осиёда сиёсий вазият бир мунча кескинлашган эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Мовароуннаҳрни эгаллайди. 200 йил давомида бу ҳудудда ҳукмронлик қилиб келган ғарбий қорахонлар ҳукмронлиги тугатилади. Хоразмшоҳ Муҳаммад Даштиқипчоқ чўлларига, хусусан Сирдарёнинг қуйи оқимларига юриш қилиб бу ерларда яшовчи қипчоқларни тобе этмоқчи бўлади. Лекин у қипчоқларнинг тўсқинлигига учрагач, уларнинг овуллари талаб, кўпларини қилич дамидан ўтказадилар.

Айни шу даврда Ила дарё соҳилларида яшовчи найманлар кучайиб Кидан (қорахитой) давлати харобаларида янги — найман давлатини барпо қиладилар. Давлатни найманлар бошлиғи Кучлук бошқаради.

Найманлар Етгисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи аллақачон ислом динини қабул қилган элатларни (қоракидан, қарлуқ, қипчоқ, қанғли ва бошқ.) тобе этмоқчи бўлиб уларга қарши ҳарбий юриш қиладилар. Найманлар бу ҳудудда яшовчи мусулмонларни таъқиб этиб, уларни овул ва қишлоқларини вайрон қилиб, мол-мулкларини талон-тарож қиладилар. Бу кўргуликка бардош беролмаган мусулмонларнинг таллай қисми ўз юртларини ташлаб, ҳар ёққа тарқалиб кетишга мажбур бўладилар. Айрим қабила (масалан қарлуқ, қанғли) сардорлари найманлар зулмидан қутилиш йўлини ахтариб, мўнғуллар хони — Чингизхон билан яқинлашишга, ундан мадад сўрашга ҳаракат қилганлар.

Найманларга, уларнинг бошлиғи Кучлукка қарши ҳарбий юриш бошлаш учун бу илтимослар Чингизхон-

га қўл келган албатта. Ўтрор фожиаси<sup>1</sup> эса унинг гарбий минтақаларга бостириб кириши учун баҳона бўлган.

Мўнғулларнинг босқини XIII асрнинг биринчи чорагида юз берган энг мудҳиш фожеа бўлган. Улар Марказий Осиёга, жумладан Мовароуннаҳрга, Хоразмга босиб кириб қишлоқ ва шаҳарларини харобага, экин ерларини эса яйловга айлантирдилар. Аҳолини талаб қириб, қўлларини банди қилиб Мўнғулистонга ҳайдаб кетадилар. Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларнинг аҳолиси кескин камайиб кетади. Айрим шаҳарлар аҳолисининг (масалан Самарқандни) фақат тўртдан бири қолган эди, холос.

Жон сақлаб қолган маҳаллий халқ (ўзбек ва тожиклар) оғир иқтисодий шароитда яшаганлар. Қишлоқ аҳолиси бир неча йиллар давомида унумли деҳқончилик қилолмаганлар. Молидан, еридан ажралган халққа деҳқончиликни йўлга қўйиш қийин бўлган. Зироатчиликдан ҳосил олган тақдирда ҳам мўнғуллар катта ўлпон солиб етиштирилган ҳосилнинг талай қисмини тортиб олганлар. Воҳа атрофларида кўчиб юрган чорвадорлар сони ҳам кескин камайиб кетган. Чорвадорларнинг молмулкларини мусодара қилиб, уларнинг кўплари мўнғулларга асирга тушиб зулм-ситамда ўлиб кетганлар. Шундай қилиб мўнғуллар босқини ерли аҳоли бошига оғир кулфат келтирган эди.

Мўнғуллар босқинидан кейин Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси қарийб ярим аср давомида этник таркибини тиклай олмаган. Воҳалардаги камчил аҳолининг этник таркиби деярли ўзгармади. Маҳаллий аҳолининг асосини олдинги даврлардагидек турфун аҳоли ташкил қилган. Мазкур ҳудудларда яшаб келган ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ қавмлар ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, кўплари ўз этник номларини унутиб юборган бўлсалар керак. Янги этник гуруҳлар анча вақтларгача Мовароуннаҳр ҳудудига кўчиб келмаган.

Маълумки, XIII асрнинг 60-йилларига келиб Мўнғул империяси емирила бошлаши натижасида Чиғатой давлати вужудга келган эди. Бу давлат Ила дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёгача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган бўлса-да, Чиғатой давлати барқарорлашган давлат эмас эди. Чиғатой ворисларининг ҳокимият учун олиб борган мунтазам курашла-

<sup>1</sup> Қаранг: История Узбекской ССР, Ташкент, 1967, С. 414—415.

ри натижасида мазкур давлат XIV асрнинг 40-йилларига келиб икки — шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Бунда Сирдарё ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара бўлиб қолди.

Шу даврдан бошлаб мамлакатнинг шарқий қисми «Мўнғулистон»<sup>1</sup> ёки Жетс деб аталган. Бу ҳудудда яшовчи мўнғул қабилалари XIII—XIV аср ўрталаригача тил жиҳатидан батамом туркийлашган эдилар. Туркийлашган мўнғул қавмлари тарихий манбаъларда «мўғул» деб номланган.

Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларга айрим этник гуруҳлар XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кела бошлайдилар. Бу даврда жалойир, барлос, қавчин ва арлат этник гуруҳлари биринчилардан бўлиб келганлар.<sup>2</sup>

Жалойирлар Ангрен ҳавзасига ва Хўжанд атрофларига келиб ўрнашадилар<sup>3</sup>. Рашид ад-дин ва Абулғозий<sup>4</sup> маълумотларидан аниқланишича жалойирларнинг илк аجدодлари Онон дарёси ҳавзаларида яшаганлар. XIII асрнинг биринчи чорақларида буларнинг бир қисми Ила дарё ҳавзасига келиб ўрнашадилар. Шу асрнинг 60-йиллари уларнинг айрим гуруҳлари, юқорида айтилганидек, Ангрен воҳасига келиб жойлашган.

Рашид ад-дин жалойирларни мўнғул деб аталувчи турк қабилалари қаторида тилга олган. Муаррихнинг айтганларига асосланадиган бўлсак, жалойирлар қадим-

---

<sup>1</sup> Мўғулистон ёки Мўғул давлати XIV—XV асрларда жуда катта ҳудудни эгаллаган (қаранг: Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, тарихи Рашиди, С. 458—461). Аммо XVI аср ўрталарига келиб мўғул ҳукмронлари Қошғар билан чегараланиб қолган бўлиши керак.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. История Туркистана, Соч. Т.2, Ч.1, М. 1963. С. 109—112. Чингизхоннинг ўғли Чигатой ака-укалари қатори (Тулудан ташқари) отасидан 4000 кишилик ҳарбий қисмини мерос қилиб олган эди. Чигатойга берилган қўшин шу (жалойир, барлос, қавчин, арлот) этник гуруҳлардан ташкил топган. Тилга олинган этник гуруҳларнинг ҳар бири мингтадан киши бўлиб мингбошилари билан бирга Чигатой ҳарбий кучларининг асосини ташкил қилганлар. Булар Чигатой даврида оилалари ва уруғдошлари билан Ила дарёсининг чап соҳилларида, Етгисувда ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларида жойлашган эдилар.

<sup>3</sup> XIV асрнинг ўрталарида жалойир қабиласини бир гуруҳи Эроннинг шимолӣ ҳудудларига бориб ўрнашиб, бу ерда Жалойирлар сулоласини (1356—1411) ташкил қилганлар.

<sup>4</sup> Рашид ад-дин. Сборник Летописей. М.-Л., 1952, Т. 2, Ч. 1, М.-Л., 1952, С. 92—93; Абулғозий. Шажараи турк, Тошкент, 1992, 42—43-бетлар.



да туркий қабилалардан бўлиб кейин мўнғул тилини қабул қилган, деган фикрга келиш мумкин. Аммо йирик олимлар В. В. Бартольд<sup>1</sup>, И. П. Петрушевскийлар<sup>2</sup> жалойирларни мўнғул тилли халқ бўлган дейдилар.

Тилшунос олим С. А. Аманжўлов<sup>3</sup> қатор далиллар асосида жалойирларнинг асосий негизи турклар бўлган деган хулосага келган. Дарҳақиқат муаллифнинг айтганларида жон бор. Рашид ад-дин жалойир қабиласининг таркибида қуриқин (бўри), тулангит, тури (бўри) этнонимларни тилга олади<sup>4</sup>.

Маълумки, қуриқин ёқут ва енисей қирғизлар (хакаслар)нинг илк аجدодлари ҳисобланган бўлиб, улар туркий халқлар эдилар. Туленгий теле (теленгит) атамаси қадимги туркий қабила иттифоқининг номи. Мелодий IV—V асрларда бу этнос 11 та қабилани бирлаштирган йирик этник уюшма бўлган. Теленгитларнинг кейинги авлодлари ҳозир ҳам (теленгит, телес, телеут номлари билан) Олтойда ва Сибирнинг бир неча минтақаларида сақланиб қолган. Бўри эса туркий халқларнинг тотеми эди.

Келтирилган тарихий маълумотларни инобатга олиб, теленгит, қуриқин ва турилар туркий халқлар бўлган, десак, унда жалойир қабила иттифоқининг негизини туркий халқлардан ташкил топганлигига шубҳа қолмас керак. Кейинчалик жалойирларнинг аجدодлари мўнғул тилли халқлар таъсирига тушиши натижасидагина яшаб, мўнғул деб атаган бўлишлари мумкин. Лекин Мўғилистонга (шарқий Туркистонга) ва кейинчалик (XIII асрнинг 60-йилларида) Ангрен воҳасига кўчиб келган жалойирларнинг тили туркий тил эди.

Жалойирлар Амир Темурнинг ҳарбий юришларида қатнашганлар. Соҳибқирон 1375 йили, Мўнғулистон (Шарқий Туркистон, Еттисув)га ҳарбий юриш бошлаганда ўғли Жаҳонгирни манглай илғор қилиб юборади. Жаҳонгир қўшинлари таркибида жалойирлар бошлиғи Баҳром номли кишининг ўғли Одилшоҳ ҳам бўлган. Отасининг ўлимидан кейин Соҳибқирон Одилшоҳни жалойир қабиласига бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу шахс

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, Соч. Т. V. С. 173.

<sup>2</sup> Петрушевский И. П. Рашид ад-диннинг асарига кириш сўзи. Қаранг: Рашид ад-дин, Кўрсатилган асар, 29-бет.

<sup>3</sup> Аманжўлов С. А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка, Алма-Ата, 1959, С. 43—45.

<sup>4</sup> Рашид ад-дин. Кўрсатилган асар, 43-бет.

амирзода Жаҳонгирнинг янги мулозимларидан бири бўлиб қолган эди<sup>1</sup>.

Лекин кўп вақт ўтмай Одилшоҳ хиёнат йўлига ўтади. Маълумки, Соҳибқирон XIV асрнинг 70-йиллари Хоразм воҳасига бир неча маротаба ҳарбий юриш қилган<sup>2</sup>. Шу ҳарбий юришлардан бирида Самарқанд шаҳрида катта ҳарбий куч (гарнизон) қолдирилмаганлигидан фойдаланиб Одилшоҳ, элчи Буға ҳамда Сарибуга қипчоқ билан бирлашиб Самарқандга юриш қилади. Лекин улар шаҳарни ололмайдилар. Шаҳар аҳолиси шаҳарни жиддий мудофаа қилиб уни душмандан сақлайдилар.

Исёндан хабар топган Амир Темур тезда Хоразмдан орқага қайтади. Жаҳонгир Мирзо жанговар қисми билан исёнкорларни Кармана яқинида учратиб, уларга қақшатқич зарба беради. Жангда енгилган жалойирлар ва қипчоқлар Даштиқипчоққа қочиб жон сақлаганлар. Шу жангдан кейин соҳибқирон жалойирлар улусини тарқатиб юборади. Лекин шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки жалойирларнинг маълум қисми ўз ҳудудларида қолиб соҳибқиронга сидқидилдан хизмат қилганлар.

Барлосларнинг ватани Онон ва Керулен дарёси ҳавзаларида бўлган. Чингизхон даврида улар йирик ва ишончли ҳарбий кучга эга эдилар. Унинг энг ишончли кишиларидан бири Кубалай наён<sup>3</sup> бўлган. У ўз вақтининг тархонлик унвонига эга бўлиб, йирик ҳарбий лавозимларни эгаллаган. Чингизхоннинг нуфузли амирларидан яна бири Қорачур ноён эди<sup>4</sup>, бу киши ҳам барлослардан бўлган. Қорачур Амир Темур аждодларининг бешинчи (катта бобоси) бўлган.

Чингизхон ворислари даврида барлосларнинг бир қисми Ила дарёсининг чап соҳилларига, Шарқий Туркистоннинг гарбий ҳудудларига, Қошғар вилоятига келиб жойлашган эди. Ушбу барлосларнинг бошлиғи XV асрда Мирзо номли киши бўлиб Муҳаммад Ҳайдарнинг<sup>5</sup> тоғаси бўлган.

Ила дарё бўйларида, Шарқий Туркистонда яшовчи барлосларнинг бир қисми XIII асрнинг 60-йиллари

<sup>1</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Кўрсатилган асар, 65-бет.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий, Зафарнома, Тошкент, 1996, 91—95-бетлар.

<sup>3</sup> Рашид-ад-дин, Кўрсатилган асар, 189-бет.

<sup>4</sup> Низомиддин Шомий, Зафарнома, Тошкент, 1996, 21-бет.

<sup>5</sup> Муҳаммад Ҳайдар «Тарих-и рашиди»нинг муаллифи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаваччаси.

Шаҳрисабз воҳасида истиқомат қиладилар. Барлосларнинг ушбу гуруҳи Амир Темурнинг қавмдошлари бўлиб унга садоқат билан хизмат қилганлар. Бобур Мирзо ва Темур даврида Шаҳрисабз барлосларининг айрим гуруҳлари Тожикистоннинг жанубий ҳудудларига, Афғонистонга, Ҳиндистонга ва Кашмирга бориб ўрнашиб қолганлар.

Барлосларнинг чиқиб келиш тарихи муаммоли бўлиб келмоқда. В. В. Бартольд барлосларни мўнгул тилли халқлардан бўлган деган фикр юритади<sup>1</sup>. Рашид-ад-дин барлосларнинг илк аجدодларини турклар бўлган, кейин мўнгул номини олган нурун қабила иттифоқи таркибида тилга олади<sup>2</sup>. Агар унинг айтганларини тўғри тушунилса барлосларнинг аجدодлари туркий халқлар бўлганлигига ишонч ҳосил қилса бўлади. Булар кўп вақтлар мўнгуллар билан бирга яшаб уларни тилини (мўнгул тилини) ҳам ўзлаштирган бўлишлари мумкин. Хитойшунос олим А. Ю. Зуев Хитой манбаларини таҳлил қилиб, барлосларни туркий халқ бўлган деган хулосага келган эди<sup>3</sup>.

Бизгача етиб келган Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи барлослар ўзларини турк-барлос деб атайдилар. Буларнинг тили қарлуқ лаҳжасига жуда яқин.

Келтирилган барча фикр-мулоҳазаларга асосланиб барлосларнинг чиқиб келиши туркий этнослар билан бевосита боғлиқ бўлган, десак хато бўлмас. Қавчин ва арлот этник гуруҳлари ҳам XIII асрнинг 60-йиллари Мовароуннаҳрга кўчиб келиб ўрнашган қавмлардан, деган эдик юқорида.

Қавчинлар Фарғона водийсига ва Қашқадарё вилоятига, Фузор атрофларига келиб ўрнашган эдилар. Қавчинларнинг айрим гуруҳлари Қашғарда ҳам яшаган бўлиши керак. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Қашғар ва Хутонда яшовчи аҳолини тўрт гуруҳга бўлинганлигини қайд қилган эди<sup>4</sup>. Шу гуруҳлардан бири қавчинлар бўлган. Унинг назарида «қавчин» атамаси ҳарбий деган маънони англатади. Буларни «Менинг аждодларим бош-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, Соч. Т. V, С. 173.

<sup>2</sup> Рашид ад-дин, Кўрсатилган асар, 178, 198-бетлар.

<sup>3</sup> Зуев А. Ю. «Джами-ат-таварих» Рашид ад-дина как источник по ранней истории жалайридов (Письменные памятники востока, историко-филологические исследования). Ежегодник, 1969. М. 1972. С. 178—185.

<sup>4</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашидий. 373-бет.

қарганлар» деб ёзади<sup>1</sup> Мирзо Ҳайдар. Қавчинлар (хусусан уларнинг чиқиб келишлари) ҳақида бошқа аниқ маълумотларга эга эмасмиз.

Арлотларнинг илк бор яшаган жойлари Мўнғулистонда бўлган. Рашид ад-дин арлотларни ҳақиқий мўнғул қавмлари қаторида тилга олади<sup>2</sup>. Унинг ёзишича арлот киши номи бўлган. Арлот қабиласи шу (Арлот номли) кишидан ном олган<sup>3</sup>. Абулғозий ҳам бу фикрни такрорлайди.<sup>4</sup>

XIII асрнинг биринчи чорақларида арлотларнинг бир қисми Мўнғулистондан келиб, ҳудудга ўрнашадилар. Бу ҳудудда яшаб, арлотлар ўз тилларини аста-секин унутиб, туркий тилини қабул қиладилар. Шу асрнинг 60-йиллари Еттисув арлотларининг бир гуруҳи кўчиб келиб, Сурхондарё вилоятининг жанубида, Термиз атрофларида ва Афғонистоннинг шимолий минтақаларида яшайдилар. Арлотлар ушбу гуруҳи кейинчалик Амир Темурга садоқат билан хизмат қилиб, унинг ҳарбий юришларида қатнашадилар.

Арлотларнинг (шарқий Чигатой) улусида Мўнғулистонда қолган гуруҳлари мўнғул хонларининг ҳукмронлигида юқори мансабларни эгаллаган эдилар. Лекин айрим мўнғул ҳукмронлари арлотларни унча ёқтирмас эдилар. Мўнғулистоннинг катта қисмига ўз ҳукмронлигини (XVI аср) бошида ўрнашган Султон Аҳмад (Йўнусхоннинг кичик ўғли)<sup>5</sup> мўнғул амирларини, жумладан арлотларни ҳам, мансабларидан четлаштиради<sup>6</sup>.

Чигатой улусининг шарқий қисмида (Еттисувда ва Шарқий Туркистонда) яшовчи мўнғул қабилалари турклашган бўлишларига қарамасдан, қадимги мўнғул анъаналарини ҳанузгача сақлаб, уларга амал қилиб келганлар. Шунинг учун бўлса керак, улар Чигатой улусининг ғарбий қисмида (Мовароуннаҳрда) яшовчи қардош қавмларини менсимасдан караунас, яъни аралашган (метис) халқ деб атаганлар. Кейингилар ҳам ўз навбатида Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи

---

<sup>1</sup> Мирзо Ҳайдарнинг аждодлари дуғлот қавмидан эди. Дуғлотлар кўп йиллар давомида Қашғар вилоятига ҳукмронлик қилганлар.

<sup>2</sup> Рашид ад-дин, Сборник летописей, Т. I, С. 78.

<sup>3</sup> Рашид ад-дин, Сборник летописей. Т. I. С. 168—169.

<sup>4</sup> Абулғозий. Шажараи турк, 40-бет.

<sup>5</sup> Йўнусхон (1469—1487) Мўғулистон хони. 1487 й. Тошкентда вафот қилган ва шу ерда дафн қилинган. Қаранг: Бартольд В. В. Очерки истории семиречья, соч. Т... С. 87—88-66.

<sup>6</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди, 149-бет.

кўчманчи мўнгул қабилаларни писанд қилмай жете (жета), яъни боққинчилар деганлар<sup>1</sup>.

Мовароуннаҳрда яшовчи турклашган мўнгуллар аста-секин «мўнгул» атамасини ҳам эсдан чиқариб<sup>2</sup>, ўзларини «чиғатой» деб номлаганлар. Кейинчалик бу ном Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида кейинги вакиллари ҳукмронлик қилаётган кезларда ҳудудда, сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилган ўзбек ва тожиклар ўзларини чиғатой деб атаганлар<sup>3</sup>.

Мўнгуллар ҳукмронлиги даврида (XIII—XIV асрнинг биринчи ярми) Мовароуннаҳрга мўнгул ва турклашган мўнгул қабилаларининг кўчиб келиши жадаллашди. Шу асрларда олчин, дуғлат, мўнгул, сулдуз, ўйрот, бахрин, маркит, манғит, кўнғрот ва бошқа қавмларнинг айрим гуруҳлари кўчиб келган. Лекин улар сон жиҳатидан ерли аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Бу қабилалар кўчманчиликда кун кечирган. Маҳаллий аҳоли таъсирида уларнинг аксарий кўпчилиги шу асрларда ярим ўтроқликка ўтиб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик ҳам қилганлар.

Мовароуннаҳрга кўчиб келган мўнгул қабилалари шу даражада турклашган эдиларки, улар XIV асрнинг ўрталарида ўз тилларини батамом унутиб туркий тилда сўзлашар эдилар<sup>4</sup>.

XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга келган араб сайёҳи Ибн Батута ахборотидан маълум бўлишича, Чиғатой улуси ғарбий қисмининг султони Кебек (1318—1326) ва Ала а-Дин Тармаширин (1326—1334) турк тилида эркин сўзлашганлар<sup>5</sup>.

XIII—XV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларга келиб ўрнашган қавмлар унча йирик этник гуруҳлар бўлмаган. Маълумки туркий ва турклашган мўнгул гуруҳларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрга келмасдан олдин Даштиқипчоқда, Еттисувда ва Шарқий

<sup>1</sup> Бартольд В. В. История Туркистана, соч. Т. 2, Ч. 1, М. 1963. С. 154; Улугбек его время. Соч. Т. 2. С. 36.

<sup>2</sup> Шарқий Чиғатой давлатида яшаган айрим туркий ва турклашган мўнгул этник гуруҳлари учун жете ва мўғул атамалари этник ном бўлиб ҳам қолган эди.

<sup>3</sup> Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941, С. 10.

<sup>4</sup> Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л., 1950, С. 279.

<sup>5</sup> Ибрагимов Н. Ибн Батута и его путешествие по Средней Азии, М. 1988, С. 84, 86.

Туркистонда яшаганлар. Бу ҳудудларда улар парчала-  
ниб кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетган эдилар.  
Уларнинг катта қисми яшаб турган ҳудудларда қолиб  
турли этно-сиёсий бирликлар таркибига кириб, ўз жой-  
ларида қолган эдилар. Улардан ажралиб чиққан гуруҳ-  
лар Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги вилоят-  
ларга, Хоразмда ва Тошкент воҳасига келиб ўрнашган  
эдилар. Мисол учун қипчоқларни олайлик. Йирик қип-  
чоқ этник бирлиги мўнғуллар даврида гуруҳларга бўли-  
ниб кетган эди. XIV—XV асрларда қипчоқ этник гуруҳ-  
лари, Шимолий Кавказда, Қримда, Волга бўйларида,  
Урал тоғ олди минтақаларида, Даштиқипчоқнинг шар-  
қий қисмида, Еттисувда яшар эдилар<sup>1</sup>. Сирдарё соҳил-  
ларида яшовчи қипчоқларнинг бир гуруҳи Амир Темур  
томонидан Мовароуннаҳрга кўчирилган. Булар ҳозирги  
Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларига  
ва Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига ўрнашган  
эдилар. Соҳибқироннинг хос новкарлари қаторида тилга  
олинган қипчоқлар айнан шу қипчоқлардан бўлиши  
керак. Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларга ҳар  
ерлардан келиб ўрнашган этник гуруҳлар мўнғуллар  
ҳукмронлиги даврида камайиб кетган маҳаллий аҳоли-  
нинг сон жиҳатдан биров кўпайишида маълум роль  
ўйнаган албатта. Лекин улар маҳаллий аҳолининг эт-  
ник таркибини тубдан ўзгартира олмаганлар.

Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги Хоразм-  
да ва Тошкент воҳаси аҳолисининг асосини Амир Те-  
мур ва Темурийлар даврида ҳам туб ерли аҳоли таш-  
кил қилган. Муқим яшовчи ўзбек аҳолиси кўп асрлар  
давомида туркий этносларнинг сўғд-тожик ва бошқа  
халқлар билан аралашиб, қоришиб бориши жараёнида  
шаклланганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Бу жа-  
раён XIV—XV асрларда ва ундан кейинги асрларда ҳам  
давом қилган.

Турғун яшовчи маҳаллий аҳолининг асосий қисми-  
ни ўзбек ва тожиклар ташкил қилган. Булар олдинги  
асрлардагидек бу асрларда ҳам деҳқончилик, ҳунар-  
мандчилик, савдо-сотиқ билан, қисман чорвачилик  
билан ҳам шуғулланганлар. Фарғона, Тошкент ва Хо-  
разм воҳаси аҳолисининг катта қисми ўзларини сарт<sup>2</sup>

<sup>1</sup> К. Шониёзов, К этнической истории узбекского народа, Таш-  
кент, 1974, С. 77—80.

<sup>2</sup> Сарт сўзининг этимологияси ҳақида қаранг: Бартольд В. В.  
Сарт. Сочинения. Т. II, Ч. 2, М. 1964, С. 527—529.

деб атаганлар. Сўзсиз сарт атамаси этник ном эмас, бу атама муқим яшовчи аҳолининг йиғинди номи бўлган. Муқим яшовчи аҳолининг маълум қисми ўзларини яшаб турган жой номлари билан ҳам атаганлар. Масалан икки нотаниш киши учрашиб қолишса бири иккинчисидан «сиз қаерлик» деб, кейингиси эса «мен бухоролик ёки андижонлик», деб жавоб бериши мумкин эди.

Турғун аҳолининг айрим гуруҳлари турк этник номи билан маълум эди. Турк хоқонлиги инқирозга учрагач турк элати тарқалиб кетган. Мазкур элатнинг озроқ қисмигина турк этник номини сақлаб қолган. XIV—XV аср ва кейинги асрларда турк этник номи билан аталиб келган гуруҳлар илк ўрта асрларда парчаланиб кетган турк элатининг кейинги авлодлари эдилар. Булар асосан Фарғонада, Зарафшоннинг тоғ олди минтақаларида, ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида яшаганлар. Туркларнинг кўпчилиги асрлар давомида маҳаллий ўзбек аҳолиси билан аралашиб, қоришиб кетган. Лекин уларнинг айрим гуруҳлари яқин вақтларгача ўзларини турк этник ном билан атаб келганлар<sup>1</sup>. Бу турклар ярим ўтроқликда яшаб анъанавий чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Амир Темур ва унинг ворислари даврида ёзилган тарихий асарларда «турк» ёки «турк элати» иборалари учрайди<sup>2</sup>. Бу иборалар билан ўша давр тарихчилари Мовароуннаҳрда яшовчи барча туркийзабон (биз тилга олган турк этник гуруҳлар ҳам шунинг ичида) аҳолини назарда тутган бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда «турк» ёки «турк элати» турк этник гуруҳга нисбатан кенг маънода қўлланилган.

Юқорида айтганларимизга асосланиб яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, Мовароуннаҳрда XIV—XV асрларда яшаган туркийзабон этноснинг кўпчилигини муқим яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил қилган. Қайси ном билан номланишидан қатъи назар, булар аллақачонлар этник бирлик бўлиб шаклланган ва ке-

---

<sup>1</sup> Мовароуннаҳрда илк ўрта асрлардан буён яшаб келган маҳаллий туркларни Усмонли турклар ёки мескетли турклар билан чалкаштирмастик керак.

<sup>2</sup> Тадж ад-дин ас-Салмани, Тарих-наме, Баку, 1991, С. 103; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Тошкент. 1996, 109, 168, 229, 271, 282, 375-бетлар; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Тошкент. 1997, 11, 128, 143-бетлар.

йинчалик ўзбек номини олган, узоқ тарихга эга бўлган халқ эди.

Мўнғуллар ҳукмронлиги даврида, улар томонидан маҳаллий аҳолига нисбатан кўрсатган ҳақоратлар, хўрликлар, талон-тарожлар орқада қолган бўлади. Лекин босқинчиларнинг азоб-укубатлари халқнинг дилида ўчмас жароҳат изи бўлиб абадий қолди. Темур ва темурийлар даврида ўзбек халқи эркин нафас ола бошлади. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти ривожланди, халқ фаровонлиги яхшиланди. Илму фан тараққий этади. Янги-янги олиму фузалолар, илм шайдолари пайдо бўлади. Сўзсиз бу янги давр тараққиёти юртнинг отаси соҳибқирон Амир Темур номи билан бевосита боғлиқ эди.

Адабий тилнинг олдинги асрларга нисбатан ривожланган тури шаклланади. Бу адабий тил, тилшуносликка оид адабиётларда «туркий» ёки «чигатой» тили деб номланган<sup>1</sup>.

Тараққий этган ўзбек адабий тили Алишер Навоий даврида (XV асрнинг иккинчи ярмида) энг юқори нуқтага кўтарилди<sup>2</sup>. Навоий даври адабий тилининг асосини Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда кўплаб мавжуд бўлиб келган туркий тил ташкил қилган эди. Бобур Мирзо Андижон аҳолиси ҳақида гапириб шундай ёзади: «Эли туркдур, шаҳар ва бозорларида турки билмас киши йўқдур. Элининг лафзи қалам билан ростдур. Анинг учун Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бавужудиким Хирида (Хиротда — К. Ш.)<sup>3</sup> нашъу нома топибтур, бу тил биландур»<sup>4</sup>. Аммо халқнинг жон-

---

<sup>1</sup> Тилшуносликка оид адабиётларда XIV—XV асрлардаги ўзбек адабий тили шартли «чигатой» ёки «эски ўзбек тили» деб номланган. (Қаранг: Шербак А. М. Грамматика старо-узбекского языка. М.-Л., 1962, С. 12—16). Бу ҳар иккала ибора шартли қабул қилинган бўлса, ўша даврдаги ўзбек адабий тилини тўла тавсифлаб беролмайди. Алишер Навоий (Қаранг: Бобурнаме (рус тилида); Тошкент, 1970, С. 107—139) ва Бобур (Қаранг: Бобурнаме (рус тилида); Тошкент, 1958, С. 12, 312, 34, 41 ва бошқа). Урта Осиё туркий халқларининг тили «турки» тил дейишган. Менинг назаримда ўша асрлардаги ўзбек адабий тилини ҳам шу ибора («турки») билан ифодаланса маъқул бўлар эди. Лекин Мовароуннаҳр ва унга туташ аҳолининг «турки» тилини Усмонли турклар тили билан аралаштириш мумкин эмас.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, соч. Т. 5, М., 1968, С. 508.

<sup>3</sup> Хирот шаҳри ўша даврларда Хуросонда ҳукмронлик қилувчи Темурийларнинг марказий шаҳри бўлган.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома (ўзбек тилида), 60-бет.



ли тили кўп диалектли бўлиб, адабий тилдан бир мунча фарқ қилган. Адабий тил таркибида айнан шу асрларда тожик ва араб сўzlари кўпайган. Халқнинг жонли тилида учта асосий шева — қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз диалектлари мавжуд эди<sup>1</sup>. Булардан ташқари айрим қабилавий лаҳжалар ҳам бўлган албатта.

Ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқалар натижасида ривожланган. Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида яшовчи аҳолининг (Хусусан Бухоро воҳасида Самарқанд ва унинг атрофлари, Фарғона воҳасининг бир қанча қишлоқларида) туркий тилда сўзлашувчи аҳолининг маълум қисми тожик тилида ҳам эркин сўзлаша билганлар. Уқимишли ўзбеклар тожик тилида ҳам ёзганлар, адабий ва тарихий асарлар яратганлар. Алишер Навоий айтганидек туркийларнинг барчаси — ёшлар, қарилар, хизматчилар ва беклар сарт тилини<sup>2</sup> тушунганлар; улар бу тилни шу даражада билардиларки, қийналиб қолганларида гапларини тушунтириб бера олардилар. Уларнинг айримлари эса бу тилда усталик билан гаплашардилар. Турк шоирлари бу тилда нозик шеърлар ёзардилар ва нутқ сўзлардилар<sup>3</sup>. Маҳаллий аҳолидан ташқари Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда олдинги (VIII—XIII) асрлар давомида келиб ўрнашган туркий этник гуруҳлар (яз, уз, аргу (арғун), тухси, яғмо, дулу (дуғлат), қарлуқ, чигил, халач, туркеш, қанғли, қипчоқ, ўғуз ва бошқалар) ҳам яшаганлиги ҳақида олдинги бобларда гапирилган эди. Мовароуннаҳрга булардан олдинроқ келиб яшаган айрим қавмлар (масалан, аз, ул, тухси) маҳаллий аҳолига аралашиб, ўз этник номларини унутиб юборган эдилар. Аммо буларнинг Даштиқипчоқда, Еттисувда яшовчи гуруҳлари эса XIV—XV ва кейинги асрларда ҳам яшаб бу ҳудудларда юз берган сиёсий воқеаларда фаол қатнашиб келган.

<sup>1</sup> Ўзбек халқининг жонли тилида мавжуд учта шева (диалект) Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларига турли тарихий даврларда вужудга келган. Буларнинг энг қадимийси (VIII—X асрлар) қарлуқ ва ўғуз шевалари бўлиши керак. Қипчоқларнинг айрим Мовароуннаҳр ва Хоразмда XI асрнинг биринчи яримларида пайдо бўлсалар ҳамки лекин бу ҳудудларга уларнинг катта қисми XIV—XV асрларда келиб ўрнашган. Шу асрларда қипчоқ шеваси ўзбек халқининг жонли тилининг асосларидан бири бўлиб қолган десак ўринли бўлса керак.

<sup>2</sup> Алишер Навоий ва Бобур Мирзо Мовароуннаҳр воҳасида яшовчи тожикларни сарт деганлар.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Суждение о двух языках. Соч. Т. 10, Тошкент, 1970, С. 110.

Шу асрларда Мовароуннахрда яшовчи салмоқли этник гуруҳлар қарлуқ, чигил, халачи, аргин, қипчоқ, ўғуз қавмлари эдилар. Буларнинг ҳам кўпчилик қисми XIV—XV асрлар давомида турғунлашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган эди. Уларнинг фақат унча катта бўлмаган гуруҳлари ярим ўтроқликда яшаб деҳқончилик билан бир вақтда анъанавий машғулотлари — чорвачилик билан шуғулланиб келганлар.

Қанғиллар — қадимги қанғар элатининг кейинги авлодлари. Чингизхон босқинигача буларнинг айрим гуруҳлари Хоразмда, Самарқанд шаҳрида<sup>1</sup> ва унинг атрофларида яшар эдилар. Буларнинг асосий қисми Даштиқипчоқда, Балхаш кўли атрофида, Ила дарё соҳилларида кўчиб юрганлар. Амир Темури ҳукмронлик қилган йиллари қанғилларнинг унча катта бўлмаган гуруҳлари Даштиқипчоқдан Зарафшон, Тошкент воҳасига кўчиб келиб ўрнашган. XIV—XV асрларда эса улар ўтроқлашиб маҳаллий аҳолига аралашиб кетган.

Қарлуқлар XIV—XV асрларда икки этник қатламдан иборат эдилар. Биринчи қатлам Фарғонада, Тошкент воҳасида, Тоҳаристонда милодий VI асрдан буён яшаб келган қавмлар бўлган. Булар асрлар давомида маҳаллий аҳолига аралашиб, асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Лекин булар ўз этник номларини унутмай (қарлуқ номи) сақлаб келган эдилар.

Иккинчи қатлам мўнғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII—XIV асрнинг 60-йиллари) ташкил топган. Шу асрларда қарлуқларнинг айрим гуруҳлари Ила дарё соҳилларидан ва Еттисувдан кўчиб Тошкент ва Зарафшон воҳаларига, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятларига келиб ўрнашиб, бу ерларда олдиндан яшаган қарлуқлар билан қўшилган эдилар. Қарлуқларнинг бир гуруҳи XV асрларда Фарғона водийсида яшаган<sup>2</sup>. Қарлуқларнинг маълум қисми шу асрда Даштиқипчоқда кўчиб юрган. Бу қарлуқлар Шайбонийхоннинг бобоси — Абулхайрхоннинг Иртиш бўйларидаги Тура (Тори) шаҳрини эгаллашда кўмаклашган-

---

<sup>1</sup> Д. Оссон К. История Монголов от Чингизхана до Тамерлана. Т. 1, Иркутск, 1937. С. 145; Веселовский Н. Лекция по истории Востока, СПб, 1896. С. 24.

<sup>2</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960, 166-бет.

лар<sup>1</sup>. Ана шу қарлуқлар Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш учун олиб борган ҳарбий юришларида ҳам фаол қатнашган.

Қарлуқларнинг яна бир гуруҳи XIV асрда Тароз шаҳри билан Сирдарё ўртасидаги яйловларда кўчиб юрганлар.

Қарлуқларга қардош халач ва чигил этник гуруҳлари ҳам XIV—XV асрларда Зарафшон воҳасида ва Тохаристонда яшар эдилар. Булар ўз вақтида Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар<sup>2</sup>. Аммо кейинги асрда (XIII аср) мўнғуллар қирғинига учраб, кескин камайиб кетган. Уларнинг омон қолганлари ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига араллашиб кетган. Халач ва чигилларнинг маълум қисми ўз этник номларини бизгача сақлаб келган.

XIV—XV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи салмоқли этнослардан бири аргинлар бўлган. Буларнинг аجدодлари VIII—XII асрлар давомида кўчиб келиб Тошкент воҳасида, Фарғона водийсида (Ўзган атрофларида)<sup>3</sup>, Зарафшон воҳасида ва ҳозирги Сурхондарё вилоятининг айрим туманларида яшаганлар. Аргинларнинг баъзи гуруҳлари ўғузлар таркибида бўлиб XI асрларда Хуросон ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу асрларда келган аргинларнинг анчаси ўтроқлашиб кетган эди. Шунга қарамасдан буларнинг салмоқли қисми XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган. Булар асосан Фарғона водийсида<sup>4</sup>, Сурхон-Шеробод водийсида ва Афғонистонда ўрнашган эдилар.

Аргинлар Амир Темурни тан олган қирқта ўзбек қавмларидан бири бўлган Аргинларнинг уруғ ва қавм бошлиқлари Темур ва Темурийларнинг энг ишончли кишиларидан эдилар<sup>5</sup>. Жаҳонгир даврида булар жуда катта имтиёзли ер эгалари — Тархонлар ҳисобланганлар. Булардан чиққан амирлар айрим вилоятларда ҳокимлик қилганлар. Масалан, Султон Хасайн Қорақўл

<sup>1</sup> Семенов А. А. К вопросу о происхождении и состава узбеков Шайбонихана. В книге: Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии, вып. 1. Труды АН Таджик ССР, Т. III, 1954, С. 24.

<sup>2</sup> Ибн ал-Асир. Кўрсатилган асар, 62-бет.

<sup>3</sup> МИТТ, 1-жилд, 381-бет.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Бобурнома, Тошкент, 1960, 166-б.), ўз рақиблари қаторида Аҳси атрофида ҳаракат қилиб юрган. Ҳасан Хатик Аргинни тилга олади. Шу маълумотга асосланиб биз аргинларни XIV—XV асрларда Фарғона водийсида ҳам яшаган дедик.

<sup>5</sup> Темур тузуқлари. 86—87-бетлар.

туманининг ҳоқими<sup>1</sup>, Маҳмуд Муқим — Қобул ҳоқими ва бошқалар. Аргинларнинг юқори табақадаги кишилари Темурийлар хонадони билан қариндошлик муносабатида ҳам бўлиб келганлар<sup>2</sup>.

Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрна-тилгач (XV аср охири — XVI аср) аргинларнинг олдинги мавқеи пасайиб, мамлакатнинг сиёсий ҳаётига деярли аралашмаганлар. Улар ўтроқлашиб турғун аҳоли таркибига кириб, қоришиб кетганлар. Аргинларнинг жуда оз қисми ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, кейинги асрларда ҳам Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган.

XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган этник гуруҳлардан яна бири дуғлатлар эдилар. Рашид ад-Дин буларни мўнғул деб номланган туркий қабилалар қаторида тилга олади<sup>3</sup>. В. В. Бартольд дуғлат мўнғул қабиласи дейди<sup>4</sup>. Бизнингча аслида бундай бўлмаса керак.

Юқоридаги бобларда ғарбий турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқларидан бири дулу ҳақида гапирган эдик. Н. А. Аристовнинг дулу ва дуғлат бир халқнинг номи деган фикрини ҳам эслаб ўтган эдик. Олимнинг бу фикрини тўғри деб билсак, унда дуғлат (дулулар) қадимги туркий қавмлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилган бўламиз.

Маълумки турк хоқонлиги инқирозга учрагандан кейин дулуларнинг айрим гуруҳлари ўз юртларини ташлаб бошқа юртларга бориб яшайдилар. Лекин уларнинг маълум қисми аجدодлари яшаган ҳудудларда (Ила воҳасида, Етгисувда) қолиб кейинчалик дуғлат номи билан тарихий манбаларда қайд этилган бўлиши керак. Тарихдан маълумки Чингизхон ўлиmidан олдин, ҳукмронлик қилган мамлакатларни ўғилларига бўлиб берган. Бунда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойга Ила воҳаси, Етгисув, Шарқий Туркистон, Туркистон (Туркистон шаҳри ҳақида гап кетаяпти шекилли) ва Мовароуннаҳр<sup>5</sup> теккан эди. Кўриниб турибдики, дуғлат (дулулар) яшаган ерлар ҳам Чигатой улуси таркибида бўлган.

Чигатойга теккан ерлар қаторида Манглай Суба (қуёш томонга қараган ер — К. Ш.), мулки ҳам бўлган.

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, 78-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Рашид ад-Дин. Кўрсатилган асар. 78-193-бетлар.

<sup>4</sup> Бартольд В. В. Дуғлат. соч. Т. V, М., 1968, С. 529—533.

<sup>5</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. 366-бет.

Мазкур мулк Шош, Чалиш, Иссиққўл ва Сариф-уйғурлари<sup>1</sup> ҳудудлари билан чегарадош эди. Қашғар ва Хутон ҳам Манглай Суб таркибига кирган<sup>2</sup>. Шундай катта ҳудудни қамраб олган мулкни бошқаришни Чигатой дуғлатларга топширган.

Бу мулкнинг биринчи ҳукмрони Амир Бойдаган бўлган<sup>3</sup>. Ундан кейин бу мулк унинг ворисларига мерос бўлиб, наслдан-наслга, асрдан-асрга ўтиб XVI аср ўрталаригача етиб келган. Таъкидлаб ўтиш жоизки Амир Бойдаганнинг кейинги ворислари даврида мулкнинг чегараси қисқариб фақат Қашғар билан чегараланиб қолган.

Дуғлатларнинг айрим гуруҳлари XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган. Булар Фарғонада, Самарқанд, Қоратегин, Ҳисор ва бошқа вилоятларда тарқоқ ҳолда яшаганликлари Бобурнинг «Бобурнома» асарида эслатилган<sup>4</sup>. Ҳисорда яшовчи дуғлат султонлари Бобурга беғараз хизмат қилганлар<sup>5</sup>.

Мовароуннаҳрда яшовчи этник гуруҳлардан бири ўғуз-салжуклар эдилар. Булар асосан Нурота тоғ этакларида, унга туташ чўлларда яшаганлар. Ўғуз салжук гуруҳлари бу ҳудудларга VIII—X асрлар давомида келиб ўрнашган.

Ўғуз салжуклардан ажралган туркман гуруҳлари XI—XII асрларда Бухоро атрофларида ҳам яшаган. Самани (XII аср) маълумотига қараганда туркманларнинг бир гуруҳи Бухоро шаҳрининг жанубий қисмида Ал-жадида қишлоғида жойлашган<sup>6</sup>.

Булар бу ерга Сирдарё соҳилидаги Женд шаҳридан, унинг атрофларидан келган бўлишлари керак. Бойканд яқинидаги Самани даврида харобага айланган работларда ҳам бир неча туркман оилалари яшаган<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Сариф-уйғурлар Хазар Хитойнинг Гапсу вилоятининг ғарбий қисмида яшайдилар. Қаранг: Малов С. Е. Язык желтых уйгуров. Алма-Ата, 1957, С. 3.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома, (ўзб. тили, 21, 47, 70, 92, 116, 122 ва бошқ. берл.).

<sup>5</sup> Бобур ёшлигида Андижоннинг осойишталиги учун душманлари билан курашаётганда Муҳаммад дуғлат (у яна Муҳаммад Хисорий номи билан ҳам маълум), Султон Хусайн дуғлат (Муҳаммад Хисорийнинг кичик ўғли), Султон Муҳаммад дуғлат ёрдамга келган.

<sup>6</sup> Камолиддинов. «Китаб ал-ансаб» Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани. Как источник по истории и истории культуры Средней Азии, Ташкент, 1993, С. 72, 125.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 63-бет.

XI аср бошларида ўғуз-салжукларнинг катта гуруҳи Хуросонга ва Балх худудига бориб шайдилар кейинчалик ўғуз-салжуклар ғарбга силжиб Олд Осиёдаги қатор мамлакатларини тобе этадилар (Бу ҳақда юқорида гапирилган эди). XIV—XV асрлар давомида Даштиқипчоқдан ва бошқа худудлардан Мовароуннаҳрга яна бирқанча ўғуз, салжук-туркман гуруҳлари кўчиб келади. Аини шу асрларда оқ-кўйли, қора-кўйли, ё бу ва бошқа туркман қавмлари келган эдилар. Туркманларнинг қора-кўйли қавмидан бир гуруҳи (4—5 минг киши) Ҳисор воҳасига бориб ўрнашганлар. Бу гуруҳ Бобур Мирзонинг ёзишича Озарбайжон ва Эрон заминидан кўчиб келган<sup>1</sup>.

Асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган ўғузлар ва салжук-туркманларининг бир қисми бу даврда ўтроқлашган. Уларнинг маълум қисми ярим кўчманчиликда кун кечириб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар ўз навбатида ўзбек этник гуруҳларига аралашиб ҳам кетган эдилар. Шунинг учун ҳам бўлса керак кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки «Нурота туркманлари» деб атаганлар.

Андижон вилоятининг жанубида, тоғли худудларда чигроғ (чиграк) деб аталган этник гуруҳ яшаган. Улар ҳақида Бобур Мирзо шундай ёзган эди: «Андижон вилоятининг саҳронишинларидан бир чағрак элдир, қалин элдур. Беш-олти минг уйлук эл бордур. Фарғона билан Қашғар орасидаги тоғда бўлурлар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур»<sup>2</sup>. Чағракларнинг баъзи гуруҳлари қипчоқлар билан бирга XI асрнинг биринчи яримларидаёқ Хоразм ўлкасининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Тахмин қилинишича, чағраklar қипчоқ қабилаларидан бири бўлиб, XI—XII асрларда Фарғона водийсининг тоғли худудларига келиб ўрнашиб қолган.

Бобур Андижоннинг жанубидаги тоғли худудларда, чағраklarдан ташқари яна ашпор ва турклар чорвадор қабилаларни тилга олади<sup>3</sup>. Бу қавмлар Бобур қўшинларини от ва чорва моллари билан таъминлаб турганлар.

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 40-бет.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960, 90-бет. Чағрак қавмининг шу тоғли худудларида яшаганлигини Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳам асарида эслатиб ўтган. Қаранг: «Тарихи Рашидий», 80, 204, 207-бетлар.

<sup>3</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Кўрсатилган асар, 119—120-бетлар.

Баъзан Бобур уларнинг ўзаро рақобатлари натижасида олиб борган курашларидан ҳам фойдаланган.

Чингизхон бошлиқ мўнгуллар Мовароуннаҳрга бостириб келмасдан олдин, бу ҳудудда қоракидан (қорахитой) қабила иттифоқига мансуб айрим этник гуруҳлар яшаган. Қоракидан (қорахитой)лар бир неча асрлар давомида маҳаллий халқлар билан ёнма-ён яшаб, улар билан аралашиб ўз тилларини батамом унутиб, туркийлашиб қолган эдилар. Қоракиданларнинг Мовароуннаҳрга кўчиб келган гуруҳлари асосан Зарафшон воҳасида, унга туташ дашт-чўлларда, қисман Фарғона водийсида яшаб чорвачилик, қисман деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Қоракиданларнинг асосий қисми XIV—XV асрларда Еттисувда ва Даштиқипчоқда яшаб, чорвачилик билан шуғулланар эдилар.

XIV—XV асрда яна бошқа қавмларнинг ҳам айрим оилавий гуруҳлари Мовароуннаҳрда яшаган бўлишлари мумкин. Лекин буларнинг сони 30, кўпи билан 50 оиладан ошмаган. Бу оилавий гуруҳлар ўз қабиладашлари билан келишмасдан ёки сиёсий курашлар туфайли яшаб турган ерларини ташлаб, Мовароуннаҳр ҳукмронларидан нажот сўраб келган бўлишлари ҳам мумкин. Ярим ўтроқликда яшовчи қавмлар ва этник гуруҳлар анъанавий чорвачилик билан бирга деҳқончилик қилишларини ҳисобга олиб асосан водий атрофларига, воҳаларга туташган чўл ва тоғ олди зоналарида жойлашган эдилар. Бу жойларнинг бир томони (чўл ва адир ерлар) мол боқиш учун яйлов, иккинчи томони суғорма ёки лалмикор ерлар бўлиб, деҳқончилик қилиш учун қулай бўлган. Булар жойлашган ерлар хўжаликнинг икки тармоғини (чорвачиликни ва зироатчиликни) деярли баравар олиб боришлари ўнғай бўлган.

Мовароуннаҳрнинг ярим ўтроқ аҳолиси мамлакатни идора қилишда ҳамда ҳарбий юришларда Амир Темур ва унинг ворисларига таянч бўлган. Темур тузукларида қайд этилишича, Амир Темурнинг қарамоғида қирқ аймақ бўлиб, булардан ўн иккитаси, чунончи: барлос, тархон, аргун, жалойир, тулкичи, дулдай, мўнгул, сулдус, тугой, қипчоқ, орлот тоторлардан хон навкарлари ташкил қилган ва булар Соҳибқироннинг энг ишончли ҳарбий (гвардиячи) қисмлари ҳисобланган. Қавмларнинг ҳар бири алоҳида ҳудудларга эгалик қилганлар.

Бу даврда армияни жанговар отлар билан таъминлаш зарур бўлган. Зотли отларни фақат йилқиси кўп

чорва билан шуғулланиб келган қавмлар берар эди. Армиянинг асосий қисми ҳам шу қавмлардан тузилган. Қўшинларни озиқ-овқат билан, яроқ-аслаҳалар, чодирлар ва бир қанча бошқа буюмлар билан таъминлашда ҳам қавмларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Юқорида эслатилган энг эътиборли 12 та этник гуруҳнинг ичидан Амир Темур истеъдодли кишиларни танлаб, уларни юқори лавозимларга (мингбоши, амирлик ва бошқа) тайинлаган. Йирик ҳарбий саркардалар кўпинча барлослардан тайинланган. Соҳибқирон жалойир, арғун, қипчоқ ва бошқа қавмларга ҳам ишонч ҳосил қилиб, уларнинг ичидан салоҳиятли кишиларни танлаб, юқори лавозимларга тайинлаган.

Мовароуннаҳрда яшовчи юқорида номлари қайд қилинган қабилалар Амир Темур ҳукмронлигида жуда катта имтиёзларга эга бўлганлар ва натижада улар ўзларини ҳаддан ташқари эркин тутган. Самарқандда Амир Темур саройида XV аср бошида бўлган Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо қавмлар ҳақида гап кетганда, булар «ҳарбий хизматга чақирилганда, жангларда қатнашишларини пеш қилиб «подшога» солиқ ҳам тўламаганлар» деб ёзган эди.

XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда илк ўрта асрларда ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Сон жиҳатидан улар кўп бўлмаганлар. Араблар асосан Бухоро воҳасида, Бухоро шаҳрида, Самарқанд ва Каттакўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаган. Араблар ярим ўтроқликда кун кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Улар асосан зотли қорақўл қўйларни сақлар эдилар.

Бу даврда Амир Темур истило этган мамлакатларидан асосан Олд Осиё мамлакатларидан бир гуруҳ аҳолини Мовароуннаҳрга кўчириб келган. Клавихо сўраб олган маълумотларига кўра, кўчириб келтирилганлар сони юз мингдан ошиқроқ бўлган<sup>1</sup>. Кўчириб келинганлар қаторида Клавихо арабларни, туркларни, арманларни

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Мовароуннаҳрга кўчириб келинганлар ҳақидаги маълумотида зиддиятлик мавжуд: бир ерда кўчириб келинганлар сони юз мингдан ошиқ дейилса, иккинчи ерда уларнинг сони икки юз мингдан ошиқ деб кўрсатилган. Қаранг: Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия по двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг. Санкт-Петербург. 1881. С. 228, 328.



тилга олади<sup>1</sup>. Клавихо маълумотларига қўшимча тарзда биз шунни таъкидлаймизки кўчириб келинганлар орасида Эронлилар ҳам оз бўлмаган албатта.

Кўчириб келтирилганларнинг асосий қисмини хунарманд-ноиблар, олим-фузалолар ва бошқалар ташкил қилган. Масалан, Дамашқдан соҳибқирон ҳар хил ипакли матоларни тўқийдиган усталарни ва шуларга ўхшаш тоифадаги хунармандларни кўчириб келган эди. XV асрда яшаб ўтган тарихчи Фосих Ҳавофийнинг қайд қилишича, Хоразмдаги қурувчилар ва хунарманд усталар қаторида юрт оқсоқоллари ва бу юртнинг номдор кишилари ҳам кўчирилган<sup>2</sup>. Шаҳрисабзда қад кўтарган Оқ сарой Хоразмдан кўчириб келинган усталар қўли билан қурилган.

Кўчириб келтирилганлар асосан Самарқанд атрофларида, ҳамда Зарафшон воҳасининг бир қанча туманларига жойлаштирилган. Буларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрда абадий қолиб, кейинчалик маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Кўчириб келтирилганларнинг айримлари (масалан эронийлар) гуруҳларга бўлиниб яшаб, ўз элат номларини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолганлар. Буларнинг айримлари ўз юртларига қайтиб кетган бўлишлари ҳам мумкин.

Амир Темури ўз юртида (Мовароуннаҳрда) яшовчи турли қавмлар ва элатларни аҳил яшаши учун барча чора-тадбирларни кўрган. У қавмлар ва элатлараро низоларга йўл қўймаган. Кимки садоқат билан сидқидилдан давлатга, ҳукмронга хизмат қилса соҳибқироннинг назар-эътиборидан четда қолмасди. Сотқинларни, ўғри ва бекорчи дайдиларни қаттиқ таъқиб остига олиб, уларни, қайси табақадан бўлишидан қатъий назар, жазога тортган.

Юқорида айтганимиздан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Темури ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ўзбекларнинг асосини муқим яшовчи туркий тилли аҳоли ташкил қилган.

Ўзбек элатининг таркибида ярим ўтроқликда кун кечирувчи этник гуруҳларнинг ҳам бўлганлигини юқорида айтган эдик. Булар XIV—XV асрлар давомида ҳам этник номларини ва уруғ-аймоқларга бўлиниш тартибини сақлаб қолиш билан бирга хўжаликларига ва

<sup>1</sup> Ўша жойда, 328—329 бетлар.

<sup>2</sup> Фосих Ҳавофи. Муджмал-и фосихи (фасихов свад.). Перевод с персидского Д. Ю. Юсупова, Ташкент, 1964. С. 102.

моддий маданиятларига оид айрим хусусиятларини ҳам сақлаб қолган эдилар.

Ўзбек халқининг таркибига мўнгул тилли аҳолининг ҳам туркийлашган гуруҳлари кирган. Маълумки мўнгулларнинг асосий қисми шу асрларда Мўнғулистонда яшар эдилар.

Чингизхон босқинларидан кейин уларнинг айрим гуруҳлари Чигатой улусининг шарқий минтақаларига (Еттисувда, Шарқий Туркистонга) келиб жойлашган эдилар. Булар маҳаллий аҳоли таъсирида тил жиҳатидан туркийлашиб, юқорида айтганимиздек, мўгул номини олган. Темур тузугида эслатилган мўгул этник гуруҳи шу келгиндилардан бўлган.

Мўгул гуруҳлари анъанавий чорвачиликни давом эттирганлар. Аммо қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳолининг таъсирида мўгул гуруҳларининг маданиятида, турмуш тарзида, тилида ва руҳиятида кескин ўзгаришлар юз беради. XIV—XV асрларга келиб улар Мовароуннахрнинг барча туркий аҳолиси қатори, ўзларини турк ёки турк-чигатой деб номлаши уларнинг ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради.

## **2. XVI—XVIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР ВА УНГА ТУТАШ МИНТАҚАЛАРДА ЭТНО-СИЁСИЙ АҲВОЛ**

Асосий масалага ўтишдан олдин XVI—XVIII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда юз берган сиёсий аҳволга қисқача тўхтаб ўтиш ўринли бўлса керак.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигидаёқ ҳукмронлик доирасидаги вилоятларни ўғиллари ва невараларига бўлиб берган эди. Натижада у барпо қилган империя бир қанча ярим мустақил мулкларга бўлиниб кетади.

Амир Темур вафотидан (18 февраль 1405 й.) сўнг унинг ворислари ўртасида ҳукмронлик тахтини эгаллаш ва вилоятларга бўлинган мулкларга эгалик қилиш учун кураш кучайиб кетиши темурийларнинг ҳукмронлик мавқеига путур етказди. Бундан даштиқипчоқ ўзбеклари фойдаланиб, XV аср бошлариданоқ Мовароуннахр ва Хоразмга босқин қилиб аҳолининг момулкини талаб, кўпларини банди қилиб ўзлари билан олиб кетадилар. XV асрда бундай босқинлар тез-тез содир бўлиб турган ва охир-оқибатда темурийлар мамлакатни ташқи душмандан ҳимоя қилишга ожизлик

қилиб қоладилар. XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлиқ даштиқипчоқ қабилалари Темурийлар давлатининг заифлашидан фойдаланиб Мовароуннахрни эгаллайдилар. Бу қабилалар ўзбек номи билан маълум эди.

«Ўзбек» атамаси ўрта аср манбаларида (XIII аср охири — XV аср бошларида) Даштиқипчоқда, кўпинча унинг шарқий қисмида — Оқ-Ўрдада яшовчи кўчманчи қабилаларнинг умумий номи бўлган. Оқ-Ўрда ҳудудида XV асрнинг биринчи чорагида кўчманчи ўзбек давлати ташкил топган<sup>1</sup>. Мазкур давлатни Чингизхон наслига мансуб Абулхайрхон бошқаради<sup>2</sup>. Бу хон жуда катта ҳудудда яшовчи кўчманчи ўзбек қабилаларини бирлаштиради. Унинг қабилаларни бирлаштириш учун олиб борган курашларида манғит қавмлари етакчи ролни ўйнаган эдилар.

Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги ҳукмронлиги узоққа бормади. (1510 йили) Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда Шайбонийхон ҳалок бўлади.

Шайбонийхон ўлимидан кейин мамлакатда парокандалик бошланади. Хуросонни Сафавийлар эгаллайдилар. Шайбоний авлодлари ва айрим қабила бошлиқлари алоҳида вилоятларни (Балх, Ҳисор, Бадахшон, Самарқанд, Тошкент ва бошқ.) эгаллаб марказий ҳукмронликка итоат қилмасдан мустақил бошқаришга интилганлар. Шайбонийхоннинг зурриётлари ўртасида ҳам тахт учун кураш кучаяди. Шу вазиятда 1560 йили Бухоро тахтига Абдуллохон II ўтиради<sup>3</sup>.

Абдуллохон рақиблари, айрим мулк эгалари билан, мустақилликка ҳаракат қилган қавм-қариндошлари, ҳудудий мулк эгалари билан кескин кураш олиб боради. Кўп қон тўкиш эвазига йўқотилган ҳудудларни кўпини қайтариб олиб, Бухорода олдин мавжуд бўлган марказлаштирилган давлатни тиклашга эришади.

<sup>1</sup> Оқ-Ўрда таркибига Сирдарёнинг Ўрта ва куйи оқимларидан ташқари яъни ҳозирги Қозоғистон ва жануби-ғарбий Сибир ерлари кирган. Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Урда и ее падение, М-Л, 1950, С. 296.

<sup>2</sup> Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М. 1965; Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.

<sup>3</sup> Бухоро хонларининг маркази шу асрларда Бухоро шаҳрида бўлган. Амирлар шу шаҳарда ўтириб мамлакатни идора қилганлар. Алоҳида вилоят ҳукмронлари унга итоат қилишлари шарт эди. Аммо улар атигагина хонга итоатда бўлиб, амалда эса эгаллаб турган ҳудудларини мустақил бошқарганлар.

Абдуллохон II ўлимидан (1598 й) кейин тахтга унинг ўғли Абдул Мўмин ўтирган. Бу амир атиги ярим йил ҳукмронлик қилади. У отасининг сафдошлари томонидан ўлдирилган.

Бухоро амирлигида яна тартибсизликлар, бебошликлар бошланади. Ташқи вазият ҳам қониқарли даражада бўлмайди. Ташқи ва ички аҳвол кескинлашиб қолган бир вақтда, XVI аср охирларида бир гуруҳ қабила бошлиқлари ва таъсирчан уламолар Бухоро тахтига Жони Муҳаммад Султоннинг ўғли Дин Муҳаммад Султонни ўтказадилар<sup>1</sup>. Шундан бошлаб Бухорода Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи ҳукмронлик қила бошлайдилар. Аштархонийлар даврида Бухоро амирлиги мушкул аҳволга тушиб қолади. Хонликда ички ва ташқи курашлар кучайиб, парокандалик бошланади.

Парокандалик жонийлар сулоласининг охирги вакили Абул-Файз хон (1711—1747) ҳукмронлик даврида яна ҳам жадаллашади. Афғонистоннинг шимолий ва унинг марказий шаҳри Балх XVIII асрнинг 20-йиллари Бухоро хонлиги таркибидан чиқади. Айни шу йиллари Тошкент ва Тошкент воҳасини қалмиқлар (жунғорлар), кейин қозоқлар эгаллайдилар. Лекин кўпга эмас. Шаҳрисабз воҳасида кенегаслар, Қарши воҳасида манғитлар, хитой ва қипчоқлар, Мирзачўлда юзлар, Фарғонада минг қавмлари Зарафшон воҳасида устиворлик қилиб, мустақил ҳукмронлик қилишга интилганлар.

Маишатга берилиб кетган<sup>2</sup>, узоқни кўра олмаган Абул-Файзхоннинг мамлакатда юз берган оғир аҳволдан чиқиб кетиши қийин эди.

Айни шу йиллари (аниқроғи 1742/1743 й.) Эрон подшоси Нодир Шоҳ Амударёдан ўтиб Бухорони эгалламоқчи бўлиб Чохарбакрга<sup>3</sup> келиб тушади. Абул-Файзхон ўзини тобе бўлмаганлигини Нодиршоҳга билдиради. У шоҳ билан тил бириктириб, унинг ёрдамида му-

---

<sup>1</sup> Жони Муҳаммад Султон Чингизийлар авлодидан бўлган Аштархон хони Ёр Муҳаммадхоннинг ўғли эди. 1556 й. рус подшоси Иван Грозний Аштархонни эгаллагач ўғли Жонибек билан Бухорога кўчиб келган.

<sup>2</sup> Мирзо Абдал Азим Сами. Тарих-и-салотин-и манғития. Издание текста, предисловие перевод и примечание Л-М. Елифановой, М., 1962, С. 62.

<sup>3</sup> Чохарбахр (маҳаллий аҳоли талаффузида Чорбакр) Бухородан 5 км ғарбда жойлашган муқаддас жой.

холифатда бўлиб келган айрим номдор қабила бошлиқларини ҳамда баъзи Бухоро амалдорларини бошқа юртларга кўчириб юбормоқчи бўлади. Кўчириладиганлар рўйхатини Нодиршоҳга маълум қилади. Буларнинг қаторида Ҳаким Оталиқ манғитнинг ўғли Раҳимбий ҳам бўлган.

Абул-Файзхоннинг қалтис ҳаракатларидан хабардор бўлиб қолган Раҳимбий уни изига тушиб, тутиб (1747й.) ўлдиради ва унинг тўққиз яшар ўғлини тахтига ўтқизади<sup>1</sup>. Кўп ўтмай уни ҳам қатл этиб (1748 й.) ҳукмронликни ўз қўлига олади. Маълум вақт ўтказиб, Муҳаммад Раҳимбий Оталиқ (1753—1758) манғит сулоласининг биринчи ҳукмрони бўлиб Бухоро тахтига ўтиради.

Муҳаммад Раҳимбий ҳукмронликни қўлга олиши билан олдинги амирлар йўқотган ҳудудларни Бухорога қайтариб олиш учун вилоят феодаллари билан кураш олиб борган. Бетиним ҳарбий юришлардан кейин у Шаҳрисабзни, Ургутни, Жиззахни, Ура-тепани, Ҳисор ва бошқа вилоятларни Бухорога қўшиб олишга муяссар бўлади. Унинг Фарғона вилоятини ҳам қўшиб олиш нияти бор эди, аммо бунга эришолмайди.

XVIII аср бошларида Фарғона Бухоро амирлигидан ажралиб мустақил давлат бўлган. Унинг биринчи хони ўзбекларнинг минг қавмидан Шоҳрухбий номли киши бўлган. Тарихий манбаларда Фарғона давлати кўпинча Қўқон хонлиги номи билан тилга олинади.

Қўқон хонлигида ҳам ички қарама-қаршиликлар, тахт учун курашлар тез-тез рўй бериб турган бўлса ҳамки, XVIII аср ўрталарига келиб хонлик сиёсий жиҳатдан ўзини бир мунча тиклаб олган эди. Муҳаммад Раҳим хонга зарба беришга қўқонликларни кучи етар эди. Шунинг учун бўлса керак у Фарғонага бостириб киришга журъат қилолмаган.

Мамлакатда юз берган сиёсий аҳвол аҳолининг этник таркибига ҳам таъсири бўлган, албатта.

XVI—XVIII асрлар мобайнида Мовароуннаҳр аҳолисининг қарийб кўпчилигини, олдинги асрлардагидек, турғун аҳоли ташкил қилган бўлиб, сўзсиз шу асрлар давомида аҳолининг аксарият қисми қишлоқларда яшаган. Қишлоқларнинг кўпчилиги воҳаларда жойлашган.

<sup>1</sup> Мирзо Абдал Азим Сами. Кўрсатилган асар. 44-бет.

Қишлоқ аҳолиси асосан суғорма деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Турғун яшовчи қишлоқ аҳолида боғлаб боқиладиган (сигир, от ва бошқа) моллари, айримлари ҳатто мол подалари ҳам бўлган. Моллар кўпинча хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган бўлса, чорва улар учун ёрдамчи манба ҳисобланган.

Тоғли ва тоғ олди қишлоқлар аҳолиси жуда оз бўлган. Бу қишлоқларда яшовчи турғун аҳоли асосан лалмикор ерларда деҳқончилик қилган. Булоқ ва жилға сувидан фойдаланиб суғорма деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда қадимдан ва илк ўрта асрларда келиб ўрнашган қавмларнинг (абдал, қарлуқ, қанғли, аз, уз ва бошқ.) кейинги авлодлари ҳам яшаган. Асрлар давомида буларнинг аксарий кўпчилиги ўтроқлашиб маҳаллий аҳоли билан араллашиб, унга сингиб кетган. Унча кўп бўлмаган гуруҳлари XVI—XVIII асрлар давомида этник номларини сақлаб, ярим ўтроқликда кун кечирганлар.

Шу асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда XIII—XV асрлар давомида кўчиб келган (барлос, жалойир, арлот, қавчин, қипчоқ ва бошқ.) қавмларнинг кейинги авлодлари яшар эдилар. Буларнинг ҳам маълум қисми XVI—XVIII асрлар давомида ўтроқлашиб, айрим гуруҳлари ҳатто этник номларини унутиб юборган. Аммо буларнинг салмоқли қисми шу асрларда ҳам ярим ўтроқликда яшаб деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик билан ҳам шуғулланар эдилар. Уларнинг хўжалигида деҳқончилик, чорвачиликдан кўра, муҳим ўрин эгаллаган. Булар асосан лалмикор ерларда деҳқончилик қилганлар.

Ярим ўтроқ қавмлар тоғ олди ҳудудларда ва воҳаларга туташган адир, чўлларда жойлашиб ўтов ва капаларда яшаганлар. Эрта баҳорга чорва молларини, от-йилқиларини ҳайдаб дашт-адирларга чиқиб кетганлар. Дон экинларини ва қовун-полизларини йиғиштириб олгандан кейин пода ва чорваларини ҳайдаб қишлов жойларига (қишлоққа) келиб, кеч кузни ва қишни ўтказадилар. Эрта баҳорда яна дашт-адирларга чиқиб кетар эдилар.

Қавмларнинг жуда оз қисми ярим кўчманчиликда кун кечириб, чўлларда яшаб асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Буларнинг сув манбалари қудуқ ва

қоқ<sup>1</sup> бўлган. Қудуқ суви билан суғориб хўжалик озми-кўпми сабзавот экинлари ҳам олганлар.

Юқорида айтганларимизга асосланиб яна бир мараотаба таъкидлаб ўтиш жоизки қадимда ва илк ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва унга қўшни минтақаларга келиб ўрнашган туркий қавмлар асрлар давомида маҳаллий аҳоли билан аралашиб, уларнинг кейинги авлодлари жуда кам қолган эди. Буларнинг умумий сони тахминан 100 мингдан ошмаган бўлиши керак.

Бу ҳудудларга XIII—XV асрлар давомида келиб ўрнашиб қолган туркий ва турклашган мўнғул қавмлари ҳам унча кўп бўлмаган. Чунки буларнинг кўплари Амир Темур ва Бобурнинг ҳарбий юришларида қатнашиб, кейинчалик улар ҳукмронлик қилган ҳудудларда қолиб яшаганлар. Масалан, барлосларнинг айрим гуруҳлари Афғонистонда, Деҳли атрофларида ва Кашмирда ўрнашиб қолган. Арлот, қипчоқ, найман, мўнғул гуруҳлари Афғонистонда; Арғин гуруҳи Афғонистонда ва Тоҳаристонда, Жалойир гуруҳлари Афғонистонда, салмоқли қисми эса Эроннинг шимолида ва Озарбайжонда яшаган.

Юқорида айтганларимиздан кўриниб турибдики, XIII—XV асрларда икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғига келиб жойлашган туркий ва туркийлашган мўнғул этносларининг бир қисми маҳаллий аҳолига аралашиб кетган бўлса, бошқа бир қисми бу ҳудуддан чиқиб, тарқоқ ҳолда бошқа давлатларда ва мамлакатларда яшаган. Демак, буларнинг Мовароуннаҳрда қолган қисмини кейинги авлодлари XVII—XVIII асрларда унча кўп бўлмаган.

XIV—XVI асрлар давомида Хоразм аҳолисининг маълум қисми Мовароуннаҳрга кўчиб келган. Амир Темур Хоразмга қилган охириги юришида (1388 й.) Урганч шаҳрини эгаллаб, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги (асосан ҳунармандлар)ни Самарқандга кўчирган эди<sup>2</sup>. Бу-

---

<sup>1</sup> Қоқ — дашт-чўлларда чорвадорларнинг асосий тақир манбаларидан бири бўлган. Қоқ тақир ерларда булар эди. Бунинг учун тақирни ҳовузга ўхшатиб (тахминан 7х7 м), одамни кўкрагидан келадиган чуқур кавлаб, теварагини пахса девор билан кўтарар эдилар. Баҳорда теварак-атрофдан оқиб келадиган ёмғир суви шу чуқурга (қоққа) тўпланган. Қоқдаги сувдан мол суғорилган; чорвадорлар ҳам ичиш учун фойдаланганлар.

<sup>2</sup> Тарихи-Гузиде, Нусрат наме. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений. А. М. Акрамова, Ташкент, 1967, С. 10.

ларнинг кўпчилиги Зарафшон воҳасининг ўрта ва қуйи оқимларига жойлаштирилган бўлиши керак. XIX аср охири XX аср бошларида бу ҳудудларда «урганжи» номи билан маълум гуруҳларнинг учраши ўша Урганж шаҳридан кўчирилганларнинг кейинги авлодларидан бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Шайбонийхон Хоразмни эгаллаганда ҳам (1501—1502) Қият ва Балдимсоз шаҳарлари аҳолисининг талай қисми Мовароуннаҳрга мажбуран кўчириб келинган<sup>1</sup>. XVI аср охирида Бухоро амирлари ҳам бир неча бор Хоразмга бостириб кириб, унинг аҳолисининг маълум қисмини зўрлик билан Хисорга, Бухорога, Самарқанд ва Тошкентга кўчирган эди<sup>2</sup>. Кўчирилган хоразмликларнинг кўплари юртларига қайтиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг маълум қисми Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқларида қолиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган. Лекин уларнинг онгида анча вақтларгача Хоразмдан кўчирилиб келтирилганлиги сақланиб қолган. Булар ўзларини «Хоразмлик» деб келганлар.

Хоразм аҳолиси қисман кўчирилган бўлса ҳамки, бу ҳудуд аҳолисининг аксарий кўпчилиги ўз юртида қолган. У аҳолининг этник асосини туб ерли аҳоли (сартлар) ташкил қилган. XVI—XVII ва ундан кейинги асрларда улар асосан шаҳар ва қишлоқларда яшаб зироатчилик, ҳунармандчилик ҳамда тижорат билан шуғулланганлар. Хоразм аҳолисининг талай қисмини туркманлар ташкил қилган. Улар мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Туркманлар Хоразм хонлари билан келишолмасдан доимо рақобатлашиб келганлар.

Хоразмда илк ўрта асрларда ва ундан кейинги асрларда келиб ўрнашиб қолган печенег, қипчоқ, чағрақ ва бошқа қавмларнинг кейинги авлодлари ҳам яшаган. Буларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб маҳаллий аҳолига аралашиб кетган албатта. Лекин буларнинг жуда оз қисми ярим ўтроқликда кун кечириб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хоразмга бирин-кетин кўчманчи ўзбек қавмлари кўчиб келадилар. Кўчманчи қавмлар бу ҳудудларга келмасдан олдин Даштиқипчоқда «ўзбек давлати» таркибида бўлганлигини юқорида айтган эдик. «Ўзбек давлати»-

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент, 1992, 134-6.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997, 119-бет.



нинг этник таркиби ўта мураккаб бўлган. Бу давлат худудида жуда кўп туркий ва туркийлашган мўнгул қабилалари ва қабила бирлашмалари яшаган. Катта кенгликда яшовчи қабилаларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси бир-бирларидан фарқ қилган. Уларнинг турмуш тарзида ҳам тафовут катта бўлган.

Этногенези ва ҳаётий йўллари бир хилда бўлмаган қабилалар ва қабила birlikлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар юз бериб турган. Тўқнашувлар кўпинча ўтли яйлов учун ҳамда кўчманчи ўзбек аслзодаларининг ҳукмронлик учун олиб борган курашларга сабаб бўлган албатта. Бу курашлар охир-оқибатда Абулхайрхон бошқарган давлатни бўлиниб кетишига олиб келган.

Волга ва Урол дарёлари оралиғида кўчиб юрган, Абулхайрхоннинг таянчи бўлган манғит қабилалари XV асрнинг иккинчи яримида нўғой Ўрда номи билан тарихга кирган этно-сиёсий бирлашма (давлатни) барпо қиладилар. Нўғой Ўрдасидан шимолда мустақил Сибир хонлиги ташкил топади. Мазкур хонлик XVI асрда Сибир ёки Тумен хонлиги номи билан маълум эди.

Кирейхон ва Жонибекхон бошлиқ ўзбек қабилаларининг бир қисми (икки юз мингга яқини) Абулхайрхон ҳаётлигидаёқ Чу дарё воҳасига кўчиб бориб 1466 йилдан бошлаб мустақил ҳаёт кечирадилар. Бу қабилалар қозоқи номини олган<sup>1</sup>. Абулхайрхон вафотидан кейин (1468 й.) ҳукмронлик тахтини эгаллаш учун олиб борилган курашлар кучаяди. Бу курашларда қатнашишни хоҳламаган Оқ Ўрда қабилаларининг айрим гуруҳлари кўчиб Чу воҳасида яшовчи қозоқларга бориб қўшиладилар. XVI аср охири XVII аср бошларида қозоқ халқи кучайиб яйловларни ҳимоя қилишдан ташқари ўзбек шайбонийлари<sup>2</sup> билан ҳам кураш олиб боришга қодир

<sup>1</sup> Материалы по истории казахских ханства XV—XVIII веков. Алма-Ата, 1969, С. 214.

<sup>2</sup> Бу ерда Шайбоний ҳукмронлик қилган худуд ва қабилалар (Шайбоний улуси) ҳақида гап кетяпти. XIII асрнинг биринчи яримларида Орол денгизининг шимолий минтақаларидан то Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган ерларни Жўжихоннинг ўғилларидан бири Шайбон бошқарган. Шайбон ўрдаси Урол, Илек, Чергиз дарёлари оралиғидан чўл ва тоғли ерлардан то Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган худудларда кўчиб юрган. Қаранг: Семенов А. А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шайбонихана С. 8, 9; Б. А. Аҳмедов. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992, 33-б. Шайбон улусининг чегараси Оқ Ўрда улусининг чегараси билан деярли тўғри келган (Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая орда и ее падение, С. 305). Ўрта асрлардаги манбаларда ҳар иккала улус (Шайбон ва Оқ Ўрда) баъзан Шайбон ёки Шайбонийлар улуси деб тилга олинади.

эдилар. Даштиқипчоқ қабилаларини бир қисми Мовароуннаҳрга кўчиб ўтгач, қозоқлар аста секин бу ҳудудни шарқий қисмини эгаллайдилар.

Юқорида эслатилган этно-сиёсий бирликларни этник тартиби маълум вақтгача деярли бу хилда бўлиб: Манғит, қозоқ, қипчоқ, қанғли, қўнғирот, найман, уйшун ва бошқа қабилалардан ташкил топган эди. Оқ Урдадаги ва турклашган мўнғул қабилалари умумий ном билан «ўзбек» деб аташни давом эттирганлар. XVI асрнинг бошларида ёзилган Фазлуллох ибн Рўзбекхон «Меҳмонномаи Бухоро» китобида даштиқипчоқ ўзбекларини уч тоифага бўлган: Шайбонийлар қўл остидаги қабилалар; даштиқипчоқнинг шарқий қисмига кўчиб кетган қозоқлар; манғитлар. Бу этно-сиёсий бирликларнинг хонлари бир-бирлари билан келишмасдан доимо рақобатлашиб келганлар<sup>1</sup>.

Манбаларда қайд этилишича қозоқлар XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг биринчи чорагида ҳам ўзларини «ўзбек-қозоқ»лари деб атаганлар<sup>2</sup>. Демак, шу асрларгача қозоқлар ўзларини даштиқипчоқ ўзбекларининг бир қисми ҳисобланганлар. XVI асрнинг ўрталаридаёқ қозоқлар алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган бўлиши керак. Шундан кейин қозоқ халқининг ҳамда Мовароуннаҳрга кўчиб келган кўчманчи ўзбекларнинг тарихий тараққиёти бошқа-бошқа йўналишда ривожланади. Шайбонийхон бошлиқ шарқий «даштиқипчоқ ўзбеклари» Темурийлар ҳукмронлигида бўлган. Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллайдилар. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида, унинг бобоси Абулхайрхонни қўллаган қабилалар ва этник гуруҳлар фаол қатнашганлар. Булар қуйидагилар: қушчи, найман, қарлуқ, уйғур, ўтарчи, ички, қипчоқ, дўрмон, минг, кият, қўнғирот, кенегес, туман, тангут, чимбой, бурқут, шунқорли, месит, шодбоқли, йиджон, манғит, хитой ва бошқалар<sup>3</sup>.

Даштиқипчоқ ўзбекларининг айрим гуруҳлари (масалан найманлар, уйғурлар, манғитлар, қўнғиротлар,

<sup>1</sup> Фазлаллаҳ ибн Рўзбекхон Исфакони. Меҳмон-наме-йи Бухара (записка Бухарского гостя). Перевод и примечания Р. П. Джалиловой, М. 1976, С. 62; Б. А. Ахмедов. Ўзбек улуси, 137—138-66.

<sup>2</sup> Фазлуллох ибн Рўзбекхон. Кўрсатилган асар. 103, 123-66; Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Ташкент, 1996, С. 147, 150, 180, 302.

<sup>3</sup> Материалы по истории казахских ханств. С. 96, 97, 143—144, 146, 153, 154.

қушчи, минг ва бошқ.) Мовароуннаҳр ва Хоразм эгалланмасдан анча олдин мазкур ҳудудларга келиб ўрнашган эдилар. Уларнинг бошқа гуруҳлари эса XVI аср давомида кўчиб ўтганлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки айрим туркий ва турк-мўнғул этник гуруҳлар (қарлуқлар, қипчоқлар, қанғиллар, қўнғиротлар, найманлар, манғитлар) бир вақтнинг ўзида Мовароуннаҳрда, Хоразмда ва Даштиқипчоқда яшар эдилар. Даштиқипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига келиб ўрнашган кезларда кўчманчилик аъналарига ва уруғ-қабилачилик тартибларига риоя қилган. Буларнинг турмуш тарзи ҳам кўчманчилик ҳаётига мослашган эди. Демак биз бундан шунга амин бўламизки, кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хоразмга ишлаб чиқаришни ва давлат бошқаришни янги тартибини олиб келмаганлар, улар Темурийлар даврида ҳукмронлик қилиб келган ижтимоий-иқтисодий тузум қандоқ бўлса шундоқлигича қабул қилганлар.

Кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб ўрнашгандан кейин бу ҳудудга олдинроқ келиб ўрнашган қабиладошлари билан араллашиб кетадилар. Вақт ўтиши билан булар маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб муқим яшовчи ўзбекларга хос моддий ва маданий ҳаётни ўзлаштира бошлайдилар.

Даштиқипчоқдан Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларига келиб ўрнашган туркий ва туркийлашган қабидалар маҳаллий аҳоли тилига маълум даражада таъсир кўрсатган албатта. Булар Даштиқипчоқда яшаганларида қипчоқ ёки қипчоқ-ўғуз лаҳжасида сўзлашганлар. Бу лаҳжалар даштиқипчоқ ўзбеклари кўчиб келмасдан анча олдин Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам кенг тарқалган эди. Даштиқипчоқдан XVI асрда янги этник гуруҳларнинг кўчиб келиши билан бу лаҳжада сўзлашадиганлар сони кўпаяди. Кейинчалик кўчманчи ўзбекларнинг ўтроқлашиш жараёнида буларнинг ҳам тили араб ва тожик сўзлари билан бойийди. Кўчманчи ўзбеклар хусусан уларнинг ўтроқлашган гуруҳлари маҳаллий ўзбек аҳолисининг («эски ўзбек» ёки «чигатой») тилини ўзлаштира бошлайдилар.

XVI—XVIII асрларда ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳудудида расмий тил ўзбек тили эди. Тожик тили ўзбек аҳолисининг маълум қисми учун (хусусан Бухоро воҳасида) иккинчи тил ҳисобланган. Бухорода сарой шоирлари, тарихчилари асарларини кўпинча тожик тилида ёзганлар. Иш юритиш, ёзиш-чиқишлар ҳам

тожик тилида бўлган. Лекин Хоразм тилида араб ва тожик тилларининг таъсири камроқ эди<sup>1</sup>. Шунга қарамасдан бу тилга ҳам ўзга тиллардан баъзи сўзлар кириб қолган<sup>2</sup>.

Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғига ва Хоразмга келиб ўрнашган даштиқипчоқ ўзбеклари маҳаллий аҳолини хилма-хиллигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳамки, лекин уни этник таркибини тубдан ўзгартира олмаганлар, булар аллақачон шакланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонентлар эдилар холос. Бу асрларда (XVI—XVIII) аввалги асрлардагидек ўзбек халқи асосини туб ерли аҳоли ташкил қилган эди.

Ўзбек халқининг асосини маҳаллий этник асосда вужудга келганлигини антропологик материаллар ҳам тасдиқлаган. Бу ҳақда ишнинг биринчи бобида батафсил гапирилган эди. Ана шу маҳаллий этник асосга, XV—XVIII асрлар давомида этногенези бир хил бўлмаган турли этник компонентлар келиб қўшилиб ўзбек элатининг қатламлашиш жараёнини давом эттирган.

XV—XVI асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб ўрнашган кўчманчи ўзбеклар аста-секинлик билан ўтроқлашадилар. Тарихий адабиётларда қайд қилинишича XVI аср охирларида Бухоро хонлигида уч туркум аҳоли яшаган. Булар муқим яшаб деҳқончилик билан шуғулланувчилар — «деҳнишин», ярим ўтроқликда ҳаёт кечираётганлар — «қишлоқнишин» ва кўчманчилар — «сахронишин»<sup>3</sup>.

XVI асрда Даштиқипчоқдан Хоразм воҳасига кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар ҳудуд аҳолисини нафақат этник жиҳатдан, сон жиҳатдан ҳам кўпайишига олиб келади. Кўчиб келган этник гуруҳлар экинбоп ер ва яйлов талашиб, бир-бирлари билан жанжаллашиб, урушиб турганлар. Ҳукмронликни даъво қилиб баъзи қабила бошлиқлари хонлар билан рақобатлашиб келганлар.

XVII асрга келиб Хоразмда ички зиддиятлар яна ҳам кучайиб ўзаро қабилавий курашлар жадаллашган эди. Бу курашларга барҳам бериб мамлакатда осойишталик ўрнатиш лозим бўлиб қолган.

<sup>1</sup> Кононов А. А. Родословная туркмен. Соч. Абул-Гази-хана Хивинского. М.-Л., 1958, С. 36.

<sup>2</sup> Шербак А. М. Грамматика узбекского языка, М.-Л., 1962, С. 15.

<sup>3</sup> Гинзбург Б. Д., Трафимова Т. А. Поленантропология Средней Азии, М., 1950, С. 317. Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. М., 1958, С. 72.

Муниснинг маълумотларидан аниқ бўлишича Хива хони Абулғози (1643—1663) 1646 й. ислоҳат ўтказиб, бир-бирлари билан келишолмаган, Амударёнинг қуйи оқимларида яшовчи кўчманчи ўзбек қавмларини ҳар иккитасини бир жамоага бирлаштириб, тўртта жуфт гуруҳ (туп) ташкил қилган: уйғур-найман, қўнғирот-қият, нукус-манғит, қанғли-қипчоқ бирлашмалари. Ҳар бир бирлашмага (тупга) экин ерларини, ариқларни ва яйловларни бўлиб беради. Тўрт экин бирлашма таркибига яна 14-та кичик этник гуруҳларни ҳам қўшиб қўйган<sup>1</sup>. Шу тадбир билан Абулғози кўчманчи қавмлар орасида тартиб ўрнатган бўлади. Аммо Хива хонлиги билан Бухоро амирлари ўртасида ўзаро муносабатлар XVII асрнинг иккинчи ярмида жиддийлашиб қолади. Хива хонлари (шахсан Абулғози ва Анушахон) Бухоро воҳасига бирнеча бора ҳарбий юриш қилиб Бухоронинг иқтисодиётига қаттиқ зарар етказдилар. Пайти келиб Бухоро амирлари ҳам Хива хонлигига босқин қилиб маълум вақтгача уни ўзларига тобе этиб олган эдилар ва баъзан вақтинча Хива хонлиги Эрон шоҳи ҳамда қозоқ хонларининг таъсирида ҳам бўлиб келган.

Ички ва ташқи курашлар натижасида Хива хонлигининг иқтисодий аҳволи ёмонлашади. 1778/79 й. Хоразмда очлик ва ўлат касали бошланиб кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритади. Аҳолининг талай қисми мамлакатни тарк этиб кетишга мажбур бўлган<sup>2</sup>.

Хива хонлигида юз берган аҳволдан Қўнғирот қавмининг амирларидан бири Муҳаммад Амин усталик билан фойдаланиб ҳукмронликни ўз қўлига олиб, Хоразмда қўнғиротлар сулоласига асос солади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг Марказий ҳудудларида XVIII асрда учта марказлашган давлат вужудга келади. Бу давлатларни йирик ўзбек қавмларидан чиққан ҳукмронлар бошқариб учта янги сулолага асос солганлар: Бухоро амирлигида — манғит, Қўқонда — минг, Хоразмда — қўнғирот сулоалари.

Мовароуннаҳрга XVI асрда кўчиб келган дашти-қипчоқ ўзбекларининг сони ҳақида икки хил фикр мавжуд. Буларнинг бирлари кўчманчи ўзбеклар маҳаллий аҳолидан кўп бўлган деса, иккинчи бирлари улар

<sup>1</sup> Материалы по истории туркмен и туркмении, Т. 2, М.-Л, 1938, С. 327—328.

<sup>2</sup> История Узбекистана, Ташкент, 1993, С. 263.

унча кўп бўлмаган дейдилар<sup>1</sup>. Бизнингча, кейинги муаллифларнинг фикри тўғри бўлса керак.

Мовароуннаҳр худудига даштиқипчоқ ўзбеклари бир вақтда кўчиб келмаганлар. Уларнинг айримлари XVI асрнинг бошларида келган бўлсалар, бошқалари шу аср давомида ва ундан ҳам кейинроқ келганлар.

Олдин келганлари XVI асрнинг биринчи ярмидаёқ ўтроқлашган бўлсалар, кейин келганлар эса ярим ўтроқликда яшаб кўчманчилик анъаналарини (чорвачилик, яйловларга кўчиб чиқиш, ўтловларда яшаш ва бошқ.) давом қилганлар.

Даштиқипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчиб келган этносларнинг ҳаммаси ҳам кўпсонли бўлавермаган. Уларнинг фақат айримлари чунончи қипчоқ, сарай, қўнғирот, юз, найман, манғит, ктай (хитой)лар нисбатан йирик этник гуруҳлар эдилар. Буларнинг ҳар бирининг сони 30—50 мингдан то 200 минггача бўлган бўлиши мумкин эди. Тилга олинган этносларнинг ичида энг кўп сонлиси қипчоқлар бўлган. XVIII аср охири XIX аср бошларида буларнинг умумий сони 270 мингга деб тахмин қилинган<sup>2</sup> қолган (ўзбек халқининг таркибига кирган) кўчманчи гуруҳларнинг сони 20—30 мингдан то 10 минггача (баъзилари бундан ҳам кам) бўлган.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Мовароуннаҳрга даштиқипчоқ ўзбекларининг ҳаммаси ҳам кўчиб келмаган. Уларнинг катта қисми Даштиқипчоқда қолиб, бу ерларда ташкил топган турли этно-сиёсий уюшмаларга кирган. Масалан қўнғиротлар, қорақалпоқ, қозоқ ва Хоразм аҳолиси таркибига: қипчоқлар, қозоқ, қарақалпоқ, қирғиз, бошқир, туркман ва бошқа халқлар билан қўшилиб кетган; найманлар қозоқ, қирғиз халқларига қўшилган; ктай (хитой)қорақалпоқ, бошқирд, қозоқ халқларининг таркибига кирган. Даштиқипчоқ ўзбекларининг фақат маълум гуруҳлари Мовароуннаҳрга келиб жойлашган эдилар. Булар XVIII аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 4/1 ташкил қилган бўлиши мумкин<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Кўчманчи ўзбекларнинг сони ҳақидаги фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон тарихининг III қисмида берилган. Қаранг: История Узбекистана. Т. III. Ташкент, 1993, С. 39.

<sup>2</sup> К. Ш. Шониёзов. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974, С. 110.

<sup>3</sup> Биз 1865 йилдан то 1917 йилгача бўлган демографик материалларни (Қаранг: И. Р. Мулладжанов, Демографические развитие уз-

Кўчманчи ўзбеклар ўтроқликка ўтиши билан муҳим этник жараён юз берди: чиқиб келишлари ҳар хил бўлган кўчманчи уруғ-қабилалар орасида ўзаро аралашиб бошланади. Айни бир вақтда кўчманчи ўзбекларнинг маҳаллий аҳоли билан ҳам аралашиб, қоришиб бориш жараёни жадаллашади. Вақт ўтиши билан, бу жараёнлар туфайли аҳоли номида ҳам ўзгариш ҳосил бўлади.

Агар XVI аср охирларда Бухоро аҳолиси (кўчиб келган ўзбеклардан ташқари) «Чиғатой» ёки «турк Чиғатой» ва тожикка бўлинган бўлса, XVII аср охирларига келиб бу аҳоли манбаъларида фақат ўзбек ва тожикка бўлинган<sup>1</sup>. Бундан маҳаллий аҳоли таркибида ўзгариш рўй берганлигини тушуниб олиш қийин бўлмаса керак. Кейинчалик Темурийлар даврида туркий ва мўнғул аҳолига нисбатан қўлланилган «Чиғатой» тушунчаси олдинги аҳамиятини йўқотган бўлса керак. XIX аср охири — XX аср бошларида уруғ қабилаларга бўлинмаган маҳаллий аҳолининг бир қисми, яъни Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи ўзбекларнинг туркий гуруҳи ва тожикларнинг озроғи ўзларини «Чиғатой» атаб келадилар<sup>2</sup>.

XVII асрнинг биринчи ярмигача Хоразм аҳолисини ҳам аксарий кўпчилиги ўзларини Чиғатой деб атаганлар. Кейинги асрларда бу атама ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Чиғатой этник номи Хоразм аҳолисининг жуда оз қисмида сақланиб қолган холос.

XVI—XVII асрларга келиб «сарт» атамасини ҳам мазмуни ўзгариб қолган эди. Маълумки олдинлари бу атама фақат тожикларга нисбатан қўлланилган. XVI—XVII асрларда Мовароуннаҳрда (кўпинча Фарғона водийсида), Тошкент воҳасида ва Хоразмда яшовчи туркий ва тожик тилида сўзловчи аҳоли ўзларини сарт деганлар. Кейинги асрларда эса сарт атамаси кўпинча турфун яшовчи ўзбекларга нисбатан қўлланилган<sup>3</sup>. XVI—XVII

---

бекской ССР; Ташкент, 1988. С. 123) ва XIX аср охири XX аср бошларида ўтказилган аҳоли рўйхатини ҳамда этнографик маълумотларни жиддий ўрганиб шу тахминий фикрга келдик. Бу масалага ишнинг кейинги бандида батафсилроқ фикр юритилади.

<sup>1</sup> Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. М. 1958. С. 69.

<sup>2</sup> Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, М. 1976, С. 122—125.

<sup>3</sup> Бартольд В. В. Десять лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. I. 5, 1968, С. 189; Ўша муаллиф; Сарт, Соч. Т. II, Ч. 2, С. 527—529.

асрларда ўзбек халқининг таркибига кирган этник гуруҳларнинг маълум қисми турғун яшовчи аҳолининг деҳқончилик маданиятини қабул қилиб воҳаларда ўтrockлашиб қолган эдилар. Аммо айрим этник гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй бермаган эди. Кейингилар чорвачилик анъаналарини давом қилиб, уруғ-қабилачилик тартибларини ҳамда турмуш тарзининг баъзи хусусиятларини сақлаб қолганлар. Қабила ва уруғ бошлиқлари жуда кўп мол туёғига, экин ва яйлов ерга эгалик қилар эдилар.

Эътиборли йирик қабилалар алоҳида ҳудудларни эгаллаб, шу ҳудуд доирасидаги ижтимоий ва жамоа ҳаётига ҳамда хўжалик фаолиятига ўз таъсирларини ўтказиб келар эдилар. Айрим қабила бошлиқлари мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Буларнинг баъзилари ҳатто хонлар билан рақобатда бўлиб ҳукмронликка даъво қилиб ҳам келганлар. Масалан, 1710 йили Фарғонада ҳукмронлик қилади; XVIII аср ўрталарида Бухорода манғитлар ҳукмронлиги ўрнатилганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди.

Ўзбек халқи XVI—XVII асрлардаги этник тараққиётида ҳам олдинги даврлардагидек кўшни тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари билан яқин этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Бир ҳудудда яшовчи ўзбек ва тожиклар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ҳамкорликлар бу икки халқнинг этник тараққиётини яна ҳам тезлаштиради. Мавжуд бўлган ўзаро алоқалар икки халқни бир-бирлари билан яна ҳам яқинлаштиради. Натижада XVI—XVII асрларда айрим ўзбек гуруҳлари тожиклар таркибига, баъзи тожик аҳолисининг ўзбеклар таркибига кириши давом этган. Кейингиси кўпроқ ўзбеклар сон жиҳатидан кўпчилиқни ташкил қилган ҳудудларда (масалан Фарғона водийсида ва Зарафшон воҳасининг ўрта қисмида) юз берган.

Даштиқипчоқдан айрим этник гуруҳлар Мовароуннаҳрга кўчиб келиши XVI—XVIII асрларда ҳам давом қилган.

XVII аср бошларида Бухоронинг сиёсий мавқеи пасайиб кетишидан фойдаланиб қозоқ хонлари Тошкентни эгаллайдилар. Шу асрдаёқ айрим қозоқ гуруҳлари



Тошкент воҳасидаги яйловларга келиб ўрнашадилар. Қорақалпоқларнинг бир қисми Зарафшон воҳасига XVII асрнинг иккинчи яримларида кўчиб келган эдилар. Лекин кўчишнинг охириги тўлқини XVII аср охири XVIII аср бошларида бўлган эди. Бу даврда Қозоғистон чўлларида Мовароуннаҳрга бир нечта қабилавий ва этник гуруҳлар кўчиб ўтган эдилар.

XVII асрда қалмоқ (уйрот)лар Қозоғистон чўлларида бир неча мартаба бостириб кириб, бу ерларда яшовчи қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларни ва этник гуруҳларни хонавайрон қилганлар. Қалмоқларни 1723 йили қилган босқини шавқатсиз бўлган. Қалмоқлар зулми натижасида чўл аҳолисининг катта қисми яшаб турган ерларини ташлаб қочишга мажбур бўлганлар ва қозоқларнинг айрим гуруҳлари Хоразмга, Зарафшонга ва Тошкент воҳаларига келиб ўрнашган эдилар. Қалмоқлардан қочган қорақалпоқлар Хоразм ва Зарафшон дарёсининг ўрта қисмига Нурота тоғининг жанубий ён бағрларига жойлашган эдилар<sup>1</sup>. Қозоқ ва Қорақалпоқлар билан бир вақтда Сирдарё соҳилларида ва унга туташ чўлларда яшовчи қипчоқлар ҳам қалмоқлардан қочган эдилар. Булар икки гуруҳга бўлинган: бир гуруҳи Зарафшон воҳасига, иккинчи гуруҳи Тошкент воҳаси ва Мирзачўлга келиб яшайдилар<sup>2</sup>.

Қипчоқлар ва қорақалпоқлар келмасидан олдин Мирзачўл ва Тошкент воҳасида бошқа этник гуруҳлар (қурама, дўрмон, қирқ, юз, минг ва бошқ.) яшаган. Бу ҳудудда чорвадорлар учун жой торлик қилиб, XVIII асрнинг 30-йилларидаёқ қипчоқлар Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига борган эдилар. Лекин уларнинг озроқ қисми Тошкент воҳасида ҳам қолган<sup>3</sup>.

Фарғона воҳасига Қорақалпоқ этник гуруҳлари ҳам ўрнашадилар. Булар Марказий Фарғонанинг чўл қисмини эгаллаган эдилар. Бу ерлар кейинчалик Қорақалпоқ чўли деб номланади.

---

<sup>1</sup> Толстов Л. С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса. (XIX-нач. XX века); Нукус-Ташкент, 1963, С. 17, 19.

<sup>2</sup> Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974, С. 103.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида кўчманчи уз қабила-си яшар эди. Қалмиқлар босқини буларни ҳам ўз яйловларини ташлаб кетишга мажбур қилган. XVIII асрнинг биринчи ярмида узлар қалмиқлардан чекиниб Нурота тоғларининг шимолий ён бағирларига келиб ўрнашадилар. Чорвалари камайиб қолган узларнинг айрим гуруҳлари Зарафшон воҳасига келиб ўтроқлашиб деҳқончилик қиладилар.

Уларнинг чорва билан шуғулланувчи бир қисми Қарши чўлига ўтиб, анъанавий машғулотлари — чорвачиликни давом эттирганлар.

Юқорида келтирилган тарихий материалларга асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мовароуннаҳр ва Хоразмда XVI—XVIII асрлар давомида сиёсий вазият жуда мураккаб ўтган. Бу ҳудудларда ташқи ва ички курашларни йилдан-йилга, асрдан-асрга табора кучайиб бориши, ҳудудий тарқоқликларни юз бериб туриши охир-оқибат мамлакатни учта мустақил давлатга бўлиниб кетишига олиб келди.

Юз берган зиддиятлар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг этник таркибига таъсир қилмасдан қолмаган.

Даштиқипчоқ ўзбек гуруҳлари келмасдан олдин Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалар аҳолисининг кўпчилигини ўзбек элати ташкил этган эди. Бу элат, юқори бобларда айтганимиздек, қадимдан шу ҳудудларда яшаб келган маҳаллий аҳолидан ташкил топган эди. Ўзбек элати ўз таркибига асрлар давомида, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига кўчиб келиб ўрнашган туркийзабон этник гуруҳларни ҳам қамраб олган. Буларнинг аксарий кўпчилиги ўтроқлашиб ўзбек элатининг ажралмас қисми бўлиб қолган эди.

XVI ва ундан кейинги асрлар Даштиқипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хоразмга кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар ўзбек элатининг таркибига кирган навбатдаги этник компонентлар эдилар холос. Булар маҳаллий ўзбек халқининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига таъсир кўрсата олмаганлар. Лекин маҳаллий аҳолига «ўзбек» номини берган. Шу вақтларгача биз маҳаллий аҳолига нисбатан, шартли ра-

вишда ўзбек атамасини қўллаб келган эдик. Эндиликда бу (ўзбек) номи Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар (Хоразм) учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолади.

Мамлакат сиёсий жиҳатдан учта мустақил давлатларга бўлиниб кетиши яхлит бир халқни — маҳаллий ўзбек халқини ҳам учта давлат таркибига бўлиниб кетишига олиб келади.

Бу сиёсий ўзгаришлар ўзбек элатининг бутунлигига путур етказолмаган албатта. Ўзбек халқи сиёсий жиҳатдан бўлинган бўлса ҳамки аммо сиёсий чегаралар буларнинг ўзаро муносабатларини узиб қўёлмаган. Уч давлат таркибидаги ўзбек аҳоли бир-бирлари билан доимо этник, иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлиб келганлар. Бу ўзаро алоқалар ўзбекларни, юқорида тилга олинган уч давлат таркибида бўлишларидан қатъий назар, бу халқ — ўзбек халқи бўлганлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

Ўзбек халқининг алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклланиш (этногенез) жараёнини ўрганиш тарих фани олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала анчадан буён тарихчи ва бошқа турдош фанлар билан шуғулланган олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ўзбек халқи ўз мустақиллигига эришгач бу муаммога қизиқиш яна ҳам кучайди.

Кейинги йилларда чиққан илмий монографияларда, мақолаларда ва рисоаларда ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) ҳақида бир қанча теран фикрлар айтилган. Лекин, айрим эълон қилинган ишларда баъзи хатоликларга, ноаниқликларга ҳам йўл қўйилган. Бу хатоликлар кўпинча муаллифларнинг этнос назариясига эътибор бермасликлари туфайли содир бўлган, албатта.

Халқнинг (этносинг) келиб чиқишини, унинг илк аждодларини аниқ бир жамоа (элат) бўлиб шаклланиш жараёнини илмий асосда ўрганиш учун аввало «этногенез» ва «этник тарих» ибораларини тўғри тушуниб, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Этник тарих — маълум бир халқнинг илк аждодларидан бошланиб, элат шаклланишини, уни тараққий этиш босқичларини ва элатнинг емирилиш ёки ривожланиб, миллат даражасига етишиш даврини ўз ичига олади.

Этногенез (этнос — юнон тилида халқ, генез — ҳосил бўлиш, келиб чиқиш) бу янгитдан ташкил топган этник жамоа. Бурундан мавжуд бўлган бир неча этник компонентларни ўзаро яқинлашуви, уларнинг бир-бирига қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориши ҳамда шаклланаётган этносга бошқа ердан кўчиб келиб қўшилган компонентларнинг маҳаллий аҳолига қўшилиши, унга аралашиб бориши натижасида вужудга келади. Демак, шаклланадиган янги этносга маълум худудда яшаган халқлар ёки этник гуруҳлардан ташқа-

ри, бошқа ҳудудлардан келган этник, антропологик ва маданий жиҳатдан бир хилда бўлмаган этносларнинг ёки этник гуруҳларнинг аралашиб, қоришиб кетишидан ҳам элат вужудга келиши мумкин.

Янги этноснинг вужудга келиши бир неча этник гуруҳлар етакчи этнос атрофига жипслашишидан бошланади. Етакчи этнос маҳаллий халқларнинг ёки бошқа ердан келиб ўрнашиб қолган этник гуруҳ ҳам бўлиши мумкин. Етакчи этнос бошқараётган уюшмага кирган этник гуруҳлар маълум вақт ичида тили, моддий маданияти, турмуш тарзи, маънавияти билан бир-бирларига яқинлашиб бориши ижобий натижа берса, янги этнос ўзаги ташкил топади. Шу давр ичида бирлашишга мойилликлари бўлган этник гуруҳлар сиёсий, иқтисодий ва бошқа сабаблар туфайли бир-бирларига яқинлаша олмасалар этник birlik элат даражасига етмасдан тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

Дунёда мавжуд бўлган халқларнинг барчаси турли этник гуруҳларнинг қўшилишидан вужудга келган. Бошқача қилиб айтганда дунёда таркибига ўзга этник гуруҳлар қўшилмаган биронта ҳам халқ бўлмаса керак.

Юқорида тилга олинган этник назарияга асосланиб, биз ўзбек халқини элат бўлиб, маълум тарихий даврда, маълум ҳудудда, маҳаллий этнослар асосида, турли даврларда келиб қўшилган этник компонентларнинг аралашиб бориши натижасида шаклланган, деб қараймиз.

Этнос назариясига риоя қилмаган ёки тушунмаган айрим муаллифлар ўзбек халқининг этногенезини қадимлаштиришга интилиб, унинг келиб чиқишини милодий асрнинг бошларидан, қадимги хунлардан ёки VI—VIII асрлардаги турк этноси ва туркий қабилалардан бошлайдилар. Қалам соҳибларининг ичида шундай фикрдагилари ҳам борки, улар ўзбек халқининг шаклланишини Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Турдан (Туркдан), кейингисининг ўғли — Тутақдан бошлайдилар. Кейинги фикр тарафдорлари ўзбек халқининг келиб чиқишини афсоналаштириб юборганлар. Тарихчи афсоналардан фойдаланади, аммо унинг таъсирида бўлиб тарихий ҳақиқатдан узоқлашмаслиги керак.

Маълумки, узоқ ўтмишда Хун ва хун таркибидаги барча қабилалар Шимолий Хитойда, Сибирда, милодий I—II асрларда эса бепоён Қозоғистон чўлларида, Қирғизистонда, Шарқий Туркистонда яшаганлар. Бу-

ларнинг айрим гуруҳлари шу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига ҳам келиб жойлашганлар. Турк хоқонлиги Мўғулистон ва Еттисув ҳудудида (VI аср ўрталарида) ташкил топган. VI аср охири — VII аср бошларида Турк хоқонликлари Мовароуннаҳрда, Хоразмда ва ғарбда — Орол — Каспий денгизи атрофларидаги минтақаларда ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар.

Турк хоқонликлари даврида ҳам икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғига, Хоразм ўлкасига ва уларга туташ минтақаларга туркий халқлар, қабилалар келиб ўрнашган эди. Демак, Мовароуннаҳр ва Хоразм учун хунлар, турк хоқонликлари даврларида келган этнослар бўлиб, булардан ўзбек халқи келиб чиққан деган фикр туғилади. Шундай бўлиши мумкин эди, қачонки хунлар ёки турк хоқонликлари Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллаганда, бу ҳудудларда, улар келмасдан олдин, аҳоли яшамаган бўлса, ёки уларнинг зарбасидан бу ерларда яшаб келган халқлар батамом қириб юборилган бўлса. Тарихдан маълумки униси ҳам, буниси ҳам бўлмаган.

Хун қабилалари кириб келган кезларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида хоразмликлар, сўғдийлар, кушонлар, қанғлар ва бир қанча бошқа халқлар яшаганлар. Бу ҳудудларни Турк хоқонлиги эгаллаганда (VI асрнинг иккинчи ярми) хоразмликлар ва сўғдийлар қаторида кидаритлар, хионитлар, эфталитлар ва бошқа халқлар ҳам бўлган.

Турк хоқонлиги ҳукмронликларини ўрнатганда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудидан, хоқонликка итоат қилмаган этник гуруҳларгина чиқиб кетган холос. Аҳолининг кўпчилиги ўз ўринларида қолиб бу ерларга янгитдан келиб жойлашган туркий халқлар билан бирга бўлган. Демак, икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразм ўлкаси қадимдан нуфузли ўлкалар бўлиб, бу ҳудудлар ҳеч вақт аҳолисиз қолмаган.

Айрим қаламкашларнинг айтганларига риоя қилиб, ўзбек халқининг келиб чиқишини фақат хунлардан ёки VI—VII асрларда келиб ўрнашган туркий халқлардан бошласак, унда ўзбек халқи туб ерли аҳоли асосида эмас, келгинди этник гуруҳлардан шаклланган бўлиб чиқади. Масалага бу йўсинда қаралса халқимизнинг тарихи ва маданият илдизлари анча саёзлашиб қолади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан яшаб келган, бой тарих ва маданият яратган бизнинг аجدод-

ларимиз бўлмай, улар яратган моддий маданият ва маънавиятдан четланиб қолган бўламиз. Бу эса айрим мунофиқларга қўл келиши турган гап.

Биз бу ерда хун ёки бошқа турк этносларининг келиб чиқишини ўрганишдан четлашиб ўтиш керак демоқчи эмасмиз. Аксинча уларга аҳамият бериш керак, чунки уларнинг ўзбек ва бошқа Марказий Осиё халқларининг этник тарихига, умум туркий дунёсининг вужудга келишида роли бениҳоят катта.

Агар биз ўзбек аждодларининг алоҳида халқ (элат) бўлиб шаклланиш санасини IX—X асрлардан деб олсак, унда қадимги элатларни (хун, турк ва бошқ.) ўзи эмас, уларнинг энг кейинги авлодлари ўзбек элатининг ташкил топишида қатнашган компонентлар деб қараш тўғри бўлади. Бошқача қилиб айтганда қадимги элатлар тарқалиб, унинг қолдиқлари, алоҳида компонентлар бўлиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида қатнашган. Демак, ўзбек элати келиб қўшилган этник элементлардан эмас, маҳаллий этнослар асосида вужудга келади.

Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек аждодлари Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда жуда қадим даврлардан буён яшаб келганлар, улар ўзбек элатининг асосини, рамзий маънода, ўқ илдизини ташкил қилган. Ён илдизлари ўқ илдизига бириктириб бориши жараёнида ўзбек элати вужудга келган. Мазкур элат маҳаллий аҳоли аждодлари қолдирган бой тарихий меросни, маънавиятни авайлаб сақлайдилар, уни тўлдирадилар ва барча анъаналари билан бирга кейинги авлодга мерос қолдирадилар.

Элат — синфий жамиятга хос этник уюшма. Антик ва феодализм босқичларида Марказий Осиёда бир қанча элатлар ташкил топган: бақтрияликлар, сўғдийлар, хоразмийлар, қанғлар, хунлар ва бошқа элатлар. Илк ўрта асрларда турк элати туркий хоқонликлар таназзулидан кейин ўғуз элати, кимак-қипчоқ элати ва бошқалар. Бу элатларнинг биронтасидан ўзбек элати униб чиққан эмас. Бошқача қилиб айтганда, тилга олинган элатларнинг биронтаси ҳам ўзбек элатининг асосий ўзагини ташкил қилган эмас. Лекин буларнинг парчаланиб кетгандан кейинги, этник жиҳатдан бир мунча ўзгарган авлодлари ўзбек элатининг этногенетик жараёнида қатнашганлар.

Элат алоҳида жамоа бўлиб шаклланишида тараққий этади ва охири таназзулга учраб тарқалиб, йўқолиб

кетиши ҳам табиий ҳолат. Масалан, юқорида эслатилган бақтрияликлар, хоразмийлар, сўғдийлар, қанғлар хун элати ва бошқ. Бу элатларнинг биронтаси ривожланиб миллат даражасигача етиб келган эмас. Фақат илк ўрта асрларда вужудга келган айрим янги элатлар, жумладан ўзбек элати ўрта асрларнинг кейинги босқичларида юз берган барча сиёсий ўзгаришларни кечиб, миллат даражасигача етиб келди.

Ҳар қандай халқ алоҳида жамоа (элат) бўлиб маълум бир ҳудудда, маълум тарихий даврда, шароитда шаклланади. Ўзбек халқининг ажлодлари ҳам элат бўлиб Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида ҳамда уларга туташ минтақаларда шаклланган. Бу ҳудудларда антик даврларда суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган, бақтрияликлар, хоразмликлар, сўғдийлар, фарғоналиклар, шошликлар яшаб келган эдилар. Чўл зоналарида саклар, массагетлар ва бошқа кўчманчи қабилалар жойлашиб, асосан чорвачилик билан шуғулланганлар.

Тарихчи, шарқшунос ва тилшунос мутахассис олимлар (С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер, А. А. Фрейман, В. А. Лившид ва бошқ.) тилга олган халқлар шарқий эрон тилига мансуб этнослар бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Балки шундоқдир. Антик даврларда, унинг биринчи яримларида Марказий Осиё минтақаларида туркийзабон этнослар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Қадимги юнон ва эрон манбаларида буларни ҳам эрон тилли қабилалари қаторига қўшиб сак-массагетлар деб қайд қилинган бўлиши мумкин. Сўзсиз бу масалалар чуқур ўрганишни талаб қилади.

Мовароуннаҳр ва Хоразм минтақаларига туркий қабилалар милоддан олдинги II—I милодий I асрларда келиб ўрнашганлиги ҳақида аниқ маълумот Хитой воқеанависларининг ахборотларида учрайди.

Милоддан олдинги III асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида йирик Қанғ давлати ташкил топади. Бу давлат то V аср ўрталаригача ўз ҳукмронлигини сақлаб келади. Милоддан олдинги V—IV асрларда Тангритоғ (Тянь-Шан тоғлари)нинг шимоли-шарқида яшовчи усунларнинг айрим қисмлари ва шимолий Хитойда, жанубий Сибирда ва Жунғорияда жойлашган хун этник гуруҳлари кўчиб келиб Қанғ давлати ҳудудларига ўрнашадилар. Сирдарё соҳилларида икки тилга (эрон ва турк) мансуб этнослар учрашадилар ва улар бир-



бирлари билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келадилар. Бу алоқаларнинг тобора ривожланиб, чуқурлашиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устиворлик қилиб, янги туркий этнос — қанғар элати вужудга келади. Шундай қилиб, эрон тилли халқлар (сўғдиёнлар, ассианлар, ослар, саклар ва бошқ.) билан Сирдарё соҳилларига ва Мовароуннахрнинг бошқа минтақаларига, Хоразм ўлкасига келиб ўрнашган туркий этнослар билан қўшилиб, қоришиб кетишлари натижасида қанғар элати шаклланади.

Милоддан олдинги II—I милодий I—II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимида, Зарафшон воҳасида деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган аҳоли (сўғдийлар, ўтроқлашиб қолган саклар ва бошқ.) маданияти (яъни туб ерли аҳоли маданияти) шу ҳудудларга келиб ўрнашган кўчманчи чорвадор туркий этнослар маданияти (кўчманчи халқлар маданияти) аралашиб боради. Натижада бир-бирлари билан аралашган қўшма маданият ҳосил бўлади. Туб ерли аҳоли билан кўчманчи қабилалар маданиятининг қўшилиши археологик ашёлар билан ҳам тасдиқланган; археологлар бу маданиятни қанғуй маданияти ёки қавунчи маданияти, деб номлаганлар.

Милодий I—II асрларда Қанғ давлати жуда катта ҳудудга (Зарафшон воҳаси, Қашқадарё, Хоразм, Орол денгизининг жануби-шарқий ва шимолий чўлларида) то Урол тоғ олди минтақаларига эгалик қилар эди. Аммо Қанғ давлатининг асосий ери Сирдарёнинг ўрта оқимларига туташган ҳудудлар (Шош воҳаси, ҳозирги Қозоғистон республикасининг Чимкент ва қисман Жамбул вилоятлари) бўлган. Қанғ давлатининг асосий халқи — қанғарлар шу даврларда Мовароуннахр ва Хоразм ерларига бориб ўрнашган ҳам эдилар.

Сирдарё ўрта оқимида вужудга келган туркийзабон қанғар этноси Марказий Осиёда, жумладан Мовароуннахрда илк антик даврларда яшаган (бақтрияликлар, саклар, тохарлар, сўғдиёналиклар ва бошқ.) халқлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг ворислари бўлганлар. Шунинг учун бўлса керак, қанғарлар маданиятининг кўп томонлари Мовароуннахр аҳолисининг антик даврдаги маданиятига ўхшаб кетган. Айни шу даврларда Ўрта Осиё водий ва воҳаларида яшовчи сўғдиёналиклар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида Помир—Фарғона антропологик типи тўлиқ шаклланган бўлиши керак.

Милодий III—V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан айрим қабилалар келиб жойлашган. Хионлар (хионийлар), кидарий ва эфталий (абдал) этнослари шулар жумласидандир. Бу этник гуруҳларнинг келиб чиқиши ҳалигача тўлиқ ойдинлашмаган. Кидарийлар, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича эрон тилли халқлар бўлган. Аммо бизда мавжуд тарихий манбалар асосида ишонч билан айтиш мумкинки, хионийлар ва эфталийлар турк тилли халқлар эдилар.

Хитой воқеанависларнинг (шахсан Бейшида) ахборотларида «Бир вақтлар Суда (Сўғд — К. Ш. ) ҳокими ни ўлдириб Судани эгаллаган эдилар» дейилган. Бейшида қайд этилган бу воқеа милодий IV аср ўрталарига тўғри келади. В. В. Бартольд ва Л. Н. Гумилев Сўғдиёни ва унинг маркази Самарқандни эгаллаган хунлар бўлганлигини таъкидлайдилар. Айти шу вақтларда хионийлар сиёсий майдонга чиқиб, Эрон сосонийлари билан Хуросон чегараларида қаттиқ жанг олиб борадилар.

IV асрда Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи йирик туркий этнослардан яна бири — эфталийлар (хептал, эптал, абдал) бўлган.

Эфталийлар ҳам хунлардан ажралиб чиққан йирик этнослардан бири. Буларнинг илк аجدодлари Олтой ва Саён тоғ олди минтақаларида яшаганлар. Милодий II—III асрларда уларнинг катта бир қисми ғарбга силжиб III аср охири — IV асрда Волга дарё бўйларига, Қора денгиз яқинидаги чўлларга ва Шимолий Кавказ минтақаларига бориб ўрнашган. Ғарбга силжиб кетган хунлар таркибида абдал, эфтал (эфталий) этнонимлари мавжуд эди.

Хунларнинг ғарбга кўчиш вақтида уларнинг йирик бир гуруҳи, милодий III асрда жанубга, Мовароуннаҳр ҳудудига келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Кейинги асрларда (IV—VI) булар икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги аҳолининг катта қисмини ташкил қилган. Араб географлари Муқаддасий Йоқуд ва Маъсудий, ўзларидан анча олдин ўтган муаллифларнинг маълумотларига асосланиб, Мовароуннаҳрнинг қишлоқ ва шаҳарларида яшовчи аҳолининг кўпчилигини эфталийлар ташкил қилганлигини қайд қилган эдилар. Демак, V—VI асрларда эфталий ва хионийларнинг асосий қисми турғун яшаган; уларнинг жанговар қисмлари ярим кўчманчи ва ярим ўтроқлик-

да ҳаёт кечириб, анъанавий чорвачилик билан бир вақт-да деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Мовароуннаҳрнинг сиёсий бошқаруви аввал хионийлар қўлида бўлиб, V асрнинг ярмида эса кучайиб қолган эфталийлар қўлига ўтади. Шу аср давомида эфталийлар Сўғдиёнани, Тоҳаристонни, Шарқий Туркистонни ва Сирдарёнинг ўрта оқимларини эгаллайдилар. Марказий Осиёда йирик эфталий давлати вужудга келади. Аммо унинг ҳукмронлиги узоққа бормади. VI асрнинг 60-йилларида турк хоқонлиги зарбидан эфталий давлати емирилади.

Ўрни келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бир қанча тадқиқотчилар эфталийларни туркий халқ эканлигини тан олмасдан келганлар. Бундан мақсад Мовароуннаҳрни асосий халқи ўтмишда эрон тилли бўлганлигини уқдириш эди. Аммо тарихий манбаларни синчиклаб ўрганган киши масалага бу йўсинда, бир томонлама ёндашиш хато эканлигини тушуниб олиши қийин бўлмаса керак.

Эфталийлар мағлубиятга учрагандан кейин, уларнинг асосий қисми Мовароуннаҳр ва унга яқин минтақаларда яшаб қолган эдилар. Уларнинг фақат айрим гуруҳлари (асосан ярим кўчманчи гуруҳлари) Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчиб ўтган эдилар. Эфталийларнинг баъзи гуруҳлари тарихчи-географ Гардизийнинг ёзишича Хуросонда ҳам яшаган. Мовароуннаҳрда қолган эфталийлар шу ҳудудда яшаётган қанғарлар билан қўшилиб туб ерли туркийзабон этник қатламга сингиб кетган. Буларнинг авлодлари ўз этник номларини бизгача сақлаб қолганлар. Ўзбек ва туркман халқининг таркибида XX аср бошларигача абдал этноними мавжудлиги бунинг далили бўла олади. Абдал этник гуруҳи бошқирд халқининг ичида ҳам мавжуд бўлган. Бошқирдлар таркибидаги абдал милодий II—IV асрларда ғарбга силжиб кетган эфталийларнинг (абдал) энг кейинги авлодлари бўлиши керак.

Маълумки, VI аср ўрталарида Олтойда, жанубий Сибирда, Етгисувда, Шарқий Туркистонда жойлашган бир неча қабилалар бирлашиши натижасида Турк хоқонлиги ташкил топади. Қисқа вақт ичида Турк хоқонлиги кучайиб Марказий Осиёнинг катта қисмини, жумладан Мовароуннаҳрни эгаллайдилар. VI асрнинг 80-йилларида Эрон Сосонийлари устидан ғалаба қозониб турк хоқонлари Хуросон вилоятларининг бир қанча ҳудудларини забт этадилар. Аммо, бу вақтинча-

лик эди. Эрон билан Турк хоқонликлари орасидаги асосий чегара Амударё бўлиб қолган эди. Фарбда эса турк хоқонлари Волга ва Қораденгиз соҳилларига қўшин тортиб бориб, 576 й. Карчъ шаҳрини, 581 йили эса Херсонни ва бошқа бир қанча шаҳарларни қўлга киритиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Турк хоқонликлари даврида (VI—VIII) Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларига (Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқадарё воҳалари, Сурхондарё, Фарғона водийлари) ва Хоразм заминига туркий қабилалар қўплаб келишади; уларнинг аксарий кўпчилиги шу ҳудудларда турғунлашиб қолганди.

VI—VIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: а) қадимдан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келаётган форс-эрон тилли сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар; б) деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан кун кечириб келаётган туркийзабон аҳоли. Бу аҳоли юқорида қайд қилганимиздек, ўтроқлашиб қолган қанғарлар, хионийлар, эфталийлар ва Турк хоқонликлари даврида келиб турғунлашиб қолган, бир қанча бошқа қабилалар; в) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи бўлиб яшаётган туркий тилли ва форс-эрон тилли этник гуруҳлар. Бу гуруҳлар асосан воҳа атрофларида, тоғ олди қирларда яшаб деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар; г) кўчманчи, туркий тилли қабилалар. Булар чўлларда ва тоғ олди районларда яшаб асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Юқорида келтирилган Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолиси таркибидан кўриниб турибдики, бу ҳудудларда қадим-қадимдан буён икки тил туркумидаги форс-эрон ва туркий халқлар ёнма-ён аралаш яшаб келганлар. Булар, асрлар давомида биргаликда шаҳарлар барпо қилганлар, каналлар қазиб сув чиқарганлар, деҳқончилик қилганлар, бой маданият яратиб авлодларга қолдирганлар. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу икки тил вакиллари асрлар давомида бирга яшаб келишлари натижасида форс-эрон тилли аҳолининг айрим гуруҳлари эрон-форс тилини қабул қилиб сўғдийларга, хоразмийларга ва бошқаларга аралашиб кетганлар. Демак, этносларнинг ўзаро яқинлашиши, аралашishi ва қоришиб бориш жараёни ҳар икки тил вакиллари орасида ҳам кечган.

VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳр ва Хо-

разм хуудларига бостириб кирган вақтларда, бу хуудлардан фақат айрим кўчманчи қабилалар чекиниб кетган бўлиши мумкин. Турғун ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сўғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз хуудларида қолиб, араблар, кейинчалик (IX) сомонийлар ҳукмронлиги остида яшаганлар.

VII аср охири — VIII аср бошларида Туркеш хоқонлиги ташкил топади. Турк ва Туркеш хоқонлиги даврларида Еттисувнинг (ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий минтақалари, Қирғизистон хуудиди) этник таркиби ҳам бир хилда бўлмаган. Бу хуудларда асосан нушиби, туркеш қабила иттифоқлари жойлашган. Буларнинг аксарий кўпчилиги кўчманчи қабилалар бўлиб, чорвачилик билан кун кечирганлар. Еттисувда, Буюк Ипак йўлидаги шаҳар кўрғонларда деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келган турғун туркийзабон аҳоли ва қисман сўғдийлар ва ҳар ердан келиб ўрнашиб қолган (кўпинча Хитойдан, Мўғулистондан) халқлар яшаганлар.

Туркеш хоқонлиги даврида Еттисув аҳолиси билан Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасидаги этник, иқтисодий ва маданий алоқаларда маълум ўзгаришлар бўлган. Айрим жабҳаларда (тижорат, маданият ва маънавиятда) ўзаро яқинлашиш бир мунча ривожланган. Мовароуннаҳрда қатъийлашиб бораётган ислом дини Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги шаҳар ва қишлоқларга ҳам бир мунча таъсир қилган, аммо айрим ноиблар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб Мовароуннаҳр билан бўлган алоқалар баъзан узилиб ҳам қолган.

766 й. қарлуқ қабиласи иттифоқи туркешлар устидан галаба қозониб Еттисувни батамом эгаллайдилар. 840 й. Қарлуқ давлати ташкил топади. Еттисув, Исфижоб (ҳозирги Чимкент) вилояти, Шош (Тошкент воҳаси), Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонанинг шимолий (тоғли) минтақалари Қарлуқ давлати доирасида бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми — X аср давомида Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлик қилар эдилар. Ана шу икки давлат (Қарлуқ ва Сомонийлар давлати) хуудидида ўзбек ва тожик авлодлари алоҳида жамоа-элат бўлиб шаклланадилар.

Ўзбек элатининг шаклланишида Қарлуқ давлатининг роли бениҳоят катта. X аср ўрталаридан бошлаб бу давлат тарихий манбаларда Қорахонлилар давлати билан тилга олинади. Қарлуқ хоқонларининг унвонла-

рида Қора (улуг, буюк маъносида) атамаси мавжуд бўлганлигидан, шарқшунос олим В. В. Григорьев қарлуқлар томонидан ташкил этилган давлатни Қорахонлилар давлати деб илмий адабиётларга киргизган. Ҳақиқатда эса Қорахонлилар давлати Қарлуқ давлатининг ўзи, унинг давоми бўлган.

Қарлуқларнинг IX—X асрларда эгаллаб турган ҳудудда 20 дан ошиқ катта шаҳар, жуда кўп қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар, «Худуд ал-олам» кўлөзма асарида (X асрда) қайд этилишича, кўп сонли, нуфузли «халқ» бўлиб бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа бир қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Катта ҳудудда қарлуқларнинг фақат бир ўзларигина яшамай, улар билан бирга бир қанча бошқа туркий қабилалар ҳам аралаш ҳолда яшаб келган. Этносларнинг ичида энг йириги чигил, халач ва лабан бўлиб, булар аслида қарлуқ қабилаларидан ҳисобланади. Йирик қабилалардан яна бири — яғмо бўлиб, булар VIII асрларда Телес қабила иттифоқидан ажралиб чиқиб, қарлуқларга қўшилган. Қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудда яна турк ва туркеш хоқонликлари таназзулидан кейин шу ерларда қолиб яшаган нушуби, дилу, арғу, тухси, аз, уз, сариқ ва бошқа гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган.

Қарлуқлар худудидаги шаҳар ва қишлоқларда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган турғун аҳоли ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Бу аҳолининг асосий қисмини асрлар давомида ўтроқлашиб қолган туркийзабон аҳоли ташкил этган. Буюк Ипак йўлидаги шаҳар ва кўрғонларда (Исфижоб, Тароз, Боласағун, Суёб, Қошғар, Хўтан ва бошқ.) туркийзабон аҳоли билан биргаликда Сўғдилар (сўғдак) ва бошқа элат кишилари ҳам яшаган. Буларнинг кўпчилиги асосан ҳунармандчилик ва тижорат ишлари билан шуғулланиб, айрим шаҳар ва қишлоқларда алоҳида жамоа бўлиб яшаганлар.

Юқорида тилга олинган минтақаларда яшовчи барча аҳоли VIII аср охиридан (Қарлуқлар Еттисувни эгаллаган санадан бошлаб) то X аср ўрталаригача қарлуқ хоқонлари ҳукмронлиги остида бўлган.

Ўзбек аجدодлари элат бўлиб шаклланаётган даврларда, унда иштирок этган этносларнинг аксарий қисми Талас, Чу дарё ҳавзларида, Сирдарё бўйларида, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Шимолий Фарғонада яшар эдилар. Ўзбек элатининг асосий ўзаги

айни шу ҳудудда шакллана бошлаган. Шу ўринда қайд қилиб ўтиш жоизки, ўзбек элатининг шаклланишида бу минтақаларда яшовчи этносларнинг барчаси бир хилда иштирок этмаганлар.

Қарлуқ давлати ҳудудида яшовчи айрим этник гуруҳлар, масалан, ёбақу, ёриқ (жорик) ва бошқалар ўзбек элатининг шаклланишида қатнашмаган бўлиши ҳам мумкин. Арғу, тухси, бижанак (печенег), туркеш қабилаларининг бир қисми ёки айрим гуруҳлари қарлуқ хоқонларининг итоатида бўлсалар ҳамки, ўз қабила тузумини сақлаб, шаклланаётган элатга кўшилмай келар эдилар. Демак, ўзбек элатининг шаклланиб боришида бу ҳудудда жойлашган этносларнинг барчаси ҳам бир маромда иштирок эта олмаганлар; элатга аниқ бир ҳудудда асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган (олдинлари бошқа тилда сўзлашган бўлсалар ҳам), турмуш тарзи, анъаналари, маданиятлари билан бир-бирларига яқин бўлган этнослар ёки уларнинг маълум қисми қатнашиши мумкин бўлган.

Этносни шаклланиш жараёни маълум бир давлат ҳудудида ўтиши этногенетик шартлардан бири ҳисобланади. Албатта назарий томондан қараганда шундай бўлиши керак. Аммо илк ўрта асрларда Марказий Осиё шаҳарлари шароитида қатнашган этник элементлар кўшни давлатлар ҳудудида ҳам яшаб, маълум даражада этногенетик жараёнда иштирок этганлар. Масалан, шаклланаётган тожик этноси нафақат Сомонийлар ҳукмронлик қилаётган ерларда, балки қарлуқ ва уйғур давлатлари ҳудудида ҳам яшар эдилар; буларнинг маълум қисми тожик халқининг этногенезида қатнашганлар, айрим қисмлари эса қарлуқ ва уйғур давлати ичида қолиб, бу ердаги аҳолига аралашиб кетган эдилар.

IX—X асрларда мавжуд бўлган Сомонийлар давлати, гарчи тожиклар давлати ҳисобланса ҳамки, унинг ҳудудида турғун яшовчи туркий тилли аҳоли ҳам юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Мовароуннаҳрда қадим даврларданоқ ҳосил булган туркий қатлам мавжуд эди. VIII—X асрлар давомида бу ҳудудга Сирдарё соҳилларидан ва унинг шимолида яшовчи қабилалар вақт-вақти билан келиб ўрнашиши, уларнинг ўтроқлашиши ҳисобига турғун аҳоли сон жиҳатидан яна ҳам кўпайиб борган. Воҳа атрофларида, тоғ олди қирларда ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи туркий қабилалар ҳам жойлашган эди.

Сомонийлар ҳудудида жойлашган туркийзабон аҳоли

Сирдарёдан шимолдаги қардошлари билан доимо иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Буларнинг ўзaro алоқаларини давом эттиришда Қарлуқ ва Сомонийлар давлатининг чегаралари қатъий тўсиқ бўла олмаган. Сомонийлар аввалига кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон қабилаларни ўз ҳудудига киргизмаслик учун, воҳалар атрофини (Шош, Самарқанд, Бухоро) баланд деворлар билан ўраб (бу деворлар халқ орасида «кампир девор» деб аталган), чегараларда ҳарбий соқчилар қўйганлар. Аммо бу тўсиқлар вақтинчалик тадбир эди холос. Исмоил Сомоний даврида бу тўсиқларни аҳамияти қолмаган эди.

Шуни ҳам уқтириб ўтиш жоизки, Сомонийлар ҳудудига келиб ўрнашган туркийзабон этнослар ва айрим кишилар, хўжаликлар, ислом динини қабул қилишлари керак эди; бу Мовароуннаҳрга келиб ўрнашишини асосий шарт эди. Сомонийлар ўз ҳудудларини ёмоният билан, ёвузлик қилиб бостириб кирувчи кўчманчи қабилалардан ҳимоя қилганлар. Исломи динини қабул қилиб, нажот сўраб ўтлоқ, яйлов, ер сўраб келганлар ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилинган.

Тожикларнинг айрим гуруҳлари, юқорида қайд этганимиздек, қарлуқлар ерида ҳам яшар эдилар. X асрда буларнинг Тароз, Чу ҳавзаларидаги шаҳар ва қишлоқларга, Шарқий Туркистонга кўчиб боришлари яна ҳам жадаллашган эди. Чунки бу даврда қарлуқ ҳудудида яшовчи туркийзабон аҳолининг аксарий қисми мусулмон динини қабул қилиб бўлган эди. Дин пешволарига, маълумотли кишиларга кенг йўл очилган. Талас, Чу ва Ила водийларига бориб ўрнашган тожикларнинг кўпчилиги эса ҳунармандчилик, савдо-сотик ва айрим гуруҳлари деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, тожик ва ўзбек аجدодлари қадимда, илк ўрта асрларда ва кейин ҳам доимо бирга бир ҳудудда аралаш, ёнма-ён яшаб келганлар. Буларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий, «Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас», яъни тожиксиз турк бўлмагандек, бош қалпоқсиз (бош кийимсиз) бўлмас деган мақолни келтирган эди. Тот атамасини бу ерда Маҳмуд Қошғарий форс-тожик тилли аҳолига нисбатан қўллаган.

Тожик ва ўзбек аждодларининг илк ўрта асрларда элат бўлиб шаклланиши икки давлат — Қарлуқ ва



Сомонийлар худудида ўтганлиги табиий ҳолат эди албатта. Бу икки халқнинг бу худудда шаклланиши туфайли уларнинг этногенетик тарихининг кўп қирраларида умумийлик ҳосил бўлган.

Маълумки, ўзбек ва тожик элатлари қадимги этнослардан (сак, массагетлар, бақтрияликлар, юечжи-тохарлар, сўғдийлар, қанғарлар ва бошқ. халқлардан) томир олганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг маданият ва турмуш тарзларида, урф-одатларида ўхшашликлари кўп бўлган. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бирига хос (бир элатни иккинчисидан фарқини билдирувчи) хусусиятлари—тили, ўзлигини англаши, руҳияти ва бошқ. ҳам мавжуд эди. Бу хусусиятлари билан бир элат иккинчи элатдан ажралиб турган.

Хоразм IX асрнинг иккинчи ярми — X асрда Сомонийлар давлати тасарруфида бўлган. Лекин Хоразмшоҳлар давлатида хоразмликларни ўзларидан чиққан шоҳлар (хоразмшоҳлар) ҳукмронлик қилиб келганлар.

Хоразм ярим мустақил давлат бўлса ҳам, ўша даврда иқтисодий ва маданий жиҳатидан тараққий этган ўлка ҳисобланган. Хоразмнинг турғун аҳолиси ўз этник номига (Хоразм — нафақат сиёсий, географик ном, аҳолисининг номи ҳам эди) ва тилига эга эди. Уларнинг қадимги тили Эрон тил гуруҳида бўлса ҳам, лекин у тилдан катта фарқ қилган. Кўшни эрон ва туркийзабон аҳолидан хоразмликлар моддий маданиятлари (уй-жойлари, кийим-бошлари) санъатлари ва бошқа томонлари билан ҳам фарқ қилганлар.

IX—X асрларда Хоразм ўлкасида турғун яшовчи туркийзабон аҳоли (қанғли, бижанак, ўғуз) ҳам мавжуд бўлган. Аммо булар сон жиҳатидан туб ерли, Хоразм аҳолисидан кам эди. Сўзсиз туркийзабон этносларнинг таъсирида Хоразм аҳолисининг талай қисми (шахсан аланлар) туркийлашиб қолган эдилар. Лекин Хоразм худудида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон аҳоли Хоразмнинг турғун аҳолисига иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан таъсир этишга ожизлик қилар эдилар. Хоразмликларнинг иқтисодий ва маданий даражаси, онг сезими уларга нисбатан юқори бўлган. Бу ўлкани тарихига оид барча томонларини ҳисобга олиб, Хоразм аҳолиси XII асрлар бошларигача (мўғуллар истилосигача) алоҳида элат (Хоразм элати) бўлган десак хато бўлмас.

Онг сезими, ўзлигини англаш (албатта ўз даври даражасида) туркийлик (тил жиҳатидан) тушунчаси

IX—X асрларда ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида қатъийлашиб қолган эди десак хато бўлмас, аммо иқтисодий ва маданий тараққиёт (ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида) ҳали ниҳоясига етмаган эди. Шу даврларда (IX—X) этногенетик жараёнда қатнашган этник гуруҳларнинг айримлари кўчманчиликда ва ярим ўтроқликда кун кечириб, чорвачилик билан бирга деҳқончилик қилиб ҳам келганлар; учинчи гуруҳлари деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат ишлари билан шуғулланиб келганлар. Бу гуруҳлар ўртасида ҳали иқтисодий алоқалар етарли даражада эмас эди. Буларнинг маданий даражасида ҳам тафовут катта эди. Қарлуқ давлати ҳудудида турли диний эътиқодлар (тангрига сиғиниш, бурхонлик, будда, христианлик ва бошқ.) мавжуд эди. Илм-фан тараққиёти ҳам етарли даражада ривож топмаган. Қарлуқ-чигил лаҳжаси устиворлик қилиб келаётган бўлса ҳам, аммо бу лаҳжа ўзбек элати таркибига кирган барча этник гуруҳларга сингиб, умум элат тили даражасига кўтарилиш жараёни ниҳоясига етмаган эди.

Этник жараён охирлаши учун элатни шаклланиш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар шу давлат ҳудудида ривожланиб элат ва ҳудуд ичида қатъийлашиб қолиши лозим эди. Бунинг учун маълум вақт керак бўлган.

X аср ўрталарида Фарғонанинг шимолидаги ҳудудларда, Қошғар яқинида яшовчи қарлуқлар кучайиб, ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар. Буларнинг даврида Қорахонлилар (улуғ хонлар) ва фуқаролар ислом динини қабул қиладилар. Бу ислом дини тез вақт ичида Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларига тарқалади. Ислом дини бу ҳудудларга кириб бориши Қорахонлилар бошқараётган ҳудуд билан Мовароуннаҳр мусулмонлари ўртасида алоқалар кучаяди, илму фан Қарлуқ-Қорахонлилар давлати ҳудудида ҳам кенг ривожлана боради.

X асрнинг охирларида ички зиддиятлар кучайиб Сомонийлар давлати кучсизланади. Бундан Қорахонлилар фойдаланадилар; ҳарбий юришлар қилиб, улар 998—1011 йиллар давомида Мовароуннаҳрни катта қисмини эгаллаб ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар.

XI аср бошларида Қорахонлилар давлати Амударёдан то Торим дарёсигача бўлган катта ҳудудга эгалик қиладилар. Амударё Қорахонлилар билан Ғазнавийлар ўртасидаги чегара бўлиб қолади. Шу вақтдан, ўзбек

аждодларининг этногенетик жараёни тараққиёти иккинчи босқичга ўтади.

Қорахонлилар Мовароуннахрни эгаллагандан кейин бу ҳудудга Етгисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларидан, Сирдарё бўйларидан қабилалар, айрим этник гуруҳларнинг кўчиб келиши жадаллашади. XI аср бошларидан то шу асрнинг 40-йилларигача Мовароуннахр ҳудудида қарлуқ, чигил, халач, аргу, тухси, туркеш ва бошқа қабилаларнинг салмоғли қисми кўчиб ўтади. Буларнинг маълум қисми ўз юртларида қолиб Етгисувда ва Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган сиёсий ва этник уюшмалар таркибида бўладилар. Сирдарё соҳилларида яшовчи қанғли ва қипчоқ қабилаларининг қисмлари ҳам Мовароуннахрга ва Хоразм воҳасига келиб ўрнашадилар. Шундай қилиб, XI асрнинг биринчи ярмидаёқ бу ўлкаларнинг этник таркиби бирмунча ўзгаради: туб ерли туркий ва форс-тожик, хоразмий тилида сўзлашадиган аҳоли таркибига туркийзабон қабилаларнинг янги гуруҳлари кириб келади.

Мовароуннахр Сомонийлар даврида, шарқда иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг тараққий этган ҳудуд эди. Бу ҳудуднинг шаҳар ва қишлоқлари обод бўлган. Жамиятнинг ҳамма томонларида ислом дини ва шариат қоидалари ҳукм сурган. Мовароуннахрга кириб келган Қорахонлилар шу етук маданиятга эгалик қилиб, уни давом эттирадилар. Кўчиб келган қабилалар ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ этник гуруҳлар бўлиб, улар чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланадилар. Кейинчалик буларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб, шаҳар ва қишлоқларда турғун аҳоли ҳаётига мослашиб борадилар.

XI асрнинг биринчи ярмиларида Қорахонлилар давлатида ички курашлар кучая боради. Ҳокимият учун кураш охир-оқибат давлатни инқирозга олиб келади. XI асрнинг иккинчи ярмида Қорахонлилар давлати икки мустақил давлатга бўлиниб кетади. Шарқий қисмининг маркази Баласағун бўлиб қолади, ғарбий қисмининг маркази Самарқанд бўлади. Шу санадан Қорахонлилар давлати тарихининг учинчи босқичи бошланади.

Ғарбий Қорахонлилар давлати XI—XII асрлар давомида иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган; марказлашган давлат даражасига кўтарилган эди. Бу давлат XI аср охирларида Салжукларга; XII аср ўртала-

рида эса Қорахитойларга қарам бўлган бўлсалар ҳамки ўз давлат тузумининг бутунлигини сақлаб қолган эдилар.

Фарбий Қорахонлилар давлати ичида ўзбек аждодларининг этногенетик жараёни давом этади. Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган этник гуруҳлар асрлар давомида бу ҳудудда яшовчи қардошлари билан бирлашиб, улар билан аралашиб борадилар. Туб ерли аҳоли таъсирида ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда яшаб келган этник гуруҳлар ўтроқлашиб деҳқончилик, хунарамандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланадилар. Уларнинг фақат оз қисми деҳқончилик билан бир вақтда анъанавий чорвачиликларини давом қилиб келганлар.

Мовароуннаҳр ҳудудидаги туркий халқларнинг ўзаро яқинлашиб, қоришиб бориши натижасида ҳудуд аҳолиси ўртасида иқтисодий ва маданий умумийлик қатъийлашади. Умум элат тили ва адабий тил шаклланади. Мовароуннаҳр ва унга туташган минтақаларда яшовчи барча туркийзабон аҳоли бир халқ (элат) бўлганлиги онг сезимида буткул ўрнашиб қолади. Бошқача қилиб айтганда элат шаклланишидаги барча этник аломатлар ўз маромига етиб, ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёни охирлашади. Аммо бу билан этногенетик жараён тўхтаб қолмайди. Кейинги босқичларда у яна ҳам такомиллашиб боради. Бу масала алоҳида мавзу бўлганлиги учун тўхтаб ўтирмаймиз.

Юқорида айтганларимиздан хулоса қилиб айтмоқчимизки, ўзбекларнинг илк аждодлари Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда маданиятлари бир-бирларига яқин, икки тилда сўзлашувчи қардош ўзбек ва тожик халқлари элат бўлиб шаклланган. Уларнинг илк аждодлари Мовароуннаҳрда ва унга чегарадош ҳудудларда қадим замонларда яшаган сўғдийлар, хоразмийликлар, бақтрийлар, саклар, тоҳарлар, қанғарлар ва бошқ. халқлар бўлган. Шимолий Хитойда, Сибирь, Еттисув, Шарқий Туркистон, Сирдарё соҳилларида антик даврларда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган туркий қабилалар (хун, усун, нушиби, дулу, туркаш, қарлуқ, чигил, халач, яғмо ва бошқ.) ҳам ўзбек аждодларининг этногенетик жараёнида муҳим ўрин эгаллаган. Тилга олинган халқлар ва қабилаларнинг кўпчилиги ўрта асрлар давомида элат бўлиб шаклланган туркман, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг ҳам

этник тарихида жуда катта роль ўйнаган. Демак, Марказий Осиёда яшовчи барча халқлар асрлар давомида этник жиҳатдан бир-бирлари билан яқин алоқада, қавм-қариндош бўлиб келганлар.

Шундай қилиб, IX—X асрлар давомида шаклланган ўзбек элатининг ўзаги туркий этносларнинг форс-тожик тилли аҳоли билан асрлар давомида аралашиб, қоришиб кетишидан ҳосил бўлган. XI—XII асрларда ўзбек элатининг таркибида туркий компонентлар кўпаяди ва унинг ривожланиши асосан туркий компонентлар асосида ўтади. Шу асрлар давомида барча этник кўрсаткичлар мужассамлашади, ўзбек аجدодларининг алоҳида жамоа (элат) бўлиб шаклланиши ниҳоясига етади. Шаклланган ўзбек элатининг тараққиёти кейинги асрларда ҳам давом этади.

## АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

- Абаев В. И.* — Осетинский язык и фольклор. Т. I. — М.: Изд. АН СССР, 1949. С. 601.
- Абаев В. И.* — Скифский быт и реформа Зороастра // Соч. — 1956, — XXIV, № 1. С. 23—56.
- Абдураимов М.* — Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах Эмира Хайдара. — Ташкент.: Изд. АН УзССР, 1961. С. 110.
- Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш.* — Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1973, 320-бет.
- Абрамзон С. М.* — Этнический состав населения Северной Киргизии // ТКАЭЭ. Т. IV. — М., 1960. С. 3—137.
- Абулгази Баҳадурхан* — Родословное древо тюрков. Соч. Абулгази, Хивинского хана // Пер. и предис. Г. С. Саблуков // ИОАИ ЭКУ. — 1905; — 1906. Т. XXI, вып. 5—6. — Т. XXII, № 6. Отд. изд. Казань.
- Абулғозий Баҳодурхон* — Шажарайи турк. — Тошкент. «Чўлпон», 1990. — 192-бет.
- Абу-л-фадл ибн Муҳаммед джамал ад-дин Карши* — «Мулхакат ас-Сурах» / Пер. с перс. Р. Ш. Шарафутдиновой // МИСЦА, X—XIX вв. — Ташкент, 1988. С. 100—131.
- Абу-л-фазл-Бейхаки* — История Маъсуда, 1030—1041 / Вступ. ст. пер. и примеч. А. К. Арендса. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962. С. 748.
- Агаджанов С. Г.* — Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. — Ашхабад: Илым, 1969. С. 295.
- Агаджанов С. Г.* — Сельджукиды и Туркмения в XI—XII вв. — Ашхабад: Илым, 1973. С. 163.
- Агеева Е. А., Пацевич Г. И.* — Из истории оседлых поселений и городов Южного Казахстана // ТИИАЭ. КазССР. — Алма-Ата, 1958. — Т. V. С. 3—215.
- Агеева Р. А.* — Страны и народы: происхождение названий. — М.: Наука, 1990. С. 245.
- Акишев К. А., Кушаев Г. А.* — Древняя культура Саков и усуней долины реки Или. — Алма-Ата: Изд. АН КазССР, 1963. С. 300.
- Акишев К. А., Байпаков К. М., Ермакович Л. В.* — Древний Отрар. — Алма-Ата: Наука, 1972. С. 215.
- Ал-Идриси* «Нузхат ал-Муштак фи ихтирак ал-афак» или «Китаброджер». Пер. с араб. О. Б. Фроловой. // МИТТ. Т. I. — М. — Л. 1939. С. 220—222; МИСЦА IX—XIX вв. С. 57—59
- Алимов Г.* — Кашкадарьинский клад // НУ. — Ташкент. 1990. С. 79—82.
- Ал-Утби.* «Тарих-и йамини» Пер. с перс. М. А. Салахетдиновой // МИСЦА X—XIX вв. — Ташкент, 1988. С. 25—53.

- Амонжолов С. А.* — Вопросы диалектологии и истории казахского языка. — Алма-Ата: Изд. АН Каз ССР, 1959. С. 145.
- Андрианов Б. В.* — Древние оросительные системы Приаралья. — М.: Наука, 1969. С. 254.
- Комина А.* — Алексиада. — М.: 1965.
- Анчабадзе З. В.* — Кипчаки Северного Кавказа по данным грузинских летописей. XI—XIV вв. // МНСПБКН. Кн. I — Нальчик, 1960.
- Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г.* — История Индии. — М.: Мысль, 1973. С. 558.
- Аристов Н. А.* — Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. СПб., 1896. Вып. III—IV.
- Аристов Н. А.* — Опыт выяснения этнического состава киргиз-казахов Большой Орды и кара-киргизов... // Живая старина. 1894. Вып. III—IV.
- Артамонов М. И.* — История Хазар. — Л.: Изд. Гос. Эрмитажа, 1962. С. 523.
- Артамонов М. И.* — Сокровища саков. — М.: Искусство, 1973. С. 279.
- Асимов М. С.* — Исследование этнической истории Центральной Азии (II тыс. до н.э.) в советской науке // ЭПИЦАД. — М., 1981. С. 35—43.
- Аскаров А. А.* — Памятники Андроновской культуры в низовьях Заравшана // ИМКУ. Вып. 3. — Ташкент, 1962. С. 28—41.
- Аскаров А. А.* — Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. — Ташкент: «Фан», 1973. С. 231.
- Аскаров А. А., Альбаум А. И.* — Поселение Кучуктепа. — Ташкент: «Фан». 1979. С. 112.
- Асқаров А. А.* — Ўзбеклар қандай келиб чиққан // «Фан ва турмуш», 1985. 3-сон, 6—7-бетлар.
- Асқаров А. А.* — Ўзбекистон тарихи: (Энг қадимги даврлардан эрамининг V асргача). — Тошкент: Ўқитувчи», 1994, 224-бет.
- Асқаров А. А.* — Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. // Материалы к этнической истории населения Ср. Азии. — Ташкент, 1986.
- Аҳмедов Б. А.* — Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. — Тошкент: Ўз Фан, 1962. 78-бет.
- Ахмедов Б. А.* — Государство кочевых узбеков. — М.: Наука, 1965. С. 195.
- Аҳмедов Б. А.* — Ўзбек улуси. — Тошкент: «Мерос, 1992. — 152-бет.
- Аҳмедов Б. А.* — Тарихдан сабоқлар. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1993. 432-бет
- Багрянородный К.* — Об управлении государством. / В. В. Латышева, Н. В. Малицкий // — Изв. ГАИМК. — 1934. Вып. 91. С. 1—71.
- Байпаков К. М.* — Раннесредневековые города Южного Казахстана // Раннесредневековая культура Ср. Азии и Казахстана. — Душанбе, 1977.
- Бартольд В. В.* — Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. Тексты. — СПб., 1898. С. 204.

- Бартольд В. В.* — Соч. Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — М.: Изд. Вост. лит., 1963. С. 760.
- Бартольд В. В.* — История культурной жизни Туркестана // Соч. Т. II, ч. I, — М., 1963. С. 149—433.
- Бартольд В. В.* — Киргизы. Ист. очерк // Соч. Т. II, ч. I — М., 1963. С. 437—546.
- Бартольд В. В.* — Очерки истории Туркменского народа // Соч. Т. II, ч. I. — М., 1963. С. 547—623.
- Бартольд В. В.* — Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах // Соч. Т. II, ч. I. — М., 1963. С. 118—126.
- Бартольд В. В.* — Богра-хан; Исмаил б. Ахмад; Исмаил б. Нух; Мансур б. Нух // Соч. Т. II, ч. 2. — М., 1964. С. 506—508; 522; 523; 525—526.
- Бартольд В. В.* — О Христианстве в Туркестане в домонгольский период (По поводу Семиреченских подписей) // Соч. Т. II, ч. 2. — М., 1964. С. 265—302.
- Бартольд В. В.* — К истории орошения Туркестана // Соч. Т. III. — М., 1965. — С. 97—335.
- Бартольд В. В.* — Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью. 1893—1894 // Соч. Т. IV. — М., 1966. С. 21—94.
- Бартольд В. В.* — Дуглаг; Кайи, Кара-Китаи; Карлуки; Кимаки; Кипчаки // Соч. Т. V. — М., 1968. С. 524—533, 536, 542—546, 547—548, 549, 550—551.
- Бартольд В. В.* — Тюрки // Соч. Т. V. — М., 1968. С. 576—595.
- Бартольд В. В.* — Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Соч. Т. V. — М., 1963. С. 19—192.
- Бартольд В. В.* — История турецко-монгольских народов. Соч. Т. V. — М., 1968. С. 195—232.
- Бартольд В. В.* — Новый труд о половцах // Соч. Т. V. — М., 1968. С. 392—408.
- Бартольд В. В.* — Аргун, Кашгайцы, Халады // Соч. Т. VII. — М., 1971. С. 185, 503—504, 511.
- Бартольд В. В.* — «Извлечение из сочинения Гардизы», «Зайн ал-ахбар». Прилож. к отчету о поездке в Ср. Азию с науч. целью // Соч. Т. VII. — М., 1973. С. 23—62.
- Баскаков Н. А.* — Тюркские языки. — М.: Изд. Вост. лит., 1960. С. 242.
- Баскаков Н. А.* — Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Ср. Азии и Казахстана. Т. I. М., 1962. С. 115—130.
- Баскаков Н. А.* — К вопросу о происхождении этнонима «кыргыз» // СЭ. — 1964. — № 2. С. 92—93.
- Баскаков Н. А.* — Введение в изучение тюркских языков. — М.: Высш. шк., 1969. С. 383.
- Бекран-Мухаммед ибн Наджим Бакран* — «Джехан-наме» (книга о мире) / Изд. текста, введ. и указ. Ю. Е. Боршевского, — М., 1960; Яна қараңг: МИТТ. Т. I. — М. Л., 1939. С. 349—350.
- Белиницкий А. А., Бентович И. Б., Большаков О. Г.* — Средневековый город Средней Азии. — Л.: Наука, 1973. — 389 с.
- Бернштам А. Н.* — Согдийская колонизация Семиречья // КСИИМК. Вып. 6. — М., 1940. С. 34—42.
- Бернштам А. Н.* — К исторической топографии Чуйской долины // ВДИ. 1940. № 2.



- Бернштам А. Н.* — Памятники страны Таласской долины. — Алма-Ата: Казахстан, 1941. С. 79.
- Бернштам А. Н.* — Археологический очерк Северной Киргизии. — Фрунзе: Киргосиздат, 1941. С. 112.
- Бернштам А. Н.* — Культура древнего Киргизстана. — Фрунзе: Изд. АН Кирг ССР, 1942. С. 24.
- Бернштам А. Н.* — Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. — Фрунзе: Кирг. Фил. АН СССР, 1943. С. 68.
- Бернштам А. Н.* — Социально-экономический строй орхоненисейских тюрок VI—VIII веков. Восточно-тюркский каганат и киргизы. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1946. С. 207.
- Бернштам А. Н.* — К вопросу об усун, Кушан и Тохаров. (Из истории Центральной Азии) // СЭ. — 1947. — № 3. С. 41—47.
- Бернштам А. Н.* — Древние тюркские элементы в этногенезе Средней Азии // СЭ. — 1947. — № 6—7. С. 148—158.
- Бернштам А. Н.* — Проблемы древней истории и этногенеза Южного Казахстана // Изв. АН. КазССР. Сер. археол. — 1949. № 2.
- Бернштам А. Н.* — Труды Семиреченской археологической экспедиции, Чуйская долина // МИА. № 14. М.—Л.: Изд. АН СССР, 1950. С. 158.
- Бернштам А. Н.* — Древняя Фергана (науч. популяр. очерк). — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1951. С. 46.
- Бернштам А. Н.* — Древний Отрар // Изд. АН Каз ССР. Сер. археол. — 1951. — № 3. С. 81—97.
- Бернштам А. Н.* — Древнетюркские документы из Согда // ЭВ. — 1951. Т. V С. 65—75.
- Бернштам А. Н.* — Тюрки и Средняя Азия в описании Хой-Чао (726 г.) // ВДИ. — 1952. № 2. С. 187—195.
- Бернштам А. Н.* — Древнетюркское письмо на р. Лене // ЭВ. — 1951. Т. IV. С. 76—86.
- Бернштам А. Н.* — Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памира Алая // МИА. № 26. — М.—Л., 1952. С. 346.
- Бернштам А. Н.* — Древнетюркские надписи из Ферганы // ЭВ. — 1956, Т. XI. С. 54—58.
- Бертельс Е. Э.* — Избр. тр. Т. 1. История персидско-таджикской литературы. — М.: Изд. Вост. лит., 1960. С. 556.
- Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Памятники минувших поколений. / Пер. и примеч. — МАХ.: Салье, Избранные произведения, Т. 1. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957. — 487 с.
- Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Избр. произв. Т.2 Индия / Пер. А. Б. Халидова, Ю. Н. Заводовского. — Ташкент: Изд. АН УзССР 1963. С. 727.
- Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Собрание сведений для познания драгоценностей. (Минералогия) / Пер. А. М. Беленицкого. — Л.: — Изд. АН СССР, 1963. С. 518.
- Абу Райхон Беруний* — Танланган асарлар. 2-жилд, Ҳиндистон / арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ф. Жалилов тарж. — Тошкент. 1965, 537-бет.
- Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Избр. произв. Т.3. Определение границ мест для уточнения расстояний между насе-

ленными пунктами (Геодезия) / Исслед. пер. и примеч. П. Г. Булгакова. — Ташкент: Фан, 1966. С. 363.

*Абу Райхон Беруний.* — Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. — Тошкент: «Фан», 1966. 486-бет.

*Абу Райхон Беруний.* — Танланган асарлар. Т.5, К.1. Қонуни Маъсудий. А. Расулов тарж. — Тошкент: «Фан», 1973, 590-бет.

*Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Избр. произв. Т.5. Ч.1. Канон Маъсуда (книги I—V) / Вступ. ст. пер. и примеч. П. Г. Булгакова, Б. А. Розенфельда. — Ташкент: «Фан», 1973. С. 647.

*Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед* — Избр. произв. Т.4. Фармокогнозия в Медицине / Исслед. пер., примеч. и указ. У. И. Каримова. — Ташкент: «Фан», 1973. С. 1120.

*Бетгер Е. К.* — Извлечение из книги «Пути и Страны» Абу-л-Касима ибн Хавукаля // Тр. САГУ. — Ташкент, 1957. — Вып. СХІ.

*Бичурин Н. Я. (Иакинф)* — Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. — М.—Л.: Изд. АН СССР. Т. I. — 1950. С. 382. Т. II. — 1950. С. 335. Т. III. — 1953. С. 327.

1. *Бабур. 2. Бобур Мухаммад Захириддин.* — Бабур-наме. Пер. А. Салье, — Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1958. Бобурнома / Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев. — Тошкент. Ўз Фан, 1960, 512-бет.

*Борнс А.* — Путешествие в Бухару. — М., 1848. Ч. 1. — 528 с. Ч. 2. С. 502.

*Боровков А. К.* — Ценный источник для истории узбекского языка // Изв. АН СССР. Отд. Лит. и языка, — 1949. Т. VIII, Вып. I. С. 67—76.

*Боровков А. К.* — Лексика Среднеазиатского тefsира XII—XIII вв. — М.: Изд. Вост. лит. 1963. С. 367.

*Боровков А. К.* — Границы Западно-тюркских владений в Средней Азии по Сюань-Цзану // Вопр. сов. тюркологии: Тез. док. и сообщ. — Ашхабад, 1985. С. 341—343.

*Босворт К. Э.* — Мусульманские династии. — М.: Наука, 1971. С. 324.

*Бромлей Ю. В.* — Еще раз о соотношении этнической и экономической общностей // СЭ, — 1972, — № 3. С. 86—89.

*Бромлей Ю. В.* — Этнос и этнография. — М.: Наука, 1973. С. 283.

*Бромлей Ю. В.* — Очерки теории этноса. — М.: Наука, 1983. С. 412.

*Брун Ф.* — Черноморье. Ч. 1. — Одесса, 1870. С. 277.

*Брыкина Г. А.* — Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. — М.: Наука, 1982. С. 196.

*Бубнова М. А.* — Средневековые мастерские работы. (По материалам Орловского городища) // ТИИАЭАН. КиргССР, — 1959. Т. I, вып. I. С. 49—61.

*Булатова В. А.* — Работы Ташкентского отряда — АО, 1971. — М., 1972.

*Булатова В. А. и др.* — Работы Ташкентского отряда — АО. 1972. — М.: 1973.

*Булатова В. А.* — Историко-топографический обзор района Ташкента // Древности Ташкента. — Ташкент, 1976. С. 115—130.

*Бунятов З. М.* — Государство хорезмшахов — Ануштегинидов, 1097—1231. — М.: Наука, 1986. С. 247.

- Бурмистрова Т. Ю.* — Некоторые вопросы теории нации // Вопр. истории. — 1966. — № 12. С. 100—110.
- Буряков Ю. Ф.* — Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. — Ташкент: «Фан», 1982. С. 94.
- Буряков Ю. Ф.* — Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса: Ист.-археол. очерк Чача и Алака. — Ташкент: «Фан», 1975. С. 201.
- Брук С. И.* — Основные проблемы этнической географии. — М.: Наука, 1969. С. 128.
- Валиханов Ч.* — Собрание сочинений: В 5-ти т. Т. 1. — Алма-Ата: Каз. сов. энцикл., 1961. С. 777.
- Васильевич Г. И.* — К вопросу о киданах и тунгусах // СЭ. — 1949. — № 5. С. 155—160.
- Васильев В. П.* — История и древности восточной части Средней Азии от X до XIII века, с приложением перевода китайских известий о киданах, джуржитах и монголо-татарах // ТВОРАО. — СПб., — 1859, ч. IV. С. 1—235.
- Васильева Г. П.* — Этнические компоненты в составе туркмен по данным этнографии // Пробл. этногенеза туркмен. народа. — Ашхабад., 1977. С. 95—108.
- Васильева Г. П.* — Преобразование быта и этнические процессы в Среднем Туркменистане. — М.: Наука, 1969. С. 390.
- Васильевский В. Г.* — Труды. Т. 1. Византия и Печенеги. — СПб., 1908. С. 296.
- Вахобов М. Г.* — Узбек социалистик миллати. — Тошкент: Ўздавнашр, 1960. — 533-бет.
- Васильевский Н. И.* — Лекция по истории Востока. — СПб., 1896.
- Винников Я. Р.* — Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // Среднеаз. этног. сб. — М., 1959, — Т. II. С. 382—409.
- Винников Я. Р.* — Родоплеменной состав и расселение киргизов на территории Южной Киргизии // ТКАЭЭ. — М., 1956. — Т. I. С. 136—181.
- Винников Я. Р.* — Хозяйство, культура и быт сельского населения Туркменской ССР, — М.: Наука, 1969. С. 312.
- Волин С. Л.* — Сведения арабских источников IX—X вв. О долине реки Талас и смежных районов. ТИИАЭ АН КазССР. — Алма-Ата. 1960. Т. 8. С. 72—92.
- Волин С. Л.* — К истории Среднеазиатских арабов // ТИВ АН СССР. М.—Л., 1941. С. 111—126.
- Воробьев-Десятовский В. С.* — Памятники центрально-азиатской письменности // Уз ИВ АН СССР. М.—Л., 1958. — Т. 16. С. 280—330.
- Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. — М.: Наука, 1988. С. 455.
- Востров В. В.* — Родоплеменной состав и расселение казахов. — Алма-Ата: Наука, 1968, С. 256.
- Вишневская О. А.* — Культура саков племен Низовьев Сырдарьи в VII—V вв. до н.э. — М.: Наука, 1973. С. 128.
- Вяткин В. Л.* — Афрасиаб—городище былого Самарканда. Археол. очерк. — Ташкент: Главнаука Наркомпроса УзССР, 1926. С. 65.

- Вяткин В. Л.* — К исторической географии Ташкентского района // ТВ. — 1900. № 101.
- Гафуров Б. Г.* — История таджикского народа. Т. I. — М.: Госполитгиздат, 1952. С. 504.
- Гафуров Б. Г.* — Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. — М.: Наука, 1972. С. 658.
- Гафуров Б. Г.* — Некоторые проблемы этнической истории народов Центральной Азии в древнейший период // ЭПИЦАД. — М.: 1981. С. 53—60.
- Горбунова Н. Г.* — Фергана по сведениям античных авторов // ИКНСА. — М., 1976. С. 26—30
- Географическая энциклопедия. Т. 3. — М.: Сов. энцикл., 1962. — 565 с.
- Герасимов М. М.* — Основы восстановления лица по черепу. М.: Совет Наука 1949. С. 188.
- Гинзбург В. В.* — Первые антропологические материалы к проблеме этногенеза Бактрии. // МИА. — М.—Л. 1950. — № 15. С. 241—250.
- Гинзбург В. В.* — Древние и современные антропологические типы Средней Азии. // ТИЭ, АН СССР Нов. Сер. — Л., 1951. Т. XVI. С. 371—392.
- Гинзбург В. В.* — Основные вопросы палеоантропологии Средней Азии в связи с изучением этногенеза ее народов. // КСИЭ. — М.—Л., 1959. — Вып. 31. С. 27—35.
- Гинзбург В. В.* — К антропологии населения Ферганской долины в эпоху бронзы. // МИА. — М.—Л., 1962. — № 118. С. 201—218.
- Гинзбург В. В.* — Теории происхождения расового типа Среднеазиатского междуречья. // Тез. док. науч. сес. Посвящ. итогам работы ИЭ АН СССР (Ленинград. Отд.) за 1966 — Л., 1967 С. 14—16.
- Голубовский П. В.* — Печенеги, тюрки и половцы до нашествия татар. — Киев, 1883.
- Грач А. Д.* — Древние кочевники в Центре Азии. М.: Наука 1980. С. 256.
- Гребенкин А.* — Узбеки // Рус. Туркестан. — М.: 1872. — Вып. II.
- Гребенкин А.* — Этнографический очерк Зарафшанского округа // ТВ. — 1972. № 45.
- Греков Б. Д., Якубовский А. Ю.* — Золотая Орда и ее падение. М.—Л.: Наука, 1950. С. 203.
- Григорьев Г. В.* — Об арабском путешественнике X века Абу Долефе и странствовании его по Средней Азии. // ЖМНП. СПб., 1872. № 9.
- Григорьев Г. В.* — Дополнение к переводу немецкой книги: К. Риттер «Землеведение география стран Азии, находящихся в непосредственных отношениях с Россией», // Восточ. Туркестан. — СПб., 1873. Вып. 2.
- Григорьев Г. В.* — Караханиды в Мавераннахре по тарихи Мунаджим бывши. с пер. и примеч. В. В. Григорьева. ТВОАО. — СПб., 1874. Ч. XVII.
- Григорьев Г. В.* — О скифском народе Саках. — СПб., 1871.
- Григорьев Г. В.* — Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. — Ташкент. «Фан». 1940. С. 40.
- Григорьев Г. В., Гротова В. И.* — Каунчи-тепа (раскопки 1935 г.).— Ташкент: Изд. Уз. фил. АН СССР, 1940. С. 63.

*Грум-Грижимайло Г. Е.* — Западная Монголия и Ураянхайский край. Т. II. СПб., 1914. С. 896.

*Губаева С. С.* — Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в. — Ташкент: Фан 1983. С. 104.

*Губаева С. С.* — Население Ферганской долины в конце XIX — начале XX в. — Ташкент: Фан, 1991. С. 127.

*Гулямов Я. Г.* — История орошения Хорезма с древнейших времен до настоящих дней. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957. С. 313.

*Гулямов Я. Г.* — Кушанское царство и древняя ирригация Средней Азии. // ОНУ. — 1968. — № 8. С. 5—13.

*Гулямов Я. Г.* — Археологические раскопки к западу от Бухарского оазиса — // Тр. АН УзССР. Ташкент, 1956. — Т. VIII. С. 149—161.

*Гумилев Л. Н.* — Ритмы Евразии. — М.: 1993.

*Гумилев Л. Н.* — От Руси к России. — М., 1994.

*Гумилев Л. Н.* — Поиски вымышленного царства. — М.: Наука, 1970. С. 432.

*Гумилев Л. Н.* — Эфталиты и их соседи. ВДИ. — 1959. — № 1.

*Гумилев Л. Н.* — Эфталиты — горцы или степняки. // ВДИ. — 1967. № 3.

*Гумилев Л. Н.* — Хунну. — М.: Изд. вост. лит. 1960. С. 291.

*Гумилев Л. Н.* — Динлинская проблема // ИВГО. — 1959. № 1.

*Гумилев Л. Н.* — Открытие Хазарии. — М.: Наука, 1966. С. 191.

*Гумилев Л. Н.* — Древние тюрки. — М.: Наука, 1967. С. 504.

*Гумилев Л. Н.* — Хунны в Китае. — М.: Наука, 1974. С. 236.

*Гумилев Л. Н.* — География этноса в исторический период. — Л. Наука, 1990. С. 278.

*Гумилев Л. Н.* — Тысячелетие вокруг Каспия. — М. 1993.

*Давидович Е. А.* — Нумизматические материалы для истории развития феодальных отношений в Средней Азии при Саманидах. // Тр. АН ТаджССР. — 1954. — Т. 27. С. 96.

*Давидович Е. А.* — Нумизматические материалы для хронологии и генеалогии Среднеазиатских Караханидов. // Тр. ГИМ. Вып. 26. Нумизматический сборник, Ч. 2. 1957.

*Давидович Е. А.* — О двух караханидских каганатах // НАА. — 1968. — № 1 С. 67—76.

*Давидович Е. А.* — Новые данные по истории Саманидов (клад медных монет IX—X вв.) из Самарканда // ДСНСАМ. 1956. С. 80—99.

*Давидович Е. А.* — О монетах дехкан Илака конца X начала XI в. (и методе их интерпретации М. Н. Федоровым) // САДС. — М., 1978. С. 80—100.

*Дандамеев М. А.* — Иран при первых Ахеменидах. М.: Изд. вост. лит., 1963. С. 290.

*Дандамеев М. А.* — Политическая история Ахеменидской державы. — М.: Наука, 1985. С. 319.

*Джикиев А.* — Очерки происхождения и формирования туркменского народа в эпоху Средневековья. — Ашхабад: Ылым, 1991. С. 168.

Документы к истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве. Вып. I. Подбор док., пер., введ. и примеч. О. Д. Чехович. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1954. С. 268.

*Доватур А. И., Каллистов Д. П., Шишова И. А.* — Народы нашей

страны в «Истории Геродота»: Тексты, перевод, комментарий. — М.: Наука, 1982. С. 455.

*Д'Оссон К.* — История монголов от Чингиз-Хана до Тамерлана. Т. 1. Чингиз-Хан. — Иркутск: ОГИЗ, 1937. С. 252.

Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 676.

*Еремеев Д. Е.* — Этногенез турок. — М.: Наука, 1971. С. 272.

*Еремеев Д. Е.* — Язык как этногенетический источник. // СЭ. — 1967. — № 4. С. 62—74.

*Жданко Т. А.* — Очерки исторической этнографии каракалпаков. М.—Л.: Изд. АН СССР, 1950. С. 171.

*Жирмунский В. М.* — Тюркский героический эпос. Л.: Наука, 1974. С. 727.

*Житницкий И. А.* — Смена народностей в Южной Руси. // Киев. старина. 1883. — Июль.

*Заднепровский Ю. А.* — Тюркские памятники в Фергане // СА. — 1967. № 1.

*Заднепровский Ю. А.* — Древнеземледельческая культура Ферганы. // МИА. № 118. — М.—Л., 1962. С. 328.

*Задыхина К. Л.* — Узбеки дельты Амударьи, // ТХАЭЭ. — М., 1952. — Т. 1. С. 319—426.

*Задыхина К. Л.* — Культура и быт узбеков Кипчакского района Каракалпакской АССР. // ТХАЭЭ. — М., 1954. — Т. 2. С. 761—808.

*Закиров Ш. Т.* — Арабо-язычные источники IX—XII вв. и их значение в изучении этнополитической жизни народов Средней Азии: Автореф. дис. канд. ист. наук. — Ташкент, 1994. С. 25.

*Залкинд Е. М.* — Киданы и их этнические связи. // СЭ. — 1948 № 2.

Записки Мирзы Шамса Бухари пер. и примеч. В. В. Григорьева. // УЗКУ. Кн. 1. — Казань, 1861. С. 62.

*Зезенкова В. Я.* — Материалы к палеоантропологии Узбекистана и Туркменистана. // Вопр. этногенеза народов Сред. Азии в свете данных антропологии. — Ташкент, 1953.

*Зезенкова В. Я.* — Черепа с городища Кафиркала под Самаркандом. // ИМКУ. — Т., 1965. С. 7—17.

*Зеймаль Е. В.* — Из истории коллекций древних среднеазиатских монет в музейных собраниях Узбекистана. // НУ. — Ташкент, 1990.

*Зимин Л.* — Развалины старого Пайкенда. // ПТКЛА. Т. XVIII, Вып. 2. Ташкент, 1923.

*Зуев Ю. А.* — К вопросу о языке древних усуней. // Вестник АН Каз ССР. 1957. — № 5. С. 61—74.

*Зуев Ю. А.* — Тамги лошадей из вассальных княжеств // ТИИАЭ АН Каз ССР. Алма-Ата, 1960. Т. 8.

*Зуев Ю. А.* — К этнической истории усуней. // ТИАЭ АН Каз ССР. — 1960. — Т. 8. С. 5—29.

*Ибн ал Асир* — Ал-Камил фи-т-тарих. По изд. С. И. Торенберга: Пер. с араб.: И. Н. Леманова, С. Волина. // МИТГ. Т. I. М.—Л., 1939. С. 358—408; То же. Пер. с араб. К. Б. Старковой. // МИКК. Т. I. М., 1973. С. 52—76.

*Ибн ал Факих* — Kompedium libri kitab al Bolam antore ibn al Fakih al Namadani // BGA, 1885. P. 322—336.

*Ибн Хаукал* — Vial et regna. Desription ditionis moslemical antore

Abul-Kasim ibn Naukal. BGA, 1873. — II; МИТТ. Т. I. — М. Л., 1939. С. 181—183.

*Ибн Хаукал Абу-л Косим Мухаммед* — Китаб сурат ал-арз (Картина земли), // МИСЦА X—XIX вв. — Ташкент, 1988. С. 18—20.

*Ибн Хордадбек* — Kitab al-Masalik Wail mamalik, // BGA, 1889. VI.

*Иванов П. П.* — Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве 1821—1825 гг. // Труды Ин. Востоковед. АН СССР. М.—Л., 1937. — Вып. XXVII.

*Иванов П. П.* — Хозяйство джуйбарских Шейхов. М.—Л.: Изд. АН СССР, 1954. С. 379.

*Иванов П. П.* — К истории развития горного промысла в Средней Азии. Краткий ист. очерк. — Л.—М., ОНТИ, 1932. С. 80.

*Иванов П. П.* — Очерки исторической этнографии каракалпаков. — М.—Л.: Наука, 1950. С. 247.

*Идриси* — Geographie d'Edrisi trouite de l'eorabe en trancais d'apres daux manuscrits de la Bibliotheque du Roi accompagne de notes, por. A. Jaubert, T I—II. — Paris, 936—1840. — P. 444—457.

*Иловайский Д. И.* — История России. Ч. I. — М., 1876.

*Иностранцев К. А.* — Коркуд в истории легенды. // ЗВОРАО. — СПб., 1912. — Т. XX. С. 40—46.

*Истахри* — Viae regnorum. Descriptio ditionis moslemical antore Pbu Ishak abu — Farisial // Istakhri BGA. — 1870. — Т. I: МИТТ. Т. I. — М.—Л., 1939. — С. 181—183; МИКК. Т. I. М., 1973. С. 15—34.

История ат-Табари. Пер. с араб. В. И. Беляева, с доп. О. Г. Большакова, А. Б. Халидова. — Ташкент: Фан, 1987. С. 444.

История Болгарии: В 2-х т. М.: Изд. АН СССР. Т. I. — 1954. С. 576. Т. 2. — 1955 С. 611.

История народов Узбекистана. Т. I. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1950. С. 474.

История народов Узбекистана. Т. II — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1947. С. 424.

История Узбекской ССР. Т. I. Кн. 1. — Ташкент: Изд. АН УзССР 1955. С. 543.

История Узбекской ССР. Т. I. Кн. 2. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1956. С. 498.

История Узбекской ССР. Т. I. Ташкент: Фан, 1967. С. 770.

Ўзбекистон ССР тарихи: Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. — Тошкент. «Фан», 1974. 656-бет.

История Тувы. Т. I. — М.: Наука, 1964. С. 410.

Историко-топографический обзор района Ташкента. // Древности Ташкента. — Ташкент, 1976. С. 115—130.

*Йакут ал-Хамави* — Муджам ал-булдан. Пер. с араб.: О. Б. Фроловой, Б. Вахабовой. // МИСЦА X—XIX вв. Ташкент, 1988. С. 76—88.

*Кабанов С. К.* — К вопросу о столице Кидаритов. // ВДИ. — 1953. № 2. С. 201—207.

*Кабанов С. К.* — Археологические данные к этнической истории южного Согда в III—VI вв. // СА. — 1963. — № 1. С. 219—230.

*Кабанов С. К.* — Культура сельских поселений южного Согда в III—VI вв. — Ташкент. «Фан». 1981. С. 128.

*Кабиров А. К.* — Археология Чаткала. // Тр. Ин-та яз. и лит. АН Кирг ССР. — 1955. № 5. С. 16—29.

*Кадырбаев А. Ш.* — Тюрки и иранцы в Китае и Центральной Азии XIII—XIV вв. Алма-Ата. Илым 1990. С. 159.

*Калоев Б. А.* — Осетины. М.: Наука, 1971 С. 243.

*Камалиддинов Ш. С.* — Историческая география Тохаристана и южного Согда по арабоязычным источникам IX—нач. XIII вв.: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. — Ташкент, 1993. С. 46.

*Караев О. К.* — История Караханидского каганата (X—нач. XIII вв.). — Фрунзе: Илим 1983. С. 301.

*Карамзин Н. М.* — Соч. Т. 1. История государства Российского. — СПб., 1803. С. 304.

*Кармышева Б. Х.* — Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Вып. I. Историко-этнографический очерк животноводства в дореволюционный период. // ТИИАЭАН Тадж ССР. — 1960. — Т. XXVIII. С. 97—127.

*Кармышева Б. Х.* — Этнографическая группа «тюрк» в составе узбеков // — СЭ. — 1960. № 1. С. 3—22.

*Кармышева Б. Х. Пешерева Е. М.* — Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта. // СЭ. — 1964. № 1. С. 6—21.

*Кармышева Б. Х.* — Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. — М.: Наука, 1976. С. 323.

*Кесати Р.* — Раскопки на Пайкенде в 1940 году // СГЭ. — Л., 1947. Вып. IV. С. 26—29.

*Кессарский П.* — История войн римлян с персами. — СПб., 1880.

*Киселев С. В.* — Древняя история Южной Сибири. — М.: Изд. АН СССР, 1951. С. 643.

*Кисляков В. И.* — А. Л. Грюберг. Языки Восточного Чиндукуша. Мунджанский язык. Тексты, словарь, грамат. очерк. // СЭ. — 1974. № 4. С. 182—183.

*Кляшторный С. Г.* — Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. — М.: Наука, 1964. С. 215.

*Ковалевский А. П.* — Книга Ахмеда ибн-Фадлана о его путешествии на Волгу в 921—922 гг. Харьков, 1956. // МИТТ. Т. I. — М.—Л., 1939. С. 155—162.

*Кожемяко П. Н.* — Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. — Фрунзе: Изд. АН Кирг ССР, 1959. С. 186.

*Кожемяко П. Н.* — Оседлые поселения Таласской долины // Археол. памятники Таласской долины. — Фрунзе, 1963. С. 7—11.

*Кожемяко П. Н.* — К вопросу о топографии Средневековых поселений Чуйской долины. // — Материалы второй конф. совершенная археологов и этнографов Ср. Азии. — М.—Л., 1959.

*Козлов В. И.* — О понятии этнической общности // СЭ. — 1967. № 2. С. 100—110.

*Козлов В. И.* — Этнос и теория. // СЭ. — 1971. № 6. С. 89—100.

*Козлов В. И.* — Проблемы этнического самосознания и ее место в теории этноса // СЭ. — 1974. № 2. С. 79—92.

*Кононов А. Н.* — «Родословная туркмен», Сочинения Абу-л-Гази Хама хивинского. — М.—Л.: Изд. АН СССР. 1958. С. 193.

*Костенко Л. Ф.* — Туркестанский край. Опыт воен.-стат. обозрения Турк. воен. округа // МПСР. Т. I. — СПб., 1880.

*Кочнев Б. Д.* — Новые нумизматические данные по истории



Караханидов второй половины XII—нач. XIII в. // Киргизия при Караханидах. — Фрунзе, 1983. С. 75—103.

Кочнев Б. Д. — Караханидские монеты: Источниковедческое и историческое исследование: Автореф. дис. до-ра ист. наук. — М., 1993. С. 45.

Кочнев Б. Д. — Клад монет бухарского типа из Мианкаля. // НУ. — Ташкент, 1990. С. 49—78.

Кудамма. — Kitab al-masalik wal mamalik (liber viarum et regnorum) antore Abul-Kasim Obaidallah ibn Abdallah — ibn Khordadhbhen et Excerpta e kitab-a Kharady antore Kodama ibn Djafar qual cum versione gallica edidit, indicibus et glossario intruxit M. J. de Goeje, Lugduni-Ratorum // BGA. — 1889. Т. VI.

Кудряшов В. К. — Половецкая степь (XIII). // ЗРГО. Нов. сер. — М., 1948. Т. II.

Кузеев Р. Г. — Очерки исторической этнографии башкир. Ч. I. — Уфа: Башкниго-издат, 1957. С. 184.

Кузеев Р. Г. — Происхождение башкирского народа. — М.: Наука, 1974. С. 571.

Кузбмина Е. Е. — В стране Кавата и Афрасиаба. — М.: Наука, 1977. С. 144.

Кумеков Б. Е. — Государство кимаков IX—XI вв. по арабским источникам. — Алма-Ата: Наука, 1972. С. 156.

Кун В. Н. — Черты военной организации средневековых кочевых народов Средней Азии. // УЗТПУИ. Сер. обществ. наук. — Ташкент, 1947. — Вып. 1. С. 15—31.

Кушнер П. И. — Этнические территории и этнические границы // ТИЭ, Нов. сер., — М.—Л., 1951. — Т. 15. С. 280.

Кызласов Л. Р. — Работа Чуйского археологического отряда в 1953—1954 гг. // КСИЭ АН СССР, — 1957. Вып. XXVI. С. 88—96.

К этнической истории туркмен Среднеазиатского междуречья // Туркмены в Среднеаз. междуречье. — Ашхабад, 1989. С. 7—25.

Кюннер Н. В. — Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. — М.: Изд. вост. лит., 1961. С. 392.

Лашук Л. П. — Опыт типологии этнических общностей средневековых тюрок и монголов. // СЭ. — 1968, № 1, С. 95—106.

Литвинский Б. А. — Саки, которые за Согдом, // Тр. АН Тадж ССР. Памяти Михаила Степановича Андреева. — Сталинабад, 1960. Т. СХХ.

Литвинский Б. А. — Древние кочевники «Крыши Мира». — М.: Наука, 1972. С. 269.

Литвинский Б. А. — Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы. // История и культура народов Ср. Азии, — М., 1976.

Литвинский Б. А. — Этнические процессы в раннесредневековой Фергане (палеоантропологические и лингвистические аспекты). // Проблемы археологии Евразии и Сев. Америки. — М., 1977.

Литвинский Б. А. — Этногенез и этническая история народов Средней Азии и Казахстана в древности и в средневековье (теор. аспекты) ПЭЭИНСАК. — М., 1990. С. 21—41.

Логофет Д. Н. — Бухарское ханство под русским проректоратом. Т. 1. — СПб., 1911. С. 340.

- Макдиси* — Descriptio imperii mislemice // BGA. — 1877. Т. III.
- Макшеев А. И.* — Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестане крае // ЗРГООС. — СПб., 1871. Т. II., С. 1—60.
- Малицкий Н. Г.* — Объяснительная записка к этнической карте Ташкентского уезда (долина реки Чирчик и Ангрена с приложением карты) составлен в 1924—25 гг. // Архив Ин-та истории АН УзССР.
- Малицкий Н. Г.* — Учебное пособие по географии ТаджССР (курс родиноведения). Ч. 1. — Ташкент—Сталинобад: Таджгосиздат, 1929. С. 47.
- Малов С. Е.* — Отчет о путешествии к уйгурам и саларам. // ИРКСВА. — СПб., 1912. — № 11. С. 94—99.
- Малов С. Е.* — Памятники древнетюркской письменности. — М.—Л.: Изд. АН СССР 1951. С. 452.
- Малов С. Е.* — Язык желтых уйгуров. — Алма-Ата: Изд. АН КазССР, 1957. С. 197.
- Малов С. Е.* — Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1959. С. 111.
- Малавкин А. Г.* — Уйгурские государства в IX—XIII вв. — Новосибирск: Наука, 1983. С. 297.
- Марков Г. Е.* — Кочевники Азии. — М.: ШГУ, 1976. С. 318.
- Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской республике. Ч.1. Поселенные итоги. Вып. III: Поселенные итоги Сырдарьинской области. — Ташкент, 1923. С. 142.
- Массон В. М., Ромоди В. А.* — История Афганистана. Т. 1. — М.: Наука, 1964. С. 464.
- Массон В. М.* — Алтын-Депе // ЮТАКЭ. — Л. 1981. — Т. 18. С. 175.
- Массон В. М.* — Монетные находки, зарегистрированные в Средней Азии в 1930 и 1931 гг. // Материалы Узкомстаркса. Вып. 5. Ташкент, 1933.
- Массон В. М.* — Ахангаран. Археол. топогр. очерк. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. С. 144.
- Массон В. М.* — Клад дирхемов конца X—начала XI в. Из города Янги Юль Ташкентской области // ИАЭСА. — М., 1968. — С. 237—243.
- Масъуди.* — Kitab at tanlih woll-ischarf // BGA. — 1894. — Т. VIII; МИТТ. Т. I. — М.—Л., 1939. С. 164—165.
- Масъуди.* — Les prairies dior texte et traduction par. С. Barbier de Meunard e ravet de Cartelle. Т. I.— Paris, 1861; Т. VIII. — Paris, 1870.
- Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Турк. респ. Ч. 1. Поселенные итоги. Вып. 3. Поселенные итоги Сырдарьинской области. — Ташкент: Изд. ЦСУ Турк., 1923. — 142 с.
- Материалы Всероссийской переписи. 1920 г. Ч.1. Вып. 4. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. — Ташкент, 1924. С. 119.
- Материалы междунар. сес., посвящ. истории Ср. Азии и Казахстана в до-окт. период. — Т., 1955.
- Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. 1—2. — Ташкент, 1926. Ч. 1. Бухара. — 148 с. Ч. 2. Хорезм. С. 141.
- Махмуд ибн Вали.* — Море тайн относительно доблестей благо-

родных. (География) / Введ., пер. примеч., указатели Б. А. Ахмедова. — Ташкент: Фан, 1977. С. 167.

*Махмудов Қ.* — Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. — Тошкент. «Фан», 1972. 300-бет.

*Махмудов Қ.* — Баласағун // ОНУ. — 1972. № 2. С. 47—50.

*Миллер В. Ф.* — Осетинские этюды. Ч. III. — М. 1889.

*Мошкова В. Г.* — Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // ТИИА АН УзССР. — Ташкент, 1950. — Т: II. С. 135—158.

*Муканов М. С.* — Этнический состав и расселение казахов Среднего жуза. — Алма-Ата: Наука, 1974. С. 200.

*Мусакаева А.* — Античные и раннесредневековые монеты музея истории им. Айбека // НУ. — Ташкент, 1990, С. 18—31.

*Мухаммад ибн Мансур Мерверруди.* — «Тарих-и Мубаракшах» // МИСЦА X—XIX вв. — Ташкент, 1988. С. 90—93.

*Мухаммеджанов А. Р.* — История орошения Бухарского оазиса. — Ташкент, 1976. С. 78.

*Мухаммеджанов А. Р.* — Қадимги Тошкент. — Тошкент: Фан, 1988. 59-бет.

*Мухаммеджанов А. Р.* — Қадимги Бухоро. — Тошкент: Фан, 1991. 52-бет.

*Мухаммад Солих.* — Шайбонийнома. — Тошкент: Ўз Фан, 1961. 360-бет.

*Мухаммед Юсуф Мунши.* — Муқим-ханская история / Пер. с тадж., предисл., примеч. указатели А. А. Семенова. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1956. С. 303.

Народы Сибири. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1956. С. 1083.

Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 1. — М.: Изд. АН СССР, 1962. С. 768.

*Наршахий абу бакр Мухаммад ибн Жаъфар* — Бухоро тарихи // Форс-тожик тилидан тарж. А. Расуловники. — Тошкент. «Фан», 1966. 120-бет.

*Негматов Н. Н.* — Государство Саманидов. — Душанбе: Дониш, 1977. С. 279.

Новгородская первая летопись старшего и младшего изводов. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1950. С. 642.

*Новиков В. А.* — Узбеки // Система личных имен у народов мира. — М., 1986.

*Окладников А. П.* — Новые данные по истории Прибайкалья в тюркское время. (Согдийская колония на р. Унге) // Тюркол. исслед. — М.—Л., 1963. С. 273—291.

*Оранский И. М.* — Введение в иранскую филологию. — М.: Изд. Вост. лит. 1960. С. 490.

Очерки истории СССР IX—XV вв. Ч. 1. IX—XIII вв. — М.: Изд. АН СССР, 1953. С. 984.

Очерк этнической истории туркмен Среднеазиатского Междуречья. Ашхабад, 1989. С. 220.

*Ошанин Л. В.* — Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии // СЭ — 1947. № 6—7.

*Ошанин Л. В.* — Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов: В 3-х ч. Ереван: Изд. Ереван ун-та. Ч. 1. — 1957. С. 139. Ч. 2. 1958. Ч. 3. 1959. С. 196.

- Ошанин Л. В., Зезенкова В. Я.* — Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. — Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. С. 164.
- Петров К. И.* — Расшифровка некоторых этнотерминов из «Истории Менаандра Протектора — Византийца». // Тюркология — 88. — Фрунзе, 1988. С. 516—517.
- Пигулевская Н. В.* — Сирийские источники по истории народов СССР. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1941. С. 172.
- Пидаев Ш. Р.* — Монеты из Мирзакул-тепа // НУ. Ташкент, 1990.
- Писарчик А. К., Кармышева Б. Х.* — Опыт сплошного этнографического обследования Кулябской области // ИАН Тадж ССР. — 1953. Вып. III, С. 73—97.
- Плетнева С. А.* — Печенеги, тюрки и половцы в южнорусских степях // МЦА. — 1958. № 62.
- Плетнева С. А.* — Хазары. — М.: Наука, 1986. С. 89.
- Плетнева С. А.* — Половцы. — М.: Наука, 1990. С. 204.
- Позднеев Д.* — Исторический очерк уйгуров (по китайским источникам). — СПб., 1899.
- Полное собрание русских летописей, Т. 2. М.: Изд. вост. лит., 1962. С. 938.
- Пономарев А.* — Кумана-половцы // ВДИ. — 1942. № 2.
- Потапов Л. П.* — Этнический состав сагайцев, // СЭ. — 1947 — № 3. С. 103—127.
- Потапов Л. П.* — Этнический состав и происхождение алтайцев. — Л.: Наука, 1969. С. 196.
- Проспект отчета Туркестанского генерал-губернатора за 1881 г. СПб., 1885.
- Путеводитель по Катагану и Бадахшану, или отчет о поездке в 1920 г. главнокомандующего военного министра Сердара Мухаммад Надирана Гази в сопровождении Мавлави-Бурхан-уд-Дина Кушкеки. — Ташкент, 1926.
- Путешествия в восточные страны ПIANO Карпени и Рубрука. — М., 1957.
- Работа Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949—1953 гг. — М.: Изд. АН СССР.
- Радлов В. В.* — Из Сибири. — М.: Наука 1989. С. 749.
- Радлов В. В.* — К вопросу об уйгурах // ЗИАН, ТХКИ (Приложение). №2. — СПб., 1893.
- Радлов В. В.* — Опыт словаря тюркских наречий. Т.1. ч.2. — СПб., 1893. С. 66.
- Рамstedт Г.* — Перевод надписи Селенгинского камня, // ТТКОПРГО. — 1914. Т. 15. Вып. 1. С. 40—49.
- Расовский Д. А.* — Половцы. *Seminarium Kandakovinum*. VIII. Сборник статей по археологии и византиковедению, изданный Институтом им. Кандакова. Praga, 1936.
- Рашид-ад-Дин* — Сборник летописей. — М.—Л.: Изд. АН СССР. Т. 1, кн. 1. 1952. С. 222. Т. 1, кн. 2. 1952. С. 316. Т. 2. 1960. С. 248. Т. 3. 1946. С. 340.
- Рерих Ю. Н.* — Тохарская проблема // НАА. — 1963 — № 6. С. 118—123.

- Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш.* — Ўзбек диалектологияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1978. 231-бет.
- Ртвеладзе Э. В.* — Подражания кушанским монетам. // НУ. — Ташкент, 1990. С. 18—31, 40—48.
- Руденко С. И.* — Горно-алтайские находки и скифы. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1952. С. 268.
- Руденко С. И.* — Культура населения Центрального Алтая в скифское время. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1960. С. 360.
- Рустамбек хожи Шасуддин ўели* — Бобурни излаб. — Андижон, 1993.
- Салимов Х.* — Население Средней Азии. — Ташкент.: Б. И., 1975. С. 17.
- Сальников К. В.* — Бронзовый век южного Зауралья // МИА. Т. — 21. М., 1951. С. 94—151.
- Самоилович А. Н.* — Турецкие и монгольские элементы населения Афганистана // Афганистан. Ч. 1. — М., 1924.
- Самойлович А. Н.* — Из турецкой старины. // — Сб. в честь 70-летия Григория Николаевича Потанина. СПб., 1909.
- Семенов А. А.* — К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана // МИТУ. Вып. 1; ТИИАЭ АН Тадж ССР. 1954. — Т. 12.
- Семенов А. А.* — Два новых исторических документа эпохи Дария Гистаспа (522—485 л. до Р. Х.) // БСАГУ. — Ташкент, 1928. — № 17. С. 59—62.
- Сиасет-нэмэ. Книга о правлении визира XI столетия Низам ал-Мулька / Пер., введ. в изучении памятника и примеч. Б. Д. Заходера. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1949.
- Список населенных мест Ферганской области. — Скобелев, 1909. С. 25.
- Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской ССР. Вып. VII. Сурхандарьинская область. Самарканд, 1925. — 39 с.
- Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской ССР. Вып. VI. — Самарканд, 1924. С. 35.
- Спришевский В. И.* — Чустское поселение эпохи бронзы // КСИИМК. — 1957. Вып. 69 — С. 40—49. — 1958. Вып. 71. С. 86—98.
- Сухарева О. А.* — К вопросу об исторической топографии г. Бухары X—XII вв. // Тр. АН ТаджССР. — 1954. — Т. XXVII.
- Султанов Т. И.* — Кочевые племена Приаралья в XV—XVII вв. — М.: Наука, 1982. С. 133.
- Темур тузуклари. Форс. А. Согурий, Ҳ. Караматов тарж. — Тошкент, 1991. 144-бет.
- Теплоухов С. А.* — Опыт классификации древних металлических культур Минусинского края // Материалы по этнографии. Т. 4, Вып. 2. — Л., 1929. С. 41—62.
- Тереножник А. И.* — Холм Ак-Тепе близ Ташкента // Тр. ИИА АН Уз ССР. Ташкент, 1948. Т. 1. С. 71—134.
- Тизенгаузен В. Г.* — Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т. 1, СПб., 1884: С. 563. Т. II, — М.—Л., 1941. С. 308.
- Толстов С. П.* — Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии // СЭ. — 1947. № 6—7.
- Толстов С. П.* — Древний Хорезм. — М., 1948. С. 352.
- Толстов С. П.* — По следам древне-хорезмской цивилизации. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1948. С. 322.

- Толстов С. П., Итина М. А.* — Проблемы суярганской культуры // СА. — 1960. — № 1. С. 14—35.
- Толстов С. П.* — Огузы, печенеги и Море Даукара. Заметки по исторической этнонимике Приаралья // СЭ. — 1950. — № 4. С. 49—54.
- Толстов С. П.* — Города Огузов // СЭ. — 1947. — № 3. С. 55—102.
- Толстов С. П.* — По древним дельтам Окса и Яксарта. — М.: Изд. Вост. лит., 1962. С. 324.
- Толстова Л. С.* — Некоторые сведения о бухарских караалпаках // ВКФ АН УзССР. — 1961. — № 1. С. 27—39.
- Толстова Л. С.* — Караалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX — начале XX века. — Нукус — Ташкент: Караалпакигиз, 1963. С. 227.
- Токарев С. А.* — Проблема типов этнических общностей // Вопр. философии. — 1964. — № 11. С. 43—53.
- Тревен К. В.* — Эфталиты Хиониты // История народов Узбекистана. — Ташкент, 1950. С. 127—130.
- Тревен К. В.* — Кушаны, Хиониты и эфталиты по армянским источникам IV—VII вв. (К истории народов Ср. Азии) // СА. Т. XXI. — М.—Л., 1954.
- Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. II. — М.: Изд. АН СССР, 1958. С. 811.
- Умняков И. И.* — Тохарская проблема // СЭ. — 1947. № 6—7.
- Умняков И. И.* — К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары // Сб. Турк. вост. ин-та в честь А. Э. Шмидта. — Ташкент, 1923. С. 148—157.
- Феодоров-Давыдов Г. А.* — Кочевники восточной Европы под властью золотоордынских ханов. — М.: Изд. Моск. ун-та, 1966. С. 274.
- Феофилакт Симокатта* — История. Пер. с греч. С. И. Кондратьева. — М.: Изд. АН СССР, 1957. С. 224.
- Феодоров М. Н.* — К вопросу об исторических судьбах дехканства при Караханидах (по данным караханидской нумизматики) // СА. — 1975. — № 1. С. 109—117.
- Феодоров М. Н.* — Очерки истории Караханидов конца X—нач. XIII в. По нумизматическим данным // Киргизия при Караханидах. — Фрунзе, 1983. С. 103—135.
- Фрейман А. А.* — Описание публикации и исследование документов с горы Муг. — М.: Изд. вост. лит., 1962. С. 90.
- Хвольсон Д. А.* — Известия о Хазарах, буртасах, болгарях, мадьярах, словаках и руссах. Абди-Али Ахмеда бен Омара. Ибн Доста. — СПб., 1869.
- Ходжайов Т. К.* — Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапалли-тепа. — Ташкент: Фан, 1977. — 111 с.
- Ходжайов Т. К.* — К палеоантропологии древнего Узбекистана. — Ташкент. «Фан», 1980. С. 167.
- Ходжайов Т. К.* — Этнические процессы в Средней Азии в эпоху Средневековья. — Ташкент: Фан, 1987. С. 207.
- Хомич Л. В.* — О содержании и понятии этнических процессов // СЭ. — 1969. — № 5. С. 79—87.
- Хорошхин А. П.* — Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. С. 533.
- «Худуд ал-алем» По изд. В. В. Бартольда, рукопись Туманского. —

Л.: Изд., АН СССР, 1930; — 78 с. МИТТ. Т. I. — М.—Л., 1939. С. 209—217 (пер. А. А. Омаскевича); МИКК. Т. I. — М., 1973. С. 37—45. (пер. З. Н. Ворожейкиной).

*Хусайн али* — Украшение летописей / Пер. с перс. Г. А. Волошиной — Ташкент: Наука, 1965. С. 184.

*Чебоксаров Н. Н.* — Проблемы происхождения древних и современных народов (вступ. слово на симпозиум) // Тр. VII МКАЭН. Т. 5. М., 1970.

*Чебоксаров Н. Н.* — Проблема типологии этнических общностей в трудах советских ученых. // СЭ. — 1967. — № 4. С. 94—109.

*Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А.* — Народы, расы, культуры. — М.: Наука, 1985. С. 271.

*Чистов К. В.* — Этническая общность, этническое сознание и некоторые проблемы духовной культуры. // СЭ. — 1972. № 3. С. 73—85.

Чулуны Далай. Монголия в XIII—XIV веках. — М.: Наука, 1983. С. 145.

*Шелепов Г. В.* — Общность происхождения — признак этнической общности. // СЭ. — 1968. № 4. С. 65—74.

*Шербак А. М.* — Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1961. С. 204.

*Шербак А. М.* — Огуз-наме. Мухаббат-наме. — М.: Изд. вост. лит., 1959. С. 171.

*Шербак А. М.* — Грамматика староузбекского языка. — М.—Л.: Изд. АН СССР, 1962. М. С. 274.

*Шербак А. М.* — О чтении легенд на тюркских монетах // Уч. зап. ИВ АН СССР. — 1958. Т. XVI. С. 514—561.

*Шишкин В. А.* — Архитектурные памятники Бухары. — Ташкент: Комитет Наук УзССР, 1936. С. 100.

*Шишкин В. А.* — Варахша. — М.: Изд. АН СССР, 1963. С. 250.

*Шоабдурахмонов Ш.* — Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот // Ўзбек халқ шевалари лугати. — Тошкент, 1971. 386—407-бетлар.

*Шоабдурахмонов Ш.* — Ўзбек диалектологияси. — Тошкент, 1978. 173-бет.

*Шаниязов К. Ш.* — Ценный труд ученого лингвиста // ОНУ. — 1961. — № 3. С. 72—73.

*Шаниязов К. Ш.* — Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. К. 4. — Тошкент, 1962. 481—490-бетлар.

*Шаниязов К. Ш.* — Узбеки-карлуки. — Ташкент: Наука, 1964. С. 195.

*Шаниязов В. К. Ш.* — Узы. (Из истории родоплеменных делений узбеков) // ОНУ. 1972.

*Шаниязов К. Ш.* — К вопросу расселения и родовых делений Канглы // Этногр. изучение быта и культура узбеков. — Ташкент, 1972. С. 4—12.

*Шаниязов К. Ш.* — К этнической истории узбекского народа. — Ташкент. «Фан», 1974. С. 242.

*Шаниязов К. Ш.* — Кипчаки в узбекской этнической среде в доктябрьский период (Процессы интеграции) // ЭПН—ГСАК. — М., 1980. С. 136—156.

- Шаниязов К. Ш.* — Этнокультурные связи узбеков с другими тюрко-язычными народами Средней Азии и Казахстана // Пробл. совр. Тюркологии. — Алма-Ата, 1980. С. 358—261.
- Шаниязов К. Ш.* — О формировании тюрко-язычных народностей Средней Азии // Материалы III тюрко-языч. конф. ФЛИВ. — Ташкент, 1984. С. 343—347.
- Шаниязов К. Ш.* — К вопросу об участии тюркских племен Центральной Азии и Южной Сибири в этногенезе узбекского народа. // Ист. культурные контакты народов Алтайской языковой общности. Т. I, М., 1986. С. 70—73.
- Шаниязов К. Ш.* — О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. // ОНУ. — 1981. — № 6. С. 28—37.
- Шаниязов К. Ш.* — Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV—XVII вв. // МЭИНСА. — Ташкент, — 1986. С. 83—93.
- Шаниязов К. Ш.* — Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент. «Фан», — 1990. — 168 б.
- Шаниязов К. Ш.* — К вопросу о тюрко-язычных компонентах в сложении узбекской народности. // ПЭЭИНСАК. — М., 1991.
- Эрматов Э.* — К вопросу о происхождении названия «узбек». // Уч. зап. ТГПИ. — Ташкент, 1964. — Т. 49. С. 151—191.
- Эрматов Э.* — Этногенез и формирование узбекского народа. — Ташкент. — Узбекистан. — 1968. С. 199.
- Юсуф хос Ҳожиб* — Қутадғу билиг. Тошкент. «Фан», 1971. 964-бет.
- Якуби* — ВГА. VII; МИТТ. Т. I. — М.-Л., 1939. С. 146—149.
- Якубовский А. Ю.* — Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. // ТОВЭ. — Л. — 1940. Т. II.
- Якубовский А. Ю.* — Развалина Ургенча. // Изв. ГАИМК. — Л. — 1930. — Т. VI, вып. 2.
- Якубовский А. Ю.* — Развалина Сыгнака (Сугнака) ГАИМК. — Л. — 1929. Т. II. С. 123—159.
- Якубовский А. Ю.* — Сельджукское движение и туркмены в XI в. // Изв. АН СССР. Отд. Обществ. Наук. — 1937. — № 4. С. 921—946.
- Якубовский А. Ю.* — Махмуд Газнави. (К вопросу о происхождении и характере Газнавийского государства) // «Фердовси» 934—1934. — Л., 1934. С. 51—96.
- Якубовский А. Ю.* — Из истории археологического изучения Самарканда. // ТОВЭ. — Л., 1940. — Т. II. С. 285—337.
- Якубовский А. Ю.* — К вопросу о этногенезе узбекского народа. — Ташкент: Уз Фан — 1941. С. 19.
- Якубовский А. Ю.* — Вопросы этногенеза туркмен в VIII—X вв. // СЭ. — 1947. — № 3. С. 48—54.
- Якубовский А. Ю.* — Арабские и персидские источники об Уйгурском-Турфанском княжестве в IX—X вв. // ТОВЭ. — Л. — 1947. — Т. IV. С. 423—443.
- Якубовский А. Ю.* — Восстание Муканны — движение людей в «белых одеждах» // — 1949. Т. V. С. 35—54.
- Якут.* — Geographisches workerbuck aus den Hanschriften Zu Berlin, St Peterburg, Paris, London und Oxford 888 hrsg. Von F. wustenfeld, Bd. I—II, Bd. IV. — 1869. С. 999.



Ярхо А. И. — Краткий обзор антропологического изучения ту-  
реских народностей СССР за 10 лет (1924—34). // Антропол. Журн.—  
1936. № 1.

Маҳмуд Қошғарий. — Девону луғатит турк. Тарж. ва нашрга  
тайёрловчи С. М. Муталибов. — Тошкент: Ўз Фан, — 1960. 1-  
жилд, 1960. 2-жилд, 499-бет; 1961. 427-бет; 3-жилд, 1963.  
466-бет.

Фулумов Я. Ф., Набиев Р. Н., Ваҳобов М. Г. — Ўзбекистон ССР  
тарихи. — Тошкент. Ўз фан, 1958. 691-бет.

Фулумов Я. Ф. — Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадим замон-  
лардан ҳозиргача. — Тошкент. Ўз Фан, 1959. 323-б.

Chavannes Ed. — Documents sur les Toukie (Turks) occidentaux. //  
Сб. тр. арханской экспедиции. — 1903. — Вып. VI. P. 1—378.

Cherebaddin Ali. — Natif d'jezd. // Histoire de timu- Bec... t1, IV.  
Delt 1723.

Shiritiril K. — Uber die Wu-sun stammn in Zentral Asien — keletes  
zeme. Bedapest, 19028 — H8 103—140.

D'onsson K. — Les peuples de coucace. — Paris, 1882.

Aemel Esin. — Islamiyetten onceki turk kulturu. Tarihi ve islama giris. —  
Istanbul. 1978.

Enoki K. — On the nationality of the Epthalities. // Memoirs of the  
research department of the Toy Bunco. — Tokyo, 1959. — № 18. —  
P. 1—58.

Enoki K. — The origins of the white huns or Hephthalites. // East and  
West — 1958 — V. VI. — № 3. — P. 232—235.

Ergogan MRCIL — Musulman Turk devletleri tarihi. — Ankara,  
1933.

Erye R. N. — Sayili. Turks in the middle East before the Saljuks. //  
Journal of the Royal Asiatic society. — London, 19438 — V. 63, № 3. P.  
204—207.

Fahrennin kirzioglu U. — Kur ve coruk boylarindaki parlar. — Ankara,  
1992.

Franke O. — Geschichte des chinesischen Reiches. Bd. II.— Berlin,  
1936. — P. 492—495.

Gabain A. V. — Das leben im uigurischen konigreich Qoco (850—  
1250). // Veroffentlichungen der Societas Uralo-Altaica. Bd. 6. — Wiesbaden.  
1873.

Ghirshman R. — Les chionites — Heptalites le Kaire. // MDAFA  
XIII. — 1948. — P. 23—40.

Giraud R. — L'empire des Turks celetes. Les regnes d'Elterch, Qopghan  
et Bilga (680—734). // Contribution a l'histoire des Turks d'Asie Centrale. —  
Paris, 19608

Hoffmon Helmut — Die Qarluk in der Tibetischen literatur. // Oriens.  
V. 3, ner 2, 31.10. — Leiden, 1950. — S. 190—208.

Hirt F. — Chinesische Quellen zurkenntnis der Turkvulker und  
skuthen Zentral Asiens. — Berlin. 1904.

Ibrahim Rafesoglu. — Turk milli kulturu. 7 baski. — Istanbul, 1991. —  
S. 80—84.

Kassanyi B. — X—XII asrlarda uzlar ve kumanlar tarihinine dair turk  
tarih kurumu. // Beleten. — Cilt VIII, 29—1944.

Kha M. — Deus actes de wakyf d'un Qorahanide d'Asie Central  
Aciatique. — Paris, 1967. — V. CCLII— S. 316—331.

- Koprulu M. F.* — «Karahaniyeler» veya «Hakaniya» devleti 380—609-in // Türkiye tarihi. — İstanbul, 1923. — V. I. — C. 106—120.
- Koprulu M. F.* — Kay kabiles hakkında yeni notlar, türk tarihi kurumi Belleten. Cilt VIII, № 31. — 1944.
- Langurath Dames M.* — Afhanistan. E. 1. — S. 155—183.
- Marquarn I.* — Osteuropaische und ostasiatische stzeitzuge. — Leipzig, 1903.
- Marquarn I.* — Ueber das volkstum der komanen // AGWG. — 1914 — Bd. XIII — № 1. — S. 25—238.
- Marquarn I.* — Die chonlogie der attur kischen in schvitten. — Leipzig, 1898.
- Minorsly V.* — Eransahknach der geographie des psmoses xorenac'i Mit hiestorisch — kritischen kommentar und histirischen und topographischen excursen // AGWB. — 19018 — Bd. III. — № 2.
- Minorsly V.* — Hudud al 'Alam «The reion of the world». A persian gegraphy. 372 A. H. 982. A-D.— London, 1937.
- Minorsly V.* — The turkish diolect of the khalaj. // BSOAS. — 1940 — V.X. — pt. 2. — P. 417—437.
- Minorsly V.* — Shsaraf al-Zaman Tahir Marvazi on China the Turks fna India. — London, 1942.
- Minorsly V.* — Sawa. // Enzuropodei des Islam Bd. IV. — Leiden - Leipzig, 1908. S.195—197.
- Pritsak O.* — Korakhanidische Strafragen Oriens. 1950. — V. 3. № 2.— S. 209—228.
- Pritsak O.* — Qara. Stediezur turkischen recchetssymbolik 60 dogum yili munasebetiyle Zeki Velidi Togan Armagan Melengez Fuad koprulu. — İstanbul, 1953.
- Pritsak O.* — Die Karahaniden. // Der Islam. — 1953. — Bd. 31, Haft. 1. — S. 17—63.
- Pritsak O.* — Von den karluk zuden Karakhaniden. // in ztschr der Dt Margenlandischen Ges. — 1951. — Bd. 26. — S. 270—302.
- Pritsak O.* — Stammesnamen und Titulaturen dr altaischen volker. // Ural-Altäische johrbucher. — 1952 — Bd. XXIV, — № 1—28 — S. 49—104.
- Pulleyblank E. G.* — A sogdian colony in inner Mongolia. // TP.— 1952. V. 41. — P. 317—356.
- Radloff W. W.* — Die altturkischen in schriften der Mongolei St. Petersburg L efl. — 1894. — P. 424—453.
- Schmidt F.* — Uber pubruk's reise von 1253—55. — Burlin, 1885.
- Siddique I. H.* — Qarlekn kigdom in the western India daring the thirteenth century Islamic culture. — Hauderabad, 1980. — V. 54, №2. — P. 75—90.
- Sircar D. C.* — Studien in the gegraphic of ancient and medceval India. — Delhi, 19608 — P. 27—101.
- Theoptilakti simocattal historiarum libri octo. — Bonnae, 1934. — VII
- Thomsen V.* — Inceriptions de l'Orkhon dechiffrees par.V.Thomsen. — Helsingfors, 1896. (MSEO. V).
- Tomaschek W.* — Centralasiatische studien. 1. Sogdia na. // SBAW. Wien Bd. L XX XVII. — 1877. — S. 67—184.

## ҚИՏҚАՐТМАЛАՐ

*БСАГУ* — Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. — Т.

*ВДИ* — Вестник древней истории. — М.

*ВКФ АН УзССР* — Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. — Нукус.

*ГАИМК* — Государственная академия истории материальной культуры.

*ЖМНП* — Журнал Министерства народного просвещения. — Спб.

*ЗВОРАО* — Записки (труды) Восточного отделения русского археологического общества. — Спб.

*ЗИРГО* — Записки имп. Русского географического общества. — Спб.

*ЗРГООС* — Записки русского географического общества по отделению статистики. — Спб.

*ИАЭСА* — История, археология и этнография Средней Азии.

*ИГАИМК* — Известия государственной Академии истории материальной культуры. — М.—Л.

*ИКНСА* — История и культура народов Средней Азии. — М.

*ИИМК* — Институт истории материальной культуры. — М.—Л.

*ИМКУ* — История Материальной культуры Узбекистана. — Т.

*ИОАИЭКУ* — Известия Общества археологии, истории и этнографии при Казанском университете. — Казань.

*ИООН АН ТаджССР* — Известия Отделения общественных наук АН Тадж ССР. — Душанбе.

*ИРКСВА* — Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии. — Спб.

*КСИЭ* — Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. — М.

*МИА* — Материалы и исследования по археологии СССР. — М.—Л.

*МИКК* — Материалы по истории киргизов и Киргизии. — М.

*МИТУСА* — Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии.

*МКАЭН* — Международный конгресс антропологических и этнографических наук. — М.

*МНСПБКН* — Материалы научной сессии по проблеме происхождения болгарского и карачаевского народов. — Нальчик.

*МИТТ* — Материалы по истории туркмен и Туркмении. — М.—Л.

*МИСЦА* — Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X—XIX вв. — Т.

*МИУТТ* — Материалы по истории узбекской, таджикской и туркменской ССР.

*МЭИНСА* — Материалы к этнической истории населения Средней Азии и Казахстана. — М.

- МЭИНСА* — Материалы к этнической истории Средней Азии. — Т
- НАА* — Народы Азии и Африки. — М.
- НУ* — Нумизматика Узбекистана. — Т.
- ОНУ* — Общественные науки в Узбекистане. — Т.
- ПЛНВ* — Памятники литературы народов востока. — М.
- ПТКЛА* — Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии.
- ПЭЭИНСАК* — Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. — М.
- СА* — Советская археология. — М.
- САДС* — Средняя Азия в древности и в средневековье (история и культура). — М.
- СТОЭ* — Сборник трудов орхонской экспедиции. — М.
- СГЭ* — Сообщение Государственного Эрмитажа. — Л.
- СЭ* — Советская этнография. — М.
- ТВ* — Туркестанские ведомости. — Т.
- ТОВЭ* — Труды Отдела Востока гос. Эрмитажа. — Л.
- ТВОРАО* — Труды Восточного отделения имп. Русского археологического общества. — Спб.
- Тр.ГИМ* — Труды Государственного исторического музея. — СПб. — М.
- ТИА* — Труды Института антропологии Московского университета. — М.
- ТИВА АН СССР* — Труды Института востоковедения АН СССР. — М.—Л.
- ТИИАЭ* — Труды Института истории археологии и этнографии АН Каз ССР. — Алма-Ата.
- ТИЭ АН СССР* — Труды Института этнографии АН СССР. — Л.
- ТИИА АН УзССР* — Труды Института истории и археологии АН УзССР. — Т.
- ТКАЭЭ* — Труды Киргизской археолого-этнографической экспедиции. — Фрунзе.
- ТОВЭ* — Труды Отдела Востока государственного Эрмитажа. — Л.
- ТТКОИРГО* — Труды Троицко-яхтинского отделения имперского русского географического общества.
- ТХАЭЭ* — Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. — М.
- УЗИВ АН СССР* — Ученые записки Института востоковедения АН СССР. — М.
- УЗКУ* — Ученые записки Казанского университета. — Казань.
- УЗТПУИ* — Ученые записки Ташкентского педагогического и учительского института им. Низами. — Т.
- ФЛИВ* — Фольклор, литература и история Востока.
- ЭВ* — Эпиграфика Востока. — М.

*ЭПИЦАД* — Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. — М.

*ЭПНГСАК* — Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. — М.

*ЭОГРМ* — Этнографический отдел Государственного русского музея. — Л.

*ЮТАКЭ* — Южно-туркменская археологическая экспедиция. — М.

*AOr* — Archiv orientalni. — Praha.

*AKGWG* — Abhandlungen der koniglichen gesellschaft der wissenschaften zu gottingen

*BGA* — Bibliotheca geographorum arabicorum.

*BSO(A)S* — Bulletin of the school of oriental studies.

*GMS* — E. W. Gibb memorial new series. — London.

*MDAFA* — Memoires de la delegation archeologique frencaise en afhanistan. — Paris, Cairo.

*MSFO* — Memories de la societe finno — ongrienne.

*TP* — Tong pao, an archives concernant l'histoire, les langues, la geographie, ethnographie et les arts de l'Asie orientale. Paris-Leiden.

*SBAW* — Sitzungsberichte der deutschen akademie der wissenschaften zu Berlin, klasse fur sprachen, literatur und kunst.

## МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i> . . . . .	3
<i>Кириш</i> . . . . .	7
<b>I б о б. Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид манбалар ҳамда тарихий маълумотлар</b> . . . . .	16
1. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш тарихидан . . . . .	16
2. Асосий манбалар ва адабиётлар . . . . .	33
3. Тарихий, археологик, антропологик, нумизматик ва тилшуносликка оид асарлар . . . . .	47
4. Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид баъзи назарий масалалар . . . . .	74
<b>II б о б. Ўзбек элатининг шаклланишидан олдинги тарихий давр</b> . . . . .	103
1. Ўзбек элатининг илк аجدодлари (қисқа тарихий очерк) . . . . .	103
2. Турк хоқонлиги емирлгандан кейинги этник ва сиёсий вазият . . . . .	151
3. IX—X асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги этно-маданий жараёнлар . . . . .	189
<b>III б о б. Ўзбек аجدодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни</b> . . . . .	235
1. IX—XII асрларда Марказий Осиё минтақаларида сиёсий аҳвол . . . . .	235
2. IX—XII асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда этно-маданий жараён . . . . .	257
3. Ўзбек элатининг шаклланиши . . . . .	312
4. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган асосий компонентлар . . . . .	339
<b>IV б о б. Шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиёти</b> . . . . .	382
1. XIII—XV асрларда Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби . . . . .	382
2. XVI—XVIII асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда этно-сиёсий аҳвол . . . . .	402
<b>Хулоса</b> . . . . .	420
<i>Адабиётлар рўйхати</i> . . . . .	438

КАРИМ ШОНИЁЗОВ

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
ЖАРАЁНИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Муҳаррир *Ҳ. Султонова*  
Бадий муҳаррир *К. Акчулаков*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусаҳҳиҳ *Ш. Хуррамова*

Теришга берилди 1.08.2001. Босишга рухсат этилди 9.11.2001.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 24,36. Нашриёт ҳисоб табоғи 26,1. Алади 3.000 нусха.  
Буюртма № 2362. Баҳоси келишув асосида

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси,**  
**700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**